

Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■
47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ
НАШРИЁТИ

1979

7

Мундарижа

К. Яшин. Ҳамза. Роман	3
Э. Охунова. Рус тили — ўз тилим. Шеърлар	67
У. Усмонов. Гирдоб. Роман. (Охири)	76

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

Н. Нарзуллаев. Шукуҳ (туркум)	146
Р. Фарҳодий. Самарқанд булоқлари (туркум)	150
М. Бобоева. Ирода. Дунё боласига. Мен сиздан	153

УЛУҒ РУС ШОИРИ А. С. ПУШКИН ТУҒИЛГАН КУНГА 180 ЙИЛ ТЎЛДИ

А. С. Пушкин. Демон. Шеърлар	157
Н. Раҳимов. Нафосат ва назокат анъаналари	161
М. Иброҳимов. Нур сочади даҳо қуёши	164
Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Шеър ий қисса. (Охири)	168
М. Ҳакимов. Асовга тушов... Ҳикоя	179
И. Раҳмонов. Қора бароқ. Ҳикоя	187

ПУБЛИЦИСТИКА

И. Шоғуломов. Техника тараққиёти йўлида	193
З. Акрамов, Р. Нуринов. Орол муаммолари	202

САНЪАТ

Ҳ. Каримов. Устод рассом	206
------------------------------------	-----

ЗАРВАРАҚЛАР

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ибн Сино афсоналари	209
-------------------------------	-----

ҲАМЗА ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

С. Мирзаев. Ҳамза олимлар назарида	216
Ҳ. Ёқубов, О. Шарафиддинов, Б. Қосимов. Умрнинг мазмун	218

МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

В. Абдуллаев, Б. Валихўжаев. Навоийнинг ўз қўлёзма девони	223
--	-----

ТАНҚИД ВА АДАБИЕТШУНОСЛИК

Г. Владимиров. Ҳаётбахш эстетика	226
Т. Турдиев. Қўшиқдаги нидолар	234

ТАКРИЗ

О. Собиров. Муқаддас эътиқод ва мазонат ҳикояси	237
---	-----



Комил Яшин



РОМАН

Биринчи қисм

Ичимда тўлқинлар алам ва фироқ,
Бу ерларда кезгандир бир шоир оғам
Қани излари — ўпсам! —

Сўйла,

ел,

кўл,

тоғ!

ОҲИСК

Биринчи боб

Шоҳимардон

Янги Марғилон — Симдан чиқиб, кунботиш томон кетган йўлдан Юриб, шаҳарнинг ғарби-шимолидаги Чекшўра қишлоғи ёнидан бурилиб ўтиб бир оз илгариланса, кенг яйдоқ дашт бошланади. Ғарб ва шарққа қирқ-эллик чақиримлар чамаси узала тушиб ётган бу даштда ажриқ ҳам, янтоқ ҳам йўқ, какрадан ўзга ҳеч қандай гиёҳ кўринмайди, айлана худди сув қуйгандай жим-жит, уфқ ғамгин, ҳадикли.

Баҳорда униб чиқиб бу чўлга жон киргизадиган унча-мунча гиёҳлар борки, ёзда, саратон қуёшининг тафтида жизғинаги чиқиб кетади. Қиш фаслида бу дашт яна ҳам хунук тус олади. Баджаҳл қор бўронлари уни ўзига макон қилиб олади, қора совуқ эса, бўронга миниб, чор атрофга ер ялаб изғийди. Ҳар қандай келбати зўр йўловчини ҳам гандираклатиб қўяди. Унинг баданидан ўтиб, тану жонини чақди,

бўштоброғини эса, ғужғон ўйнаган изғирин, қуюнлар шамдай қотиради.

Даштни жануб томондан тўсиб ястаниб ётган Қалтакўл қири қадимги Риштон устидан Андижонгача чўзилиб, Фарғона водийсини иккига ажратиб турган чегарага ўхшайди.

Эҳ-ҳа инсон кўли етмаган қанчадан-қанча бебаҳо хазиналар, сирсинаот яшириниб ётган экан бу дашту қирлар бағрида...

Кунботиш томон йўл давом этади, унда дам оладиган ва ё тунаб қоладиган манзил йўқ. Қалтакўл қиридан кесиб ўтилгач, дашт уфқида қорайган бир доира кўзга ташланади. У йўловчига дафъатан чексиз лойқа денгиз четидаги оролни эслатади. Булар кўм-кўк дов-дарахтлар. «Орол»нинг кунчиқиш томонида Оқтош, Дамкўл, Аввал, Лоғон, Ёйилма, Қаптархона қишлоқлари кўринади.

Бу жойларга пойи-пиёда етиш, қишлоқларни бир-биридан ажратиб турган чўлларни босиб ўтишнинг уддасидан ҳар қандай азамат ҳам чиқавермайди.

Йўлнинг кунботар томонида Хўроз отанинг яйдоқ чўли, олис-олисларда Ямбароқ қишлоғининг қора даралари, қадимги Марғилон сойи соҳилларида бир-биридан анча узоқ жойлашган ёлғиз қўрғонлар кўзга чалинади.

Ана, эски замонларда йўлтўсарлар, қароқчиларга макон бўлган Олойчи бойнинг тош қўрғони. Бу хароба, кимсасиз, қутсиз, хилват қўрғон, эҳ-ҳа, қанчадан-қанча йўловчиларнинг мол-жонига қасд қилмаган. Мудҳиш вайрона теварак-атрофга ҳамон қаҳр-ғазаб билан хўмрайиб қараб турибди.

Йўлнинг чап томонида катта қишлоқ — Навкент жойлашган. Шарқи Қаптархонага, жануби Водилга, ғарби йўлга туташиб кетади.

Навкентнинг неча минг ботмонлаб обод, ҳосилдор ерлари Шоҳимардон мозорига вақф қилинган, ундаги уч юз уйлик деҳқон Шоҳимардон мозори шайхларининг қоранда ва чоракорлари. Шайхлардан ақалли биронтаси на кузда қўш ҳайдаб шудгор кўтарган, на кўкламда экин-тикин қилиб кетмон шамолини еган ва на ёзда шарбатга тўлиб тошадиган узумларни парвариш қилган, улар ҳосилнинг гулини олишинигина билишган, холос.

Шоҳимардон шайхларининг зубдаси, мозор мутаваллиси Оқ эшон. У ўлгандан кейин ўғли Миён Қудрат, сўнг унинг узоқ қариндоши шайх Исмоил, Хуррамбой, Бузрук Хўжага ўхшаганлар ҳар йили кузада минг пудлаб бугдой, жўхори, макка ва бошқа дон-дунларни худди осмондан тушгандай омборларига босаберишган, тоқларда тирсиллаб пишган қаҳрабодай узумлардан кажава-кажава уздириб мусаллас — «шаръий» солдиришган, олма-ўрикларни қуриттириб, тўртдан уч қисмига эғалик қилишган.

Навкентдан чиқишингиз билан Водилнинг дарахтлари қорайиб кўринади. Назарингизда манзилга етгандай бўласиз. Йўқ, ҳали Зикир ота ҳовузи, унинг ёлғиз қўрғонидан ўтишингиз, сўнгра, Марғилон кўчаси билан етти-саккиз чақирим йўл босишингиз керак. Шундан кейингина ўзингизни, Водилнинг қоқ ўртасидаман, десангиз бўлади.

Водил қадимдан бозорли қишлоқ, бу ерда ҳар душанба куни ниҳоятда гавжум, тиқилинч бозор бўлади: майдон атрофидаги икки қаватли дўконлар, савдо расталари шу ерлик бойларники. Савдо-сотиқлар ҳам Водил бойлари ва Шоҳимардон шайхларининг жарақ-жарақ ақчалари билан авж олади. Бу ернинг донғи кетган исфара ўриклари, аштак-паштакларидан улар ҳатто Ички Россияга ҳам вагон-вагонлаб жўнатиб, ҳамёнларини олтинга тўлдирадидлар. Сим, Марғилон, Андижон, Наманган шаҳарларидаги саройлар, катта-катта савдо дўконлари буларнинг нафсларини қондириб қолганлиги ҳеч кимнинг ҳали хаё-

лига ҳам келмайди. Бозорга олиб келган важини деҳқон ё боғбон кўтарасига наридан-бери сотади-ю, кам-кўстини харид қилиб, тирикчилигига шошилади. Унинг моли бошқа бозорларда икки-уч баҳода сотилиши билан унинг нима иши бор?!

Водил ерлари Шоҳимардон сувидан ичади. Бу сув бошқа жойларга ҳам худди шу ердан тақсимланади. Саккиз кун Марғилон билан Сим шаҳрига, саккиз кун Чимён, Миндон, Хонғиз, Олтиариққа оқади. Шунинг учун ҳам сув одам қонидай азиз. Олтиариқ, Сим, Марғилон теварагидаги қишлоқларнинг тақдири Водилдан тақсимланадиган сувга боғлиқ бўлганлиги сабабли, бу ерга бойлик ҳам сувдек оқиб келади. Мана шу беҳисоб бойликнинг ҳузур-ҳаловатини ҳам яна ўша бойлар, корчалонлар, мироббошилар, шайх-эшонлар кўришади.

Сув тўғонбошидан Марғилон, Чимён, Каптархона, Зилха сойларига тақсим қилиниб кейинчалик боғланади.

Водилнинг яна бир устунлиги Қоратегин — Олойдан Фарғона водийсига келадиган қўйфуруш савдогарларнинг Қорақозиқ, Исфайрам доволаридан ўтадиган савдо йўлида жойлашганлиги бўлиб, савдогарларга жуда катта қўшимча даромад келтирган. Шу маънода Водил бойлари катта қўйфуруш савдогарлар ҳисобланганликлари бежиз бўлмаган. Улар ҳар йили Сим, Марғилон, Андижон, Қўқон бозорларига минг-минглаб қўй келтириб, саноч-саноч олтин тангалар, қоғоз пулларни отларга ортиб, Водилга олиб кетишган.

Водилдан Шоҳимардонга Пўлган, Бўстон кўчалари билан чиқиб кетилади. Бу кўчалар Шоҳимардон сойининг икки ёни билан бориб, Онхўр сойининг бўйидаги қишлоқда туташади.

Онхўр сойдан ўтгандан кейин устини янтоқ, қуроқ, шўра, ажриқ, какра босиб кетган Қадамжойнинг дашти бошланади. Даштнинг ўртасида йўлнинг шарқий томонида кимнингдир меҳнати билан экилган якка туп қайрағоч ёмғир суви билан кўклаб турибди.

Қадимжойдан кейин тоғ ораси бир оз кенгайиб, Жийдалик, Қўтирбулоқ, Ухна оғзи, Ёмон жар, Лангар деган жойлардан ўтилади. Йўл Ухна оғзидан фарбга бурилиб Ухна қишлоғи ундан Сартола дашти — Сўх томонга кетади. Сўх билан айланиб Қўқонга ҳам бориш мумкин.

Ухна оғзидан Шоҳимардон сойи бўйлаб жанубга — тоғлар ораси билан юрилса, Лангар қишлоғига олиб боради. Кета-кетгунча яккам-дуккам лойшувоқ, том деворлари нураб қийшайиб тўкилай деб турган пастак уйларни кўравериб, дилингиз хира тортади. Бу жойда шайх Миён Қудрат ҳазратнинг отаси машҳур Оқ эшоннинг ўрдаси бор. Оқ эшон Худоёрхон вақтида хўп давр сурган. У Фарғона водийси, Уш, Обширдан тортиб ўтмишда ҳукмрон бўлган қора кучларнинг раҳбари эди. Эшоннинг мол-мулки беадад, қўй-эчки, қорамол, йилқи-туяси ҳисобсиз бўлганлиги сабабли бир вақтнинг ўзида бир неча минг кишини отлантиришга, уларни озиқ-овқат билан таъмин этишга бемалол қурби етган.

Теварагимизни сириб олган бу аломат манзара — тоғ-тош, пастбаланд қирлар орасида кўм-кўк арча, ёнғоқ, олча, жийда дарахтларига кўмилиб ётган, бир-бирига туташиб кетган қишлоқлардан ҳар бирининг ўз тарихи, бошидан кечирган дард-алами, ўзига хос чиройи, дилнавозлиги, чашмалари, теварак-атрофга салқин ҳаво уфуриб турган роҳатбахш шабадаси бор. Айниқса сомон шувоқ томларга босилган пичанларию қинғир-қийшиқ деворларга ёпилган таппилар, тошдан-тошга сакраган эчки-кўзиларини қўяверасиз.

Яна бири шуки, қизларининг ҳам таърифи кетган: оху кўз, ой чеҳра, дуркун, дилкаш. Йигитлари ўктам, алп қомат, қарчиғайдек ўткир.

Шоҳимардондан кейин Ердон, Қорашўра, Қорақозиқ доволари орқали Помирга йўл бор. Қорадовон, Томоша, Қоракўл орқали

Исфайрам дарасига, ундан довон ошиб, Олой орқали Тошкентга ҳам ўтса бўлади.

Олой... кўм-кўк сизот ўтлоқлари, йилқилар, биялар, қулунлар, тойчоқлар учун жаннатдек мақон. Қорашўрадан эл турмайдиған довон орқали эл турадиған жойларга етиш учун бир юз эллик чақирим йўл босиш керак. Қорашўрадан Сўх қишлоғига етгунча эллик чақирим юриш лозим. Битта от йўли бор холос. Шу тор йўлдан Афғонистонга ўтса бўлади, дейишади.

Шоҳимардон дарёси Қора қозиқ довонидан Дува дараси оралаб келиб, Чаккатомардан, харсанглар орасидан шиддат билан отилиб чиқади. Чиқадию сутдек кўпириб пастга югуради. Кўк сув эса, Қўли Қуббондан келади. Бу икки сув Шоҳимардонда қўшилишади. Соё ёқасида турган одамнинг баҳри-дили очилиб кетади. Баъзан тагида бир-бирига урилаётган катта тошларнинг гулдур-гулдуридан кишининг юраги увишади. Бу ерда чўққиларидан муздек булоқ суви аримайдиған тоғлар кўп. Қуйинди, Шаланг тоғлари яққол кўриниб туради. Санда, Кўркамбир тоғи, Фознинг бели, ундан нарироқда Қизил тоғ. Ёрдон отадан бери шарқ томонда Хуржун тоғи, чўққилари оппоқ қор билан қопланган Қорли қиз қўрғон, Дарак; Даракдан пастроқда Қора чўққи тоғи бор. Унинг пастида Избосар тоғи савлат тўкиби туради. Бу тоғлар шундай юксакки, уларнинг устидан ҳатто бургут ҳам юраги ўйнаброқ учади.

Мозор Бўкан тоғининг ёқасида. Унга пастдан икки юз эллик учта тош зинани босиб чиқилади. Хонақоҳ, дахма олдидаги майдонда тумонат одам: эркак-аёл, бола-бақра, чол-камбир. Биров букур, биров шол, биров қийшиқ, биров шилпиқ... Ким боласини етаклаб, ким отаси ёки онасини опичлаб олган. Бировнинг хотини тугмайди, бошқасининг боласи турмайди, биров ўғилга муҳтож, биров қизга. Хуллас, бу одамлар муқаддас мозорга шунчаки ва ё саёҳат иштиёқи билан келишган эмас, улардан ҳар бирининг ўз ҳожати, илинжи, дарди бор. Уларни бу ерга ана шу илинж, ҳеч кимга айтмай, сир қилиб яшириб юрган дарди олиб келган. Шунинг учун ҳам уларнинг кўзига ҳеч нарса кўринмайди, бола-чақаси анча толиқса ҳам, емай-ичмай орттирганини олиб келиб, шайхлар оёғига тўкишади.

Ана, дахманинг чинордан ясалган нақшинкор қўшқанот зил эшиги очилиб, аста-секин юриб, Оқ эшон авлодидан эллик ёшлар чамасидаги Миён Қудрат ҳазрат чиқиб келди. Қўлида гулдор ҳасса, каҳрабо тасбех, бошида оппоқ салла, эғнида қора мовутдан авра камзул, унинг устидан банорас тўн кийган. Оёғидаги амиркон ковуш-махси ярақлайди. Бармоқларида гавҳар кўзли узуклар, келишган баланд қоматини фоз тутиб, виқор билан юриб келаркан, йирик-йирик қопқора кўзлари жамоатни бир сузиб чиқди. У одамларга яқинроқ ерда тўхтади, кўзларини юмиб, нималарнидир пичирлади-да, «куф-суф» қилиб, атрофга «дам» солди. Унинг ҳар бир ҳаракатида аллақандай сир, қандайдир ўзгачалик бор эдики, қараган ҳар қандай одамни гўё сеҳрлаб, ўзига ром қиларди-қўярди.

Ундан бир оз нарироқда бир нолагир замзамардоз ҳофиз китобини чаккасига қўйиб, Алининг таъриф-тавсифини қила бошлади. Жазававали мадҳи кишиларнинг руҳларини ларзага келтириб, кўнгилларини вайрон қилиб юборадиган даражада мунгли эди: зибратчилар орасида турган Ибн Яминнинг кўзларидан беихтиёр ёш оқабошлади. У саккиз ёшлар чамасидаги ўғил болани биллагидан маҳкам ушлаб олган. Атрофдаги ҳодисаларни ҳайрат билан кузатиб турган бола отасининг йиғлаётганини кўриб, у ҳам кўзига ёш олди, нега бундай қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Лекин у қўлига рангин ҳасса ушлаб олган оппоқ саллала ҳалиги чиройли кишига нисбатан кўнглида ҳурматга ўхшаган

туйғу уйғонаётганини сезді. Унга қараб олди. Сохт сумбати келишган, юзларидан нур томиб турган, озода, ҳар бир ҳаракатида аллақандай афсонавий фазилат аксланган бу одам ёқиб қолди чамаси, унга камоли ҳурмат билан яна бир марта қаради. Ҳавасланди, Али гўё худди шу одамнинг ўзгинаси эди унинг назарида. Бошидаги кокили, демак, шу одамга назр қилинган. Ҳа, бўлди, кокилини шу одам қирқиб қўяди!..

Қўқонда Ҳакимча табиб номи билан танилган Ибн Ямин Абжадхон ўғлининг бошидаги кокилини қирқтириш учун Қўқондан поездга миниб Марғилонга, сўнг Марғилондан арава кира қилиб Шоҳимардонга олиб келган эди... Ота ўғлининг Миён Қудрат ҳазратга маҳлиё бўлиб қараб турганини кўриб, мамнун жилмайиб қўйди-да, елкасига қоқди.

— Бор, ўғлим, бор,— деди,— эшон бувангни зиёрат қил, у кишига олиб келган назр-ниёзларимизни ўз қўлинг билан топшириб, дуоларини ол!

Боланинг хаёли шу топда қуёшнинг олтин тиглари осилиб турган баланд гумбазда, азим туп чинорнинг ҳуснини бузиб, тўғри келган ерига боғлаб ташланган юз хил латта-путта, зиёратчиларнинг ўз тиллари билан айтганда, аламлар, қўчқор шохларида эди. Бола отасининг гапидан ўзига келиб шайх Миён Қудрат ҳазратнинг олдида дадил юриб борди-да, негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда, бирдан унинг оёқларига йиқилди. Кейин ўрнидан дарҳол турди.

Отаси унга тутқазган назр-ниёзни жажжи қўлларида унга узатганча ерга тикилиб тураверди. Унинг кўзларидан ёш оқар эди.

Шайхлардан йигирма ёшлардаги йигит — Исмоил махсум унинг қўлидан бир халта кумуш тангани олди. Шайх Миён Қудрат ҳазрат боланинг бошини силаб, жуда ёқимли сўзлар билан уни дуо қилди:

— Боракалло, ўғлим, туя ҳам назр, тугма ҳам... Сени шери даргоҳ қўллаб, камарингдан маҳкам тутгайлар. Оллоҳу акбар!

Ибн Ямин ҳам кафтларини очиб пичирлади: «Ё Али, ўғлим Ҳамзахоннинг камаридан маҳкам тутгайсан, имонини шайтоннинг шартидан саломат сақлагайсан!»

Ҳамза қандайдир қийин ишни бажаргандай енгил тортди. Отасининг олдига чопқиллаб кетаётганида шайх Миён Қудратнинг бўғиқ, лекин таъсирли овозини эшитди. У халойиққа мурожаат қиларди:

— Замоннинг турқи ёмон, қиёмат-қойим яқин, йиғланглар, мўъминлар!— у овозига хазинлик бериб, Сўфий шоирлардан бирининг панд-насихатдан иборат ғазалини ўқишга тушиб кетди. Ғазални шундай қироат билан ўқирдики, сомеълар кўзларида ёш, бўйицларини ҳам қилиб тинглар эдилар. Бу ғазални саккиз яшар Ҳамза ҳам жон қулоғи билан тинглади, қалбига жо қилиб олди: Кейин, эшонга тақлид килиб, фикран такрорлади:

Марднинг доим қаноат пешаси,
Фикру зикри охират андешаси.
Марднинг доим таваккалдир иши,
Тоату сабру таҳаммулдир иши.
Ким сенга қилса зарар, урса пичок.
Яхшилик қил, сен они қилгил кучок.
Ким ёмонлик қилса, сен қил яхшилик,
Яхшилик қил, яхшилик қил, яхшилик!

Ғазал тўлалигича ўз қалбига кўчиб, хотирасида маҳкам ўрнашиб қолганидан ўзида йўқ севиниб, оғзининг таноби қоқди. Ўғлини зимдан кузатиб турган Ибн Ямин унинг кўнглида содир бўлган ҳозирги ўзгаришни билмаса ҳам, юзига тепкан қувонч аломатларини кўриб, ўзидан ғоятда мамнун бўлди.

Миён Қудрат ҳазрат бир лаҳза жим бўлиб, оломонга кўз югуртириб чиқди. Кейин бирдан жонланди, чинорга ишора қилиб, давом этди:

— Олло таолонинг Шери даргоҳи ҳазрат Алининг Шоҳимардонга инояти беқиёсдир. У жанобнинг равази поклари шуҳратини оширмақ учун мана бу дарахтга мўъжиза ато қилди.— Ҳамма сергак тортди, унга қулоғини тутиб жим қолди. Бу ҳолатдан фойдаланган шайх сўзига пардоз бериб, давом этди.— Яъни фарзандталаб ожизалар ҳазрат Алининг руҳларини шодмон қилсалар, савоб йўлида мол-жонларини аямай ушбу дарахтни ихлос билан қучсалар, уни тавоф қилсалар, иншоолоҳ муродлари ҳосил бўлғай. Ихлос — халос, дебдурлар...

Оломоннинг ичидан бир неча паранжили аёл унинг олдига чиқиб тиз чўкди. Назру ниёзларини оёғи остига тўкиб, дуо қилишини илтижо билан сўради. Миён Қудрат лаблари пичирлаб, нималардир деб, дуо қилиб, юзига фотиҳа тортгач, ҳалиги аёллар ўринларидан туриб бориб, ўша йўғон дарахтни бирма-бир қучоқлашди.

Ҳар ким ўзи билан ўзи овора, биров билан бировнинг иши йўқ. «Иши битиб», майдоннинг бир чеккасидан пастга оқиб тушиб кетаётганларнинг ҳам, бир томондан оқиб кириб келаётганларнинг ҳам ҳисоби йўқ. Майдондаги оломон камаяётibdими — кўпаяётibdими, билиб бўлмасди.

Мақбара томондан киши кўнглини эритадиган ёқимли бир овоз эшитилди. Қандайдир бир қори ўзининг хуш овози билан шундай тиловот қуръон қилдики, Ҳамзанинг назарида ажиб бир куй қалбига кириб, вужудини ларзага келтириб юборди. Кўнгли ташна эди, лекин нимага ташналигини илгари билмасди. Қутилмаганда ушбу тиловатни эшитди-ю, ўша ташналиги қонгандай бўлиб, унда, ңималигини ўзи ҳам билмайдиган туйғулар уйғониб, уни оний муддатга афсонавий оламга учириб олиб кетди, у ўша хушовозга маҳлиё эди. Бошқалар ҳам қори қироат қилаётган томонга қараб михланиб қолгандай жим туришарди. Шу пайт иккита одам замбилда бир йигитни кўтарганча оломон сафини ёриб ўтиб, замбилни эшоннинг олдига аста қўйди. Замбилдаги бемор Мебуванинг ўғли эди. Олтмишдан ошган қотма гавдали, қорача бурушиқ юзининг ёноқлари туртиб чиққан, қомати баланд Мебува дадил бориб эшоннинг оёғига йиқилди-да, йиглаб арз-ҳол қилабошлади.

— Худо хайрингизни берсин, пирим! Пешонамда ёлғиз шу биттау битта фарзанд. Дардига даво истаб бормаган ерим қолмади. Энди ўзингиздан бўлак илинжим йўқ.— У Миён Қудратга илтижо билан умидвор кўзларини тикканича жим қолди. Шайхнинг юзларида ҳеч қандай ўзгариш сезилмасди. У лоқайдлик билан замбил олдига бир-бир босиб келди-да, беморнинг манглайига кафтини қўйди. Унинг тобора нурсизланиб бораётган бемажол кўзларига узоқ тикилиб турди, кейин ҳамон тиз чўкиб, йиглаб турган Мебуванинг маънос юзига синчиклаб назар ташлади. У юзига аллақандай тушуниб бўлмайдиган тус бериб, бир хўрсиниб қўйди-да, унга юзланди.

— Иситма ангиз қилган. Вақт ўтибди!— деди у. Бу даҳшатли гапни эшитибоқ Мебуванинг оёқ-қўли бўшашиб ерга ўтириб қолди. Бир лаҳза эс-хушини йўқотиб, эсанкираб турди-да, кейин: «Нажот қилинг! Бу сизнинг қўлингиздан келади» дегандай эшонга қараб, хира кўзларини ғилтиллабди. Шайхдан ҳадеганда яхши гап чиқавермади. У мана шу оғир вазиятни атайлаб чўзиб, орадан бир муддатни ўтказди, ота ўзини ташлаб юборишига келганда, Миён Қудрат ҳазратнинг юзида умид учкунларини ифодаловчи ўзгариш аксланди.

— Лекин ҳали ҳам бир чора бор,— деди у салмоқланиб.— Фикри ожизимча, қаландар, дарвишлар зикр тушиб дам урсалар, беморингиз бери қараб қолса, ажаб эмас.— Кейин «бунга розимисиз» дегандай чолга маъноли тикилди.



Н. ИБРОХИМОВ чизган расм.

Шайхнинг: «Лекин ҳали ҳам бир чора бор», деган калимасидан кейин чолнинг назарида бемор акса уриб ўрнидан туриб кетаётгандай туюлиб, «хўп» дея бош ирғади. Шайх Миён Қудрат дарвишларга му-рожаат қилди:

— Ҳой, худонинг эрка бандалари. Бу ерда ёзуқли бир бандаи мўминнинг бемор фарзанди жон баҳаққи таслим қилиш олдида тура-дур. Зикр тушиб, лашкар йиғсак, унга қўниб, кўнглини беҳуд қилаёт-ган инсу жинс, деу парилар асоратидан шояд фориг бўлса.

Қария ҳамёниши белидан олиб, Миён Қудратга узатди. Унинг кў-зига шу топда ҳеч нарса кўринмас, ўғлининг саломатлиги учун ҳатто жонини тикишга ҳам рози эди!

— Майли, мен рози. Айтганингиз бўлсин,— деб шайх Миён Қуд-ратга қайта-қайта таъзим қилди.

Шайх Миён Қудрат виқор билан қўлини кўтариб, ҳавони кесди. Олаговур бир лаҳзада тинди. Шайх Миён Қудрат пайтдан фойдаланиб, ҳирқапўш дарвишларни имлади. Эгниларида қуроқ жанда, бошларида яғири чиққан учлик кулоҳ, белларида кашкул, қўлларида хилма-хил латта-путталар боғланган эгри ҳассали дарвишлар шайхнинг салгина ишораси биланоқ беморнинг атрофига ёпирилиб келишди. Уларнинг вазоҳатини кўриб, гўдак Ҳамзанинг юраги орқасига тортиб кетди, отаси Ибн Яминнинг пиижига тикилди. Лекин икки кўзини «ола бўжи» дарвишлардан узмасди.

Бўйни ингичка, калласи катта, шалпангқулоқ бир дарвиш ҳаракат-га келиб, беморнинг атрофида «Е-ҳув! Е-ҳақ! Ло илоҳа иллоллоҳу!» деб жазавага тушиб айлана бошлади. Унга бошқалари қўшилишди. Зикр-жаҳр бошланди. Манзара тобора даҳшатли тус ола борди. Улар уст-ларидаги кийимлари, наMATга ўхшаб қолган сочлари, патак соқоллари, бу хатти-ҳаракатлари билан одамдан кўра, кўпроқ афсоналардаги ал-вастиларга ўхшаб кетишарди. Бу даҳшатни кузатиб турган Ҳамза кўз-ларини катта-катта очганича тошдек қотиб қолган, тили калмага келмас, қочишга ҳам мажולי етмас эди. Уларнинг ғайриинсоний ҳара-катлари, ваҳшиёна овозларидан ташқари, афт-башараларига қараш-нинг ўзиёқ ҳар қандай одамнинг кайфини учириб юборар, бунинг устига ер тепиб беморнинг атрофидан тобора жазавага тушиб гир айланиш-ларидан қўрқинчли бир манзара ҳосил бўлган эди. Беморнинг эса кўз-лари нурсизланиб борарди. У бир маҳал алаҳсираб, нимадир деди, кейин гўлдираб турди-да, инграб юборди. Чамаси, бу алвастилардан ўзини олиб қочишга уриниб, сўнгги мадорини ишга солишга интилиб, бир-икки чиранди, оғир хўрсингандай «кўҳ» деб овоз чиқарди-ю, бир-дан «шилқ» этиб боши чап томонга қийшайиб, жимиб қолди.

Буни кузатиб турган қария бир лаҳза олазарак бўлиб тургач, ўзи-ни ўғли устига ташлаб, фарёд кўтарди.

— Отанг ўлсин, болам! Отасининг гўрига тушган, болам! Бу шум хабарни онанг эшитса қай аҳволга тушади. Не-не умидлар, яхши ти-лаклар билан сени бу ерга жўнатган эди онайизор... Водариг! Водариг!!

Бечора қария Мебуванинг боши чўяндек оғирлашиб, юраги гуп-гуп уриб, қулоқлари чип битди-қолди. Дарвишларнинг аста-аста тарқа-либ ғойиб бўлаётганликларини ҳам, зиёратчилар бир-бирларига ҳай-рон бўлиб қараб қолишганини ҳам сезмади. У ҳамон дод соларди:

— Оҳ, болам, энди нима қиламан? Онангнинг юзига энди қандай қарайман, нима дейман унга, қариликда тиргак бўларсан, деган эдим, болам. Сенинг ўрнингга мени олса бўлмасмиди худо?! Эй худо! Сенда адолат бўлса, менинг тобутимга мана шу новда тушармиди, худо? Тавба қилдим. Мен осий бандангнинг гуноҳларини кечир, худо! Болам, болам, болам!

Мебуванинг жон аччиғида худога «қаттиқ тегаётгани» шайх Миён

Қудратни ранжитди чамаси, унинг чакка томирлари бўртиб, юзи қизариб, қовоғи уюлди.

— Куфру залолатга кетма, гумроҳ банда! Алининг қиличига топшираман, — деди у жаҳл билан. Кейин иложи борича юмшоқ гапиришга уриниб, насиҳат қилиб қўйди. — Ғойибнинг ишини бандаси билмайди. Ғўдақнинг ризқи тугаб, куни битган, азалий тақдирда битилгани шундай бўлгач, на чора! Бандалик экан...

Улимнинг элчиси келди, қочайлик боғу бўстонга,
Қочган билан қутилмайсан кўзинг ташла ғўристонга.

Бу ўлим барчанинг бошида бор савдо. Худонинг балосига сабр қилиб, қазосига рози бўлмоқдан ўзга чора йўқ. Йиғи-сиғи энди фойда бермайди. Қаломи Шарифда ёзилишича, йиғи-сиғи олло таоллонинг иродасига қарши бориш билан баробар гуноҳ экан...

Кимники, толе гиламини тўқиб эркан қора,
Кавсару зам-зам суви бирлан оқартирмоқ маҳол!

Муқаддар, яъни тақдирга тан беришдан бўлак чораси йўқдир бандасининг.

Лекин Мебуванинг қулоғига Миён Қудратнинг бу панд-насиҳатлари кирмасди. Бирдан у телбаланиб шайх томон бостириб борабошлади, Миён Қудрат эса, унинг авзойини кўриб, орқасига чекинди. Мебува рўпарасида турган Миён Қудратга тешиб юборгудай қилиб тикилди. Бу манзарани кўриб турган халойиқ бир лаҳза ҳаяжонга тушиб, саросималаниб қолди. Шу пайт тўдадан уч-тўрт киши олдинга ёриб чиқди-да, Мебуванинг йўлини тўсди. Мебува бутун ғазабини йиғиб шайх Миён Қудратга қичқирди.

— Уғлимни ўлдирдингиз, шайх. Мен гўл бўлмасам сизга ишонар-мидим, қотил!

Миён Қудрат дағ-дағ титради. У қутилмаган бу «ҳақоратдан» бир дақиқа ўзини йўқотиб қўйди. Кейин ҳушини йиғиштириб олиб, жунбушга келди, ғазабидан ёнига тўплади-да, чақчайган кўзлари билан қарияга даҳшатли ўқрайди. Ундан баланд келишга уриниб, дағ-дағ қила бошлади.

— Сен аслида шаккок, ботиний кўзларинг очилмаган, яхшиликни билмайдиган бадбахт одам экансан. Товушингни ўчир! Бу азиз даргоҳ машмаша-ю, ғавғони кўтармайди! Сен бўлсанг, муртадлик қиласан? Олло таоло ҳар кишининг феъли-атворига яраша кўрсатаверади. Ма-на, сенга ҳам кўрсатди. Мозорга тил теккизишга қандай ҳаддинг сигди, муртад! — У тобора авжига минарди, гоҳ-гоҳ оломоннинг авзойига ҳам ер остидан қараб қўярди. Кўнглига келган оғир бир гапни айтишга бир муддат иккиланиб турди, кейин зиёратчилар ўзининг гапларига ҳайрихоҳлик билан қараётганликларидан таскинланиб, уни шартта айтиб юборди:

— Сен ҳозир гуноҳи азимга ботдинг. Бу гуноҳинг учун эса, сенга сангсор лозим! — деди ва ўша онда оломонга юзланиб ҳайқирди. — Му-сулмонлар, бу шаккокни сангсор қилинглар! Ҳар бир отган тошингиз туфайли охиратингиз обод бўлур.

Оломон бу гапдан бир қалқиб тушди, тоғдан тош қулагандай гулдираб, сергак тортди. Бўйнида бир суямча яраси бор қийшиқ бир дарвиш ерга энгашиб, қўлига тош олди. Баъзилар тошни кафтларида маҳкам қисиб, отишга шай бўлиб туришди. Шу пайт ёш боланинг жон аччиғида кўтарган фарёди оломоннинг диққатини ўзига тортди.

— Йўқ, Йўқ! Бу бобога тош отманглар!

Бу ҳодисани бошдан-оёқ диққат билан кузатиб турган Ҳамза чолнинг гуноҳи нималигини ҳеч билолмай ҳайрон эди. Бечора чолнинг

аянчли аҳволига юраги ачиб, раҳми келганидан ҳамдард бўлгиси, ёнида туриб йиғлашгиси келиб турарди. Уни «сангсор» қилиш ҳақидаги буйруқни эшитди-ю, бадани жимирлаб кетди. Ўзини тутиб туролмай, қичқириб юборди.

У қаттиқ изтироб ичида югурганча бориб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, ҳалиги чолни маҳкам қучоқлаб олди.

Ибн Ямин эса, қутилмаганда рўй берган бу ҳолдан даҳшатга тушиб, салласи чувалиб ўғлининг кетидан ҳаллослаб чопар экан, ҳа деб бир сўзни такрорлаб, уни чақирар эди:

— Ўғлим, қайт орқангга! Қайт, Ҳамза! Орқангга қайт дейман, Ҳамза! Болагинам!

Ибн Ямин чолнинг тиззасидан маҳкам қучоқлаб турган ўғлининг тепасига бориб, билагидан ушлаб ажратаётганида Миён Қудрат ҳазратнинг ҳайқиригини эшитиб, уни қўйиб юборди. Унинг ранги бўздай оқариб кетган, аъзойи бадани қалт-қалт титрар эди. Ибн Яминнинг кўз олдини қоронғилик босди, оёқ-қўли бўшашиб, ерга ўтириб қолди. У жонидан умидини узган, лекин ўғлини қизғанар, уни ҳозир ёғиши мумкин бўлган тош бўронидан қандай эҳтиёт қилишни ўйлар, лекин қимирлашга мажоли етмаётганлигидан лол бўлиб турарди.

Миён Қудрат қулай фурсатдан фойдаланиб қолиш пайти келганини фаҳмлади.

— Айюханнос халойиқ!— деб қичқирди у.— Ман ҳам ҳайратда қолдим. Ҳазрат Алининг марҳамати улуғ, шу норасида, шу бегуноҳ гўдакнинг илтижосини Шери даргоҳ даражаи қабулга олдилар. Менга пирим башорат кўрсатдилар. Бор, осий банда, йўлингга бор! Халос бўлдинг!— деди-да, оломонни зимдан кузатиб чиқди.

Бу гапдан оломон гув этиб, бир тўлғониб олди. Ҳамма бирданига беихтиёр суратда шайхга тақлид қилиб қўлини фотиҳага очди. «Омин!» деди эшон, оломон ҳам «омин!»— деди гулдираб. «Шу боланинг умри узок, ризқи баланд бўлғай! Оллоҳу акбар!»— ҳамма юзига фотиҳа тортди.

— Ибн Ямин!— дея хитоб қилди шайх. Ҳамзанинг отасини олдига чақириб. У ҳам қулоқ қоқмай югуриб борди. Миён Қудрат ҳазрат унга қараб маъноли жилмайиб қўйди-да, қулоғига яқин бориб атрофдагилар эшитмайдиган қилиб шивирлади:

— Художўй, солимзавқ, хужастарой табибсиз... Ҳурматингизни қилиб, ўғлингизнинг гуноҳидан ўтаман. Бўлмаса, мана бу шаккоқ чол билан қўшиб сангбўрон қилдирадими. Ҳа, Қўқонга бергач, уни чилаёсин қилдириб ўқитиб ташланг. Жин тегибди унга... Тез-тез қулоғидан чўзгилаб туриг. Тагин катта бўлганида бола эмас, бошингизга бало бўлиб юрмасин.

Ибн Ямин нима дейишга сўз тополмай, бир муддат довдиради, кўзини ерга тикиб нималарнидир гўнғиллади:— Садағангиз кетай, пирим. Унинг гуноҳидан ўтинг, ҳали бу бола-ку!.. Эси йўқ бир гўдак... Айтганингизни, албатта, бажо келтираман. Муборак нафасингиз тегди унга. Худо хоҳласа ўғлим аҳкоми шария шариати набавиянинг забардаст ҳомийларидан бўлғай, ундан умидим зўр, пирим.

Ибн Ямин унга таъзим қилиб, яна бир халтачада ақчани узатди. Шу пайт қаердандир пайдо бўлиб қолган Исмоил махсум халтани чаққонлик билан олиб, хинжирига тикди...

Қўшхонага келиб тунашди. Қуёш чўққиларга илинган заррин этагини йиғиштириб олди. Тун. Ҳамма уйқуда, фақат Ҳамза ўзини шунча зўрласа ҳам, ухлалмас, энди кўзи илинди дегунча, замбилда бемажол ётган ҳалиги боланинг нурсиз башараси, унинг атрофини ўраб олган рўдаполар кўз олдига келар эди-да, уйқусини қочириб юборарди. Ҳам-

за тун бўйи мижжа қоқмай чиқди. Ётган жойидан гоҳ-гоҳ ташқарига қараб кўярди. Ҳамма ёқни тун ўзининг қора чодирини ичига олган, ҳеч нарса илғаб бўлмас, негадир шундай баҳайбат тоғлар ҳам кўринмас, улар ҳам худди тун қаърига сингиб кетгандай эди. Алламаҳалга бориб, табиат ниҳоят чирогини ёқиб, само саҳнага илиб қўйди. Бу оқшом жуда катта чиққан ойнинг олтин гардиши кенгайиб, тоғлар тархини ажратиш мумкин бўлди, юлдузлар ҳам энди яқинроқ келиб, жилва қила бошлади. Ҳамзанинг қулоғи остидан бечора чолнинг «Бола-ем» деб бўзлаши ҳеч нари кетмасди. Кўзини юмса бас, Миён Қудрат ҳазратнинг кийимларини кийиб, салласини ўраб олган, айиқ бўлиб айиқ эмас, бўри бўлиб бўри эмас, аллақандай сўйлоқ тишли бир маҳлуқ қиёфасида рўпарасига келиб туриб оларди. Қўрқиб кўзини очиб юборарди-да, отаси ётган жойга қараб кўярди. Унинг пишиллаб ухлаб ётганини кўриб, кўнгли тинчланарди. У шу алпозда узоқ ётди, ой қоя орқасига ўтиб кетгач, кўзи илинди.

...У ўзини аллақандай бир сайхонликда кўрди. Ҳамма ёқни одамлар босиб кетган. Уларнинг кўпи майиб-мажруҳ. Ҳаммаси бўйи қоятош билан тенг баҳайбат одамга топинар, унинг оёқларига ўзини ташлаб, барларини юзу кўзларига суртишар эди. Ҳалиги одамга тикилиб қараган эди, у тош экан. Қийимлари ҳам тош! Ҳамза одам тусидаги бу тошга тошинишни ўзига раво кўрмади. Шу пайт тош орқасидан бир гала алвасти чиқиб, девлар бошчилигида унинг устига бостириб келишди-да, чангалларини кифтига ботириб, осмонга олиб чиқиб кетишди. Бир маҳал шағирлаган ваҳим тўла тубсиз жар ёқасига бориб, пастга ташлаб юборишди. Девлардан биттаси учиб келиб, уни елкасига миндириб олиб, кейин шериклари олдига олиб борди. Улар уни тоғ чўққисига олиб чиқиб, каттакон тош тагига бостириб қўйишди. У тош тагидан чиқишга бор кучи билан кўп уринди, лекин қимирлатди-ю, чиқолмади. Алвасти, девлар унинг бу ҳолатини лоқайдлик билан томоша қилиб сўйлоқ тишларини кўрсатиб, атрофида доира бўлиб айланишарди. Базан «Ху! Ҳа! Ийи! Уҳҳа!» деб оғизларидан унга олов пуркашарди. Айниқса, бир шохдор қора дев оғзидан ўт сочиб ғазаб қиларди. Лекин у ҳўкизга айланиб қолди. Найзадай ўткир шохларини унга тўғрилаб, хуруж қилиб кела бошлади. Кўзлари косасидан чиқиб, олайиб кетган эди. Ҳўкиз пишқириб келиб, энди сузаман деб турганида шохлари гажак қўчқорга айланиб қолди-да, Ҳамзанинг устидаги тошни бир каллак қўйиб, пастга учуриб юборди. Шу пайт ўнгирлардан хезланиб чиққан қоплонлар, бўрилар галаси ҳалиги қўчқорга ҳамла қила кетди. Ҳамзага тегишмади. У бир чеккада турарди. Қўчқор йиртқишларни писанд қилмади, лекин ҳўкиздай бир арслон бўриларга қараб ўкириб, тошбўрон қилинлар, деб буюрди. Йиртқишлар қўчқорни тошбўрон қилишаётган эди, у тилга кириб, Ҳамзадан паноҳ тилади. У ҳам иккиланиб ўтирмай, югуриб борди-да, қўчқорни пана қилди, физиллаб келаётган тошларни ҳавода ушлаб қолиб, ўзларига қарата ирғита бошлади. Йиртқишлар чекинишди. Ҳамза тепасига қараса, соқоли кўксига тушган нуроний бир чол қон йиғлаб туриб унга хитоб қиляпти: «Мард бўл, ўғлим, бўй эгма, тик қара, қоқиндинг, ётма, тур, ўғлим, қаддингни тикла!» Ҳалиги йиртқишлар қоятош орқасидан мўралашиб, унга қараб тилларини чиқаришар, тишларини қайрашар, тиржайиб кулишарди. Шу пайт уларнинг олдини ҳалиги арслон тўсди-да, Ҳамзага қараб ўкирди: «Қоч, қон бўласан! Сен болага ким қўйибди қўйни ҳимоя қилишни! Хо-хо! Ҳа-ҳа-ҳа!»— Арслон уни емоқчи бўлиб сапчиди, унинг оғир панжаси елкасига қаттиқ урилди. Шу пайт кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. Тепасида унга дам солиб ўтирган отаси Ибн Яминга кўзи тушиб, енгил тортганидан чуқур хўрсиниб қўйди...

«Худо сени менга кўп кўрмасин, болам, мозорга аталган кокилинг назру ниёзларини мана шайхларга бердим. Ҳазрат Али Шохимардон ширин-шаккар-невараларимни елкамга миндириб ўзим катта қилай, худо хоҳласа, сени мадрасага бериб ўқитаман. Зора катта мударрис ёки бу улуғ мозорга бир куни ўзинг эшон-шайх бўлиб, шариасти набавия йўлида хизмат қилсанг...— Бирдан қўлларини очиб: «Ё сарвари коинот, мендай гуноҳкор, ожиз, афканда бандангни ўшандоқ яхши кунларга етказгайсан, омин!»— деб дуои фотиҳа қилди бечора ота. Яна ичида оят ўқиб «куф-суф» қилиб, тонг отгунча Ҳамзанинг бошида руҳан сибобдай эриб ўтирди...

Иккинчи боб

Қўқон

Қўқон Фарғона водийсидаги азим шаҳарлардан бири. У Сўх дарёси ва ундан таралиб чиқадиған кўплаб ариқлардан суғориладиган воҳанинг ўрта белида жойлашган. Дастлаб, Яқин Шарқ, Урта денгиз ва Ғарбий Европани Шарқ мамлакатлари билан боғлайдиган қадимги савдо йўли бўйида вужудга келган.

То бир минг саккиз юз етмиш олтинчи йилгача Қўқон хонлигининг пойтахти эди. У қадимдан савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Шаҳарда шойи ва ип газлама тўқилар эди. Расталари турли касбдаги ҳунармандлар — эртадан кечгача босқон урган темирчилар, мис чўкичаб нақшли баркаш, човгум, чилобчин, хилма-хил буюмлар ясовчи мискарлар; заргар, дегрез, кўнчи, пичоқчи, тароқчи, тақачилар, кулол, боққол ва косиблар билан обод эди. Дов-дастгоҳи бўлмаган бечорадан чиқинлар эса маҳаллий судхўрларнинг асорати остида. Ҳунармандчиликнинг ривожланиши катта савдо йўлидаги қадимги шаҳарнинг бошқа узоқ музофоти ўлкалар билан алоқасини авж олтирди. Қўқон савдогарлари фақат Туркистондагина эмас, балки Москва ва Россиянинг бошқа шаҳарларида ҳам савдо-сотик билан шуғулланар эдилар.

Бир минг саккиз юз етмиш олтинчи йилдан кейин Фарғона водийсида янги маъмурий марказ — Янги Марғилон — Скобелево шаҳри пайдо бўлиши билан Қўқон пахтачи қайта ишловчи саноат шаҳрига, пахта билан улгуржи савдо қилувчи марказга айланди. Фарғона водийсидаги бошқа шаҳар, қишлоқлар ҳам Россия билан темир йўл орқали боғланганлиги туфайли бу ерда бир қанча заводлар, асосан пахтачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар: пахта тозалаш, ёғ, совунгарлик заводлари қурилди. Ана шу пахта заводлари билан бирга темир йўл, нефть ҳамда Қизилқия, Шўроб, Даргомирово тошқўмир конлари сабаб бўлиб, ўнлаб рус, ўзбек, татар, яҳудий бойларнинг довури бутун Туркистонга тарқалди.

Андижонда Миркомилбой, Аҳмадбек ҳожи, Рўзи охунбой, Қўқон ва Данғара атрофида катта ер эгаси, заводчи Содиқжон бойвачча, Миргулишонбой, Эрон ширкати, Тошкент ва Қўқондаги банклар, пахтачилик фирмаларининг эгалари Потеляхов, Вадьяевлар давру даврон сурардилар. Буларнинг миллион-миллион ақчалари Москва, Тошкент ва Қўқоннинг ўн битта банкида сақланарди. Қўқонда тўрт юз қирқ бир элликкоми, тўрт Лондон, бўлиб, Мединский деган чор амалдори шаҳар ҳокими эди. «Лондон», «Апполон», «Дакаденс» каби муҳташам меҳмонхоналарга ҳамиша узоқ-яқиндан келган пулдор савдогарлар

тушар эдилар. Шу билан бирга, Қўқон, Фарғона водийсининг маърифат ва маданият маркази ҳам ҳисобланарди.

Станциядаги катта меҳмонхонага мусулмон бойлари қўнар, станция ва Розенбах кўчалари ҳамиша чароғон, савдо-сотик юришган, гавжум, тун бўйи ресторан ва қаҳвахоналарда одам қайнаб, кайф сафо, ўйин-кулги авжига чиқар эди. Бу шаҳар яна масжид жомеси, мадрасалари, Сўх мазор, Қаландархона, Яланғочота деган хурофот ўчоқлари билан машҳур эди. Мадрасаи олиянинг уч юз олтмишта вақф дўкони билан ижара ҳақиға олтинлар оқиб турарди. Жоме, Норбўтабий мадрасаси, Мадрасаи бек, Мадрасаи ҳокимдаги ҳужраларни бой ва катта ер эгаларининг болалари ижарага олиб таҳсил кўрар эдилар.

Ҳамза ўн бир ёшида отасидан таълим олиб, форс, араб тилларидаги китобларни ўқийдиган бўлди. Онаси Жаҳон бибига эргашиб, Содиқжон бойваччанинг катта хотини ўтказадиган маъракаларга қатнади. Шеър ўқиганида уни бир қанча вақт ўқитган отин ойиси йиғлаб, бошини силаб, дуо қиларди. Шундан кейин Жаҳон биби ўғлига кун ора исирик солиб, қўлтиқ тумор осиб, кўзмунчоқ тақиб қўядиган бўлди. Биби сешанба, мушкулкушод каби маросим, урф-одатларни билишга Ҳамзанинг ўзи ҳам жуда қизиқар, айниқса, етим қиз — Биби сешанбанинг оғир саргузашти, ёндирилган шамлар, кул, новвот ва бурчак-бурчакларга бориб аёлнинг гадолик қилиб тиланишлари, ниҳоят, эзилиб йиғлаб-йиғлаб фотиҳа ўқйшлари унинг хаёлини чулғаб олар эди.

Ибн Яминнинг ишлари бир оз юришиб, қўлига пича пул тушди. Тароқчилик маҳалласидан ҳаммомнинг рўпарасидаги ичкари-ташқари, саҳни гулзор, шинамгина бир ҳовлини сотиб олди.

Ҳамза кичиклигидан маҳалласидаги болаларни — ўртоқлари Олчинбек, тақачининг ўғли Бўрон Дароз, ганжиравонлик деҳқон Пўлат отанинг ўғли Умар Қалла, Маҳмуд Тарашаларни ҳовлига тўплаб, ўзи билган ғазалларни қўшиқ қилиб айтиб, уларга ҳам ўргатар, ўйинга туширар эди.

Ҳамза йигирма ёшдаги Умар Қалланинг қамчиндай қуйма гавдасига, Содиқжон бойваччанинг заводида тойпахта кўтаравериб тошдек қотиб кетган кенг елкаларига, болдир, билакларида қайнаб чиққан мушакларига, йўғонтепадай кўтарилиб турган чўян кўксига ҳавас билан қарар, бу баркамол йигитни маҳалла Қалла ёки Умарполвон, деб чақирар эди. Бу Умарга ҳам хуш ёқарди. Умар полвон ўйин-кулгидан кейин ўзини катта тутиб, сўзига жиддий оҳанг берган ҳолда заводдаги, ҳўжайин билан ишчилар орасидаги машмашалардан, мастеровойларнинг айтган гапларидан уларни огоҳ қилар, гап орасида «может быть», «мы рабочий», «брат», «буржуй» деган сўзларни ғурур билан ишлатиб қўяр эди.

Ибн Яминнинг орзуси ушалиб, кенжа ўғли Ҳамзанинг ўспиринлик чоғларини кўрди. Ҳамза энди мўйлови сабза урган, манглайи кенг, бўйчан, чайир, кўзлари йирик, тимқора, хаёлчан, такаллуми ифодали, мантиқли, зеҳни ўткир, дилидаги шеърят завқи юзига тепган, ўз сўзли йигит бўлиб етилган эди. Эғнидаги йўл-йўл беқасам тўн билан оппоқ мисқоли салла унинг йигитлик кўркини яна ҳам очар, ажойиб шинаванда, шеър, аския, лутф сўзлар, латифа йўсиндаги ҳикоятлари, афсоналар, эртақлар эшитишни ва сўзлашни севар, ноёб китобларни мутолаа қилганида овқатланишни ҳам унутиб, то ўқиб туширмагунча қўлидан қўймас эди. Айниқса, гулға ошиқ, қўлида гулқайчи, чаман кезиб, гулларни сугориб, тараб, эркалаб, рангин япроқларига узоқ тикилиб, аста ҳидлаб, сўнг гул ҳақида ғазал битар эди.

Ҳамза киндик қони тўкилган она шаҳри Қўқонни жон-дилидан севарди. Унинг меҳрибон бағрида кезишдан, жамолини томоша қилишдан асти толмасди. Қўқонликларнинг ҳол-аҳволи, касб-кори қизиқтирар

эди уни. У деҳқон ва касибларнинг рўзгор тебратишлари, бойваччаларнинг базм-ишратлари, ҳафталаб ўтказиладиган тўй-томошалар, бойлар, мингбошилар, қозилар, Мединскийга ўхшаган подшо амалдорларининг меҳнаткашларга кўрсатаётган жабру ситамларини синчиклаб кузата бошлади. Аҳён-аҳёнда болаликдаги дўсти Бўрон Дорознинг темирчиликдаги дўконига келиб, ундан чарм пешгирини сўраб олар, белига тутиб, чархини тортишар, дамини гуп-гуп босиб берар эди. Пахтасини сотиш, ўроқ, кетмонини пешлаш, отини тақалатиш учун Ганжиравон, Қайнар, Қипчоқ, Қорақалпоқ, Ҳозёглик, Данғара, Бачқир, Турвоқ, Юқори Шилдир, Пастки Шилдир бўлисларидан келган деҳқонлар билан суҳбат қилиб, пахтафуруш бойларнинг ҳам тош-торозидан, ҳам нархдан уриб, уларни куйдиришларини билиб олар, уларнинг оғир аҳволига ачинар, миллатнинг бундай аянчли ҳолига илмсизлик, жаҳолат сабабчи, деб ўзича ҳукм чиқарар эди. Мурувватли, сахий, маърифатпарвар бойларнинг кўмаги ва ҳимояси соясида миллат болаларини ўқитмоқ, уларнинг кўзларини илм нури билан очмоқ ҳар бир ўқимшли мусулмоннинг олий бурчи, деб билган Ҳамза заводчи Содиқжон бойваччага гумашта бўлиб хизматга кирди. Бой уни ҳам қариндоши, ҳам мирзаси Олчинбек Назарийнинг тавсияси билан хизматга олиб, бир оз маош тайин қилди.

Олчинбек Ҳамза билан ёшлиқдан қалин дўст, маслакдош эди. Қўқоннинг бу икки зиёлиси шаҳардаги катта мадрасада эзгу умидлар билан улкан бир мақсадга интилиб таълим олди. Улар бир-бирларига сирдош, ҳамфикр, меҳрибон бўлиб улғайдилар. Лекин мадраса таҳсили уларни қониқтирмасди. Шунинг учун улар «Тараққиёт», «Хуршид», «Шухрат», «Ойна», «Садои Фарғона», «Садои Туркистон», «Таржимон» ҳамда «Вақт» сингаги газета ва журналларни ярим тунда ҳужраларини ичидан маҳкамлаб, кейин мутолаа қилишга киришар эдилар. Шу билан дунёвий билимларга бўлган ташналикларини қондирар, оламдаги гаплардан хабар топар эдилар. Кейин газета-журналларни ўтинлар орасига пухталаб яшириб, тонг отиши билан қуръон тиловот қилар эдилар.

Бу икки дўст кийим-кечакни ҳам бир хил киярди. Эгниларидаги узун жужунча камзул, бошларидаги шойи салларига қараб, кўпчилик уларни Ҳасан-Ҳусан деб ўйларди, лекин Олчинбек ўзининг пайваста қуюқ қошлари, тўла жуссаси, чақноқ кўзлари, айниқса, сичқоннинг думидай ингичка мўйлови билан ажралиб турарди. Буларнинг ҳуснини чиммат орасидан кўрган қиз борки, юраги тутдай тўкиларди.

Дўстлар ҳар ҳафтанинг жума кунлари шаҳарни сайр қилиб, Қалвак гузари, Шайхан маҳалла, Ирис қулибек гузари, Парпашабоб, Арғамчи қишлоқни оралаб, таёя, кўкнорхона, қаландархона, Мозори азизни зиёрат қилар эдилар.

Бугун улар жума намозини Мадрасаи хонда ўқидилар. Намоздан кейин Яланғоч девона мавзуидаги ҳаммом гўлаҳида бўлган қиморни, муштлашувни кўрдилар. «Ғумбарак» қилиб тўкилган култепа устида уймалашиб, бир-бирининг устидан босиб, қиморни томоша қилаётган бекорчиларнинг аҳволларига ич-ичларидан эзилиб, «миллатнинг бу аянчли аҳволдан жиғи-бийронлари чиқиб» қайтдилар. Сўнгра Қўқоннинг қоқ ўртасидаги Исфара гузарига ўтириб чойхўрлик қилдилар.

— Олчинбек, — деди Ҳамза пиёлани қўйиб, — ҳалиги бекорчи томошабинларни қаранг. Оламдаги гаплардан беҳабар, жаҳолат ботқоғига ботиб, ҳалок бўлаётган, лекин ўзининг бу фожиасини кўрмайдиган ғирт басир оломон!

— Ҳа дўстим, тўғри айтдингиз. Жаҳолат уларни шу куйга солиб қўйган.

— Туриб-туриб шуларга юрагим ачийди, ана шу аҳволдан қутқар-

гим келади, лекин бунинг йўлини қидириб, хаёлан кўп-кўчаларга кириб чиқаман, охирини тополмайман.

— Ҳа, Ҳамзахон, бу — сиз билан биз сингари оқ-қорани таниган ёшлар учун муштарак дард. Миллатни жаҳолат гумроҳлигидан қутқаришни бир сизу мен эмас, кўпчилик изламоқда.

— Шундоқ. Лекин мен, миллатни фақат илм-маърифатгина жаҳолат ботқоғидан олиб чиқади, деган фикрни ҳурматлайман. Бунда катта ҳикмат бор, негаки, ўзингиз ҳам биласиз, кўп табаррук зотлар бу хусусда ҳикматли гаплар айтиб қолдирганлар. Ҳозир биз ҳуфия ўқиб юрган газету мужаллаларда ҳам шундоқ фикрлар олдинга сурилади.

— Тўғри-ку, лекин бу басир оломонни маърифатли қилиш учун жуда узоқ муддат керак. Яна маблағ, дину шарият деган масалалар бор, демоқчиман-да. Сиз билан менинг кўлимиздан ҳеч нарса келмайди.

— Гапингиз тўғри, Олчинбек. Бироқ ана шу «басир оломон»нинг болаларини тўплаб, уларга билим бермоқ даркор. Мен меҳнаткаш табақанинг болаларини назарда тутаман. Руҳонийларимиз ҳамда боёнларимизнинг фарзандлари ҳақида биз қайғурмасак ҳам, ўз йўларини ўзлари топиб кетадилар.

— Маблағ-чи? — деди Олчинбек, кейин қўшиб қўйди: — Ҳазимизда бўлмаса...

— Бошлаб олишимиз учун бойларнинг саховатига умид қилиб бўлмасмикан?

— Улар бир сафар берар, борингки, иккинчи сафар ҳам беради, дейлик. Кейин-чи?

— Кейинми? Менингча, муҳими, ишни бошлаб олиш, у ёғига халқнинг ўзи бош қўшади.

Ўртага жимлик чўкиб, Ҳамза узоқ ўй суриб қолди.

— Дарҳақиқат, ҳолва деган билан оғиз чўчимайди-да, — деди Олчинбек хаёлчанлик билан. — Халқ — оми. Миллат деймиз-у, лекин унинг ҳозир оламдаги ишлардан бутунлай гумроҳлигини ҳисобга олмаймиз. Боёнлар кўпроқ ўзларини ўйлайдилар, руҳонийлар эса, уларга дастёр, худонинг ўзи кечирсину, қайси бир газетада ёзишганидек, улар меҳнат аҳлини истаганларича ишлатиб, ҳамёнларини яна ҳам қапшайтиришлари учун, авомнинг фикрини очишга йўл бермайдилар. Ҳозир, мастеровойлар қутқиси билан ишчилар ўртасида тез-тез юз бериб турган фитналар пайтида эса, бизнинг маърифат ҳақидаги гапларимиз уларнинг қўлоғига киришига унча ишонмайман.

— Ҳа, Олчинбек, мушоҳадаларингизда мантиқ бор. Шундай бўлса ҳам қараб турмаслик керак. Чунончи, жума намозларида, халқ сайилларида ваъз айтиб, халойиқни илм олишга даъват қилиш мумкин.

Шаҳарликлар ёзнинг иссиқ кунларида Қўқоннинг кун чиқиш томонидаги Мўйи муборак, Ойдин булоқ деган соя-салқин жойларга бориб жон сақлар, кўкча чиқиши билан Эрхуббига йўл олиб, катта шалдирама тагида, тераклар соясида суҳбат қурар, анжир қийғос пишганда, Ҳазрати шоҳ пошшога жўнар, қумда битадиган умрбоқи бозорда пайдо бўлиши билан Сирдарё ёқасидаги Хўжаи Туробга чақирилади-ган сайилга шошилар эдилар. Ҳамза, халқ сайиллари, деганида шуларни назарда тутарди. Олчинбек унинг бу таклифини на рад этди, на қувватлади. Шу билан суҳбат совиб қолди. Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўринларидан турдилар.

Аслида шаҳар халқининг кўзи улар ўйлаганчалик басир эмасди. У атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ қаролмас, замон бошига солган оғир мушкулотдан қутулишни орзу қилар, бунинг учун унинг илғор қисми йўл-йўриқ излашга мойил эди. Айни чоқда, ҳалигидай саёҳатларга ҳамма ҳам қодир эмасди.

Бировлар айш-ишрат билан овора, бировлар бир бурда нон топиш учун меҳнатдан бўшамайди. Бир томонда, подшо амалдорлари, бой, савдогарларнинг мухташам бинолари, шаҳарнинг ўртасида қад қўтарган маҳобатли қаср-равоқлар, яшил, пушти, ложувард ранга бўялган баланд пештоқлар, саломхона, хосхоналар, узундан-узун нақшинкор айвонлар, моҳир муқарнаслар ясаган баланд чинор устунлар, хоннинг қуёш нурида жилваланиб, ажиб манзара ҳосил қиладиган ишратхоналари; иккинчи томонда, бозор-ўчар, кўча-кўй, маҳалла-гузарларда тонгдан қора шомгача «Отаси шинни, онаси нинни, боласи жинни», деб қичқириб, жинниларга тош отиб, улардан калтак еб, санқиб юрадиган ўпоқ-сўпоқ дайди болалар, кўчаларда ўтириб, тиланчилик қиладиган етим-есир, майриқ-мажруҳлар... Халқ турмушдаги бу зиддиятларни кўрмай иложи йўқ эди.

Аммо мана шу зиддиятларни чуқурроқ таҳлил қилишга ҳали халқнинг онги етмасди. Унинг онгини очиш керак эди. Ҳамза, маърифат деганида мана шуларни ўйларди.

Қатта ҳайит етибди. Ҳамза субҳи содиқда, шарқ уфқи бўзарар-бўзармас уйғониб, ўрнини йиғиштирди. Бунинг анчадан бери одат қилган эди. Кеча — чин арафа куни дўсти Олчинбек билан ҳаммомга бориб, соч-соқолларини тарашлатиб, ювиниб келган эди. Ҳайитга деб тиктирган янги — оҳорли сарполарини кийиб, ипак жойнамозни қўлтиғига қистирди-да, масжидга йўл олди. Олчинбек уни кеча келишилган жойда кутиб турган эди. Жомега бирга бордилар, жамоат билан ҳайит намозини ўқидилар.

Бугун жоме гажум, ҳамманинг юзид секинч-қувонч барқ уради. Карнай-сурнай, дўл, ноғораларнинг така-туми осмон ёқасини йиртиб солгудек. Бою камбағал, каттаю кичик, бола-бақра, қизу жувон — ҳамма ҳайитга чиққан. Ёру дўстлар бир-бирларини сидқидилдан муборакбод қиладилар. Одамларнинг янги кийимлари гўё чаманзордаги алвон гуллардек товланади. Хусусан, бахмал, шойи, парпаша паранжи ёпинган қизлар, ёш келинчақларни қўяверасиз. Бармоқларида қўша-қўша узук, кафтлари ҳинадан рангин товланади. Лабларидан учган қаҳқаҳалари, қочиреқ-учиреқлари, сайраган чанқовузулари узоқдан янграб эшитилади.

Қани энди, анави қизил паранжи ёпинган қизнинг қора чиммати юзидан сирғалиб тушиб кетса-да, жумла жаҳон унинг жамолини кўрса... Йўқ, бу хом хаёл.

Ҳамза билан Олчинбек самаворлардан бирига кириб, нонушта қилдилар. Кейин расталарни айланиб, уйга ҳайитлик олдилар. Қўқоннинг пойғир, пайванди нонлари, совунак ҳолваси, Қарши пистаси, Андижон нашватиси, Асака узумидан бир чорси қилиб тугиб, бир-бири билан хайрлашиб, уй-уйларига жўнадилар.

Ҳамза ҳовли эшигидан кириб келаркан:

— Ойижон, айёмингиз муборак! — деб совға-саломни айвоннинг бўсағасига қўйди-да, онасига кифтини тутди. Жаҳон биби ўглини елкасидан кучиб, юз-кўзларидан ўпди. «Ўзингизга қуллуқ бўлсин, болам!» дея ялаб-юлқади. Шу пайт дарвоза томондан қўнғироқдай овоз эшитилди. Зубайдахон! Бошида ял-ял ёнган янги қизил духоба паранжи, ясан-тусани кўзни қамаштиради. У Жаҳон биби сари югуриб келаркан, Ҳамзага йўлаккай чақмоқдек куйдирмажон кўзлари билан бир ўткир қараш қилди-да, чопиб бориб, Жаҳон биби билан қучоқлашиб кўришди.

— Ҳайитингиз муборак, табиб ойи!

— Вой, табиб ойингиз қоқиндиқ сиздан, Зубайдахон! Ўзингизга муборак бўлсин! Қани, бу ёққа, кўрпачага ўтиринг.

Жаҳон биби Зубайдани қўярда-қўймай кўрпачага ўтказиб дастур-

хонга чўзма, бўғирсоқ ва яна Ҳамза олиб келган ҳайитликлардан қўйиб, уни тўлдириб ташлади-да, чой қуйиб узатди. Зубайда ажиб навозиш билан пиёлани олди.

Жаҳон биби Зубайда ҳар гал келганида уни ўтқазгани жой тополмай, атрофида айланиб-ўргилади. Зубайда ҳам бу меҳрибон, ширинсухан, очиқ кўнгил, оқила аёлга ўз онасидек меҳр қўйган, уч-тўрт кун кўрмаса соғиниб қолади. Ҳозир ҳам Зубайда кириб келиб, чиммати билан паранжисини бошидан олдию Жаҳон бибининг назарида тор ҳовлиси бирданига кенгайиб, тўлиб, ярқираб, гулзор яшнаб кетгандай бўлди. Қизнинг эғнидаги лов-лов ёнган етти камалак рангидаги хонатлас, кўкракларини сириб турган яшил бахмал нимчаси ўзига ғоят ярашган, дол келтириб ўралган фаранг дурра, тиллақош, бўйнида тўла марварид, оёғида дуранг тикилган қошиқдек амиркон этик, қулоқларидаги қашқар балдоқлар, қўлидаги қўш-қўш узуклар Жаҳон бибининг юрагидаги ўтти баттар авж олдирди. У бир лаҳза Зубайдага маҳлиё бўлиб қараб тургач, ўғлини чақирди.

— Ҳамзахон, Зубайдахон мактабдошингиз-ку, уялманг. Келинг, болам, бизлар билан чой ичинг,— деди. У бу икки ёшнинг бир-бирига майли борлигини биларди.

Ҳамза ҳам оҳиста юриб келиб, одоб билан дастурхонга яқин ўтирди. Юраги гурс-гурс урарди. Онаси фотиҳа ўқиб, уларни дуо қилди. Пайтдан фойдаланиб, ёшлар ер остидан очиқ чехра, хиёл табассум билан бир-бирларига қараб олдилар. «Ҳайитга роса ясанибди», деб қўйди Ҳамза ичида. Қизнинг чиройли кулдиргичига, лаби устидаги қора холига кўзи тушиб, ногоҳ Навоийнинг бир байтини эслади:

Лабингда нилгун холингдур, э, жон,
Нечунким шарбат ичра тухми райхон...

Унинг назарида Навоий тасвирлаган, ибо ва тўлқиндан юзлари ёнган, вужуди мўъжиза қиз шу Зубайданинг ўзгинаси эди.

Қиз ҳам Ҳамзага ер остидан кўз ташлади, кўнглида роҳатбахш туйғулар жўш урди, юраги унга талпинди. Ҳамзанинг чақнаб турган кўзларига бардош беролмай, лабини тишлаб ерга қаради. Хина ёндирган қўлларини кўксига босиб, зўра сўз қотди:

— Айёмингиз муборак, мактабдош.

Зубайданинг овози ёқимли, ҳаётбахш эди. Ҳамза бундан нашъаланиб, бир лаҳза шошиб қолди-да, кейин хушини йиғиб, жавоб берди:

— Узингизники ҳам муборак бўлсин! Хуш келибсиз...

— Қуллуқ...

Шу орада Жаҳон биби: «Тортинманг, қизим, еб-ичиб ўтиринглар», дея ўрнидан туриб ошхонага қараб кетди. Бу фурсатдан фойдаланган Зубайда Ҳамзага қараб жидмайиб қўйди. Кейин дастурхоннинг попугини ҳимариб ўтириб, унга яна бир қараш ҳадя қилдию тортинибгина сўз қотди:

— Дорини баҳона қилдим-у, аслида ваъда қилинган ғазалингиз учун чиққан эдим, қўшнижон,— деди. У охириги сўзини ноз билан алоҳида таъкидлаб айтди. Қизнинг бу дадил гапи ўртадаги ноқулайликка барҳам берди, улар энди ўзларини отиноийнинг мактабига бориб юрган пайтларидегидек эркин ҳис қилдилар.

— Дарвоқе, мендан Шайх Саъдий куллиётини сўраган эдингиз-а? Ҳозир олиб чиқаман,— деб Ҳамза ўзини ишхонасига урди. Зубайда ҳам ўрнидан туриб, остонада Ҳамзани кутаётган эди, унга Жаҳон бибининг кўзи тушиб жаврай кетди:

— Вой, ўлмасам, Зубайдахон, тасаддуғингиз кетай, нега тик ту-

рибсиз?.. Остонада-я! Остонада туриш ёмон бўлади, қизим, жойингизни билиб ўтиринг. Аччиққина мастава қилганман. Шундан бир қошиқ ичасиз, иннайкейин сизга жавоб.

— Йўқ, холажон, сира овора бўлманг, уйда иш кўп. Ўзингиз биласиз, ҳайитчилик, келди-кетди дегандек...

— Овораси борми, қизим, тайёр овқатни ташлаб кетсангиз, хафа бўламан-а. Утиринг.

— Мен Ҳамзахон акамдан китоб сўраган эдим, шуни олиб чиқиб берсалар, кетсам. Кейинги сафар сиз билан зериккунингизча гаплашиб ўтираман, табиб ойи.

— Вой, унақа деманг, қоқиндиқ, нега зерикарканман? Сиз келсангиз, ҳовлимизга офтоб чиққандай, файз киради, қизим...

Жаҳон биби ярим-ярим қилиб уч коса мастава келтирди. Уни қатиқлаб кашничу райҳон чеккан эди. Бу орада Ҳамза ҳам ҳужрасидан чиқиб, дастурхонга ўтирди. Учовлашиб мастава ичдилар. Жаҳон биби Зубайданинг кўнглини олиб онасининг аҳволини сўради:

— Зубайдахон, Рисолатхоннинг дардлари бери қарай деб қолдими? Онангиз хўп ғайратли, орийтли жувон-да, барака топгур.

— Шукур, холажон, энди-энди иштаҳалари очилиб, ранг-рўйлари кириб қолди. Табиб амаким бориб қараганларидан бери анча яхшилар. У кишининг Ҳиндистондан келтирган хап дорилари эм бўлди, дейишяпти, ҳайтовур... Ҳа, дадамнинг ўзлари ҳам айтдилар бун.

— Отангиз худога қараб айтганда, кўп яхши, камбағалпарвар одамлар. Бир хил қурумсоқ, бети байтуллодан қайтган бадҳоқ бойлардан эмаслар. Ҳамза акангиз: «Бойларнинг ичида Аҳмадохун амаким кўп сахий, мурувватли, кўнгилчан одамлар. Яқинда Ҳожибек гузаридан мактаб очмоқчиман. Ана шу мактабга кўмаклашишларини илтимос қилиб ҳузурларига кирмоқчиман», деяётган эди,— деди Жаҳон биби соддалик билан. Ҳамза онасининг бу гапидан хижолат тортиб, қизариб кетди. У бу гапнинг ҳозир айтилишини истамасди, чунки ниятини ҳали ҳеч кимга билдирмай, кўнглига тугиб юрарди.

Зубайда ҳам бу гапдан ноқулай аҳволга тушиб, бир тўлганиб олди. У отасининг феълени, Ҳамзанинг ёзган шеър, мақолаларини унча хуш кўрмаслигини яхши биларди.

— Невлай... балким ҳиммат қиларлар, Ҳамза акам у кишига учрашсалар ёмон бўлмаса керак,— деб қўя қолди.

Жаҳон биби икки ёшни холи қолдириш учун яна чой дамлаб келишни баҳона қилди-да, бўшаган чойнакни кўтариб ўчоқбошига кетди. Ҳамза ёнидаги китобни Зубайдага узатди:

— Мана, сўраган китобингиз.

— Раҳмат, Ҳамза ака,— деди Зубайда тўлқинланиб.— Мен узоқ тутиб турмайман, тезда қайтараман.— Зубайда худди Ҳамза китобни ҳозир қистаётгандек, жилмайиб қўйди. Ҳамза унинг кўзларига узоқ тикилиб қолди. Зубайда нигоҳини ундан олиб қочиб, ерга қаради. Ёноқлари лоладек қизариб кетган эди.

— Бемалол ўқийверинг,— деди Ҳамза ва қейин қўшиб қўйди.— Орасида ваъда қилинган ўша ғазал ҳам бор. Ҳозир ўқиб чиқсангиз уни... илтимос.

Зубайдага Ҳамзанинг бу илтимоси хуш келмади чамаси, қошларини чимириб, жиддий тус олди:

— Йўқ, уйда... кимса билмайдиган холи жойда ўқийман. Хафа бўлмайсиз-а?

Ҳамза бир оз маъюсланди.

— Рисолангизга киритилган «Мактублар»ингизни бир тўда отинча қизлар ўқиб сиздан жуда-жуда хурсанд бўлдик, Ҳамзахон ака. Илоҳим, қаламингизга кўз тегмасин.

Икки қизил гул шохига
 Ёлғиз булбул қўнолмас.
 Уз суйгани турган жойда,
 Узга ёрни севолмас.

Қизлар тилидан жуда келиштириб ҳақ гапни айтгансиз, илойим
 тўрт мучангиз доим соғ бўлсин,— деди Зубайда тагдор қилиб.
 — Раҳмат, Зубайдахон, хўш, буниси-чи...

Кўкда юлдуз кўринмайди
 Қуёш бориб ботгунча.
 Тез-тез келиб ҳол сўрсанг-чи
 Уйда ёлғиз ётгунча.

— Узингиз парвои фалаксиз, вақти соатини топиб мундоқ кўри-
 ниш берай ҳам демайсиз,— деди Зубайда қизариб. Яна жимиб қол-
 дилар.

Ошхонадан чиқиб келган Жаҳон бибининг йўл-йўлакай жавраши
 ўртадаги жимликни бузди. Зубайда ҳамон қимматбаҳо нарсани авай-
 лагандек қўлида ушлаб турган қоғозни дарҳол китоб қатига яширди-
 да, дик этиб ўрнидан туриб кампирнинг қўлидан чойнакни олди. Унинг
 кўнглини кўтаргиси келиб, мулозамат кўрсатди:

— Вой, табиб ойижон, ёшлар турганда сиз хизмат қиласизми?
 Менга айтсангиз-ку, ўзим дамлаб кела қолардим.

Кейин чойнакни олиб бориб дастурхонга қўйди-да, аввал Жаҳон
 бибига, сўнгра Ҳамзага чой қуйиб узатди. Бир муддат ўтиришгач, қиз
 Жаҳон бибидан рухсат сўради. Она ёшларга умр, бахт-саодат, қари-
 ларга имон, ҳузур-ҳаловат тилаб дастурхонга фотиҳа ўқиди. Зубайда-
 ни юз-кўзларидан ўпиб, дуо қила-қила кузатиб қўйди... «Қанийди, сеп
 тўла сандиқларим бўлсаю кенжатоё келин қилиб олсам шу дўндиқ
 қизни!» деб ўйлади Жаҳон биби. Лекин бу ширин бир орзу эди, холос.

□

Ҳамза илк муҳаббатини узоқ вақт сир тутиб, унинг ўтида қоври-
 либ юрди. Аламини китоб мутолаа қилиш, ғазаллар битишдан олди.
 Юзини яширган, ундан хабар олмай, ҳижрон азобига қўйган севиқ-
 лисидан нолиди, баъзан тунларни бедор ўтказиб, кўз ёш тўкиб чиқди,
 ҳеч нарса билан иши бўлмай, ўзини четга тортадиган, камгап бўлиб
 қолди. Ундаги бу ўзгариш ота-онасини безовта қилиб қўйди, дардини
 билиш учун зимдан кузатишди. Ниҳоят, унинг сиридан отаси Ибн Ямин
 хабар топди. Кундан-кунга ранги сарғайиб, сўлиб бораётган, озиб-тў-
 зиб кетган ўглининг аҳволи бечора отани қаттиқ ташвишга солиб қўй-
 ган эди. Бу орада Аҳмадохун анчадан бери бетоб ётган хотинини
 кўриб қўйишни сўраб, уни уйига чақиртирди.

Ибн Ямин Аҳмадохунбойнинг ҳузурига ҳам табиб, ҳам совчи
 бўлиб боришга жазм қилди. Бой қўли юпқа табибнинг ўғлига қиз бе-
 рармикан?

□

Ичқари-ташқарилик сердарахт, саҳни гулзор кенг ҳовли, шерозий
 гиламлар тўшалган, шифтга кумуш қандил осилган, девор пеш-
 тоқлари киши ақлини оладиган даражада сиркорлик билан безатилган
 кенг меҳмонхонада қат-қат атлас, адрас кўрпачалар устида пар болиш-
 ларга кўмилиб ёнбош қилиб, тухумпўчоқ пиёлада кўк чой ичиб ётган,
 ранги заҳил, икки лунжи осилган, бадқовоқ Аҳмадохунбой олдига Ибн
 Ямин кириб борди. Таъзим-тавозе ва салом аликдан кейин бой табибни
 дастурхонга таклиф қилди. Улар беморнинг ҳол-аҳволидан бир муддат
 гаплашиб олган бўлишди. Бой эса катта хотинининг дарди оғирлиги,

муолижалар фойда бермаётганлигидан нолиган бўлди. Лекин унинг кайфияти баланд эди. Чунки Қўқонда номи чиққан ажойиб қўшиқчи, ўйинчи Зулфизар деган ёш қизга неча минг сўм ҳарж қилиб уйланиб олган эди. Бойнинг ана шу кайфиятидан фойдаланиб қолишни ғанимат билиб, Ибн Ямин одоб сақлаб туриб унинг қизи ҳақидаги илтимосини изҳор этди:

— Уғлим Ҳамзанинг юрагида катта бир орзуси бор,— деди Ибн Ямин.

— Қанақа орзу экан у?

— Сизга ўғил бўлсам дейди...— деди Ибн Ямин ғоят қийналиб.

— Нима дедингиз, қанақа ўғил?— дея сўради ҳушёр тортиб Аҳмадохун.— Дўкон очиб беришимни сўраяптимиз, ўғлингиз?

— Йўқ, ожизангизга... ўғлим Ҳамзанинг ишқи...

— Менинг ожизамни, ўғлингизгами! Ҳа-ҳа-ҳа! Онаси туққанда сурнайчи келмаган ўғлингиз учун совчи бўлиб келдингизми?— Аҳмадохуннинг юзида асабий табассум акс этиб турарди.— Хўп,— деди у жонининг борича ғазабини босишга уриниб, тиржайиб туриб.— Уғлингиз Ҳамза-ку, тўрт чақалик қиммати бўлмаган шеърлари билан шоирлик даъво қилиб юрган бир нодон, қўрс. Наҳот сиз, табиблик билан зўрға рўзгор тебратаётган бир одам бу ишга бош қўшиб менинг остонамга юрак ютиб келсангиз?! Менинг остонамга келишга элу юрт катталари ботинолмайд-ю...— деб дўриллади-да, ўрнидан турди, жаҳлини босиш мақсадида икки қўлини куймучига қўйиб меҳмонхонада у ёқдан-бу ёққа танда қўйди.

— Мени ҳам Ҳожини кулол ясаган эмас, мени ҳам эл танийди, оёқ остида қолганимча йўқ, тақсир.

— Бас! Дилингиз сиёҳ бўлмай туриб жўнанг бу ердан, қайтиб бу тўғрида оғиз оча кўрманг, орқаворатдан эшитгудек бўлсам, менинг обрўйимни тўксангиз... қаттиқ хафа қиламан. Боринг, табиблигингизни қилинг. Хабарингиз йўқ, қизим андижонлик Рўзиохун бойнинг кенжа ўғлига энг ичида фотиҳа қилинган,— деб жойига бориб ўтирди бой.

— Хўп, важ-тақал қилиш наҳоят, жаноб бой. Яширин фотиҳа қилинганлигини билмаган эканман, жанобларидан узр сўрайман,— деди-ю, Ибн Ямин шошилиб ковушини кийди.— Наҳотки одам боласи олтинга шунчалар муккадан кетса-я, э пул ўлсин, пул!

Бу гапни эшитган бой худди чаён қақиб олгандай, яна сапчиб ўрнидан туриб кетди. Даг-даг титраб қўлларини пахса қилиб Ибн Яминга ўдағайлади, оғзига боди кириб, шоди чиқди:

— Мен ким-у, айтчи, сен ким бўлибсан? Сенинг сарпоёқ ўғлингга гулдай қизимни бериб, охиратимни куйдирайми? Ишқ-муҳаббат эмиш, у билан кишини қорни тўярканми. Ёки мартабаси ошарканми? Шуни айтиб қўяй, кимсан Содиқжон бойваччадан совчи келди. Уч хотин устига гулдай қизимни бермайман, деб совчиларини қайтардим. Тенг тенги билан, тезак қопи билан, деганлар. Кўрпаларингга қараб оёқ узатинглар-да, ахир!

Қани энди ер ёрилса-ю, Ибн Ямин ерга кирса. Табиати хира, кўнгли ғаш, мустар бўлиб уйига қандай етиб борганини ҳам билмай қолди...

Содиқжон бойвачча дейдилар-а, уни. Унинг орзусига кўндаланг келадиган кимса борми? Бўлса жони нечта? Бойваччанинг қўли шунчалар узунки, Қўқонда туриб Андижондаги рақибининг бўғзидан олади. Шундай ҳам бўлди. Бачқирлик Хўжамбердининг ўғли Эргаш ўғрининг амри билан Қора Қоплон Андижонга бориб, у ердаги калла-кесарларнинг бошидан олтин тўкиб, Аҳмадохун мақтаган ўша рўзгор

кўрмаган йигитни гумдон қилиб қайтишди. Орадан икки ҳафта ўтар-ўтмас ярим тунда Эргашнинг ўзи Аҳмадохуннинг уйига босқин ясаб, унинг ўн олти ёшдаги хотини Зулфизарнинг қўйнидан уят гаплар билан сўкиб тортиб олди-ю, бошига қаттиқ бир нарса билан урди. Аҳмадохуннинг қулоғи чиппа битди, назарида еру кўк чирпирак бўлиб айланди, у гандираклай-гандираклай ерга гупиллаб йиқилди. Ҳушига келгач, дудама пичоққа кўзи тушиб дод солиб, ўзини Эргашнинг оёғига ташлади. Саноқеиз олтин, жавоҳир ваъда қилди. Эргашдан садо чиқмади. Унинг кўзлари қонга тўлган, кўнгли бўридек увилларди. Юзларида фақат ўлим шарпаси кезарди. Қулоғига шивирлади:

— Мени танийсизми, бой?

— Йўқ, танимайман.

— Бу мен бўламан!— у юзидан ниқобини олди-ю, унга мушук кўзларини тикди. Эргашнинг беўхшов гавдасини, тошдек дағал қўлларини, кўзларида ёниб турган ваҳший қонни кўриб-қўқ Аҳмадохун:

— Эргаш?!— деди-ю ҳушидан кетаёзди.

— Ҳа, бир отим Эргаш, яна бир отим ажал,— деди тишларини гижирлатиб Эргаш.

Унинг имоси билан Қора Қоплон, яна кимдир Аҳмадохуннинг гирибонидан тутиб обрезга ётқизишди. Ёш хотин оппоқ шойи рўйжа устида ярим яланғоч, беҳуш ётарди. Унинг узун киприклари, қийғос қошлари, кўкрагини ярим тўсган йўғон-йўғон икки кокилига бехос кўзи тушган Эргаш бир лаҳза тикилиб юзини шартта тескари қилиб олди. Қора Қоплон ёш аёл устига ипак чойшабни тортиб қўйди-ю, Эргашнинг қулоғига яқин келиб:

— Дириллама, момақаймоқ, чайнамай шимадиган дўндикча экан, хўжайин,— деди. Эргаш қошини кўтариб, имо қилиши билан Қора Қоплон Аҳмадохуннинг бошини қайриб бўғзига пичоқ қўйиб Эргашга «тортайми?» деган савол назари билан қараб гурди. Аҳмадохун аллақачон жонидан умидини узиб, қўйдек ювош бўлиб қолган эди.

Эргаш яна сўз қотди:

— Бой! Жон керакми! Ё мол — давлат?

— Бунга жон керак,— деди Қора Қоплон пичирлаб.

— Шундоқми?— деди Эргаш.

Аҳмадохун бошини қимирлатди. Унинг кўзларидан тўхтовсиз ёш оқарди.

— Агар сизга жон керак бўлса, бой, менинг уч шартим бор. Шунинг ҳаммасини қулоқ қоқмай бажарсангиз жонингиз омон-да. Бирон-тасини жойига қўймасангиз, жонингизга азроил бўлиб чанг солсам розимисиз?

— Розиман,— дея бошини ирғади Аҳмадохун.

— Эшитинг,— деди Эргаш.— Бирламчи шартим. Бу ишимизни ўла-ўлгунча сир тутасиз. Оғзингиздан гулламайсиз. Сизга жон керак бўлса шундоқ иш тутасиз, розимисиз,— Аҳмадохундан «хўп» деган бўғиқ садо чиқди.— Иккинчи шартим. Қизингизнинг оти нима? Ҳа, Зубайдахонга эртага Содиқжон бойвачча яна совчи юборади. Миён Қудрат ҳазратнинг ўзлари келадилар. Розилик бериб патир ушатасиз, бир ойга қолмай, қизингизни ўйнаб-кулиб бойваччага узатасиз. Ҳа, сизга жон керак бўлса...

Аҳмадохун розилик билдирди.

Эргаш яна заҳрини сочди:

— Бўй етган қизингиз Ҳакимча табибнинг ўғли Ҳамза деган бир калтадумга қаттиқ суйкалармиш, овлоқроқ жойларда тез-тез бағрига тортиб турармиш. Эртадан бошлаб у остона хатлаб кўча-кўйга чиқмайди. Сизга жон керак бўлса, шундай иш тутасиз. Учинчи шартим. Мана бу ёш хотиннинг оти? Оғзини бўшат, Қора,— деди Эргаш. Қора

Қоплон Аҳмадохуннинг оғзини бўшатди.— Оти?— деди Эргаш, таҳқиромуз тиржайиб.

— Зулфизар, — деди зўрга Аҳмадохун.

«Зулфизар... номи ҳам саз экан», — деди ичида у.

— Пулингиз бор, қанча хотин керак бўлса, сизники, бой. Буни эртагаёқ Камол қозига олиб борасиз, талоқ хатини қўлига топширасиз. Хўпми?

— Хўп, хўп...

— Гап битта! Худо ҳам битта. Олинг, ўпинг!— Унинг қўлига қуръонни тутқазди Қора Қоплон.— Ҳушёр бўлинг, бошингизга палағда фикрлар келса, ҳайданг. Яна сизни каломулло урмасин.

Эргаш лом-мим демай кўчага қараб жадал йўл олди. Бошқалар унга эргашдилар. Анчадан кейин Аҳмадохунга жўн кирди. Лекин у аллақандай нотовон, заҳар-заққумга тўлган илон оғзида бир-икки ямланиб, суяклари мажақланган чумчуқдай мужмал бир нарсага ўхшарди. У бели жизиллаб, қўл-оёқлари зириллаб, чалишиб, қаддини ростлаб, Зулфизарнинг ёнига борди, бирдан ҳўнграб, ўзини унинг бағрига отди. Зулфизарнинг зулфидан атр ҳиди анқирди. Лекин бу хушхид бойнинг димоғига заҳар бўлиб кирарди. Ахир у бу нозанин, Зулфизардан жудо бўлиб қолишини ҳатто хаёлига келтиргани қўрқар эди. Ёш оқиб пирпираган кўзларидан, хиёл титраб турган лабларидан, келишган оёқларидан жазава билан ўпди, ўпди ва яна ўпди. Нозик, латиф бармоқларини кўзларига босди. Зулфизарнинг ёш, оппоқ, тикмачоқдек, меҳрибон, иссиқ тани унга яна куч, ҳарорат, ҳаёт бахш этди. Ёши олтишга бориб қолган бўлса ҳам, Аҳмадохуннинг завқи, муҳаббати қаттиқ эди. Йўқ, Аҳмадохун Эргашнинг пичоғига бошини қўяди, аммо Зулфизарни унга бермайди!

Учинчи боб

Сайилгоҳда

Ойдин булоқ — қўшиқчи булоқ, сўлим, соя салқин жой! Катта булоқ, теваарак-атрофи дов-дарахт, айниқса сада қайрағочлар, майда кокиллари ёзиб ташлаб, теран хаёлга чўмган мажнунтоллар шундоққина биқинидаги ўрикзор, бодомзор, гулзорлар киши дилини ҳар қандай ғам-ғашдан тозалайди. Булоқ ёнгинасида унча катта бўлмаган бозор бошига бу ҳафта сайил қақирилган. Қўқоннинг жазирама ёзи, еру кўк қуёш ғазабидан... пишиқчилик кунлари, деҳқоннинг қўли бўш пайт... Ипак гиламлар билан безатилган, супуриб-сидирилган қатор чойхоналар, боққоллик, қассоблик дўконлари эрталаб барвақт очилган. Ошпаз, сўмсапаз, кабобпазларнинг қўли қўлига тегмайди. Офтоб тиф торганда сайил қизиб кетди. Одам тиқин: бировлар қўлларида қопқопчиқ, бозор-ўчар қилади. Бировлар ҳамёнида ҳемири йўқ, туянинг тишини санайди. Айниқса қашқарлик ошпаз Ниёзохуннинг донғи бутун Фарғонага таралган. Узоқ-яқиндан келган ёш-яланглар, қари-қартаглар, танти бойваччалар, мингбоши, додхоҳ, қози-аъламларнинг сатти хон атлас, кўк қарға шоҳи кўйлақлар кийган, бошларига паранг дуррани дол келтириб ўраган ёш келин-қизлари Ниёзохуннинг ҳуштаъм манти, ҳушхўр гўшткуйди, сермурч пармуда, йўтонгзи (зарчўва, зира сингари дориворлар солинган) лағмон, хўшанг, манпар, манжўзалари

га, сели жизиллаб оқиб турган тандир кабобларига роса ўрганишган. Ошпаз йигитлар бақириб-чақириб қулоқларни батангга келтиришади:

— Кеп қолинг, ғарчча мой ейсиз!

— Бор, қайноқ ёғлиқ сомсалар!

— Ёғумурч, ёғумурч!

— Қашнич чекиб, қатиқланган қиймали маставалар. Ичмаганлар армонда!

— Асаканинг ҳусайниси. Қадоғига бир миридан баҳо кесдим, кеп қолинг.

— Пули бор-ку ейди, пули йўқ-чи,— баланд овоз билан сўради, эр-как савзига ўхшаган бир эски чопон.

— Жомега бор, шулон тайёр, бепул!— деди қочириқ қилиб елкаси чиқиқ, ранги сарғимтир қилтириқ бўйин бир исириқчи.

— Камбағалнинг куни шу экан-да! Наҳотки бир сих кабобга зор бўлса. Э, ноқис замонангга ўт тушсин,— дея сўкинди бозорда аранг сургалиб юравериб куйиб қора талаққа айланиб кетган бир гадой.

— Пули борга кабоб, пули йўққа дуди кабоб, кеп қолинг!— қичқирди кабобпаз.

Бир маҳал аллақандай отлик сайил қизиган майдонга кириб келди-да, ўзининг туриш-турмуши, ажиб қилиқлари, хусусан ғалати гаплари билан сайилчиларнинг эътиборини ўзига тортиб олди. Унинг бошида каттакон салла ўралган, эғнида зарбон чопон, оттўрва соқоли кўксига тушган, йирик-йирик кўзларига сурма тортган, қўлида эгри ҳасса, атрофида турли кепатадаги тўрт-беш киши унга парвона. Бири отининг жиловидан тутган, яна бири: «Қоч, йўлни бўшат, пирим келяптилар!»— деб кимгадир ўшқирган... Бозорчилар, аҳли растаю сайилчилар ҳайрон:

— Бу зот ким бўлсалар экан? Эшонми? Раисми ё қозими?

От устидаги одам шу пайт бир-икки бозорчига: «Намозликни билмайсан, масчитга кирмайсан»,— деб, дарра туширди-да, овози борича бақириб чақирди:

— Халойиқ! Бир-икки оғиз сўз айтаман, қулоқ сол. Мен эт емас эшон бўламан. Атаган-атамаганингни дарҳол мана бу ола хуржунга сол! Бермасанг, дуойибад қилиб ишингни хуржунлаштираман. Халойиқ! Мени билмасанг бил, Қўқоннинг юқори Шилдир, пастки Шилдир даҳосининг шафақ махсум деган қўрбошиси ҳам, қозиси ҳам ўзим бўламан.

Бозорчилар нима қилишларини билмай тек туриб қулоқ солишди, у эса, бадгар гердайиб давом этди:

— Эшитиб, билиб қўйингларким, уволгина одамман, обрўйимнинг катталиги, мартабамнинг улуғлиги шунчаларки, маҳаллада тўй, хатми-қуръон ёки рамозони шарифда ифтор бўлса, у қўшнимни айтишади, бу қўшнимни айтишади, ўртада битта ўзим сўппайиб, бугдойнинг чорисидай четга чиқиб қолавераман.

Атрофда «гурр» кулги кўтарилди. Ҳамон ҳангу манг бўлиб, зир титраб турган одамлар сал ўзларини босиб олиб, кулгига қўшилишди. У давом этди:

— Жума кунлари масжидлардан жойнамоз ёинки намозхонларнинг кавушлари йўқолиб қолса, менинг уйимдан топиб олишади. Шу ҳунарим учун мени «чўп қўймас эшон» ҳам деб аташади.

Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Одамлар ўртасида жонланиш бошланиб, уларнинг кайфиятлари яхшиланди.

— Э, масхарабозлар экан. Бир томоша кўрадиган бўлдик,— деди кимдир қувониб.

— Ҳа, Юпатовнинг от ўйини кеган. Марьямхоннинг жилвасини кўрмаганмисан?

— Танидим, анави от устида тургани ўта гапдон, мияси путун қизиқчи.

— Қизиқчи келмаган сайил сайил бўптими?— деди бир деҳқон йигит. Одамлар шу тариқа бири олиб бири қўяётган эди. Урта бўйли, чўққи соқол, шалпанқулоқ, чўмич бурун бир қизиқ, ёғи чиқиб кетган тайпоқ дўппини бошига тескари кийиб олиб йиғламсираб бозорчиларга мурожаат қилди:

Эй ёронлар, бошгинамда мугизим йўқ,
Такка солай десам кафтдай кигизим йўқ,
Чориқ йиртиқ тикай десам бигизим йўқ.

Ҳа, Қўқон қишлоқларидаги кўптирма нондай ерларки бор — ҳаммасига Содиқжон бойвачча эга. Уттиз йилдан бери чоракорчилик қиламан, бойвачча беш йилдан шу ёққа ҳақ тўламайди. Узимда бир суям ҳам ер йўқ. Мана кўрасиз алваттаинки, бу отган ошиғи чув тушган қиморбоздай қизармай ўлгур эт емас эшон ҳам бойга қайишади. Шу боисдан ялангоёқ қолдим мано!

От устида виқор билан турган «ҳазрат» ҳалиги ерсиз деҳқон қиёфасидаги масхарабозни дарра билан бир тўширди. Қўлларини пахса қилиб жекирди:

— Хўшшаймай ўл!.. Қачонгача еб туриб маърайсан. Аввало бўйнингдаги қарзингни уз, ундан кейин кигиз билан бигиз сўра-да! Қолу бало, манглайингдан кўр, ундоқ ношукурчилик қилма, бадбахт! Худо сени шундоқ чорадон, қарол қилиб яратган бўлса, менда нима ҳад? Сабр қилсанг, чеккан барча заҳматларингнинг ажзини нариги дунёда кўрасан.

Қизиқчи «ҳазрат»га тикилиб, маккорона илжайиб қўйди.

— Тақсир, гапингиз тўғри-ку, аммо лекегин худонинг ўзи кечирсин, кўнгил ўлгур нақдини тусаса, мен нима қилай, ахир!

Яна қаттиқ қаҳқаҳа шағал тўкилгандай бутун бозорни кўтариб ташлади. Жағи кенг, дўнг пешона, кўзлари шилпиқ бир мулла «астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ!» деб истигфор айтарди. Уртага бир оз ноқулай жимлик чўкди. Чунки қизиқчи сал «қаттиқ» кетган эди. Бу вазиятни енгиллатиш учун иккинчи қизиқчи «Кичкинажон, кичкина»га ўйнаб, ҳар хил қилиқ қилиб, халойиқнинг ичагини узди. Уйин тугаши билан бошқа бир қизиқчи халққа мурожаат қилди:

— Халойиқ! Манави муфтхўрни қаранглар! Бу пуфлаб шиширилган ёлгончи «қозиман, кўрбошиман» деб бечора деҳқон, косибга жавр қилиб, хотин-қизларига кўз олайтиради. Кеча-кундуз ҳаром-ҳарош ишларга юради. Қамбағал деҳқонларнинг арз-додига бурнини қоқади, порани иссиқ иликдай ютади. Бундоқ тамаъгир, хўдобеҳабар Шафақ махсумни калтаклаш савоб. Савобдан қуруқ қолмай десанглар, эртадан бошлаб, Юпатовнинг Қўқондаги отўйинига бораверасизлар,— деди-ю, от устида кеккайиб ўтирган ҳалиги эшоннусха одамни ўпка билан ура-ура бозордан чиқиб кетишди. Сайилчилар роҳат қилиб кулиб қолишди.

Айниқса бу Ҳамзага қаттиқ таъсир қилди. У кула-кула Олчинбекка юзланди-да:

— Танидингизми?— деб сўради ундан.

— Бўлмаса-чи, оғзи шалоқ Юсуф қизиқни ким танимайди,— деди Олчинбек нописандлик билан.

— Кўп доно одам,— деди Ҳамза,— халқ дардини ундан яхши биладиган киши бўлмаса керак.

— Қўйинг-ей, оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган бесавод масхарабозни донишманд дейсиз-а, Ҳамзахон. Доим бачкана қилиқлар қилиб, ажива бўлиб юради. Нимаси донишманд унинг, ҳайронман.

— Халқнинг дилидаги дардини билиб, унга малҳам бўлиши билан

донишманд у. Мен у кишини, албатта, зиёрат қилишим керак,— деди Ҳамза Олчинбекка жавобан.

— Ҳа, энди бўлса бордир. Макаров, Юпатов деган аллақандай кимсалар билан от ўйнатиб кун кўраётган ўша сўлоғи ўйнаган авлиё-йингизнинг зиёратига улгурасиз ҳали,— деди, сўраётган папиросининг кулини чертиб Олчинбек. Кейин гапни бошқа ёққа буриб, ялпизлади.— Уни-бунни қўйинг, дўстим, бу ёқда қоринлар сурнай чалаяптию, арзимаган нарсага баҳслашиб ўтирибмиз-а. Ундан кўра бирон дурустроқ овқат топиб тамадди қилайлик.

Бу таклиф Ҳамзага ҳам маъқул тушди. Унинг ҳам қорни очган эди.

— Ҳа-я, дарвоқе,— деди у Олчинбекнинг тақлифини сидқидилдан маъқуллаб.— Ниёзохуннинг лағмонини сиз ҳам соғинган бўлсангиз керак, ўша ёққа бориб тушлик қиламиз.

Олчинбек бажонидил рози бўлди. Улар лағмон ейиш учун кета туриб, Бўронбойни учратиб қолишди. Қўярда-қўймай уни ҳам ўша ёққа судрашди. У ҳам томошага алағда бўлиб, овқат еб олишни унутганди, кўп таранг қилмай, осонгина рози бўла қолди... Йўлда буларга Умарполвон ҳам қўшилди. Булар кела солиб ўзларини ошхонага уришди.

Лағмондан кейин, чой устида Олчинбек бугунги сайру томошадан олган таассуротлари билан ўртоқлашгиси келиб, гап очди:

— Кўп замонлардан бери бизга маърифат қуёшини кўрсатмай келаётган бидъат, хурофот ўчоқларини роса кўрдик, бу хурофот, жаҳолат, бидъатдан қутулиш, миллатни бахт-саодат соҳилига олиб чиқиш учун бирдан-бир йўл — маърифат йўлидир,— деди у даврага гап ташлаб. Ҳамза истеҳзоли табассум билан Олчинбекка бир тикилиб олди-да, кейин овозини кўтармай жавоб қилди:

— Яккаш шундай дейсиз, дўстим, тўғри, миллатни ўқитиш керак, миллат маърифатга муҳтож, илмга чанқоқ. Лекин қани мактаб, қани китоб? Мадрасада ҳам фақат борларнинг фарзандлари ўқишади. Миллатнинг, айниқса бисоти, бағали йўқларнинг аҳволига ким ачинапти, ким? Уларнинг болаларини ким ўқитади? Қани муаллим?

Гапни Олчинбек илиб кетди:

— Жаҳон бозорида Оврўпо дунёдорлари билан беллашмоқ учун савод керак. Ҳисоб-китоб, иқтисод илмларини пулдорларимиз сув қилиб ичишлари шарт. Пулни пул топади, бойларимиз ана шу кимёнинг магзини чақишлари керак-да, лекин у нодонларнинг виждонлари кўр. Улар завод қуриш ўрнига қайси йўл билан бўлса ҳамки, катта тўйлар қилиш, масжид, мадраса солиш, қўша-қўша хотин олиш билан оворалар. Хўжайинимиз Содиқжон бойваччадан бошқа Қўқон бойларининг аксарияти мактаб, маърифат деган сўзларни эшитсалар, имонлари саксон газ нарига сапчийди. Э, қўйинг-е, қайси бирини айтаман — деб юборди Олчинбек чойнакнинг қопқоғини шиқиллатиб самоварчидан чой сўраб.

— Ҳозир, ҳозир, садаға!— деди сайилда самовар очган Жавлон ака. У эпчил ҳаракатлар қилар, ҳар нарсага чип-чин ёпишар эди. Оташдонда қизиб ётган гулдор чойнаклардан бирини олиб унга жўм-ракдан шариллатиб қайнаган сув қуйди, пиёлани чайди, елкасидаги сочиқ билан артиб, буларнинг олдига қўя туриб Ҳамзага сўз қотди:

— Шоирим, кейинги пайтларда кўринмай қолдилар. Мадрасада кеча-кундуз китобдан бош кўтармай таҳсили илм қиляптиларми дейман?

Самоварчининг гапи жавобсиз қолган бўлса ҳам, ўтиришга руҳ киритди, енгил кулги кўтарилди, ҳозир вазият ҳам жиндай дафи савдо қилиб ўтиришни талаб қиларди. Ҳамза бу кулағон, дўлвор самоварчи Жавлон акага маъноли жилмайиб қўйди-да, илтимос қилди:

— Жавлон ака, суви қочмаган гаплардан бўлса айтинг, эшитайлик.

Лекин Олчинбекнинг «бачкана» гапларга ҳуши йўқ эди, шунинг учун «жиддий» гаплардан гаплашишга интилиб, суҳбат нишобини бошқа ёққа бурди:

— Катталарга кечки мактаб очамиз. Сиз ҳам кириб ўқинг, мактаб ёнингизда бўлади,— деди Олчинбек Жавлон акага синовчан тикилиб.

— Бе! Садага, энди ўқиб маҳаллага имом бўлармидим, ёшлигимиз чой ташиб, чилим солиб ўтди-кетди, садага!

Унинг гапида чуқур изтироб, маъюслик, аини чоқда беназир бир хушчақчақлик бор эди.

Ҳамза газетага тикилиб ўтирарди. Олчинбекнинг миллий боёнлар ҳақидаги сўзлари унга қаттиқ таъсир қилди. «Дўстим Олчинбек... ўзи давлатманд хонадондан... Лекин ҳамма учун бирдай ачинади, аломат, гоятда олижаноб йигит. Қани энди барча ёшларимиз Олчинбекка ўхшаб жаҳолат, асоратда қолган, забун ва тутқун мусулмон миллати учун ёниб, унинг қайғусини чекса...» У бир оздан кейин Олчинбекка газетани кўрсатиб, маъноли жилмайиб, кўз-кўз қилди-да, самоварчига:

— Қўяверинг, Жавлон ака, сизни ўзим ўқитаман,— деди унга кулиб қараб Ҳамза.

— Чилим.

Щиддатли овоз эшитилди.

— Ҳозир, бойваччам,— деди Жавлон ака, дарҳол чилимнинг сувини янгилаб, сархонасига тамаки босди, устига чўғ ташлаб, чилимни пишитган бўлди-да, «бойвачча» ўтирган чорпоя томон югурди.

Оёғига этик, эгнига қора камзул устидан майда чивик беқасам тўн кийган бу бадқовоқ, баджаҳл одам бармоғидаги гавҳар кўзли узукни кўрсатиб туриб, чилимни қўлдиратиб чекди. Оғзидан паға-паға тутун чиқарди, сўнг товушини пастлатиб сўради:

— Анави ўтирган ҳезимкашларни танийсанми, Жавлон?

— Ҳа, танийман, бойвачча, анави газнит ўқиб ўтирган йигит қўқонлик ёш шоир Ҳамза бўладилар, униси Содиқжон бойваччанинг мирзаси...

— Уни-ку таниб турибман. Лекин Ҳамзанг дилимга ўтирмади, менга «бозор баҳоси» муомала қилди-я, эгилиб салом ҳам бермади. Шоирман деб керилиб кетган, беадаб кўринади лаънати жаҳид, шунингни ҳар кўрганимда нафасим қайтади-да,— деди тўнғиллаб.

— Сизни танимади чоғи, бойваччам, акс ҳолда саломлашарди, у жуда дилкаш йигит,— деди Жавлон ака.

— Танитиб қўяман ҳали ўзимни унга. Фейлимни биласан-ку,— шивирлади Ҳамзадан кўзини узмай бойвачча.

Жавлон аканинг дилига гулгула тушди. «Бойвачча эмиш... Бу ўттиз икки гўлаҳга ўт қўйган калла кесар Эргаш ўғри-ку! Бало-қазодек қайдан пайдо бўлди бугун. Искардидан ортиқроқ ичибди, роса айниб, алжиллади қонхўр»,— дея кўнглидан ўтказиб қўйди у.

Ҳамза ҳамон газетага тикилиб ўтирарди, бирдан бошини кўтариб Олчинбекка қаради-да, газетани унга кўрсатиб:

— Ҳурматли шоиримиз Абдулла Авлоний яна бир хўп гапни айтибдилар-да, мана эшитинг, Олчинбек,— деди.

«Бизим Тошкентимизда қишда лой кўп,
Пули кўп, ақли кам, бемаъни бой кўп!»

Бўшаган чойнакларни олиб кетаётган Жавлон ака шеърни илғаб олиб, роса қаҳ-қаҳ отиб кулди. Кўзларини кийилавериб униққан чопонининг енги билан артиб:

— Э, шоирлар бор бўлсин. Халқнинг дилидаги гапни топиб айти-

шади барака топкурлар, — деди, кейин овозини пастлатиб, Ҳамзага шивирлади. — Бунақанги тўқими тескари, қилдан қийиқ топиб бақирадиган, устидаги отаси гиж-гиждан, онаси жим-жимдан келган ярқираган энгилларига қувонадиган, лекин тариқча ақли йўқ, бўйни йўғон аҳмоқ бойлар ўзимизнинг Қўқонжонда ҳам бир талай, ҳа энди, шунақаси ҳам бўлар экан-да, — деди-да, кула-кула нариги чорпоёга чой кўтариб ўтиб кетди.

— Йўқ, Ҳамзахон, Абдулла Авлонийни мен қаттиқ ҳурмат қиламан, у зот — зўр устод. Лекин бу шеърни менга манзур бўлмади. Бойларимизни ёппасига қоралаган. Тўғри, бойларимизнинг аксарияти подон... бу ҳақда мен ҳам ҳозиргина айтиб ўтдим. Лекин эс-ҳушли маърифатпарвар бойларимиз ҳам кўп, ҳаммасини ҳам ақли камлардан дейиш калтабинлик, миллатни менсимаслик. Ҳа, сарватдорлари бўлмаган миллат, ер юзидан ном-нишонсиз кетади. Мана, олайлик, андижонлик Миркомил бойни... Туркистонда ундан бадавлат одам йўқ. Етти завод, ҳисобсиз олтин, еру мулк. Тошкент, Андижон, Швецария банкларарида сармойаси ачиб ётибди. Ана шундай ҳиммати баланд бойларимиздан, масалан, хўжайинимиз Содиқжон бойвачча, бу зотдан янги усулда мактаб очмоқ, маърифий ишларимизни ривожлантирмоқ учун иона пули сўрасак, йўқ демайдилар. Албатта, берадилар. Бунга имоним комил, чунки ўзимизнинг қўқонлик Содиқжон бойвачча хизматига яқинда кирдингиз. Мен мана, роса уч йилдири шу даргоҳдаман. Содиқжон бойвачча кўп танти, саҳий, маърифатпарвар, камбағалга қайишадиган одам. Содиқжон бойваччанинг кишторига файзу барака тилайлик, у зотга бағишлаб шеърлар, газеталарга қутловлар ёзайлик. Ахир у киши дума аъзоси-я! Бойвачча бизга мактаб, bosмахона, кутубхона очиб берадилар.

Бўронбой луқма ташлаб қолди:

— Миён Қудрат, Камол қозилар бор. У янги усулдаги жадид мактабига йўл қўйишармиди?! Мактабингизга ўт қўйиб кулини кўкка созуришади.

— Фикрингиз ғалат. Содиқжон бойваччани Миён Қудрат ҳазрат, Камол қозилар ҳурмат қилишади. У киши бир оғиз айтсалар, ҳазратим ўзлари фатво берадилар. Ҳа, хўжайинимиз Содиқжон бойвачча ахши одам, фидойи, жадидларга мадад берадиган ҳам фақат ўша зот, — деди озини тўлдириб Олчинбек.

Ҳамза яна узоқ ўй суриб кетди: «Дўстим Олчинбек ҳақ. Жамиятимизда боёндан бошқа ақлаввал раҳнамо бўладиган табақа йўқ. Тақдиримиз муллоий забардаст, уломойи киромларимизга қолса, яна хароб бўлаемиз. Юз йиллардан бери эл-юрт ҳолига йиғлаймиз. Бу кулфатларнинг ҳаммасига сабабкорлар — жоҳил зоҳидлар, сохта уламолар! Миллат жаҳолат лойига ботган, илмсиз, уларга биздақанги маърифатпарвар янгилар, домлалар тили билан айтганда, жадидлар раҳбарлик қилиш учун ақл-идрокдан ҳам илгари яна бир нарса керак. Маблағ, давлат, сармойя! Бизда ўша йўқ. Сармойя бойларимизнинг пулат сандиқларида! Борларнинг уфқлари доим кенг бўларкан. Агар бойларимиз, Олчинбек дегандек, инсофга келиб, миллат учун қайишиб, миллатнинг бахт-саодати учун бир қисм давлатларини иона қилсалар, бас, олам гулистон. Фақат бой-пулдорларимизни адлу инсофга чақирмоқ уларни шафқат, миллатга хайрият йўлларига етакламоқ зиёдиларимиз зиммаларида турган муқаддас вазифадир.

Барча чораларни кўриб, бойларимизни роҳ-ростга солмоқ зарур. Мадрасани ташлайману янги усулдаги мактаб очиб, бойларимизни бир азмойишга оламан, албатта. Ҳа, рус-тузем мактабига кириб ўқийман».

Шу хилдаги катта ниятларни дилидан ўтказган Ҳамза ялт этиб Олчинбекка қараб сўз қотди:

— Лекин мен яқинда бир бойнинг камбағалга берган питир рўзасини ногоҳ кўриб қолдим. Еқамни ушладим, арзимаган нарса билан у гўё содир қилган гуноҳларини сотиб олди. Унинг учун мен уялиб кетдим. О, дўстим, шуларга кун қолган миллатнинг ҳолига йиғламай бўладими? Ҳа, йиғлаб-йиғлаб газетага мақола ёздим.

— Питир рўза берган бойни кўкларга кўтариб мақтагандирсиз?— деди истеҳзоли илжайиб Бўронбой.

— Қаёқда, саваладим.

— У қайси қурумсоқ бой экан?— сўради Олчинбек.

— Уша, сиз кўкларга кўтарган ўзимизнинг хўжайинимиз кўқонлик Содиқжон бойвачча-да, қайси бўларди,— деди Ҳамза Олчинбекка киноямуз қараб.— Лекин номини ёзмадим, бу гал аядим.

Олчинбекнинг ранги ўзгариб, дами ичига тушиб кетди. Кейин ўзини тутиб олиб, гинахонлик қилди:

— Оббо, ишнинг пачавасини чиқарай дебсиз-ку, дўстим. Нега маслаҳат солмадингиз? Агар сезиб қолса, у энди бизга қора чақа ҳам бермайди. Миллат, ватанга ҳам тескари қарайди, иккимизни хизматимиз ҳам майли-я, Қўқондан ҳайдаб юборишдан ҳам тоймайди. Мен унинг феълени яхши биламан. Жудаям тезсиз-да, тезсиз!

— Бу янги гап. Ҳайдаб юборай дегг?! Ҳозиргина уни Хотами Тойи даражасига чиқариб мақтаётувдингиз. На чора, худодан кўриб, этакни қоқиб, Қўқондан чиқиб кета берамизми, ҳайдаса. Нега шу кунгача буни менга билдирмадингиз?— деди Ҳамза сал-пал қизишиб.

Уқиб таҳсил илм айла, маориф шарбатин ютгил,
Танингни жаҳлдан қутқар, ғами миллат билан ўтгил,—

деб бонг урган миллат шоирининг нафсониятини койитишдан ўзимни тийгандим,— деди Олчинбек бўшаган пиёлани Бўронбойга узатиб.

— Дўст ачитиб сўзлар, деган матал бор. Агар хатойим бўлса кўрсатинг, тузатай. Ахир кадрдон дўстимиз-ку!— деди Ҳамза Олчинбек нимага шама қилаётганини дафъатан англамай.

— Майли, айт десаңгиз, айтаман. Билмадим, сизнинг қулоғингизга етиб келдим-йўқми, Қўқонда дув-дув гап: «Ўзининг «Янги саодат» деган шалоқ китобида Ҳамза Ҳақимзода эркак зотини тупроқ билан тенг қилиб, сочи узун, ақли калта аёлларни кўкларга кўтарибди.

— Қимлар шунақа деяпти?— сўради Ҳамза.

— Домла имомлар, мўътабар бойларни қўяверингки, бутун аҳли раста шундай деяпти.

— Улар шундай деса, деяверсин. Ўзингиз нима дейсиз? Менга сизнинг фикрингиз керак. Хўш, «Янги саодат» миллатга зарарли шалоқ асарми?— дея сўради Ҳамза Олчинбекка синовчан тикилиб.

— Ниятингиз эзгу. Бу асар миллатни маърифатга даъват этади. Лекин...— Олчинбек бир лаҳза иккиланиб қолди.

— Хўш, хўш? Ана шу «лекини»ни айтинг-да!

— Лекин ижобий тимсолингиз эркак эмас, аёл. Нодон, чапани қиморбоз, жоҳил Абдуқаҳҳор оилани вайрон қилиб, ўзи зим ғойиб бўлиб кетади, аммо унинг хотини — тан маҳрами, чўриси бўлган Марьям ақлу идроки, сабру тоқати, тадбиркорлиги билан бузилган оилани қайтадан обод қилади. Менимча, бу гап, умуман, эркакларнинг шаънига яхши эмас, деб ўйлайман.— Олчинбек ичидагини айтмади-ю, лекин охирини андавалаб,— дўстингиз бўлганим учун ичимдагини айтдим-қўйдим-да. Бордию гапим нотўғри бўлса, узр, азизим,— деди.

Шу пайт ошхонага савлат тўкиб, гурс-гурс босиб, бир нотаниш киши кириб келди. Олчинбек сакраб ўрнидан туриб, у билан эски кадрдонлардай қўчоқлашиб кўриша кетди. У одам, кўришар эканлар, Олчинбекдан ўпкаланарди:

— Қумга тушган тангадай кўринмай кетдингиз, бойвачча. Биз-

нинг ёқларга тез-тез бориб турардингиз. Узи нима гап, саломат юриб-сизми?— деди тиржайиб. Олчинбек олдинга каловланиб довдираб, ниҳоят, ўзини ўнглаб олди-да:

— Содиқжон бойваччанинг хизматлари билан ўралашиб қолдик, шукур, тану жонимиз соғ-а,— деди бир оз қизариб. Кейин унга мурожаат қилди:— Нега танимай, сўрашмай турибсизлар. Танишинг.— У Ҳамзани кўрсатди.— Бу киши шоир Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бўладилар. Менинг маслакдош дўстим.

Нотаниш кишининг чаккаси тиришдию, лекин ўзини қўлга олиб, тўнғиллади:

— Маслакдошим, дўстим денг. Яхши-яхши!— деди-ю, лекин ичида: «Қўш жадид, қўш шоир, қўшмозор» деган ибораларни такрорлади. Шундай бўлса ҳам, буни сиртига чиқармади, гапни чалғитди:

— Ҳай-ҳай, шундоқ дўстингиз бор экану, шу чоққача таништириб қўймайсиз ҳам,— деди-да, буларга такаллуф кўрсатиб,— қани, меҳмонлар, ўтиринглар, тотинсинлар. Қўп хуштаъм таом бу. Ҳа, Охун ака жаннати одам, бунақангиси қайтиб келмайди,— деб иштаҳа билан овқатни тушира кетди. Бир хўплам кўк чойни бостириқ қилиб ичди-ю, «Болта!» деб кимнидир қақирди.

— Лаббай, хўжайин,— деди ошхонага кириб, ўрта бўйли, боши ялтироқ, гирдиғум, хитойафт бир йигит.

— Аяларингга бир лаганда манти-сомса, икки чойнак аччиқ чой элтиб бер! Нар-бери еб олишсин. Алланевақт бўлиб қолди, қоронғига қолмай этиб олайлик,— деди йигитга кескин амр қилиб, ҳалиги одам.

— Хўп бўлади, хўжайин,— деди-да, у ошхонага яқин салқин бир жойга чиқарилган соявон арава томон йўл олди.

— Йўл бўлсин, Қоплон ака?— дея сўради Олчинбек ҳалиги одамга ялт этиб қараб.

У лунжигга битта мантини тиқиб, Олчинбекка жавоб қилди:

— Ганжиравонга...— Мантини ютиб, яна мулозамат юзасидан:— Қани, овқатга қаралсин, қани, шоирим, мен сизни яхши биламан. Ғазалларингизни ўқиганман. Толиби илмсиз. Ёзган ғазалларингиз жуда аломат, нукул ибрат! Ҳа, ёмонларга калтак деса ҳам бўлади. Яллагиларга бағишлаб ғазал ёзинг. Савоб бўлади,— деб илжайди.

— Албатта, албатта,— деди-ю, газета ўқиётган киши бўлиб синчковлик билан унинг ич-ташига зеҳн солди Ҳамза.

Бу— Қора Қоплон, Қўқонда номи чиққан каллакесар бузуқлардан эди.

Қора Қоплоннинг янги расмана кенг яктаги этаги тиззасига тушган, устида қалин бир энлик жияк тикилган банорас чопси. Белида ҳошиясига ғазал тиккан зангори қийиқ, оёғида қўнжи тэр ағдарма этик, бошида ироқи жияклик дўппи, оқ шоҳи рўмоли белбоғига қистириғлик, белига карк сопли пичоқни осиб олган эди.

— Сўраганинг айби йўқ. Ганжированда бирор гап борми?— деди зимдан унга қараб Олчинбек.— Бирор базми жамшид бўлса биз четда қолмайлик дейман-да.

— Бе, ганжиравондаги айш-базмлар хуфиялар билан бўлади. Катта тўйга ҳаракат, «оғиз бойлар». Бой отам тўшагини янгиламоқчилар,— деди Қора Қоплон, ўз сўзидан кайфланиб қаҳқаҳ уриб.

— Қайси бой отангиз? Қўқонда нима кўп, бой оталар кўп,— деди Ҳамза.

— Бу бой Қўқондагина эмас, Туркистон музофотида биттаю битта. Саховати ҳам бир дунё. Хўжайиннинг тўйларида, худо хоҳласа, ҳали сизлар ҳам қамишдан бел боғлаб хизматда бўласизлар, йигитлар,— деб Ҳамзага зимдан тикилиб қўйди у.— Бултур Саидтўра мингбошининг куёви Уктам бойваччани номаълум кишилар сўйиб кетишганди,

эсингиздами? Содиқжон бойвачча ўша мингбошининг тул қолган қизи Шаҳзодахонга уйланган эдилар... Энди яна бошқа биттасининг пайида юрибдилар,— деди Олчинбек илжайиб.

— Шунақа,— деди Қора Қоплон, гўё бу гап ўзи тўғрисида кетаётгандек гердайиб.— Давринг келса, сур, бегим, деб шуни айтадилар-да, а, лаббай!..

— Бой ҳам бойга беради, худо ҳам бойга,— демоқчисиз-да,— деди Бўронбой.

— Ҳа-да, ана бу соявон араванинг соясида, тўртта жононнинг ўртасида опангиз Мастураҳон ўтириб, мантини уряптилар. Бу ишларнинг тепасида ўша киши турган. Бўлдирган ҳам хотин, ўлдирган ҳам. Омади гап-да бу. Биронта нозаниннинг хабарини топса, лочиндек учиб бориб илиб келадиган аянгиз бор, илоҳи кўп йилларга саломат бўлсинлар. Бизнинг дилозор бекамиз ишқибоз, завқи баланд, хотамтой одамларнинг гадоси, ўтидан кириб кулидан чиқадиган, хизматларидан қочмайди. Қўқонжоннинг ўзидан Содиқжон бойвачча учун шундай бир қиз топтирдик, унинг ҳусн-малоҳатини бир кўрган киши Фарҳоддек «гум-баданг қарс» йиқилади. У кишига яширинча бир бор кўрсатилган эди, бойвачча шу-шу жинни бўлди-қолди. Шу тўйнинг ҳаракатидамиз. Қаерда яхши ўйинчи, яллачи қиз-жувонлар бўлса, йиғиб Ганжиравонга олиб кетяпмиз, «оғиз ёптиси» Ганжиравонда, бойнинг чорбоғида, тўй эса, Қўқонда бўлади. Бутун мамлакат шаҳарларидан меҳмонлар чақирилади. Тўй, Қўқон расмича, келинникидамас, бойнинг катта ҳовлисида бўлади. Комол қозидан фатво олинди...

— Ҳа, Содиқжон бойваччага худо берган, ҳамиша отган ошиғи олчи, пичоғи мой устида одам!— деди Бўронбой учуриқ қилиб.

— Хайр, мен борай, кечга қолмайлик. Омин, йиғит ўлмайлик, ширин суҳбатимизга асти ғурбат чўкмасин. Бек, сизнинг ҳам отангизнинг давлати, биламан, катта. Бу беш кунлик чаппа дунё, чакасидан қочманг, бойвачча, аянгизга айтаман, сизга бундан ҳам зўрини топиб беради. Аввал чўқилаб кўраман десангиз ҳам майли. Нима қилайлик, ука. Ота касби айбга буюрмайсизлар,— деди-да, Қора Қоплон Ниёзохунга таомларнинг ҳақини тўлади, хайр-хўш қилиб соявон арава томон юрб кетди.

Булар ҳам ошхонадан изма-из чиқишди. Ҳамзанинг нимагадир юрагига қил сифмай қолди. Содиқжон бойвачча чангалига тушган қизнинг кимлигини билгиси келди. Аммо сўраб билишнинг ҳозир асти йўли йўқ эди. Ўша қиз ким экан? Кўзи ошхона ёнига чиқарилиб қўйилган буюртма соявон аравага тушди. Қўқонда ишланган атлас қапа араванинг олди-орқасига шойи пардалар тортилган. Аравага сифмайдиган сербар яғринли кўк бодом от. Кумуш ўмилдириқ, ойнак ўрнатилган хомут, мунчоқлар тақилган юган, қўюшқонларнинг тўрттадан чиғаноқ тақилган узун тасмалари отнинг сағрисида осилиб турибди.

Ҳамза бу гумбур арава соясида ўтириб овқатланиб бўлиб, гажимлик шойи еллуғич билан елпиниб ўтирган жувоннинг чехрасига синчиклаб қаради. Шу пайт Мастура ялла эркакча йўғон овоз билан ёш сатангларни койиб кетди:

— Бўлинглар, ҳов! Мунча имилладинг: кун оғиб боряпти. Чойни ўшагда ичамиз! Ҳой, эржон, мунча шалвираган ношуд одамсиз, наҳотки ошхона ўлгурда шунча гап сотсангиз, лақма!

— Узим қоқилиб, ўзим сотилиб кетай, хотинжон. Гуноҳимни ўтин қилинг, пошшахон. Узимиз ҳам ҳоридик, юкимиз оғир. Айниқса... Сиз...— бу сўзни эшитган жувонлар истеҳзоли жилмайишди... Қора Қоплон сўзида давом этди,— жилла бўлмаса бир пас отга дам берайлик, дедим-да, иннакейин, яна бири шуки, шоирларнинг суҳбати пирин. Ушалар билан...

— Бо, худо олсин ўша жувонсўхталарни, — деди Мастура ялла, эрининг сўзини кесиб, афт-башарасини бужмайтириб, қўлини тўлғаб, — ҳамёнида бир чақаси йўқ, кибру ҳавоси от ҳуркитади. Қани кетдик, омин!

Ҳазабидан юзи бўзариб кетган Мастура, барқут паранжиларини хўжақўрсинга ёпинган тўрт ёш сатанг ўринларидан туриб аввал сандалга, сўнг аравага чиқа бошладилар. Буларнинг оёқларида амиркон этик, эгниларида қора барқутга соатгарлик услубида тилладан гул солинган нимча, шу барқутнинг ўзидан тикилган дўппи, дўндиқча рўмоллар ёш жувонларнинг бир ҳуснига ўн ҳусн қўшиб юборган эди.

Шулардан бири кўксиди тилла баргак, пешонасида тиллақош, эгнида оловдай ёниб турган саккиз тепкилик қизил атлас кўйлак, оқпушти ёниб турган яшил ранг жияк тугилган атлас лозим, паранг дурранинг бир учини тишлаб теваракка қараганида унга Ҳамзанинг кўзи тушди. Бу — ўша Аҳмадохуннинг «қўйворган» севиқли ёш хотини Зулфизар эди!

Зулфизар... Унинг ўн гулидан бир гули ҳам очилмади. Ёшлиги, номус, иффати, умид-армонлари барбод бўлди. Дағал кучлар барбод қилди. Унинг бир вақтлар ғам-ҳасратга ёт бўлган дилида хушчақчақлик, вақтичоғлик, хушҳолликдан; эркак зотига ишонч, муҳаббат туйғуларидан асар ҳам қолмаган. У пулдор бойваччалар олдида ёлғондакам табассум қилишга, қош учуриб, ноз-адолар билан дутор чертиб, кичик қўшиқлар айтишга мажбур бўлди. Ҳа, дили қон йиғласа ҳамки, ҳайвоний ҳирси жўш урган, ғирт оми, ёввойи, лекин дунёси катта бойваччалар қўлидан май косасини олиб сармаст қаҳ-қаҳ уриб кулиши, рақсга тушиши керак. Унинг ҳар бир нозик табассуми, товус хироми, хушсўхбати Мастура ялла билан Қора Қоплоннинг чўнтақларини қаппайтириб юборди. Зулфизарнинг хушовозидан таралган жаранг буларнинг қулоқларига олтин жарангидай қуйиларди.

Бу бенаво, бедаво бир тутқин; ота-онасининг иссиқ, меҳрибон бағрида ўтказган эркин, қувноқ кунлари, қани энди дунё бир айланса-ю, яна қайтиб келса.

Ҳайҳот! Ёшлик, болалик бир дарё оқди-кетди. Минг афсус. Яна қайтмайди. Тақдир... Тақдир эмиш. Начора, умр кўриш керак. Бе... Шу умрми? Умр эмас... Уқубат, азоб, кўз ёши, хўрлик, бадбахтлик... Оҳ, ажал тезроқ келсанг эди...

Ғилдиракка гупиллатиб сув ураётган чорпахилдан келган кенг ўмровли аравакаш Болта Қора Қоплоннинг қули эди. У дўпписининг жиягини қайтариб, шоҳи белбоғ боғлаб олган. Эгнида ёқасига пилта ўтказган қашқарча яктак, оёғида қўнжиги қизил шол тикилган ағдарма этик, тиқинининг попуғи узун, ойнакли, қипқизил, силлиқ носқовоқ ўрама белбоғига қистирилган, ёнида катта пичоқ, танга, қоғоз соладиган, байтирдан тикилган чандоза. У, носқовоғини олиб бир силкитдида, аввал ўзи чекиб, Қора Қоплонга узатди. Тилини танглайига босганича ярим ғўлдир гапирди.

— Аравани қўшайми, хўжайин?

У аравани қўшди, чопонини буклаб эгарга узун ташлади, яктагининг орқа ёқасига қистирилган қамчинни қўлига олиб эгарга қийшиқ ўтириб, «чўҳ!» жонивор, деди-ю хиргойини бошлади. Арава юриб кетди. Қора Қоплон ҳам бойнинг қамиш қулоқ, захча кўз ғўнон тойига миниб, хайр-хўш қилиб жўнади. Ҳамза, Олчинбек араванинг изидан жим қараб қолишди. Кўз олдиларида Қора Қоплон, Болта, Мастура яллаларнинг қилмишлари намоён бўлди. «Буларни инсон деб аташ ҳам ғуноҳ. Ҳа, бу Мастура яллалар тузоғига илинган пок, беғуноҳ қизларнинг тақдири ҳақида йиғлаб-йиғлаб китоб ёзса бўлади.»

Жарақ-жарақ тилла тангалар учун шармсизлик кўчасига кирган

бу сатанг ишқ-муҳаббат ўтида куйиб ёнган не-не йигит-қизларни бир-бирдан жудо қилиб, бахтини қаро қилмади! Қора Қоплон, Қонхўр Қоплон. У яллачиларга хўжакўрсинга бош бўлиб олган. Аслида, Эргаш ўғрининг жаллоди, Эргаш буни бойнинг хизматиға берган. Бой-вачча шунинг пичоғи билан қанча бўғизларни қирқмади».

«Мастура ялланинг кирдикорини қаламга олиб, элга фош қилмоқ катта бир савоб иш», деди Ҳамза яна ичида. Айниқса чимматини ярим кўтариб Ҳамзага юзини кўрсатган, ғамгин кўзлари билан узоқ ва маъноли тикилиб, ундан ниманидир илтижо қилиб сўраган ёш жувон Сулфизарнинг тиниқ овози унинг қулоғида қолди. Санъаткор жувонни разолат ботқоғидан қутқариб олишни юрағига туғиб қўйди Ҳамза.

□

Д ўстлар растама-раста юриб, товуқ бозорига ўтишди. У ерда тухум, хўроз уриштираётганларни, «Бос, босканинга, таваккал» деб бақираётган пилдироқчиларни кўришди.

Жазава қилаётган кўса маддоҳнинг сўзларига бир оз қулоқ солишди. Ўз ишига жуда ҳам корифта кўса аввал чор атрофга кўз югуртириб, одамларнинг сара-пучағига зеҳн солиб, сўнг сўз бошлади. Увадаси оққан, тирсақлари ситилиб кетган қора лас коржомасини намхушроқ ерга ташлаб устига ўтириб олиб маддоҳнинг сўзини мириқиб эшитган бир мардикор кўзларида дард, алам, ёш, ҳаяжон ҳамёнидаги бор тангани санамасданоқ кўса маддоҳнинг қўлига тутқазди.

Булар бу ерда ҳам узоқ турмай, «умбал» овозини эшитиб, осмонда муаллақ бўлиб каптар учираётган дорбозни томоша қилиш учун бедабозор томонга ўтишди.

Ҳамза дорнинг ёнгинасида ўтириб катта бир китобни баланд овоз билан ўқиётган дуохоннинг сўзига қошини чимириб узоқ қулоқ солиб турди:

Дуохон:

— Агар кимарсанинг бировдан адоват муддаоси бўлса ё жаббор, ё қобиз, ё кави — бу уч исм худонинг минг бир номидан учтасидир, шу уч исмни ёзиб, эски кўрга кўмгай, иншоолло икки иноқ кишининг ўртасига нифоқ ва жудолик тушгай. Агар кимарсанинг душмани бўлса, унга зарар еткармоқ ёки уни хароб қилмоқ муддаоси бўлса, шу уч исм покни ё қаҳҳор, ё музил, ё жобир — буларни ёзиб, етти хароб жойдан тупроқ келтиргай, биринчи тупроқ чорраҳа йўлдан, иккинчи тупроқ мачитдан, учинчи тупроқ эски тегирмондан, тўртинчи тупроқ хароба уйдан, бешинчи тупроқ вайрона минордан, олтинчи тупроқ эшак ағанаган жойдан, еттинчи тупроқ йўғон тепадан. Мана бу тупроқларни бир идишга солиб, қориштириб, ўша исм оллони минг бир марта ўқиб, идишдаги тупроққа дам ургай ва дилидан ўшал душманнинг хароб бўлмоғини ўтказиб тургай, ўқиб дам уриб бўлгандан кейин филҳол бир вайрона жойга кўмгай. Иншоолло, душман хор ва забун бўлгай. Қодир ул лам язал вало язлуд...

Дуохондан сал нарида ўтирган ромчи оёғида қошиқдек амиркон кавуш-маҳси, эғнида қизил хон атласдан кўйлагу барига энли жияк тутилган қора бахмал паранжили аёлдан сўради:

— Ғойибми, ҳозирми?

— Ҳозир...

— Душманингиз ким?

— Кундошим... Бола туғиб бериб эримни ўзига ром қилиб олди худо жазангни бергур...

— Иложингиз қанча... Эркак зоти шунақа, ёшини яхши кўради.

Ёш-да, тез-тез силаб-сийпаб, майиздек қилиб уқалаб турса керак. Хўш, муддаоингиз?..

— Эримни ундан совутиб, менга иситиб берсангиз, тақсирим,— деди жувон. Ромчи қуръа тошларини йиғиб олиб, рўмол устига сочди. Тошларни бақалок, кир бармоқлари билан еттига бўлиб, етти жойга қўйди ва соқолини тутамлаб энди сўзлайман деганда, чимматнинг орасидан тонг ёруғлиги сизғиргандай бўлди. Бу ёш жувоннинг гўзал чеҳрасидан тўкилган жозибали нур эди: бу ҳусн-жамолни кўрган ромчининг эс-хуши учди-кетди. Бир-икки томоғини қириб, овозини пасайтириб, ёш аёл томон энгашиб сирли оҳангда шивирлади:— Тошга қаранг, тасаддуқ, тошга. Бу сўзларни мен эмас, тош айтяпти. Бахтингиз бор эканки, мендай қўли енгил, дами ўткир ромчига йўлиқдингиз, мана фол айтиб турибди, сизни юк босибди, душманингиз қаттол, унинг азайимхони ҳам зўр. Эрингизнинг бошини айлантириб, кўзини тиндириб юрибди. Мен ҳам ромчи, ҳам азайимхон мен...

Қошлари чимирилган Ҳамзанинг кўзлари дорбозда бўлса ҳам, қулоқлари ромчиди эди. Ромчи яна теварак-атрофга синовчан разм солиб, титроқ овозини пасайтирди:

— Сиз туғмас экансиз, бахтингиз боғланган, фарзандталаблар менинг дуом билан тўққиз ой деганда фарзанд кўрадилар. Лекин муаккалларим кофир. Ёнимда паранжингизни ташлаб, юзингизни очиб ўтирасиз, ҳар хил шарбатларга дам солиб тайёрлаб қўяман. Ҳа, кофир муаккалларим шундагина ёрдам берадилар. Бу менинг хос ҳужрамда бўлади. Эзибички бериб, тутатқи тутатиб, бошингиздаги бало-қазоларни кўчириқ қилиб ҳайдаман. Лекин сиз қўрқмайсиз, жим туриб берасиз, агар муаккалларимни «йўқ!» деган сўз билан хафа қилсангиз, улар учиб кетади-ю, ё сиз, ё мен шол бўлиб қоламиз. Шунга рози бўлсангиз, мен хизматингизга тайёрман. Хўш, нима дейсиз?

— Майли, ишқилиб эримни менга иситиб берсангиз бас. Айтган пулингизни бераман,— деди жувон.

Хос ҳужрада бугун-эрта бўладиган ширин онлар ромчининг кўз олдида сурат тортиб, юраги ҳаприқиб кетди.

— Ҳа, Исфара гузарига бориб, Шокир дуохоннинг уйи қайси дегангиз, ёш бола, ҳам сизга кўрсатади. Боринг,— деди ромчи.

— Бораман, домлажон. Ишқилиб эримни менга иситиб, кундошимдан совутиб берсангиз бўлди.— Жувон кўнгли таскин топиб, вужудиди қандайдир енгиллик ҳис этиб, битта сўлкавойни ташлаб ўрнидан турди, атторлик томонга юриб кетди.

Ҳамза бу фолбин тимсолида халқнинг онгсизлигидан ўз манфаатлари йўлида усталик билан фойдаланаётган жаҳолат оламини аён кўриди, ундан жирканиб, унга фикран мурожаат қилди. «Ҳам сарагига урасан, ҳам пойнагига. Қушчага бойтузоқ қўйдинг, энди болупарини юласан, муттаҳам!» деди-да, унинг кўзларига киприк қоқмай газаб билан узоқ тикилди, сўнг шарт бурилиб, йўлига кетди. Жавлон аканинг Чорсудаги чойхонасидан ўтиб, ажиб бир томошанинг устидан чиқишди. Самовар тўла одам. Ашула, аския, хангома, қаҳқаҳа авжида. Марғилондан келган Юсуф қизиқ ўзининг қизиқлари билан шу ерда эди. Ҳамза билан Бўронбой салом бериб самоварга кириб боришди. Юсуфжон ака билан қучоқлашиб кўришишди. Ҳамза одоб билан шолча ёзилган супа четига тушиб қисиниб-қимтиниб ўтирди.

Тим қора, қуюқ қошли, буйчан, хушсурат бу одам Ҳакимча табибнинг аҳволини сўради. Ҳамзанинг шеърлари, айниқса «закот» ҳақида ёзган мақоласини мақтади.

— Ҳамзахон, нукул ҳақиқатни дангал ёзибсиз. Юрагингизга балли-е. Бойлардан, уламулардан қўрқмай хўроз гап қибсиз. Ўзим қизиқчман, кулиб кулдириш ҳунарим. Ўзимиз қон йиғласак ҳамки, одам

ларни «Шафтоли қоқи дўст, беданам» деб қўшиқ айтиб кулдиришимиз керак. Аммо закот ҳақида ёзганларингизни йиғлаб-йиғлаб ўқидим. Илоҳо қўлингиз дард кўрмасин, иним!— деди мамнунлик билан.

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз, Юсуфжон ака. Бу шунчаки бир машқ. Дард бор, лекин дармон йўқ. Илм етишмайди. Илм, тузук-қуруқ таълим кўрмай ўтиб кетяпмиз,— деди Ҳамза, жийда гулли пиёлада Юсуф қизиққа кўк чой узатиб.

— Худо хоҳласа маликул шуаро бўласиз, Ҳамзахон. Имоним комил,— деди Юсуфжон ака, бўшаган пиёлада Ҳамзага узатиб туриб.— Қизиқ бир гап, Ҳамзахон...

— Қани, эшитайлик...

— Бу гапни сиз билиб қўйинг, бир куни асқотади сизга. Яқинда шаҳри Қўқоннинг устун, пири муршид Миён Қудрат ҳазрат мени йўқлатган эканлар, мен ҳам салламнинг пешини кўза боғи қилиб етиб бордим. Борибоқ бир тўда гумроҳлар қатори ўзимни у кишининг оёқларига ташлаб, назр-ниёз тополмаганим учун узримни изҳор қилдим. Бирор тўй-маъракалари бўлса хизмат қилай, савоб топай дедим-да. Қарасам, йўқ, ҳазрат шариатдан, тариқатдан гапириб, менга панд-насихат қилиб, ўзлари савоб топмоқчи эканлар. У табаррук зот — Саъид-Ал-Аъзамхон тўра Миён Қудрат хўжа оқ эшон (қараиғ-а, насли-насабингга липпамни қоқай!) оғизларини эски қопдай очиб айтдиларки: «Юсуфжон, мусулмонсан, намоз, рўза ўрнига масхарабозлик қилиб, аҳли имон, аҳли растанни тоат-ибодатдан қўяр эмишсан. Ташла бу касбни, гумроҳ бўлма. Азиз китобларда битибдилар: кимки бу дунёда юзига ранг суртиб, бошига қовоқ илиб бад андомлик, масхарабозлик қилса, тонгла рўзи қиёматда гўридан девсифат тўнғиз, айиқ, гўрхар қиёфасида бош кўтарар эмиш.

Мен ҳам дарҳол ҳазратимга жавоб қайтариб: «Епирай, тақсир, ўзингиздан олган дуолар ижобат бўлиб, нариги дунёда бундан ҳам қизиқроқ бўлар эканмиз-да!» дедим.

Бирдан кулги кўтарилди. Ҳамза ҳам қотиб-қотиб кулди, ён дафтари чикариб нималарнидир қайд қилиб қўйди. Лекин Олчинбекнинг пешонаси тиришди.

— Намангандан янги бир «тутал» топиб келдим, Ҳамзахон,— деди Юсуфжон қизиқ.

— Жон қулоғи билан эшитар эдик,— деди Ҳамза кулиб.

Олчинбек бетоқатланиб, кетишга баҳона изларди. Ахир бўлмади шекилли, Ҳамзага қараб: «Менга жавоб», деди шивирлаб. Ҳамза Олчинбекнинг очилмай, тумшайиб олганини пайқаган эди.

— Майли, ишингиз зарур бўлса, сизга жавоб, дўстим, эртагача хайр. Мен бир оз... Юсуфжон ака келиб қолибдилар. Бу азиз одам билан суҳбат ганимат. Бўронбой ака, сиз-чи?

— Ҳаҳ, бундан ҳам зарур иш борми? Бек, бирга кетамиз,— деди Бўронбой.

Олчинбек кўнмади, хайр-хўш қилиб кетди. Чойхўрлар Юсуфжон аканинг оғзини пойлаб ўтиришарди. Самоварчининг иши юришиб, кетма-кет чой ташиб ётибди.

— Аввал бир шингил тутал, яқинда Намангандан топилди. Сўнг, мана жамики машойихлар ҳозир нозир, қитдек аския, нафасидан ит ҳатлаган азайимхоннинг макри ҳақида латифа. Кейин, мана, Мамат ҳофиздан бир жуфт ашула. Кимки тан-жоним соғ, умрим узоқ, кайфим чоғ бўлсин деса, намоз-рўзани қазо қилса-қилсин, аммо чах-чахни қазо қилмасин. Тутални эшитинглар, яхшилар,— деди Юсуфжон ака.— «Баройидек мазор, фарих осор, мулла гудинг маҳалласининг имомидирки, ҳамоқат дарсини шарорат дарсхонасида хатм қилган мендан савол айладиким: фалахмон шуъласидан чиққан дудга қўнғиз оёғининг

шамоли тегса, жуптак китобининг чирмак бобида дунаварзон фаслида не ҳукм айламиш?.. Мен дарҳол домлага жавоб савол бердимки, но-нуштага пишлоқ ўрнига совун билан оҳак еб, ишқор ичиб, сумалак ўрнига сиранж коса ювиндисига муҳтож бўлганингиз муборак бўлмай! Бу маънога мазкур имом домла филжумла хурсанд бўлиб, шодлик даражасидан ҳасрат оғоз қилиб дедимким...»

Шу хилдаги тугал, аския, лутф сўзлар, ашула анчагача давом этди. Ҳамма кетса ҳам, Ҳамза самовардан кетмади. Ҳамзанинг имоси билан қаёққадир силжиган Бўронбой ака билан Маҳмуд тараша катта бир дастурхонга ўралган тоғорада устида жазиллаган кабоблар, сер-гўшт паловни кўтариб келишди, салом қилиб ўртага қўйишди.

— Нега овора бўлдингиз, уста Бўрон,— деди Юсуф қизиқ.

— Оёғингизга қўй сўйсак арзийди, Юсуфжон ака. Бу ҳисоб эмас, ҳовлига борамиз. Самоварда эмас, бизникида ётасиз. Бўлмаса дадам мендан қаттиқ хафа бўладилар,— деди Ҳамза Бўронбойнинг ўрнига жавоб қилиб.

— Раҳмат, Ҳамзахон. Биз эл билан ётиб, эл билан туришга одат қилганмиз.

— Қани, таом мунтазир бўлмасин,— деди Бўронбой.

— Жавлон ака, икки чойнак аччиқ чой. Қани ўзингиз ҳам келинг,— дея таклиф қилди Умар полвон.

Иштаҳа билан ошу кабобни туширишди, кетидан сўйилган қовунларнинг ажиб ҳиди ҳамма ёқни тутиб кетди.

Тўртинчи боб

Илк тўқнашини

Содиқжон бойваччанинг тош пойдевор устига солинган, олди сиркорлик айвон, тўртгул, душоха, арратиш нақшлар билан безатилган олти хонали баланд ганжин меҳмонхонасидаги икки кумуш қандил пориллаб ёниб турибди. Меҳмонхонада пат гиламлар устидан солинган қават-қават шойи, адрас кўрпачалар, парқу болишлар, катта тош ойна билан безатилган. Хушчақчақлик авжида, ўқтин-ўқтин қаҳқаҳа ҳам кўтарилиб қолади. Катта дастурхонга ноз-неъмат тўкиб ташланган Қўқоннинг қаймоққа йўғрилган пайгир патирлари, оқ пўст шафтолисию, ҳафсала билан коса қилинган умрбоқий қовунлари, қумурсқа бел вассарга узумлар, хилма-хил жоноқи олма-анорлар, қандолат; парварда, пашмак, писта, бодом, асал, саримойдан тортиб тандирдан янги-гина узилган пармуда сомсаларгача бор. Дўндирма қилиб дамланган чойлар кетма-кет қўйилиб турибди.

Меҳмонларнинг кўнчилиги Фарғонада донғи кетган заводчи, пахтафуруш бойлар, йирик савдогарлар, базоз, вофурушлар.

— Қани энди, олсинлар, бой афанди,— деди Содиқжон бойвачча Миркомилбойга мурожаат қилиб,— каклик гўштидан тотинсинлар.

— Ташаккур, тановул қиламиз. Ҳай-ҳай, жуда ҳам лазиз, хуштаъм таомлар. Қўқонда пазанда кўп.— Содиқжон бойваччага илжайиб қўйди Миркомилбой. Содиқжон бойвачча ўз қўли билан кумуш баркашдаги мунаққаш олтин кўзачадаги юпқа тилла ранг пиёлачага коньяк қўйиб Миркомилбойга узатди.— Жуда таърифи, синқорсинлар, фарангники...

Юсуфжон қизиқ ўз шериклари билан шундоққина эшикка яқин жойда ўтирарди. Ундан пойгакроқда Ҳамза, Олчинбеклар жой олишди. Миркомилбой Юсуф қизиққа қараб мурожаат қилди:

— Юсуфжон.

— Лаббай, тақсир!

— Қалайсиз, бола-чақа, қозон-товоқ, соғ-омон юрибсизларми?

Юсуфжон қизиқ юзига жиддийлик бериб, дарҳол жавоб қилди:

— Оллога шукур, руҳсатингиз билан мен сизга арз қилсам, эркагу урғочи, бўғозу қиср дегандай, боёнларимиз давлатлари соясида бефарзанд арвоҳдек чирқираб, ўйнаб-кулиб юрибмиз, тақсир.

Ҳамма «гурр» этиб кулди.

Камол қози орага гап қўшиб, тиржайиб туриб сўради:

— Ишқилиб, таклифнома ўз қўлингизга тегдими, Юсуфжон?

— Йўқ, тақсир,— жавоб берди Юсуфжон қизиқ,— қараб турмадик. Бойваччанинг дастурхонлари Хўжабой ҳалфанинг ҳалтасидан чиққан сузма қуртдек мазалик бўлишини билардик. Ҳа, бойваччага худо берган. Кишига худо бераман деса отанг ким деб сўрамас эканда, тақсир!

Яна кулги кўтарилди.

— Ушанинг учун ҳам мана бу ёнимда кўзларини лўқ қилиб ўтиришган қилтириқ хўжа, тузоқ узар махсум, шимилдириқ сўфи, анвойи чўп-хаслар билан бир арава бўлиб, у-булик бўлармиз деган умиддз азза-базза шаҳри Марғилондан келдик, тақсирлар.

— Ҳазрат, зиёфатга кечикиб қолдилар. Ўзингиз, Юсуфжон, агар таҳоратингиз бўлса, бир фотиҳа беринг, дастурхонлар мунтазир бўлиб қолди,— деди Миркомилбой таҳқиромуз тиржайиб. Уни бошқалар ҳам маъқуллашди.

Миркомилбойнинг «таҳоратингиз бўлса...» дегани Юсуф қизиққа ниҳоят даража қаттиқ ботганидан сира тап тортмай бойни савалаб кетди:

— Ҳаммамиз ҳам ўзларидай бетаҳорат юрмаймиз, тақсир,— деди Юсуф қизиқ. Яна қаҳқаҳа авжига чиқди.— Субҳ шом аладдавом,— деди овозининг борича сўзини давом эттириб Юсуфжон қизиқ,— фуул, таҳорат, истинжо, инсоф қоидаларини ёдлаб хатим қуръон, чиллаёсинларни ҳам сув қилиб ичиб юборганмиз. Лекин Миён ҳазрат билан бизнинг муомаламиз лаби учган мўндидай жуда ҳам жойида. Икки қўчқор шохи деяверинг. Биз у зот бобаракотнинг тўймас кўзларига кўзанақ, оёқларига тиканақ бўлиб қолганмиз. Дард устига чиққон дегандек бўлиб, яна ҳазратнинг дуойи бадларига учраб, тонгла махшарда жавоб тополмай, у кишининг лутф иноятларидан маҳрум бўлиб қолмайлик, тақсирлар.

Бир меҳмонхона одам яна шарақлаб кулди.

— Ҳазратдан, манави бойвачча иккаламиз гуноҳингизни тилаб оламиз!— деди Миркомилбой.

— Йўғасам сазаларингиз ўлмасин, қани, қўлни катта очинглар, оғайнилар!— деб ёнидаги шерикларига мурожаат қилди Юсуфжон қизиқ.

Улар «омин» деб қўлларини кўтаришди.

— Илоҳо, бойвачча дунё тургунча туриб, қатор-қатор сўлоқмон ўғиллар, ишёқмас, эпашанг қизларни кўриб, увалик-жувалик бўлғайлар. Оқни қорадан, фойдани зарардан ажратиб рўзғор тебратгайлар ва босган излари орқада қолиб, тезроқ жаннатмакон унвонга сазовор бўлғайлар, омин! Оллоҳу акбар!

— Айтганингиз келсин, Юсуфжон, ҳа, ўзингиз ҳам Ҳазратга етай деб қобсиз. Юсуф эшон,— хи-хи-хи!

— Тўғри, айтдингиз бой,— деб тасдиқлади Содикжон бойвачча.— Бу кишининг устодлари — Худоёрхоннинг машҳур қизиқчиси Зокир эшон-да... Хон уни Зокир гов деб чақирар экан. Биз энди Юсуфжонни нима деб чақирсақ экан... Хи-хи-хи...

Қора Қоплон гоҳ чойга, гоҳ чилимга югуради. Бойга маъқул бўлиш учун Олчинбек ҳам меҳмонларга роса хизмат қилипти. Гоҳ уларга «олинг-олинг» қилади, гоҳ ёстиқда суяниб узун кекирган! Миркомилбойга хушомад қилиб балғами пиёлада кўк чой тутати, Содиқжон бойваччадан кўзини узмай, унинг ҳар имо-ишора билан берган амрини бажаради. Ҳамза ҳам бойнинг меҳмонларига чой қуйиб гурншга мажбур бўлган эди.

Миркомилбой билан Содиқжон бойвачча пўнг қоғоз — қимор бошлашди. Тепасида бешта, тагида иккита холи бор, ипакдан ишланган қоғоз. Ёғлиқ сахтиёнга солиб олиб юрилади. Қимор анчагача чўзилди. Содиқжон бойвачча катта пул ютди.

Миркомилбой бир маҳал қўлини чайиб туриб Содиқжон бойваччага заҳарли бир мулойимлик билан гап қотди:

— Ажаб чаққон мирзо йигитларингиз бор, бири шоир бўлса, бири тилмоч, ўрис тилига суяги йўқ. Фаранг тилига ҳам устаси фаранг деб эшитаман.

Бу Олчинбекка айтилган мақтов эди.

— Аммо мана бу шартаки Ҳамзангиздан уламоларимиз хафа. Яқинда бу йигитнинг «Садойи Туркистон» газнетида босилган закот тўғрисидаги бир мақоласи Андижон уламолари ўртасида кўп шов-шувга сабаб бўлди. Мана ёзиб ҳам олганман.— У соат чўнтагидан бир парча қоғозни олиб ўқиди:

Бойлар бой бўлур илмсиз яшаб,
Ориқларини семизи ошаб.
Опти кун ўтмай ҳовли-жой печат
Ҳаж кетар хотин-болани ташлаб...

— Шуниси сиз ёзганмисиз?— деб сўради Миркомилбой тилларанг носқовоғини чертиб туриб.

Ҳамза бирдан ҳушёр тортиди.

— Ҳа, менинг шеърим, лекин бу золим, илмсиз бойлар ҳақида,— деди-ю, катта жанг-жадал кўтарилишига кўзи етиб шай бўлиб турди.

— Ахир, мен Миркомилбой, қачон ориқ бойларнинг гўштини еган эканман,— бирдан бой мешқорини селкилатди.— Яна билмадим, балки сизга нон-намак берган Содиқжон бойвачча емаган бўлса...— Узининг бу учиридан лаззатланган Миркомил яна қаҳ-қаҳ урди. Кула-кула қора кўзойнагини олиб, рўмолчаси билан артиб, яна тақиб олди.— Бу ҳам майли-я, закот берган бу художўй бойни газнитга урибди. Бу ёғи қандоқ бўлди экан...

— Мошолло, нега биз бу гапдан беҳабармиз, закотни масҳара қилиш?! Ахир бу авлоди имом раббоний Миён Қудрат ҳазратларининг муборак қулоқларига етса нима бўлади?— деди бирдан кўз жияклари қизариб, заҳил юзи кулранг бўлиб кетган бир пахтафуруш бой.

— Ҳа, бу гап бизга ҳам оғир ботади,— деди чийилдоқ овоз билан қорнини мешдай қилиб ўтирган қўқонлик бир вофуруш.

— Шоирнинг ўзидан эшитсак, балки сабабини айтар,— деди Юсуфжон ака.

— Юсуф қизиқнинг гапи маъқул. Қани, ўзидан эшитайлик-чи,— деди Содиқжон бойвачча, қошини кериб заҳарханда қилиб.

Ҳамза одоб билан икки қўлини кўксига қўйиб, хиёл қаддини букиб таъзим бажо келтирди: «Оҳ, инсонга таъзим қилиш, қад букиш қандай оғир, қандай ҳақорат! Устод Мунис хўп айтганларда:

«Не учун хор ўлмасин Муниски, этмишлар азиз
Они билмасларниким недур оғиз, недур бурун».

Наҳотки бир нодон, ичи зулмат, ваҳший бой олдида қўл қовуштириб турсанг! Марг сендай қўрқоқ шоирга! Ана шу букилган қаддинг

бундан кўра бир йўла синса яхши эмасми?!» Ичида ўзини қарғади, бирдан кўзлари намланиб кетган Ҳамза.

Бойвачча аввал кўзларини чақчайтириб Ҳамзага қаради, садафдек оппоқ, мустаҳкам тишларини кўрсатиб илжайди.

— Қани, шоирим, ўша кўр чипқонингизни мана бизнинг олдимизда ёраверинг, ўқинг, эшитайлик,— деб қўлидаги газетани Ҳамзага узатган Содиқжон бойвачча бирдан фикрини ўзгартди:— Йўқ, сиз ўтиринг, Ҳамза. Олчинбек, оғзаки фишғишани қўяйлигу, феълим айнимай туриб мана буни ўқинг, эшитайлик!

Олчинбек ирғиб ўрнидан туриб, таъзим қилди, Содиқжон бойваччанинг қўлидан газетани олиб, ўқий бошлади. Ҳамма жим қулоқ солди. Ҳамза ўтирган ерида чуқур хаёлга ботган эди. Олчинбек газетани ўқишга киришди:

«Бойнинг эшигида қоринлари оч, ранглари сарғайган, устларидаги тўнлари йиртилган мард йигитлар чорак газ чит учун ўзларига ўхшаган бир бандаий худога таъзимлар қилиб, ташаккурлар айтишади. Кошки ул хайри эҳсон бергувчи зотлар берадиган бир парча читларини миннатсиз ва озорсиз берсалар. Оҳ, уларни эртадан кечгача интизор қилиб ва хизматчиларига буюриб, шовқин солганлари, боши демай, кўзи демай, йўғон калтаклар билан уриб, оғизлари, кўзлари, хотин ва қизлари демай ҳақорат қилишларини, неча хил дашном ва таъналар билан туртиб-нуқиб юборишларини кўрган ва эшитган киши тоқат қилиб туролмайди! Ишонмасангиз, мана, бойлар эҳсон бераётганда бо-ринг, кўринг! Мен буни ўз кўзим билан кўрдим.

Эй, юрт улуғлари! Худо йўлига кўзингизни очинг! Эшикларингиз остида интизор бўлиб ўтирган фақир ва етимлар ҳолига боқинг! Ҳақиқатга қараб иш юритинглар!»

Олчинбек «Садойи Туркистон» газетасини Содиқжон бойваччанинг олдига қўйиб, жойига секин бориб ўтирди.

Уртага зил жимлик чўкди. Содиқжон бойваччанинг йўғон бўйнига қон тўлди. Чақчайган кўзлари Ҳамзанинг кўзларига қадалганча қотиб қолди. Ниҳоят, бу жимликни Миркомилбойнинг: «Одамнинг миясидан кириб товонидан чиқади-я! Қаердан топасиз бунақанги охори тўкилмаган аччиқ гапларни, шоир?» деган кинояли сўроғи бузди.

— Утирма, тур жойингдан!— бўғилди Содиқжон бойвачча.

— Ҳўп бўлади, тақсир,— ўрнидан турди Ҳамза.

— Бу золим бойлар ким бўлди?— сўради Содиқжон бойвачча кўзлари омонсиз бир ғазаб билан ёниб.

— Туркистон мусулмонлари ичида шарият набавияни унутган инсофсиз бойлар йўқ эмас. Бу ибратомуз гаплар аҳкоми шариятни оёқ ости қилган, сариқ мисга ақлини ялатиб, виждонини сўрдириб ётган ноинсоф бойлар ҳақида, тақсир,— деди Ҳамза жасорат билан. Миркомилбой қошини баланд қилиб Ҳамзага бир ўқрайиб қаради-да, юзини шартга ўгириб, оғир пишиллаб жим бўлиб қолди.

— Кечаги тирмизаклар бугун бизларга ақл ўргатишади, тикка гапиришади, насихат қилишади-я. Қандай юрак ютиб ёзди экан буни! Бу ҳам қиёматнинг яқинлигидан бир нишона,— дея сўз қотди Камол қози, Ҳамзага кўзойнак орқали хунук қараб.

— Жа Аҳмад Дониш бўлиб кетибсан,— деди илон қаҳрини зўрға ютиниб Содиқжон бойвачча.— Ҳамёнингда бир миринг йўқ, намунча миллат-миллат деб бжиб алаҳлайсан. Камбағалларнинг дардини чекиб, мунча куюнчак бўлмасанг. Ҳа, юз йиллардан бери бурчак-бурчакларда ўмпайиб-тўмпайиб хоб ғафлатда ётган миллатингни мана бунақанги тухмат гаплар билан уйғотмоқчимисан, миллат ҳомийси?! Тавба, миллат ҳомийси эмиш. Бу киши яна аҳком шаръиядан ҳам гап очадилар. Вой ўша миллатинг билан қўшиб эгам чақирсин сен чиллаки

шоирни! Хўш, ўзингдан қиёс олмабсан-да, ўзинг закот беришга, бешта сариқ чақа, ўша ўзинг айтган ўн вершук читни етим-есирларингга беришга қодирмисан?! Қодир бўлсанг, ҳожатмандларни интизор қилмай бер! Бер! Хи-хи-хи... беролмайсан. Чунки қодир эмассан. Сенга худо бермаган. Узинг беролмайсан, берганни кўролмай, мана шунақанги фитна-пасод тарқатасан. Ҳа, саводли гадосан, пасоднинг ўзисан! Янтоқ ўзини боғ ўйлар, тентак ўзини тоғ ўйлар! Узингни тоғман деб биласанми?! Ҳа, ҳа! Миллат, мамлакат, бою уламо сенга таянсийми?! Уларга сен раҳнамо, сен ақлаввал, сен насиҳатгўймисан?! Сен-а? Сен?!— Ҳамза Содиқжон бойваччанинг кўзларига ғазаб билан қараб турарди. У эса, яна ҳужумини бўшатмади:— Сен бадгўй, борларни кўролмайди-ган, йўқларга беролмайдиган чирқираган оч арвоҳсан! Сен зиёли эмас, миллатга зиёнли чаёнсан.— Бойвачча жим бўлиб шуларни ўйлади: «Буни ҳозир сангбўрон қилдирсам катта савоб топардим. Аммо бу отамдан қолган табаррук хонадонда инсон қони тўкилмаган. Бу хонадонда очларга ош, етим-есирларга қатор-қатор кийим-бош закот берилган. Бу кўрнамак, мендек раҳм-шафқатли бир мўмин-мусулмон бойнинг саховатини таъриф қилиш ўрнига мени ҳақорат қилган».— Ҳа, ҳа...

— У, сиз эмас, бойвачча ака,— деди шивирлаб Олчинбек.— Ҳамза бир Марғилон бойнинг берган закоти ҳақида ёзган!

— Йўқ, ўша мен, мен! Биламан бу иблис, устомон!— деди ўтирган жойида ғазабдан қон қуйилган кўзларини Ҳамзага тикиб.

«Ё олло, наҳотки бадзод бир табибнинг ўғли газетга ёзиб эл-юртга мени ёмон отлиқ қилса-я. Йўқ, ўша мен! Мен номус-оримни ерга урган душман қонини ўз қўлим билан тўкишим керак» деган фикрдан тутақиб кетган Содиқжон бойвачча телбаланиб, сархуш, гандираклаб ўрнидан турди. Меҳмонлар турган жойларида таққа қотиб бирон кор-ҳол юз беришини кутиб туришар, Миркомилбой битта айёр кўзини катта очиб, бойнинг ҳаракатини кузатарди. Юсуф қизиқнинг ранги қув ўчди. Содиқжон бойваччанинг жаҳолати қанақалигини у яхши биларди. Бу орада Содиқжон бойвачча коньяк шишасини бир қўлида маҳкам ушлаб Ҳамзанинг ёнига келди. Унинг амиркон этиги шипга осилган қандил нурида ялт-ялт қилар, бармоғидаги олтин узукнинг гавҳар кўзи қандилдан нур ичиб, товланарди. Ҳамза пинагини бузмай, ҳатто кипригини ҳам қоқмай унга дадил тикилиб тураверди.

— Хўш, яхши йигит. Ўз ромингиздан чиқиб дарвозани катта очворибсиз-ку...

— Тушунмадим, бойвачча ака.

— Оғиз бир дарвоза, яхши гап ҳам чиқади, ёмон гап ҳам. Оғзингдан чиқмаган гап сенинг қулинг, оғзингдан чиқдими, бас сен унинг қулисан.

Бойнинг қонга тўлган кўзлари Ҳамзанинг ханжар кўзлари билан тўқнашди. Уларда чексиз нафрат аксланиб, қани, уриб кўр-чи, уролмайдиган киши таёқнинг узунини кўтаради, бойвачча, дегандай ғазаб билан тикилиб турарди.

— Менинг шунчалар қаттиқ гапларимга қандай чидадинг? Нега сен ҳам жавоб бермайсан? Ҳалигина гапни қайраб келаётган эдинг, кўрқдингми?— деди бойвачча сал шаштидан тушгандек.

Ҳамзанинг ҳам таранг асаблари сал бўшашиб, ҳушини йиғиштириб олди-да, кеккайиб енгилтаклик қилаётган рақибини бўштоб еридан олиб, тимсол билан унинг оғзига урди:

— Бир донишманд, бойвачча ака, «гапиргандан кўра, эшитган маъқул» деган экан. Ундан: «Нима учун?» деб сўрашибди. Шунда донишманд: «Бўлмаса худо битта тилу иккита қулоқ бермас эди-да», дебди. Лекин мен аллақачон гапирганман, жавоб ҳам берганман. Яна

нимани гапиришим керак, бойвачча?— деди Ҳамза ўзининг маънавий устуңлигини намоиш қилиб.

— Қачон гапиргансан, ахир?

— Ҳавобимни ҳозиргина ўқитиб эшитдингиз-ку!

— Бас!— деди Содиқжон бойвачча ўзининг маънавий еңилганлигидан аламига чидалмай. У, қўлидаги коньяк шишасини ҳавола қилиб Ҳамзага ўдағайлади. Лекин кўзига заводи, ундаги ишчилар — Умар полвон, айниқса темирчи Бўронбой, Степан Соколовлар кўриниб кетиб, шиша ўқталган қўли ҳавода муаллақ қолди. Бир лаҳза шундай турди-да, кейин бирдан бўшашиб, пастга туширди. Шишани уриб синдирди. Қутилмаганда юз берган бу ҳодисадан нима қилишларини билмай ҳанг-манг бўлиб турган меҳмонлардан кимдир «ҳақиқат» деб юборди.

Содиқжон бойвачча қўлидаги газетани Ҳамзанинг юзига қараб отиб бақирди:

— Йўқол, галамис! Даргоҳимда нопок қадамингни иккинчи кўрмай. Жўна!

Бу оғир алам Ҳамзанинг кўкрагидан наштардай тилиб ўтиб кетди. Кўзларидан ёш тирқиради. «Сенинг устингга ёввойи даррандадай бостириб келиб, кун кўришингга, шеър ёзишингга, кўнглингдаги фикрингни элга билдиришингга қўймаган, қуёш кўзида, ернинг юзида юриб-туришингни кўролмайдиган одам сиёқидаги махлуқнинг бетингга тушган тарсакисини, агар одам бўлсанг, то абад унутма! Найзанинг заҳми битиб кетади, аммо тилнинг заҳми сира битмайди. Бунга қолса, мен кўзим бўла туриб, кўр, тилим бўла туриб гунг, қулоқларим бўла туриб кар бўлсам... Шунда яхши бўламанми буларга!» Бу гаплар унинг дилидан ўтди. Содиқжон бойваччага тик қараб босиқлик билан, ҳаммага эшитиларли қилиб шундай деди:— Мен сизга олти ой хизмат қилдим. Узингиз кўриб турибсиз, бундан буёқ орамиз очиқ бўлиб қолиши учун ўша хизмат ҳақимни берсангиз.

— Ҳақинг бўлса, ҳисоб-китоб қилгач, оласан! Балки ўзинг ҳали қарздор бўлиб қоларсан мендан.

— Бойвачча!— деди юраги гупуриб кетган, қаҳрининг тапти юзига тепган Ҳамза,— сиз менинг юзимга уриб ҳақорат қилдингиз, устингиздан фақат ўз қаламимга арз қиламан холос! Кирди-корингизни келажак авлодларга ёзиб кетаман.

Содиқжон бойваччанинг кўзи ола-кула бўлиб, ҳайвондек бўкирди:

— Йўқол кўзимдан! Қет! Ҳозир отиб ташлайман.

— Қўряпман... Кетаман,— деди Ҳамза бўсағада туриб.— Лекин бир калима арзимни эшитарсиз, деган умиддаман. Чунки меҳмонлик ҳуқуқим ҳам бор. Кейин ўзим чиқиб кетаман. Мана, эшитинглар, балки бундаги гапларда сизларнинг насибаларингиз ҳам бордир.— У баланд овоз билан:

Камбағаллар қичқиурса дема овози закот,
Бари бой одамларининг зарбидан минг доддир.
Дарбадарлик, беватанлик зарби етмасин анга!
Боз анга дашному таъна ханжари муздоддир.
Оҳ, қилдинг, эй жаҳолат, илмсизни оқибат
Парча нонга бошини ҳам, номуси барбоддир.
Дил шикаста, бағри хун, кўзда ёши шашқатор
Отасиз, бахтсиз етимлар ҳолига фарёддир.
Уйлама ўлгунча ҳар ким бу разолатда кетар,
Шоҳдир бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир!

шеърини ёддан ўқиди. «Шоҳдир бир кун гадо, бир кун гадо шаҳзоддир!» сатрини алоҳида такрорлаб, шахт билан эшикни очиб кўчага отилди.

Бешинчи боб

Зубайданинг армонлари

Зубайданинг ясатиғлиқ хос хонаси. Токчаларга мис кўза, самовар, кумгон, жом, чинни пиёлалар тартиб билан териб қўйилибди. Тахмонда қўша-қўша атлас кўрпа, кўрпача, ёстиқлар тахлоглиқ. Дордаги кийим-кечаклар кўзни қамаштиради. Ерга ипак гиламлар тўшалган. У онаси пишириб келтирган қатиқли маставани роҳат қилиб ичди-да, Нодирабегимнинг газалларини ўқиб ёдлашга машғул бўлди. У бу машғулотни анча давом эттирди: Бир вақт китобни жойига элтиб қўйди. Дераза олдида оҳиста юриб бориб, ҳовли гулзорига тикилганича ўй суриб кетди. Кўз олдида яқин кунларда бўладиган тўйлари сурат тортиб бугун-эрта унинг Ҳамзахонидан совчи келади. Отаси ўзининг ёлғиз қизи Зубайдани жонидан афзал кўради. Унинг Ҳамзахонда кўнгли борлигини пайқаган. Қизининг раъйига қараб, Ҳамзахондан келган элчиларни, албатта, ноумид қайтармайди. Кундал ёпади. Ҳадемай маълум оши бўлади. Ундан кейин карнай-сурнай билан тўй келади.

Зубайданинг назарида ҳовли-уйларни тўлдириб дастурхон ёзиб ташлангандай, чамандаги рангин, нафис гуллар бу шодлик, бу бахтдан алоҳида жилва қилаётгандай, мевали дарахтларнинг шохларидан шохларига қўниб қушлар тинмай сайрашиб, уни қўтлаётгандай туюлиб кетди-да, кўзларини ўйчан сузиб, лабларида ғунча очилди.

Кўқонликлар таомлида никоҳ тўйи келинникида ўтади. У ўзига атаб солинган мана шу шиnam, нақшинкор уйда уч кунгача Ҳамзахони билан бирга бўлади, бир-бирларига хумор кўзларини тикишиб, дил розларини айтишади. Қандай бахт, қандай роҳат!

Тўйни қизитиш учун атайин хизматга келган Мастура ялла, Тожихон, Зебохон, Уғилхон деган донғи кетган аёл ҳофизлар, ўйинчи қизларни айтмайсизми!..

Зубайдахоннинг бирдан хаёли бўлинди: «Дадам қалинни ўнтадан сўраб қолса! Ахир Ҳамзахоннинг қўли калта-ку... Йўқ, дадам менга зулм қилмайдилар. У кишининг кўнгиллари бўш, ўзлари раҳмдил одамлар. Ёлғизгина қизлариман, раъйимни қайтармасалар керак...

Ҳа-я! Тўйдан бир кун бурун қизни ҳаммомга олиб боришларига бало борми, уялиб-нетишмайди ҳам... Яқинда куёвга чиққан дугонам Қумрихоннинг гапига қараганда, қалампирмунчоқни гулобга ивйтишиб келиннинг тамом баданига суртишар эмиш. Ана ундан кейин уйга олиб келиб, шохи-атлас кўрпаларга кўмиб ташлашар, сурма чўп билан кўзларига сурма тортиб, қошларига тош ўсма, қўлларига хина қўйиб, жаннатдаги ҳурлардай қулинг ўргилсин бир жонон қилиб қўйишармиш...

Куёвнинг иззат-ҳурмати-чи? У тўйхонага киради, бошидан тангачақа, мева-чева сочишади, кейин у ипак пойандозни босиб уйга кирганда, келин юзидан оқ ипак парда, ергача энгашиб салом қилиб, уни кутиб олади...

Зубайда, ширин бир сўлиш олиб пичирлади: «Ҳамзахон учун жонимни пойандоз қилишга ҳам тайёрман»... Унинг қулоғига «Ёр-ёр»нинг хазин куйи эшитилгандай бўлиб, ширин хаёл уни яна олиб қочди...

Куёв йигитчаларга пичоқ улашди. Отни аравадан чиқаргач куёв — Ҳамза келин — Зубайдахонни даст кўтариб олди. Ҳа, Ҳамзахон ўктам, бақувват йигит. Уни бошига қуёшдай кўтариб олади, унга атаб ширин-ширин газаллар битади:

Э, дилрабо, ишқинг билан девона бўлдим соғиниб,
Булбул каби тун кечалар афсона бўлдим соғиниб:

Қандай яхши байт!..»

Шу пайт уни эшикни секин очиб, кириб келган кўшни аёл — Содиқжон бойваччанинг кенжа хотини Шаҳзодаҳон ширин хаёллар қучоғидан юлиб тортиб олди. Зубайдаҳон хаёлий оламдан, бехосдан бошқа бир оламга, кундалик чин оламга улоқтирилиб, норози кўзларини чақирилмаган меҳмонга тикди.

— Ассаломуалайкўм, дилбар қиз, яхшимисиз, омон-эсон юрибсизми?— дея сўрашди у.

— Вой, Шаҳзодаҳон ая, келинг! Қандай шамол учирди?— деб Зубайда дик этиб ўрнидан турди-да, унга пешвоз юрди.

— Қайси шамол бўларди, сизнинг шамолингиз-да, ўргилай, соғиндим. Сиқиндидан дилим хуноб бўлиб кетди. Сиз билан бир лаҳза гаплашиб, Нодирабегим ғазалларидан ўқиб берсангиз, кўнглим ёзилармикан,— деб қоғозга ўроғлиқ бир бўлак нарсани Зубайдага узатди:— Бу Ҳиндистондан келтирилган сурма, асл. Бойваччангиз менга туҳфа қилиб келтириб эдилар, ўшандан пичасини сизга ола чиқдим.

Зубайда сурмани олиб миннатдорчилик билдирди-да, қутичасига солиб қўйди. Кейин у меҳмонни хонтахтага ясоғлиқ дастурхонга таклиф қилди.

Улар чой ичишиб суҳбатлашиб ўтиришар экан, дабдурустан Шаҳзодаҳон сўраб қолди:

— Мен Нодирабегимнинг сиз ўқиб берган ғазалини қўшиққа солдим, айтсам эшитасизми?

— Жону дилим билан эшитаман, ая!— деди жонланиб Зубайда. Лекин Шаҳзодаҳон ҳозир ваъда қилган қўшиқни айтиб беришга шояшмасди. Унинг юзу кўзларига аллақандай ғам чўккан, кўнгли ғаш, қандайдир дард ичини кемираётгани сезилиб турарди. Зубайда бунинг боисини суриштиришдан ўзини сақлаб, унга ҳайрон бўлиб қараб қолди. Шаҳзодаҳон эса, ўзи билан ўзи курашарди. У аста бошини кўтариб, Зубайдага мунгайиб қараб қўйди-да, жавоб берди:— Айтиб берардим, лекин йиғлаб юбораман деб қўрқаман, сингилгинам.

— Нега энди йиғлаб юбораркансиз, аяжон?

— Эҳ-ҳа, сиз ҳеч нарсани билмайсиз, Зубайдаҳон. Билмаган одамлар мени дунёда иккита бахтиёр одам бор бўлса, биттаси шу Шаҳзода, деб ўйлашади. Аслида-чи? Аслида мендан бахтиқаро одам бўлмаса керак!

— Нега бахтиқаро бўларкансиз, аяжон? Ахир сиз кимсан Содиқжон бойваччанинг суюкли хотинисиз-ку!

— Суюкли бўлмай мен ўлай. Менинг кўзимга тўнғиздан ҳам хунук кўринади у тиғи парронга учрагур бойвачча.

— Вой ўлмасам, нима деяпсиз, аяжон!

— Нима деяётган бўлсам, шуни эшитапсиз. Дардим кўп, дардашим йўқ, менинг. Энди ортиқ бардошим қолмади. Кўнглимдагини сизга ёрилай, диққат билаё эшитинг: бу ёрига нима келса энди пешонамдан кўрдим. Аслини сўрасангиз, мен бахтидан бевақт айрилган, адойи тамом бўлган бир муштипарман. Энди ўлимга тикка боравераман, кўрқмайман...

— Нега ундай деяпсиз, аяжон! Бой почча сизни хафа қилдиларми?— сўради Зубайда хавотирланиб.

— Йўқ, Зубайдаҳон, ичим қонга тўлиб кетган, бу бевафо дунёдан жуда-жуда тўйиб кетганман, жоним ҳиқилдоғимга келган, агар билмоқчи бўлсангиз.— Шаҳзода пиқ-пиқ йиғлаб юборди. Зубайда ҳозиргина ўйнаб-кулиб кириб келган бу жувоннинг ичида шунча дард-ҳасратлари борлигини сираям хаёлига келтирмаганди, оғзи очилиб қолди. Шаҳзодаҳон тўлиб-тошиб давом этди:— Мен ўзим учун йиғлаб-надомат қилмайман, опаси, мен нима бўлсам, бўлдим. Гулдай бахтим бор

эди, чанг солиб, унга зомин бўлишди, қанотимни қайириб, болу паримдан жудо қилишди: Аммо битта жонажон дугонам бор эди, туғишган синглимдан ҳам зиёда кўрардим уни.

— Ким у, мен кўрганманми уни?— сўради Зубайда гап қўшиб.

— Йўқ, кўрмаган бўлсангиз керак, балки кўргандирсиз, билмадим, лекин қўйиб қўйбандек қадди-басти, ҳусн-жамоли худди сизга ўхшарди. Унинг кўнгил қўйгани бор эди. Ана ўша синглимнинг дарду-ғами еб ташлаяпти мени. Шунини ўйласам, кўзимга дунё қоронғи бўлиб кетади, пулдор, ичи қора, илондай афти совуқ, бевафо эркаклардан ўч олсам, уларга, илож бўлсаю, қирон келтиргим келади, барибир бу бағри тош бойдан, ҳали кўрасиз, қасос олмай қўймайман...

Шаҳзодаҳоннинг кўзларига қон тўлиб, юзлари даҳшатли тус олганини кўриб, Зубайданинг юраги орқасига тортиб кетди. Кейин ўз-ўзини тутиб олиб, унинг бўйнига осилди.

— Вой ўзимнинг дилбар ойижоним. Сиз шундай яхши жувонмисиз! Битта дугонангиз учун шунча куясизми? Ҳамма ҳам бундай қилавермайди. Ким у ўзи, айта қолинг, аяжон.

Зубайданинг Шаҳзодага яна меҳри товланиб, кўкрагига бошини қўйди. Шаҳзода унинг муаттар сочларини силаб, икки юзини кафти билан безор ушлаб, ўзига қаратди.

— Эргашни эшигганмисиз?— деди унинг кўзига тикилиб Шаҳзода.— Бачқирлик Хўжамбердиннинг каллакесар ўғли...— Афтидан, бу даҳшатли иборани айтиб, ўзи ҳам қўрқиб кетди шекилли (Зубайданинг ҳам юзи докадек оқариб кетган эди), гапни чалғитишга ошиқди.— Қўйинг шу нохуш гапларни, келинг дилҳижиллигини ёзиб, пича дафъи савдо қилиб ўтирайлик бу бевафо дунёда,— деди-да, қўлини чўзиб, қоziқда илиғлиқ турган дуторни олиб, аста созлади. Кейин нозик бармоқлар тор бағрини эза бошлади. Сарпардалардан жон олғич дардалам тўла бир куй оқа бошлади. Бу хазин, мунгли оҳанг аслида Шаҳзодаҳоннинг дил-дилидан сизиб чиқиб, дутор пардаларига гоҳ инграб рамақда жон бўлиб, гоҳ қайнаб, авжига миниб фигон таратиб, уйнинг шифт ва деворларига бош урар, яна шу заҳоти сўнар эди.

Шаҳзода дуторнинг мунгли куйига жўр бўлиб, бир ғазални хиргойи қиларкан, биринчи байтидаёқ ўзини тутолмай ўкраб йиғлаб юборди:

«Не ғурбатларни чекдим, чарх бебунёд, дастингдан,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдан»...

Бу куй Зубайданинг ҳам дилига чўғ ташлади. У бошини ерга солиб, кўзларини юмганича куй тингларди. Унинг кўз олдига яна ўша қонхўр Эргаш келдию, унинг отасига бўлган адоватини эслаб, эти жунжикиб кетди. Шаҳзодаҳоннинг бутун хаёли дуторнинг бағридан учган ўтли оҳанглар қанотида узоқ-узоқларда парвоз қилиб юрарди.

Чиндан ҳам Шаҳзодаҳон жафокаш фалакнинг дастидан обод бўлмади, унинг севиқли ёрини ўша Эргаш қўйдек сўйди. Ҳа, Эргаш Солиқжон бойвачча билан ади-бади айтишган қанча зўрларнинг калласини олмади. Ҳаммаси ўша одамхўр бойваччанинг амри, пули билан бўлган. У қон тўкиб бой бўлишни отасидан ўрганган. Қўқоннинг манаман деган бойларидан Миразимжон бойни ўлдиртириб, сири очилаётганда, қилғиликни ўзи қилиб, хўжакўрсинга Эргашга жазо бердирди. Миразимжон бойнинг бола-чақалари унинг ҳаққига ҳамон дуо қилишади...

Шаҳзодаҳоннинг ўзи-чи? Ахир унинг кўз очиб кўрган эрини кўз олдига обрезга ётқизиб сўйган Эргаш қулоғига: жим бўлинг, Шаҳзодаҳон, сиз бу бетавфиқ расводан қутулдингиз. Энди яна бир катта давлатманд одамнинг паноҳида бўласиз. Эрингизнинг таъзиясини ўтказасиз, ўша бойнинг никоҳига киришга рози бўласиз. У бечора ҳажрингизда

жизгинак бўлиб ётибди-я, билдингизми? Борди-ю, бу сирни бировга исини чиқариб қўйгудек бўлсангиз, ёки мен айтган бойга хотин бўлишга рози бўлмасангиз, хотинталоқдан, қасам ичиб қўйганман, мана бу пичоқ, кўриб қўйинг, тарра-бурра қиламан!— деб яна тишларини кўрсатиб тиржаймаганмиди?!— Бойваччанинг кимлигини кейин айтаман. Ҳа, мен керак вақтда инс-жинсдек ҳозир бўламан, тасаддуққинангиз кетай»,— деб эшикни секин ёпиб чиқиб кетмаганмиди?!

Содиқжон бойвачча-чи? У, Эргаш айтгандай, уни никоҳига олди. Бир куни маст-аласт бўлиб келиб, Шаҳзодахонни эркалаб туриб: «Мана шу шахло кўзларинг учун нақд беш минг тилла тўлаганман», деб юборганда у эрини ким ўлдирганини билиб қолди. Бойваччага нисбатан нафрати кундан-кунга ўт ола берди.

Мана икки йилдики, у Содиқжон бойваччанинг олтин қафасида қон йиғлаб, кундошлик жафосини тортади. Ҳар тун тушида ўша кўз очиб кўрган Холдорбекни кўради, у билан дардлашади, уйғониб кетиб алам-андухга чидолмай ичида зор қақшайди, аламини мана шу бир парча ёғоч — дугордан олиб, у билан дардлашади. Юраги тўлиб кетган пайтларида эса, ҳаммаҳалласи Зубайдахонларникига чиқади.

Бунинг устига, мана, бир неча ойдирки, бой бунинг ҳам кўрпасини босмай қўйди...

Шаҳзодахон шуларни ўйлайди, юрагига йиғилиб, унга тобора озор бераётган зардобни қандай бўшатиш йўлини излайди.

Ҳали Зубайдахонга бир нима дегандай бўлди. Ҳа, иззат-нафси ерга урилган Шаҳзода ўйлаб-ўйлаб, ёмонга ёмон бўлиш керак, деган қарорга келган эди, буни имондай сир тутиб юрарди, бугун эса, Зубайдахонга уни очиб қўйди. Нега айтди унга? Чунки...

Бойвачча яна ошиқ! Шаҳзода унинг кимга тўр ташлаётганини сезиб қолган. Отинча қиз Зубайдага ёрдам қўлини чўзиб, унинг бошига ёпирилиб келаётган балоларни даф этмоқчи. Шунинг учун бойвачча устидан ўзи чиқарган ҳукми бу соддадил, ҳеч нарсадан беҳабар қизга билдириб қўйди, рост, билдириб қўйдию, уни қўрқитиб юбормаслик учун гапни чалғитди, «Сизга ўхшаган дугонам» деб, уни ваҳима гирдобидан олиб чиқиб кетди.

— Биламан, Зубайдахон,— деди орага чўккан узоқ сукутдан сўнг, аста бошини кўтариб,— сиз шоир Ҳамзахонга кўнгли қўйгансиз.

— Қўйинг, аяжон, одамни уялтирманг,— дея эркаланди Зубайда, юзлари лов-лов ёниб.

Шаҳзода аслида Зубайдахонни огоҳлантириб қўйиш учун бу ерга чиққан эди. Кўнглидаги гапни айтиш учун фурсат пойларди, қизнинг эркаланиб айтган сўзларини эшитиб, уни қизғонди, айтмай деса, назарида уни бойвачча илиб кетиб, хазон қиладигандек туюлиб кетдида, таваккал қилиб айтиб юборди:

— Мен яхши ният билан ёнингизга келдим, аяси жонидан. Сизнинг қисматингиз олдида меники урвоққа ўхшаб қолади шекилли. Бир сирни айтаман, ҳовлиқмай кулоқ солинг. Агар айтмасам, олдингизда ўзимни бир умр юзи қора ҳисоблайман. Сизлар, ҳар иккингиз жар ёқасидасиз. Сизни ҳалокатдан қутқариб, савоб топмоқчиман, аяси айлансин!

— Қанақа жар, аяжон, нима деяпсиз ўзи, ҳеч тушунмаяпман,— деди Зубайда ранги қув ўчиб.

— Шу ой ичида сиз менга кундош бўласиз, Содиқжон бойваччанинг никоҳига кирасиз, билдингизми, тасаддиқ! Ҳа, қулогингизгача худо берса-бахтга ботасиз.

— Йўқ, йўқ! Менга худодан унақа бахт тилагандан кўра ўлим тиланг, аяжон!

Зубайда додлаб ўзини Шаҳзодахоннинг оёғига ташлади.

Олтинчи боб

Шаҳзодаҳон

Даҳлизсиз, ўн бир ёғочли, нақшлари сержило уй. Чўғдай ёниб турган ипак гиламлар тўшалган, тахмонида асл матолардан қилинган кўрпа ва якандозлар кўзни қамаштиради, тоқчаларида анвои хитой ва қашқар жонон чиннилар, Бухоронинг мис ва кумуш идишлари. Шипга осилган қандилдан нур порлаб турибди. Уймакорлик эшик «ғийт» этиб оҳиста очилди. «Олчинбекни йўқлатган экансиз», деган овоз бойнинг учинчи хотини — Саид тўра мингбошининг қизи — Шаҳзодаҳоннинг хўжакўрсинга ўқиётган намозини бузиб юборди. У ялт этиб гулдор эшикка қаради. Ирғиб ўрнидан турди. Нимадандир ваҳимаси юзига қалқди. Қоқилиб-сурилиб эшикка борди.

Оёғида амиркон кавуш, эғнида ёқаси жимжима оқ шойи кўйлак, устида бешбел камзул, икки чаккасида бурама гажак, дўппайиб турган кўкрагида тилла зебигардон, оппоқ сухсур бўйни тўла марварид, тим қора оҳу кўзларида ёшлик ва муҳаббат шарораси жўш уриб, ўз қурбонини излайди, қайрилма қош устига дол қўйган паранг дурра сининг ҳошияси билан оғзини тўсиб, бошини сал эгиб, Олчинбекка таъзим қилди.

— Марҳабо, хуш келибсиз, азизим, — деди-ю, эшикни зич ёпди.

— Келдик, мана... Хушвақт бўлинг, тасаддуғингиз кетай, — деди Олчинбек. Чидами етмади шекилли, Шаҳзодани шарт бағрига тортиб, чанқаган лабларини «мана мени ўп» деб турган гунча лабларга қаттиқ босди. Ҳам ҳадик, ҳам эҳтирос билан тани-жони ёниб кетган Шаҳзодаҳон Олчинбекнинг қучоғидан зўрға суғурилиб чиқиб олди.

— Уҳх... шунақа зolim йигитмисиз, нафасим қайтиб, ҳушимдан кетаёзим. Бир нарса бўлиб қолсам, нақ хўжайинингиздан балога қолардингиз... Қани тўрға чиқинг, марҳамат, мана ёстиққа ёнбош қилинг, пича ўзингизни босиб олинг. Ҳа, муңча илҳақ қилмасангиз, кўзларим тўрт бўлди кутавериб, — деди овози жаранглаб Шаҳзодаҳон.

Олчинбек тўрға чиқиб, атлас кўрпачага ўтирди, қўша-қўша пар ёстиққа ярим ботиб сўз қотди:

— Бойвачангизни Миркомилбой, Миргулишанбой, Пателяховлар билан Москвага узатдим-у, секин киши билмас, парвонадай ўзимни мана шу уйда ёниб турган чироққа урдим, тасаддуқ...

Шаҳзодаҳоннинг юраги гупиллаб урар, ундаги эҳтирос дилидаги гапларини айтишга йўл бермас, тилини боғлаб қўйгандек эди. У ташналик билан Олчинбекка талпинар, оловли кўзлари унга қараб жовдирар, дил розини ифодаламақчи бўларди. Бир муддат тикилишдан кейин у тилга кирди:

— Қани дастурхонга қаранг. Мана, ичинг, ҳоврингизни босади. — Унга чиройли қашқар пиёласида май тутди. Олчинбек аввал Шаҳзодаҳоннинг қўш-қўш гавҳар кўз узуклар ярашган узун, латиф бармоқларидан ўпиб, кўзларига суртиб, кейин майни олиб, майдалаб ютиб туриб сўради: — Нега фотиҳа тўйнинг бошида турмадингиз?

— Тобим қочиб қолди деб хўжайинингиздан рухсат олдим. «Майли, сен хизматдан озодсан, шаҳардаги кичик ҳовлига бориб бир-икки кун дамингни ол», дедилар. Ганжиравондаги фотиҳа тўйини ташлаб, сизни тезроқ кўриш иштиёқида бу ёққа югурдим-да...

— Ҳа, кеча фотиҳа тўйини ўтказдилар-у, бугун вагон-вагон пахта билан Москвага жўнадилар. Икки ҳафтадан кейин Москвадан келишлари биланоқ тўй бўлади.

— Аёллик курсин. Начора, куйдирадиган эр эрми! Дунёнинг ишлари шунақа тескари экан, боши-охири йўқ. Ҳа, майли. У киши у билан, мен сиз билан, йигит, савоби ошкордан гуноҳи пинҳона маъқул бизга. Аёл ҳам одам, унда ҳам жон бор. Иззат-нафс бор, ишқ ўти тўла юрак бор. Ҳадиксираманг, фаришта ҳам пайқамайди... Ичкарида бир оқсоч кампир, ташқарида бир кар қулоқ отбоқар қолган, бошқа ҳеч ким йўқ, ҳамма фотиҳа тўйига кетган, индинга келишади. Оқсоч ҳам, отбоқар ҳам аллақачон донг қотиб ухлаб ётишибди. Бири кар, бири банги. Иннакейин, мен уларни... ҳа-да, «туя кўрдингми, йўқ»ни роса ўргатиб қўйганман.

Уз сўзидан завқланиб, қошларини учириб хандон ташлаб кулди Шаҳзодаҳон. Олчинбек унинг тадбиркорлигига қойил қолиб, узоқ тикилиб турди: ўша жилва, ўша сузук, хаёлқаш, жон олғувчи кўзлар...

— Дардимни ҳеч ким билмайди. Ишим қийин,— деди Шаҳзодаҳон.

— Мен биламан, жоним тасаддуқ... Мен биламан!

— Кимсан, Саид тўра мингбошининг қизи бўлсам-у, бу яшамагур очкўз, бераҳм бой бир келгинди қашқарликнинг қизини устимга хотин қилиб олса-я! Бунга ким чидайди?! Бой эл-юрт ичида оламга доврўғи кетган отамнинг юзини ерга қаратди. Мени шарманда қилди, йигит-яланглар ичида кариллаб юрган акамнинг боши ҳам бўлди. Бир пасткаш бойнинг қизи мендан ортиқ бўлдимми?

— Бойни ҳам шайтон йўлдан урган.

— Уша шум ният шайтон яна ўзингиз бўлиб чиқманг, барно йигит,— деди нозланиб Шаҳзодаҳон.

— Агар мен шум ният бўлсам, бунга ҳам ўзингиз сабаб. Сизнинг Шаҳзодалигингиз, мана шу ширин, ҳеч кимда йўқ дудоқларингиз,— Олчинбек уни шартта бағрига тортди,— мундоқ юзингизни очинг, кўрай, кўзимнинг қурчи қонсиз, ўлиб бўлдим-ку.

— Тўхтаг, ҳаммасига ҳали улгурасиз, барибир тош-тарози ўзингизнинг кўлингизда... Пича дардлашайлик. Мен жудаям куйиб кетяпман. Менга ачининг, мени чин яхши кўрсангиз, ёрдам беринг. Мен, олма пийш, оғзимга туш, деб ўтирадиган аёллардан эмасман.

— Бойваччани шунчалар яхши кўрасизми?— деб сўради рашк билан Олчинбек.

— Бойга қизи Зубайда эмас, отасининг қашқар саройи, чой дўконлари, яхдондаги олтинлари керак!— Товушини пастлатиб шивирлади Шаҳзода.— Бу қонхўр бойваччанинг бутун кирдикорларини мен биламан. Менинг отам унинг кўзга кўринмайдиган пичоғидан зўрға омон қолди. Ҳали кўрасиз, икки ой ўтар-ўтмас Аҳмадохуннинг азасига борасиз...

— Нима деяпсиз?!— кайфи учиб сўради Олчинбек. Шаҳзодаҳон гунча оғзини Олчинбекнинг қулоғига яқинроқ тутиб шивирлаб, замзама қилди. Зулукдай сочларидан анқиган аллақандай ёқимли ҳид Олчинбекнинг димоғига урилиб, унга роҳат бахш этди...

Тўрт девор ичида хуноби ошиб, адо бўлаётган Шаҳзодаҳон бир кунни Сўхмозорга бориб келиш учун извошчи Қулмат отани қидириб ичкари билан ташқарини қўшадиган кенггина йўлакка чиқди-да, қоронғироқ бурчакдан юзини паранг дурра билан ярим тўсиб, эшик тирқишидан ташқарига мўралади. Ана шунда катта дарвозанинг шундоққина ёнгинасида гулзорга туташ шосупа четидан ўтириб, Солиқжон бойвачча билан чўт қоқиб нималарнидир узун дафтарга ёзиб-чизиб олаётган ёш, дўндиқ бир йигитга кўзи тушди-ю, юраги шиг этиб кетди.

Бу келишган, хушбичим, башанг кийинган йигит назарида худди севикли Холдорбекка ўхшаб кетди. Қуюқ қора қошлари, шахло кўзлари ҳам ўшаники. Эғнидаги рум ёқали мовут камзули ҳам Холдорбекнинг сўйилмасдан бир ҳафта илгари тикдирган камзулига ўхшаб ке-

тарди. Шу-шу бўлиб, бу йигитнинг сурати, унинг майин жилмайиши, ўнг юзидаги йирик қора холи Шаҳзодага уйқу бермай қўйди. Унинг ороми бузилди, бу йигитнинг хаёлида тонг отгунча ўй суриб, тўлганиб, «уҳ» тортиб чиқадиган бўлиб қолди. Ҳамма-ҳамма нарса унутилди.

Айниқса йигитнинг ҳали уйланмаган, бўйдоқ эканлигини билгандан кейин, унинг дунёга келиб қонмаган эҳтироси яна оловланиб кетди. «Лочиндек йигит», у билан ҳар қанча ўйнаб-кулсанг арзийди. Шу кунларда росаям тўлишиб, чиройли бўлиб кетибди, гўрсўхта. Нима қилай, мен энди йигирмада, у йигирма бешга кирган.

Ажаб қиламан, ҳали бир қучоқ гулман. Ўйнаб-куладиган чоғим. Ҳа, бой устимга хотин оляпти. Унинг ишлари гумбур. Мен унинг измидан чиқсам гуноҳи азимга ботаман, деб уйда кўмилиб, эзилиб ётайми? Менга мол-дунё бир чақа, менга эр йигитнинг яллиғи керак. Мол-дунё ўсмадай нарса, ювилади-кетади».

Шу хил фикрлар унинг кўнглидан ўтиб, кўзларида гоҳ нажот, тан-сиқ бахт, қайноқ муҳаббат ифодаси кўринар, гоҳ ваҳима, даҳшатли ўлим, қон, пичоқ шарпаси сезиларди. Йўқ! йўқ! У мурод-мақсадига етади. «Худо: «ол қулим», деса ажаб эмас», шивирлайди бўсага ташна шарбат тўла лаблари. Яна ўйланиб қолади. Ўйланавериб тоқати тоқ бўлади. Ниҳоят, кучи дуторга етади. Уни қийнайди, нозик торларини тирнаб йиғлатади, ўзи ҳам дуторга жўр бўлиб юм-юм йиғлаб куйлайди:

Тошга ёмғир кўр қилурму муттасил ёққан билан
Давлатингиз кам бўлурму бир қиё боққан билан.
Бир қиё боқди, илиндим шу йигит занжирига
Ҳеч илож тополмадим парвардигор тақдирига.
Тақдирига ўт тушиб куйса нима, ёнса нима,
Икки ошиқ бир бўлиб, муродига етса нима!

Йигит аҳён-аҳёнда ичкаридан чиқаётган бу дардли қўшиқни ташқарида ўзи ёлғиз қолган пайтларда эшитар эди-ю, парво қилмасди. Бора-бора бу сеҳрли куй йигитнинг ҳам эс-ҳушини ўғирлаб, унинг қалбига занжир солди, банди қилиб ичкарига — гўзал Шаҳзода қошига судради. Ахири, рўзгор кўрмаган бўз йигит, мана роса бир йилдирки, ҳафта ўтмай фурсат топиб, у билан ҳуфёна учрашиб бағрига киради. Яйраб тўлғанади, ер-кўк, замину замон, ўлим, қўрқув, андиша, урф-одат, шарм-ҳаё, диңу имон — ҳамма-ҳаммасини бир ёққа отиб, ҳаётга, эркинликка, муҳаббат ва ёшлик баҳорига қайта-қайта таъзим қилади. Ана ўша занжирбанд, Шаҳзоданинг рўпарасида хаёл суриб ўтирган йигит — Олчинбек эди.

Аммо бу кунларда Шаҳзоданинг ороми яна бузилди. Бунга бойнинг яна янги хотин олиши сабаб бўлди.

Хўш, бой янги хотин олса Шаҳзодахонга нима? Олса олиб ўлмай-дими!

Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. Янги ёш келин — Зубайданинг ҳусн малоҳати, ғазал ёзиб дутор чертиб, хониш қилганида, ҳатто осмонда учиб кетаётган қушлар ҳам бир лаҳза тўхтаб қолишлари ҳақидаги миш-мишлар бутун Қўқонни тутиб кетганди. Агар чиройли, ширинсуханликда тенгги йўқ ўша қиз бу даргоҳга келин бўлиб тушса, бойнинг феъли маълум, уч-тўрт кун кичигини ширин кўриб, эркалаб силаб-сийпайди, кейин тўяди, янгисига совчи юборади. Оқибатда бу қафасдаги «келин аясига» мазахўрак бўлиб қолган Олчинбек ҳам кўлидан чиқмайди! Йўқ! Бу келаётган балонинг олдини олмоқ керак. Оғзидаги ошини Шаҳзода бировларга бериб қўядиган анойилардан эмас. У турган жойда бошқага кун йўқ! Ҳамма чиройлар бир чақа. Ҳамма ерда фақат Шаҳзоданинг чиройи, дилбарлиги, там-там жувонлиги ҳақида гап бориши керак!

Ха, шундоқ! Пайт келса бойнинг ўзини гум қилиб, ўзи бой ойим бўлиб, ярақлаган қўш отли фойтунларда ёнгинасида Олчинбек, тўйгунча яйраб, айшини суриб ўтади бу бевафо дунёдан! Унинг режаси пишиқ, аниқ ва даҳшатли. Борди-ю, режа амалга ошмаса — у ёғи ўлим. Уни севиқли ёридан жудо қилишди...

Шаҳзодаҳон юрагига тўлқин солган васвасаларни қувиб солди. Қўшиқни чала қолдириб, дуторни яна жойига илди. Орага оғир жимлик чўкиб, туйғуларни сўндирди. У бир лаҳзада совиб, тоб ташлаб қолди.

«Ниҳоятда эҳтиёт бўлайлик, сиримиз очилса, икковимиз ҳам қўйдек сўйиламиз» деган совуқ фикр ўтди дилидан. У ёғини айтишга тили бормади.

— Гуноҳкор бандангман, бало-қазодан ўзинг сақла, худо,— деб юборди, ранги қути ўчиб.

Олчинбекнинг бу аянчли аҳволи Шаҳзодаҳоннинг дилини сиёҳ қилди. Кўзига у жуда ожиз, майда бўлиб кўришиб кетган эди. «Қўрқоқ, тайёрхўр, чўқиб қочар» деган гаплар ўтди дилидан. Нафратини яширолмади, киноя билан узиб олди.

— Вой, ҳа, мунча тўкилиб кетмасангиз, сиз учун юз жоним бўлса, ҳаммасини тикдим деган эдингиз, ҳалитдан бир жоннинг ваҳимасини қиляпсиз-ку. Аёл бошим билан яна ўзим тузук эканман, ўргилай,— деди Шаҳзодаҳон хиринглаб кулиб.

— Йўқ-йўқ, ўша ёш эрчангизга раҳмим келиб... Ҳалигидай... бўғилиб кетдим.

— Ҳа, эрим мени «умри азизим», «ширин жон» деб атарди, жонидилидан ортиқ кўрарди... Сизнинг кўз-қошларингиз, баъзи бир қилиқларингиз ўшанга ўшаб кетади, ўргилай...

— Ишқилиб, умрим ўхшамаса бўлгани. Қани бу гапларни энди бас қилиб, пича чақ-чақлашиб ўтирайлик,— деди Олчинбек.

Шаҳзодаҳон унга яна титраган қўлларини узатиб, хумор кўзларини тикиб, эҳтирос билан сўради:

— Бундан ташқари, яна бир ишим тушди сизга, хўп дейсизми?— Унинг бу саволида ноздан кўра одобга ўхшаш аллақандай бир нидо бор эди.

— Яна қанақа иш?— Жо... жоним билан хў... хўп,— деди ваҳима босиб Олчинбек. Шаҳзодаҳон бир нозик шох ташлаб сочларини тартибга солдию ўрнидан туриб, шоҳи, атлас кўрпа-кўрпачалар тўла тахмонга борди, кўрпаларнинг қатидан катта бир кармонни олиб келиб Олчинбекка икки қўллаб узатди.

— Бу нима, йўқ, йўғе.

— Бу сизга эмас, бошқа бир ишга керак бўлади. Олинг, агар мени севсангиз, ҳазар қилманг, олинг!— деди кўзларини сузиб туриб Шаҳзодаҳон.

Олчинбек подшо сурати солинган юз сўмлик тўла кармонни ноилж олиб чўнтакка солди-ю, «Хўш у ёғи?» дегандай Шаҳзодаҳоннинг кўзларига тикилди.

— Агар сизга менинг васлим керак бўлса, тўғриси, менинг умр бўйи қулингиз ҳам гулингиз бўлишимни истасангиз, олдингизга икки шарт қўяман. Ҳа, десангиз мана — мен! Йўқ десангиз — бир умрга хайр!— деди чертиб-чертиб Шаҳзода.

— Шартингизни айтинг,— деди эҳтирос ўтида ёниб Олчинбек.

Ахири у кўнглини Олчинбекка ёрди:

— Бу иш осон. Қўрқманг, майли, тўй бўлаверсин. Ер-ёр осмонга чиқсин, аммо хўжайинингиз Содиқжон бойвачча ўша сиз айтган янги жонон Зубайдаҳоннинг қўйнига киролмайди, доғ-ҳасратда қолиши ке-

рак. Бечора Зубайдахонни бу бало, офатдан қутқазамиз, унга ёрдам берамиз. Уни севгани билан қовуштирамиз. Бирламчи шартим шу!..

Уртага жимлик чўкди. Олчинбек чуқур ўй суриб, бу гапнинг маъзини чақишга ҳаракат қилди, ниҳоят Шаҳзодахоннинг феъли-атворининг яна бир қиррасини кашф этганидан мамнун бўлиб, ичида «пари қиёфасида кўринган эчкиэмар, бу хотиндан кўрқувлик», деб қўйди.

— Хўш яна?

— Иккиламчи шарт... айтоврайми?

— Айтинг!..

— Бу уйдан ҳозир ўқдай отилиб чиқиб қочиб қолмайсизми?— деди-ю, ширин қиқирлаб кулди. Кейин у кулишдан таққа тўхтаб, чақнаган кўзлари билан Олчинбекка шундоқ тикилдими, унинг юраги ўйнаб кетди.

— Йўқ дедим, йўқ!

— Барибир қочсангиз ҳам, бориб айтиб мени остирсангиз ҳам мен бу бахил, жоҳил, худбин, ишратпараст одамлардан кўрқмайман. Чунки, мен бу тақдир қиморига аллақачон жонимни тикиб қўйганман.

— Мен ҳам жонимни тикканман. Фақат сизга, сизнинг мана шу ёнган қон тўла хумор кўзларингизга, роҳатижон кулишингизга, сурх ёғочидек қадди-қоматингизга, ўтли карашмаларингизга жонимни тикқанман. Агар шулар меники бўлмаса, менга икки жаҳон керакмас, мени куйдириб ёндирманг, қандай оғир шартингиз бўлса айтинг, ҳаммасини бажараман!— деди ҳирсдан қалт-қалт титраб Олчинбек. Шаҳзодага мана шунақа дадил гаплар керак эди.

— Хўп, иккиламчи шартим шу: бир кунмас-бир кун бойнинг ўзини ҳам... Буни мен ўзим жойига қўяман, сиз ёрдам берсангиз бўлгани..

— Ёпирай, нималар деяпсиз! Бошим айланаяптими ёки уй айланаяптими?

— Жим, жим, айланай. Мана бу — ўзингиз олиб келган шароб, яна қиттак ютиб олинг, ваҳимани босади.

Олчинбек Шаҳзодахоннинг қўлини ўпиб, кумуш патнисда узатилган қадаҳ ичидаги қоньякни ютиб, бедана гўштини озига солди.

— Хўш, у ёғи?..

— Ҳе, у ёғи жаҳаннам, бизга, бизга... ўзим биламан. Йўқ, у ёғи бизга боғу бўстон, бу дунёда жаннат, ҳа, Содиқжон бойвачанинг бор давлатига ҳам, завод-дўконлари, банклардаги олтинларига ҳам, мендай ўхшаши йўқ дилбаржонга ҳам фақат ўзингиз хўжа бўласиз, чунки у бекфарзанд, меросхўр фақат мен, айланай! Ҳа, бу гапларнинг ҳаммасини менга эрим ўргатди.

— А?! Нима?!

— Ноҳақ сўйилган эрим ўргатди. Ҳар куни тушимга киради: «Қасосимни ол! Жаллод эрингни гумдон қил! Борди-ю уни ўлдирмасанг, ўзингни ос, тезроқ ёнимга кел, кутаман!» дейди холос. «Ҳа, шундоқ. Мен бу аждаҳо бойдан бир кунмас, бир кун хўрланган, жафо чеккан аёлларнинг номуси, муҳаббати оёқ ости қилинган эрларнинг қони учун — қасос оламан. Уни ўлдираман!» Шаҳзода бу сўзларни кўнглидан ўтказди.— Хўш, нима дейсиз, жонимни қоқай! Икки йўл, икки эшик — бирини танланг. Мана бу эшик сизни муҳаббатхонага, атлас тўшакка етакласа, анави эшик кўчага олиб чиқиб қўяди. Ҳа-ҳа-ҳа! Ҳи-ҳи-ҳи!

Май ҳарорати, ёш аёлнинг ширин, жаранглаган овози, йирик-йирик хумор кўзларининг қора олови, эгма қошларнинг сеҳри, дириллаб турган баданининг жозибасига тоқат қилолмаган Олчинбек Шаҳзодани бир кучоқ бинафшадек озод кўтариб, сим каравот турган ётоқхонага йўл олди. У деярли қаршилиқ кўрсатмасди.

— Тўхтанг! Тўхтанг, жонгинам, жиндек сабр қилинг.

Олчинбек Шаҳзоданинг юзидан бир ўпди-да, ерга қўйди. Шаҳзода тўзиган сочларини тузатиб, кичкина нақшйнкор тоқчада ипак болиш устидаги зар муқовали қуръонни олди. Ўпиб, пешонасига суртди, уни Олчинбекка узатди. Уртага сирли жимлик чўкди. Олчинбек аста-аста қадам босиб Шаҳзоданинг ёнига бориб тиз чўкди, унинг қўлидан қуръонни олиб ўпди, ўпди-ю, секиң шивирлади:

— Сўзимдан қайтсам, каломулло урсин!

Еттинчи боб

Миён Қудрат ҳазрат

Пат гиламлар тўшалган серҳашам хонадаги қат-қат шоҳи кўрпачалар устида, лайлакнинг уясидек катта салла бошида, эғнида банорас кенг чопон, унинг устидан оппоқ ридо, қўлида қаҳрабо тасбеҳ, кенг пешона, нуруний юз Миён Қудрат ҳазрат бомдод намозидан кейин тиловат қилиб ўтирарди. Бироқ шайх Исмоил остонада тўхтаб салом бериши билан у бақувват қоматини ростлаб бош кўтарди.

— Қелинг, шердаргоҳнинг ити, тортинманг, юқорига ўтинг.

Миён Қудрат ҳазратнинг овози чеҳрасидек мулоим эди.

Шайх Исмоил қўллари кўксиди, икки букилганча оёқ учиди бирикки қадам босиб ҳазратнинг қўлини олди, рўпарасида тиз чўкди. Икки мулозим — бири дастурхон, бири катта мис баркашда иссиқ нон, асал, мева-чева кўтариб кирди. Ҳазрат яна кўзини юмиб сукутга кетди. Лекин у шайх Исмоилнинг не хил совға келтиргани ҳақида ўйлар эди.

— Ҳазратим, — деди бошига қозондай салла ўраган, енгилгина тўн ичидан малла кўйлак ва оқ бўз иштон кийган бош мурид Тўғонбой халфа. — Шоҳимардон мутаваллиси — шайх Исмоил мазорга қилинган назр-ниёзлардан ҳазратининг улушларини келтириб эдилар. Ҳаммасини омборларга тўқдим.

Ҳазрат фотиҳага қўл кўтарди.

— Омин, шайх Исмоилни Шоҳимардон пирим қўллаб, корига худо файзу барака ато қилғай. Ҳа майли, эшон халфа, бизни холи қолдиринг — деди ҳазрат, фотиҳа ўқилгач.

— Хўп, тақсир, — дедию Тўғонбой халфа тисарилиб, икки букилганича таъзим қилиб, чиқиб кетди. Ҳазрат оппоқ пахмоқ қошларининг остидан унга қараб сўради:

— Хўш, хўжайи шайх, бизга кўрсатган кароматингиз инъом — бойғоза бари шуми? Тангрининг молини шайтон қизғанармиш...

Ҳазратнинг бу зира-пиёзлаб берган саволидан шайх Исмоилнинг имони учди. У, андак каловланиб, зўрға ўзини тутиб олди-ю, қўйнидан олтин тўла бир чарм халтани олиб узатди.

— Қанча? — сўради ҳазрат.

— Юз тилло...

Ҳазрат қайнаб тошган ҳазрат шайх Исмоилга ёмон тикилди. Тикилдию дилидан шу гапларни ўтказди: «Ақлнинг пешлаб келмабсан-да, бадбахт, беандиша, гумроҳ!.. Сенга кўрсатган мурувватим ҳамда шафқатим туфайли бутун бир катта мазорни бийлаб, вақфини еб ётибсан. Менга келтирганинг шуми? Бойникини бойтеват қизганибди-да, говсурат шайх! Қани, айт, бу ўтар дунёи фоний зебу зийнатлари, бу мазордаги омборларда ётган ҳисобсиз байтулмонлар фақат сенга керакми? Олтинларни дорил бақога кўтариб кетаман дедингми? Ваколат ёрлиғини қўлингдан тортиб олиб, ўзингни Шоҳимардондан қувлаганим бўлсин!»

Ҳазрат тасбеҳ ўгириб анчагача жим қолди. Ҳазабдан ёнган кўзларини шайхнинг кўзларига бир лаҳза қадаб турди-да, бирдан халтани унинг бошига қарата олди. Халтанинг ипак боғичи ечилиб кетиб, олтин тангалар жиринглаб ҳар томонга сочилиб кетди.

— Ҳазратим!— деб ўзини унинг оёғига ташлаган шайх Исмоил дағ-дағ титраб.— Оллоҳи азимулшон, худошунос, аҳлитахвидлар сарвари падар бузрукворингиз ҳақи-ҳурмати, мен осийни гуноҳидан ўтинг, тавба қилдим, бад қилдим, мен бадбаътни рондай даргоҳ қилманг. Сиз пир Муршидимнинг хизмати шарифларига ҳамиша тайёрман. Кечга қадар минг тилло келтирурмен. Қуни кеча мазорга, бир маликаий зеб чеҳра назр этилди. Ҳусн-малоҳатда рубъи маскунда ўхшаши йўқ. Шу ожизани эртагаёқ ҳарамингизга ўзим келтириб топшираман.

→ Онт ич!— деди ҳазрат.

— Гувоҳим каломулло!— пиҷирлади шайх Исмоил.

— Имонинг ҳамиша бақувват бўлсин. Қани бу тилло-тангаларни ҳам тўплаб халтасига солинг-да, менга узатинг, бари бир дунёнинг моли дунёда қолади.

— Хўп бўлади, ҳазратим,— шайх Исмоил гиламда сочилиб ётган олтин тангаларни апил-тапил йиғиштириб халтага солди-да, ҳазратнинг олдида турган хонтахта устига қўйди. Ҳазрат халтани дарров олиб яширди-да:— Назр этилган ожизани эсдан чиқарманг,— деди юмшаб. Кейин шайхга мулозамат юзасидан ўртада ўроғлиқ дастурхонини очиб ишора қилди.

— Қани, олинг, шайх, оллонинг ноз-неъматларидан баҳраманд бўлинг. Хўп, энди менга қулоқ солинг. Кўпдан бери ер тез-тез қимирлаб турибди. Субхонолло, субхонолло! Ҳа, бирники мингга, мингники туманга, дейдилар. Узингиз тан-жонингиз соғ юрибсизми? Уй ичингиз тинчми, шайхим?— деб сўради Миён Қудрат ҳазрат, чеҳраси пича ёришиб.

— Оллога шукур, ҳазратим. Дуонингиз шарофати билан,— дея жавоб қилди шайх.

Ҳазрат шайхнинг бу кўпик сўзларига бир илжайиб қўйди-ю, яна унга сўз қотди:

— Ҳа, шайхим, бир занталоқ бедин Ҳамза дегани борми, яқинда ўша соч қўйган калта думнинг дийдор номуборагига кўзим тушиб, дарҳол калима келтириб тўхтадим. Ул бадхоҳ калтадум такаббурона ҳаракатлар билан у ён-бу ёнга аланглаб мени кўриб, таъзим бажо келтирди. Кейин билсам, ҳалиги мўъмин банда Ҳакимча табибнинг Ҳамза деган касофат ўғли экан. Ул, боз устига, Аминжон бойи мадрасасида таҳсил қилар эрмиш. Ушал бадбахт бир қанча муллабаччаларни йўлдан оздириб, Тошкент, Боку, Қозон, Уфадан келадиган жадид-кофирларнинг газнит ва жаридаларини ўқишга ташвиқ қилар эрмиш... Ҳа, мени яқинда Ҳоким тўра Мединска жаноблари (Мединский демоқчи) чақириб қаттиқ танбеҳ бердилар. Отаси Ибн Ямин ўрис дўхтирлар билан дўст тутинган эрмиш. Динимизга кони зарар: ўрис мактабига кирамиз, янги усулдаги жадид мактабларини очамиз, мадрасаларда ўқитиладиган илмлар эндиги ёшларимизга керак эмас. Нашриёт тузамиз, «туротур» деган нарсаларга ривож берамиз, деган зарар гаплар мусулмонлар орасида юриб қолди. Улар мусулмон эмас, миллат эрмиш. Замона айниди!

— Ҳа, тақсир, мен ҳам огоҳман бу кўнгилсизликлардан. Яқинда Марғилонда бир саҳобнинг дўқонида бўлдим, китобларни суриштирдим: «Шарх вуқоянгиз» борми?» дейман. Ул: «Йўқ»,— дейдур. «Шарх мулла?»— «Йўқ!»,— «Маслакум муттақим?»— «Йўқ!»,— «Далойил ҳайрат?»— «Йўқ!»,— «Қанзул Ҳусайн?» «Йўқ!»,— «Нурнамойи шариф?»»,

«Кимёйи саодат?»— «Йўқ, йўқ, йўқ!»— «Ҳа нимангиз бор? Нима билан савдо қиласиз?»— деб жаҳл билан сўрадим. Бир китобни қўлимга тут-қазди. Уқиб қарасам, жадидларнинг бефаршта китоблари, шулар ичида Ҳамзанинг ҳам даҳриёна ашъорлари бор экан. Айниқса газнитда, закот ҳақида ёзганини ўқидим. Беҳад қаҳру ғазабим келиб, ҳар бир мўйим бир тиг обдор бўлди, бир наърайи раддивор тортиб, мусулмонларни ҳақ йўлдан тойдирмоқчи бўлган шул жадид китобларни ағдар-тўнтар қилиб кўчага чиқариб ташлагим келди. Лекин шайтонга ҳай бердим: ким ботир — аччиғини ютган ботир.

— Қаранг-а, тошбўрон қилса оз кофир Ҳамзани!

— Ҳа. Сиз, шайх, мазорни далил келтириб мусулмонларга амру маъруф қилинг. Шуни яхши билингки, Шоҳимардон биз учун энг муқаддас жой. Шоҳимардон обод бўлса, сизу биз ободмиз. Шоҳимардон Ислому қалъаси.— Шу ерда унинг гапи узилиб қолди.

Эшикни очиб, Тўғонбой халфа кириб, қўл боғлаб: «Зиёратингизга Содиқжон бойвачча билан табиб Ибн Ямин келдилар, пирим», деб хабар қилди.

Саккизинчи боб

Онанизор

Зубайданинг онаси қизига ялиниб-ёлвориб, кўзларидан ёш сел бўлиб оқиб, ўкраб-ўкраб йиғларди.

— Жон қизим, дардман онангга раҳминг келсин. Шундоқ ҳам тўлиб-тошиб юрган юрагимни ғам-ғуссага тўлдирма. Менинг иложим қанча. Ихтиёр менда бўлганида, сени ўша тўнғиз кўпгур бойваччага тенг кўрармидим?! Яна кундош устига-я!.. Айниқса анави Шаҳзодага! Унга худо бас келмаса, бандаси бас келолмайди, болам.

У Шаҳзоданинг кўнглини билмасди, хусусан эри Холдорбекнинг йили ўтар-ўтмас бойваччага кенжа хотин бўлиб тушгани фақат Зубайданинг онасинигина эмас, балки маҳалла-кўй ўртасида анча нохуш гап-сўзлар бўлишига сабаб бўлганди. Одамлар назарида Холдорбекни Шаҳзодахон ўлдириб, Содиқжон бойваччага тегиб олганди. Лекин унинг юрагидаги дарду ҳасрат, ғаму аламларини ҳеч сўрамас, сўрашни хаёлига ҳам келтирмасди.

Рисолат ая инқиллаб-синқиллаб, Зубайдага яна гап уқтиришда давом этди:

— Отангинг хоҳиши шундоқ бўлса, мен қандоқ қиламан, қизим. Ақлли-хушли қизсан, менинг ҳам дардим кўп, аммо дардкашим йўқ.

У кўксига муштлаб йиғлаб юборди.

— Мана бу ерим зардобга тўлиб кетган, қани энди менинг гапимга қулоқ соладиган одам топилса, онанг ўргилсин! Яна ўша гап... Билмадим, ўша Шаҳзода яшамагур нима дебди, икки кундан буён туз тотмайсан, гапирмайсан, эс-хушинг ўзингдамас, кўзларинг ич-ичига тортиб кетган, рангинг сёмондек саргайиб, гулдек сўлдинг-қолдинг. Нима бўлди ўзи сенга, бундоқ ёрилсанг-чи, менга!..

Зубайда онасининг заҳил рангига, беш-ўнта оқ оралаган патила сочларига, лекин ҳали ҳам пистадек оғзига, бир вақтлар эркак зотини телба қилишга қодир бўлган оху кўзларига, ҳамон бичими бузилмаган қадди бастига тикилганича миқ этмай ўтираверди.

Донлаб юриб тентираб кетиб қолган товуклар бир маҳал жой қидириб, уйгача кириб келди. Зубайданинг аммаси Ойимча биби товук

зотини жинидан ёмон кўрарди. У эшикдан кирганида, улар ҳовлини ивирситиб ташлаганди. Ойимча биби уларни кўрди-ю, фиғони фалакка чиқиб, қўлига тушиб қолган бир калтакни ҳавола қилиб, тирқиратиб, ҳайдаб, қарғай-қарғай уйга кириб келди. Уйда она-бола ер чизиб ўтирганини кўриб, нафси койиб энсаси қотди-да, янгаси Рисолатхонга учир-риқ қилди:

— Ҳа, кеннойи, қовоқларингдан қор ёғиб ўтирибсизлар? Нима, Зубайда пошшани кўндирдингизми?

Рисолатхон ўрнидан туриб унга мулозамат кўрсатди-да, кўрпача ташларкан, унинг заҳарли саволига жавоб қилди:

— Келинг, тўрға чиқинг, ҳа энди кўнмай иложи борми, аммажониси. Мана яна ўзингиз ҳам бир-икки насихат қилиб кўрарсиз... Зора бўйин эга қолса...

У орқасига ўгирилиб, кўз ёшларини товар кўйлаги енгига артдида, ташқарига чиқиб кетди.

— Албатта-да, кеннойижон, жоним билан насихат қиламан,— деди Ойимча биби, дуру ёқутлар яшнаб турган кенг кўкрагига Зубайданинг бошини босиб, сочларидан силаркан.— Ургулиб кетай она қизимдан. Аммаси садаға бўйларидан. Ҳаммамизнинг ҳам бошимиздан ўтган бу савдо. Ота-онамизнинг сўзини олиб, эр қилганимиздан ёғ ичидаги буйракдек яйраб, қулоғимизгача бахту-давлатга ботиб, кунимиз роҳат-фароғатда ўтяпти-да, аммаси ўргилсин, Зубайдахон!— Ойимча биби Зубайдага узундан-узоқ насихатлар қилди, енгидан кириб, этагидан чиқди, анча-мунча ёлғон-яшиқ гапларни ҳам бичиб-тўқиди, айниқса ота-онасининг гапига кириб, ўзининг кам бўлмаганлиги ҳақида анча кўпириб, кўп гапирди. Лекин Зубайдадан садо чиқмади. У хийла вақтгача Зубайданинг оғзини пойлаб жим турди. Лекин Зубайда жим, унинг кифти тобора қаттиқ силкинар, «пиқ-пиқ» қилиб овозсиз йиғлар эди. Ниҳоят, Ойимча бибининг сабри тугаб «жиннилиги» тутди, кўзларидан нафратли учқунлар сачратди, овозидаги ҳалиги мулойимликдан асар ҳам қолмади, лаблари пир-пир уча бошлади.

— Ҳа, чиройингга бино кўйдингми, ўзбошимча? Мен — битта-ю, битта амманг бўламан-а, наҳотки мени назар-писанд қилмай, лом-мим деб жавоб бермасанг? Ё бўлмаса битта-яримта қаланғи-қасанғи бошингни айлантирганми? Гапир, уятсиз! Биласанми, сен бу ўзбошимча-лигинг билан отангни ит-азобига солишингни? Қани, гапирасанми, йўқми, этаксиз, ё мум тишлаганмисан?— деди Ойимча биби Зубайданинг бошига ниқтаб.

— Нимани гапирай ахир, амма?— деди Зубайда ўпкаси тўлиб.

— Муддаоингни айт!

— Муддоим йўқ. Мени одам ўрнида кўрсаларинг муддоим бўларди...

— Қимсан бўлмаса?

Зубайданинг кўнглида қарама-қарши туйғулар ғалаён қилиб, ташқарига тошиб чиқишга уринар, лекин уларни Зубайда зўр-базўр босиб турарди. Аммо ҳозир унга аммасининг: «Қимсан бўлмаса?» деган сўроғи гўё чаккасига ногоҳ шапалоқ тортиб юборгандай қаттиқ тегдию, кўзи очилиб кетди-да, бир муддат унга тикилиб қараб қолди. Кўзлар тўқнашди, Ойимча бибининг кўзлари Зубайданинг кўзларидаги беомон ўтга бардош беролмай, ерга қаради. Зубайданинг кўнгли бундан сал юмшади: «Ахир у ҳам ўзича дағ-даға қилаётгани йўқ, отамнинг амри билан қиляпти буни», деган фикр ўтган эди кўнглидан. Зубайданинг аммасига раҳми келиб кетди-да:

— Бир муштипар аёлман... Худди сизга ўхшаган мунис-мушфиқ, беқадр, сочи узун, ақли калта аёлман!— деди.

Зубайданинг бу жавоби Ойимча бибини эсанкиратиб қўйди, у бир лаҳза лабини тишлаб қолди. Кейин ўзини ўнглаб олиб, маккорона гўлик билан юпатишга тушди:

— Вой, ўлай, нега бундай деб ўзингни ерга урасан, юртдаги қизлар ичида ой деса ойдек, кун деса кундек ҳуснинг бор. Бутун Қўқон сени Зубайда пари, дейди-ю, она қизим, ўзингни бунчалик ерга урма. Сенга етолмай оҳ урганлар қанча, амманг ўргилсиң!..

Ойимча биби Зубайданинг кифтига қоқиб, сочларини силади, унинг бошини кўксига босди. Зубайда эса, кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўқар, унинг ичидаги эзгу дардни булар билишни истамаётганлигидан хуноб бўлар, ўз ёғига ўзи қоврилар эди.

У аммасига яна тик қаради. Унинг кўзларидан Ойимча биби: «Агар мен, сиз айтганингиздай одам бўлсам, ўзимни пастга уришим керак бўлмаса, кўплар менга етолмай, оҳ уриб ётсалар, нега менда ихтиёр йўқ? Ахир менинг ҳам юрагим, завқим, муҳаббатим бор-ку!» деган маънони уқди-да, яна сипориш қилишга тушиб, гапни узоқдан айлантирди:

— Ота-боболардан қолган удум бу, қизим. Фарзанднинг инонихтиёри ота-онанинг қўлида, билдингми?— Ойимча биби овозини бир поғона кўтариб давом этди.— Ҳа, сени ўша хап дори билан кун кўрадиган табибнинг ўғли Ҳамзага берайликми бўлмаса, хоҳлаганинг ўшамми? У отаси тайёрлаб берган сурги дорисини сотиб, уйланадими сенга. Бети қурсини слиққиларнинг. Тенги йўқ чиройли бойваччанинг ёнингга киришини юрагинг оқиб кутарсан ҳали. Шунақа, шоп-шоп деб ўтирмасдан гапни шафтолидан бошлайдиган амманг бор.

Ойимча биби гап орасида Содиқжон бойваччанинг кимсан заводчи бойлиги-ю, берган беадад қалин моли, қилган қўша-қўша сепию, Зубайданинг остонаси олтиндан бўлишигача; бир томони, қиз боққан ота-она ҳам орзу-ҳавас кўриши кераклигини ҳам қўшиб ўтди. Кейин, «ота-она орзу-ҳаваси» қаторида ўзининг ҳам кўнглида яширган «гавҳари»ни очиб кўрсатди.

Бу тилёглама гаплар Зубайдага заррача таъсир қилмас, Ҳамза билан ғазал ўқиб, ёдлаб ўтган ўша маъсум ёшлик йилларидаги ширин дамларни хаёлан кезиб юрарди.

— Давлати бошини есин, жаллобни!— деб юборди Зубайда дафъатан журъат пайдо қилиб.— Агар мени тезроқ гўрга тикмоқчи бўлсангизлар, ўша бойваччага берасизлар. Менинг жавобим шу!— деди Зубайда аммасига тик қараб.

Ойимча биби буни ундан кутмаганди, кўзлари алланечук олаланиб, ўзини қўйишга жой тополмай қолди.

— Вой, шўрим, ҳали гап шунақами? Сен ўзбошимчани акамга айтиб адабингни бердириб қўймасамми, сен зумраша шошмай тур,— деди Ойимча биби ўтириб, тиззасига шапатиларкан.— Войдод! Ким бор, бу шарманда бўлганича бўб қолганакан!

Ойимча бибининг бу шаллақилиги Зубайдани эсанкиратиб қўйди. Нима қилишини билмай, довдираб турган эди, эшикдан отаси — Аҳмадохунбой кириб келди. У эшик орқасида туриб, ичкарида бўлаётган гапни анчадан бери эшитиб турарди.

— Қизим,— деди у Зубайдага мулоқимлик билан,— қўй буларни, Берироқ кел, она қизим, кўрқма. Мен сени уришмайман, ҳатто чертмайман ҳам. Майли, сен рози бўлмасанг, мен сени қақшатиб ҳеч кимга бермайман.— У синглиси билан хотинига «сизлар чиқинглар, мен ўзим гаплашаман», дегандек ишора қилди. Улар чиқиб кетишгач, Зубайда ўзини отаси оёғига ташлаб, унинг этаги, қўлларидан ўлиб, кўзларига суртди.

— Отажон! Мени қошингиздан ҳайдаманг, жон ота! Ахир ёлғиз-

гинангизман-а, наҳотки менинг тириклайин кўмилишимга розилик бергансиз. Ула-ўлгунча хоки пойингизда бўлай, мени ўша аждаҳо бойнинг захар-заққум тўла қафасига раво кўрманг... Мен у ерда нафасим бўғилиб ўламан, уволимга қоласизлар, отажон!— У ҳўнг-ҳўнг йиғлар, отасининг оёқларини қучоқлаб, ялинар.— Айтинг, мени уйингиздан қувламайсизми, қувламайсиз-а? Қувламайман денг, отажон!..

Зубайданинг ялиниб-ёлборишлари, илтижо қилиб юкинишлари таъсир қилдими, ёлғизгина қизнинг нолишу кўз ёшларига юраги бардош беролмадимми ёки йўли учун шундай қилдими — Аҳмадохунбой ўзини гуноҳкордай тутиб, қизини юпатишга тушди.

— Асло, асло, қизим,— деди-да, Зубайдаинг пешонасидан ўпиб, ёнига қистириғлиқ рўмолини олиб унинг кўз ёшларини артди.— Йиғлама қизим, ким айтди сенга уйдан ҳайдайман деб? Ҳой, ношудлар, нега менинг суюкли қизимни йиғлатдиларинг. Сенга айтяпман, аммаси, нега буни қаргайсан. Ҳамма гапингни эшитдим. Бор, буни тинч кўй. Богонатдан бери хуни бийрон йиғлатасан бу шўринг қургурни. Биз топган куёвга тегмайман дедими — майли тегмасин, ихтиёри ўзида. Бу ҳам одам. Бунда ҳам, ҳали ўзи айтгандай, кўнгил бор, жон бор...— У синглиси билан хотинига қараб ўшқирди.— Бунинг бошида калхатдай айланабермаларинг, йўқолинглар!

Рисолатхон билан Ойимча биби ҳеч нарсага тушунмай, оёқ учидан юриб, аста чиқиб кетишди. Аҳмадохун ҳам уларнинг орқасидан ҳовлига чиқиб, айвон даҳанасига ўтирди-да, қизини ёнига чақириб, унга насихат қилган бўлди, бугун муродбахш кун деб, уни дуо қилди, ўзининг ишидан энди пушаймонлигини, кўнгил қўйганидан ажратиб жабр қилмоқчи бўлганига афсус-надомат чекканини айтди. Лекин бу гапларни айтиш учун у жуда ҳам қийналаётганлиги шундоққина сезилиб турарди. У сўнги иборани айтаётганида ўпкаси тўлиб кетиб, йиғлаб юборди.

Отасининг оғзидан чиқаётган ҳар бир калима сўзни бутун вужуди қулоқ бўлиб эшитаётган Зубайда унинг кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетганлигини кўриб, аввалига ҳеч нарсага тушунмай, ҳайрон қолди, кейин аллақандай қори ҳол юз берганлигидан хавотирга тушиб, отасига савол назари билан қаради.

— Қизим,— деди Аҳмадохун Зубайдага мунғайиб қараб.— Бугун кичик аянг — Зулфизарни ҳам Камол қозига олиб бориб, талоқ хатини топширдим. Мен энди эл-юрт олдида нес бўлган одамман. Мен учун қаттиқ йиғла, айтиб-айтиб йиғлагин, қизим. Мозоримга тез-тез бориб, зиёрат қилиб шам ёқиб, қуръон ўқитиб турарсан. Биргина умидим сендан. Чунки сен кўзимнинг оқу қораси — ёлғиз фарзандим, ишонган чироқчимсан...

Отасининг бу узун ваҳимали гапларидан Зубайда батамомила эсанкираб, инграб юборди.

— Отажон, мени қўрқитманг. Нега бунақа қўрқинчли гапларни гапираяпсиз. Нега ўларкансиз? Худо асрасин, унақа ёмон ният қилманг, отажон.

Аҳмадохунбой ерга тикилганча оғир ўйга толиб қолган, Зубайда унга жовдираб қараб турар эди. Бир маҳал Аҳмадохунбой бошини кўтариб, қизига мунғайиб қаради. Унинг юзлари, Зубайданинг назарида, сарғайиб, гавдаси чўкиб, бўйин билан елка гўштлари қочиб, кўзлари ич-ичига ботиб кетгандай эди. «Вой ўлмасам, уч кун ичида отамга нималар бўлди!» дили пичирлади унинг.

— Жоним қизим, яхшилаб қулоқ бер! Ҳозиргача билмасанг, энди билиб ол,— деди Аҳмадохун ўртага яна жумбоқ ташлаб.— Мен сен учун сабил жонимни тикдим. Молу давлатим талон бўлсин. Розиман. Ҳамма топган-тутганимни бош-кўзингдан садақа қилдим...

Зубайда бари бир ҳеч нарсага тушунмай анграйиб ўтирар, ҳозир даҳшатли зилзила ёки ҳамма ёқни остин-устун қиладиган довул юз берадигандек, отасининг оғзига қараганича қимир этмай ўтирарди. «Қиморга бой берганми?», «Нима учун мол-дунёсини садақа қилади мендан?», «Ё ақлдан оздимикан?»

Аҳмадохун яна бир муддат бўйини эгиб, оғир сукутга кетиб ўтирди-да, бошини кўтариб, қизига дадил қаради. Унинг кўзларида энди маккорлик, мунофиқона жилва йўқ эди. Улар аниқ бир қарорга келган ҳалол, инсофли, мард одамнинг кўзлари каби самимий чақнардди.

— Мен сенга бир сирни очаман, қизим. Гапимни бўлмаёй, яхшилаб билиб ол. Лекин шарт шуки, бу сир иккаламизнинг ўртамизда қолади.— У Зубайдага ер остидан кўз югуртирди. Унинг ранги оқариб кетган, кўзлари мудҳиш бир хабарни эшитадигандек бежо, айни чоқда сўниб қолгандек маъёс кўриниб кетди. Аҳмадохун қизининг аҳволига қараб, энди чўзиб ўтиришнинг фойдаси йўқлигини тушунди-да, очиғини айтиб қўя қолишга жазм қилди.— Мен қасам ичканман!

— Қанақа қасам! Нега, ахир?— деб сўради Зубайда, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзиб.

Зубайданинг лаблари хиёл пириллади, дили пичирлади: «Сирни айтинг, айта қолинг, отажон».

— Умрим паккасига етай деганда худонинг қаҳрига учрадим, қизим. Гуноҳим нималигини билмайман. Масчит солдирдим, хайр-худо-йилар қилдим, етим-есирлар бошини силадим... Э, аттанг, аттанг... Қуръон билаё пичоқни ўртага қўйиб менга қасам ичиришган... Агар шу ой ичи тўй қилиб, сени Содиқжон бойваччага никоҳлаб бермасам, ўша каллакесар Эргаш мени ўз меҳмонхонамда сўйиб кетади!.. Сенга айтолмай юрган сирим шу эди, қизим. Мен кўп ўйладим. Уйлаб-ўйлаб, ўз жоним учун сенинг ҳаётингни қурбон қилмасликка қарор бердим. Майли, бу бевафо дунёнинг бемаъни савдоларидан бир йўла халос бўламан-ку, ҳеч бўлмаганда... Бошқа гапим йўқ, қизим, сенга! Бор энди юз-кўзларингни ювиб, уйингга кир, ухла, қаттиқ алам тортдинг. Мушқулингни худонинг ўзи осон қилсин, болам,— деди-да, Аҳмадохун чуқур бир уҳ тортиб бошини қўйи эгиб, ташқарига чиқиб кетди.

Зубайда суратга тортгандай ҳанг-манг бўлиб қолди. Ногоҳ унинг кўз олдига Эргаш ва унинг каллакесар жаллодлари келиб, саф тортди. Отасининг кесилган боши, қонга беланган соқоллари кўриниб кетди. Бирдан сочларини юлиб: «Отажон!» деб аччиқ фарёд қилди-да, ҳушидан кетиб, йиқилди...

Тўққизинчи боб

Ота билан ўғил

Хамза меҳмонлари билан хайр-хўшлашиб тиниқ, мовий осмонга бир қаради-ю, тўғри ишхонасига кирди, ҳали ўқиб туширмаган Абдулла Тўқайнинг мутолаасига киришди. Гоҳ жилмайиб, гоҳ изтиробга тушиб, гоҳ кўзлари намланиб, охир Тўқай китобини четга қўйди-да, узун бир сўлиш олиб керишди. Бир оздан сўнг, қўли беихтиёр скрипкага чўзилди. Қандайдир бир рус куйини машқ қилди. Шу пайт кўчадан ғазаб билан кириб келган отасининг товушини эшитиб чўчиб тушди.

— Хўш, сени шу умидлар билан катта қилдимми?— деди ғазабдан кўкариб кетган Ҳақимча табиб ўшқириб, Ҳамза отасини бу ҳолатда биринчи бор кўриб турарди.

— Отажон!

— Тек тур, аввал эшит! Бу хонадонга иснод келтирдинг, бола! Бу табаррук даргоҳ!.. Бир замонлар бу даргоҳнинг остонасини муътабар зотлар — эшонлар, шоирлар, ҳаттолар, қилқаламлар боғган. Мавлоно Муқимий сариқ касалига мубтало бўлганлариди, у зотни ўзим муолижа қилганман. Зокиржон Фурқат, Убайдулло Завқий, Рожий, Ёрийга ўхшаган хассос шоирлар, оташнафас ҳофиз — Тўра Соҳибжон, Юсуф қизиқ... қанақа суҳбатлар бўлмаган бу даргоҳда. Буларнинг ҳаммаси гўдак хотирингда нақшланиб қолган бўлса ажаб эмас. Хонадонимизнинг ҳавоси нафас каби пок ва азиз, наҳот сен, менинг пушти камаримдан бўлган, жондан азиз фарзандим, шу ҳақиқатни тушунмасанг. Бу эътиқод, бу ихлос ва ақидаларга терс бориб, менинг юзимни эл-юрт олдида шувут қилсанг? Хўш, мен энди додимни кимга айтаман, энди мен нима деган одам бўлдим? Аканг Исроил хафа, «маҳаллада укам туфайли бош кўтаролмай қолдим», дейди. Халча, Ачaxon опаларинг хурсандми? Поччаларинг намозхон одамлар, уларнинг уйини бузасанку! Сен баҳона бўласану, опаларингни уйларидан ҳайдайдилар. Хўш, масхарабоз, нима дейсан? Эшитдим, ҳамма ишингни биламан, ҳалитдан найранг ишлатиб, ухлаган киши бўлиб ўз ўрнингга чопонингни ўраб қўйиб, янги шаҳарга чиқиб, театр деган касофат бидъатларни кўриб келар эмишсан?— деб ўдағайлади ўғлига ота, кўзларини чақчайтириб:

— Ғолибо адашмасам, Исроил акам етказгандир бу гапларни,— ўсмоқчилаб сўради Ҳамза мулоимлик билан.

— Албатта-да, аканг мўмин-қобил йигит, измимда юради. Исроил сен эмас!— қичқирди Ибн Ямин.

Ҳамза шунда ҳам ўзини йўқотмади, босиқлик билан аста-секин товлаб, салмоқлаб жавоб қилишга тиришди:

— Ҳе, йўқ, бе йўқ, мендан хафа бўлаверасизми, отажон. Ахир мундоғ танангизга ўйлаб кўринг: Мен сизга маслаҳат беришга уяламан, аллома, фозил, зўр иқтидорга эга зотсиз. Мен ҳам ўша сиз тасвирини қилган табаррук зотлар изидан боряпман. Агар ишонмасангиз Аҳмад Дониш, Муқимий ҳазратларини ўқинг. Мавлоно Фурқатнинг, Мирза Бухорий, Сатторхон Абдуғафурийларнинг айтганларига қулоқ беринг. Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас эмиш!

— Биламан, ўттиз икки тишининг ҳаммаси чиққан. Лекин тишларингни уриб синдирмоқчилар, хушёр бўл, болам! Қариган-чарчаган ота-онангга раҳм қил. Бизни куйдириб адойи тамом қилма. Биз сенларни ит азобида катта қилдик-ку,— деди шаштидан тушиб Ибн Ямин.

Ибн Яминнинг томоғига қаттиқ бир нарса тиқилиб, гандираклаб супа томон юриб кетди. Ҳамза бошини қуйи солиб ерга тикилганча узоқ ўй сурди, ниҳоят дилидаги бор гапни тўкиб ташлади:

— Агар менга кимки бесабаб тош отса мен ҳам қараб турмайман. Уттиз икки тишимни, ким бўлмасин, бўғзига ботираман! Ахир, ота, одамларга меҳру шафқатли бўлишни менга сиз таълим бергансиз, қолаверса, нега бунчалик кўп китоб йиғмасангиз... сиз билмагансиз, кутубхонангиздаги китобларнинг ҳаммасини эзибчки қилиб юборганман. Ҳазрат Навоий, Жомий, Наршаҳий, яна Арасту, Бутлимус сингари юнон, эрон, араб, хитой тарихчилари ва файласуфларининг китоблари, ҳамюртларим Бобир Мирзо, Нодира, Зебиннисо, Муқимий, Гулҳаний, Фурқатнинг юрак бериб, жон олғувчи ғазаллари, айниқса Фурқат... Зокиржон Фурқат. Ана ўша аллома мени сизнинг ихтиёрингиздан юлиб олди. Менинг кўзимни очди. Театр, концерт, мусиқий, деб кечакундуз қўлоғимга қуйган ҳам ўша улуг зот...

«Театр масхарабозлик эмас, ибратхона. Театрга бор, ўриснинг яхшиси кўп, беҳисоб. Ўшалардан ўрган, ўшаларни дўст тут, ўшаларга

Эргаш, ўшаларнинг театрларини, илм-маърифатини эъзозла»,— деган ҳам ўша! Ана ўша зоти олий театр ҳақида нима деган, ўқиб бераман, эшитинг, ота,— деди-ю, жавондан газетани олиб, қўллари титраб туриб ўқиди: «Неча мартаба театр ном Россия халқининг томошахонасига бориб андаги ўйин, тақлид тартибларини кўрдим. Аларнинг кўрсатган томошаси, ҳунарлар, бизнинг масхарабозликдай мазах, кулку учун эмас, балки ибрат учун экандур!»

Мана буниси-чи:

«Экандур нағмаи Русия дигар,
Анинг асбоби ҳам ғайри мукаррар.
Эшитмоққа ҳамма хомуш ўлурлар,
Басе лаззат топиб, беҳуш ўлурлар.
Ўзимга тушди бир кун ушбу аҳвол
Бор эркан нағма онинг оти рояль
Аё Фурқат, қулоқ сол забт этиб хуш,
Ки шояд наслимиз солғай дебон гуш.

Ана кўрдингизми, мавлоно Фурқат нима деяпти? Ҳа... «Ки шояд наслимиз солғай дебон гуш». Рухингизга умрбод таъзим қиламан, устод. Хўш, Фурқат ҳақми? Ҳақ! Агар бу ҳовлида ўрис мусиқаси ва ўрис оҳанги эшитилган бўлса, наҳотки Муқимий ва Фурқатларнинг руҳи озор топса-я... Ахир, бу санъатни золим Николай ёки Қўқон ҳокими порахўр Мединский яратмаган-ку! Йўқ, отажон. Бу сеҳрли оҳанглари эшитган, бу дўстлик нашидасини тинглаган табаррук арвоҳларга жон киради. Ана қаранг, мана шу олтин капалаклар арвоҳ бўлса, буларнинг ҳаммаси, ҳаммаси, масрур ҳам шод! Демак, мен танлаган йўл тўғри. Мен Миён Қудрат ҳазрат, мечкай шайх Исмоил сингари шарият пешволарингиз йўлидан бориб, ўрис амалдорлари, бойлари билан оғизбурун ўпишиб, ўрис халқига, ўриснинг ашула-қўшиғига қарши кўндаланг турмайман. Яқинда ўрис тилидан таълим берган устозим Орлов менга Герцен, Стасов деган улуг рус олимларининг китобларини кўрсатди. Шарқ ва Туркистон халқлари ҳақида айтган аломат фикрларининг маъзини чақиб берди. Ҳатто улкан ёзувчи Максим Горькийнинг «Она» деган асарини менга ёзиб совға қилди. Ҳа, қалби пок, олижаноб, инсонпарвар ўрислар беҳисоб. Мен ҳақиқат йўлидан, маърифат йўлидан, Фурқат васият қилган йўлдан бораман. Сиз ўзингиз чўрт кесар, биз сўзлик, маслағида барқарор, собитқадам одамсиз. Мен эса, сизнинг фарзандингизман! Мен худодан қўрқаман, аммо шуни яхши билингки, отажон, ўзимга ўхшаган бандадан қўрқиб, йўлимдан қайтмайман! Чунки бу умр ҳа-ҳу дегунча ўтади-кетди, шундоғми? Шундоғ. Мени қаргаманг, отажон. Мени худонинг ўзи шундай бадхоҳ, бадфеъл, тескари қилиб қўйган, айб менда эмас!

Гар эгрилигим сенга эса хос,
Мен не янглиғ ўзимни айлай рост...

— Куфурга кетма, болам.

Ҳамзанинг бу дангал сўзлари Ибн Яминга қаттиқ таъсир қилиб, у анча вақтгача жим бўлиб қолди. Хаёлида қўрқинчли фикрлар айланарди. Рўмолчасини олиб, пешонасидаги терларини артди, совиган чойни ҳўплади, ҳазратнинг даҳшатли қиёфаси кўз олдига келди. Секин гапирди!

— Уғлим! сендан Мансур халложнинг иси келяпти, жон болам, айланай болам, сени мен ёшлигингда Шоҳимардонга олиб бордим. Муқаддас мазордан сенга узоқ умр, кетмас давлат, инсоф ва тавфик тилаганман, болам!

Ҳазрат Али кафолат кўрсатиб, менга бахтинг, истиқболнинг ҳақида башорат берганлар. Бечора отанг, ғариб онангни қийнама, роҳатингни

кўрайлик, ахир қўл учуда тирикчилик қилиб келаётган одамлармиз. Бизда ортиқча молу давлат йўқ, маҳалламиздаги тили узун бойлар, хусусан Содиқжон бойвачча бизни одам ўрнида кўришмайди. Улар учун биз ипиринди-сипириндилармиз.

Отасининг «сендан Мансур халложнинг иси келади» деган сўзи Ҳамзани қаттиқ ўйлантириб қўйди. У анча вақтгача жим бўлиб қолди. Ибн Ямин ҳам ўғлига ортиқча гапни раво кўрмай, чорпоянинг бир четига михланиб ўтирди.

Ҳамза бир нуқтага тикилганича қаттиқ ўй сурди.

«Хусайн Мансур халлож. Инсоният фикри озодлиги йўлида курашган тарихий зотлардан бири. Бундан минг йил муқаддам ўнинчи асрда Бағдод шаҳрида дорга тортилган Мансур халлож тасаввуфнинг илк раҳнамоларидан бўлиб, «Аналҳақ» деган сўзи машҳури жаҳон бўлган.

У зот илғор фикрли шоир ва мутафаккирларнинг ёдида сақланган, муҳаббатни илоҳийлаштирган бир санъаткор. Дор остида ҳам ўзининг ҳақиқий имони, ишончи, ақидасидан қайтмаган. Шогирди Фазлуллоҳчи?»

У, асоратдан, қулликдан, золимнинг зулмидан одамзодни халос қиладиган куч фақат маърифатдир — бу беқиёс қудрат фақат ўттиз икки ҳарфга яширинган. Одам учун озодлик сири шу ҳарфлардир, деди. Алифбо инсон ҳаётининг, инсон камолининг энг буюк, энг мўъжиза-кор ижодиёти, жаҳон маданияти, бутун илм, ўлмас бадий, фалсафий, ахлоқий, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий бойликлар шу ҳарфларга асосланган, буларсиз тараққиёт йўқ, инсон камолга етмас, деб маълум даражада ибтидоий маърифатпарварлик ғоясини кўтариб чиққан бу даҳони улоқ қилиб чопмадиларми? Қолаверса, унинг давомчиси, Имо-диддин Насимийчи? Золимларнинг омонсиз кирдикорларидан кўрқмасдан оловли шеърлари билан ҳақиқат излаган, ҳақиқатга чақирган, ақл ва идроки билан оламга довуғи кетган Насимий... Хўш, Насимий мавҳумот, жаҳолат, хурофот, бидъат бойқушларига, зоҳидлар ва сўфиларнинг ёлғон, риё аҳқомларига қарши ўт очмадими! Энг оқил мавжудот, Шарифул Кавнайн деб аталган инсоннинг зехнини, виждонини, ҳақиқат туйғусини, порлоқ идроки, заковатини юксак орзу ва мақсадларга етказадиган бир даҳо, бир куч, бир қудратдир, деб жар солмадими?

Ваҳдатни шаҳрида сайрон айладим,
Мен сени жисмимда ҳайрон айладим,
Гандими одамда пинҳон айладим,
Одами ҳам ҳақ, ҳам инсон айладим.

ёки: «Дарроҳ ҳақиқат чи мусулмон ва чи тарсо» деб ҳақиқат йўлига кирган, одамлар орасида диний эътиқодларга қарамай, фарқ кўрмаган, тили ҳам, дили ҳам пок шоирни золимлар дорга тортиб терисини шилдирганларида Имоиддин Насимий ўз ишончидан қайтдими?

Қолаверса, ўзимизнинг шоир бобомиз, Бобораҳим Машрабнинг ҳақ, ҳақиқат, адолат, муҳаббат ҳақидаги инсофсиз ҳукмдорлар, золимлар, риёкор шайх, зоҳидлар, жафокор ҳокимлар сирру асрорини элга фош қилувчи оташин ғазалларини ва унинг ўзининг фожиали тақдирини — Балх шаҳрида неча кунлаб осилиб ётганини ким билмайди?!

Оврупонинг ўз ғоялари йўлида роҳатидан, тинчлигидан кечган, ҳатто «Мен ёнаман, аммо ғояларим ёнмайди!»— деб Рим шаҳрининг майдонидан туриб келажакка жар солган Жордано Бруно, Ян Гус каби буюк зотлари бўлса, Шарқнинг ҳам Улуғбеклари, Навоийлари, Рудакийлари, Машраблари, Насимийлари, Фурқатлари бўлган-ку. Булар зулм-зулмат, адолатсизлик, жаҳолат, хурофотнинг ашаддий душманлари эдилар!

Мен, токи танда жоним бор экан, ана шу улуғ зотлар руҳига таъ-

зим қиламан: жаҳолатга, риекор диндорларга, шафқат билмас золимларга ҳеч қачон бош эгмайман!»

Бу гапларнинг ҳаммаси Ҳамзанинг дилидан ўтди. Ниҳоят, у тилга кириб, отасига қаради:

— Бас, отажон! Мени хафа қилманг, нега ўзингизни бунчалик настга урасиз? Сиз олим, фозил, ҳикматшунос, забардаст ҳақимсиз. Сиз халқ учун, бечоралар учун қон, дармон, шифо, ҳаёт бахш этасиз! Содиқжон бойваччага ўхшаганлар эса, халқдан сиз берган жонни темир панжалари, заҳарли тирноқлари билан юлиб-юлқиб оладилар, сиз берган қоннинг бир томчисини ҳам қўймай ичаверадилар. Одамларнинг кўнглини парчалайдилар. Мен буларнинг ҳаммасини ўз кўзим билан кўрганман. Одам боласи қайғу-ҳасрат ичиди қолиб кетди. Дард-алам бўрган нафас олади. Дадажон, бебош ўғлингизни кечиринг, начора, дунёга сизларни ғам-ғуссага ботиргани келган эканман.

Ибн Ямин бу оғир ҳақиқат, бу қалбдан қўпорилган жон ёққувчи сўзларни енгилга, уларни рад этишга қурби келмаслигини ҳис қилди, бўйнини эгиб жим қолди. Хаёлини ўтмишнинг хира, оғир, ғам-ғусса тўла хотиралари, жиловлаб, олис-олисларга етаклаб кетди.

Ўнинчи боб

Аждод

Н иёзмуҳаммад деҳқоннинг ўғли Холбой умри қайғу-ҳасрат ичида рўшнолик кўрмай ўтган, эғнига энгил битмаган, шўрпешона, тўпори, қашшоқ деҳқон отасининг ёнида унга қўлтиқтаёқ бўлай деб, кўп эшикка кирди. Бир қошиқ иссиғини шу йўсинда топиб, кун ўтказиб юрди. «Йигит кишига етмиш турли ҳунар оз», дегандек, дунёнинг ачиқ шарбатини унча-мунча тотиб кўрди, кўп нарсани ўрганди.

Энди қўлидан иш келадиган навқирон йигит бўлганида отасидан ажралиб етим қолди. Андижон, Марғилон, Фарғона шаҳарлари атрофидаги қишлоқларда бир неча йил муттасил дарбадар умр кечириб, не-не умидлар билан ошпазлик қилди, охири она қишлоғи Аввалда турғун бўлиб қолди.

Камбағал зотига ҳеч қайишмайдиган Хуррам бойвачча «шафқат» юзасидан Холбойга бир кичик кулбани ҳовлисида ажратиб берди. У ўзининг куч-ғайрати, қолаверса, отаси ёнида юриб ўрганган ҳунарлари орқасида хор-зорликдан қутулди.

Авжи саратон, товонни тупроқ, мияни қуёш куйдирадиган кунларда мардикорлик қилди. Шолипоёда бутун баданларини пашша талаб, шоли ўтади. Шоли ўтоғидан кейин қирга чиқиб буғдой ўроғи пайтида ўроқчиликка ёлланди, кузда пахта терди, қишда эса, Аввалнинг гузариди бой очган ошхонада ошпазлик қилди. Хут кириши билан чиритилган гўнгни ёки эски тупроқни арава-арава ташиб, пайкалларни худди бойнинг ўзидек семиртирди.

Бу ишлар орасида, балки деярли ҳар куни, бойнинг рўзгорига бўлишиб, оғирини енгил қилиб турганлиги учун уйлик-жойлик бўлиб олди. «Бойбува» ҳам тўғри келган ишни уддасидан чиқиб кетаверадиган бу йигитни қўлдан чиқаргиси келмай, унга муносиб бир қиз топдида, чакса гуруч дамлаб, тўйини қилиб берди-ю, уни ўзига боғлаб олди-қўйди. Олдин бир ўзи бўлса, тўйдан кейин «бойбува»нинг хизматини икки кишилашиб қилди: ташқаридаги юмушлар Холбойнинг, ичкаридагилари эса, янги келинчак зиммасига тушди. Еш келинчак келинлик даврини суриш ўрнига сув ташиди, ҳовли супурди, кели туйди, бола кўтарди,

тоғора-тоғора кир ювди, қоп-қоп ўриқларни данакларигача чақиб хаштак-паштак қилиб бозорга гайёрлади. Кунлар шу алпозда ўтаверди. Булар яхши еб, яхши киймасалар ҳам, кунлари ўтаётганидан, ўзларининг «бошпаналари» борлигидан мамнун ҳолда турмуш кечиришарди. Хаш-паш дегунча орадан бир-икки йил ўтиб кетди. Бибижон бўйида бўлиб, кўзи ёриди. Чақалоққа Ямин деб исм қўйишди. Бу чақалоқ Холбой Ниёзмуҳаммад ўғлининг йигитликда кўрган биринчи фарзанди эди!

Фарзанд! Умрининг ширин меваси, хонадоннинг ободлиги, ота-онанинг шодлиги, бутун бахти у. Оиладаги энг қувончли, энг ширин, энг беғубор дамлар у туфайли. Шунинг учун ҳам «болалик уй — бозор, боласиз уй — мозор», дейди халқ. Фарзанд — бу келажак, фарзанд — ўтган аждодларнинг келажак авлодлар билан абадий боғлайдиган олтин ҳалқа. Худди ана шу фарзандлар шарофати билан умр боқий, беинтиқо.

Холбой Ниёзмуҳаммад ўғлининг чироқчиси дунёга келдию бўғилди. Уни белашга ота-онанинг ҳатто битта янги бешикка ҳам қурби келмади. Бой буванинг катта хотини юз марта кесатиб, тўнғиллаб, лабини буриб ўзининг тўнғич ўғлининг тўкилиб кетишига сал қолган бешигини ўша арзандаси бошидан садақа қилиб берди. «Ўзларинг бировларнинг эшигида гадойдек кунларингни зўрға ўтказиб юрибсизлар-у, шу ҳолларингга сенларга боланинг нима кераги бор эди?!» дея минг таъна, дашномлар билан оғриниб берди ўша шалоғи чиқиб кетган бешикни. Лекин унинг ғишаваси бу билан тугамади. Бой хотин ҳар куни бир арзимаган баҳона топиб, буларни куткилайдиган бўлиб қолди. Чунки, Бибижоннинг бешик қўлтиқлаб, бола боқиб ўтириши бойга ҳам, унинг хотинларига ҳам хуш келмасди. Шунинг учун ҳам улар бу ўзича бахтиёр онага ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, деб кун кўрсатишмади.

Бу узоққа чўзилмади. Бир куни «бойбува» арзимаган сабаб билан уриш чиқарди-да, Холбойга қараб: «Кўрпангни кўтар, гадолар, тўрт томонинг қибла!» деб дарвозани кўрсатди. Бойнинг бу сўзи Холбойнинг жон-жонидан ўтиб кетди. У ҳар куни бўладиган ғиди-бидилардан тўйиб кетган эди. Бибижон бошда, «Энди қаёққа борамиз, кеч куз, қора совуқ тушиб қолди, қўлимизда ёш бола, кимга бориб юкинамиз?» деб ташвиш тортиб йиғлади ҳам, лекин кейин бу дўзахдан бутунлай озод бўлиш тушунчаси унга далда бўлиб, ҳатто севинди.

Уша куниеқ омонат бешикни эгасига топшириб, кўч-кўронларини ортиб, икки кули бир тепа ҳовлини бўшатиб чиқиб кетишди.

Уларнинг борадиган тайинли ерлари, қиладиган ишлари бўлмаса-да, эр-хотин севина-севина чиқиб кетишди.

Кеч пешинда йўлга тушйишди. Бибижон бағрига ўғилчасини босиб, бир қўлида икки-учта қотган зоғорани рўмолга тугиб олган, Холбой бўлса, отасидан қолган бирдан-бир мероси — уч газ чамаси узунлигидаги йиртиқ шолчага увадаси чиқиб кетган битта кўрпа, авраси қуроқдан қилинган тўшак кўрпача ва похол ёстиқ, битта қумғон, иккита сопол косани ўраб танғиб, орқалаб олган — бор кўч-кўронлари шу эди уларнинг.

Эртаси намозшом билан хуфтосн ўртасида ўз оёғи билан кириб келган мусофир қариндошларга қўқонлик бой тоға сомонхонасидан жой кўрсатди. Шу-шу бўлди-ю, Холбой бой тоғанинг отлари, молларини ўз қўлига олди. Дала ишларига қаттиқ ёпишди. Унинг ишончини қозонди. Бибижон ҳам қараб тургани йўқ. Уй ишларини ўз зиммасига олди.

Бибижон соғлом, бақувват, суяги меҳнатда қотган, ғайратли, ориятли пишиқ қишлоқ қизи бўлганлигидан унча-мунча меҳнатни меҳнат демади. Тўғри келган ишни ҳеч оғринмай қилиб кетаверди.

Холбой ҳам тез кунда ҳамма нав чопиқларни ўрганди, турли экинларнинг сувга эҳтиёж даражалари, касалликлар, зараркундалар, ернинг кучайтирадиган хурушлар тўғрисида саксон, тўқсон ёшдаги деҳқонлар билан суҳбат қилиб, деҳқончилик сирларидан анча огоҳ бўлиб қолди. Айниқса пахтадан яхши ҳосил олиш учун ернинг бегона ўтлардан тозаланиши, кузда чуқур чопилиши, минг йиллардан бери устида мол боқиб келинган хирмонтепадан нуқул тупроқни келтириб ютоқиб, қақшаб ётган лахтак-лахтак ориқ ерларга солиниши кераклигини билиб олди. Сизоти яқин ерларга жўхори экиб, унинг шўрини ювди. Хуллас, қаттиқ меҳнатлари зое кетмади — элнинг экини ердан униб чиққанда Холбойники чопиқ сўради, қўшниларники чопиққа етганда, Холбойнинг пахтаси иккинчи чопиқ сўраб гунчалади, гуллаб найчалади. Қовунлари сапчалади. Сабзилар сотишга келди... Бодринг билан ҳандалакни элдан ўн беш кун илгари чиқариб, бой қариндоши ҳамёнига икки юз сўлкавойни келтириб солди.

Бой ҳам ийиб кетди, Ибн Ямин етти ёшга қадам қўйганда уни «тоғнинг кўрки тош билан, одам кўрки бош билан», «савоби тегади» деб мактабга элтиб берди.

Етти йил ичида Ямин ибтидоий таҳсилни тугатиб, ўқиш-ёзишни ўргангандан сўнг Қўқондаги мадрасалардан бирига кириб ўқишни давом эттирди. Бироқ оғир бир дардга чалиниб, таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди. Отаси Холбой бор-йўғини сарф қилиб, табибларга кўрсатди, дуохонларга ўқитди, кўчиртирди, лекин ўғли ҳадеганда шифо топмади.

Холбой «чиқмаган жондан умид», дегандай, ўғлининг дардига даво излашдан чарчамади.

Кунлардан бир куни Марғилонда меҳмон бўлиб турган самарқандлик донгдор бир табибнинг дарагини эшитиб, ўғлини шитоб билан Марғилонга олиб борди, ўша меҳмон табибга кўрсатди. Самарқандлик ҳаким Холбойга «Фарзандингизга қаттиқ дард илашибди. Рози бўлсангиз, Самарқандга олиб кетиб ўша ерда қарайман. Иншоолло, узоқ муолижадан сўнг ўғлингиз салимулаъзо, соппа-соғ бўлиб кетади» деди.

Отанинг рози бўлмай иложи қанча.

Ибн Яминни олиб ҳаким Самарқандга жўнаб кетди. Ҳаким бутун меҳру муҳаббатини, фарзу камолини ишга солиб, қайта-қайта китоб қараб хилма-хил дори-дармонлар тайёрлаб ичириб, доим парҳезда сақлаб, Ибн Яминнинг касалини даволади. Ибн Ямин борган сари рангига ранг кириб, бақувват тортиб, чеҳраси очилиб, хизматга ҳам яраб қолди.

Самарқандлик ҳакимнинг ўғил фарзанди бўлмай, кексайиб ташвишга тушиб қолган эди. Мўмин-қобил бир шогирд топиб, билганини ўшанга ўргатиб, ҳатто кундан-кунга бўйи чўзилиб бораётган биттау битта қизининг тақдирини ҳам ҳол қудрат тўй қилиб ўша шогирдпешага топшириш ниятида эди. Ана шундоқ зийрак, фаҳмли, ахлоқ ҳамнда си пок бу йигитчани худонинг ўзи етказди, деб ҳаким Ибн Яминга ҳам ота, ҳам устоз бўлиб, унга ўз ҳунарини ўргата бошлади.

Ибн Ямин устозининг гапи билан унинг жуда бой кутубхонасидаги китобларни, шу жумладан Абу Али ибн Сино ҳазратларининг йигирма жилдли «Китоб-уш шифо», «Китоб-ун нажот» тиббий асарларини кечакундуз мижжа қоқмай мутолаа қилди. Олимлар Сарвари Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Райҳон Берунийнинг «Ал қонун Ал масъуд»идан баҳраманд бўлди. Устоз соний Абу Носир Муҳаммад ал Форобий аттуркийнинг тарих, фалсафа, санъат, табобат сирлари ҳақидаги рисоаларини, «Китоб-ал мусиқий алкабири»ни ўқиб, тонг қолди. Устоз Қозизода, Аҳмад ибн Муҳаммад Фарғоний, Мавлоно абул Вафо аз Самарқандий, Фирдавсий, Навоий, Саъдий асарларини кеча-кундуз қўлидан қўймади.

Шу билан бирга ўзига, ҳаёт бахш этган Ҳақимнинг хизматига ҳаммиша камарбаста бўлиб турди. Ҳақимнинг ўзи бир карра олиб бориб кўрсатиб, танитиб қўйган керакли айиқсуғон, арпабадиён, аччиқмия, туяқорин, қичитқон, бангидевона, бўригул, кампирчопон сиңғари заҳарли ва доривор гиёҳларни тоғма-тоғ юриб топиб келар, қуритар, катта-кичик ховончаларда янчиб, туяр, эритар, шарбат ачитар, дори тайёрлар эди.

Ибн Ямин Самарқандда то 1886 йилгача шу зайлда умр ўтказиб, табобат илмидан хабардор, ажабтовур ҳақим бўлиб қолди. Ибн Ямин бу ориқ, қотма, ўрта бўй, буғдойранг, қийғир бурун, бўтакўз йигит устозининг вафотидан сўнг унинг оиласини ташлаб кетишга кўнгли бўлмади. Ўз онасидек бўлиб қолган Зевархоним эрининг васиятини жойига қўйиб, унга қизини бериб ичкуёв қилиб олди. Ибн Ямин шундай қилиб, устозининг қонуний меросхўри бўлди, унинг табиблик ишини беш йилгача давом эттириб, юртни хурсанд қилди. Лекин туғилган жой, ота-онаси, қариндош-уруғларнинг меҳру муҳаббати илинжи баланд келди-ю, «кетаман»га тушиб қолиб, оиланинг тинчлиги бузилди.

Зевархоним қизининг Самарқанддан бегона шаҳарга кетишига асти рози бўлмади. Қизининг кўз ёшларига ҳам парво қилмади. Ниҳоят, бошқа иложини тополмагач, Ибн Ямин табиблик асбобларни, нодир китобларни олиб Фарғонанинг Аввал қишлоғига йўл олди.

Аввалга келиши биланоқ, ҳақимлик ишига шўнғиб кетди. Аввалда унинг атрофларида ҳар хил хавфли касалликлар — терлама, қора безгак, қилтомоқ, зотилжам, болалар касали — яра-чақа кўпайиб, аҳолининг тинчасини қуритган эди.

Дардига дармон истаб келган қашшоқ деҳқонни, йиртиқ чопон косибни ҳам ноумид қайтармай, томирини кўриб, дори-дармонларини пулсиз берар, Аввал бозорига бориб, савдо-сотик қилаётган эркак-аёлларга ҳам ҳифа-сихат, покизаликнинг фойдасини қайта-қайта тушунтирар эди.

Шундай қилиб, у тез фурсатда элт-юрт орасида, «Ҳақимча табиб» номи билан танилди. Ҳақимча табиб узоқ вақт дард тортиб келаётган Ойжаҳон Раббийбой қизини даволай бошлади. Ойжаҳон аста-секин бошини кўтарди. Иштаҳага кирдию, кулча юзига ранг югурди, лабларида табассум жилваланиб, оҳу кўзларида қора учқунлар ўйнаб қолди. Ойжаҳон ҳусни малоҳати, яна алланималари билан Ибн Яминни безовта қилди қўйди.

Ойжаҳон ҳам авваллари дард азобида уйқуси қочган бўлса, энди ҳижрон аламидан мижжа қоқмай чиқадиган бўлди. Пировардида бу икки ошиқ гўшангада бир-бири билан учрашди. Йиллар ўтди, бу орада улар бир қанча сабабларга кўра, Қўқонга кўчишди. Ибн Ямин билан Ойжаҳон қўша-қўша фарзандлар кўришиб, жўжабирдек жон бўлиб қолишди.

Ибн Ямин: «Оллога минг қатла шукур, шунча фарзанд кўрдим. Худо хоҳласа тезда катта бўлишиб, ёнимга кириб қолишар» деб қувонди. Лекин оилада жағ кўпайгач, шундоқ ҳам қўл учида, табибчилик билан тирикчилик қилиб келаётган Ибн Ямин қийналиб қолди. Жаҳонбуви ўнинчи боласига ҳомиладор бўлганида Ибн Ямин кайфи учиб кетди. Болаларни боқиб ташвиши уни безовта қилиб қўйган эди. Ана ўша ўнинчи бола Ҳамза эди.

Ибн Ямин бир кун икунчадан ҳориб-толиб, тажанг бўлиб келдида, арзимаган нарсадан қийиқ топиб, хотини билан айтишиб қолди. Гапдан гап чиқиб, жаҳл устида ҳар йили туғишини хотинининг юзига солди. Жаҳонбуви ҳаммасига чидаб келган бўлса ҳам, эрининг бу таънаси суяк-суягидан ўтиб кетган эди.

— Нима қилай ахир, дадаси? Менга қолса ҳар йили туғай дебман-

ми?! Худонинг ишларига ҳам ҳайронман. Бола тирноғига зор не-не одамлар бор. Биргина тирноқ кўрсам деб оҳ урса ўпкаси кўринади. Давлатига қаерга сарфлашини билмайди. Худо ўшаларга бермай, бизга ўхшаган йўқ-юпқаларга беради,— деб пиқ-пиқ йиғлади. Пешонасининг шўрлигидан нолиб, бу жанжалнинг сабабига тушунмай шумшайиб ўтирган болаларини қарғади. Яна йиғлади. Ўз қисматидан нолиб, ўзига ўлим тилади.. Ҳақимча табибга хотинининг бу қарғишлари алам қилди, лекин ўзини босди. Бу гапни аввал бошда ўзи кавлаб қўйганлиги учун жим туришга мажбур эди. Хотинига ҳозир сал тегса, шундоқ ҳам тутаб турган нарса «лов» этиб ёниб кетишини биларди.

Шаштидан тушиб, одатдаги ҳолга қайтди-да, хотинини юпатишга тушди.

— Қўй энди... Шўринг қурғурларни нега қарғайсан? Буларда айб йўқ... Мен ҳазиллашган эдим. Лекин қош қўяман деб кўз чиқаришимни ўйламаган эканман. Утган гапга салавот. Бўлди энди, айбни бўйнимга олдим-ку, ахир. Сен билан менинг тан-жонимиз соғ бўлса, бу жўжаларнинг ризқини худо беради...

Жаҳонбуви индамади. Кўз ёшларини артиб, болаларини ўрнига ётқизди-да, ўзи ҳам уларнинг ёнига чўзилди.

Чиндан ҳам эртадан кечгача нон қовшайдиган бу болалар уйда нон борми-йўқми — ишлари йўқ, хархаша қилишар, алдаганга кўнмас эдилар. Ота-она буларнинг филтиллаган кўзларига қарашга юраклари зириллайдиган бўлиб қолганди. Буларга нон керак эди...

Ибн Ямин табиблик, Жаҳонбуви доялик қилишди. Лекин бу билан ҳам мурод ҳосил бўлмади. Осмон узоқ, ер қаттиқ эди! Сал кунда ўн боладан икки қиз, икки ўғил омон қолди. Қолганлари дардга чалиниб, оламдан ўтиб кетишди...

Ана ўша тўрт фарзанднинг ичида ҳам кенжаси — мана шу — бир вақтлар бошига кокил қўйиб, Шоҳимардон мозорига назир қилинган, беҳол, мажмағил, ҳа деса «шайтонлаб» қоладиган, ҳозир эса, Мансур халложга шоғирдман деб, отасининг бутун имон-эътиқодига арслондек наъра тортиб, чангал урган, Қўқондаги Хўжанд даҳа Салкашон маҳалласида туғилган Ҳамза эди.

Ибн Ямин бирдан сесканиб кетди. Назарида устига осмон ағдарилди. Кўк ларзага келди. Аждаҳолар хуруж қилди. Оламни сув босди, сувлар олов бўлиб оқди. Булар ичида у ўзини нажотсиз ҳис этди. Ҳамза эса, отасининг бу аянчли ҳолатини кузатиб турар эди. Унинг отасига раҳми келиб кетди. Иккинчи томондан, унинг ҳозирги гапи Ҳамзанинг бошидан кириб, оёғидан чиқиб кетгандай вужудини титратиб юборди. У бўйинини эгиб, бир нуқтага тикилганича маъжос ўтирарди.

Ибн Ямин бошини ерга солганича рўмолчаси билан юз-кўзини сийпалаб, оғир қўзғалди-да, аста юриб ҳовлига чиқиб кетди. Ҳамзанинг ёлғиз ўзи узоқ хаёл сурди. Унинг кўзи столи устидаги китобга тушдию, қўли беихтиёр унга чўзилди. Лоқайд варақлади, лекин ногоҳ Абдулла Тўқайнинг шеъри босилган саҳифага тўхтаб, бирдан кўнгли ёришиб енгил нафас олди. Кейин шеърни мутолаа қилишга киришди.

Назирсиз шоир ўлдинг офарин, Пушкин Александр!
Баним-да дарди шавқим ҳам сенинг дардингла яксондир.
Сенинг боқчангда кездим завқланиб ҳам айладим тайрон,
Кўрубон андалибни томоша айладим сайрон.
Маромим, матлабим онжоқ сенинг манзум ва мансуринг,
Баним шаънимни тафтиш мазҳабингни дина мансубинг.
Ават дардим дурур яксон валекин банда йўқ дармон...

Охирги мисрага келганда Ҳамзанинг овози дарз кетди. У тағин жимиб қолди...

(Давоми келгуси сонда).



Эйтибор Охунова

РУС ТИЛИ — Ўз тилим

Олам ўқир...

Олам ўрганмоқда уни юракдан,
Тикилган ҳар нигоҳни у ошно айлар зиёга.
Ленин сўзи у...

Яшайди орзумизда, тилакда,
У бир кўприк — меҳр карвоний йўл олган дунёга.

Ҳинду ўрганмоқда уни, у — арабнинг меҳрида,
Ленин сўзи яшамоқда бахтга ташна элларда.
Вьетнамлик шеър ўқийди минбардан рус тилида,
Ленин сўзи юракларда, демакки у — тилларда!

Курашларда, суронларда йўргаклаб ўз бахтини,
Орзулари ёр бўлганлар ўрганмоқда рус тилин.
Истиқболга борар йўлни излаб, саодатини —
Қардошлиқдан тополган эл айтар: бу тил — ўз тилим!

Ўрганмоқда уни ўғлим, ўрганаман у билан,
Қизим билан ўрганаман бу бепоён оламни.
Ўрганаман бир ишқ билан, бир ўтли туйғу билан,
Дўстлик иқбол бешигимга битиб берган аллани.

Қўлда китоб... Ҳар сўзидан ёғилгандай улуглик,
Бу донишлик ҳузурда тиниқади тушунчам.
Йўлларимни, шууримни чулғаб борар ёруғлик,
Бу кенг бағир юрагида қўшиқлар мўл мунча ҳам.

Шул қўшиқлар қанот берар, хаёлларим етаклар,
Учратаман устозларни, мен таъзимга эгиб бош.
Столимда буюк Пушкин ёзиб кетган эртақлар,
Тунлар менга улуг Горький «Она»си бўлар сирдош.

Дунё билан сўзлашаман, сирлашаман у билан,
Дунё мени ўқирмиди, билармиди унингсиз.

Мен оламнинг остонасин ҳатлармидим гул билан,
Шекспирни, Гётени мен топармидим унингсиз.

Қайда эди, баҳс айламоқ канадалик қиз билан,
Қайда эди билим деган ганжинага борар йўл.
Минтақалар бир қадамдай (яқин эрур биз билан)
У бир олам, хазинадир — жавоҳир мўл, ҳикмат мўл!

Урганмоқда уни ўғлим, ўрганаман у билан,
Урганаман бир ишқ билан, бир ўтли туйғу билан...

Болажон

Мен алла куйладим, йиллар куйладим,
Сен эса оромда бўлдинг, болажон.
Алламга суяндинг, куйларимга талпиниб,
Оёққа ҳам турдинг, юрдинг болажон.
Мен эртақ сўйладим...

Йиллар сўйладим,

Биллур деб юлдузни, ойни зар билиб,
Эртақлар қатида,

орзум қанотида

Бу олам жамолин кўрдинг болажон.
Асо бўлдим — суяндинг сен йўлларда,
Чиройларим сенга бердим болажон.
Меҳрим чашма айлаб —

Сенга чўлларда,

Мен сенга бахш этгум, сенга бу жонни,
Сенга либос тикдим нурдан болажон.
Ҳаргиз йиғлатмадим,

тонглар уйғотмадим,

Уйқуларинг маст айлади болажон.

Учди қўшиқларим

Қанотида сени олиб,

Қуёш ботди ҳориб,

Лекин мен ботмадим,

Ҳижронларинг хас айлади, болажон.

Хаёл — кетар йўлда,

Мен ҳам йўллардаман...

Сен катта юмушлар, кенг манзилларда.

Мен-чи хаёлларда —

Ҳормам дунё кезиб,

Ҳар тун тушда ўзинг,

— Соғинчларинг ўр айлади,

болажон.

Алла айтдим тонглар,

Чорлаб гул, оҳанглар.

Чорлаб соғинчларим,

Чорлаб илинжларим,

Тинчимадим ўзим,

Сени тинчитмадим.

Келдинг сен, юлдузим,

Мен йўқ эдим,

Бор айладинг, болажон.

Бамбук

*Сочидаги Дендрарий боғида бир
дарахт бор.
У гул очгунча яшайди.
Гул очгач, унинг умри тугайди.*

Умр кўрар гул очгунча,
Гул очгунча яшайди.
Ва ёки бир тонг отгунча
Дарахт сўла бошлайди.

Балки яшар у юз йиллаб,
Балки бир йил безавол.
Қўндими бас, ифोर гуллар,
Бир яшноқ умр увол.

Ҳар тонгдан у бир илтижо —
Айлаб, кутар гулларни.
Биларми у, гул ичра жо —
Ҳалок бўлар кунлари...

Балки яшар шу гул учун,
Шу гул учун ёзар барг.
Табиат ҳам юлдуз учун
Зулмат аро бўлар фарқ.

Йиллар кутар, қиш-қировлар
Шиддатини синдириб.
Ёзлар ўтар, ул сўроқлар,
Гунчаларми кун келиб?

Гул очарми, гул очарми,
Гулларми у пуштиранг?

Гул келар кун, у биларми
Илдизидан ўчар ранг.

Боғ кезардим, гуллар ичра
Ул дарахт ўсар, ана...
Мен учун у орзу ичра
Ўғлини кутган она.

□

Гурбатларнинг дарёсида оқмайман,
Муҳаббатнинг денгизига бўлгум
фарқ.

Хору-хасдай мен бағримни ёқмай-
ман.

Лек севгисиз оламини мен этгум
тарк.

Бахт барқ урсин дейман қаро кўзимда,
Менга ғамни тутганга тиг, чақинман.
Шубҳа излаб юрганга ҳар сўзимдан,
Ишқдан ғазал ўқиб бергум тагин мен.

Севинчларим солгум ўтли байтларга,
Изтиробни беркитаман у билан.
Мени ғусса енгмоқ бўлган пайтларда
Ғолибман мен ишқ деган туйғу билан...

Кўзгу билан суҳбат

Азизим,
Ҳамроҳим,
Тонгда ҳар кун сени қўлга оламан,
Термиламан, яна тўймай ҳавасда.
Олов ёшлигимдан яшнаб, қувнаб бораман,
Шўхлигимдан ёниб бир гулдуросда.
Ошиқона кезлар,
Оҳ, мастона кўзлар,
Ул сеҳрли сўзлар,
Олисмиди, айтчи, ёдингда борми?
Юзларимга қўнган зарра ғуборни
Қиприқларим билан териб олганим,
Ёдингдами, шамолларни қувганим?
Хушрўй эдим чоғи,
Оқ олмадай дудоғ...
Лабларимда у чор

Кўрар эдинг гуллар, оловларнинг рангини,
Сўзларимда ўтли куй жарангини.

Кўзгу, сен ўшанда

Кумуш рангда эдинг, мени аста оғушлаб,

Кучоғингга олар эдинг бир ширин тушдай.

Хузурингга чопиб, елиб,

Севгидай кулиб,

Ой каби тўлиб,

Келганмидим, айт азизим,

ўйга тўлурман,

Бу тонг хузурингга танҳо, танҳо ёнурман.

Уйларим туташиб кетар ўйларга,

Кечаги кунларга бу кун бўйларман.

Сенга термиламан,

Ургиламан,

Бир гул, мана,

Очилиб ҳам бўлди, чамамда боғда,

Кучоғида гунчалари ардоғда.

Булар — метин бардошлари унинг,

Булар — севинч, кўз ёшлари унинг.

Сўзла сен ҳам,

Тинглай бир дам,

Кўнглим бирдан

Тўлиб-тошаётир нечун ғалаёнлардан?

Бу дил — ирмоқ,

Оқиб келар, ахир оҳ, қаёнлардан?

Дарёларга қўшилгунча кечган гурбатлар,

Гурурини енголмаган метин журъатлар

Ёдга тушар

Ширин тушдай,

Хумо қушдай.

Елдирымдек учиб ўтди,

Ўтди йиллар.

Билолмасман, олисмикин мен босар йўллар?

Термиламан, термиламан умидлар ёрدير,

Биламанки, йўлда яна орзулар бордир.

Бағринг бир нур.

Ҳа, сен мағрур,

Тутгин маъзур...

Кунлар келар қадамларим зил бўлур, дўстим,

Балки бевақт кўнглинг буздим, кўнглимни буздим.

Хузурингга бир кун бориб,

Келарман ҳориб,

Сочлар оқариб.

Келар бўлсам кумуш сийнанг билан оғушла,

Кумуш бошим сингиб кетсин, сенинг бағрингга.

Хузурингга турай мағрур, мен асо ушлаб,

Олов рангим эслаб, таъзим айлаб тақдирга.

Мен сукутдаман...

Сукутдаман...

Лекин қамчинлайди мени бир нима,
 Сукутдаги хаёлимни уйғотар шитоб.
 Тўлқинларни суриб келиб урар бир кема:
 «Уйғон, дамлар ўтаётир!» — айлайди хитоб.
 Шарақлатиб очар метин дарвозаларни,
 Қудуқларнинг тубига у тушади сакраб.
 Чайқатади зумда денгиз ҳавзаларини,
 Шиддатидан водийлар гоҳ қолади қақраб.
 Фазоларга қўл чўзади юлдуз узгали,
 Саҳролардан гул узади даста тузгали.
 Булутларни шопиради, чақин ўйнайди,
 Оҳ, шеъримнинг журъатлари менда бўлсайди...

Бу бир оташки...

Қўй, сўзлашмоқ не керак, ўт қўйиб ширин жонга,
 Кўришмоқ орзу этма, айлансин у армонга.
 Ҳар сония куймаклик тақдир бўлсин, майли қўй,
 Учрашмоқдан ўт кетар, наздимда, бу жаҳонга.

Бу бир оташки... ёқиб ҳар тонг сўзлайди ғазал,
 Севги дема, солма қўй, ёнгувчи дилга назар.
 Умр, умр, умрлар етмаган бир олов бу,
 Қўй, маҳрум этма, оташ менга тақдиру азал!

Ёндирмагил бир йўла, оловлатма гулханни,
 Ёқмагил ҳижрон пинҳон бахш этган ишқ гулшанин.
 Нигоҳлар бир чақин-ку...
 ўт устига ташлар ўт,
 Мен кўрмай, гулхан ичра
 ўт олаётган сени...

Ишонгим келади...

Ишонгим келади, бўлмайди жанг-
 лар,
 Мангу машъалалар сони энди
 ортмайди.
 Авж пардасида тинмас куйлар,
 жаранглар,
 Аёл жудоликдан йиғлаб ўтмайди.

Ишонгим келади, қитъалар сокин,
 Дўст бўлиб яшайди энди одамлар.
 Шоир учун қоғоз, қаламлар тўкин,
 Довотларга айланар барча атомлар.

Бизнинг ҳам танланган асарлари-
 миз
 Планларга кирар дейман, ғавғо-
 сиз,
 Тортмалардан чиқар насрларимиз,
 Китобхонга етар «қошу-қабогсиз»...

Ишонгим келади, баъзи ҳакамлар
 Тилларини ёғлаб мақтов сотмайди.
 Яхшини ёмон деб, ёлғон там-тамлаб
 Гап сотишиб умри ўтмайди.
 Ишонгим келади...

Биз — инсон боласимиз

Не учун озорни билади одамлар,
 Не учун ардоқни тортарлар мисқоллаб.
 Низодан, нифоқдан портлар-ку атомлар,
 Озордан ўртанмас қайси тош, хассос қалб.

Тухмат кашф этган ҳам «инсон»нинг боласи,
 Нифоқдан баҳра ҳам топган у — нотавон.
 Оламда одам бор ва одам оласи,
 Бир — тоғ, бириси соядир каттакон.

Тоғлардан баҳралар етгуси дунёга,
 Тоғлардан ирмоқлар — меҳрлар оқарлар.
 Сояни ўхшатгим келади рўёга,
 На олов у — ёнмай, на офтоб — гул тақолмай.

Соядай судралиб юрмадим, юрмайман,
 Ва лекин нигоҳдан қўймагум сояни.
 Мен — олий насаб деб, кўкракка урмайман,
 Мен — инсон, буюкда тутгум шу гоёни.

Мен — шоир, қаламдан яралган байрамим,
 Қаламдан олгум мен меҳнатни, заҳматни.
 Нотавон бўлса ким қаламим қайрадим,
 Тугёним селоби оқизгай тухматни.

Озордан тушиб-ла кетмайди қаламим,
 Эзгулик ўйларим бир бора кетар дарз.
 Ғаддорлик тўзгитар беозор оламим,
 Мунис дил ҳайратдан ўксиниб, этар арз.

Яхши-ки, оламда оқиллар яшайди,
 Яхши-ки, хусумат қолар бир етимдай.
 Оёгим остида отилган тош дайди...
 Нафратга қорай мен, қорайсин у тундай.

Дунёни безамоқ келмаган қўлидан,
 Уйлармиш лоақал гулдурос бўлмоқни.
 Топтармиш, бўйсунмас неки бор йўлида,
 Уйлармиш фалакни кифтида тутмоқни.

Ғолиблик қудрати ақлда, бардошда,
 Орзулар қасрида боқиймиз, қоламиз.
 Меҳнатқаш қаламни ўткирлаб, тарошлаб,
 Қалбдаги оловда оташлаб оламиз.

Бул оташ ёндирар, изтироб, сиёҳни,
 Бул оташ ёндирар озорнинг ўзини.
 Мен ҳатлаб ўтгайман, ўтгайман ул чоҳни,
 Поралаб кетгайман ғурбатнинг кўксини.

Баъзан сенга термиламан...

(Бир қиз альбомига)

Баъзан сенга термиламан...
 ёниб ўчар хаёллар,
 Уша ёниқ хаёлларда
 севинчларим бир талай.
 Уша ўчган хаёлларда
 йўлим тўсар саволлар,
 Соғинчларим, ғурурларим
 дилгинамга йўлатмай.
 Баъзан сенга термиламан...
 шул саволлар баҳона,
 Нигоҳларим шудринглардай
 оро йўлда тўкилар.

Не билибман, дилинг хароб,
 ўйларинг-чи шохона,
 Имтиҳондан ўтолмаган
 ишончлар ҳам сирқираб
 Яна сенга термиламан...
 термиламан сўнгги бор,
 Ишончларимнинг бағридан
 меҳрларим сирғалиб.
 Яхшики бир орзу эдинг,
 суратинг ҳам йўғу бор.
 Уни чизмоқ заҳматидан
 қолдим дилим қутқариб.

Яшилликлар — яхшиликлардир

Шундай шуълалар булар, шундай офтоблар
 Табиат ҳам соз олибди қўлига.
 Қайга боқсанг гўзаллик, сулув моҳтоблар
 Яшилликлар тўшалмиш менинг йўлимга.

Меҳрларданми бу бокиралик бари,
 Сеҳрларданми бу тоғлар улуғвор.
 Қайга боқсам, фусунларнинг сарвари,
 Кимга боқсам, муҳаббатнинг чўғи бор.

Бунда осмон ухлар юлдузларни ёпиниб,
 Саболари кезар қўшиқ улашиб.
 Кулол — денгиз бедор сувин шопириб,
 Ой сузади ёғдуларин бўлашиб.

Яшилликлар аро кетгандайман сингиб,
 Денгизда сув мовий, тоғлар ўрмонли.
 Журъатларим ҳамроҳ, ғурбатларни енгиб,
 Бу ерларда борми дейман армонли.

Пушкин кезиб юрибди

Пушкин кезиб юрибди...
 Уфқларда у ўтли, у ёниқ нигоҳ.
 Мовий кўзлар ичра жодир денгизлик,
 Тўлқинлари юрагида баногоҳ,
 Назаримда денгиз тугён урибди,
 Қўшиқларга айланибди чексизлик.

Пушкин кезиб юрибди...
 Тоғлар каби буюкликлар хаёлда.
 Хаёлларда қолар сарви санамлар,
 Қолар қараб илинжларда, саволда,

Бир нигоҳ бас, дилда бир гул унибди,
Ва ғазалга айланибди чаманлар.

Пушкин кезиб юрибди...
Қуёш ҳам зум тўхтаб, кўзларин тикди,
Зарринларин сочди шоир бошидан,
Қоялар устига қўйибди юкин,
Билдурлар ясаб у тоғлар тошидан.
Эльбрусдай буюк қоя қурибди.

Пушкин кезиб юрибди...
Унинг юрагида чинлар, рўёлар
Чашмалар тип-тиниқ, ирмоқлар жўшқин.
Изҳор айламоқ-чун шоирга ишқин,
Мизимта йўлларин бу ён бурибди,
Энтикиб олибди бир дам дунё ҳам.

Пушкин юрибди кезиб...
Шеър бўлиб жаранглар сукунатлар ҳам,
Шоир юрагида бу дам дунёлар.
Дунёлар қалбига кирди-ю ўзи,
Жунбушга кирдилар баъзан ғурбатлар
Чанг солдилар унга сўлгин рўёлар.

Пушкин кезиб юрибди...
Ана, шивирлайди қайинларнинг япроғи,
Шоир қошларида ўйдан қўш тугун.
Ёзмоқ бўлар бир дамгина чарчоғин,
Хумор бўлиб қўлга олар муштугин,
Шоир қошларида тугун тугилибди.
Ҳа, шеър туғилибди.
Пушкин кезиб юрибди...

Ғунча

Чок ўлди...
Ғунчанинг бағри чок баҳорни олқишлаб,
Наинки чок ўлди, йўқ, бағри хун бўлди — ял-ял хун.
Тонг билан болари, ғув-ғувлар, гул атрин тортқишлар,
Бири дил поралар... бирига бол йиғар бўлди кун.

Ғунчалар юзини юварлар кўз ёши — шабнамлар,
Кўрмадим баҳорга бунчалик фидони, фидони.
Наздимда чаманда гуллармас, ёнарди ловуллаб нур — шамлар,
Тинглайман, она ер, сен қилган садони, нидони.

Она ер йўрғаклар боласин — баҳорин гулларга саҳарлаб,
Жилғалар шилдирар жар солиб — тоғларни охорлаб.
Болари зувиллар тўлишиб, тумшуғин шакарлаб,
Хайрият, гул сайли бошланар бўлибди боғларда.

Кузак бу...

Товланиб бир пари боғлардан бўйлайди,
 Буй етган табиат келиндай тиниқлашур.
 Бунчалар кўҳлик у, нигоҳинг тўймайди,
 Ана у шивирлар, ким билан сирлашур.
 Елпинди чамамда... зарлари тўзғийди,
 Силкитди шекилли зарбоб тўн барини.
 Боғларда кўрганим қизмиди, кузмиди,
 Ё турфа борлиқнинг шоирга соврини.

Қуёш ботаётир

Қуёш ботаётир, ботаётир дўстим
 Олиб яна одамзоднинг бир кунин
 Қувват олиб белдан, нурлар олиб кўздан
 Бизга ташлаб хаёлларнинг дуркунин.

Бека қуёш йиғиштирар ҳарир этагин,
 Осмонда из қолдиради сурма рангида.
 Қўк машғали ўчар, оқшом бошлар эртагин,
 Осмон либос кийиб чиқар яна янгидан.

Қора зарбоб тугмалари бари тилладан,
 Тўлин ойн зумураддай ярашиқ.
 Ёқалари охорли барги хинодан
 Бу фусунлар илҳомларга қоришиқ.

Тоғларнинг остида қуёш уйқуда.
 Аслида йўлларда ҳамон, йўлларда...
 У кетди, инсонда ширин туйғулари,
 Кулгулари қолди чаман гулларда.



Ўктам Усмонов



ГИРДОБ

РОМАН

20

Кеч куз кунларининг бири. Азиз «ҳеч ким йўғида бир оз ишлай» деб, институтга анча барвақт кириб келди. Ҳаво булутлигидан хонадаги баланд деразаларга худди сидирға оч кулранг парда тортилгандай; шу ҳам юракни сиқади. Очиқ дарча орқали ташқаридан нордон-ачимсиқ хазон иси ва куз эртасининг муздай эпкини кириб турибди. Қаердир хазон ёқишяпти шекилли, гоҳ аччиқ тутун ҳиди димоққа келиб урилади.

Азиз ҳамон кейинги воқеалардан ҳайрон. Уйлаб ўйига етолмайди. Баъзан хуноби ошиб, ҳамма нарсани остин-устун қилиб юборгиси келади. Айниқса, иккала катта домласини кўп ўйлайди... Улар вақти-вақти билан кўзига ғаламис, нопок одамлардек кўринади; шунда у бирдан умидсизланиб, шу наҳангларнинг орасига тушмай тинчгина қишлоғига жўнаворгиси ҳам келади; аммо бу тутуриқсиз фикри тушкун кайфиятидан келиб чиққанини кейинги дақиқанинг ўзидаёқ сезади ва яна чорасизликдан юраги эзилади. «Вой, бу дунёнинг ишлари-ей!.. Гоҳо кўриб, билиб туриб... тўғриси айтолмайсан! Яқингинада ишимни майна қилиб, ерга уриб юрган одамлар... Ҳамма билади шуни! Аммо ҳеч ким миқ этмайди! Одамга шуниси алам қилади. Қаники, бир мард чиқиб уларнинг мушугини пишт деса!.. Асли ўзи илм дунёси шундай мурак-

¹ Охири. Боши журналнинг 5,6-сонларида.

каб изга солиб қўйилган эканки, ғимирлаб юрганларнинг бари бир-бирига муте, бир-бирига боғланган ва бир-биридан илинжда! Ҳеч ким ҳеч нарса деёлмайди! Деёлмайди!!! Юраги ачишган, ҳақиқатга қайишганларни ҳам, «менга нима, ундан кўра ўзимнинг ишимни битирсам-чи... нима қиламан душман орттириб...» деган амал билан кўриб-кўрмаганга, эшитиб-эшитмаганга олади ўзини!..»

Ҳамма таъсирчан одамлар сингари Азиз ҳам умидсизликка тушган пайтларида ўз омадсизлигини дунёдаги энг оғир омадсизлик деб ҳисоблар, шу сабабли гарчи ўткинчи ҳодиса бўлса ҳам арзимаган нарсалардан катта умумлашмалар чиқарар ва бундан биринчи навбатда ўзи қийналиб юарди. Чиндан ҳам у илгарилари бошқача азобда эди; ҳозиргиси эса ундан беш баттар. У, энди фан муаммолари доирасидан чиқиб, одамларнинг юраги ва ахлоқига разм солаётгандек эди..

Азиз баланд дераза пештахтасига суяниб ташқарига тикиларкан, институт ҳовлисида, кўча девори тагидаги қатор ёнғоқ дарахтлари остида ёғоч билан барг титкилаб, хазончинак териб юрган қоровул чолга кўзи тушди-ю, кейин хў тўрдаги вақтида ўрилмай, ҳозир эса гули тўкилиб, сарғайиб, ер бағирлаб ётган беда картасига қаради. «Толмас Азимов кўргандами буни!» дея ўйлади у ва оқсоқ домланинг анчадан бери йўқлигини фақат шундагина эслади. Биров билан иши йўқ, қачон қараса тўнд юргани учунми, боёқшнинг йўқлиги ҳам унча билинмайди. Кейин Азиз тўсатдан кимдандир яқинда эшитган гапини хотирлаб қолди. Ут-далали олмошлаб экиш яна кенг йўлга қўйилаётгани муносабати билан «бедачи профессор» республика областларидан тушган илтимосларга биноан бир ойчадан бери у водийдан бунисига ўтиб, командировкада юрган экан. Кўринишидан қўпол, лекин аччиқ сўз-у ҳақиқатпарвар бу одам Азизга жуда ҳам ёқарди. Унинг заҳар томиб турадиган баджаҳл қиёфасини кўз ўнгига келтираркан, Азиз беихтиёр кулиб юборди. Утган йили шекилли, Расул Оллоёрович кабинетда қандайдир йиғилиш бораётган пайт эди. Директор Толмас Азимов билан салгина айтишиб ҳам олди. Одам кўплигидан хона исиб кетиб, кимдир тўрдаги деразанинг форточкасини очиб қўйди. Уша заҳоти кабинетда ғириллаб елвизак юрди. Бир замон Расул Оллоёрович ўтирган жойида шошилиб кўзойнагини олди-ю, шунақанги афти буришиб акса ура бошладики... форточкани очган ходим ҳижолат бўлганидан дарров яна ёпиб қўйди. Расул Оллоёрович ўзига келиб, оғзи-бурнини энди дастрўмолига арта бошлаганда, шундоқ дераза тагида ўтирган Толмас Азимов ўлганнинг устига тепган қилиб:

— Э-эсингиздами? С-студентлик пайтингизда ҳам н-нозик э-эдингиз,— дея гап ташлаб қолди.— Эрталаблари с-совуқдан чўчиб, лунжингизга с-сув олиб, кейин шундан юз-қ-қўлингизни ювардингиз-з...

Бугун кабинетни гуриллаб кулги босганди ўшанда. Ҳатто Расул Оллоёровичнинг ўзи ҳам ёзилиб кулганди...

Азиз ўша воқеани эсларкан, кўзлари чақнаб яна кулди, юрагининг хижили бир оз ёзилгандай бўлди. Столига ўтириб, тикмачокдек боғлаб қўйилган қоғоз тўла папкасини оча бошлади...

Азиз ўз участкасида етилган пахтани териб олишга розилик берганига хийла вақт бўлди. Энди бу йилги — сўнги бўғинга оид материалларни аввалгиларига қўшиб, қиёслаб, қай даражада ўсиш, мукамаллашиш рўй берганини яна аниқлаб чиқиши керак. Қанча ҳосил олинганини ҳам ҳозирча у аниқ билмайди. Шу далилларнинг бари диссертацияси учун керак...

Азизнинг бугун Маҳамат Турдибоев ҳузурига бормоқчи бўлганининг тагин бир бошқа сабаби ўртада туғилган анча-мунча янги гаплардан уни ҳам хабардор қилиб, секин фикрини билиб қайтмоқчи эди. Хў, ўша, газета мухбири иккови билан суҳбатлашган вақтида ҳам Маҳамат

ака институтдаги кейинги борди-келдиларнинг бир чеккасини эшитиб, «тавба, олимлар орасида ҳам шундай бўладими» деб ажабланган, кейин Азизга худди отасидек топиб-топиб маслаҳатлар берган, кўнглини кўтарган эди..»

Азиз қишлоқда автобусдан тушганда кечадан бери тумшайиб олган ҳаво энди ёға бошлаган, тоғ тарафдан эсган шамол жимгина шивалаётган ёмғирни гоҳо худди чилвирдай ўйнаб, шартиллатиб юзга урмоқда эди. Азиз Салтанатнинг сўзи билан эрталаб плашч кийиб олганига ичида суюнди ва унда-бунда қум юзасида халқоб бўлиб турган қўлмакчаларни четлаб ўтиб, шошилганча йўл юзидаги сартарошхона айвонига сакраб чиқди. Ёмғир ёғаётганига қарамай, дала ташвишлари камайгани учун гузарда одам сероб эди. Ҳозир шудгор қилиш пайти, асосан механизатор, тракторчиларнинг иши қизиган; хотин-халаж, бола-чақалар эса уй, мактаб юмушларига шўнғиб кетганди. Азиз учраган таниш-билишлар билан кўришиб, ёмғир сал пасайганга ўхшовди, жадал юриб, йигирма қадамча наридаги колхоз идорасига кириб борди. Остонага туташган темир тараққа лой аралаш сариқ хазон ёпишган оёқларини сидириб-сидириб артди-да, йўталиб ичкарига кирди. Чап томондаги раис кабинети ланг очиқ, аммо бўш эди. Унгдаги чорси хонада халитдан калта пўстинча кийиб олган, элликлардан ошган касалманд бухгалтер ўтирибди. Азиз даҳлизга кирганда ҳам у бошини кўтариб қарамади.

Азиз ташқарига чиқди-да, остонада бир оз ҳаяллаб қолди. Кейин яна бухгалтер хузурига кирди.

— Саломалайкўм, Маҳамат ака қаердайкин, билмайсизми?— дея сўради ҳамон столидаги қоғозлари ва чўтидан бош кўтармай ўтирган бухгалтерга мурожаат этиб. У шундагина Азизга юзланди ва:

— Э, вааллайкўмассалом, сизмидингиз? Вой-вў-ўй, камнамосиз жуда?— деганча, чаққон ўрнидан турди-да, Азизга пешвоз чиқиб, икки қўллаб кўришди.— Маҳамат акангиз бир ўлимдан қолди, бечора! Вой-вў-ўй! Энди уйда. Зирапчадай кўричакдан ўлиб кетай деди-я. Шунгаям ўзи сабаб. «Эрта-индин план тўлай деётганда балнисага бало борми» деб баҳона топиб, апирайсадан кўрқиб, буралиб оғриган қорнига, гўл одам, қизитилган кесак босибди-я... Ичагини ёриб юборибди. Вой-вў-ўй! Ҳай-ҳайлашиб зўрға етказиб бордик. Бир ўлимдан қолди, бу чатоғи тушмагур! Раисимиз райкомдан қанча гап эшитди, вой-вў-ўй! Ҳозир уйда. Кеча борувдим, белини ушлаб сал-пал юряпти... Вой-вў-ўй...

Азиз бухгалтернинг ҳикоясидан кулиб, у билан хайрлашди-да, идорадан чиқди. Бухгалтер ҳам кафтига йўтала-йўтала, орқасидан эргашиб остонага чиқди ва:

— Газеталарни ўқиб турибмиз, Азизжон,— деди.— Бутун Ўзбекистонга татийдиган синоат келиб-келиб Маҳамат аканинг бригадасидан чиқса-я! Вой-вў-ўй! Ана унда кўрасиз чатоқнинг керилишини! Вой-вў-ўй! Ўқиб, бошимиз осмонга етяпти, ука. Ишқилиб, омадингизни берсин!

Азиз бухгалтерга самимий раҳмат айтиб, Маҳамат аканинг уйи томон йўл олди... Икки табақали таниш кўк дарвоза олдидаги атрофига тол экилган ариқ лабида уч-тўртта товуқ донлаб юрар, улар жадаллаб келаётган Азизни узоқданоқ сезиб, қанотларини ер бағирлатганча дуч келган томонга қочиб қолишди. Азиз дарвозани тақирлатиб ўтирмади, тўғри кириб бораверди. Шошганидан йўлакда ётган итни ҳам кўрмабди. Шундоқ дарвоза тагида кўзларини юмганча узала тушган ориқ този ит Азиз ёнидан ўтаётганда ақалли ўрнидан жилгиси ҳам келмади. Фақат юмуқ кўзларини хиёл очиб, Азизни кўргач, саломлашгандай думини ликиллатиб қўйди. Маҳамат аканинг ўртанча қизи — ўтган йили Азиз тўйида қатнашган Муборак ҳовли тўридаги баланд гўнг тепа ат-

рофларини супуриб-сидириб юрган экан, аввалига Азиздан қочмоқчи бўлди-ю, аммо у кўргач, қўлидаги чўлтоқ супургисини сўри устунга ёнига ташлаб, ерга қараганча унга яқин келди ва қишлоқ аёлларига хос ортиқча мулозамат билан Азизнинг уй ичларигача йўқлаб кўришди ва уни дадаси ётган хонага қараб бошлади. Остонагача борди-да, «марҳамат, шу ердалар» деди, Азизни ичкарига киритиб, ўзи яна ҳовли супуришга тутинди...

Азиз салом бериб кириб борганда, Маҳамат чатоқ таҳмонга тақаб солинган кўрпачада мизғиб ётар эди. Қадам товушини эшитиб, чўчиб ўгирилиб қаради ва Азизни кўргач, бирдан чеҳраси ёришди. Лекин бари бир унча қовоғини очмади. Урнидан турмоққа интилган эди, бунга Азиз йўл қўймай бориб ўзи кўришди. Шундоқ кўрпачага тақаб катта оқ дастурхон ёзилган, патнисга ҳар турли ширинликлар терилган; фақат дастурхоннинг четини қайириб, чанг тушмаслиги учун ноз-неъматларнинг усти беркитиб қўйилган эди. Маҳамат чатоқ ҳол-аҳвол сўраша туриб, дастурхонни очди, янгигина ёпилган нонни ушатди, бош томонида сочиққа ўраб қўйилган гардим чойнакдан чой қўйиб узатиб, Азизни еб-ичишга қистади.

Азиз зимдан разм солган эди, Маҳамат ака анча уриниб, ранги сўлиб қолибди. Юпқа лаби устида доимо диккайиб турадиган шоп мўйлови ҳам энди бўшашиб, жони қолмагандай пастга тушган; этини олдириб ориқлагани учун юзидаги ажинлари бадтар чуқур кўринар, анча мунча азоб чеккани сезилиб турарди.

— Ҳа, Маҳамат ака? Усал бўлишга қўл тегмайди дейдиган одам, жа-а, кўрпа-тўшак зўр-ку?— деди Азиз ҳазили ҳам, ҳол сўрагани ҳам шу бўлиб. Маҳамат чатоқ хижолат чеккандай ҳорғин кулимсиради, чордона қуриб ўтиргани учун қўққисдан яраси оғриб кетдими, «и-и» деганча оёқларини узатди, кейин Азизга мўлтайиб:

— Умрим бино бўлиб касал нималигини билмаган одам, ҳайронман,— деди.— Қасалман дейишса, ғашим келарди. Улсам ҳам бирдан ўлиб қолсам керак, деб юрардим ўзимча. Йўқ, бу кўргилик ҳам бор экан пешонада, ука. Хўш, ишлар қалай, тузукмисиз, бола-чақалар яхшими? Келин қалай?

Орадаги мулозамат гаплар ҳам ўтди-ю, кейин икковлари бирдан сукутга чўмиб қолишди. Азиз: «Эҳтимол бечоранинг ҳозир ҳам жони оғриб тургандир» дея ўйлади ичида, Маҳамат акага ачиниб қараганча:

— Энди тузалиб кетдингизми, ишқилиб?— деб сўради.

Маҳамат чатоқ «ҳе, тузалмай қаерга борардик» деган маънода қўлини силкиди-ю, яна тумшайганча ўтираверди. Ниҳоят, Азиз ерга қараб қолганини кўриб:

— Хўш, ука, нима янгиликлар бор оламда? Гапиринг, шифтга қараб ётавериб сиқилиб кетдик жуда,— деди Азизга қандайдир умидвор тикилиб.

Азиз гўр тепасида ҳам ростини сўзлайдиган шу холис одамга мавриди келса юрагини бир бўшатиб олмоқ ниятида келганини эслади-ю, лекин Маҳамат чатоқнинг ҳозирги дилгир кайфиятини кўриб бир оз иккиланди: «Жарроҳ пичоғи остидан туриб, ҳали мундай тузукроқ оёққа босиб улгурмаган хастанинг кўнглини кўтариш ўрнига, жанжалли, мижғов гапларни кўтариб чиқиб, унинг ҳам бошини қотириши... шу ҳам инсофданми?..»

— Тинчлик, Маҳамат ака, тинчлик,— деди Азиз хаёли қочиб.— Иш кўп, диссертациямни ёзяман. Қаранг, операцияларга ҳам тушибсиз, билмабман... ҳозиргина бухгалтердан эшитдим.— Азиз шу билан кечирим сўрагандай бўлди-ю, яна индамай қолди.

Маҳамат чатоқ деразага «тиқ, тиқ» тегиб, кузги изғиринда тўхтовсиз ликиллаб турган қорамтир новдага термилганча:

— Тинчлик денг?— деди киноя қилиб.— Қўнглингиздагини айтаверинг! Тортинманг.— Маҳамат чатоқ Азизга янги чой қуйиб узатди.— Ҳаммасидан хабарим бор. Ёстиққа бош теккандан кейин газетдан бошқа эрмагимиз қолмади...

Маҳамат чатоқнинг сал галати қарши олиши ва ўзига баланддан туриб муомала қилаётганининг сабабини Азиз энди фаҳмлади. Гап бу ёқда экан-да! Барини билиб ётган экан бу синчов одам!.. Қайтага Азизнинг юкини Маҳамат чатоқнинг ўзи енгиллаштирди; чигалнинг учини топиб берди Азизнинг қўлига. Энди у чувалган ипни бир чеккадан бўшатавериши керак...

Азизнинг ўйланиб қолганидан тоқатсизланган Маҳамат чатоқ қишишганча ўзи гап бошлаб кетди:

— Сизларники қизиқ-ку жуда?! Муттаҳамгарчиликнинг бари сизлардами, деб қўйдим! Уят эмасми? Мен сизни ўн йилдан бери биламан, ахир! Сизга ачинаман! Нега лалаясиз аммамнинг бузоғидек?! Ёки қўрқадиган жойингиз борми? Ёки сизларнинг илмингизда бировникини биров қўрқмай еб кетаверадими?! Ё, астағфируллоҳ, умримда кўрмаган одамларим нега сизга шерик чиқишяпти, нега сизни талашади?! Нима деган гап бу, ахир? Уят, инсоф борми ўзи? Қасалман, ноилож тушолмадим... Бўлмаса!

Маҳамат чатоқнинг астойдил қизишганига кулимсираб, кўзини ерга тикканча, кўрпача мағизини ўйнаб ўтирган Азизнинг ҳозирги ҳолати уй эгасига бадтар ёмон кўриниб кетдими, пиёласидаги қолган чойни жаҳл билан бурчакка — кигиз устига сепиб ташлади-да, яна жафига зўр берди:

— Биздақа ўқимаган — оми кишилар бўлишса ҳам майли эди, «ҳа, энди нодон-да» дердик. Шунча дов-дастак билан, ўша академикларингизга нима бўлган ўзи? Намунча беш қўлларини бирдан оғизларига тиқишмаса?!

Маҳамат чатоқ бамисоли ўзига биров тажовуз қилаётгандай дагдаг титрарди. Азиз унга бадтар меҳри товланиб қаради; айни пайтда касал одамни безовта қилганидан мулзам бўлиб, ноқулай аҳволга тушди; шу аҳволда кампири ёки қизи кириб қолишидан қўрқиб:

— Маҳамат ака, бекорга куйинманг, бари бир фойдаси йўқ, — деди кулимсираб.— Бунисини тишласам буниси оғрийди!— У бош бармоғи билан жимжилоғини кўрсатди.— Иккови ҳам домлам, таълимларини олганман. Ушаларки шундай деб туришгандан кейин... мен нима қилай?! Кўлимдан нима келади?

— Ҳей, сиз ўзи қаерда яшаяпсиз?!— Маҳамат чатоқ Азизга ўқрайган кўйи тикланиб ўтироқчи бўлди. Тагин жароҳати йўл қўймади шекилли, афти буришиб, оёғини узатиб олди.— Сиздан сўраяпман, қаерда яшаяпсиз? Совет давлатида яшаяпсизми?! Оғайни, сизни мен шу пайтгача яхши синамаган эканман! Қачон икки тарвуз бир қўлтиқда турган? Ҳамма айб ўзингизда экан! Ё ҳақиқатнинг этагидан ушланг, ёки... унда билмадим нима дейишни! Кўзбўямачилик, қаллоблик, ўзим бўлай дейиш — сизнингча шундай кечириб кетаверадиган бир гап экан-да?! Йўқ, бизга буниси кетмайди! Мен партия аъзосиман! Ноҳақликни кўриб туриб қайси виждон билан кўз юаман?! Тилингиз қисик жойи бўлса, айтинг! Нега қўрқасиз?! Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич!

Маҳамат чатоқ «э, нодон-а» дегандай юзини четга бурди... Кейин ҳар қалай Азиз уйига келган меҳмонлигини эслаб қолдими, бир оз юмшади:

— Ҳақмисиз, ўзингизга ишонасизми, Азизжон, ҳеч нарсадан қўрқманг. Баланд-паст гаплар эса бўлаверади. Агар уларга қулоқ солиб яшасак, унда ҳолимиз нима кечади, биласизми? Ҳаром билан харишни ажратолмай қоламиз! Газетада ўқидиму, ишонасизми, шундай алам

қилди, шундай алам қилди! Ё, тавба, «ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир». Бу-ку бурунги баднафсларга тегишли гап. Нима, ҳозирги раҳбарларингиз ҳам семизликни кўтаролмай, тўқликка шўхлик қилиб, ўша бурунги мазахўрақларга ўхшамоқчимиз? Бировнинг мулкига нега кўз олайтиришадимиз? Нима ҳақлари бор?! Йўқ, бунақаси кетмайди! У замонлар қаро ернинг туб-тубига кўмиб юборилган! Уни Ленин кўмган!.. Мен коммунистман! Кўзим тирик экан, ўлиб-нетиб кетмасам, қани кўл тегизиб кўришсин-чи сизга! Ё, тавба, ё, тавба! Хизматга туҳмат-ку, бу ахир! Вой, барака топкурлар, шу довургача манови бола ўз ёғида ўзи қоврилиб ётган пайтида сен азаматлар қаёқда юрган эдинглар! Қаердан худди қузгундек бирдан ёпирилиб кела қолдинглар?!

Азиз шунча йилдан бери Муҳиддин Жабборовичнинг «бу ишингдан натижа чиқмайди, умрингни зое ўтказма ҳаммани чалғитиб» деган гапларини Маҳамат ака ҳали эшитмай туриб шунча куйинаётганини ўйлади-ю, бадтар ҳаяжони ошди.

— Гап бундай!— деди Маҳамат чатоқ ҳукм оҳангида.— Бир қадам ҳам орқага босмайсиз! Мана, мен бор! Қерак бўлса, ЦК гача чиқаман. Ҳозир зўрлик билан бировнинг ҳақини тортқилаб кетадиган замон эмас! Қерак бўлса, ўша ман-ман деган олимларингизнинг ҳам кўзини очиб кўямиз! Адолат давлатимизнинг амали экан — кўрқадиган жойимиз йўқ!.. Ёки айбингиз борми? Қани, айтинг-да, нега индамайсиз?

Шундан кейин Азиз буткул ёрилди; шу пайтгача бўлган ишларнинг барини бир бошдан гапириб берди. Биринчи бор бу мавзунини марҳум Сергей Матвеевич маъқуллаганини ва Маҳамат чатоқнинг ерини ҳам айни ўша домла зўрлик қилиб олиб бергани... Муҳиддин Жабборович туфайли чеккан азоблари... ҳамма-ҳаммасини тўлқинланиб, ҳаяжондан ютиниб-ютиниб сўзлади. Маҳамат чатоқ тинглай туриб, ора-сирра «ё алҳазар, ё тавба!» деб ёқасини ушлар, баъзан ғазабидан ёноқлари титраб, аламини босиш учун култ-култ чой хўпларди... Кейин анча вақт чурқ этмай қолди.

— Уша Муҳиддин Жабборовичингиздан тоза кўнглим қолди, Азизжон,— деди охири бўшашиб.— Шундан экан-да, бечора, оёғи куйган товукдай участкангизга югуриб чиққани!— У ҳамон эшитганларини ҳазм қилолмай, Азизни худди кўрмаётгандай, у худди бир буюмдай, унга бақрайиб тикилиб турарди.— Умримда кўрмаган одам қаердан пайдо бўлди, дедим-а...

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг Маҳамат чатоқ иккалови тушган газета сонини кўрсата туриб, «далангизга бориб келдим, паҳтангиз яхши, агар ўша бригадирнинг гаплари тасдиқланса, кандидатлигим тайёр деяверинг» деган хў бирдаги писандасини эслади. Уша шаманинг асл маъносини ҳам у энди тушунди. Демак, ўшандаёқ домла аниқ бир мақсадни кўзлаб, шунинг учун унга киши билмас тилёғламалик қила бошлаган экан-да?..

Азиз Маҳамат акага қараб туриб, унинг хокисорлиги, соддалигидан завқланди. «Бу диёнатли одам у ёқдаги замзамаларни қаёқдан билсин, бечора? Бу ерда туриб, истаганча гапириш, истаганча орқадан айблаш мумкин! Узоқдан оққан сув билан ёнғинни ўчириб бўларканми?.. Э-э-э, ҳар жойнинг ўз тош-тарозуси бор... Қани, уни бузиб кўрчи!.. Уша заҳоти жазойингни оласан! Чоҳга тушганингни билмай қолсан! Эҳ, топаман деса, кимда айб йўқ?!.. Биргина шу Муҳиддин Жабборовичнинг ўзини олайлик. Ахир, Азиз унга қандай тесқари бора олади? Қандай? «Йўқ, шерик бўлманг менга» деб унга қарши юргани билан нимани исбот қила олади у? Кимга исбот қилади? Сўзини ким эшитади? Қарабсизки, бир ўзи яккамахов! Илм остонасига умид билан қадам қўйган не-не тақдирларнинг жилловини қўлида ушлаб турган кимсан — Муҳиддин Жабборовичнинг гапини тинглашадими ёки Азизни-

ми?!.. Эҳ, бу нарсалар шунчалик чалкаш занжирга ўхшайдики, қаеридан ушлашни билмайсан!.. Ҳа, ана, Муҳиддин Жабборовичга «йўқ» ҳам деди. Хўш, кейин нима бўлади? Домла тўнини тескари кийиб олса, тамом! Кандидатлиги ҳам ўтмайди, иши ҳам чалкашиб, ҳар бурчакдан унга тош отадиганлар ҳам кўпаяди... «Ҳақлигимни исботлайман» деб, ким билади, яна қанча умри ўтиб кетади?! Муҳиддин Жабборович сал имо қилса... ўша заҳоти салла ўрнига калла олиб келадиган қанча-қанча шогирдлари турибди ёнида! Уларнинг қайбири билан олишадди Азиз?!..»

Юракдан ачиниб сўзлаётган Маҳамат аканинг гапларини тинглаб ўтираркан, Азизнинг хаёлидан мана шу фикрлар лип-лип ўтар эди. Масаланинг бу нозик томонларини у тўпори одам қаёқдан билсин? Буларни билмайди. Билмагани яхши... Билганда, хўш, қўлидан нима келарди? Боши ғовлаб, калавасини йўқотиб қўярди... Бир жиҳатдан шу Маҳамат акаларга дуруст! «Ҳалоллик ва фирромлик, тўғрилиқ ва эгрилик, яхшилик ва ёмонлик...» Уларнинг наздида дунёдаги барча инсоний муносабатлар, ҳар қандай мураккаб муаммолар ҳам мана шу оддий, ҳалол ўлчовлар қолипига бемалол тушаверади... Ё униси, ё буниси... Қанчалар осон-а! Лекин шу тушунчалар замирида тилсимдай мураккаб, оғир масалалар ётишини улар қаёқдан билишсин?..

Шу пайт Маҳамат чатоқ Азизнинг хаёлидан кечаётган фикрларни уқиб тургандай:

— Биламан, сизга осонмас номдор олимлар билан беллашиш... сиз новдадай йигитга...— деб қолди.— Аммо бировнинг савлати, бировнинг обрўйи экан деб, кўра-била туриб оқни қора, қорани оқ десак, бош эгиб кетаверсак... ўзимиз ҳам бир кун ўша қоранинг касрига учраймиз. Ҳар ким бошига ёққан қорни охири ўзи куради, укам. Ҳақ ҳар қанча аччиқ, оғир бўлмасин, дадил айтиш керак уни. Ҳалол одам ҳамини шундай қилади!

Шу билан фикрларига гўё нуқта қўйгандек, қўлидаги бўш пиёлани дастурхонга юмалатиб юборди-да, Азизга бир қараб олиб, гулдор фанерли шифтга тикилганча хаёлга толди. Азиз бадтар ўнғайсизланди; нима дейишини билмай гаранг турди, кейин Маҳамат чатоқни юпатгансимон оҳангда:

— Бекорга куйинманг, Маҳамат ака,— деди.— Бир гап бўлар. Сиз ўзингизни ўйланг. Тезроқ тузалинг.

— Э, мени қўяверинг! Отдайман. Сал кучга кирай деб ётганим. Ҳозироқ далага чиқи кетишим мумкин! Мен сизни... сизнияммас... адолатни ўйлайман! Бу келишувчиликда, бу бўшанглигингизда ҳали кўп қоқилиб қолишингизни ўйлайман, ука! Ҳар учраган чўпдан ҳадиксирагандан кейин яшашнинг нима ҳожати бор?! Сиз қандай ўйлайсиз, қандай фикрдасиз-у, билмайман, аммо менинг гапим ўша-ўша! Ишингиз менга тақалгудай бўлса, мабодо сизга зиёни теккан тақдирда ҳам, иккиланмай виждоним айтганини қиламан! Худога минг қатла шукурки,— Маҳамат чатоқ ўз художўйлигини ўзи эрмак қилаётгандай, кўз қисиб кулимсираб қўйди,— шу пайтгача ҳали бирон марта ёлғон гапирмадим. Бундан бу ёғига ҳам қанча умрим қолди, гапирмасам керак!..

Азиз Маҳамат чатоқ билан анчагача гурунглашиб ўтирди. Пахта-сидан, унинг сифатидан гаплашишди. Бошқа гал чиқиб, бу йилгисидан тўла намуналар олиб кетадиган ҳам бўлди. Кейин хайрлашиб, ўрнидан қўзғолди. Азиз қўйинг деса ҳам кўнмай, Маҳамат чатоқ инқиллаб ўрнидан турди, ўнг биқинини ушлаб ҳовлига тушди. Боя хотини овқат олиб кирганда ишора қилган эканми, Иқлимхон ая Азизнинг чиқишига бир сетка қишлик узум тайёрлаб турган экан.

— Азизжон, янаги йилги ҳосилимиз бунданам зўр бўлади. Қаранг, қиш қаттиқ келади!— деб, Маҳамат чатоқ ҳовлидаги қорамтир танаси-

дан ёмғир суви сизиб тушаётган яланғоч дарахтларга имо қилди. Азиз дарахтларга қараб, ҳеч нарса тушунмади. Маҳамат чатоқ буни сезиб, кўзларини айёрона қисганча гапида давом этди:— Дарахт барги тагидан тўкилса қиш енгил келади, устидан тўкилса — қаттиқ. Қиш қаттиқ келса сув сероб...

Чиндан ҳам деярли ҳамма дарахтларнинг баланд шохлари шир яланғоч новдага айланган, лекин пастки қисмида эса уч-тўрттадан сарғиш барг ҳамон тўкилмай турарди... Чап ёндаги, кундузи бўлса ҳам чироқ ўчмаган хонадонда болаларнинг қийқириқ-сурони, дупир-дупири эшитилар, Маҳамат чатоқ невараларининг бу «от ўйини»дан мамнун ҳолда ҳадеб улар томонга қараб жилмаярди.

У Азизни кўчага кузатиб чиққач, қўл олишиб хайрлашаркан:

— Сиз яшаётган жойингизни унутманг! Ҳар қандай мушкулингиз ҳам ҳақ олдида шиша синигидек чилпарчин бўп кетади! Ташвиш тортмай, виждонингиз нимани буюрса — шуни қилаверинг! Мен илмларингизни қайдан билай, эҳтимол, ўша ноинсофларнинг ҳам хизмати бордир...— деди Азизга оталарча насиҳатга ўтиб.— Аммо-лекин зўравонлик қилишса, у ёғини менга қўйиб берасиз. Шармандасини чиқараман! Кимлигингизни, қай юртда яшаётганингизни унутманг, билдингизми?!

Азиз Маҳамат чатоққа меҳр билан боқиб, бошини лиқиллатди-ю, тез-тез юриб узоқлашиб кетди. У юрагини бўшатиб олгани ва Маҳамат чатоқ унга катта далда берганидан ўзида йўқ шод эди; қушдек енгил сезарди ўзини... Аммо шунда ҳам бари бир бундан буён қандай йўл тутишини у аниқ билмасди. Чунки тушган оқими ҳаддан ташқари зўр оқимлигини, бу гирдобдан фақат фавқуллода қудратли қўлгина қутқариб қолмаса, сарсон-саргардон бўлишини ҳам яхши биларди.. Бироқ Азиз айна шундай кучли, забардаст қўллар туфайлигина яқиндан бери ёруғлик кўра бошлади-ку, ахир!? Уша замон қўли, давр қўли бўлмаганда, эҳтимол шу пайтгача ҳам унинг ишини кўплар майна қилиб юрармиди?! Энди эса орадан бошқа ташвиш чиқди! Энди Азиз ўша ўзи яратган ва сал кундаёқ оғизга тушиб кетган кашфиёт фақат ўзига тааллуқли эканини исботлаш учун курашиши керак!..

Бу фикрни ўйлаш ҳам мароқли, ҳам азобли эди...

21

Бугун катта илмий совет йиғилиши. Унда, колхозлардаги йиллик ҳисоботга ўхшаб, мавсум бўйи қилинган ишлар ғалвирдан ўтказилди, ютуқ ва камчиликлар кўрсатилиб, янги режалар белгиланади. Шунинг учун бўлса керак, орада аллақандай тантанавор руҳ ҳукм сурарди. Илмий советга барча лаборатория ва бўлим раҳбарларидан тортиб, кичик илмий ходимларгача анча олдиндан пухта тайёргарлик кўришган, ҳамманинг бу йиғилишдан ўзига яраша орзу-умиди бор эди... Директор кабинетигади уезун столга у ер-бу ерда бир-иккитадан оқ қоғоз ва котига қиз кеча очиб тайёрлаган янги қалам, «Тошкент» минерал суви, иккита кулдон ҳам қўйилганди. Расул Оллоёровичнинг ўнг томонида академия президиумидан вакил бўлиб келган чўққибош, ёши олтмишлардан ошган кекса фан арбоби ўтирибди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг топшириғига биноан бугунги советга яхшилаб тайёрланган, у фақат янги навга оид белги-хусусиятларни қисқагина изоҳлаб ўтиши, кашфиётнинг халқ хўжалиги, пахтачиликдаги аҳамияти ва унинг истиқболи хусусидаги бошқа тадбирларни эса Расул Оллоёровичнинг ўзи ва қисман Муҳиддин Жабборович сўзлаб беришлари зарур эди... Тўғриси, Азиз Маҳамат чатоқниқига чиқиб келгач, уч-тўрт кунгача у айтган гапларнинг маъно ва оқибатларини ўйлаб

юрди. Кейин табиатидаги юмшоқлик, журъатсизлик туфайли яна шу ердаги муҳитга мослашди-ю, «домлаларимни хафа қилиб нима обрў топаман?.. Барибир тақдирим шуларнинг қўлида... Ҳар қалай инсоф қилишар... ишимнинг ҳеч бўлмаса етмиш фоизи ўзимга қолар... ўтиз фоизини олишса — олишсин, розиман...» деган қарорда тўхтади.

Шунинг учун ҳозир кўнгли тўқ: орқа қаторлардан бирида ўтириб, ўзига сўз навбати келишини кутарди. У мажлис бошиданоқ ҳали ис-тилмай туриб дим бўла бошлаган кенг кабинетнинг шифтлари, ҳар тур-ли диограмма ва пахта навлари илиб қўйилган баланд деворларига тер-милиб ўтираркан, тўрдаги деразага ўрнатилган конденционерни ишла-тиб қўйса ҳам бўларкан, деган фикрга келди ва шу диққинафас хонада неча йиллардан бери баҳс, ижод руҳи, фикрлар, ҳиссиётлар, асаблар кураши яшаб келаётганини ўйлади-ю, назарида бирдан шу нарсалар гўё деворларгача сингиб кетгандек туюлди...

Тартиб бўйича дастлаб институтдаги йирик олимлар бошлиқ ла-боратория ва бўлимлар ҳисобот беришди... Умуман олганда, совет йи-ғилиши унақа бир хил пайтдагидек сан-манга бормай, тинчгина, иш-чанлик вазиятида ўтди. Фақат қишлоқ хўжалигида вақт факторини тадқиқ қилаётган бўлимдагиларгина бир оз терлашди. Шу бўлимнинг катта илмий ходими, яқинда кандидатликни ёқлаган Константин Пак деган корейс йигити вақтни тежашнинг умумий қонуни ва социалистик жамиятдаги модификацияси масаласини мароқ билан гапириб турган-да, тўсатдан Муҳиддин Жабборович унга:

— Илтмос, шу ишларнинг самарадорлигини мисоллар билан айт-сангиз,— дея савол ташлаб қолди. Бу фикрни ўша заҳоти Расул Олло-ёрович билан академия президиумидан келган вакил ҳам маъқуллаш-ди. Қўққисдан тушган саволдан Константин Пак аввалига қизариб кет-ди, довдираганидан ҳадеб қоғозларини титкилай бошлади. Кейин дудуқланиб, яна умумий гапираверди. Ҳамма ўзига миҳланиб қараб тургани ва кимсан Муҳиддин Жабборовичдай одам шундай зардали савол бергани учун ҳозиргина сайраб турган олим худди йўли тўсил-ган ариққа дуч келган сув нишабликка тошгани сингари фикрлари парокандалашди. Атрофдагилар чурқ этишмасди.

Хайрият, Пак бир-икки минутдан сўнг ўзини босиб олди. Атайлаб охирига сақлаб қўйган ўткир мисолларини топди-да, мажлис аҳлига дадил қараб, шошилмай сўзлай бошлади. Расул Оллоёрович эса унинг жавобидан қониқётганини билдириб, бошини қимирлатиб-қимирлатиб қўйди. Муҳиддин Жабборович эса ҳамон жим; Пакнинг жавоби маъ-қул тушяптими ё йўқми — билиш қийин эди.

Ҳозиргина хотиржам ўтирган Азиз Пакнинг аҳволини кўриб, қафт-ларигача терлаб кетди... Ёзиб олган факт ва далилларини яна бир бор кўздан кечириб чиқиш мақсадида уларни шоша-пиша варақларкан, анови кунги Маҳамат чатоқнинг гапларини ўйларди. «Ҳе, содда одам-а! Мана бунақа томошаларни билмайди-да, у! Бир оғиз луқма билан қан-ча йиллардан бери умрини шу мавзуга бағишлаб келаётган, институтда «яхши мутахассис» деб ном чиқарган олимни йўққа чиқариб қўйди-ю... мажлис аҳлининг фикрини ўзгартириб юборишига сал қолди!.. Бу-ку, илмий даражали, ўз йўлини топган одам... Мен кимман?.. Мен қандай олишаман булар билан?..»

Бошқа ортиқча гаплар бўлмади. Деярли ҳамма ҳисоб берди. Азиз эса ҳамон навбат кутиб, юраги пўкиллаб ўтирар, Расул Оллоёрович негадир унга сўз бермасди. Бир пайт қабулхонадаги ва кабинетдаги осма соатлар галма-галига даңғиллаб занг урди; ҳамма ўгирилиб де-ворга қаради. Расул Оллоёрович худди шу дақиқани кутиб тургандай:

— Агар бошқа саволлар, таклифлар бўлмаса, шу билан кенгайти-рилган советимиз тугади, ўртоқлар,— деди одати бўйича кўзойнагини

алмаштириб, кейин Азизга қараб «сиз шошмай ўтираверинг» дегандай кулимсираб қўйди.— Яна бир масаламиз бор. Уни совет аъзолари билан муҳокама қилсак ҳам бўлаверади. Илтимос, совет аъзолари кетмасин, қолганларга рухсат.

Сал кам уч соат давом этган зерикарли йиғилиш ва димиқиб кетган хонадан қутулганлари учун одамлар дув ўринларидан туришди ва зум ўтмай кабинет анча бўшаб қолди. Расул Оллоёрович шер оёқли, залворли столида эгилиб ўтирганча, бир оз нафасини ростлаш маъносида гоҳ академия вакили билан, гоҳ Муҳиддин Жабборович билан кулиб-кулиб нималар ҳақдадир бўйинни чўзиб гаплашарди. Азиз эса чиқиб кетишини ҳам, қолишини ҳам билмай совет аъзолари олдида хижолат чекиб, охири индамай ўтираверди. Говур-гувур суҳбат билан орадан беш минутча вақт ўтди. Расул Оллоёрович мажлисининг давом этишини гўё шундагина эслаб қолгандай қаламининг орқасини столга уриб-уриб:

— Ҳурматли совет аъзолари,— деди хийла ҳорғин қиёфада.— Яна бир масала бор. Уни атайлаб ўз муҳокамамизга олиб қолдик, ўртоқлар билан келишиб,— Расул Оллоёрович ҳурмати юзасидан академия вакилига ишора қилиб қўйди.— Негаки, бу ҳали унча пишмаган гап. Ҳали ишнинг бошланиши. Шу сабабдан элдан бурун ҳаммага жар солмайлик-да, ҳозирча ўзимиз муҳокама қилайлик. Биз шунга келишдик. Қаршилиқ йўқми?

Ўтирганлар «қаршилиқ йўқ» дейишгандан сўнг Расул Оллоёрович гапида давом этди:

— Биз ютуқларимизга, халқ хўжалигига қўшаётган катта, ҳа, иккиланмай айтиш мумкинки, катта ҳиссамизга маҳлиё бўлмаслигимиз керак. Бугунги яхши ишимизни эртага янада яхшилаш учун унга ҳамини танқидий кўз билан қараб, танқидий ёндашишни бизга доимо партиямиз уқтириб келмоқда. Бунинг унутмаслигимиз керак. Мана, ҳозиргина барча бўлим ва лабораторияларнинг мудирлари ҳисоб беришди, ўртоқлар. Уларни эшита туриб, кўнгил қувонади! Тоғни урса толқон қилладиган йигитларимиз, қизларимиз бор! Аҳил коллективимиз аъзолари партиямиз ва халқимизнинг буюк ишончини ҳалол оқлаётганларини бугунги сарҳисобдан ҳам кўриб турибмиз...— Расул Оллоёрович «сарҳисоб» сўзини ишлатганда Муҳиддин Жабборович мийғида кулиб қўйди. Чунки директор вақтли матбуотда учрайдиган бирон-бир сўз таъбига ёқса, дарров уни «ўзлаштириб», кўп қайтараверишини яхши биларди.— Бугина эмас, институтимизда тагин бир йирик ишни бошлаб юборганмиз. Агар биз кутгандек натижа чиқса, ишонинглар, дўстлар, давлатимиз, халқимиз, пахтакорларимиз олдида юзимиз янаям ёруғ бўлади...

Расул Оллоёрович шу ерда худди катта мажлисларда гапираётгандай бир дам сўлиш олди, атрофига разм солиб, қисқача нутқи ўтирганларга қандай таъсир этганини билмоқчи бўлдими, жовдираб қаради. Кейин қаноат ҳосил қилди шекилли, мамнунлигидан юзи ёришиб кетди.

— Бу ёғини сўрасангиз, биз ишлаб чиқаётган янги навга ҳали ном ҳам қўйилмаган. Фақат лаборатория ва кичик тажриба майдони шароитида тадқиқот ўтказилди, холос. Ишнинг қийини ва асосий босқичи — ҳали олдинда. Аммо қўлга киритган лаборатория натижаларимиз бизни қувонтиряпти. Энди уни зудлик билан ишлаб чиқаришга жорий қилиш устида бош қотиряпмиз. Хўш, бу янгилик нимадан иборат? Маълумки, ҳозирги кунда пахтачилик вилтдан мисли кўрилмаган даражада оғир зарар кўряпти... Бу вабо натижасида кўпгина районларда мўлжалланган ҳосилнинг ҳатто ярми ҳам етишмаяпти. Биз,— Расул Оллоёрович йўталиб, ерга қараб ўйланиб турди, кейин давом этди,— яъни, олимларимиз, мана ҳурматли Муҳиддин Жабборович бошчилиги-

да дадил бир тажриба ўтказа бошладик...— Расул Оллоёрович яна тўхталиб қолди; умуман, гапларидаги бояги мантиқ, шиддат бирдан бўшашгани, фикрлари энди анча тартибсиз шаклда келаётганини ўтирганлар ҳам дарров сезишди.— ...Хуллас, вилтга чидамли янги нав яратилди, ўртоқлар! Айниқса, ёш олимимиз Азиз Қосимовнинг хизматлари салмоқли бўлди. У Муҳиддин Жабборович раҳбарлигида яхши ишлади. Академик Муҳиддин Жабборовичнинг катта илмий ва ҳаётий тажрибаси қўл келди. Тўғрими?— Расул Оллоёрович шундай деб кўзойнаги устидан Азизга қаради ва кулимсираганча ундан тасдиқ ишорасини кутди. Азиз мажлисда ҳукм сураётган умумий руҳ тазйиқи остида аввалига «тўғри» дегандай бош ирғади; аммо нотўғри иш қилгани кейинги дақиқадаёқ фаҳмлади-ю, лекин бир нарса деса вақт ўтган эди. Ранги қув ўчганча Расул Оллоёровичга қулоқ солиб ўтираверди.— Ўртоқлар, бу даврада айтиш мумкин... орқаворатдан шундай гап-сўзлар ҳам эшит-япмизки, гўё бу катта ишга аввалига кимлардир тўсқинлик қилганмиш... бу янгиликни коллектив эмас, биргина одам яратганмиш... Борингки, мана шунақанги сийқа гаплар! Қачон қараса, шу: сал тузукроқ кашфиёт чиқдими, атрофида албатта олов ёқадиган, ғайирлик тегирмонига сув қуюдиганлар дарров кўпайиб қолади. Биз бунга зарба бермоғимиз керак. Коллектив фикрини ҳурмат қилмайдиган, шахс қобилятини коллективга қарши қуюдиган бузғунчилик кайфиятидаги кишиларга бизнинг орамизда ўрин йўқ! Соғлом, аҳил коллективимизнинг бир-иккита худбин, шахсиятпараст вайсақиларга бемалол кучи етади, уларни тийиб қўйишга кучимиз етади!

Шу ерда Муҳиддин Жабборович узун бир йўталди. Бунинг маъносини атрофда ўтирганлар ҳам тушунди. Авваллари Азизга қарши Муҳиддин Жабборович ортиқча жаҳлланиб зарда қилган пайтларда қайтага Расул Оллоёрович мана шундай маъноли йўталлар билан академикни босиб турарди. Энди қарангки, Расул Оллоёрович ўз нутқига ўзи маҳлиё бўлиб, ҳа деса қизишиб боряпти. Муҳиддин Жабборовичнинг йўтали директорга чиндан ҳам тез кор қилди. У кўзойнаги устидан бир зумгина академикка «нима гап» дегандай термилиб турди-ю, кейин қоғозларини титкилаб, асосий мавзуга кўчди:

— Бу навнинг аҳамиятини ҳозир аниқ баҳолаш қийин, албатта. Агарки, ишнинг бошида бу кашфиёт принципига баъзи ўртоқлар шубҳа билдирган эканлар, бунинг ҳеч ажабланидиган жойи йўқ. Бу табиий бир ҳол!— Расул Оллоёрович бояги баҳсини бари бир давом эттиргиси бор эди.— Бунинг нимаси ажабланарли, ахир, ўртоқлар?! Фанда баҳс тўхтаркан, амин бўлаверингларки, фаннинг ўзи ҳам тўхтади!.. Ҳўш, энди асосий масалага ўтсак, ўша янги навнинг қандайлиги, белги ва хусусиятлари, умумий характеристикасини ёш олимимиз ўртоқ Қосимов қисқача шарҳлаб берадилар,— Расул Оллоёрович шундай деб соатига қараб қўйди.

Азиз шошмай, дона-дона гапира бошлади. Ҳатто бунга ўзи ҳам ҳайрон қолди. Ҳозиргина кафтларигача терлаб ўтирган одам, энди бирдан ўзини тутиб олди-да, қўлида факт ва далиллари етарли бўлгани учун асосли ва ишончли бир руҳда ахборот беришга ўтди. Ора-сира гоҳ Муҳиддин Жабборович, гоҳ Расул Оллоёрович майинлик билан луқма ташлаб уни тўхтатишар, «анови тажрибаларни ҳам айтинг-да» ёки «мен таклиф этган қиёсий таҳлилдан сўнг қандай натижа чиқди?» деган қабилда ёрданчи савол беришар; бунга Азиз худди ўргатилган тўтидай жавоб қайтараётганидан ҳатто ўзи ўнғайсизланар, лекин кўпчиликнинг якка одам бас келолмайдиган кўз илғамас салобати борлигини ҳам Азиз янада чуқурроқ ҳис этар; шундаям бари бир бутун мажлис аҳли унинг ахборотини жон қулоғи билан тинглаётганидан завқи ошиб, борган сари дадилроқ сўзлар эди. Охири бир-икки савол-жавобдан сўнг

Азиз гапини тугатиб, ўрнига бориб ўтирди. Расул Оллоёрович яна ўрнидан туриб:

— Биз бу ишни келаси йилдан Давлат синов комиссиясига топширадиган бўлдик.— деди. Утирганлардан айримлари чапак чалди. Расул Оллоёрович чапак чиққан томонга қараб кулимсираб қўйди.— Раҳмат, дўстлар! Раҳмат... «Фан» нашриётидан кейинги йилларда институтда яратилган янги, самарадор пахта навлари ҳақида китоб ёзиб беришимизни сўраб, илтимос қилишяпти. Битта ақл — битта, иккитаси иккита! Кенгашли тўй тарқамас... Модомики, йиғилибмизми, шу нарсани ҳам маслаҳатлашиб олсак. Менинг фикрим — бу китобга Муҳиддин Жабборович билан Азиз Қосимовни муаллиф этиб тайинласак...

Расул Оллоёрович гапини тугатмасидан Муҳиддин Жабборович сўз сўраб қўл кўтарди. Директор «марҳамат» дегач, ўрнидан турди ва гижимланган шимини тортиб-тортиб тўғрилади-да:

— Бажонидил, биз бундай китобни ёзамиз,— деди мажлис аҳлига бир-бир қараб.— Бу масъулиятли, шарафли иш! Бажонидил ёзамиз. Аммо битта таклифим бор... Бу ниҳоятда жиддий мавзу, ваҳоланки, институтимизнинг юзини кўрсатадиган мавзу... Шундай экан, муаллифлар коллективи назаримда кучлироқ, обрўлироқ бўлмоғи даркор... Шунча ютуқларимизнинг бошида, ваҳоланки, мана шу ўзимиз билган Расул Оллоёрович турибдилар. Таклифим: муаллифлар қаторига у киши киритилишлари керак.

— Йўқ, йўқ!— деди Расул Оллоёрович сиполик билан бош чайқаб, аммо қувонганидан бўйинларигача бўртиб кетган эди.— Биз энди ўзимизни қўяйлик... ҳали номи чиқмаган, келажаги бор ёшлардан бўлгани маъқул...

Лекин Муҳиддин Жабборович айтганида туриб олди ва охири фикрини ўтказди: китоб ёзиш Расул Оллоёрович, Муҳиддин Жабборович ва Азиз Қосимовларга юклатилди...

Шу билан илмий совет йиғилиши тугади-да, академия вакили, Азиз ва Муҳиддин Жабборовичдан бўлак ҳамма тарқади. Академия вакили яна бир оз суҳбатлашиб ўтириб, йиғилишга ўзича баҳо берган киши бўлди, кейин кетишга чоғланди. Уни Расул Оллоёрович ташқаригача кузатиб чиқди-да, шоферини чақириб, «домлани айтган жойларига ташлаб келинг» деб хайр-маъзур билан жўнатди... Кейин йўл-йўлакай ҳар хил масалаларни ўртага тиқиб мурожаат қилган ходимлар билан гаплашиб, охири кабинетига кирди. Бу пайтда Муҳиддин Жабборович Азиз билан нима ҳақдадир ёзилишиб суҳбатлашар; директор разм солса, ўртада гина-кудурат бўлаётган, Муҳиддин Жабборович «мен сизга илгаритданоқ меҳрим бор эди-ю... аммо ёшлигингизга қарамай, сиздаям дилозорлик кўп» деб, Азизнинг «айб»ларини юзига солаётган экан. Директор кириши билан улар ўртасидаги гапнинг тархи ўзгарди.

— Мана, йиллик ҳисобот ҳам ўтди,— деди Расул Оллоёрович қўлларини ишқаб.— Энди, домла,— у Муҳиддин Жабборовичга мурожаат этди.— Азизжоннинг диссертациясини тезлатишимиз керак. Азамат шунча иш қилса-да, ҳатто кандидатлик даражаси ҳам бўлмаса... қизиқ туюларкан!

Муҳиддин Жабборович ерга қараб кулимсиради ва гап оқимини бошқа йўналишга солиш мақсадида:

— Ҳа, энди домла, сиз билан биз ҳаммасидан ўтиб олганмиз,— деди.— Кандидатлик кўзимизга ўйинчоқ бўлиб кўринади, ваҳоланки, эламай гапирамиз. Аслида кандидат бўлиш осон эканми? Азизжондақа вақтларингизни бир эсланг... Қийналганларимиз ёдингиздан чиқиб кетди-да. Энди «ҳатто кандидатлик» деб менсимай гапиряпмиз!

Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборович эътирозидagi нозик нуқ-

тани дарров тушунди. «Бу гўдакни ҳовлиқтириб юборманг... Аввал кандидатликни эплаб олсин-чи, у ёғи бир гап бўлар» деган маънони уқди унинг луқмасидан. Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовичнинг эҳтиёткор зеҳнига яна бир бор қойил қолди; бу одам севинганда ҳам, хафа бўлганда ҳам — бир хил. Расул Оллоёрович эса Азизни ўзига яқин тутаман деб у билан тенгқур оғайнидай муомала қилаётганини Муҳиддин Жабборовичнинг гапидан кейингина англаб етди...

Охири иккала домла катта ҳамият кўрсатиб, Азизни бир ойга институт ишидан озод қиладиган, у эса тўплаган материаллари асосида кандидатлик диссертациясини қоралаб келадиган бўлди. Ҳатто Расул Оллоёрович тегишли кишилар билан гаплашиб, қишда талабгорлар камлиги сабабли ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижодий уйига бир ойлик путёвка олиб беришни ҳам ваъда қилди. Азиз бирдан Салтанатни ўйлаб:

— Йўқ, раҳмат, уйда ҳам ёзавераман,— деган эди, Расул Оллоёрович уни ҳазил билан қайириб ташлади:

— Бўлмаган гап! Уйда тинч ўтираркансизларми, сиз ёшлар!— деди Муҳиддин Жабборович атайлаб кўз қисиб.— Бўлмайди! Уйда чалғийсиз. Иш юришмайди уйда. Сизга ҳозир холи, ҳеч ким халақит бермайдиган жой керак. Ўша ёзувчиларнинг уйи айни муддао. Аммо огоҳландириб қўяй, тагин диссертацияни ҳам шеър билан ёзиб юрманг!— Расул Оллоёрович ўз топқирлигидан ўзи таъсирланиб, шу даражада ёзилиб қаҳқаҳа отдики, ундан завқланиб Муҳиддин Жабборович ҳам, Азиз ҳам кулиб юборишди.

22

Азиз шунча йил Тошкентда яшаб, шаҳарнинг шундоқ биқинида ёзувчиларнинг шу қадар сўлим боғи борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Биринчи кун у азим туп чинорлар тагида узоқ-узоқ тўхтаб, тепасига қараб... боғ ўртасидан зувуллаб ўтаётган катта анҳорга тикилиб... чарчоғи босилгунча айланиб юрди... Ижод уйи қоровулидан бу боғни асли марҳум Ҳамид Олимжон очгани, Азиз ўрта мактаб дарслигида ўқигани — Яшин, Уйғунлар ҳам ҳозир ёз пайтлари шу ерда яшашларини эшитганда аввалига жудаям ҳаяжонланиб кетди. Яшин билан Уйғун яшайдиган коттежларнинг рўпарасида анча туриб томоша қилди. Пишиқ гиштдан ишланган икки қаватли бинолар экан. Теварак-атроф эса гул. Яна шунақа уйлар қатор тизилишиб турибди. Азиз қизиқиб, бошқаларида ким яшашини ҳам сўради. Қоровул бирма-бир юриб, ҳаммасини тушунтира кетди... Аммо Азиз мактабдан сўнг деярли адабиётга қизиқмагани, ўқишга қўли тегмагани, тўғрироғи, ҳафсала қилмагани сабабли қолган ёзувчиларни, гарчи исмлари қулоғига иссиқ чалинса ҳам, бари бир танимади. «Ҳойнаҳой, кейин чиққан шоирлардир» деб ўйлади-ю, ҳаётдан анча орқада қолиб кетганини ҳам тан олиб қўйди. Диссертациясидан эсон-омон қутулса... ҳозирги ёзувчиларнинг зўр-зўр асарларини йиғиб, бир чеккадан ўқиб чиқишни кўнглида ният қилди...

...Бир томондан у иши жўнашаётганидан хурсанд эди. Шу пайтгача кандидатликни ёзишни у бамисоли устидан ошиб бўлмас тоғдан ҳам беш баттар мушкулот деб биларди. Авваллариям ғайрати қистаб кетган дамларда неча марталаб илмий ишини ёза бошлаган, аммо сал совугач, ёзганлари кўзига жудаям жўн кўриниб, парча-парча йиртиб ташлаган ёки «архив» қоғозлари турадиган қалин папкасига солиб қўйган вақтлари кўп бўлган эди. Ҳозир эса... ишлари юришгандан юришиб кетди!.. Расул Оллоёровичга минг раҳмат, Азизни мана шундай хилват боғга чиқариб, «қани, ишланг» дегандай меҳрибонлик қилди. Чарчаса

шундоқ ҳовлини айланиб келади-да, яна қоғозлари, диссертациясининг қисмлари, жадвалларига кўмилади... Ишга берилиб кетганидан икки қадам жойда туриб, ўн беш кун ичида уйига бор-йўғи икки дапқиргина тушиб чиқди, холос. Биринчи тушганида эшикдан кириши билан Салтанат:

— Вой, буни қаранг-а! Салгина, атиги ярим соатча кечикдингиз,— дея афсусли сўзлар билан кутиб олди уни. Азиз «нима гап» деган маънода хотинига ҳайрон бўлиб тикилган эди, Салтанат гапини хушнуд бир кайфиятда давом эттирди:— Маҳамат ака келувдилар. Бир соатча ўтириб, чой ичиб кетдилар. Ярим соат ё бўлди, ё бўлмади.

— Ҳа, тинчлик эканми? Нима иш билан кепти?

— Тинчлик бўлмай нима? Бечора операцияларга тушибди. Яқинда чиққан экансиз-у у кишиникига, мундай айтмайсизам!— Салтанат ди-моқ қилди.— Бир оғиз айтсангиз...

Азиз яқинда далага чиққани, ҳатто бир сетка узум кўтариб келиб ҳам Салтанат сўрамагани учун индамай қўя қолганини эсладида:

— Узумини еб-еб, боғини энди суриштирасизми?— деди ҳазилла-шиб. Салтанат ҳам гапнинг тагидаги нимкосасини дарров пайқади-ю: «Вой, ўша ерданмиди? Узимам айтувдим-а, мазаси бошқачароқ деб!» деб кулиб юборди.

— Боёқиш, кўзлари ичига чўкиб кетибди. Ачиндим. Хўп яхши одам-да... Гапларига тўймайсиз. Анови... нимаям деди-я... Ҳа, Ҳосил байрами бўларканми? Шаҳарда туриб биз билмаймиз-у, қайтага қиш-лоқилар ҳаммасидан хабардор! Отчопарда пойга бўпти. Шунга кептилар. Биратўласи сизни ҳам кўриб ўтай деб кирганлари экан. Анча гап-лашиб ўтирдик. «Шунақа, ёзувчи бўп кетганлар» десам, «хайрият-ей, туф-туф, кўз тегмасин» дейдилар. Нуқул «келин, йигилишиб бир боринглар энди... юмушларимиз анча товсилган пайт... боринглар» деб қистайди денг, боёқиш... Бир чиқсак-чи, Азиз ака? Ётаверамизми шу диққинафас Чилонзорингизда?!

Азиз хотинига қараб кулимсираб қўйди, аммо хаёли эса бошқа ёққа учди. «Ҳойнаҳой, бекорга кирмагандир бу Маҳамат чатоқ? Бир гапи бўлган-у, айтолмаган...»

— Ҳеч нарса демадимми?

— Йў-ўқ, ҳа-а... чиқиб кетаётганда, «Азизжонга айтинг: ҳеч таш-виш тортмасинлар... ҳаммаси жойида... ишни битираверсинлар» деди. Мен ҳам ўзи айтмагандан кейин ажагилаб суриштириб ўтирмадим.

Азиз Маҳамат чатоқнинг бировга меҳрибонлиги, одамшавандали-гидан таъсирланди-ю, кейин тўсатдан:

— Ишхонадан ҳеч ким сўрамадимми?— дея қизиқсинди.

— Йў-ўқ... Муғомбирлик қилманг... ўзлари юборишди-ку сизни, ўша курортга! Керак бўлсангиз, топволишар.

Азиз хотинининг «курорт» деб атаган нозли кесатиғига кулгиси кистади-ю, жилмайиб қўйди...

Эртаси кун и азонда туриб, яна ёзувчилар боғига қараб жўнади. Автобусда бораркан, кайфияти баланд, ишлари жадаллашаётганидан севиниб, янги куёвлик вақтида қайнотаси айтган қизиқ бир гап тўсатдан ёдига тушди ва ўздан-ўзи кулиб юборди. Ёнидаги — дўпписининг жиякларини ёғ босган, бароқ қошлари диккайган, кирза этикларининг орасига каттакон қоп қўйганча мудраб келаётган деҳқон ҳам Азизнинг бесабабдан-бесабаб ўзича кулаётганини кўриб, «тавба» дегандай унга ажабсиниб тикилди, кейин нарироқ сурилиб ўтирди-да, юзини тескари бурди. Азиз эса ҳамон ўша гапни эслаб илжаярди. Нима ҳам бўлиб, қайнотаси омаддан баҳс очиб, «э, омади келса, калнинг бошига ҳам соч чиқиб кетаркан» деганди ўшанда. Азиз халқнинг бу нозик қочирфи-даги ўткир маънодан завқланиб, яна кулди...

Азиз учинчи марта уйига боғдан кетишига тўрт кун қолганда тушди. Тушмасди-ю... биринчи йили олган натижаларининг жадвалини шунча қидиргани билан кўтариб чиққан қоғозлари ичидан тополмади-да, ўйлаб-ўйлаб, телевизор тагидаги кичкина шкафчада ҳам бир тўп қоғозлари борлигини эслаб, «эхтимол, ўша ердадир» деган тахминда йўлга тушди. Уйга соат бирларда келди. Кетма-кет қўнғироқни босди. Негадир ҳеч ким индамади...

Анча совуқ тушиб қолган, кеч куз бўлгани учун баъзан тўсатдан қиш ҳавосидек аччиқ изғирин эсиб қолар, бир куннинг ўзида ҳамма иссиқ кийимга бурканиб оларди. Бунақа пайтда Салтанат ҳатто ойиси чақирса ҳам, Беҳзод шамоллаб қолади деб, иссиқ уйдан чиқмасди. Азиз шунга хавотирланди.

Рўпарадаги қўшниникини жиринглатаман деб турганда, гийқ этиб эшикнинг ўзи очилди. Журналист ҳамсоясининг хотини — ўрта бўй, оппоқ, лўпигина, гажак қўйган жувон Азизга майин жилмайиб қаради-ю, «қалай, яхши дам оляпсизми?» деб сўради. Азиз қўлини кўксига босиб раҳмат айтди ва Салтанат унга ҳам мақтаниб улгурганидан бир оз хижолат чекди.

— Қўшнингиз кўринмайдими?

— Боягина кўзим тушувди. Беҳзоджонни кийинтириб, чиқиб кетаётувдилар. Мен қаёққа деб сўрамадим, у киши ҳам айтмадилар. Нима, йўқмилар?

Азиз «ҳа майли, узр» деб зинадан зипиллаб пастга тушди ва «қарга кетганикин? Ҳойнаҳой, ойсиникида..» деган фикр ундови билан тўппа-тўғри сартарошхона олдидаги автомат-телефонга қараб юрди. Бориб, уч-тўрт марта телефон қилган эди, нуқул қисқа дут-дуг эшитилаверди. Охири «телефон бузуқ бўлса керак» деб, таваккалига яна бир бор керакли рақамларни терганида, телефон тўғри тушди. Беш-олти гудок бўлгунча кутиб турди. Трубкани Салтанатнинг онаси олди; Азизнинг аввал сўрашиб, кейин «Салтанат шу ердами?» деган сўроғига қайнонаси ҳам:

— Қаердан гапиряпсиз?— дея савол билан жавоб берди.

— Чилонзордан, автоматдан!

— Тавба! Эр-хотин сира гапларингиз бир ердан чиқмади-чиқмади-да! Салтанат бечора сизни қидириб сарсон бўб юргандир. Сиз бу ёққа кепсиз, тавба!..

— Э, мен қаёқдан билай? Боришини айтмаган бўлса! Мен ҳам бир қоғозимни қидириб тушдим.

Қайнонаси бир оз жим турди-да:

— Ҳар нарсани айтаверадими?— деди жонсизгина оҳангда, қизининг ёнини олишга уриниб.— Унда келаверинг шу ерга. Сизни топмай, қайтиб кеп қолар.

— Йўқ, шошиб турибман... Менга ўша қоғоз керак. Мабодо келса, айтарсиз. Ҳозир институтга бориб, бир хабар олай-чи... Яна қўнғироқ қиларман.

Қайнонаси «ҳа, майли» деди-ю, трубкани қўйди. Азиз иши битмаганидан ҳафсаласи пир бўлиб, телефон трубкасини зарда қилиб илди ва оғринганча автобус бекатига қараб юрди... У ҳозир тўппа-тўғри бориб Расул Оллоёровичга кирази, диссертациясининг қанчаси битгани ва биринчи нухсаси тахминан қачон тугагини ҳам айтади. Аввалига Расул Оллоёрович: «Ижод уйидан жой олиб берай» деганда ёқмаган одам, энди у сал кунда мазахўрак бўлиб қолди. Қулоғи тинч. Овқати тайёр. Ҳеч ким халақит бермайди. Бир-икки ёзувчи ҳам шу ерда ишляпти, деган гапни эшитди-ю, бироқ Азиз уларни кўрмади. Ёзувчиларнинг дам олиши ҳам қизиқ экан — фақат ёзишаркан! Хоналарида тун бўйи чироқ ўчмайди... Аммо ҳамма ёқ жим... Хуллас, мириқиб ишлайдиган

жой экан. Ортиқча ҳашамати йўғ-у, лекин ижод қиламан деса ҳамма шароити бор... Шунинг учун Азиз ҳам Расул Оллоёровичга «муддатини яна чўзиб беринг» демас-у, аммо гап айланса, ёзувчилар боғини бир мақтаб, диссертациясининг хомаки нусхасини тугатишига тағин неча кун кераклигини секин қистириб ўтмоқчи...

Шу хаёл билан у институтга келди; тўғри Расул Оллоёрович қабулхонасига кирган эди, ҳар доимгидай ўша сулув котиба қизга йўлиқди; у машинкаси устига кичкина кўзгучасини қўйганча, лабини бўяб, пардос қиларди. Азизга кўзи тушди-ю, кулди, кейин уялганидан шошилиб йиғиштирилди, қошларини ўйнатиб, «бу ёққа кирмоқчимисиз?» деган ишорада директор кабинетини кўрсатди. Азиз ҳам «ҳа, кирмоқчиман» деган маънода бош ирғади. Котиба қиз дикир-дикир юриб, Расул Оллоёрович кабинетига кириб кетди. Анча ҳаяллаб қолди ва ҳозиргина чопқиллаб турган одам, ичкаридан худди тарвузи қўлтиғидан тушгандай бўшашиб чиқди. Азизнинг юзига қарамай, алланарса деб гудранди. Азиз нохуш бир гапни дарров фаҳмлади-ю, котиба қиз машинканинг олдига келиб ўтирмагунча чурқ этмади. Котиба қиз эса гўё Азизни унутгандай сумкасини очиб, ичини титкилай бошлади. Кейин остонага яқин жойдаги стул олдида қаққайиб турган Азизга юзланиб, совуқ бир оҳангда:

— Расул Оллоёрович бандлар, қабул қилолмайдилар,— деди.

Кутилмаган бу жавобдаң Азиз бамисоли яшин теккандай чайқалиб кетди, қаттиқ эсанкиради. Кейинги бир-икки ой ичида у институтнинг эркасига айланиб қолган эди, ҳатто буни ўзи ҳам сезмасди. Жовдираганининг сабаби ҳам шундан бўлса керак, ўша иззат-ҳурматларнинг бирдан ҳавога учгани, беиз йўқолганига ҳайратланганидан бўлса керак...

Расул Оллоёровичнинг қўпол муомаласидан ҳатто котиба қиз олдидаёқ ер ёрилиб, ерга кирмади-ю, шошилганча йўлакка чиқди. Ранги қув ўчиб, бармоқлари титрар эди. Лекин сал ўтмай ўзини қўлга олди ва холисона фикр юрита бошлади: «Иши бодир-да... Шундай катта илм даргоҳининг раҳбари бўлгандан кейин... Мен шу ерда юрган ўнлаб, юзлаб ходимларнинг биттасиман... Нимаси ажабланарли бунинг?! Директор менга эмас, мен унинг вақтига мослашишим керак... Ахир, илгарилари ойлаб, йиллаб ҳатто кўришолмас эдим-ку?..»

У қабулхона эшиги олдида меровсиб туриб қолди ва йўлакдаги креслоларнинг бирига мақсадсиз бориб ўтирди. Кейинги дақиқада бу қилиғи ўзига эриш туюлиб, тез ўрнидан турди ва бориб секин ўз хонасининг эшигини очиб қаради. Ҳеч ким йўқ. Худди биров қуваётгандай ҳовлига чиқди. «Нимадир юз берган! Нимадир бўлган! Ой ҳам, кун ҳам менга боқиб қолувди... бир кунда ўн марталаб чақиртирарди ўзи. Нимадир юз берган! Нима бўлиши мумкин?.. Кунни кечагина қабулхонага ўзи чиқиб, ўзи бошлаб олиб кириб кетарди. Олдида ким ўтирганидан қатъи назар, шундай қиларди... Тавба, раҳбарнинг теварагидаги одамларга ҳайронсан! Шамолга қараб иш тутадиган беқарор кимсалар ҳаммаси!..»

Азизга энди туриб-туриб котиба қизнинг қилиғи айил ботди. Кунни кеча директор билан Муҳиддин Жабборовичлар «Азизжончи, Азизжон» деб юрганларида ҳали ҳаётда боши бир ерга тақ этиб тегмаган мана шу тажрибасиз қизча ҳам Азизга ширин муомала қилиб, пайти келса, ноз-карашмадан ҳам уялмасди. Энди-чи? Директорнинг олдидан чиқди-ю, бирдан бошқа одам бўлди-қўйди!..

Азизнинг назарида энди қолганлар ҳам ундан ўзини олиб қочадигандай, юраги шувиллаб кетди. «Орада нима юз берди ўзи? Нима?» Азиз бармоғида кунларни санай бошлади. Орадан роппа-роса йигирма бир кун ўтди. «Шу вақт ичида нима бало бўлди экан-а?! Еки, ёки...»

Миясига келган фикрдан Азизнинг ранги қув ўчди. «Наҳотки, ишимни марказдаги олимлар ёмон баҳолашган бўлса?.. «Ушаларгаям юборган-миз» дейишаётган эди-ку?.. Эҳтимол, йирик олимлар инкор этишгандир? Шунақада ҳамма четга қочади ўзи!.. Ишнинг фойдасини кўриб туриб ҳам... ёқлашмайди! Мартабали одамнинг ҳукмидан кўрқишади! «Менга нима, шундай машҳур олимга шак келтириб?!» Нима қиламан бошимни оғритиб?...» Мана, уларнинг фалсафаси! Азиз бунақаларни кўравериб пишиб кетди-ку!.. Йўқ, ишига салбий баҳо келганига Азиз бари бир ишонмайди! Келганда ҳам кўрқадиган жойи йўқ!.. Қўлида тахта далиллари, энг муҳими — пахтакорлар маъқуллаб турган янги нави бор!.. Буни ким инкор эта олади, хўш?! Расул Оллоёрович ҳам, Муҳиддин Жабборович ҳам билишади буни. Бекорга хуштор бўлишгани йўқ улар!..»

Шу тақлид асабий ҳолда ўй ўйлаб бораркан, Азиз Муҳиддин Жабборович ҳузурига кирмаганини дарвозага яқинлашгандагина эслаб қолди-ю, директорнинг совуқ муомаласидан сўнг қандайдир ички бир сезги индови билан унинг олдига кириб, вазиятни чамалаб кўришни аҳд қилди ва остонадан ўтаётган жойида орқасига қайтди. Йўлакка кирганда, кўча томонга шошиб келаётган котиба қизга кўзи тушди. Юраги бирдан лоп этиб кетди. «Шаштидан қайтибди, шекилли... мени излаётганга ўхшайди» деган фикрдан нақ кўзлари ёришди. Чиндан ҳам котиба қиз унга узоқдан қўлини силкиди-ю, чопиб келиб:

— Кетиб қолдингиз деб кўрқаётувдим... хайрият, шу ерда экансиз,— деди-да, икки қадам чопганигами ёки Азизни топганигами, ишқилиб, энтикиб-энтикиб гапида давом этди:— Расул Оллоёрович айтдилар: эртадан ишга тушаркансиз. Топшириқлар кўнаиб кетибди.— Аммо котиба қиз директорнинг «Ёзувчилигини кўйсин!» деган кейинги гапини эса айтмади. У қайрилиб кетаётган эди, Азиз ундан:

— Муҳиддин Жабборович бормилар?— деб сўради.

— Йўқ. Тўрт кундан бери грипп у киши. Расул Оллоёровичга айт-таверайми, эртадан тушасизми ишга?

— Тушаман. Шунчалик зиқ бўлса бугун ҳам ишлашим мумкин...

Котиба қиз Азизга «кесатиқ қиляпти шекилли» дегандай бўзрайиб турди-да, кейин елкасини қисиб «ихтиёрингиз» ишорасини билдирди ва индамай изига қайтди. Азиз аста бориб, боя бирров бош суқиб қарагани, қанча йиллардан бери кириб-чиқиб юраверганидан бир жиҳати жонига ҳам теккан, бир жиҳати бошқа ҳеч жойга алишмайдигани қадрдон хонасига кирди. Шифтада қанотларини ёйганча бургутсимон иккита баҳайбат вентилятор. Бурчакдаги кичкинагина столи кетишидан олдин қандай йиғиштирилиб қўйилган бўлса, ўшандай турибди; ўнг томонда устига бурама қоғозлар қалаб ташланган эски шкаф. Шорасулнинг столида эса ҳар хил қоғоз ва журналлар сочилиб ётибди; ўзи йўқ... тушликка чиққан бўлса керак... Азиз ғаладонини очганча, ўзи тахлаб кетган қоғозлари, газета парчаларини хаёлпаршонлик билан бир-бир кўздан кечириб ўтираркан, «балки котиба қиз айтса, Расул Оллоёрович чақириб қолиши ҳам мумкин» деган умид пайдо бўлди бирдан юрагида. Бояги муомаласидан кейин-ку, бошлиқнинг олдига киришга ҳам у қадар кўзи учаётгани йўқ-а асли! Аммо Расул Оллоёровичнинг тўсатдан ўзгариб қолганига тушунолмагани бадтар хунобинини ошириб, кўнглини ғаш қиларди. «Бунақанги асабий вазиятда ишлаб бўладими?! Азиз, ахир, уларга нима ёмонлик қилдики, бунчалик зуғум сочишмаса?! Очиқ-ойдин айтишса ҳам майли! Ўзларидан-ўзлари тумшайиб... худди мен еб улар қуруқ қолгандай... Илгари «натига чиқмайди» деб жонимга тегишарди. Кейин ўзлари ҳайбаракаллачилик қилиб... энди мана бу аҳвол! Нима бўлган ўзи?!»

Шорасул тушликдан анча кеч келди, шахсий юмуши билан бир ерга кетган экан. Азизни кўриб, ҳайҳотдек хонада якка ўзи ўтириб зерикканиданми, ҳар қалай, уни бу гал чехраси очилиб қаршилади; ишларини сўради. Азиз ҳам директорнинг қўполлигидан азият чекиб ўзига ҳамдарад қумсаганидан бўлса керак, Шорасулга юрагидаги бор гапнинг барини яширмай айтди. Кейин диссертацияси тугай деб қолганини ҳам айтди. Авваллари ўзича ваҳима қилиб, ёзишга қўли бормагани, аммо кўз қўрқоқ — қўл ботир экан, ҳозир асосий қисмини қоралаб чиққани, энди хулоса бобини ўйлаётганини ички бир ғурур билан сўзлаб берди. Шунда Шорасул ҳам бирдан очилиб кетди, диссертация ёқлаш масалаларида ўзини Азиздан анча устун қўйиб, унга маслаҳат бера бошлади:

— Ҳадеб материал йиғаверманг, барибир фойдаси йўқ. Қайтага ўша материалларга ўралашиб қоласиз. Энг муҳимларини олинг-у, ёзиб ташлайверинг. Битта вариантни битирсангиз, бўлди! Биров у дейди, биров бу дейди... қаламда сал-сал туртиб юборасиз-у... икки ўртада ишингиз битиб қолади,— Шорасулнинг қирғиз қовоқлари тортишиб, энли қошлари чимирилиб, кулимсиради.— Чўзсангиз юраверасиз-да... Сизга биров ёзиб берармиди? Менга ишонаверинг: фактни кўпайтирманг сира. Агар ҳозирги ақлим илгари бўлганда, ўша йиққан материалларимдан докторлик чиқарардим... Ҳа, ҳа! Кулманг!..

Азиз Шорасулнинг гапларига жилмайганча қулоқ соларди... Улар яна анча вақт ундан-бундан суҳбатлашиб ўтиришди-ю, кейин Шорасул бирдан столи устида қалашиб ётган журналларга шўнғиди... Азиз унга тикилиб туриб, бир жиҳати ҳаваси келди. «Шунақиб юриб-юриб... хаш-паш дегунча докторликни ҳам ёқлаб қўяди!..» Азизнинг юраги сиқилди. Расул Оллоёровичнинг бугунги муомаласи энди назарида ҳақоратдек туюлди. Шорасулдан Муҳиддин Жабборовични сўради.

— Билмадим,— деди Шорасул беихтиёр ўқиётган мақоласидан хаёлини бўлмай.— Билмадим... Тўрт кунча олдин директор билан Муҳиддин Жабборовични қайсидир жойга чақиришди. Охирги кўрганим ўшанда эди. Шеф шундан бери бетоб. Шамоллабди. Яна билмадим...

Азиз «демак, ўртада бўлган гаплардан Муҳиддин Жабборович ҳам хабардор экан-да... Фақат хабардоргина эмас, алоқадор ҳам шекилли...» дея ўйлади. Яна Шорасулдан ажигилаб кўрди:

— Қаерга чақиришди дедингиз, домлаларни?

Шорасул пир-пир учаётган журъатсиз кўзларини Азизга қадаб, бир оз меровсираброқ турди, кейин:

— Билмадим,— деди қўлларини ёйиб.— Ўзингизга маълум-ку, катта идоралар билан ишим йўқ. Қаергадир чақиришди, дейишди.— Бирдан Шорасул шивирлашга ўтди.— Ушандан бери директорнинг авзойи бузуқ...

Шорасулнинг «ўзингизга маълум-ку, катта идоралар билан ишим йўқ» дегани Азизга қаттиқ ботди. Назарида Шорасул ҳам унга пичинг отаётгандай эди. «Дунёда шундай иш қилгинки, кирои одамларнинг оғзига тушсин! Уларга наф келтирсин!» Кўнглига тўсатдан келган бу фикрдан куз об-ҳавосига ўхшаб бирдан кайфияти кўтарилди. «Қилган ишингни кимдир ёқласин, кимдир инкор этсин!.. Умри бино бўлиб муқоваси очилмайдиган «илм»нинг кимга кераги бор?! Эҳтимол, директоримиз билан Муҳиддин Жабборович мен туфайли яна гап эшитишгандир? Ажаб бўпти! Хўп бўпти! Мана бунақа кўчирмачилик билан, э, бор, академик бўлмайсанми!? Қани биров раҳмат десин-чи?! Фақат ўзингни ўйлаганингдан кейин, халқ сени танимагандан кейин алломалигинг қаерга борарди?!»

Азизнинг руҳи кўтарилиб, ғайрати қистаб, дадиллашиб кетди. Руҳсат бермаса ҳам Расул Оллоёровичнинг ҳузурига ўзи кирмоқчи бўлди.

Яна қабулхонага борди. Котиба қиз унга «вой, ҳалиям шу ердамисиз?» дегандай термидиб қўйди. Азиз тўппа-тўғри жаҳл билан кабинет эшиги тутқичини ушлади-да:

— Бир минутга, бир оғиз гапим бор,— деди ва котиба қизнинг жавобини ҳам кутмай ичкарига отилди. Кабинет бўм-бўш, Расул Оллоевичнинг столи саранжом-сарихта; бу — энди бугун келмаслигининг белгиси эди. Азиз мулзам бўлганидан бўйнигача қизариб қабулхонага чиқди, уялгани ҳам, алам қилгани ҳам бир бўлиб котиба қизга:

— Йўқ эканлар, айтмайсизми!— деб ачитди.

— Оғзимни очмасимдан югуриб кириб кетдингиз-у! У киши бугун йўқлар.

— Қаерга кетганлар?

— Айтмадилар, эртага бўладилар.

Азиз қабулхонадан худди бировдан калтак егандай бўшашиб чиқди, ҳозирги ғайратидан асар ҳам қолмади. Бутун вужудини яна тушкунлик қамради. Бугуннинг ўзида қайта-қайта камситилган ғурури асабларини бадтар эговлар, тўсатдан юз берган ҳақоратли ўзгаришдан боши қотиб, аччиқланарди. Шу кайфият билан йўлак охиридаги тўғри шаҳарга уланадиган телефон қаршисига борди-да, трубкани олишдан бурун баланд, чанг босган дераза орқали ташқарига қаради: кеч кириб қопти... Эҳтимол, Салтанат ҳам ойисиникига келгандир, деб ўйлади Азиз ва телефон рақамларини тера бошлади. Трубкини Салтанатнинг ўзи олди.

— Қаерларда юрибсиз, курортчи?!— дея шанғиллади у дабдурустан, эрининг ҳол-аҳволини ҳам сўрамай. Азиз хомушлигидан Салтанатга нима жавоб беришини билмай жим туриб қолди.— Ҳой, эшитяпсизми? Нега индамайсиз? Мен сизни қидириб, Чирчиқларга ўтиб кетибман. Сарсон бўлиб, ҳозир келдим. Шунча жойга таксида борибман-а, мен аҳмоқ!

Азиз ичида «хайрият, кимлигини бир марта тан олди» деди-ю, қўрс жавоб қайтарди:

— Мен сенга бор дебмидим? Уйингда ўтиравермайсанми?!

Салтанат ҳам «қани, ҳамма гапини айтиб олсин-чи» дегандай кутди шекилли, индамай турди-турди-да, охири худди Азизнинг зардасини эшитмагандай:

— Келинг, ойм чучвара тугяптилар,— деди.— Бугун шу ерда ётиб қоламиз.

— Йўқ! Меңга зарур бир қоғоз керак, уйга кел!— деди Азиз энсаси қотиб.— Чучвара ейиш қочмайди!

— Доим шу!— деди Салтанат трубкага.— Яхшилик ёқмайди! Тансиқ овқат қилиб чақирса ҳам, ёмон! Шунча йил турган қоғозингиз, яна бир кун турса — турар, биров еб қўядими?!

— Йўқ! Ҳозир етиб кел!— деди Азиз бадтар алам қилиб.

Салтанат бир дамгина ҳансираб турди-ю, кейин трубкани тақ этиб қўйди. Азиз нима қиларини билмай гангиб, яна рақамларни қайтадан терди. Салтанат телефонни олиб, дарғазаб овозда: «Да!» дегандан сўнг секин трубкани жойига ташлади... Хонага кириб, ўзини босиш учун Шорасул билан анча хотиржам хайрлашди, у «қачон ишга тушасиз?» деган эди, «эртага» деб жавоб қилди ва ташқарига йўналди. Кўчада ҳам у бир неча бор қароридан айниди: бир Чилонзорга — уйига борадиган бўлди, бир қайнотасиникига... Охири Салтанатнинг газабнок овози бугунги кўрган аламларига бадтар туз сепди-ю, жаҳли чиқиб, Дўрмонга жўнади. Ҳар доимгидай очиқ юз билан қўл қовуштириб кутиб олган Ижод уйи қоровулига ҳам совуққина салом берди ва бир хилларида машинка чиқиллаб, бир хилларидан радиодан берилаётган сўнгги ахборот овози эшитилаётган қатор хоналар ёнидан зипиллаб

Ўтди-да, ўз эшигини очди ва форточкадан гувуллаб кирган шамолда учиб ерга тушган бир-икки варақ қоғозга ҳам эътибор бермай, плашини ечмай диванга ўзини ташлади. Шу пайтда, қани битта дилкаш одам топилса-ю, тўйиб-тўйиб ичса! Афсуски, бу ердаги ёзувчиларнинг бирон-тасини ҳам танимайди! Таниганда, обдан отамлашарди!..

Ярим соатлардан сўнг шошилмай қоғозларини йиғиштира бошлади. Ҳисоб-китобга улгурса кечқурунлигига ҳам қарамай уйига кетишни мўлжаллади. Аксига олиб, кўпинча шу ерда тунаб қоладиган бухгалтер ҳам йўқ экан, ноилож яна бир кунга чидайдиган бўлди. Кечки таомдан кейин боққа чиқди. Ҳаво анча салқин, аммо осмон тип-тиниқ, қорамтир тусда товланарди... Азиз хилват боғ ичида кезиб, тунда намиққан кузги хазонларни шип-шип босиб, тепадаги живир-живир юлдузларга термилганча, биллур сокинликка қулоқ соларкан, гўё шу билан кўнглидаги ғашликни нари ҳайдамоқчи бўларди-ю... лекин кечагина, бугун эрталабгина нақ кўкка учишга тайёр турган юраги бари бир беқийёс бир азоб юки остида мижигланар эди. Тепага қараса, назарида юлдузлар ҳам узоқлашиб, худди чексизлик яқинлашиб келаётганга ўхшарди. Дарахтзор орасидан хўмрайиб турган қоронғиликка хиёл юраги увишиб тикиларкан, бирдан марҳума онаси, тўғриси, унинг Азиз ўқишдан чиққанда доим тайинлайдиган бир гапи эсига тушиб кетди.

— Кечқурун кўчада юрма,— дер эди нуқул онаси раҳматлик. Нима учун шундай дерди, бирон хунук воқеани эшитиб қўрққанидан айтармиди — Азиз билмасди... Кейин у Расул Оллоёрович, Салтанат, Шорасулларни... бирма-бир кўз ўнгига келтириб, хаёл дарёсига фарқ бўлганча, бир ўзи аста-секин боғ ичкарасига қараб кета бошлади... Сиртдан кузатган одам, қаҳрамонларининг ички оламига буткул шўнғиган, ўзини ҳам, борлиқни ҳам унутган ёзувчига ўхшатиши мумкин эди уни...

23

Азиз ўша кунни ярим тунгача ухлолмади. Кеч куз бўлгани учун дераза тирқишларидан изиллаб совуқ кирар, Азиз шунча ўраниб олса ҳам ётган ўрни сира исимасди. Ора-сира тепасидаги деразадан ташқарига қараб қўйганида чинор барглари орасидан юлдузли қоп-қора осмон кўзга ташланар, атроф жим-житлигидан ҳовлини кесиб ўтаётган анҳорнинг бир текис шовуллаши қулоққа аниқ чалинарди. Азизни яна хаёл олиб қочди. Ўлганнинг устига кўмгандай қилиб Салтанатнинг муомаласи ҳам ўтиб тушди. Бирдан «бемаҳалда Беҳзод билан туртиниб-суртиниб уйга борган бўлса-я» деган ташвиш келди кўнглига. «Қайсарлигим тутганда ҳайвон бўп кетаман! «Майли, қолсанг қола қолгин, мен эртага келяпман бутунлай» деса-м-у, олам гулистон эди! Йўқ, албатта дилини оғритиб, уни ҳам, ўзимни ҳам қийнаб, юрак ўйноғи қилмасам кўнглим жойига тушмайди!.. Муҳиддин Жабборович тунов кунни кулиб туриб хўп топиб айтди — «дилозорсиз» деди... Ана, энди Салтанат бечора уйга борса, йўқман... Қоқ саҳаргача мижжа қоқмай, унта туғиб... кўча пойлаб чиқади... Бир оғиз сўз-а, шунини айтиш шунчалик қийинми?!... Аксига олиб уч-тўрт кундан бери телефон ҳам ишламаяпти...».

Эрталаб барвақт туриб, Ижод уйи маъмурияти билан ҳисоб-китоб қилди. Азза-базза кириб ошпаз аёл билан, кейин боғ қоровули билан хайрлашиб, тўрвадаккина чамадончасини кўтарганча, шаҳарга жўнади...

Аввалига у тўғри уйига бориб, нарсаларини ташлаб келишни мўлжаллади. «Борди-ю, кеча Салтанат ойисиникида қолган бўлса-чи?.. Чилонзордан яна сарсон бўлиб қайтаманми» дея ўйлади-да, биратўла институтга киришга аҳд қилди. Кеча ҳатто дам олиш муддатини бешолти кунга узайтириб беришни Расул Оллоёровичдан сўрайман, деган

нияги автобусга ўтирганида эсига тушди-ю, яна юрагини хижиллик эгаллади. Аслида кеча бекор борган экан, шаҳарга тушмагани маъқул эди... тушмаганда бу гаплар бўлмасди... Балки, Расул Оллоёровичнинг кайфияти ёмон пайтда йўлиққандир?.. Бошқа вақт борганда, эҳтимол, бунчалик бўлмасмиди?.. Яқингинада уни партия аъзолигига тавсия этган, жамоат ишларига тортиб, райкомларга юбориб турган одам... наҳотки бирдан ҳаммасидан дарров юз ўгирса!? Йўқ, ҳар қалай, феъли айнаб турган пайтида дуч келдим шекилли...

Азиз Расул Оллоёрович бир мартагина совуқ муомала қилганига ҳадеб ўзининг жириллаб кетаётганини ўйлади-ю, хижолат чекди. «Нима, шу пайтгача Расул Оллоёровичсиз ўлиб қолаётувдимми? Рўйхушлик бермаса — ундан нарига! Унинг марҳаматисиз куним ўтмайdimи?! Утади! Зўр келса, кандидатлигимни чўзар... Шунча вақт чўзилган, яна бир-икки йилига чидарман... Бир амаллаб кунимни ўтказарман...».

Азиз ўзига-ўзи таъна ёғдириб, «етар, бошқа ўйламайман» деб, фикрини майда-чуйда нарсаларга чалғитиш мақсадида ташқарини томоша қилиб кета бошлади...

Институтга кириб борганида ҳамма нарса бурунгидек, осойишта, фақат Расул Оллоёровичда йиғилиш бор шекилли — қабулхонаси гавжум; Азизларнинг хонасида эса одатдагидек Шорасулнинг якка ўзи, столи устига уйиб олган газетага бўйини чўзганича, аллақайси мақолани қадалиб ўқиб ўтирибди. У Азизга бошини кўтариб қаради-ю:

— Хў-ўшш, агар адашмасам, кандидатликни тугатиб келяпсиз, шундайми?— деди қийиқ кўзлари қувлик билан ўйнаб.

— Адашдингиз! Биз кандидат бўлгунча сиз академик бўласиз!— Азиз ҳам унга ҳазил аралаш жавоб қайтарди.

— Тезлатинг, тезлатинг!— деди Шорасул бошлиқларнинг гапига тақлид қилиб, кейин яна газетага тикилди...

Азиз кўли ишга бормаи, мақсадсиз равишда галадонини титкилай бошлади. Охири бундан ҳам зерикди-да, директорга кириб, келганини айтиб қўймоқчи бўлди, йўлақка чиққанда «керак бўлсам ўзи чақирар» деб айниди. Хонасига қайтиб, диссертациясининг «Хулоса» қисми устида бош қотира бошлади... Кеча аксига олиб аввалги бобларда ишлатилмай қолган бир жадвали хотирига келди-ю... шуни излаб бекорга шаҳарга тушди. Жой қолдириб кетаверса бўларди. Шунда ўзига бунча гап-сўзни сотиб олмасди?!

Азиз аввал ёзилган «Хулоса» сўзини ўчириб, тагидан яна «Хулоса» деб ёзди-да, «1» рақамини қўйди. Аммо диссертациясидаги хилма-хил фикрлар худди қўй подаси дув этиб ўзини ташқарига урганидек бирдан миясига сиғмай кетди ва ҳеч нарса ёзолмади.

Йўлақдаги телефондан уйига қўнғироқ қилиб кўрди. Анча кутса ҳам трубкани ҳеч ким олмади. «Наҳотки, кеча бормаган бўлса?» Қайта қўнғироқ қилди. Йўқ, телефон яхши ишляпти, аммо ҳеч ким олмаяпти. «Демак, Салтанат уйга бормабди...» Бехосдан Азизнинг юрагида, эҳтимол, умрида биринчи марта... совуқ бир шубҳа туғилди. Тўсатдан келган рашк алаmidан кўзлари хунук чақнаб кетди. Юрганнинг йўли, ўтирганнинг — ўйи кўпаяди. Омади келиб, юмушдан қўли бўшамаса, одам майда гапларга ўралашмайди! Борди-ю, қилаётган иши унмай, айниқса, муваффақиятсизликка учрагудек бўлса, эркак киши ҳам худди жанжалкаш хотинлардек нуқул бошқа ёқдан баҳона ахтаради. Азиз ҳам кечаги борди-келди гаплардан кейин бирдан ичи ҳувиллаб... Энди хотинидан шубҳа қиялпти... Азиз ўрнига келиб ўтирганда ҳам ўша ёвуз фикр миясига елмдек ёпишиб, аста-секин уни қийноққа сола бошлади. «Наҳотки, наҳотки?!..» У ғалати бир руҳий сезгирлик билан хотинининг кейинги пайтларда анча ўзгариб кетгани, ҳатто қўпол гапирса ҳам, Салтанат паст тушиб индамай қўя қолишларини эслади-ю... бадтар

шубҳаси кучайди. Гоҳо-гоҳо хотинининг бирдан қувноқ бўлиб кетишларини ўйлаб, жаҳли чиқди. Назарида Салтанатнинг юрагини энди бегона туйғулар чирмагандай, яна ваҳимаси ошди. «Наҳотки, Салтанатнинг қўлидан шу иш келса?! Йўқ, йўқ! Эшитган қулоқ нима дейди?! Шармандалик-ку бу! Тўхта, тўхта! Анови Шорасулнинг божаси!..»

Азиз сиқилиб, яна йўлакка чиқди... Жон ҳолатда қайнотасиникига қўнғироқ қилди. Телефонни Салтанат олди! Азиз шошганидан тақ этиб трубкани жойига қўйди. Бирдан елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди. «Хайрият, ойсиникида экан» деган фикрдан асаблари бўшашиб, телбанамо илжайиб қўйди. «Хайрият!..» Кафтларини жиқ-жиқ тер босган эди...

Урнига келиб ўтирди. Бари бир Салтанат хаёлидан кетмади. «Қизиқ! Уйда йўқ бўлсам, оёғи чиқиб қолади... худди шуни пойлаб тургандай. Аввал бунақамасди... Уйга меҳри йўқ! Демак, кўнглида кемтиги бор...»

Азиз бундан уч-тўрт йил бурунги воқеани эслаб қолди. Ушанда Салтанат салга юраги сиқилиб, салга жазаваси тутарди. Азиз «иш билан чалғиса, балки дарди енгиллашармикин» деган ўйда, уни ишга жойлаштиромоқчи ҳам бўлди. Бунинг устига «кўпдан орқада қолмайди... топгани оилага — дармон...» Азиз шу мақсадда журналист қўшинининг маслаҳати билан Салтанатни шундоқ уйлариининг пастидаги газета дўконига ишга киритадиган бўлди. Салтанат эрининг гапини эшитиб, ўшанда ранги қув оқариб кетган:

— Вой, шўрим! Газета сотиб кун кўраманми ҳали! Вой, шўрим! — деб дод солишига сал қолган, Азиз эса айтган гапига минг пушаймон еган эди. Кейин ҳам сал оралари бузилса, Салтанат Азизга ачитиб, «бўлмасам, дўконда газета сотиб ўтира қолай» дея пичинг қилар, Азиз азбаройи жони чиққан пайтларида:

— Касбнинг яхши-ёмони йўқ! Тушунсанг-чи! Даданг ҳам умр бўйи савдонинг нонини еган-ку! — деб хуноби ошса, Салтанат:

— Худога шукур, иш билан ишнинг фарқига борадиган таги кўрган оиладанман, — дея Азизни яна ерга урарди. — Очимдан ўлганимдаям бу паст ҳунарни қилмайман! Ҳа, жа-а кучингиз етса, ўқишга киритинг. Уйланмасдан олдинги қоп-қоп ваъдаларингиз қаёққа кетди? Гулдай умрим хазон бўлди, сенларни деб...

Ҳозир Салтанат бошқача. Ҳатто шу ёзда ишдан ўзи гап очди. «Чилонзордаги енгил машиналарни ремонт қиладиган станцияга котиба-машинистка керак экан, шунга бораёми?» деб сўраб кўрди эридан. Азиз аввалига «мени яна кесатяпти» деб ўйлади. Кейин қараса, гап жиддий. Ҳайрон бўлиб:

— Ким айтди сенга бу ишни? — деб сўради.

— Узим ўқидим. Симёғочга эълон ёпиштириб қўйилган экан...

Азиз кулди:

— Қуруқ эълон билан иш битмайди. Бунинг учун мутахассислик керак, машинкани билиш керак.

— Урганса бўларкан. Маоши юз йигирма сўм. Бунақа жой қарерда?..

Азизга ўшанда Салтанатни кимдир шу ишга қизиқтираётгандай бўлиб туюлди-ю, ўзи ёрилиб айтмагани учун суриштириб ўтирмади. Лекин хотинига «ҳа» ё «йўқ» деб аниқ жавоб ҳам бермади. Уни ҳайратга солган яна бир нарса шу бўлдики, ишдан аввалига Салтанатнинг ўзи гап очиб, Азиз сал ўйлашиб қолгач, ўша гапини бирдан эсидан чиқариб юборгандай бошқа тилга олмади. Кейин Азиз ҳам унутди...

Азизнинг юрагидаги шубҳа илони бадтар бош кўтармоқда эди. У пешонаси тиришиб, билинар-билинимас кўзи тинаётганга ўхшади. Бурунги қон босими хуруж қилган ва чўнтагида доимо «резерпин» олиб

юрган вақтлари эсига тушиб, чаккасини уқалай бошлади. Унинг бу аҳволини зимдан кузатиб ўтирган Шорасул газетани четга суриб, Азизга, кулиб қаради:

— Нима бўлди, биродар?— деди гўё институтдаги пичир-пичирлардан хабари йўқ кишидек талмовсираб.— Нега таъбингиз хира? Нима бўлди?

Азиз хижолат чекиб илжайганча:

— Йўқ...— деди-ю, аммо овози жудаям жонсиз чиққанини ўзи ҳам сезди.— Шундай, ўзим... сал бош оғрияпти.

— Аналгин берайми?

— Йўқ, йўқ. Ўтиб кетади...

Шорасул «ихтиёрингиз» дегандай бошини лиқиллатди-да, ўрнидан туриб, йўлакка қараб юрди.



Аслида у ҳамма нарсадан бохабар эди. Орқаворатдан бутун гапларни эшитган, Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборович аввалига Азизнинг теварагида айланишиб қолиб, энди ундан юз ўгираётганларининг сабабини ҳам яхши биларди. Бирдан кўнгли ёзилиб, оёғи чаққон бўлиб қолганининг сабаби ҳам шунда эди. Кеча Азизни очиқ юз билан кутиб олгани, ҳатто унга меҳрибончилик қилгани ҳам бежизмасди...

Вақтида Расул Оллоёровичга дадасининг катта меҳнати сингганини билгани учун Шорасул директор билан муомалада ўзини бемалол тутишга уринар, гўё Расул Оллоёровичга дадаси эмас, ўзи қарашиб юборгандай, баъзан унга писанда билан қарарди. Буни Расул Оллоёрович ҳам сезарди, албатта. «Қуш уясида кўрганини қилмай ўлсин» деб, баъзан ичида жеркиниб ҳам қўярди. Шу боисдан унга совуққина муносабатда бўлиб, ҳузурига деярли чақирмас, ўзига яқин йўлатмас, йўлакда кўриб қолган тақдирда ҳам бирдан гапни чалғитиб, дадасининг аҳволини сўрар, «мендан салом айтинг» деб дарров гапни қисқа қиларди; домланинг бу «нонқўрлиги» Шорасулни бадтар ғазаблантирарди. Неча йиллардан бери Расул Оллоёрович ўзи билан мундай бир дилдан гаплашмаганини ўйласа, Шорасулга жуда ҳам алам қилиб кетарди... Расул Оллоёрович бўлса, унга ўлганининг кунидан қарашар, тили қисик жойи бўлмаганда-ю, бундай олифталарни институт остонасига ҳам яқин йўлатмасди. «Бунақа ичидан пишганларга ёрдам бериб, одам қилиб, қайтага балога қоласан... эртаси дарров таниш-билишини ишга солиб тагингга сув қуяди... Шу сабабли ҳар қанча кўмагинг бўлса, Азизга ўхшаган бебиёнларга қил. Улардан фақат яхшилик қайтади...» Шорасул ҳам домланинг шу тарзда ўйлаши ва шу тарзда иш тутишини тахминан биларди. Айниқса, буни иккала домла Азизнинг атрофида пашшадай айланишиб, у яратган янги навга шерик бўлиш умидида юрган вақтларида кўпроқ сезди. «Азиз ўлгудек довдир!.. Не азоб билан яратган ишига шу текинхўрларни шерик қилиб ўтирибди! Мен бўлсам, «бор, бор, тошларингни тер» дер эдим. Урвоғини ҳам бермасдим! Бу довдир, оғзидагини олдириб ўтирибди!..»

Шорасул университетнинг иккинчи курсида ўқиётганидаёқ қўлида жарақ-жарақ пул ўйнардди; дадасининг ҳисобига ҳар гал юзталаб лотерея оларди. Буни кўрган курсдошлари «вуйй» деб қолишарди. Улар орасидаям манови Азизга ўхшаган умрида пул кўрмаган қилтириқ маҳсумлар кўп эди... Буни қарангки, лотереялардан бири «Волга» ютди! Ҳамма еқ шов-шув бўп кетди ўшанда... Университет домлаларидан бири Шорасулнинг омадига ғайирлиги келибми ёки соддалик қилибми, ё ҳазиллашибми: «Студентсиз... машина нима керак сизга, бошингизни

оғритиб?.. Кечинг, шуни давлат ҳисобига», деганда Шорасул дағ-дағ қалтираб:

— Бекор айтибсиз! Кечиб бўпман!— деб лаблари учиб кетган.— Бунақа университетингиздан ўнтасини шу битта «Волга»га алишмайман!— дейишгача борган эди ҳатто.

Кейин «Волга» ўз-ўзидан гумдон бўлди, Шорасул уни ёлчитиб мин-мадиям... Ҳозир энди тагида «Жигули», фирр этиб ишига келади, фирр этиб кетади...

Аммо Шорасул бошига оила ташвиши тушиб, рўзгор тебрата бош-лагач, айниқса, ўзини тутиб олди. У ҳали ҳам унча-мунчани одам ўрнида кўрмайди-ю, лекин сиртида билдирмайди... Энди бойликка ҳирс қўйган. Илгаригидай отасининг текин пулига керилишлари қолиб кетган; бир тийинни ўн жойидан туфлаб туғади. Айниқса, ўзи ишлаб топгандан кейин ҳар тийини кўзига ширин туюлиб, хотинига ҳам бир чақа тутқазмайди; сал орттирса, кассага солиб, унча-мунчани йиғиб ҳам қўйган... Шундаям бари бир кўзига кам кўринаверади; секин кўпаяётганига бардоши чидмайди... Шунинг учун ҳозир зўр бериб докторлик устида ишляпти... Ақли-ҳуши шунда... Баъзилардек, мана, божаси Йўлдошга ўхшаб ҳавойи юришга, айш-ишраъ, маишатбозликка тоби-тоқати йўқ. Буни у «аҳмоқлик» деб билади, ҳатто на онаси ва на дадаси тақводор одам, ўзича ирим-сиримларга эътиқод қўйган, «аёлларга илашиш — ҳаром иш; ҳаром иш албатта бир кун мисингни чиқаради...» деб астойдил ишонади. Чилонзордаги енгил машиналарни ремонт қиладиган станцияда бош инженер бўлиб ишлайдиган божасини «пул топиб, ақл топмаган тентак» деб ичида сўқади. «Бошингга бирон иш тушса, ўша манжалақиларинг қутқарадимми?! Дўппи тор келса, ҳатто туққан онанг ҳам, тепкилашиб ўсган оға-иниларинг ҳам жонингга аро кирмайди... Ҳаммаси ўзини четга тортиб кетади... Фақат пулинг бўлса эккаланмайсан... Манови Йўлдош фирт аҳмоқ одам... ҳозирига учган, эртасини ўйламайди... Кўрдан баттар...»

Йўлдошнинг Салтанат билан анчадан бери дон олишиб юришини Шорасул билади. Йўлдош буни бир марта мастликда оғзидан гуллаб, мақтаниб қўйган. Шорасул бу гапни эшитганда аввалига даҳшатга тушган бўлса ҳам кейинги дақиқада кўксини ёвуз бир севинч қоплаган эди. Айниқса, Азиз Расул Оллоёровичларга яқинлашиб, учишга қаноти йўқ юрган пайтларида, Шорасул катта домлаларнинг эътиборидан ўзи тобора қолиб кетаётганига куйса ҳам, барибир Азизнинг устидан куларди. «Ўл-а, сең бу ёқда босар-тусарингни билмай, ўпкангни қўлтиқлаб «янги нав-чи, янги нав» деб халлослаб юрибсан-у... уйингдаги, шундоқ қўйнингдаги илонни билмайсан... Сенинг олимлигинг қаерга борарди! Ҳезалак!..»

Шорасул юраги сиқилган вақтларда мана шундай пинҳона, пасткаш фикрлардан далда оларди... Кейин баъзан Салтанатнинг нима учун шу йўлга кирганини ўйлаб кетар... хаёлан у ҳам ўз хотинини Салтанатнинг ўрнига қўйиб кўрар ва ўша заҳоти тепа сочи тикка бўлиб, «Эркакларга-ку майли, уларники билинмайди... Болалик, оилалик хотинни жин урганми?.. Бунақаларни тошбўрон қилсанг, савобга қоласан...» дея яна Азизнинг устидан куларди.

□

...Қутилмаганда Азиз Шорасулга «бир отамлашсакчи-а» деб қолди. Анчадан бери хонада бир ўзи ўтиргани учун Азизнинг овозидан Шорасул чўчиб тушди.

— Оғайни, бугун кайфиятим кеп турибди...— деди Азиз Шорасул-ни бадтар ҳайрон қолдириб. Шорасул Азизга кулимсираб қаради:

— Хурсандчиликданми ёки хафаликданми? Агар хафагарчиликдан бўлса, бормайман...

— Хурсандчиликдан,— деди Азиз ҳам Шорасулга кулиб боқиб. ...Ҳазил-ҳузул билан ишдан кейин Азиз иккалови автобусга ўтиришди-да, ярим йўлда учраган кафе қаршисида тушиб қолишди. Бунга бир жиҳати Шорасулнинг «Жигули»си йўқлиги ҳам сабаб бўлди; тор-мози бўшагани учун икки кундан бери уни минмай, шанбада Йўлдошнинг устахонасига олиб бориб кўрсатишни мўлжаллаб қўйганди...

Азиз эса гарчи Шорасулга кулиб турса ҳам, аммо руҳи тушган, сўнгги вақтларда энди қолипидан кўча бошлаган ишлари яна чаппасига кетиб, худди «етдим» деганда йиқилган одамдек ўзини қўйишга жой топмас эди. Шу боисдан бир вақтлардаги сингари ҳаётдан, унинг бетаинлиги, адолатсизликларидан изтироб чекиб, мужмал, мавҳум кайфиятда, ўзи ҳам билмай, Шорасулни туйқусдан дардлашишга таклиф этди... Ичкиликка унча йўқлиги, ичганда кўтаролмаслигини била туриб шундай қилди... Чунки аламдан куйган кўнгли ҳозир ким ва қаердалигидан қатъи назар, ҳасрат тинглайдиган бир ҳамдard тусаб қолган, майли, дуч келган одам бўлса ҳам, у ичини бир ёриб, дилини бўшатиб олгиси келаётган эди.

Азиз билан Шорасул ғовур-ғувур авжга чиққан, шифтини папирос тутуни қоплаган ойнаванд кафега киришаркан, бир-бирларига «шу ерда ичаверамизми» дегандай тикилиб қолишди. Айрим одамлар қиттай шўр балиқ билан пиво симирар, бир хиллари гўштли бутерброд ер, яна бошқалар эса пуфлаб қайноқ кофе ичишарди... Азиз буфет олдига бориб, қатор шишаларга кўз тикди ва ёнидаги Шорасулдан:

— Нима ичамиз?— деб сўради.

— Ўлдирса ҳам.... оқ ўлдирсин!— деди Шорасул Азизнинг ҳолатига монанд бўлишга интилиб.— Кўп эмас, юзта-юзтадан!

— Совуқ кунда сал кўпроғи ҳам ортиқчалик қилмайди.

— Тагин эмаклашиб қолмайлик...

Азиз бир шиша ароқ билан иккита бутерброд олиб келди. Тик турма айлана столларнинг бирини танлашди-да, стол юзидаги қолган-қутган тузланган помидор, нишхўрдлар ва балиқ қилтаноқларини четга суриб, стаканларга тўлдириб-тўлдириб қўйишди. Азиз бир симиришда, Шорасул эса, икки бўлиб ичди. У асли кўп ичмайди, чунки ўнг тирсагидаги қичимаси кўзийди; аммо ора-сира томоғи тақиллаб қолганда, уйда якка ўзи ўтириб, ҳатто бир шишагача ҳам бемалол ичиб қўяди. Лекин бир хиллардек шилқимлик қилмайди, ҳатто кайфи чоғлигини ҳам сездирмайди, қайтага тўйиб ичганда бадтар жиддийлашиб, китоб жавонига қатор териб қўйган Қатта Совет Энциклопедиясининг бирор жилдини олади-да, қизиқ мақолалари ва расмларини бир чеккадан кўриб чиқаверади, охири уйқуси келса, хотинини овора қилмай ўзи жой солиб ётиб, то эрталабгача данг қотиб ухлайди...

Биринчи стакан оч қоринга ичилгани учун ичакларини жизиллатиб, ични ёндириб кетгандай бўлди. Айниқса, Азизнинг бўш организмга бу ёмон таъсир қилди. Бирдан кўзлари ёришиб, табиатан бировга тик қарамайдиган одам, қўлларини палахсалаб, кесиб-кесиб гапира бошлади:

— Биласизми, Шорасул? Расул Оллоёрович топилмайдиган одам! Мени Москвага юборган ҳам, ишдан озод қилиб «диссертациянгизни ёзинг» деган ҳам ўша!

Азиз ҳозир ширакайфлиги учун ҳатто Муҳиддин Жабборович ҳам кўнглига мойил тушиб, ҳадеб уларни мақтагиси келаётган эди. Шорасул эса, Азизнинг гапларини маъқуллаб бошини тўхтовсиз лиқиллатганча, индамай бутербродни урарди. Азиз Шорасулга тикилиб туриб, бирдан кулгиси қистади: Шорасул овқат чайнаётганда қулоғи қимир-

ларкан. Азиз умрида биринчи марта унга яқиндан тикилаётган эди. Назарида кўз қорачиқлари ҳам мушукники сингари йирик-йирикка ўхшаб туюлди...

— Муҳиддин Жабборович тузук одам-у...— Азиз донолигини қўймасди.— Тузук одам-у...

Шорасул Азиз ўйлагандек «хўш, хўш» дея қизиқиш ўрнига, атайлаб бошини кўтармай, қўлини салфетка қоғоз билан арта бошлади.

— Нега индамайсиз? Ё гапим ёқмаяптими?— деб ўшшайди Азиз унга дабдурустан.

— Йўқ, йўқ, марҳамат... Одатим: овқат еяётганда гапирмайман. Сиз гапираверинг, гапираверинг, қулоғим сизда.

— Оғайни, сиз ҳам мени тушунмайсиз... Ёки нотўғрими? Муҳиддин Жабборовичдан ҳам, Расул Оллоёровичдан ҳам қўрқмайман! Минг қийнашсин, юз қийнашсин! Бари бир қўрқмайман!..

Шорасул Азизнинг қизиша бошлаганини сезиб, унинг пойинтар-сойинтар гапларини индамай эшитганча, бориб яна биттадан бутерброд олиб келди ва ўзиникини ея бошлади. Азиз бўлса асли овқатга чимхўр; ҳозир нуқул маҳмадоналикдан бўшамасди. Бир замон қолган ичкиликни икки стаканга бўлиш ўрнига яна шиша олиб келмоқчи бўлди. Шорасул уни қўлидан ушлаб тўхтатди. Шиша тагидаги ароқнинг кўпрогини Азизга, ўзига эса бир қултумгинасини қўйди-да, «қани, ичайлик» деб кўтарган эди, Азиз қовоқ-лунжи очилиб, Шорасулнинг стаканига ёпишди ва «бунақаси кетмайди» деганча ўзиникини унга ағдарди. Шорасул «қўйинг» деса ҳам қарамай, тагин бир шиша ароқ олиб келди. Сал ўтмай иккови ҳам қизишиб кетди-ю, бир-бирларига гап маъқуллашиб, кейинги шишани ҳам бўшатишди. Азизга қўйиб берса, тагин ичкиси бор эди... Лекин Шорасул уни мажбурлаб ташқарига етаклади...

Шорасул Азизни қўлтиқлаб суяб олган, аммо у оёқлари чалишиб зўрға судралиб борарди; ўтган-кетганлар, бир хил ёш қиз-жувонлар эҳтиёт юзасидан ҳу олисданоқ нариги йўлкага ўтиб олишар, буни Шорасул сезиб, «бу аҳволда кўчада юриш ўлим, биронта таниш-билиш кўрмасин-да» дея ваҳимга тушиб, тезроқ бир таксини ушлаб, тезроқ Азизни уйига гумдон қилиб кетишни ўйлар эди. Азиз бўлса энди ақлини йўқотиб алжирар, бурун катаклари кенгайиб, ўзидан-ўзи ҳансирарди:

— Ҳаммангни боплайман ҳали! Боплайман! Э, бор-е! Сен кимсан ўзинг?!— Шундай деб худди Шорасулни биринчи бор кўраётгандай қўлидан силтаниб чиқди-ю, унга ҳайратга тушганча тикилиб қолди. Ўзи эса чайқалиб-чайқалиб, оёғида зўрға турарди... Улар неон лампочкаси тагида тўхташган, Азиз итариб ташлаётган бўлса ҳам Шорасул уни маҳкам ушлаб турар; ҳар ўтган машинага қўлини кўтариб, тўхташга уринарди. Азиз эса бетиним валдирарди:

— Текинхўрлар! Сен ҳам текинхўрсан! Ушанинг қариндоши! Бақрайма менга! Бақрайма-а-а!

— Текинхўр бўлиб онангни молини едимми?!

— Текинхўрсан! Бақрайма деяпман сенга-а!

Шорасул уйда бир ўзи ичганида биров унинг қонини ҳам қайнатмасди. Ҳозир Азиз уни бегуноҳдан-бегуноҳ ҳақорат қилаётганига шу қадар ғазабландики, юзига тарсаки тортиб юборишдан ўзини аранг тийди. «Мастлик — ростлик» деган гап ёдига тушиб, «Э-э, бу аблаҳ ичидан зил кетиб юраркан-да...» деб ўйлади ва Азизга бадтар қаҳрли тикилди ва энсаси қотганидан уни қўйиб юборди. Шорасулга деярли осилиб турган Азиз бирдан мувозанатини йўқотди-да, оёғи чалишганча, шундоқ ариқ ёқасига ўтириб қолди. Инқиллаб-синқиллаб, сўлаклари оқиб, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, энди турганда боши айланиб, тротуарга қулаб тушди. Шорасул ҳам «бир қийналсин» деб, ёнида индамай без бўлиб тураверди.

Лекин у ҳар гал узоқдан машина кўринганда жон ҳалпида шошилиб қўлини кўтарар, ҳатто йўл ўртасигача чиқиб кетар; баъзи машиналар чиндан ҳам тўхтамоқчи бўлиб тезлигини пасайтирарди-да, ҳайдовчиси ерда ўтирган Азизга кўзи тушиши билан яна газни босиб, вағиллатиб учириб қоларди... Охири Азиз амаллаб ўрнидан турди-да, Шорасулга ёпишиб, уни бўралаб сўка бошлади. Шорасул бир силтаб юборган эди, Азиз чап оёғи билан ариққа кириб кетди ва устини чирик хазонлар беркитган балчиққа тушиб, тиззасигача ифлос бўлди...

Бир вақт муюлишдан «ГАЗ-21» машинаси зувиллаб бурилди-ю, чироғини ёқиб-ўчириб яқинлашиб кела бошлади. Шорасул қўл кўтариб йўлни тўсиб чиқди ва орада беш-ўн қадам қолганда рулда ўтирган — Йўлдошлигини таниди. Бадтар машинага бостириб чиқди. Бироқ машина шарт четга бурилиб, энди тезлигини ошираётганда Шорасул божасининг кўрмаганини сезди-да, овознинг борича: «Йўлдош! Йўлдош!» деб бақирди. Машина орқасида қизил чироқлари ёниб, йўл четига ўтиб тўхтади. Кейин ўша захоти эшиги очилиб, Йўлдош чиқди. Бу пайтда Шорасул ҳам етиб келган эди. Оғзидан ароқ ҳиди гупиллаётганини Йўлдош дарров пайқади.

— Шорасул, нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Бу ер қаер?— дея астойдил сўради Шорасул.

— Ҳазиллашманг. Қаер бўларди, Шайхантахур-да!.. Уйига олиб кетяпгандим.— У олдинги ўриндиқда бола кўтариб ўтирган нотаниш аёл томонга имлаб қўйди.— Кетдик. Аввал уни, кейин сизни ташлаб ўтаман.

Шорасулни қаттиқ ҳиқичоқ тутди ва чопиб келган томонини кўрсатиб:

— Анови ерда биттаси ўтирибди, ўшани ҳам опкетишимиз керак,— деди нафратдан қалтираб.

— Ким у?— деди Йўлдош оғриниб.

— Э, биттаси! Ташлаб кетсам, тўловига қоламан...— Шорасул шундай деб, Йўлдошнинг жавобини кутмай, ўзи кўрсатган томонга қараб кета бошлади. Йўлдош машинага ўтирди-да, ёнидаги аёлни тинчлантирмоқчи бўлди шекилли, «парво қилманг» дегандай қўл силкиб қўйди. Кейин машинасини орқага тислантира бошлади. Азизни силтаб-судраб Шорасул ҳам етиб келди. Машина қоронғида тўхтагани учун аввалига унга ҳеч ким эътибор бермади. Йўлдош ўтирган жойида чўзилиб, орқа эшикни очди. Шорасул тўнғиллаб-тўнғиллаб Азизни ўриндиққа итариб киргизди, ўзи ёнига ўтирди. Бу пайтда Йўлдош худди эсанкирагандай ранги қув ўчиб, тили калимага келмай бақрайиб қолди. Бошини машина эшигига қарсиллатиб уриб олган Азиз эса ҳамон алжираб:

— Расул Оллоёровичга кўрсатаман ҳали кимлигимни!— деди буқлашиб қолган оёқларини ўнглаёлмай. Шундагина боядан бери «мастлар билан нима ишим бор» деб йўлдан кўзини узмай ўтирган болалик аёл жон ҳолатда орқасига бурилди. У Салтанат эди! У даҳшатдан шу даражага тушгандики, афтини кўрган одам кўрқиб кетарди. Салтанат аввал Азизга, кейин ваҳший бир қараш билан Шорасулга тикилди. Кейин тиззасида ўтирган ўғилчасини қучганча, бошини унинг елкасига босиб, силкниб-силкниб, йиғлай бошлади...

Уни кўриши билан Шорасулнинг ҳам тили гапга келмай қолди, анча ичганига қарамай, бирдан кайфи учиб кетди. Онасининг тиззасида ўтирган Беҳзод эса нима бўлаётганига ақли етмай, дадасини нотаниш одам машинага судраб киргани, айниқса ойисининг йиғлаётганидан даҳшатга тушиб, дағ-дағ қалтирар эди... Азиз шу орада кўзини очиб яна алжий бошлади-да, бирдан олдинги ўриндиқда ўтирган хотини билан ўғлига кўзи тушди-ю, мастлигидан «нега бу ердасизлар» деб

суриштирмади ҳам; қўлини чўзиб ўғлини эркалатмоқчи бўлди. Кейин қаттиқ ўқчиб, Йўлдошнинг тагига қаратиб лўқиллатиб қушиб юборди. Йўлдош ижирганиб туфлисини кўтариб-кўтариб қўйди: пилч-пилч овоз эшитилди. Аммо ҳеч ким индамади; Йўлдош жадаллаб машинани ҳайдаб борар, Шорасул эса ҳар замон — ҳар замонда Азизнинг елкасидан тортиб, бошини кўтармоқчи бўлар, у эса кўзлари юмуқ, сўлаклар оқиб, нима балолар деб мингилларди... Охири Чилонзорда, уйларидан сал берироқда, қоронғироқ жойда тўхтади-ю, Салтанат машина эшигини қарсиллатиб ёпиб, ўғлини кўтарганча, орқасига қарамай жўнаб қолди. Шорасул Азизни машинадан судраб туширди-да, юзига бир-икки шапатилаб уриб, кўзини очди. Шунда ҳеч ким кутмаган иш юз берди. Азиз бирдан Шорасулнинг қўлидан чиқиб, Йўлдошнинг бошига мушт



солмоқчи бўлди-ю, у чап бериб қолган эди, қўли билан бориб машина ойнасига қаттиқ урилди ва гандираклаб ерга йиқилди. Қутуриб кетганидан ўрнидан шитоб билан туриб яна Йўлдошга ёпишди. Еқасидан ушлаб силтаган эди, қоронғида Йўлдошнинг қаеридир тариллаб йиртилди. Йўлдош ҳам жазаваси тутиб, Азизни бир уришда ерга ағдарди ва қорнига тепди. Азиз бир зум ғужанак бўлиб қолди. Шунда Шорасул божасини судрагудек рулга ўтқазди-ю, «жўнанг, жўнанг» дея бақирди. Машина энди қўзғалганда Азиз унга катта бир тош отди, лекин тегмади. Йўлдош сал нарига бориб тўхтади-да, қоронғида сўкина-сўкина машинанинг ҳамма эшигини очиб ташлади.

Шорасул Азизни суяб не азобда уйи тарафга олиб кета бошлади. Тўрт қаватли бино қаршисига бориб, «Қайси йўлакда тураркан бу лаънати» деб бош қотираётган пайтида Салтанат боласини ташлаб, ҳовлига ўзи тушиб келган эди, кўчада ҳеч ким йўқ; бутун кийим-боши тупроққа беланган Азизни икковлашиб тезгина иккинчи қаватга суяб олиб чиқишди-ю, эшикдан киришлари билан:

— Чўчқага ўхшаб қаерда бунчалик ичдинглар?!— деди Салтанат Шорасулга ғазабдан кўзлари ёниб.

Шорасул эса, унга тенгсиз бир нафрат билан қаради-ю, остонага бир туфлаб, эшикни қарсиллатганча чиқиб кетди...

24

Азиз ечинишгаям ҳоли етмай, ичкари уйдаги кўрпачага чўзилганча ухлаб қолди.

Салтанат шунчалар қўлга тушиб шарманда бўлганидан, вужудини бўғиб келаётган номуснинг зўридан ер ёрилса-ю, ерга кириб кета қолса эди... «Шуларни Азиз билиб турганмикин ёки шу даражада мастки, ажратолмадимми?.. Тақдир ҳам одамнинг устидан шунчалар куладими-а?! Сал кам икки миллион киши яшайдиган шаҳри азимда келиб-келиб айна биз йўлиқсак-а?! Тавба қилдим, тавба-а!.. Бу, ҳойнаҳой, жазоимдир, жазоимдир!.. Қаерданам учратдим, бу ер юткур олифтани?! Қаердан учратдим?! Бутун ҳаловатим, тинчимдан айрилдим ўшани деб? Пешонам шу экан: нуқул тескариси бўлиб чиқади!.. Таксид кетаверай дедим-а! Шайтон йўлдан уриб телефон қилиб ўтирибман-а, шу касофатга! Бир сўм тўлаб кетавермайманми?! Тўхтатма дедим-а! Анови сўқтаси совуқ божасидан қўрқди... Бунчалигини билганда тўхтатмасди!.. Нима, Азиз мени пойлаётганими бу?.. Кечаям шаҳарда эди, бугун ҳам... Тагин умрида элакишмаган, итдан баттар ёмон кўрадигани — анови Шорасул иккови топишиб қопти! Наҳотки, Йўлдош шунчалар пасткаш, майда гап бўлса?.. Наҳотки, орамиздаги сирни божасига айтган?.. Унда тамом!.. Бебахтман!.. Унда тамом!.. Бу олифта, бетамиз, ўша заҳил божасига айтган! Айтган! Бўлмаса... Шорасул менга бунчалик ўқрайиб, юзимга туфлагандан баттар қарамасди. У оғзи шалоқ, айтган!.. Мақтанган!.. Энди нима қилдим?.. Нима қиламан энди?.. Вой, шўрим!.. Кап-катта одам, машинада ичи узилиб ғариллатиб қусгунча ичибди-я! Борди-ю, у ҳаммасини билса-чи? Алаmidан шундай қилган бўлса-чи? Шорасул билан бежизга етаклашиб юрмагандир у!.. Тамом.. тамом-ман энди!..»

Фақат қийин дақиқалардагина, ҳаёти қил устида турган пайтдагина инсофга келадиган Салтанат ҳозир бутунлай ўзини йўқотиб қўйди, ётган жойида минг хил хаёлларга бориб, охири руҳий азобдан, ўзини ўзи қийнашдан ҳол-жони қолмай, ҳамма нарсадан воз кечган одамнинг кайфиятига тушди-ю, «бўлар иш бўлди энди, пешонамдагисини кўравераман» деди ичида. Кейинги дақиқада эса худди Азиз шу кечанинг ўзида жонига қасд қилдигандай қаттиқ даҳшатга тушди. Негадир, Беҳзодни каравотидан олиб, бағрига босиб ётди. Унинг лўппи юзига лабларини босаркан, ўз қадрига куйганидан бир лаҳзанинг ўзида кўзларини жиққа-жиқ ёш қоплади. Ярим кечага бориб энди кўзи илинганда, ошхонада нимадир тарақлаб кетди. Сакраб ўрнидан туриб, чироқни ёқди. Қараса, Азиз худди биров мижғилаб ташлагандай, кўзлари ўрадай чўкиб, ҳали ҳам билинар-бўлинмас гандираклаганча, чойнакни бошига кўтариб, лабларининг четидан оқиб тушаётганига қарамай, очкўзлик билан сув симирарди. У катта ғардим чойнакни тагигача ичиб тугатди-да, хотинига маъносиз назар билан тикилди ва бир оз шийшиқираган ўнг қўл бўғинини ушлаб, оғриганидан кўзини юмди, ерга қараб:

— Қачон келдим?— деб сўради.

— Шорасуллар ташлаб кетишди...

Азиз ҳалиям унча кайфи тарқамаган, аслида бутун азоби энди бошланган, тили шу даражада бемаза, боши карахт эдики, худди тахир нарса чайнагандай кўзларини юмиб, пешонасини тириштириб-тириштириб қўярди. Аммо анча ўзини тутиб, гарчи ҳали қилган ишларидан даҳшатга тушиш даражасига етмаган бўлса-да, ҳар қалай мантиқли фикр юритаётган эди. Гандираклаб уйга кирди-да, Салтанат шоша-пиша солаётган ўрнига узала тушди ва бошини кўрпага ўраб, худди хотинининг қадам товушини тинглаётгандай унсиз ётаверди... Кейин ўзи қилган

номаъкулчиликларига номуси чидамай, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлай бошлади...

Эрталаб ғира-шира бўлмасданоқ уйғонди, сўлаги оқиб юзига муздай тегиб турган духоба ёстиқни четга сурди-да, ётган жойида оёғини чўзиб тиришиб, уйқули кўзлари билан кеча чала-ярим ечган кийимларини пайпаслаб ола бошлади... Бошининг қақшаб оғриётганига зўрға чидаб, ер тортиб кетаёса ҳам, бир амаллаб, қовоғини уйганча ўрнидан турди. Бўш келса, хотинининг чакаги очилиб кетишидан қўрқиб, индамай чойини ичди ва «мен кетдим» деди-ю, чиқиб жўнади. Салтанат тили гунг; эрининг «кетдим» деганининг маъносига тушунмай, юраги зириллаб, ерга қараганча қолаверди... Кейин бирдан бошини чангаллаб, шу вақтгача гўё жисми-жонига ҳузур бағишлагандек туюлиб юрган бевафолигининг мислсиз оқибатини тўсатдан фаҳмлаб қолди-ю, додлаб юборар даражада ўзини диванга ташлади. «Нима қилиб қўйдим? Нима қилдим?! Аввало... ўзимни, аёллигимни ҳақоратладим-ку!? Елғон ҳавас — шайтоннинг измига кириб, нима орттирдим?! Шохим чиқдимми? Қайтага синди! Шарманда бўлдим, шарманда!..»

Орадан сал ўтгач, Салтанат бу аянчли ҳолатидан хийла қутулганга ўхшади ва шиддат билан ўйлай бошлади. Миясига қаёқдандир тиниқ фикрлар қуюни юборилгандай, гўё шу ишларнинг барини у эмас, бошқа аёл қилгандай, ғалати бир совуққонлик билан юз берган воқеани тарозуга солиб кўра бошлади. «Йўлдошнинг нимасига учдим? Нимасига?!..» Салтанат қанча ўйламасин, ўз қилмишига тузук бир баҳона, сабаб топа олмади. «Меъеридан ошган ҳавас ғайирликка айланаркан... Шу ғайирлик йўлдан урди мени... Ўзимча янада тиниқроқ, янада ширинроқ туйғуларни топгандай эдим... Акси бўлиб чиқди... Оҳ, Азиз икковимиз ғарибгина яшасак ҳам, худди дуторнинг қўш торидек мағрур, миннатсиз умр ўтказган ўша жўр овоз онларимиз қани? Қани, ўша покиза кунларим? Қани энди?.. Уришардик, ярашардик... Аммо бир-биримизга қўрқмай, тикка қарай олардик! Қўрқмасдик! Энди-чи, энди?..»

Вақт тушга яқинлашиб қолган бўлса ҳам Салтанат ҳамон эски диванда бошини чангаллаб ўтирганча гоҳ ваҳима босиб, гоҳ йиғлаб, гоҳ тиниб, ҳиссиз бир аҳволда ўзини-ўзи азобга соларди. Беҳзод балконда ўйнаб-ўйнаб охири зерикканидан кўчага чиқиб кетганини ҳам гўё сезмаётгандай эди. Аввал ташқаридан сал йиғлаган овоз келса жон ҳолатда балконга югурадиган одам Беҳзод ҳовлида қоқилиб йиқилиб, овози борича чинқирганини ҳам эшитмади. Йиғидан кўзлари шишиб диван қиррасида тошдай қотиб ўтираркан, ўзидан-ўзи биринчи бор Азизни учратган пайтиги эслаб кетди. Ушанда Азиз Сергей Матвеевич дарвозасидаги қўнғироқ тугмачасини босаётган эди. Салтанат уни кўрди-ю, ўзидан-ўзи ҳеч сабабсиз юраги бирдан жиз этди. Қотмадан келган, буғдойранг юзли, оппоқ финкасини оқ каламинка шимига қистирган, кўлида каттакон сумка кўтарган Азиз ўшанда Салтанатга азот ўгирилиб, шу қадар самимият билан жилмайиб боқдики, Салтанат ҳатто ҳозир ҳам ўша ўтли нигоҳни эслаб, томоғига бир нарса тикилгандай қаттиқ ютинди. Кўзига дувиллаб ёш қалқди... «Наҳотки, севги — фақат ёқимли ҳаяжон, вужуднинг ўтмисол ёниб туришигина бўлса?! Ут билан ўтнинг фарқи йўқми, ахир!?. Гуллаган бўстонни қувратувчи ўтчи?.. Севги — алам, завқ, қувонч, кулфат, даҳшат, мардлик, нафрат... Ахир, икковлари орасида шу туйғулар йўқмиди? Йўқмиди?!..»

Салтанат афсус ва надомат тўла ўйлар билан кунни қандай кеч қилганини ҳам билмади. Кун бўйи туз тотмади. Беҳзод ҳам нон чайнаб, сув ичиб юрди... Салтанат ҳатто овқатга уннамаганини ҳам ғира-шира бўлган пайтдагина сездди. Яна вужудини даҳшат босди. Назарида эри азроилдек кела солиб жонини олаётгандай юраги қўрқувдан дукиллаб ура бошлади. Қўллари, бўғинлари, бутун жисми титраб-қақшаб, ичи ях-

лагандай, туйғусиз бир махлуққа ўхшаб ўтирарди. Айниқса, Азиз ишдан қайтадиган вақт яқинлашган сари бадтар вос-восга тушиб, ўзидан ўзи йиғлагиси келар... елга совурилган қадри, номусининг аламига чи-долмаганиданми, Азизнинг қаҳридан қўрққаниданми, ўксиб-ўксиб, борган сари ўзини тўхтатолмай йиғлай бошлади... У иродаси ва ақлини йўқотган эди, бамисоли ўлқонга тушган хассимон, ўзини буткул маж-руҳ туйғулар қўлига топширган эди...



Азиз эрталаб оғриб турган бошини қашиб, қулоғи битиб, юраги тез-тез урганча зўрға автобусга чиқиб ўтирди-ю, кечаги воқеани эслай бошлади. Сал нарсага чидамай, иродасизлик қилгани шунча аламларининг устига яна бир алам бўлиб қўшилди. «Ўзимни шу қадар йўқотмасам, осмон узилиб ерга тушганмиди?! Салгина оғирчиликка чидамай, дарров ичкиликка ёпишдим!.. Иккинчи шишага бало бормиди?! Ҳеч қачон меъерини билмаганман ўзи! Билмаганман! Ҳаммага шарманда бўлиб...» Ана, энди етим қўзидек бошини бўйнининг ичига олиб, дуч келган одамдан кўзини опқочиб... Ҳамиша шундай!.. «Тўхта, тўхта!.. Қандайдир машинага тушдик... Машинада Салтанат билан Беҳзод ҳам бор эди шекилли?.. Ҳа, ҳа, аниқ бор эди...» Ҳатто Азиз Беҳзодни эркалайман деб, қўл узатгани ҳам эсида... «Қизиқ, қаерда бўлиши мумкин?.. Еки такси олиб, маст ҳолича қайнотасиникига бордими? Унда ёнида Шорасул нима қилиб юрибди? У, бир ўзинг кетма, деб боргандир-да?.. У ҳам маст эди...»

Азиз пўла бўлиб шешинқираган устки лаби, сал қимирлатса безиллаб оғриётган ўнг қўл бўғинини ушлади-да, тўсатдан Йўлдош эсига тушиб, ичида «вой» деди-ю, уятдан юраги шувиллаб кетди. «У билан қаерда ёқалашдим?.. Ҳаммамиз ўшанинг машинасида эдикми? Йўғ-е... Қаерда ёқалашдим?.. Шорасул ажратди-ку икковимизни...» Азиз кеча юз берган воқеаларни аниқ хотирлай олмай, бутун йўл бўйи ўзини-ўзи азобга солиб, қийналиб борди...

Гуноҳкорона қимтиниб, хонасига аста кириб борганда, Шорасул газета ўқиб ўтирарди. Азизни кўриб кўзини олиб қочди, хиёл қизариб ўрнидан турди, кейин жилмайган кўйи столдан чиқиб, у билан кўришди. Азиз ердан кўзини узмасди. Шорасул билан совуққина кўришди-да, ўрнига бориб ўтирди ва икковлари ҳам анчагача миқ этишмади. Охири Азиз:

— Кеча сал кўпроқ бўп кетдимиз?..— деди ғўнғиллаб.

Бу гап Шорасулнинг тилига Азиз хонага киргандаёқ келган эди-ю, лекин у бошқа нарсадан қўрқаётганди. «Азиз Йўлдошни эслаб қолганмикин ёки йўқми?»— деган хавотир уни қийнарди. Шу сабабли тилини тийиб, Азизнинг гапини пойлади. Азизнинг афсусига қўшилиб, «чиндан ҳам бекор қилибмиз» дегандай кулимсиради:

— Уйласам, юрагим орқамга тортиб кетяпти... Уша ҳолимизни биронтаси кўрса-я!— Шорасул лабини тишлаб, бошини сарак-сарак қимирлатди. Шу билан айни пайтда у Азизнинг кеча Йўлдошни таниган танимаганини ҳам билмоқчи эди. Азиз индамади. Узун уҳ тортди-да:

— Бир замон қарасам, уйда ётибман,— деди яқин кишисига сирини айтаётгандай.— Салтанатнинг олдида ер ёрилмади-ю...

Азиз ҳам аслида «Шорасул менга қараганда камроқ маст эди... Шундай десам, эҳтимол, нима бўлганини бир бошдан сўйлаб берар» деган умидда шу тақлид чайналган эди. Шорасул нимадир дейишга

энди оғиз жуфтлаганида эшик очилиб, Расул Оллоёровичнинг котибаси кўринди-да, Азизга қараб:

— Сизни чақиряптилар,— деди.

Азиз бирдан ҳаяжонга тушиб, шоша-пиша у ёқ-бу ёғини тўғрилай бошлади: қабулхонага кирди. Котиба қиз «марҳамат, ҳеч ким йўқ» дегандай имо қилгач, чўчибгина эшикни тортиб, ичкарига бош суқди.

— Кираверинг, кираверинг!— деди тўрда қалам очиб ўтирган Расул Оллоёрович; босиқ, салобатли овози ўзига жуда ҳам ярашарди. Бир қарашда Азизга гўё орада ҳеч нарса бўлмагандай туюлди, аммо кейинги дақиқада Расул Оллоёровичдаги ўзгаришни бари бир пайқади. Табиатан очиқ юз Расул Оллоёрович ҳозир қовоғини уйиб, Азиз билан қўл олишиб ҳам кўришмади, ўтирган жойидан қимирламай, кўрсаткич бармоғи билан рўпарасидаги стулни кўрсатди. Кейин уч-тўрт дақиқа сукутда турди-да, бирдан Азизга юзланиб:

— Ҳозир нима иш қиялпсиз?— деб сўради.

Азиз кутилмаган бу саволдан бир оз шошиб қолди:

— Менми? Диссертациям охирляпти...

— Диссертациянгиз — ўзингизнинг шахсий ишингиз, ука. Биз сизга қайишиб, тағинам бир ой ҳамма юмушлардан озод қилиб, бор шароитни яратиб бердик. Энди аччиқ ичакдек чўзавермасдан... ёзинг-қўйингда! Нима, тоғни қайириб берармидингиз жуда?!— Расул Оллоёрович шу гапдан кейин бир оз жаҳли чиқиб, юзини зарда билан четга бурди. Азиз Расул Оллоёровичнинг бундай асабийлашганини деярли кўрмагани учунми, бадтар нима дейишини билмай қолди. Атиги йигирма уч кун олдин худди шу кабинетда, яна бунинг устига Муҳиддин Жабборович гувоҳлигида Расул Оллоёрович Азизга мутлақо бошқача гапирган эди...

Азиз изтиробдан қулт этиб ютинди-ю, ўзи ҳам кейин ҳайратга тушган бир дадиллик билан:

— Тушунолмай қолдим!— деди қўллари икки тарафга ёйиб.

— Нимани?!— Расул Оллоёровичнинг қалин қошлари чимирилиб, кўзлари чақчайиб кетди.— Нимани тушунмаяпсиз? Айтинг, ука?!

Азиз кафтларини бир-бирига ишқаганча, миқ этмай қолди. Расул Оллоёрович арслон оёқли столдан шошилмай туриб, кабинет полини ғичирлатиб у ёқ-бу ёққа юра бошлади ва бир гал шундоқ Азизнинг орқасида тўхтаб:

— Райкомдан одам сўрашяпти,— деди.— Қўшни тоғлиқ районда эрта-инди қор ёғиб, қора совуқ тушармиш. Сабзавотларни йиғиб улгуришолмабди, бечоралар. Шунга бир ҳафтага бориб келасиз энди. Яна биронтасини топармиз, бориб тоза ҳавода бир ўйнаб келасизлар. Бу — ишингизга ҳалал беради, албатта. Лекин ноиложмиз, ука. Биласиз-ку, кўплар декретда, кўплар касал... Бир кунга ҳўкиз ўлмайди, икки кунга эгаси бермайди.— Расул Оллоёрович жойига бориб ўтирди.

Азиз «ахир, мен сентябрь ва октябрь ойида ҳар якшанба пахтага чиқдим-ку, нега Шорасул бормаиди бундай ишларга?» демоқчи бўлди-ю, директор билан олишиб обрў топмаслигини билиб, индамай қўя қолди ва сукут билан розилик берди. Энди ўрнидан қўзғолаётганда, Расул Оллоёрович қўл ишораси билан: «Ўтиринг, ўтиринг, тагин гап бор» дегандай имо қилди.

— Бунча муғомбирликни қаердан ва кимдан ўргангансиз, ука?

Азиз бамисоли чўғ босиб олгандай сапчиб Расул Оллоёровичга ўғирилди: у Азизга истеҳзоли боқиб турарди. Азиз кап-катта раҳбар одамдан бундай ҳақорат эшитганига чидолмай, қандайдир тилда тасвир этиб бўлмайдиган изтироб, алам юрагини омбирдек қисиб, лаблари титраганча:

— Мен тушунмаяпман, Расул Оллоёрович!— деди директорга аса-

бий тикилиб.— Кимга муғомбирлик қилибман, нима муғомбирлик қилибман, ҳайронман?! Йигирма кунгина олдин худди шу ерда менга бошқача ваъдаларни берган эдингиз! Энди тушунмай қолдим?!

Расул Оллоёрович жаҳли чиқсагина тортмасида доимо ишлатилмай турадиган сигаретадан олиб чекарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Шошилмай сигарета тутатди-да, Азизга бадтар истеҳзо билан тикилди; папирос тутуни оша кўзларини қисиб:

— Тушунмаяпсизми?!— деди лабининг учида кулиб. Кейин бирдан «Сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтим йўқ» дегандай гапни чўрт кесди:— Менга қаранг, ука! Шу сўзларимни у қулоғингизга ҳам, бу қулоғингизга ҳам қўроғиндай қуйволинг! Сиз унақа муштдек бошингиздан менга бир хил, унга бир хил... яна бошқача яна бошқа хил гапиришни бас қилинг! Лат ейсиз... лат еганда ҳам, очигини айтиб қўяй, ўлгунча ўнганмайдиган бўлиб лат ейсиз, тушунарлими?!—

— Айбим нима, Расул Оллоёрович?! Айтсангиз-чи, ахир, очигини?! Бунақада домонгир бўлиб юраверасиз-да! Нон урсин, ҳеч нарсадан хабарим йўқ!

— Бунақа онт ичишингизни уйингизга бориб қилинг, тушунарлими? Кейин кўзингизни бақрайтириб менга ёлгон гапирманг! Мен сизга ўйинчоқ эмасман, тушунарлими? Ҳали Муҳиддин Жабборович ишга чиқсин, ҳаммасини элакдан ўтказамиз, ҳаммасини! Коллектив панасида қахрамон бўлишни истаб қолдингизми?! Кетмайди! Ҳаммасини элакдан ўтказамиз! Катта идораларни чалгитиб, бизни ёмон отлиққа чиқариб юрганларингиз учун ҳали жавоб берасиз! Боринг энди, ишингизни қилинг!

Азиз йиғламсираб, тагин нимадир демоққа уринди-ю, Расул Оллоёрович шахд билан ўрнидан туриб, Азизга дарғазаб тикилганча, қўлини силкиди ва «бўлди, гап тамом, жўна» дегандай ишора қилди. Азиз бу ҳақсизликдан дод деб юборишига сал қолиб, кабинетдан отилиб чиқиб кетди. Ранг-рўйи таниб бўлмайдиган аҳволда хонасига кирди-ю, Шорасулнинг тепасига бориб:

— Олдинги куни нима девдингиз? Директор билан Муҳиддин Жабборовични қаерга чақиритган экан?— деб сўради гўё ҳамма эшитган дашномларига мана шу Шорасул айбдордек, бутун зуғумини унга тўкиб. Шорасул орада жиддий гап-сўз ўтганини дарров фаҳмлади; Азизнинг вазоҳатидан ҳайиқиб, журъатсиз бир қиёфада ўрнидан турди ва дераза пештахтасига қўйилган графиндан сув қўйиб аввал ўзи ичди, кейин Азизга узатди. У ҳам ичди.

— Узингизни босинг, Азиз. Нима гап?— Шорасулнинг кўзлари ҳамон ҳайратли боқарди. Азиз муздай сув ичиб бир оз бўшашди, Шорасулга қараб ғарибона бир кулимсиради-да, кўзларига билинар-билимас ёш келиб:

— Анови куни айтдингиз-ку, иккала домлани қайсидир катта жойга чақиртиришибди, деб. Ушани сўраяпман,— деди ва жавобини кутмай, ҳолсиз тарзда жойига бориб ўтирди.

Шорасул «раҳбарларнинг гапига аралашиб жонимда қасдим борми» деган ўйда, елкасини қисди:

— Билмадим, кимдандир эшитувдим,— деди мужмал қилиб.

Азизни энди унинг жавоби қизиқтирмас, аҳамиятсиз эди. Чунки у Расул Оллоёрович кабинетидан азбаройи даҳшатга тушиб чиққани учун эсига келган ўша гапни сўраган эди... Кейин аста-секин ҳаяжони сўна бошлади-ю... тўсатдан бир нарса ёдига тушиб, мияси сирқираб оғриди. Жон ҳолатда ўрнидан туриб, апил-тапил шкафни очди. У ерда кеча эсдан чиқариб қолдирган сумкасини кўрди-ю, «хайрият» деган фикрдан тиззалари бўшашиб кетди. Қулоқлари шанғиллаб, боши тўхтовсиз лўқиллаб оғрий бошлади. «Яхшиям, кеча эсдан чиқарибман-а, сумкамни!

Бўлмаса, қаерларда қолиб кетарди!.. Бор ишонганим, ҳаммани ағдар-тўнтар қилиб, одамларни минг хил мақомга йўрғалатиб турган ҳужжатларимнинг бари шу ерда-я! Унда ҳаммасидан айрилардим!.. Ун йил буринги натижаларимдан тортиб... бари шу ерда...»

Азиз боя автобусда келаётганида кеча кўп ичиб қўйгани ва Шора-сул билан кўчада сандирақлаб, уйига қандай етиб борганини ҳам билмаганидан даҳшатга тушган бўлса, Расул Оллоёрович ҳузурдаги ҳозирги жанжаллар у хаёлларнинг барини миясидан сидириб ташлади. «Расул Оллоёрович кеча менга бекорга кўрс муомала қилмаган экан... Бу ёқда катта гап бор экан... Э, тавба, муғомбирлигим нима менинг? Муҳиддин Жабборович чиқсин ҳали, ҳаммасини элакдан ўтказамиз дегани нимаси?...»

У кун бўйи шу тақлид боши қотиб юрди-ю, кейин «бор-е» деб сумкасини олиб, уйига жўнади. Ишдаги ташвиши етмагандай, уйда ҳам кутилмаган воқеанинг устидан чиқди. У, бир жиҳати, Расул Оллоёровичнинг аччиқ сўзларини ўйлаб, бир жиҳати Салтанатнинг кўзига йўлиқшдан номус қилиб, ҳардамхаёллик билан шундоқ остонага етиб келганда... ичкаридан йиғи овозини эшитди: Салтанат! Утакаси ёрилиб, эшикни дукурлата бошлади. Салтанат қулфни шиқирлатиб очди. Азиз қараса: шундоқ кираверишда, ерда симлари узилиб телефон аппарати ётибди. Салтанат дунёдаги бор нарсадан умидини узган, ҳатто ўлимга ҳам тайёр одамнинг қиёфасига тушган эди; йиғлайверишда шишиб кетган, сочлари тўзғинган.... Азиз жон ҳолатда уйга кириб, эшикни беркитиши ҳаммоно Салтанат унинг бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди-да, ҳўнграб йиғлай бошлади... Аслида бу ниҳоятда қўрқиб кетгани туфайли пайдо бўлган шайтонлаш эди... У, Азиз бўйинини бўшатаман деса ҳам, баттар ёпишар, бадтар ҳўнграб йиғлар; шундоқ даҳлизда турганлари учун ўтган-кетган эшитишидан хижолат чеккан Азиз охири чидолмай уни қаттиқ силтаб ташлади. Салтанат гандирақлаб бориб, деворга суяниб қолди; аммо энди жазаваси тутиб йиғлай бошлади.

— Нима гап, айтсанг-чи?! Менга ҳам тинчлик борми ўзи бу ёруғ жаҳонда?!— дея бақирди Азиз ўпкаси тўлиб.

Шунда у етти ухлаб тушида кўрмаган воқеа юз берди: Салтанат бирдан ўзини ерга ташлаб, Азизнинг оёқларини қучоқлаб олди, ёшли кўзлари билан эрига илтижоли боқиб:

— Азиз ака, мени ўлдиринг! Улдиринг!— деди елкалари изтиробдан қалтираб.— Мен нопокни ўлдирсангиз ҳам кам! Кам!.. Улдир! Улдир!..

Эҳтимол, Салтанат кун бўйи фақат кечаги воқеани ўйлаб, «Азиз билиб турибди... атайлаб ўзини гўлликка соляпти...» дея вас-васга тушмаганда, бу ишни қилмасди. Эҳтимол... Лекин Салтанатнинг ҳозирги гапи Азизнинг бошига гурзи билан ургандай уни сескантириб юборди. У атиги бир зумгина «шу эшитганларим ростми, ёки шундай туюлдим» деган ҳолатда иккиланиб турди, кейинги дақиқада эса кутилмаганда юраги қаттиқ санчди. Кўзлари ола-кула бўлиб, Салтанатнинг устига энгашди:

— Нима? Нима дединг?!

Салтанат бирдан ўзига келиб, оғзидан чиқиб кетган гапнинг мислсиз даҳшатидан дағ-дағ қалтиради-ю, кўр одамдай Азизнинг оёқларини пайпаслаб, кўзидан юм-юм ёш тўка бошлади.

— Қим у?— деди Азиз азроилдай наъра тортиб.— Айт, мегажин! Айт!

Салтанат безгак тутгандай титраб-қақшаб йиғлар эди. Азиз ғазаб билан елкасига тепиб юборди. Салтанат даҳлиз деворига суяб қўйилган жигарранг трюмога қунишиб олди-ю, бақироқ болалардек вас-васа билан ўкира бошлади. Азизнинг томирларидаги қони бирдан кўкрагига

сигмай, қутуриб кетди; Салтанатнинг устига бостириб бориб, ёйилган сочларидан тортиб, юзини ўзига қаратди-да, лабларидан тупук сачраб: — Айт, ким?!— деб ўшқирди.

Салтанат яна бадтар ғужанак бўлиб, тепки ейишдан қўрқиб, эрининг оёқларини маҳкам қучоқлаб олди. Азиз ўзидан-ўзи, беихтиёр Йўлдошни ўйлади-ю, кўз ўнгида хона гир-гир айланиб, ўзи гандираклаб, чайқалиб кетди. Юраги игна санчгандай бир-икки зирқираб, нафас ололмай қолди. Кейин «у-уввфф» деди-ю, оёғини хотинининг қўлларидан суғуриб чиқариб, лапанглаб борганча ўзини диванга ташлади. Нариги уйда ўйинчоқ машинасини ўйнаб ўтирган, дадаси билан ойисининг бақирғига секин чиқиб келган Беҳзод эса, кеча кўрган даҳшатли воқеалари ҳали хотиридан кетмай, бугунги аҳволдан яна гўдакларча изтироб чекиб, кўзларини муштчалари билан ишқалаб, остонада ҳиқ-ҳиқ йиғлаб турарди...

Азиз шу ётганча қанча ётди, билмайди... Ғам юки тоғдан оғир. У юз берган ҳодисани сира ақлига сиғдирилмас, ўйлаш хислатидан маҳрум бўлган одамдай фикрини жамлаёлмасди. То эрталабгача мишжа қоқмади. Шу орада қанча шайтоний фикрлар келди миясига. Ҳозироқ хотинини бўғиб ўлдиргиси, ёки ҳозироқ бориб ўша кеча ёқалашгани Йўлдош билан яна муштлашгиси, ҳатто ўзини-ўзи осгиси келарди. Лекин бу ишларнинг бари Салтанат қилган қилмишга бари бир урвоқ бўлолмайдигандай туюларди унинг назарида...

Эрталаб Азизни кўрган одам афти-ангорини мутлақо таниёлмасди. Азонда туриб, кеча кўтариб келган сумкасини олди-ю, эшикни қарсиллатиб ҳам ёпмади, секингина очиб, секингина чиқиб кетди. Шу-шу Салтанат уни йиғи-сиғи билан бир кун кутди, икки кун кутди, уч кун кутди... бир ҳафта кутди... у келмади. «Ўзини бир нарса қилиб қўйса-я...» деган ваҳимада институтга ҳам сим қоқди; директор котибаси: «Вой, қанақа хотинсиз ўзи? Ҳув, Москвага боргандаям шу гапни айтувдингиз... Бир ҳафтага сабзавот йиғишга кетди-ку эрингиз... Сизга, наҳотки, айтмади?» деб трубкани илиб қўйди. Салтанат шунисигаям шукур қилиб, овунди.

25

Азиз сабзавотдан қайтган куннинг эртасига институтда навбатдаги илмий совет йиғилиши белгиланган экан...

Азизнинг назарида шу бир ҳафта бамисоли йилдек чўзилиб, дилидаги ташвишларниям тобора узайтириб юбораётганга ўхшайверди. У рўй берган ҳодисадан бутунлай гангиб қолган, Салтанатни ҳар қанча оқламоқчи бўлса ҳам бунга сира асосли важ-баҳона тополмас эди; илгарилари эътиборсиз қарагани, аммо, мана энди билса, ҳаммаси бир-бирига боғланган воқеаларни ўйлаганида, ўзининг гўллиги ва чорасизлигини англаб, бадтар нафрати ошиб кетарди. Утган йили Йўлдошни ўз йўлақларида, ўғри одамдек сирғалиб, зинғиллаб жўнаётганини кўрганидаёқ ёқасидан олмайдимиз-я?! Уйласа, Азизнинг боши гириллаб айланиб, кўксини ўртаётган алам юрагига сигмаётгандай, жигар-бағри эзилиб, хўрсинади. Умрида ҳеч бир нарса ҳали уни бунчалик азобламаган, ҳеч бир нарса унга бунчалик алам қилмаган эди... Кейин... Шорасулнинг зиёфатида кўрган эди ўша малъунни! Юраги бир сесканиб, тўсатдан шубҳа босган эди-я ўшанда!.. Йўлақларида учраганини ҳам эслаганди чамаси?.. Ёки эсламаганмиди? Йўқ, йўқ... эсловди... аниқ хотирида бор ҳозир ҳам... Ҳатто ўшанда «тавба, бу одам биз томонларда нима қилиб юрган эди?» деб ўзига-ўзи сўроқ ҳам берган эди... «Наҳотки, ўшандаям сезмабман-а?! Наҳотки?...» Миясига шу фикр келгач,

Азиз Салтанатни унутиб, ўзини койий бошлади... «Шуларнинг бари мастликдан! Ичдингми — нафақат иродангни, унга қўшиб бор-йўқ зеҳнинг, ақлинг, обрўйинг, фаросатингни ҳам ютиб юборасан!.. Ушанда Шорасулнинг зиёфатидан кейин ҳам ичгани учун бугун айбни ўзига олди... Ичдингми — хотинчалиш бўласан-қўясан!.. Ўз соянгдан қўрқиб, қилмаган айбингни қилдим деб ўйлаб... вос-восга учрайсан... Анови, Шорасул билан отамлашган кунимиз ҳам... Тўхта, тўхта! Нега орамизга бирдан Йўлдош араллашиб қолди? Наҳотки, наҳотки, ўша! Оҳ, қанчалар бадбахтман-а! Уша, ўша! Уша махлуқ эди Салтанат билан олдинда ўтирган!.. Уша газанда эди!.. Бу шармисорликдан қочиб қайларга борай энди!? Қайларга?! Ҳамма нарсани кутсам ҳам Салтанатдан бу ишни кутмаган эдим!.. Шўрим қуригани шу менинг! Шорасулдақаларга майна бўлган одам!.. Шошма, шошма! Хў бирда Муҳиддин Жабборович нима деган эди?! «Шорасулнинг божаси бизга жиян бўлади... Йўлдошвойгаям ёқиб қопсиз жуда... «Иложи борича ишини тезлатинг, тоға» деб илтимос қилганди» девди-ю... Ушанда жияни мени қаердан билишини ҳам сўрамабман! Нега у менинг илмий ишимга аралашади?! Наҳотки, наҳотки, шу пасткашликларнинг баридан Муҳиддин Жабборович ҳам хабардор?! Наҳотки, билиб туриб, индамаган? Ёки...»

Бир ҳафта давомида Азиз шу хилдаги хаёллар азобида эзилиб, иштаҳаси бўғилиб, кўзлари салда киртайиб қолди. Баъзан у Салтанат билан Йўлдош ўртасида бўлган ишнинг тафсилотини ўзича ўйлаб кетар, нима бўлганикин, қай даражада бўлганикин, деб бадтар юрагини зулук сўрар эди. Сабзавот тераётганда ҳам, кўчада бораётганда ҳам ўзини бурунгидай, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай тутишга уринар, аммо қандайдир номус кучи билан ўзидан-ўзи қийналар, дуч келган ҳар бир таниши унга ачиниб ёки кулиб қараётгандай туюлаверарди. Бир сидра ҳамма нарсадан воз кечиб, туя гўшти еган шу жанжалли илмини ҳам, одамлари бир-бирига дўст кўришиб, аммо ичларида бир-бирларини еб ташлашга тайёр турган, номи улуғ даргоҳни ҳам ташлаб... қишлоққа — отасининг ёнигами ёки ҳеч ким танимайдиган олис бир жойгами кетишни ҳам ўйлаб юрди. Лекин одатда бунақанги хомхаёллар билан сиз ва биз яшаётган кундалик ҳаёт оралигида чексиз бўшлиқ ётгани учун ҳам бу хаёллар хаёллигича қолаверди... Ана, Азиз қишлоққа борди ҳам дейлик!.. «Мана сенга агрономлик» деб қўш қўллаб унга жой узатиб турган одам йўқ қишлоқда ҳам! Кези келса, Азизнинг шаҳарда яшаши, катта бир илмий муассасада ишлаб, янги пахта нави устида тадқиқот олиб бораётганини ҳамқишлоқлари эшитишган... Айниқса, колхоз раҳбарлари «отанга раҳмат, гўдаклигида ўзи зеҳли эди...» деб, Азиз туфайли у ер-бу ерда ғурурланиб юрган вақтлари ҳам бўлган. Улар Азизнинг бир ердан сўзсиз ёриб чиқиши, ўзи туғилиб ўсган қишлоғининг шуҳратини янада оширишига ишонганларидан шундай дейишган. Энди бирдан «ҳа» йўқ, «бе» йўқ, томдан тараша тушгандай «қишлоққа қайтмоқчиман» деса, улар ҳайрон қолишмайдими, ахир?! «Майли, бажонидил, биз хурсандмиз» деб яхши кутиб олишган тақдирда ҳам... янги жой, янги одамлар... Ваҳоланки, ҳамма ерда ўзига яраша тошу-тарози...

Азиз қанча ўйламасин, бу режалари хомхаёллигини ўзиям билар, бироқ айни пайтда шу ситамкор туйғулардан қутулишининг йўлини ҳам тополмасди... Ора-сира Беҳзод эсига тушганда эса, қулоғининг остида ҳамон унинг охирги марта ҳиқиллаб йиғлаётгани эшитилар, аммо эркаклик ғурури хўрлангани туфайли Салтанатга нисбатан нафрати шу қадар кучли эдики, ўғлини соғинаётгани ҳам юрагига нашта бўлиб санчиларди...

Азиз қўшни райондан қайтгандан кейин уйига бормади: тўппа-

тўғри қишлоққа, отасининг ёнига кетди. Отаси аввалига обдан суюнди. Салтанат, Беҳзодни сўраб-суриштирди! Лекин Азиз қандайдир паришон ҳолда жавоб қайтара бошлагач, бирдан гап қовушмай қолди. Азизнинг: «Фалон районда сабзавот йиғишда эдим... тўғри сизни кўрганни жўнайвердим» деган сўзига ҳам отаси унча ишонмади. Чунки Азиз айтган район Тошкентнинг нариги тарафида; у ердан бу ерга келиш учун албатта шаҳарни босиб ўтиши керак эди. «Бир ҳафталик қир-чир кийим-кечакларини ҳам алмаштирмаган бўлса, ишқилиб, тинчликми-кан? Азизда бунақа одат йўқ эди-ку?...» дея ўйлади кексайиб, мункайиб қолган Қўрғонбой ота, пиёладаги чойни асабий ҳолатда пуфлаб ичаётган ўғлига зимдан тикилиб...

Азиз институтга келиб, ҳали нафасини ростламасдан Шорасул унга: «Эртага илмий совет, сиз ҳам қатнашинингиз керак экан» деган янгиликни айтди. «Боя директор котибаси огоҳлантириб кетди... Кеча Муҳиддин Жабборович ҳам айтувдилар...» деб қўшиб қўйди худди суюнчи олгандай. У илмий советда яна Азизнинг иши кўрилишини, шу орада анча-мунча жанжалли масалалар йиғилиб қолганини орқаворатдаги шип-шиплардан эшитган эди. Шу сабабли сўнгги пайтларда хийла «ошиғи олчи туриб, кеккайиброқ кетган» Азизнинг бошига тушган бу ғавғоли савдолардан ўзича қувониб-қувониб қўярди. «Ажаб бўпти, жазоси шу!..» Ҳозир ҳам у гарчи Азизга меҳрибончилик қилаётгандай кўринса-да, лекин ўзи яйраб, кўздари кулиб турибди.

Азиз Расул Оллоёровичнинг «ҳали Муҳиддин Жабборович келсин, ҳаммасини элакдан ўтказамиз» деган дарғазаб гапларини эслади; эртага яна тортишув бўлишини, ҳали унга кўп ёпишишларини бутун вужуди билан сезди-ю, қайтага қандайдир лоқайд, совуққон бир кайфиятга тушди. Ҳар нарсани ўйлайвериш, бўлар-бўлмасга хавотирланавериш охири Азизнинг жонига тегди. Айниқса, кейинги кунлардаги кетма-кет зарбалардан жисму руҳияти тошдай қотиб, на гап ва на калтак ўтадиган бир ҳолга тушди. «Осмон қўлларида бўлса, ташлаб юборишар! Гапиравериш, сўзда ҳам қадр қолмади!..»

...Эртаси кун соат ўн бирда илмий совет бошланиши керак эди. Ҳали сал вақт бор. Қабарик қора чарм эшикнинг бир табақаси очик. Одам кўп, бири кириб, бири чиқиб, бир хиллари четроққа ўтиб папирос чекиб туришибди. Азиз одамлар билан кўришиб-кўришиб қабулхонага кирди-да, тўрроқда, Дарвин портрети тагида давра олган бир-икки янги ходимлар тўпига қўшилди... Орадан сал ўтмай, кабинет ва қабулхонадаги соатлар данғир-дунғир занг урди. Йиғилганлар дув этиб ичкарига кира бошладилар. Бу гал ҳам катта-кичик ҳамма ходимлар таклиф этилган эди. Кабинет одамга зич тўлди, енгилгина говур-гувур кўтарилди.

Расул Оллоёрович институт илмий котиби, пак-пакана малла йигит билан қандайдир қоғозларнинг ҳали унисини, ҳали бунисини олиб, нималарнидир келишишяпти; Расул Оллоёрович қоғозлардан бирини силкиб туриб, паст овозда котибдан алланарсани сўрайди-да, у директорга энгашиб тушунтиргандан кейин Расул Оллоёрович бошини лиқиллатиб маъқуллаб қўяди. Қўлининг остида турган иккита кўзойнагининг бирини тақиб, хатга тикилади.

Муҳиддин Жабборович эса одатича яхши кийинган, галстугини бўшгина боғлаб, директор столига тақалган узун курси ёнида эмас, негадир бугун дераза тагига қатор тизилган стулларнинг бирида ўтирибди; қўлида анчагина қоғоз, ҳар замон-ҳар замонда кўзойнаги устидан варақларга қараб-қараб қўяди-да, қоғозларини беркитгач, кўзойнагини буклаб кўкрак чўнтагига солади. Ора-сира энли қаншарини ишқалаб-ишқалаб қўяди. Бирон нарсга эсига келса, эпчил ҳаракат би-

лан яна ойнагини тақади ва иши битгач, тагин чўнтагига солади. Бир пайт қоғози тушиб кетди-ю, инқиллаб энгашаётган жойида, чап томонида ўтирган бухоролик найнов шогирди лип этиб эгилиб олиб берди. Муҳиддин Жабборович унга раҳмат айтди ва бериги ёнида ўтирган бошқа бир аспирантига нимадир деб шивирлади. У бундан тўрт йиллар бурун институтга келган, ёши анчага бориб қолган агроном киши эди; узоқ йиллар давомида Чиноздаги тажриба участкасида ишлаган, Муҳиддин Жабборовичнинг тадқиқотлари, янги навларига меҳнати кўп сингган одам, дейишади уни. Шу сабабдан Муҳиддин Жабборович ҳам кексайганида унга бир яхшилик қилгиси келганми, ўзига аспирантликка олган. «Унинг иши тайёр» деган гапни Азиз анча бурун эшитган эди. «Яқин ўртада ёқлаб қолса керак» деган фикр ўтди миясидан унга қараб қўяркан. Институтда ҳамма уни Баратов деб қақирар, Азиз ҳам бир-икки дуч келганида исмини билмагани учун «ўртоқ Баратов» деган эди. Шуларни ўйларкан, Азиз унга беихтиёр тикилиб қолди; бундан Баратов ўнгайсизланди шекилли, кўзини олиб қочди.

Азиз Муҳиддин Жабборовичнинг нариги найнов шогирдига қараган пайтда Расул Оллоёрович идмий котиб билан маслаҳатини пишитиб, мажлис аҳлига бир-бир кўз югуртирди. Айрим стулларда кичик илмий ходимлар ҳатто иккитадан омонатгина ўтиришар, эшик ташқарисида ҳам курси қўйиб жойлашиб олганлар бор эди. Лекин директор рўпарасидаги узун стол атрофидаги стуллар эса бўш, лаборатория ва бўлим бошлиқлари ҳам четда ўтиришарди. Расул Оллоёрович уларнинг бир-иккитасига қараб «нега бундай қилдинглар, ўтирмайсизларми жойларингизга» дегандай бош силкиди:

— Марҳамат, жой бор-ку, нега сиқилишасизлар?— деб бўш стулларни кўрсатди. Доим узун стол атрофида тизилиб ўтирадиганларнинг кўпчилиги ялт этиб Муҳиддин Жабборовичга юзланишди. «У киши четда бўлсалар, бизга ноқулай-ку» деган маънони уқиб мумкин эди уларнинг нигоҳидан. Муҳиддин Жабборович эса гўё буни сезмагандай, бутун диққати тизасидаги қоғозларига миҳлангандай кўринарди-ю, аслида Расул Оллоёровичнинг алоҳида таклифини кутаётган эди. Расул Оллоёрович буни сезиб:

— Муҳиддин Жабборович, ўзингиз бошланг, йигитлар сиқилишиб қолибди,— дея кулди. Муҳиддин Жабборович шунда ҳам бир оз қистатиброқ, кейин одатдаги ўрнига ўтирди, бирин-сирин стулларни ғичирлатиб, бошқалар ҳам олдинга ўтишди. Ҳамма ўрнашиб бўлгач, Расул Оллоёрович:

— Уртоқ Қосимов шу ердами?— деб атрофга аланглади. Азиз ўрнидан турди. Расул Оллоёрович Қосимовдан бир-икки стул нарида ўтирган профессор Толмас Азимовга кўзи тушди. У ёғоч оёғини буклаганча, ҳозиргина Муҳиддин Жабборович кўрсатган томошадан энсаси қотиб, кинояомуз жилмайиб ўтирарди. «Бу фалокат ҳам шу ерда экан-ку» деган фикр келди Расул Оллоёровичнинг миясига ва биланар-биланмас қоғоғи уюлди. Кейин Муҳиддин Жабборовичга қараб «бўлмасам бошлайверайлик-да» деган маънода бош ирғагач:

— Уртоқлар, бугун кун тартибда биргина масала,— деди қошларини чимириб.— Буни очиқ партия мажлиси десак ҳам бўлади. Чунки биз муҳим ахлоқий-тарбиявий масалани кўриб чиқмоқчимиз. Илмий совет дейсизларми, партия ё ишлаб чиқариш мажлиси дейсизларми... таъбларингиз.

Азиз шундагина Муҳиддин Жабборовичнинг бугун ҳамма қатори четга ўтирганининг маъносига тушунди. Демак, мажлиснинг кун тартиби, қандай ўтиши, унда нима масала кўрилишини Муҳиддин Жабборович аввалдан билган... Демак, Расул Оллоёрович иккови келишиб олган. Шунинг учун ҳам Муҳиддин Жабборович демократлигини кўз-

кўзлаш мақсадида бундай йиғилишларнинг таомили юзасидан илмий даражасини ҳам пеш қилмай четга ўтира қолган эди.

— Бугунги гапимиз, олимнинг маънавий қиёфаси хусусида. Илм кишилари мамлакатимизда энг ҳурматли ва энг имтиёзли социал гуруҳлардан ҳисобланади. Барча шарт-шароитлар яратилган биз учун. Яхши ишласак — мукофотлар ҳам, орденлар ҳам, ёрлиқ ва унвонлар ҳам марҳамат; фақат ўзимизга боғлиқ. Мана, масалан, сал кам икки юз кишилик институтимиз коллективи ичида биронта бошпанасиз одам борми? Йўқ! Каттадан-кичиكنинг бари уй-жой билан таъминланган. Фақат шу беш йилликнинг ўзида...— Расул Оллоёрович столи устида турган кичкинагина қоғозчани олди-да, унга кўз югуртириб, давом этди:— Ҳа, мана... фақат шу беш йилликнинг ўзида йиғирма учта янги квартира олибмиз.— Расул Оллоёрович қоғозчани столига қўйиб, бошқа кўзойнагини тақди ва мажлис аҳлига «кўрдингларми» дегандай бир-бир назар ташлади.— Қаерда бор бундай шароит, ўртоқлар? Қаерда бор? Демак, шундай экан... ҳар бир совет зиёлиси ўз ақли, ўз камолоти учун биринчи галда шу жамият олдида қарздор! Ўзидан-ўзи осмондан олим бўлиб тушмаган у! Уни олим қилган мана шу макон, мана шу одамлар, мана шу муҳит, қолаверса...— Расул Оллоёрович кўлини ҳаволатиб катта ярим доира ясади.— мана шу коллектив! Қимки буни унутса — у ўтакетган эгоист!.. Мен бу гапларни нима учун гапиряпман, ўртоқлар!

Залда бирдан жонлашиш жайдо бўлиб, одамлар бўйинларини чўзганча Расул Оллоёровичнинг оғзини пойлай бошлашди. Ҳамма жим...

Азиз ўзига ҳозир кетма-кет айб ёғдирилишини кутиб, ерга қараганча нафасини ичига ютиб, қилт этмай ўтирибди. «Қайтага... жанжал ичида қолганинг ҳам маъқул; шунда кўксингдаги руҳий азобни бир оз унутасан!..» Ҳозир кимдир Азиз билан тортишиб, асабини бузиб турмаса, у ўзини-ўзи еб ташлайдигандай... Салтанатнинг ғами юрагини зараркунанда қурт мисол кемиряпти... Бирон кимсага айтолмаса дардини! Нима, «хотиним хиёнат қилди» дейдими?! Баъзан у Салтанатни эмас, бутун ҳаётини, бутун орзу-умидларини бир варакайига йўқотгандай сезади ўзини. Ахир, у баъзилардек тошмеҳр ҳам бўла қолмаган экан!.. Шунча йиллик иссиқ оила, шунча йиллик умр... Беҳзод...

Азиз Расул Оллоёровичнинг гапларини худди тушида эшитаётгандай, ўзида-ўзи хаёлига қизиқ бир фикр келди. «Одам мақсадга, маррага яқинлашгани сари йўлидаги қийинчиликлари кўпаявераркан... Майли, гапираверишсин! Истаганча гапиришсин... Гапирадиган гап борки... гапиришяпти! Қани, сабр қилай-чи, яна қаергача боришаркин? Мен ҳам — бўлдим энди! Етар! Етар шунча йил индамаганим!.. Инсофга келишар, деб шунча кутдим... Демак, ҳаёт — кураш дегани шу экан! Янгилик ўзи учун ўзи йўл очиши керак экан! Кураш дегани шу экан!.. Курашдингни — асло енгилма! Енгилсанг — ноҳақсан!..»

Азизнинг назарида ўша марра, мақсаднинг тақдирини айни ҳозир, мана шу йиғилишда ҳал бўладигандек эди. Шу сабабли ички бир ирода кучи билан бирдан ўзини қўлга олди-ю, Расул Оллоёровичнинг маърузасига астойдил қулоқ солиб, хотиржам тинглай бошлади.

— ...Мен бир нарсага ҳайронман, ўртоқлар! Қандай қилиб совет кишиси... тагин совет олими шу даражага бориши мумкин?! Ўзини одам қилган коллективини менсимай... нонкўрлик-ку бу!— Расул Оллоёрович шу қадар ғазабландики, гапиролмай тўхтаб қолди; лаблари титраб, ёмон сўз айтиб юборишдан ўзини зўрға тутиб турганга ўхшарди. — Кўпчиликнинг қаноти остида, кўпчиликнинг кучи, кўмаги, ғам-хўрлиги билан бўлган ишни меники дейиш... Тўғри, ишнинг анчагина қисмини сен қилгансан, тепасида тургансан! Буни сендан ҳеч ким тортиб олаётгани йўқ! Аммо мундай дўппингни олдинга қўйиб, чуқурроқ

ўйлаб кўрсанг-чи, ҳей инсон!.. Кўпчиликсиз, бошқаларнинг ёрдами ва ақлисиз, сен бир ўзинг кимсан?! Ҳеч ким! Ҳеч ким!

Шу ерда Муҳиддин Жабборович қўл кўтарди-да, ўрнидан туриб:

— Расул Оллоёрович, гапингизни бўлганим учун узр сўрайман,— деди қоғозлари ичидан таги йиртилган бир энлик катак варақчани танлаб оларкан.— Фикрингизни қувватламоқчиман, холос. Мана бу ерда шундай ёзилибди: «Ҳар қандай илмий меҳнат, ҳар қандай кашфиёт, ҳар қандай ихтиро умум, кўпчиликнинг меҳнатидир. У — бир қисми замондошларнинг кооперацияси, бир қисми ўтган даврларда яшаганларнинг меҳнатидан фойдаланиш натижасида бунёдга келади». Карл Маркс!— Муҳиддин Жабборович бошқа ҳеч нарса демай, хиёл зарда билан ўрнига ўтирди.

— Ана! Ана!— деди Расул Оллоёрович Муҳиддин Жабборовичнинг қўлидаги қоғозга ишора қилиб. Кейин яна бояги оҳангда гапини давом эттира кетди. Лекин салкам ўн минутлардан бери қизишиб сўзласа ҳам ҳамон умумий йўсинда, ҳеч кимнинг номини тилга олмай ваъз айтарди. Азиз эса, Муҳиддин Жабборович келтириб ўтган фикрга қойил бўлганча, ҳар бир дақиқада номи тилга тушиб қолишини кутар, аммо энди бутунлай хотиржам, мабодо Расул Оллоёрович чалғиб кетса, нима жавоб қайтаришини ҳам тайёрлаб қўйган эди. Расул Оллоёровичнинг боддан бери асосий мақсадга ўтолмай, гапни насихатгўйлик билан чувалаштираётгани, айниқса, Азизга далда берарди. Чунки унга тўнкалаётган айбларнинг таги пуч бўлгани учун ҳам бирдан юзига айтишолмаётганини у яхши биларди.

— Хуллас,— деди Расул Оллоёрович бир дам сукутдан сўнг, хиёл шаштидан тушиб,— институтимизда халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга молик, вилтга чидамли янги пахта нави яратилди. Бу биринчи галда муҳтарам профессоримиз, академикимиз Муҳиддин Жабборовичнинг ҳиссалари.— Одамлар Муҳиддин Жабборовичга ўгирилишди. У қоғозларидан бошини кўтармай, камтарона бир вазиятда ўз шаънига айтилаётган мақтовларни гўё эшитмаётгандай, эшитсаям унча аҳамияти йўқдай янги очилган қизил қалам билан ҳар хил шаклларни чизиб ўтирарди.— Азиз Қосимов у кишининг бевосита раҳбарлигида тажриба ва тадқиқот ишларини олиб борди. Натижаси, кўриб турибсизларки, ёмон чиқмади. Энди ўйлашингиз мумкин: хўш, шундай экан, шунча гап-сўзнинг нима ҳожати бор, шуни мажлис муҳокамасига олиб чиқиш шартмиди?.. Биз «шарт» деймиз! Шарт! Нега? Чунки, олим нима яратганидан ташқари... У инсон сифатида ким ўзи?.. Биз бунга бефарқ қаролмаймиз! Хўш, ўртоқ Қосимов, айтинг-чи, наҳотки шундай салмоқли ишни фақат бир ўзингиз қилгансиз? Коллектив қани? Унда бошқалар нима иш қилган, сизнингча?

Расул Оллоёрович дарғазаб бўлиб Азизга тикилиб қолди. Ўтирганларнинг бари Азизга ўгирилиб, унинг нима деб жавоб қайтаришини кута бошлашди.

— Сизга ҳамма шароитларни яратиб бердик, яхши ишланг, деб! Уша колхоздан олинган ер ҳам сизникимас, институтники. Шуни тушунасизми, сиз ўзингиз?! Москваларга юбордик... Яна нима керак биздан?

Бу гаплар Расул Оллоёровичнинг асабий даъвосига мутлақо ёпишмагани учун директор ўзидан нима талаб қилаётганини Азиз унча ташунмай, елкасини қисди. Расул Оллоёрович унга қўлини ниқтаб:

— Ана, кўрдингизми, билмайсиз!— деди.— Лекин отдан тушсангиз ҳам эгардан тушмайсиз. Суқротдай одам ҳам, «хўш, шунча китоб ўқиб нимани билдингиз?» деб сўрашганда, «ўзимнинг ҳали ҳеч нарса билмаслигимни билдим» деган экан. Камтарроқ бўлиш керак, ука! Ҳали ёшсиз!

Шу ерда Азиз қўл кўтариб, сўз сўради. Расул Оллоёрович «ҳа, ни-

ма?» дегандай унга тикилиб турди. Азиз шошилмай ўрнидан қўзғалиб:

— Расул Оллоёрович, Суқрот фикрини тўғри айтдингиз. Бу ерда ўтирганларнинг кўпи бу нақлга амал қилса, янаям яхши бўларди,— дея ачитди.— Гап ўзи нима ҳақда кетяпти? Аниқроқ айтиш мумкинми? Мен ҳеч нарса тушунмаяпман. Роппа-роса бир ой бурун Муҳиддин Жабборович икковларингиз менга мутлақо бошқача гапирган эдинглар. Ҳеч нарса тушунмай қолдим.

Расул Оллоёрович «шошманг, ҳали тушунасиз» дегандай қўлини силкиди ва гапида давом этди:

— Биз, илмий совет аъзолари яхшилаб ўйлаб кўрдик бу масалани. Бу — коллектив кашфиёт, умуман... институтимиз қўлга киритган ютуқ. Шунинг учун авторлар составини кенгайтиришни лозим топдик. Марҳамат, Муҳиддин Жабборович!

Муҳиддин Жабборович ўрнидан туриб, боя ўқиган варағини қўлига олди-да, яна бир кўз югуртириб, столга қўйди. Кейин йиғилганларнинг кайфиятини билмоқчи бўлгандай, атрофга разм солди ва:

— Шахсан мен Расул Оллоёровичнинг таклифига, ваҳоланки, мутлақо қўшиламан,— деди.— Нафақат қўшиламан, шундай бўлиши учун курашаман!— у Азизга совуқ тикилиб, чўнтагидан оппоқ дастрўмолини чиқарди, лаблари, юзлари, кўзларининг четини артиб, давом этди.— Расул Оллоёрович ҳамма гапни айтганлари йўқ. Ваҳоланки, Қосимовнинг ҳунари ҳали бу билан тугамайди. Энг ёмони — ўзининг пуч даволари билан, ваҳоланки, юқори ташкилотларнинг, партия органларининг фикрини чалғитиб юрибди. Гўёки, ҳамма ишни у киши қилганмишлар! Ука, ҳали мундай бир илмий саводнинг ўзи йўқ-ку сизда, бор-йўғи бир агрономсиз! Агар кандидат-пандидат, ваҳоланки, доктор-сўктор бўлганингиздами... унда билмадим, ҳаммамизни еб ташлар экансиз.

— Агрономлигимдан фахрланаман!— деди Азиз ўтирган жойида терсайиб. Расул Оллоёрович қаламини столга тик-тик уриб Азизга тикилганча, «тавба... бу болага нима бўлди ўзи? Туппа-тузук эди-ю... тозаям бетга чопар экан-ку?..» дея ўйлади. Муҳиддин Жабборович эса, остонадан сал берироқда, деворга суяб қўйилган стулларнинг бирида ўтирган Азизга шарт қайрилиб қаради-да:

— Гапни чалғитманг!— деди.— Коллективсиз ўртоқ Қосимов агар валий бўп кетганларида ҳам, ваҳоланки, ҳеч нарса қилолмасдилар. Авторлар составини кенгайтирсак — фақат адолатни юзага чиқарган бўламиз. Мен бу рўйхатга биринчи навбатда шу институтнинг илгариги шуҳратини қайта тиклаётган Расул Оллоёровични қўшгим келади. Ахир, биласизлар-ку, яқингинада институт, ваҳоланки, оти ҳам, тўрт-тала ғилдираги ҳам йўқ извошга ўхшаб қолувди.— Ўтирганлар қулиб юборишди.— Шундай извошни тортиш, тикилган жойидан қўзғатиш осонми, ваҳоланки...— Яна кулги. Кейин у ер-бу ердан «тўғри, тўғри» деган овозлар эшитилди. Шунда Расул Оллоёрович қўл ишораси билан Муҳиддин Жабборовични тўхтади-да:

— Керакмас, Муҳиддин Жабборович,— деди,— керакмас, лавозимга қараб соавторлик қилсак, ярашмайди. Мен фақат ҳақиқат юзага чиқсин дейман, холос. Ишлаган одам четда қолмасин дейман, холос. Мен эсам бу ишда бевосита иштирок этмаганман. Муҳиддин Жабборович, ҳурматлари учун раҳмат. Меҳнат қилганларни киритинглар,— Расул Оллоёрович гапни чўрт кесди.

Гарчи йиғилишдан олдинги суҳбат пайтида ҳам Расул Оллоёрович шерикликдан воз кечган бўлса-да, Муҳиддин Жабборович «ҳа, муғом-бир... ичида жон деб турибди-ю, таранг қияптилар...» деб ўйлаб, бу таклифни тўппа-тўғри йиғилишда киритаверишни кўнглига тугиб қўйган эди. Ҳозирги узил-кесил эътирозидан сўнг эса «наҳотки, ўша кунги

Марказий Комитетдаги гапдан шу қадар қўрқиб кетган?.. Амалига ёпишяпти...» деган фикр ўтди-ю, кўпчиликнинг ичида икки йirik олимнинг айри чиқиб ўтиришини истамай, сўзини давом эттирди:

— Биз кейинги йилларда институтимизда, хусусан, камина бошқараётган ғўзанинг вилтга чидамлилики генетикаси лабораториясида кенг кўламда олиб борилган тажрибалар ва илмий изланишлар, барча мураккаб дурагайлаш, танлаш ва кўпайтириш, элита уруғчилик ишларини синчиклаб ўрганиб чиқиб... бу янги навни яратган авторлар қаторига ўртоқ Баратов билан Шораҳмедовларни ҳам қўшишни лозим топдик,— деди. Азиз етти ухлаб тушига кирмаган бу гапдан ҳайратга тушиб, ялт этиб Баратов билан Шораҳмедовга — Муҳиддин Жабборовичнинг аспирантларига қаради. Улар ердан кўз узмай ўтиришарди.— Нима учун уларни бу ишга қўшяпмиз? Ваҳоланки, аслида ўртоқ Қосимовни уларга қўшиш керак эди. Чунки бу тажрибани — яъни, маданий ишини, ваҳоланки, бундан ўн йиллар бурун ўртоқ Баратов Чиноздаги участкадаёқ бошлаган эди. Уша, ҳў бирда Қосимов газетада мақтанган ғўза уруғи коллекциясини ким яратган, хўш? Mexicatum ҳам ўша коллекциядан...

Шу ерда Муҳиддин Жабборович қоғозларини титкилаб, битта фотосуратни топди-да, ўтирганларга кўрсатиб:

— Мана, ўша ғўза!— деди.— Бу кенжа тур, кўп йиллик ўсимлик. Асосан Жанубий Мексиканинг ўзлаштирилмаган территориясида тарқалган. Ваҳоланки, Урта Осиё шароитида ёзда шона ҳам тугмайди, гулламайди. Шона тугиб, гуллаши учун, ваҳоланки, кун қисқа бўлиши керак. Вилтга чидамли. Пояси бақувват, туксиз, оч-қизил рангда... Шундайми, ўртоқ Баратов?..

Аслида бу гаплар Азизга мўлжаллаб айтилаётгандай эди. «Янги навни жуда ўзингники қилиб олма, биз ҳам биламиз...» деган писандаси эди бу Муҳиддин Жабборовичнинг. Азиз индамай турса, оқибат ҳамма иши талон-торожга айланиб кетаётганига чидолмади-да, ўтирган жойида:

— Хўш, шунга Баратовнинг материаллари борми?— деб сўради Муҳиддин Жабборовичдан. Академик Азизга ўгирилди-да:

— Ҳей, ўрнингиздан туриб гапиринг, ваҳоланки, валломат бўл кетсангиз ҳам!— деди ранги оқариб.— Материал деясизми? Нега бўлмас экан?! Қанчаси керак сизга?!

— Бир кўрсак...— деди Азиз беихтиёр ўрнидан туриб.

— Нима, мени тергов қилмоқчимисиз? Ваҳоланки, кимсиз ўзи сиз? Кимсиз?

Расул Оллоёрович яна қаламини тақиллатиб қўйди.

— Бу ер материал кўрсатадиган жой эмас!— Муҳиддин Жабборовичнинг ўнг қоши учиб, лаблари юмилди, томирлари бўртиб кетган бўйнини чўзиб ўшқирмоқчи бўлди-ю, аммо иложи борича ўзини босди.— Керак бўлса, мажлисдан кейин қолинг, кўрсатамиз!— Азиз ўрнига ўтирди. Бўлаётган бу гапларга зўрға чидаётган Толмас Азимов сўз сўраб қўл кўтарди; аммо Расул Оллоёрович уни кўрмадими ёки атайлаб ўзини кўрмаганликка олдим, ишқилиб, Муҳиддин Жабборович гапини давом эттирмагунча Азимовга қарамади.

Муҳиддин Жабборович эса, ўзини зўрға босиб турарди. Неча йиллардан бери энг майда масалалар ҳам фақат у билан ечилгани ва бир кун бориб унга ҳам кимдир қарши чиқиши мумкинлигини у деярли унутиб юборгани учун Муҳиддин Жабборович ҳозир ростмана довдираб қолди; қаердаги тирранча бир бола бутун коллектив ичида уни мулзам қилганидан лаблари, қўллари қалтираб, юраги бўшашиб, энди директорга зарда қилиб гапира бошлади:— Ваҳоланки, мен бундан бир йил

ҳам, икки, тўрт йил олдин ҳам айтганман — бу боланинг кимлигини! Айтганман! У қилиб юрган ишларнинг нималигини, ҳам айтганман!

— Мумкинми?!— Азиз шахд билан ўрнидан турди.— Мен муҳтарам домланинг шахсиятига тегиш фикридан мутлақо узоқман.— У ўзидан ўзи камарини сидириб қўйди, тили гапга бунчалик бурро бўлиб кетганига одамлар ҳайрон эди.— Муҳиддин Жабборовичга битта саволи бор, агар мумкин бўлса?..

Муҳиддин Жабборович ҳам, Расул Оллоёрович ҳам Азизга хўмрайиб қарашди. Утирганлар эса аланг-жалаңг. Баъзи олимлар «сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашаркан» деган хаёлда Азиздан ранжиб ўтиришар, айримлари эса зимдан, секин: «ҳақиқатни айтадиганлар ҳам топиларкан-ку... боплаяпти азамат...» деб охири нима бўлишини кутишарди. Расул Оллоёрович ҳам, Муҳиддин Жабборович ҳам миқ этмай қолишди. Азиз бадтар ўзини хотиржам тутиб, саволини айтди:

— Агар яна тергов деб атамасангиз, домла...— у Муҳиддин Жабборовичга юзланди,— тўрт йил олдинги гапингизни бир қайтарсангиз? Майли, ўртоқ Баратов ўн йил бурун бошлаган бўла қолсинлар бу иш-ни! Нима дегандингиз ўшанда, худди мана шу кабинетда? Унда мана бу ерда ўтирган эдингиз?

Муҳиддин Жабборовичнинг ранги докадек оқариб кетди. Кўзлари қисилиб, ғазаб билан Азизга қаради-ю, «вой, сен газанда!.. Ҳали мен билан олишадиган бўлдингми?» дегандай ҳазар билан тикилди ва Расул Оллоёровичга ўгирилиб:

— Мен бундай нодон билан гаплашишни ўзимга эп кўрмайман! Бошқа ерда гаплашаман!— деди юлқиниб ўрнига ўтираркан.

Худди тоғдаги битта тош кўча йўлидаги қолган тошларни ҳам думалатиб, ғувуллаб сурон кўтариб, то пастликка етиб тинмаганидек, Азиз ҳам ўзини тўхтатолмади:

— Унда ўша гапингизни мен айтмай. Мана, нима дегансиз ўшанда!— Азиз кичкинагина блокнотчасини чиқариб, асабий ҳолда варақлай бошлади. Расул Оллоёрович энди қаламини столга қаттиқроқ тақиллатиб, важоҳат билан ўрнидан турди:

— Ҳаддингиздан ошманг, Қосимов!— деди кўзлари ёниб.— Бу ер сизнинг уйингиз эмас, истаганингизни қиладиган! Бу ер илм даргоҳи!

Айниқса, директорнинг «бу ер сизнинг уйингиз эмас, истаганингизни қиладиган» дегани Азизга тигдек ботди. У бадтар ўзини йўқотиб, Расул Оллоёровичга ҳам сўз бермади:

— Расул Оллоёрович, адолат борми ўзи бу дунёда?! Еки ҳамаша зўрнинг гапи ўтиб кетаверадими?!

— Оғзингизга қараб гапиринг, Қосимов! Қаерда турганингизни унутманг!— Расул Оллоёрович очиқчасига пўписа қилди.

— Мен Совет Иттифоқида яшайман, билдингизми?!— деди Азиз ҳам ранги оқариб.— Шунинг учун овозимни бўғманг!

Бу гапдан ҳатто Расул Оллоёрович ҳам довдираб қолди, қўлларини икки томонга ёйиб, мажлис аҳлига «ҳой, яхшилар, эшитяпсизларми?.. Наҳотки, мен унинг овозини бўғдим?..» деб илтижо қилгандай жовдираб қаради. Азиз эса ғазаби ҳам, шунча кўрган хўрликлари ҳам бир бўлиб, кўзига жиқ-жиқ ёш қуйилиб, деярли бақириб гапира бошлади:

— Сизларга мендан нима керак ўзи?— У Муҳиддин Жабборовичга нақ бостириб боргудек важоҳатда эди.— Нима керак?! Мана шу пахта нави керакми? Олинглар! Олинглар! Мени тинч қўйинглар! Сизлар топгансизлар бу навни! Сизлар яратгансизлар! Олинглар! Олинглар! Ушоғиям керакмас менга! Фақат мени тинч қўйинглар!

Кабинет диққинафас бўлса-да, бутун хона худди бир танага айлан-

гандек ҳамманинг қулоғи динг эди. Фақат Азизнинг овози жарангларди:

— Лекин битта ҳақиқатни гапириб оламан. Уни бу ердаги ўтирганларнинг кўпи биледи, аммо айтмайди. Мен ҳам айтмай-айтмай, шунча чидадим. Энди айтаман! Энди қўрқмайман!— Азизнинг чиндан ҳам жазаваси тутиб кетганди.— Ушанда сиз, муҳтарам академик, мана нима дегансиз! Аспирантлигимдаёқ «бу тажрибага овора бўлма... бош-ни оғритма...» дегансиз. Бу ишимни сароб дегансиз. Эсингиздами? Яқин-яқингинадаям мени хомхаёл, довдир деб калака қилгансиз. Чидадим. Мана, Шорасул тирик, зиёфатида теккизиб айтган гапларингизчи?! Анови муҳокама пайтида-чи? «Одам ҳаётда минг хил адашиши мумкин... тўғри йўл эса — битта» деб, бутун умримни бағишлаган мавзуимдан чалғитган вақтларингизни, наҳотки, унутган бўлсангиз?! Ахир, қайси лафзингизга ишонай?! Энди қарасангиз, бошқача чиқиб қопти-ми?! Қўй нимталагандай дастёрларингизга, гумашталарингизга тақсим-лаб беряпсиз?! Нуқул юқори идораларни ўртага соласиз! Қани, ай-тинг-чи, мард бўлсангиз кўпчиликнинг ичида, кимга борибман, ахир? Кимга нолибман?! Яна уялмай-нетмай Марксдай буюк зотнинг фикри-ни келтиряпсиз ўзингизча. Сизки шунчаликка бордингизми, бўлди, тўй-дим! Кечдим шу ишдан! Сизларга сийлов! Фақат мени тинч қўйинглар!

Азиз у ёғига ўзини тўхтатолмай йиғлаб юборди ва шарт бурилиб, ташқарига чиқиб кетди. Ўтирганлар, ҳатто Расул Оллоёрович ҳам ҳай-ҳайлаганча қолавердилар.

Шунда Азиздан икки стул нарида ўтирган Толмас Азимов бошқа тоқат қилолмади. Ёғоч оёғини тўғрилайман деб қаттиқ мункиб ўрнидан турди ва кабинетни бошига кўтариб:

— Ҳой, Расул, к-кўзингни оч!— деб дабдурустан директорни сен-сиради.— Ундан к-кўра кўчага чиқиб гадоёйлик қ-қилганларинг яхши-масми?! Иснод борми ўзи?! Ҳаромзадаларни ҳимоя қ-қиламиз деб қон кечганмизми, д-дўстим?! Кўзингни оч! Сен, ахир, асли т-тоза одамсан-ку! Нега йўлдан озяпсан?! Сен, Расул, м-мановисиз ҳам...— у Муҳиддин Жабборовичга газаб билан қўлини нуқиди,— б-бўласан академик! Шошма! Бўласан!.. Шошма, ишингга, меҳнатингга яраша б-бўласан!.. Ахир, бу нима кўргилик-ки, билиб т-туриб билмайсан?! Кўриб т-туриб кўрмайсан?! Ҳовлиқма, оғайни... б-бўласан! Аммо имонингдан кечиб — бўлсанг, б-бўлмаёқ қўя қол!..

Дим кабинет сув қуйгандек жим эди. Ҳамманинг кўзи Толмас Азимовга михланиб қолган эди.

— Расул Оллоёрович!— деди профессор Азимов энди бирдан рас-миятчиликка ўтиб.— Айтишингиз м-мумкин! «Сен арвоҳнинг н-нима ишинг бор, т-тошингни териб юравермайсанми!» деб. Афсуски, бу ерда ўтирганларнинг к-кўпи шу хилдаги одамлар! Агар ҳаммамиз в-виждон билан сўзлашганимизда эди, анови б-бола б-бечора ҳозир қ-қон қақшаб йиғлаб ўтирмасди! Бировларнинг баднафслигини ёқлаб, кундалик таш-вишларни р-рўқач қилиб, биз одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатни, ахир, қ-қачонгача поймол этамиз?! Биз ўзи нима учун яшаяпмиз?! Ки-шилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, инсоннинг қ-қадр-қиммати учун ку-рашяпмизми, ахир?! Нима учун яшаяпмиз?! Билиб қ-қўй, Расул! Ёмон-ликнинг шатмоғи ҳаммага т-тегади! Яхши-ёмонга ҳамма ж-жавобгар! Сен эса бошдан-охир ж-жавобгарсан! Наҳотки, т-тушунмасанг! Раҳбар дегани бировнинг уйига тушиб ўғирлик қ-қилиши шарт эмас! У битта-гина масалани нотўғри, адолатсиз ечса — к-кифоя! У одамларнинг бах-тини ўғирлайди!..

Толмас Азимов ҳам оқсоқланганча чиқиб кетди. Орага оғир, юрак-ни эзувчи жимлик чўкди. Кейин Муҳиддин Жабборович гўё ҳеч нарса

бўлмагандай, ўртадаги ўнғайсизликни пайпаслаш мақсадида ўрнидан турди-да:

— Қойилман, шаддотлигига!— деди ва зўраки кулимсиради. Даст-рўмолини олиб, терлаб кетган пешонасини, бўйинини артди.— Қойилман шаддотлигига! Бироқ илмда, ваҳоланки, шаддотлик ҳам, оҳ-воҳ ҳам, кўз ёш ҳам кетмайди! Илмда кетмайди! Уртоқ Қосимов, ваҳоланки, аслида зўр бир артист бўлиши мумкин экан-у, бекор адашиб...— у «бекорга адашиб фанда юрибди» демоқчи эди шекилли, лекин тили бормади, гапни бошқа ёққа бурди:— Мана, у одамнинг ҳақиқий башараси! Коллектив юзига оёқ босди-ю, чиқди-кетди! Яна одамлардан раҳм тилаб, йиғлагани-чи?! Расул Оллоёрович, институт тарихида, билмадим, мен ҳеч кўрмаганман бундай воқеани. Нима бу ҳурматсизлик! Мен илмий совет йиғилишини тўхтатишни, ўша нонкўрни қайтариб келиб, бошқачасига давом эттиришни талаб қиламан...

Расул Оллоёрович яна анча вақтгача чайналиб-чайналиб, йиғилишни бир нави тугатди-ю, лекин ташқарида бари бир баҳс тугамади...

26

Азиз уйдан шу чиқиб кетганча, бир ҳафталик сабзавотдан кейин ҳам қишлоққа — отасиникига қатнаб юрди. Қўрғонбой ота ўғлини койиб, «попукдай боланг туриб шу қилиқни қиласанми» деб, шаҳарга ўзи тушиб, келини билан ўзи гаплашмоқчи эди, Азиз жеркиб ташлади: «Тушманг, тушсангиз хафа қиламан», деди. Қўрғонбой ота шундаям бўш келмай, ўғлини кўндиришга уринди: «Онанг бўлганда ҳам майли эди. Беш кунлигим қолдими-йўқми, тинчгина ўлай болам. Куйдирма», деб насиҳат қилган эди, Азиз кўрслиги тутиб: «Бизнинг оилавий йшимизга аралашманг» деб бечора чолни қайириб ташлади. Шу билан Қўрғонбой ота ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, ичида «билганларингни қилинглар-е» деди-да, қўлини ювиб қўлтиққа урди...

Азиз тобора шумшайиб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қоляпти. Юрагини ҳеч кимга очолмаса? Илгари-ку, ишдан хафа қайтса, яхшими-ёмонми хотини бор, ўшанга дардини айтарди, ўғли билан овунарди. Беҳзодни икки ҳафта ичида шунчалик соғиндики... Аммо уйга боришни ўйласа... юраги орқасига тортиб, вужуди қалтираб кетади. Бу энди хаёлдаги гап эканини ўзи ҳам яхши билади... Катта ҳовлида икки эркак — отаси билан ўзи. Яхшиямки, кичик синглиси ён маҳаллага тушган экан. Овқатлари, кир-чирларига ўша бояқиш қарашиб турибди. Лекин унгаям қийин, ўз рўзгори дегандай... яна ёш-ёш икки боласи бор... Шуларни ўйларкан, Азиз бадтар сиқилар, ҳар ерда ортиқчалигидан эзилар, туриб-туриб тушкунликка муккасидан кетарди...

Ҳаммасиям майлиди-ю, аммо кечагиси ўтиб тушди...

Ўша жанжалли йиғилишдан кейин орадан уч кун ўтгач, Азизни мажлис олдидан Расул Оллоёрович билан нималарнидир узоқ гаплашган пакана малла йигит — институтнинг илмий котиби чақиртирди. Азиз кутилмаган бу таклифдан юраги ҳовриқди ва «яна бирон нарса бўлдиёв» деб қўйди ичида. Чунки одатда илмий котиб билан уларнинг деярли иши йўқ эди. Фақат ҳар йили бир марта бошқалар қатори илмий ҳисоботини эзиб, бўлим мудирига топширар, у ҳам ўз навбатида йиғилган материалларни умумлаштириб, шу котибга берарди. Уларнинг бор алоқалари шу эди. Энди бўлса Азизни ўша илмий котиб чақиртиряпти.

Азиз эски мебеллар қўйилган узунчоқ кабинетга кириб, котиб билан саломлашди. У бош ирғаб алик олди ва дарров мақсадга ўтди:

— Азиз Қосимович! Сиз қачон ёқлайсиз?

— Қачон ишим битса, ўшанда ёқлайман-да,— деди Азиз яланғоч саволдан ранжиб.

— Ҳм-м...— деди котиб Азизга ер остидан қараб.— Тушунарли. Ёқлаш керак. Тезроқ ёқлаш керак, оғайни. Мана, академиянинг қоғози: яқинда аттестация бошланади. Штатларни кўриб чиқяпмиз. Бўлимнингизда ишлайдиганларнинг бари фан кандидати бўлиши керак.

— Мен лаборантман-ку?— ажабланди Азиз.

— Тўғри, лаборантсиз. Ўзингизга маълум, мен янги одамман бу ерда, тўрт ой бўляпти ишлаётганимга. Сиздаги штат бошқа бўлим ҳисобидан олиб берилган экан. Аспирантурани тугатиб, ёқлолмай қолган бўлсангиз керак-да? Ноиложликдан шундай қилишган. Лекин энди чатоқ. Ревизия келса, гап эшитамиз. Биласиз-ку, биз фаннинг ҳамма тармоқларини баравар кўришимиз, баравар ривожлантиришимиз керак. Катта жанжал бўлади...

— Ҳўш, ёқлашим шарт экан, қанча муҳлат берасиз менга?— Азиз тошиб келаётган газабини зўрға босди.

— Муҳлатми?— деди котиб ва шошилмай ҳозиргина кўрсатган қоғозга кўз югуртирди-да, Азизга қаради:— Яна икки ой бор. Икки ой-да ёқлаёлмасангиз, бошқа ердан иш топишингизга тўғри келади.

— Ёқламасам-чи?— деди Азиз хезланиб.

— Унда... айтдим-ку, бошқа ердан иш топасиз деб. Гапларимдан қониқмасангиз, марҳамат, Расул Оллоёровичга кириг...

Азиз зарда билан чиқиб кетди-ю, аммо Расул Оллоёровичга кирмади. Котиб йигитнинг хотиржам туриб айтган гаплари эса, айниқса хонасидан чиққандан сўнг бадтар наша қилди. «Нега бирдан тўнларини тескари кийиб олишди?.. Ташвиш кетидан ташвиш уланиб кетяпти... Нима бўлди?.. Муҳиддин Жабборович бутун институт олдида мени шикоятбозга чиқариб қўйди. Бу ерда бир гап бор... бир гап бор... Шошма, шошма! Ҳув анови кунни Салтанат нима девди? Маҳамат чатоқ уйга келиб, «Азизжонга айтиб қўйинг, ҳеч ташвиш тортмасинлар, ишлари жойида» деди, деганмиди? Ҳа, ҳа... Бу нима дегани? Ёки институтга келганмикин? Йўғ-е, унда билинарди-ку! Ҳосил байрамига тушган экан ўшанда... Уйига борганимда «ЦКгача кираман» деяётган эди. Катталарга айтдимикин?..»

Азизнинг боши қотди. Дадасини огоҳлантирмаган бўлса ҳам, ишдан барвақтроқ чиқиб, юрагини бир ёзиш ва ўрни келса маслаҳат сўраш ниятида Маҳамат чатоқникига қараб йўл олди...

Таниш ҳовлига кириб борганда, Маҳамат чатоқ энди ишдан келиб турган экан, Азизни кўриб қувониб кетди:

— Ие, ие, буни қаранг. Азизжон, қайнонангиз суяр экан, ошнинг устидан чиқдингиз... Оёққа турганимдан бери биринчи палов заказ қилишим. Бир чўқим ейманми-йўқми, ҳар қалай оғизга маза киради... Яхши келдингиз.

Эрининг овозига ошхонадан югуриб чиққан Иқлимхон ая ҳам елвиллаб келиб Азиз билан худди ўз ўғлидек елкасига қоқиб, самимий кўришди, «тагин келинимни опчиқмабсиз-а» деб койиниб қўйди. Кейин Азизга негадир бошқача термилиб турди-да, қўйлақларининг кирлангани, ўзидан эса тер ҳиди келаётганини, аёл киши эмасми, дарров пайқади. Рангини ҳам анча олдириб қўйибди бояқиш. Шимлари умр бўйи дазмол кўрмагандай. Иқлимхон ая Азиздаги бу ўзгаришни сезса ҳам индамади.

Иқлимхон аянинг Маҳамат ака сингари меҳрибонлигини, аммо эрининг акси ўлароқ гаплари, одамга муомаласи ипакдай майинлигини Азиз илгаритдан биларди. Шу боисдан у Иқлимхон ая елкасига қоқиб сўрашганда бамисоли онасини кўргандек бўлди. Ҳовли ташқарисидаги чорбоғдан эса болаларнинг қийқирик-сурони эшитиларди... Шу пайт Азиз этакдаги олди очиқ оғил устунларига боғланган қўйларга ем солиб юрган Маҳамат аканинг ўртанча қизи Муборакка кўзи тушди-ю,

аввалги келганида ҳам шу ердалигини эслаб, «қиз бечоранинг турмуши бўлмаган шекилли...» дея ўйлади ва Маҳамат чатоқнинг изидан эргашиб, кенг, тўрига гилам, оёқроқ томонга эса қалин намат тўшалган уйга кирди. Маҳамат чатоқнинг бугун ўзи олдиндан кайфи чоғ эканми ёки Азиз чиқиб ҳамсуҳбат топилганига суюндими — ишқилиб, бирдан юраги эшилиб, Азизни қўймай тўрга ўтқазди.

— Ишонасизми, кўнглим сезиб турувди...— деди шоп мўйлабларини бураб. У энди анча ранги тиниқиб, бурунги ҳолига келиб қолган, аммо шундаям касалнинг асорати билинар — кўзлари сал киртайган эди.— Ана, аянгиздан сўранг ишонмасангиз... Эрталаб чой ичаётганимда сизга ўхшаган қотмагина бир шама пиёламда айланиб юрган эди...— деди эшикдан дастурхон кўтариб кирган хотинига бошини силкиб.

— Ҳа, ҳа, Азизхон, «кимдир келяпти» деб қайта-қайта айтувдилар,— деб, эрининг ҳазил аралаш гапини тасдиқлади Иқлимхон ая.

Таом ейилгунча Маҳамат чатоқ Азизнинг ишларини атайлаб сўрамади, Азиз ҳам «эшикдан кирмасдан дардимни очиб, дилини хуфтон қилмай... ўрни келиб айтарман ҳали» деди-ю, у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Кейин ачиқ чой ичилди. Иқлимхон ая дастурхонни йиғиштириб чиқиб кетгач, орага бир зум жимлик чўкди, икковлари ҳам: «нимани гапирсам экан» деб ўйланиб қолишди шекилли. Охири Маҳамат чатоқ муҳим бир гап эсига тушган одамдай:

— Қалай, энди индашмаяптими? Секретарга айтгандим,— деди голибона бир қиёфада жилмайиб.

— Қайси секретарга?— сўради Азиз Маҳамат чатоқни унча тунунмай.

— Қайси секретарь бўларди. ЦКнинг секретари-да! Мана бундай одам!— Маҳамат чатоқ бош бармоғини ҳавога кўтарди.— Ҳосил байрамида кўрдим у кишини. Сизни айтиш хаёлимдаям йўқ эди, ўзлари қизиқ гапириб қолдилар. «Қалай, Маҳамат ака, жим бўл кетдингиз жуда! Иккинчи марта қаҳрамон бўлмоқчи эдингиз... ваъдангизни унутиб қўйдингиз шекилли... ёки сизни ҳам вилт чалиб юбордими?..» деб ҳазиллашдилар. Кейин қўлимни сиқиб: «Маҳамат ака, яна бир оз сабр қилинг, жонингизга аро кирадиган янги нав топилди, бир-икки йилда сизларга ҳам етиб боради, ана шунда қаҳрамон бўласиз» дедилар... Бирдан: «Тўхтанг, тўхтанг! Ҳа, ўша нав сизларнинг колхозингизда яратилипти-ку...» деб кулдилар. Шундан кейин ўзимни тийиб туrolмадим; ҳаммасини айтдим... У кишининг бирдан қошлари чимирилиб, хафа бўлдилар. «Обкомдаги ўртоқлар ҳам сал айтишган эди...» деб ўйланиб қолдилар. Кейин чўнтақларидан кичкина дафтарча чиқариб, ёзиб-ёзиб олдилар. Шу!

Азиз Маҳамат чатоқнинг гапини тингларди-ю, юраги дукурлаб урар, ҳаяжонидан этлари жимирларди. «Наҳотки, шу гап рост?.. Унинг нави билан обкомдаги раҳбарлар қизиқиб юрганини орқаворатдан сал эшитган эди... Аммо шундаям на Расул Оллоёрович ва на Муҳиддин Жабборович мундай бир тушунтиришмади...» Лекин у қилаётган кичик бир иш билан ЦКнинг секретари шуғулланишини эса ақлига сиғдиролмай қолди. «Наҳотки, шундай бўлса?! Наҳотки?!..»

Кейинги дақиқада у бирдан: «Нега унда институт раҳбарлари менга тумшайиб олишди?.. Атрофимда гирдикапалак юрган одамлар нега мени бундай азобга солишяпти?.. Буниси қизиқ-ку!» дея ўйланиб қолди. Маҳамат чатоқ сўнгги воқеалардан хабари йўқ, яна секретарни мақтай бошлади:

— Барака топгур, ажойиб одам! Эсингиздадир, хў Фанишерчилик пайтида... ҳали у вақтларда вилт балоси йўқ эди... Геройлики шу секретарнинг ўзи берган менга. Одамшаванда, шундай диловор раҳбарки... Партия ҳам билади кимни қаерга қўйишни!— Маҳамат чатоқ мам-

нун бир тарзда мўйлабини силаб қўйди.— Хўш, бирон ўзгариш бўлди ми ўшандан бери?

— Бўлди,— деди Азиз Маҳамат акага қараб ғамгин кулимсираркан. Кейин кўзини ерга олди. Маҳамат чатоқ Азизнинг феълини билгани учун унинг нимадандир қаттиқ ранжиганини сизди. Чой қуйиб узатаркан:

— Тинчликми?— деб сўради унга ўзини отасидек яқин тутиб. Шунда Азиз кейинги воқеаларнинг барини бир чеккадан сўзлаб берди.

— Маҳамат ака, бошида сизга «айтманг» дегандим-ку, уларнинг мана шунақалигини билардим-да. Жами унвонлар-у, жами мансаб-мартабалар қўлларида. Истаганларини қилишади, кўриб турибсиз-ку! Мени энди қувғинга олишяпти...— деди у охири бўшашиб.

— Номардлар!— Маҳамат чатоқ газабидан лаблари титраб кетди.— Имонсизлар! Қўйинг, Азизжон, хафа бўлманг. Сизга яхшилик қиламан деб, қайтага қийнаб қўйибман. Лекин энди, мана, биз бошлаймиз! Шундай иззатли одамларнинг, раҳбарларнинг гапидан кейинки шундай қилишибдими, навбат энди бизга! Мен бу масалани партиявий томондан қўяман! Ахир, мен-биламан-ку, сизни! Йўқ, йўқ, сиз куйинманг! Биз бунақангиларнинг сонмингини кўрганмиз. Бу сочлар бекорга оқармаган, ука! Сиз ташвиш тортманг! Халқ иродаси қарши-сида, биласизми, манман дегани ҳам талқондек майда-майда бўлиб кетади. Давлат, эл-юрт ҳар биримизни галма-галдан мана шундай варракдай учуриб синаб кўради; тепага чиқиб, ортиқча дарилладикми, секин-секин ипидан тортиб, пастга тушириб ҳам қўяверади.

Азиз ерга қараганча кўрпачанинг мағизини ўйнаб турди-да:

— Маҳамат ака, фикрларингиз тўғрику-я, аммо бизда сал бошқачароқ-да... сизларга ўхшаб очик-ойдин, шарт-шурт гапириб қўя қолишмайди. Кулиб туриб жонингизни олишади. Мени шикоятбозга чиқариб қўйишди...— деди.

— Сизлар, нима фариштамисизлар жуда, шаънига тил теккизмайдиган! «Бизда, сизда» деганингиз нимаси?!— Маҳамат чатоқ азбаройи жаҳл чиққанидан думини тикка кўтариб, дастурхонни мўлжаллаб келаётган бароқ мушукни қулочкашлаб бир туширди. Мушук жиқ этиб деворга тегди-ю, қия эшикка ўзини урди.— Айни мана сизга ўхшаганлар айбдор, ўшанақа соясидан от ҳуркадиган бўлиб кетишларига! Сиздақалар айбдор! Даъвогар суст бўлса, қози муттаҳам бўлади, шуни биласизми? Соясига салом бериб, ковушини кийгазиб юрасизларда, кейин тақ этиб бошларингга текканда биздақалар, раҳбарлар керак сизларга, шундайми? Унгача тегмаса — кўриб кўрмаганга олиб кетаверасизлар, шундайми?! Одам дунёга бир марта келади! Шу битта умрида тўғри гапирмаса, қачон гапирди кейин, гўридами?

Эрининг одатини билган Иқлимхон ая ташқаридан унинг қаттиқ-қаттиқ овозини эшитиб, чойни янгилаш баҳонаси билан секин уйга кириб келди-да, ҳали ярим ҳам бўлмаган чойнакни кўтариб чиқиб кетди. Маҳамат чатоқ гапнинг белига тепгани учун хотинига қаттиқ ўқрайиб қаради, аммо индамади. Фикри узилиб, ерга қараганча ўйланиб қолди...

Азиз эса унинг гапларидан зиғирча ҳам ўксинмасди: чунки унинг фикрлари аччиқ ҳақиқат бўлгани учун ҳам кўнглига ёғдек ёқаётган эди...

Маҳамат чатоқ бирпасда паст тушиб:

— Укажон,— деди.— Ҳақиқат учун курашмасангиз, ҳақиқат талаб қилманг. Ё униси, ё буниси! Лекин билиб қўйинг, яхшиликдан кўра ёмонликнинг оёғи илдам. Доимо ҳушёр туриш керак. Беллашганда отангни аяма! Ҳақ сўзга ўлим йўқ. У букилиши, эзилиши мумкин... лекин ўлмайди!

Маҳамат чатоқ жим бўлиб қолди. Кейин яна бирдан тутақиб, ўтирган жойида кўтарилиб қўйди ва бошини сарак-сарак ўйнатиб:

— Буни менга биринчи марта айтдингиз,— деди Азизга қаттиқ тикилиб.— Аввалига ўша Муҳиддин Жабборовичми?.. Ким, ўша одам?.. «Бу ишдан натижа чиқмайди» деб сизни сарсон қилган эди денг-а! Ё, тавба-а! Энди эга чиқяптими? Тагин ёнига текинхўр югурдакларини ҳам қўшяпти денг-а? Тавба! Аммо-лекин бу гапни яхши айтдингиз менга. Яхши айтдингиз. Ё тавба-а!

Азиз ҳамон индамай ўтирарди. Маҳамат чатоқ ҳам сукутга чўмди. Кейин тарашадай ёниб, тарашадай ўчадиган одам, ҳозир қалтираб туриб, энди қўлини бир силкиди-ю:

— Қўйинг, садқаи гап кетсин ўшаларингиздан!— деди.— Мен сизнинг ишингиз билан шахсан ЦҚга тушаман. Тушмасам бўлмайди энди. Э, тавба! Шунча йил индашмаган... энди яроқсиз бўп қолибсизми?! Бутун рўзгорни кўтарган туяга битта элак оғирлик қип қоптими? Қандай одамлар-а, қандай одамлар! Қўрқишмайдиам!

Маҳамат чатоқ чой кўтариб кирган хотинига:

— Қаналхон!— деди бирдан ҳазиллашиб.— Азизжонни яниб, «келиним-келиним» дейсан-у, ўзинг ўлгудай қоқвошсан. Ҳа, мундай қовун-повунлардан опкемайсанми?— У сўйлоқ тишларини кўрсатиб кулди.

Иқлимхон ая «меҳмоннинг олдида мени мулзам қилдингиз» деб гинага ҳам ўтмади, қовоқ-димоқ ҳам осмади, «вой, жоним билан, ҳозир, ҳозир» деганча шошилиб чиқиб кетди. Азиз бўлса сал кам олтишларга бориб қолган бу аҳил одамларнинг бир-бирига чинакам муҳаббати, ҳурматини кўриб ниҳоятда таъсирланди. «Бири-бирининг гапини икки қилмайди... бири-бирини қўллайди... бирининг айбини бири ёпади...» Шуларни ўйларкан, Азизнинг қалбини аччиқ алам қамради.

— Тагин «бу одам яхши сўзни билмайди, ҳамма нарсани албатта уриш-жанжалга олиб бориб тақайди» деб ўйламанг, Азизжон,— Маҳамат чатоқ Азиздаги изтиробни ўзича тушунганидан шундай деди.— Тўғри, яхши муомалага туя ҳам чўкади. Аммо яхши гап — тушунадиган одамга. Тушунмаса сўқиш, керак бўлса уриш керак. Лекин бу ёғи ҳам борки — сўз ўтмаган одамдан калтак ўтмайди...

Шу пайт Иқлимхон ая зилдай чўғири билан гардиш патнис кўтариб кирди. Азиз ирғиб туриб, «вой, қўйинг» деганига ҳам қарамай, қовун билан патнисни қўлидан олиб, қайта ёзилган дастурхонга қўйди. Маҳамат чатоқ қўнжидан дандон сопли пичоғини чиқариб, аввал обдан уни чироққа солиб томоша қилгач, кейин қовун сўйишга тутинди. Ҳамон остонада турган Иқлимхон ая эса эрига қараб:

— Сал берироқ сурилиб туринг, сизларга шу ерга ўрин соберақолай,— деди. Маҳамат чатоқ бери сурилди. Азиз ўзи шу пайтгача ётишдан ҳеч ким сўз очмаётгани учун бир оз хижолат чекиб ўтирганди: ничида севиниб қўйди.

Иқлимхон ая эпчиллик билан деярли ёнма-ён қилиб, гилам устига қалин-қалин ўрин солди-ю, Азизга тўрдаги, атлас кўрпа ёпилган жойни кўрсатиб, «сизники мановиниси» деди-да, чиқиб кетди... Қовун ҳам муздаккина экан, мириқиб ейишди... Кейин Маҳамат чатоқ ҳовлига чиқиб анча ҳаяллаб қолди; Азиз ўрнига кириб ётгандагина кирди.

— Қалай, яхши ўрнашиб олдингизми?— деди ва чироқни ўчириб ечинди. Ўрнига киргач, қоронғида:

— Уйку келмаётган бўлса, токчанинг ёнига қўлингизни чўзинг, лампа бор,— деди. Азиз аввалига ўйламасдан «йўқ» деди-ю, кейин дарров айниди, чироқ тугмачасини чирқ этказиб ёқди. Бутун уй, жиҳозлар, токчалар юзига ўрнатилган, бўялмай, шундай лак берилган нақшинкор ром сиёҳ рангида йилтираб кетди. Шу пайтгача Азиз эътибор бермаган

экан, шундоқ рўпарасида — икки токча ўртасидаги раҳга дока рўмол ўралган нуроний бир кампирнинг сурати илиб қўйилган экан.

Азиз кўрпадан бош чиқариб ётган Маҳамат акага қаради:

— Бувимларми?

Маҳамат чатоқ суратга қараб «ҳа» дегандай ишора қилди ва бир оздан сўнг:

— Қайнонам,— деди.— Бу кишиям, оламдан ўтганларига ўн йил тўлади яқинда! Хўп яхши одам эдилар, марҳума, яхши одам эдилар...

Азиз ёш бўла туриб Маҳамат чатоқни ҳадеб гапга солишга ийманди. У ҳам бир дақиқа ўйланиб жим ётди-да, кейин бирдан:

— Азизжон, сизга бошимдан ўтганларни сўзлаб берганмидим?— деб сўради. Азиз мана шундай танҳоликда одатда сўзсиз орадан шунақанги ҳикоятлар чиқишини билар; ўзи ҳам Салтанатни эслаб, яна қони қайнай бошлаган жойида Маҳамат чатоқнинг бу гапи айни муддао бўлди-ю, у:

— Йўқ, айтмагансиз,— деди Маҳамат чатоққа умидвор нигоҳ билан боқиб. Маҳамат ака кўрпага ўранганча, ўрнида ўтириб олди ва қайнонасининг расмига имо қилиб, «марҳумани сўраб ёдимга тушириб юбордингиз, ука» деди ва илгари ҳам кўп гапирган бўлса керак, шошмасдан, дона-дона қилиб ҳикоясини бошлади:

— Тўрт яшарлигимда бир кунда, бир кечада отамдан ҳам, онамдан ҳам, опамдан ҳам айрилган одамман мен. Азизжон, бу бошларга, вайбў-ў, қанча савдолар тушмаган. Шундан айрим мучалига ел тегмаган олифталарни кўрсам, тепа сочим тикка бўлиб, симёғочдек қалтираб қоламан. Айтишади-ку: бир ўлганга тегма, бир куйганга, деб. Тинч ҳаётдан, ҳозирги мўлчиликдан, пири бадавлатликдан қутурган одамлар йўқ дейсизми, оғайни? Шунисига куяман-да! Тўғри, бир ёмоннинг қаршисида юз яхши бор. Лекин, мана, совет давлатига ҳам олтмиш йилдан ошди. Шу даврдан бери партиямиз, давлатимиз эл-юртга, ёшларга падари-бузрукворлик қилиб келяпти. Шундай ҳур замонда ўшандай ярамаслар курмакка ўхшаб бирдан тишга тегди! Йўқ, ука, тагин ўйламанг, ота-она меҳрисиз ўсгани учун ҳозирги истагани бадастир одамларга ичида алами бор деб! Йўқ! Замон шундай эди... Ота-онасиз ўсиш оғир мусибат, буни бошидан ўтгангина билади! Аммо ҳамма ёғидан тинчиганларга, ишонинг, зиғирча ҳам ғаразим йўқ. Тақдир шу экан, замон шуни талаб қилти, дод десанг ҳам — фойдасиз. Лекин битта хафа бўладиган жойим... Ука, айни шу ҳар нарсадан тиниб-тинчиганлар тақдирга минг қатла шукур айтиб, мамлакатимиз, давримиз, халқимизга муносиб, ҳалол хизматда бўлиш ўрнига... биттаси мана шу Муҳиддин Жабборовичингизми? Нима етмайди унга? Пулми, бойликми? Ошиб-тошиб ётгандир. Ҳа, ошмаганда ҳам бировнинг мулкига кўз олайтиришга қандай ҳаққи бор? Бирон-бир тушунмаган, саводсиз ғалча шундай қилса ҳам майли эди, «ҳар хил одам бор-а» дейиш мумкин эди. Бу, ахир, академик! Яна доврўғи оламга ёйилган академик! Қўлларимдаги бу қадоқлар ўша кишининг чигитларидан тушган. Шундай мартабали инсон қариганда қармоққа илиниб... шунисига куяман, ука. Энди буни қандоқ тушунайлик?!

Маҳамат чатоқ «ҳа, нодонлар-а» дегандай ўзича бошини сарак-сарак қимирлатиб қўйди. Кейин Азизга қараб туриб, бирдан кўзлари чақнаб кетди.

— Бултур бир ойлик ўқишда бўлдим Тошкентда,— деди ҳаяжонланиб.— Ленин отамиз хўп билган эканлар-да... бекорга ишчиларни раҳбар синф демаган эканлар! Кўрганини, дилига келганини, бор ҳақиқатни шарт-шурт айтади-қўяди! Меҳнатидан бошқа ишонадигани, билак кучидан бошқа илинжи йўқ. Яхшиямки, дейман баъзан, шу раҳбар синф, унинг йўлбошчиси партиямиз бор экан... Бўлмасам... уруғ-аймоғ-

чилик, бир-бирига пахта қўйишлар авжга чиқиб кетса борми... кейин уни ким, қандай қилиб тузатади, ахир?!.. Яхшиямки, ҳаётимизни ҳаминша ёруғ қилиб турадиган шу муаллимлар бор...— Маҳамат чатоқ пешонасини ушлаб ниманидир хотирлашга уринди-да, кейин эсига тушиб, боладек қувонганча давом этди:— «Ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда меҳнат қилгандагина чинакам коммунист бўлиб етишиш мумкин». Қаранг, бир мағзини чақинг! Уша Муҳиддин Жабборовичларингиз ҳам, ҳойнаҳой, ишчилик, деҳқонлик пайтларини, ҳар луқмани ҳалол меҳнати билан топиб еган вақтларини унутиб қўйганлар-ов? Ўзи шу: харом луқма оғизга тушдими, кейин мазахўрак бўлиш қийин эмас!

Маҳамат чатоқ «бошдан кечирганларимни сўзлаб бераман» деб туриб яна шу куннинг ташвишларига киришиб кетганини бирдан ўзи ҳам сезиб қолди-ю, «ол-а!» деб кулиб юборди. Чиндан ҳам у шу даражада фаол одам эдики, бугунсиз бир дақиқа ҳам яшолмасди. Нима гапирса, нимани фикр қилса, бари бир хулосаси шу кунга келиб тақалаверарди... У бошини силкиб-силкиб кулганча:

— Қариганда қайтадан бола бўларкансан, Азизжон,— деди.— Сиз ҳам қаринг, шу кунларга етинг... Лекин ёш ўтгач, гапирган гапинг ҳам бамисоли дайди шамолдек дуч келган томонга эсиб, охирига етмай қолиб кетавераркан. Қоним қайнайди-да, ука. Бекорга «чатоқ» дейишмаган мени. Одамлар ҳеч қачон бекорга гапирмайди!.. Биз асли Наманган тарафдан, Тошқўрғонданмиз. Ҳеч борганмисиз, Азизжон? Шундай бир қишлоқ бор.

Азиз «йўқ» дея жавоб қилди.

— Мен Тошқўрғонни тўрт яшарлигимда ташлаб кетганман. Ҳозир тоғавачаларим, амакивачаларим бор у ерда. Лекин ёшликдан бирга ўсмагандан кейин, бир-бирини билмагандан кейин ўртада меҳр ҳам бўлмас экан: бориш-келишимиз йўқ. Уч йил бурун амакивачалардан бири излаб кепти, ўғли Тошкентда ўқиркан, икки кун меҳмон бўп кетди... Яна чалғияпман-а?.. Хуллас, тўрт яшарман... Ҳалиям кўз ўнгимда, каталақдеккина ҳовлимиз бўларди: одеяллар билан тўсиб қўйиладиган очиқ айвондан кириларди. Отамни эс-эс биламан. Мана шунақа шоп мўйлабли, қотмадан келган, дароз одам эди, раҳматлик. Ойим бечора эса негадир эсимда қолмаган. Ўйласам, баъзан хўрлигим келади... Расм-пасмга ҳам тушишмаган экан денг! Ким билади, балки тушишгандир. Йўқолиб кетган бўлиши ҳам мумкин...

Маҳамат чатоқнинг овози хиёл титраб, товланиб чиқа бошлаганини Азиз дарров сездди. Чунки ўзи ҳикоя қилаётган воқеа кўз ўнгиди буткул жонланиб бораётгани аниқ эди.

— Мендан икки ёш катта опамниям тузук эслолмайман. Дадам баджаҳл одам эдилар, балки шундан ёдимда қолгандир?.. Хуллас, Азизжон, миямга михдек қоқилган ўша тундаги воқеани ҳеч қачон унутолмасам керак... Ҳали қиш қиличини судраб келмаган палла эди шекилли, айвонда ётардик. Аммо бурчакдаги танчага олов босиб қўйилгани эсимда. Дадамнинг кимлигини мен билмасдим, кўкрак ва белларига қайиш боғлаб, каттакон оқ от миниб юрардилар. Бир марта тўппончаларини ҳам кўрганман... Уша кеча дупур-дупур ва кимдир қичқирганидан уйғониб кетдим... Совуқ еганманми, ўзим билмай олови ўчиб, илиққина кулга айланиб қолган танчанинг ичига сирғалиб тушибман. Юрагим така-лука; кўрпа остидан секин бош чиқарсам, худди кимдир нафаси бўғилаётгандай, хунук хириллаш эшитилди. Боламисан деб, қўрққанимдан баттар танчага кириб кетдим. Кимдир «оҳ» деб юборди, кимдир оғзини юмишдими, овози узилиб-узилиб эшитилди. Биров нимадир деб шивирлади. Кейин дупур-дупур оёқ товушлари узоқлашиб, бирдан ҳамма ёқ тинчиб қолди. Кўрагим чумчуқнинг юракчасидек гурсиллаб уриб, тер қуйганча ётавердим...

Маҳамат чатоқ ҳаяжонланаётганини сездирмасликка уриниб, на-фас ростлаш учун бир оз жим бўлиб қолди. Азиз эса майкачан ҳолда ўтириб олган, сиёхранг нурда икковлари сиртдан қараган одамга ҳам кулгили, ҳам ваҳимали кўринишарди.

— Танчада яна қанча ётдим, билмайман... Жим-жит айвонда бирдан кимдир инграб юборди. Мана, ҳозир ҳам қулогимда ўша инграш эшитилапти. Жон ҳолатда танчадан чиқиб кетдим. Негадир айвондан уйга кираверишдаги остонага зиғирдаккина шам ёқиб қўйилган, у липиллаб турибди... Ҳалиям кўз ўнгимда... Қарасам, дадам ҳам, ойим ҳам, опам ҳам қора қонларига беланиб ётишибди. Дадамнинг бошини деярли узиб олишган, гавдасида қийшайиб қопти. Ойим бечора эса худди ухлагандай, муштдаккина бўлиб қимир этмайди... Бу гапларни мен ҳозир айтяпман. Ушанда билмай тўсатдан дадамнинг устига бориб қолдим-у, додлаб юбордим. Одамларнинг айтишича, опамнинг жони узилмаган экан, дўхтирга олиб кетишаётганда йўлда ўлибди. Инграган ҳам опам экан...

Азиз кўп йиллардан бери баъзан гап талашиб, баъзан қойил қолиб, баъзан ёқтириб, баъзан ёқтирмай юрган рўпарасидаги мана шу одамга ҳозир шу қадар ачиниб кетдики, ўзини тутолмади, кўзига жиқ-жиқ ёш қуйилиб, кетма-кет ютинди. Шунда Маҳамат чатоқ Азизни ҳайратга солиб, қайтага уни юпата бошлади:

— Қўйинг, куйинманг, Азизжон. Буларнинг бари ўтган ишлар. Гоҳи-гоҳида ўзимнинг ҳам ўпкам тўлиб, дунёга дод солиб йиғлагим, шу билан бир енгиллашиб олгим келади. Аммо ўзимни тияман. Ҳатто марҳум отамнинг арвоҳи олдида ҳам бўшанг, қўрқоқ, юраксиз бўлиб кўринишни истамайман. Мен йиғласам, душманларим кулаётганга ўхшайди. Шундан доим қаҳр ёғилиб туради мендан... Ушанда тўсатдан дадамнинг устига бориб, овозим борича додлаб юбордим... Бирпасда ҳовлимизда халойиқ тирбанд бўп кетди. Кимдир мени даст кўтариб, бағрига босиб, ҳўнграб йиғлаганча юз-кўзларимдан ўпди. Қий-чув, йиғи-сиги... Кейин эртаси куниеқ тўппа-тўғри Тошкентга, детдомга юборишди мени. Сал ўтмай янги одамлар, янги ўртоқларга ўрганиб кетдим.

Маҳамат чатоқ кейинги фикрларини бир сафга жамлаётгандай, тагин бир оз жим қолди.

— Уша кеча отам, ойим ва опамдан ташқари қишлоқдаги яна тўрт комсомолнинг ўлдириб кетишган экан босмачилар. Уларни аввалига чала ўлик қилиб қийнаб, кейин мозор орқасига судраб бориб, ўт ёқиб, тириклайин ёндирворишибди... Хуллас, Азизжон, тўрт ёшимда мен ҳаммасидан айрилганман. Совет ҳукуматига мингдан-минг раҳматки, етимлигимни билдирмай, бошимни силади, одам қаторига қўшди... Шунинг учун ҳам то танамдан жоним чиққунча унга ҳалол хизмат қилишга онт ичганман. Уни падарим, муштипар волидам деб билганман... Ука, мени бекорга «чатоқ» дейишмайди. Бир хиллар ҳазилга олиб айтади, улардан хафамасман; қишлоқда лақабсиз одамнинг ўзи йўқ. Аммо бир хиллар борки, орқаворатдан «чатоқ» деб мени янийдилар. Чунки мен уларнинг холвайтарига тушган туз, чойига тушган музман! Эгри ишларини юзи-кўзи демай тикка бетига айтаман — қўяман! Аввалги раис ҳам шундай эди, беш қўлини оғзига тикқан! Билмайман, ҳозир қаерларда юрибди!.. Э, ука, ёмон гап кимга ёқади? Уғри ҳам, фар ҳам ўзини эшондан аъло кўради... Ушанга ҳам тўғриси айтсанг — ёқмайсан! Мен бўлсам айтаман!..

Агар Азиз ийманмаганда, ҳозир шарт ўрнидан туриб Маҳамат чатоқни ўпиб-ўпиб, қучоқлаб оларди. Бу одамнинг шунчалар мусибатли ҳаёт юкини ҳеч кимга билдирмай елкалаб юргани, унинг чинакам алп инсонлигига ҳайрон қолаётганди. Шу аснода у тўсатдан ўзини Маҳамат акага қиёслаб кўрди-ю, ижирганиб кетди...

— Маҳамат ака, кейин нима бўлди?— деб сўради у, ҳамон ярим яланғоч ҳолда ўтирганча.

— Кейинми? Нима бўларди! Детдомда ўсдим. Катта Фарғона канали қурилишида қатнашдим. Ушанда кучга тўлган арслондек йигит эдим. Ҳа, мановисини эшитинг!— Маҳамат чатоқнинг кўзлари яна чақнаб кетди. Урнашиброқ ўтириб, Азизга қараб кулимсиради.— Мен ўшандаям бригадирман. Биз нариги участкадаги кетмончилар бригадасини мусобақага чақирганмиз. Энди ўйласам, ўшанда канал қирқ беш кунда кетмон, замбил билан қурилибди-я! Мусобақанинг кучини қаранг!.. Айни биз енган кунга Усмон ота келиб қолса бўладими! Эсимда бор: бошига кепка кийган, енги калта оқ кўйлак, галифе шимда, кўзларини қисганча биз томонга қараб келяпти. Орқа-ўнги кетмончилардан баттар чанг. Аввалдан суриштириб билган эканми, «хўш, азаматлар, ким енгди?» дея сўради дабдурустдан. Ҳамма қичқириб мени кўрсатди. Шунда кўзига жуда ёш кўриниб кетдим шекилли, ёнимда тўхтаб, шарт белимдан кўтариб олди-ю, чириллатиб бир айлантирди, кейин гурс этиб ерга қўйиб, мана шу елкамга, — Маҳамат чатоқ чап елкасини ушлади, — ҳазиллашиб бир урди ва: «Раҳмат, укам! — деди, — раҳмат! Отанга раҳмат! Ота ўғил шундай бўлади!» — деди-да, гурс-гурс юриб нариги участкага ўтиб кетди... Ушанда Усмон Юсупов отамни босмачилар ўлдирганини билиб туриб, шундай дедими ёки шунчаки сўзи тўғри келиб қолдими, аммо у кишининг «Ота ўғил шундай бўлади» деган гапи ҳалиям кўнглимни эритиб туради... Мана, энди сал кам ўттиз йилдан бери шу колхоздаман... Ҳа, ростдан Иқлимхон аянғизни ҳам каналда топганман. Шунинг учун уни Каналхон дейман. У ўшанда сочи тақимига тушадиган, қўли гул ошпаз эди. Қанча-қанча арслонлар кетидан чопмаган унинг! Лекин биттасига насиб бўларкан. Ўша менман! — Маҳамат чатоқ кулди. Кейин «ишлар шунақа» дегандай бош ирғади. Кўкси ғурруга тўлиб давом этди: — Минг қатла шукурки, ким бўлса ҳавасланиб қарайди турмушимизга. Оиладан ёлчиганман, ука. Обрў-иззатларимнинг бари шу хотиним туфайли. Ўзи бир нўноқни бир эпчил эпларкан!.. Азизжон, дунёда тўғрисини айтадиган битта одамим — шу хотиним. Баъзан энг яқин улфатим ҳам, туғишганим ҳам кўнглимга, феълимга қараб ёлғон гапириши мумкин. Аммо Иқлимхон аянғиз заққум бўлса ҳам тўғрисини айтади. Гоҳи пайтда ловуллаб кетиб уришиб ташлайман-да, кейин ўкинига тушаман, ўйлаб қарасам, ҳамма гапи тўғри... Ўғлим бор. Илгариям айтувдим сизга чамамда! У бобосига тортди: офицер. Саккиз йилдан бери Берлинда. Хизматини тугатиб, ўша ерда бир немис қизига уйланиб, ўғил кўрди... Ҳа, майли, замон шуларники экан, қандини урсин! Ҳар йили отпускага келади, хотини билан ўғлини олиб... Шунақанги ширин неварам борки, дурагайлар ўзи зўр бўлади, сизнинг ғўзангизга ўхшаб... Катта қизим ипакчилик агрономи. Уртанчаси, ўша ўзингиз тўйида қатнашган Мубор, боя ҳовлида кўрдингиз-ку...

Шу гапдан кейин Маҳамат чатоқнинг бирдан қовоғи уйилди. Юраги эзилгани шундоқ билиниб, Азизнинг бояги шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Маҳамат чатоқ бир гап очдими, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқатга тик қарай оладиган одамлиги учун фикрининг ярмини ичида қолдириб ўтирмади.

— Оила қуриш ҳам баъзан қимор ўйинидек: ютасанми, ютқазасанми — билмайсан. Шу Муборимни кўрсам, юрагим жизиллаб ачишади. Эри ярамас чиқди. Бўлмасам туппа-тузук одамларнинг боласи. Ичади... Эсингиздами, уйимдан чиқарганимда болам бечора шунақамиди? Қандай кўҳли, қандай соғлом... юзлари кундуздай, кўзлари кундуздай... Қаранг, ҳозир таниб бўлмайди. Ҳароми, нуқул қизим бечорани калтақлар экан-а! Бир марта отаси аралашса, уни ҳам тутволиб урибди. Қизим боёқиш мендан яшириб келаркан шуни. Бир кун сариқ

бўлиб қишлоқ касалхонасига тушибди, деб эшитдим. Борсам, юзлари-ю, кўзлари, ҳамма ёғи мўматалоқ, болам бечоранинг. Шунда ҳам айтмайди. Айтмаганига қўймадим. Эри ураркан-а, аблаҳ! Мен галварс, аввал ҳам бир-икки уйга йиғлаб келганда, олдимга солиб ҳайдабман-а! Жан-жалингни бу ерга опкема, бор, ўзларинг ҳал қил, деб қайтариб юборибман-а!.. Бамисоли қутуриб кетдим, югурганча уйига борсам йўқ. Отаси ҳам калтак еганини кўзига ёш олиб гапириб берди. Углининг аламини отасидан олдим. «Ҳозир кўзингни филтиллаатгунча илгари ўйлагин эди! Навдани ёшлигида эггин эди», деб роса тузладим. Кейин «гулдай қизим отасига қўл кўтарган оқпадарнинг хотини бўладими ҳали» дедиму, кўч-кўронини ортиб, уйга опкелдим... Бир парча этлигидан қўлингга авайлаб, дардга чалинса тепасида ухламай... тап-тайёр хизматкор қилиб бировнинг қўлига топширасан-у, у шу гулдай жигарбандингни оёғининг остига олиб тепса, чинни синдиргандай ҳайвонлик қилса... бунга қандай чидайсан?! Азизжон, бола — юракинг бир парчаси бўларкан. Уларга қараб туриб, ўзим дунёдаги энг азиз меҳрдан — ота-она меҳридан бегона ўсганимни сезаман-у, кўнглим бузилади. Қийинчилик кўравериб юракларим безиллаб қолган. Энди болаларимнинг кўзидаги ёшга чидамайман. Бечора Мубор ҳам... Опкелишга опкелдим-у, хўш, шу билан унинг дардини енгиллаштирдимми?! Қаёқда дейсиз? Бола фақир иккиқат, туну кун шунини ўйлайди, чет-четга ўтиб йиғлайди. Қўлимдан нима келади? Уша номаъқул куёвни ураманми, сўкаманми? Бари бир фойдасиз. Бурунгилар айтарди: болам болалади демагин — ғамим болалади дегин, деб. Катта бўлган сари даҳмазаси кўпаявераркан...

Маҳамат чатоққа қўшилиб Азиз ҳам изтироб чекди. Шу дақиқада бошидан ўтган барча кечмишлар, жанжаллар, ҳатто Салтанат билан бўлган воқеалар ҳам назарида арзимас нарсасидек туюлди-ю, қовурғалари саналиб рўпарасида ўтирган мана шу ориққина, аслида эса қоядек мустаҳкам одамнинг ички дунёси олдида ўзининг қанчалар бачкана эканини ҳис этди ва ўзидан-ўзи уялди. У Маҳамат чатоқ ҳикоясидан туғилган ҳам ғамгин, ҳам аллақандай жозибали жимликни бузишга журъат этмай, унга мўлтираб ўтирарди. Маҳамат чатоқ эса унинг бу қарашини ўзича йўйиб, ўрнига ётди.

— Соат ҳам анча бўп қолди чамамда... Кўнгил тортиб бир оғзим очилиб кетди-да, Азизжон,— деди ва яхшироқ ўраниб олди.— Аммо сиз хавотир бўлманг. Ҳақиқат сиз томонда. Ишданам ҳайдашолмайди, илмингизниям торт-торт қилишолмайди. Мана, мени бир айтди дейсиз! Қани, ётдик, бўлмасам... Чироқни ўчирасизми ёки ёруғдаям ухлайверасизми? Менга бари бир...

Азиз сиёҳранг лампани ўчирди. Қоронғи хонага оғир жимлик чўкди. Азизнинг кўз ўнгида Маҳамат чатоқнинг ўша айвонда ётиши, танчага беркингани, боши узилган отаси — ҳамма-ҳаммаси худди кино лентасидек бир-бир лапйллаб ўтди, бадтар уйқуси қочди. Чуқур хўрсиниб, Маҳамат чатоқ тарафга қаради. Қоронғидан унинг бир маромдаги нафаси эшитиларди...

Соат неча бўлганини Азиз билмади-ю, аммо у уйғониб кетганда шу яқин ўртада ҳадеб хўроз қичқирарди. У ойнага қаради, ҳали қоронғи, лекин деразанинг тепа кўзини хира кўкиш шарпа қоплаган; тонг яқинлашиб келмоқда эди. Секин токчага қўл узатиб, кечқурунги чироқни ёқди ва соатига қаради: бешдан ошибди. Чироқни ўчириб, яна бир оз ухламоқчи бўлди. Аммо кўзи юмилмади. Ҳар хил хаёллар миясида қалашиб, уйқу бермади. Охири қоронғида пайпаслаб-пайпаслаб энгилбошини топди-да, тусмоллаб кийиниб, секин эшик очиб ташқарига чиқди. Ҳовли совуқ эди. Уйда билинмабди, ташқарида ғира-шира тонг ёришиб қолган экан. Азиз юпунгина костюмига ўраниб, ҳовли этагидаги

дарча томонга қараб юрди. Бурчакдаги оғил устунига ҳў бирда йўлакда ётган този ит боғлаб қўйилибди, у дарчага орқа ўғирганча бошини чотига тикиб қунишганидан қилт этмайди. Сал нарироқдаги қўноқда эса қатор тизилишиб олган товуқлар. Атрофдан негадир ачимсиқ гўнг ҳиди келади...

Азиз дарчадан энгашиб ўтди-да, қуюқ шудрингни шип-шип босиб, боғ ичкарасига қараб йўналди. Таги резина юпқа туфлиси бирпасда жиққа ҳўл бўлди-ю, эрта-индин қор ташлаб қолса, нима кийишини ўйлади. Ҳаммаси уйида. Қимнидир юбориши керак. Эҳтимол, дадасини юборар. Аммо ўзи ўлиб қолса ҳам бормаиди... Азиз яқингинада қиртишлаб ўрилган, лекин хашаги ҳали йиғиб улгурилмаган бедазор уватидан аста-секин пастлаб бораркан, баъзи-баъзида «қишлоққа кетсам яхши бўларди» деб ўйлашлари ёдига тушди ва қишлоқ ҳаёти худди уйқусирагандай тинч ўтиши хусусидаги фикрлари бошдан-оёқ хомхаёл эканини яна бир бор ҳис этди. Қаердадир сигир маъради. Пастак гувала девор ичидаги ҳовлидан қўлдан тушиб кетган челакнинг шарақлаган овози эшитилди. Аёл киши сигирни қарғади шекилли, «тек, тек» дея бўғилди. Боғ этагидаги қизил тунука уйли ҳовлидан «қарс-қарс» аксадо бериб, теша ишга тушди...

Дарахтларнинг баргсиз новдаларига муздай шафақ теккан пайтда Азиз боғдан чиқиб, дарча орқали ҳовлига ўтди. Бу пайтда Маҳамат чатоқ айвон рўпарасида узун тўнани елкасига омонат ташлаб олганча, ҳадеб самовар ўтхонасини пуфлар эди...

27

Маҳамат Турдибоев илгариги Тупроққўрғоннинг ўрнига тушган олти қаватлик партия Марказий Комитети биносидан чиққач, димоғи чоғлигидан қош қорая бошлаган бўлса ҳам Чилонзорга жўнади...

Ҳосил байрамида Марказий Комитет секретари Маҳамат чатоқни кўриб, у айтган гапларни блокнотига ёзиб олгач, эртаси уни Қишлоқ хўжалик бўлими мудирини — кекса агроном Машариповга: «Яхшилаб ўрганинг-чи, натижасини айтасиз» деб топшириқ берган эди. Машарипов «бу иш билан олдиндан хабардорсиз» деб Зокир Қўшмоқовни ҳам чақириб, икковлашиб Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовични тоза ўртага олишган, «агар иш шундай кетса, энди биз томошабиндай қараб турмаймиз... пахтакорларга тезроқ янги самарадор нав етиштириб бериш ўрнига, ҳали йўқ нарсани торт-тортга айлантириб...» деб обдан саза қилишган, иккала домла ҳам Марказий Комитет бўлиmidан тавбаларига таянгандай бўлиб чиқиб кетишган эди.

Маҳамат чатоқдан кейинги воқеаларни эшитган Секретарь аввалига ишонинқирамай, кейин қовоғи уюлди. Телефонда қишлоқ хўжалик бўлимининг мудирини билан уланиб, анча вақт унинг изоҳини тинглаб турди-да:

— Сиздан илтимос, ўртоқ Машарипов,— деди рўпарасидаги календарни варақлаб.— Институт директорини, ўртоқ Муҳиддин Жабборовни, бошланғич партия ташкилотининг секретарини... яна кимни чақириб мумкин?.. Ҳа, тўғри айтасиз, ўртоқ Қўшмоқовни... эрта ўтиб, индинга, яъни иккинчи декабрь эрталаб соат ўн бирга ҳузуримга чақирсангиз. Узингиз олиб кирасиз уларни...

Телефонни қўйгач, Секретарь Маҳамат чатоққа қараб кулимсиради ва ўрнидан туриб:

— Буни ҳал қиламиз, Маҳамат ака,— деди.— Янгилик ҳеч қачон осонликча майдонга чиқмайди... Ҳозир ишимиз тифиз, мажбурийатни бажаришимиз керак. Сизларга-ку яхши, қутулиб олдинглар. Сводкани кўрдим, шудгорлаш ҳам областда биринчи бўлиб сизларнинг райони-

нгизда тугаяпти. Раҳмат. Лекин Қорақалпоғистон билан Хоразмда бу йил аҳвол чатоқ. Баъзи жойларда тўрт-беш марталаб чигит экишди, азаматлар. Пахта етарли, тағинам куз яхши келди, ҳалигача ёғмай турибди. Уларга кўмаклашиб, далда беришимиз керак. Бугун-эртадан ҳам-ма бюро аъзолари областларга жўнашяпти. Мен ҳам сиз айтган дом-лаларни қабул қиламан-у, Қорақалпоғистонга учаман. Ишлардан сал бўшайлик, Азиз Қосимовни ўзим чақириб гаплашаман. Кўп мутахассислар ишини юқори баҳолашяпти. Ҳамма ҳужжатларини тўғрилаб, Москвага жўнатишни топширдик. У йигитнинг келажаги порлоқ... Хўш, Маҳамат ака, тағин нима топшириқлар бўлади бизга?— Секретарь яна самимий жилмайди. У Маҳамат акани кўпдан бери билиши ва ҳурмат қилиши шу кейинги ҳазил луқмасидан ҳам сезилиб турарди. Маҳамат чатоқ Секретарнинг сўзидаги «агар бошқа гаплар бўлмаса... ишларим зиқ» деган нозик маънони дарров тушунди-ю, қайта-қайта раҳмат айтиб чиқиб кетди. Кеч бўлишига қарамай қабулхонада чиндан ҳам одам кўп эди.

Маҳамат чатоқ газик машинасининг орқа ўриндигига ўтирганча Чилонзорга қараб бораркан, Секретарь айтганини қиладиган мард одамлигини билар, «энди тоза адабини беради у нобакорларнинг» деб ичида суюнарди. Айни вақтда оддий бир ҳақиқатни ҳам мундай ўрнига қўйиш гоҳо қанчалар қийинлигини, ҳали турмушимизда шахсиятпараст, ўз жиғилдонини кўзлайдиганларнинг сероблигини ўйлаб яна авзойи бузилди. «Нега бундай? Марказий Комитетнинг масъул ходими, бўлим мудир айтибди-ю, шунгайм бўйин бергилари келмайди-я! Қайтага тескарисини қилиб, ишдан ҳайдашмоқчи... Вой, тавба! Вой, тавба! Шу даражада ўзларига бино қўйиб, ўзлари хон, кўланкалари майдон бўлиб кетганларида бу! Бошқача нима дейиш мумкин, ахир?! «Қатта олимман, мансабимни олишганда ҳам, илмимни олишолмайди» десалар керак-да?! Йўқ, уларни шунга ақли етмайдиган нодон одам деб бўлмайди. Улар айниган одамлар... Аммо халқнинг назар-эътиборидан қолсанг, хафсаласини пир қилсанг... умр бўйи топган обрў, ҳурматингни ҳам кейин пулга сотиб оласанми?!»

Шу хил хаёллар билан Маҳамат чатоқ Азизларнинг уйига етиб келганиниям сезмай қолди. Шофер йигит ҳў бирда тушгани учун яқин йўлни танлаб ҳайдадими, ишқилиб, жуда тез келишди. Маҳамат чатоқ шоферга «кўп ушланмайман, ҳозир кетамиз» деди-да, соатига қараб олди. Еттидан сая ошган, аммо кеч куз бўлгани учун теварак-агроф қоронғи, баланд иморатларнинг сон-саноксиз деразаларидан нур ёғилиб турарди. «Бир жиҳатдан шуларга ҳам яхши, иссиққина уй...» деган фикр ўтди хаёлидан...

Иккинчи қаватга кўтарилиб, таниш қўнғироқни босгач, кўп кутмади, ичкаридан аёл кишининг зипиллаб келаётгани эшитилди... Салтанат эшикни очиб, бир зум довдираб қолди, «бошқа ҳеч ким йўқми» дегандай ташқарига бош чиқариб қаради. Кейинги дақиқада ўзини қўлга олиб, «Ассаломуалайкум, Маҳамат ака, келинг, келинг, марҳамат» деб эшикни катта очди. Маҳамат чатоқ келиннинг майин муомаласидан эриб кетди, оёқларини остонадаги ҳўл латтага қайта-қайта артиб, ичкари кирди. Даҳлизда тўхтаб, чўнтагини кавлай бошлади, нариги уйнинг эшигига суянган ҳолда ётсираб турган Беҳзодни чақирди-да, икки дона шоколад берди. Беҳзод индамай келиб олди. Салтанат ўғлига дашном берган бўлди:

— Вой, Беҳзоджон, уят, уят! Нима дейиш керак, амакига?

— Раҳмат...

— Э, баракалло, ўғлим, баракалло! Катта йигит бўл!..— Маҳамат чатоқ даҳлиздаги пойабзалларга разм солиб,— бу гал ҳам Азиз йўқми?— деб сўради бамайлихотир.

Маҳамат чатоқнинг бу саволидан Салтанатнинг ичи ширғ этиб кетди. У Маҳамат акани остонада кўргандаёқ юраги севинчдан қалқиб тушди; биринчидан, Азиз акани билан боғлиқ кадрдон кишисини кутмаганда учратганига шундай бўлса, иккинчидан, «яраштиришга келдимикин?» деган фикрдан маст кишидай боши айланиб кетаёзди. Афсуски, Маҳамат ака орадаги гаплардан беҳабар экан, акс ҳолда «Бу гал ҳам Азиз йўқми?» деб сўрамасди. Салтанат ичи тўлиб келиб, бирдан хўнграб юборай деди-ю, бегона одамнинг олдида зўр-базўр ўзини босди.

— Азиз акам бизни ташлаб кетдилар...— деди ерга қараб.

— Ие, ие, келин, йўғ-е, нима деяпсиз?! Бу қандай аҳмоқгарчилик?!— Маҳамат чатоқ йўлакда қаққайганча шошиб қолди.— Қачон?

— Йигирма кун бўляпти...

Маҳамат чатоқ «ҳа, тушунарли» дегандай ерга қаради. Аёл кишидан «нимага шундай бўлди?» деб сўраб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Кейин бемаврид кирганига афсусланди. У-бу деб Салтанатни юпатди. Ҳамон эшикка суянганча хўмрайиб турган Беҳзоднинг бошини силади-да, Салтанат «уйга кириб, ўтириб» деб қистаса ҳам унамай, эшик тутқичини тортиди. Кетаётиб:

— Келин, оилада бунақа гаплар бўп туради,— деди насиҳатомуз.— Бекорга эзилманг, ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади, куйинманг. Мен ўзим гаплашаман Азиз билан.

Салтанат хўрлиги келиб, лаблари титраб, бирдан кўзларига дув-дув ёш қуйилди, юзини рўмолининг учи билан беркитди. Маҳамат чатоқ унга қараб туриб, лоп этиб кўз ўнгига Мубор қизи келди ва бирдан тутакиб кетди.

— Мен ўзим гаплашаман у тентак билан!— деди кўзлари ёниб.— Сиз куйинманг, болам. Кўз ёшингизга арзимади унинг аҳмоқгарчилиги! Йиғламанг, қизим. Қаерларда тентираб юрибди ўзи ҳозир?

Салтанат елкасини қисди. Маҳамат чатоқ шарт бурилди-ю, жаҳл билан зинадан тушиб кетди. Салтанат бадтар эзилиб йиғлади. Анча вақт йиғлади. Маҳамат чатоқнинг соддалиги, ҳаммани ўзига ўхшаш ҳалол деб ўйлашидан уялиб, ўзидан-ўзи хазар қилиб йиғлади...

Маҳамат чатоқ жаҳл билан чиқиб, жаҳл билан бориб газикка ўтирди, шоферга дағал товушда «ҳайда!» деди ва ундан у ёғига мум тишлагандек қилт этмай кетаверди. У плашчининг олд тугмаларига ча қадаб, бошини елкасига қисганча орқа ўриндиқ бурчагига қўнишиб олди-ю, ичида эса: «Вой, тирранча-ей, қўйнинг оғзидан чўп олмагандай кўришиб, бунақа ҳунарлари ҳам бор экан-ку» дея ўйлаб, тобора ғазаби қайнай бошлади. Бу ғазаб аслида Азиздан ҳам кўра ўзининг куёвига тегишли эди.

Салдан кейин Маҳамат чатоқ анча ҳовуридан тушди. «Наҳотки, шу бола шундай?.. Бир балоси бор буларнинг... Аммо-лекин келин бечора оччиққина, эпчилгина...». Маҳамат чатоқ Азизларникига биринчи бор тушганидан бошлаб, то шу пайтгача ўртада юз берган воқеаларнинг барини, Азизнинг гап-сўзларига ча бир-бир эслай бошлади. «Ҳа, оралари азалдан совуқ эди... Буни хў ўша биринчи уйларига келгандаёқ сезганман... Лекин, ҳайронман, оталарининг молини талашишадими?.. Ҳар қалай, Азиз ёшлик қилаётган бўлса керак... Айб Азиздадир...» деган хулосага келди-ю, уни топиб панд-насиҳат қилиб қўймоқчи бўлди. «Лекин бола фақир боши оғиб қаерларда юганикин? Отасиникидадир?.. Ҳа, бечора-я!.. Секретарь билан бўлган гапни айтиб, бир кўнглини кўтарай деб келсам... орадан энди буниси чиқибди!.. Бир хил одамлар ўзи шу, сира омади юришмайди... Тўғри деб қилган иши ҳам чалкаш чиқаверади. Ҳар қалай, яра газак олиб кетмасидан Азизни топиб, уни бу йўлдан қайтариш керак...»



Марказий Комитет Секретари чақираётганини эшитганда Расул Оллоёровичнинг таъби обдан хира бўлди. «Ювошгина, ҳеч ерга қўли ётмайдиган бола десам, галвадан бошим чиқмай қолди-ку. Муғомбир экан! Индамай юради-да, мана бунақа ишлар қилади. Марказий Комитет Секретари олдида қизаришим етмай турувди энди...».

Ер қаттиқ келса, ҳўкиз ҳўкиздан кўргандек, Расул Оллоёрович ҳам энди айбни бошқалардан қидирарди. «Қаерданам Муҳиддин Жабборовичнинг гапига кирдим? Анови «бедачи профессор» ҳам умримда эшитмаган гапларни айтиб, обрўйимни уч пул қилди. Нима бўляпти ўзи?.. Уринсиз ҳақорат соқовни ҳам бурро қилади. Хуллас, яхши бўлмади. Орадан лаънати аттестацияси ҳам лоп этиб чиққанини қаранг. Ҳойнаҳой, энди ишдан ҳайдашяпти, деб шикоят қилган у. Шу масалани котиб йигитга бекорга топширдим. У ҳам ҳадеб кандидатлигини ўртага солавергандан кейин, «ҳа, билганларингизни қилинг, унда Қосимов билан ўзингиз гаплашинг» деб адашдим шекилли-ёв!.. Муҳиддин Жабборович ҳам кўп қизиқ одам-да. Гердайдани-гердайдан! Ҳа, нима қилади катталар билан олишиб?.. Э, у олишганда нимасини йўқотарди? Шунисига ишонади. Куйганда мен куйиб қолишим мумкин... Объектив бўлмасанг, ҳаммага бир хил қарамасанг, партия сиёсатини тўғри ўтказолмасанг, нима қилиб ўтирибсан бу ерда сўппайиб, дейишмайдами?! Охири бари бир менга тушади, жанжал бошлаганлар секин четга чиқиб олади... Балоба гирифтор — мен. Бошидаёқ, бу академикка эҳтиёт бўлинг, доғули одам, дейишганди-я!.. Аслида-ку, шу Қосимов бечорани ҳаддан ташқари қийнаб юбордик. Нима қилсин, боссанг қурбақа ҳам вақ этади. Чатоқ бўлди, чатоқ бўлди. Аммо-лекин ўлгудек муғомбир, ичдан пишган бола экан. Бу ерда «хўп» дейди-да, кўчага чиқар-чиқмас «кимга арз қилсамикин» деб одам ахтаради. Ҳойнаҳой, анови герой Маҳамат Турдибоевмиди?.. Ҳа, ўшанда бир гап бор. Ўша қиялпти бу ишларнинг ҳаммасини... Ўша қиялпти...»

У Муҳиддин Жабборовични чақиртирди. Академик тезда кириб келдида, Расул Оллоёровичнинг кайфияти пастлигини кўриб:

— Яна нима, тинчликми?— деди пичинг аралаш, креслога ёзилиб ўтираркан.

— Тинчлик...

Расул Оллоёрович Секретарь чақиртираётганини айтди. Муҳиддин Жабборович аввалига хиёл ранги ўчди-ю, кейин:

— Яхши, чақирса бораверамиз!— деди худди гапини тишининг орасидан чиқараётгандай нописандлик билан. Бу Расул Оллоёровичга наша қилиб кетди ва «намунча ўзига бино қўймаса» деб ўйлаганидан:

— Муҳиддин Жабборович! Сал паст тушайлик, мунча осмонга сапчимасак! Суриштириб келганда биз киммиз ўзи?— деди ачитиб.

Муҳиддин Жабборовичнинг Расул Оллоёровичга тикандек қадалган кўзлари бир оз қисилиб, ранги оқарди. Ўтирган жойида яна ҳам ястаниб олди-да, негадир хў узоққа узатиб юборган оёғининг учига қараб кулди.

— Сиз кимлигингизни, эҳтимол, билмассиз,— деди ҳамон Расул Оллоёровичга хуноқ илжайиб,— аммо мен ўзимнинг кимлигимни яхши биламан!

Муҳиддин Жабборовичнинг бу кўрс жавоби Расул Оллоёровичга шу даражада оғир ботдики, ўрнидан туриб кетди:

— Э, домла! Қўйсангиз-чи олифтагарчиликни! Очиғини айтганда, Қосимовнинг ишида сизнинг ҳам, менинг ҳам, бошқа ҳеч бир кимсанинг ҳам мана бунчалик ҳаққи йўқ!— У жаҳл билан тирноғининг учини кўрсатди.— Билдингизми?!

— Унда нега монографияга авторлик қилиб юрибсиз?

— Хотиржам бўлинг! Аллақачон нашриётга айтганман, китоб фақат Азиз Қосимов номида чиқади.

Муҳиддин Жабборовичнинг ранги қув ўчиб, худди Расул Оллоёровични урадигандай ўрнидан турди.

— Сиз принципи йўқ одамсиз!— деди ва стулларни қасир-қусир суриб ўрнидан турди-да, эшикни қарсиллатганча ёпиб чиқиб кетди.

Расул Оллоёрович ўзини муаллифлар қаторидан олиб ташлаб тўғри иш қилганидан мамнун бўлди-ю, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил ҳис этди ўзини. «Э, иш бор жойда хато ҳам бор... Ҳаёт шунчалар мураккабки, ҳозир ҳар қандай авлиё одам ҳам бирда бўлмаса бирда албатта тояди. Аммо ҳамма гап — ўша хатоларнинг оқибатини билишда. Хато ўргатган сабоқни бошқа ҳеч бир мактаб, ҳеч бир таълим беролмайди... Нега биз хатоларни бутунлай, кўр-кўрона инкор этишимиз зарур? Нима, биз осмондан тушган фаришталармизми?.. Хатодан кўрқмаслик керак... Истаймизми-истамаймизми, турмуш экан, хато бўлади... Инсоннинг фазилати — ўша хатони вақтида тузатишда...»

Расул Оллоёрович Марказий Комитет Секретари мабодо шу гапларни сўраб қолгудай бўлса, анча юзи ёруғлигини ўйлаб, Зокир Қўшмоқовга телефон қилди. Аммо у жойида йўқ эди. Асли Расул Оллоёровичнинг обком бўлим мудирига айтадиган тайинли гапи ҳам йўқ эди. У шунчаки вазиятни бир билиш учун қўнғироқ қилган эди.



Расул Оллоёрович ўйлаганига мутлақо тескари ўлароқ Марказий Комитет Секретари уларни очиқ юз билан, ўрнидан туриб самимий кўришганча кутиб олди. Расул Оллоёрович Секретарни ўз кабинетида биринчи кўриши эди. У ўрта бўйдан сал тикроқ, ҳаракатлари вазмин, суҳбатдошига майин, лекин ғоят диққат билан тикиладиган, сочлари сийрак, қирғиз қовоқ, сал кам олтмишларга борган киши эди. У Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовични столи рўпарасидаги креслоларга таклиф қилгач, қолганлар ҳам у-ер бу ерга жойлашишди-да, Секретарь ўз ўрнига бориб ўтирди. Кейин столининг четига қўйилган қудратли сув чиқариш насоси макетини кўрсата туриб, республика пахтачилигининг келажаги; янги ўзлаштирилаётган Қарши чўли; ичидан самосвал машиналар ўтса бўладиган баҳайбат қувурлар орқали пастдан сув чиқарилиши; чўғдек ёниб ётган минглаб гектар қақроқ ерлар яқин ўн йилликлар ичида боғ-роғларга, кўм-кўк пахта майдонларига айланишини шу қадар жозибали гапира кетдики... ўтирганлар михланиб қолишди. Ҳозир у ерларда неча минг ишчи, мутахассис меҳнат қиляпти?.. Қанча техника воситалари бор?.. Қайси участка қачон битади?.. Фалонча минг тонна пахта олиш учун қанча минг куб сув керак?..

Секретарь шуларнинг барини бирон марта ҳам қоғозга қарамай, аниқ рақамларни келтирган ҳолда, худди республика унинг кафтида тургандай, дадил ҳикоя қиларди.

Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборович илгарилари ҳам газеталарда, айрим адабиётларда Қарши чўлининг истиқболини тасвирловчи материалларни кўп ўқишган, аммо бунчалик буюк ўзгаришлар юз бераётганидан бари бир беҳабар эдилар.

Расул Оллоёрович тўсатдан бу ерга ўзларининг нима учун келганларини эслаб қолди-ю, ноқулай аҳволга тушди, ер ёрилмади-ю, ер-

га кирмади! «Дунёда шундай улуг ишлар амалга ошириладиган бир пайтда... бош қашишга ҳам вақти йўқ Секретарни овора қилиб... яна нимага денг? Ёш бир олим яратган янгиликни аввалигаобдан қоралаб... кейин тўс-тўс ёқдан тортқилаб, бошига не кунларни солиб...»

Шунча вақтдан бери илмий советдан олиб, илмий советга қўйиб, бутун институт ходимларининг бошини қотириб юрган масалалари Расул Оллоёровичнинг назарида ҳозир шу қадар бачкана, ғариб, кулгили туюлдики, изза бўлганидан ҳатто юзларигача ловуллаб кетди. «Бутун республикани, миллионлаб меҳнаткашларнинг тақдири, Ўзбекистоннинг бундан ўн, йигирма йил кейинги истиқболини ўйлаб, шу муаммоларни ечиб ўтирган одамни шунчалик майда, тутуриқсиз жанжалга қозилик қилишга мажбур этиб... Расул Оллоёровичнинг ўзи сал қаттиқ турса тинчийдиган арзимас бир иш билан унинг бошини қотириб... Ахир, бунга нима дейиш мумкин?.. Хўш, унда нима учун уни шундай даргоҳга директор қилиб қўйишибди? Шу ўлармонликни ҳам бир ёқлик қилолмас... Бунинг устига ўзи ҳам бош суқиб, обрўини кетказиб, жиноятга яқин иш қилиб ўтирса... Тағинам замон яхши, тағинам раҳбарларнинг феъли кенг, сабр-тоқати чексиз...»

Секретарь республикада юзага келаётган мислсиз ўзгаришларни аллақандай ғурур, кўтаринки руҳ билан сўйлади. Кейин гўё ўз фикрига яқун ясагандай, ўрнидан туриб:

— Ўзбек дийрнинг саховати улуг,— деди «Ўзбекистон харитаси» ёнига келаркан.— Аммо энг ноёб бойлигимиз — пахта. Пахта — фахрифтхоримиз, умумиттифоқ маъмурчилик дастурхонига қўшадиган асосий ҳиссамиз. Аммо, ўзларингизга маълум, йил сайин пахта майдонларини кенгайтиришимиз, янги ерларни ўзлаштиришимиз ҳисобига сув ресурсларимиз тобора камайиб борапти. Шунинг учун ҳам биз келажакда Сибирь дарёларидан сув оламиз. Кўряписизларми, қанчалар оламшумул воқеалар айни сиз билан биз яшаётган ҳозирги даврда, замондошларимизнинг кучи ва қудрати билан бунёд этиляпти. Бундан ҳам зўр фахрли иш бўлиши мумкинми?

Секретарь сал четроқда ўтиришган Марказий Комитет қишлоқ хўжалик бўлимининг мудирини Машарипов билан обком бўлими мудирини Зокир Қўшмоқовга қараб қўйди-да:

— Муҳиддин Жабборович,— деди бирдан академикка юзланиб.— Шогирдларингиздан бири вилтга чидамли янги пахта навини яратибди. Тўғрими?

Муҳиддин Жабборович боядан бери қошларини чимириб, терсайганча ўтирарди. Ҳатто оёқларини чалиштириб, тиззасини қучиб олган. Расул Оллоёрович «бундай қилманг» дегандай бир-икки кўз уриштириб ҳам қўйди — бари бир фойдасиз. Муҳиддин Жабборович шу ерда ҳам Азиз Қосимовдан нолиётган эди. «Ўша ғаламисни деб, қирқ йил пахтачиликни елкада кўтариб келган мендек одамни сўроқ қилишмоқчи... Қачон гап келаркин менга... бир узиб оламан-у, кейин кетавераман, осмон қўллариди бўлса, ташлаб юборишар, қўрқмайман» деб хезланиб ўтирганди. Секретарнинг саволидан кейин:

— Ҳа,— деди димоқ билан.— Ун йилдан бери бир арзимаган ишни судраб юриб-юриб... охири ҳаммамизнинг бошимизни ғалвага кўмиб ташлади, маломатга қоп кетдик... Ун йилдан бери... ун йил-а!

— Ҳар қалай, ун йил судралса ҳам натижа чиқибди-ку?

Секретарнинг бу фикрига Муҳиддин Жабборович дарров эътироз билдирмоқчи эди, у:

— Айтиб қўяй, агар тағин муддати ҳақида баҳс очсангиз, муҳими бу эмас, тўғрими?— деди.— Шу фикримга қўшилмасизларми?— Ҳамма бош ирғаб Секретарнинг гапини маъқулласа ҳам Муҳиддин Жабборович серрайиб тураверди.— Муҳими, янги нав кашф этилгани, ўртоқ-

лар! Мен сизларга республикамизнинг яқин келажагини, халқимизнинг фидокорона меҳнатини қисқача сўзлаб бердим. Энди сиз, олимларга ҳам талабларимиз катта. Бизга янги навлар керак. Вилт, ахир бир кунда ўзидан-ўзи пайдо бўлмади. Унинг шу даражага чиқишига сўзсиз объектив ва субъектив сабаблар ҳам бор, лекин бош айбдор — сиз селекционерлар. Буни очиқчасига тан олишимиз керак. Қимки, ўзидан бошқани кўрмай, фақат ўз ишига маҳлиёлик касалига йўлиқдимми, у агар ҳар қанча нодир талант эгаси бўлган тақдирда ҳам, бари бир ҳаётдан орқада қолади. Чунки ҳар даврнинг ўз қаҳрамонлари, ўз муаммолари бўлганидек, ҳамиша универсаллигича қоладиган таълимот ҳам йўқ. Пахтачиликда, селекциячиликда ҳам худди шундай, кўриб турибмизки, универсал навлар йўқ. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги изланишлар бир дақиқа ҳам тўхтатилмаслиги, бўшаштирилмаслиги керак. Фан ҳамиша олдинда юриши зарур. Акс ҳолда, мана шундай табиат офати қаршисида чорасиз бўлиб ўтираверамиз. Кўриб турибсизлар, вилтдан ҳозир деҳқоннинг тинкаси қуриган. Қанча меҳнат, қанча-қанча пешона тери зое кетяпти. Сизлар ишлаётган ва бошқараётган илм муассасасида эса, майда гапларга ҳам, майда ишларга ҳам мутлақо ўрин бўлмаслиги керак. Фанда майда-чуйдага ўралашиб қолиш катта хавф. Биздаги маълумотларга қараганда, ўртоқ Қосимов яратган янги нав вилтга чидамли, ҳосилдор, тезпишар. Шундайми? — Секретарь Расул Оллоёрович билан Муҳиддин Жабборовичга қаради. Расул Оллоёрович ўша заҳоти бошини лиқиллатиб, Секретарнинг фикрини маъқуллади. Муҳиддин Жабборович эса, қовоғи уйилиб:

— Бу янги нав эмас, шунга алоҳида таъкидламоқчиман, — деди ва Секретарга гинахон бир қараш қилиб, гапида давом этди: — Янги нав эмас! Нима учун? Шунинг учунки, ваҳоланки, чатиштириш пайтида оналик сифатида биз яратган навдан фойдаланилган. Яна... бу иш Чинозда ҳам синаб кўрилган... синаб кўрганмиз...

— Хўш-хўш?

— Демоқчиманки, бу осмондан тушган нав эмас, янги нав ҳам эмас. Бизнинг мавжуд, қирқ йилдан бери, сиз айтган республика пахтазорларида тўхтовсиз экилиб келаётган чигитимизнинг қисман ўзгартирилган нухаси, холос. Ваҳоланки, шундай экан, қандай қилиб у Қосимовнинг иши бўлади?! Ахир, фанда кооперация деган қонун бор.

Секретарь мийғида кулди-да:

— Биламиз, биламиз, доҳий Маркснинг фикрини келтирмоқчисиз, — деди. — Илгари ҳам айтган экансиз. Лекин унда сизга битта саволим бор, Муҳиддин Жабборович. Уша бир вақтларда сиз яратган, доврўғи оламга таралган... бунинг учун ҳозир ҳам сизга мингдан-миг раҳмат айтаммиз... ўша «Ф» навига оталик ва оналик сифатида қайси ғўзаларни ишлатгансиз? Нега унда сизга Ячевский билан Зайцевлар шерик бўлмаган? Сиз ҳам, ахир, уларнинг маданий навларидан фойдалангансиз-ку?

— Бу бошқа гап, — деди тўнғиллаб Муҳиддин Жабборович, бошқа тузукроқ жавоб тополмай.

— Ҳаммадан кутсак ҳам, — Секретарь яна ўрнига бориб ўтирди, — сиздан кутмагандик, Муҳиддин Жабборович! Сиздан кутмагандик! Сиз қилаётган даъво Маркс айтган кооперация масаласига мутлақо ёпишмайди. Яхшиси, ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам чалғитманг... Сизнингча фикрланадиган бўлса, унда «ТУ», «ИЛ» конструкторлик бюрolariда ҳам минг-мигглаб одамлар ишлайди, демек, улар ҳам ўз номларини ёзишлари керак экан-да, ҳар бир самолётга?! Нима дейётганингизни чуқурроқ бир ўйлаб кўринг, Муҳиддин Жабборович. Вилтга чидамли нави бир соат олдин жорий этсангиз ҳам, сизга катта раҳмат деймиз ҳозир. Сизлар бўлсангиз, йўқ авторликни даъво қилиб, битган ишни

ҳам тўсиб ётибсизлар!— Секретарь тагин ўрнидан турди, паркет полни қисирлатиб бир-икки қадам босди-да, шахт билан тўхтаб, энди анча зардали гапира бошлади.— Керак бўлса, бизда ҳамма маълумотлар бор, ўрганиб чиқдик... Бу иш янги бошланган пайтда сиз ҳам, сиз ҳам!— У шундай деб аввал Муҳиддин Жабборовичга, кейин Расул Оллоёровичга қўл силтади,— ўртоқ Қосимовга тўғаноқ бўлгансизлар. Ёш олимни қизиқтириш, унга далда, кўмак бериш ўрнига «бундан ҳеч нарса чиқмайди» деб юрагидаги орзусини ўлдиргансизлар. Энди соавтор эмишсизлар! Йўқ, бизда бировнинг ҳақини биров юлиб кетолмайди! Биз бунга йўл қўймаймиз!.. Сизларга обкомнинг сўзи ўтмаса, Марказий Комитет бўлимига қулоқ солмасанглари! Бу нима деган гап?! Бурунги хизматлар — бурунги! Аввало унга ҳамisha муносиб бўлиш керак. Олга юришга халақит берган одамни аввалги хизматлари ҳеч қачон сақлаб қололмаган. Коммунистнинг бирдан-бир имтиёзи — ҳалол меҳнат. Буни унутган одамни ҳаётнинг ўзи четга итқитиб ташлайди!

Секретарь полни ғарч-ғурч босиб, яна жойига бориб ўтирди. Муҳиддин Жабборовичнинг юзи ҳамон серрайганча қотган, Расул Оллоёрович эса, ерга қараб олган эди.

— Сизлардан илтимос,— деди Секретарь кутилмаганда юмшаб.— Бориб, яхшилаб ўйлаб кўринглари, агар сизлардан камчилик ўтган бўлса, ҳечқиси йўқ — бўйинга олсанглари, қайтага обрўйингиз камаймайди, ошади. Ҳақиқат, бари бир, эртами-кечми, қарор топади! Мана, сизлар кадрига етмаган ишни биз Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига тавсия этишни буюргандик. Улар олинган натижаларга жуда ҳам қизиқиб қарашяпти. Бир ойдан бери қўшимча материал тўплаяпмиз. Буни кўп мутахассислар СССР Давлат мукофотига лойиқ иш деб баҳолашяпти. Шуларнинг бари сизлар сарсон қилиб юрган ёшгина бир йигитнинг иши!..

Секретарь бир оз тин олиб, кейин «бошқа гаплар йўқми?» дея сўради. Ҳеч ким индамагач, «бўпти, сизларга жавоб» деди Муҳиддин Жабборович билан Расул Оллоёровичга ишора қилди. Муҳиддин Жабборович ўрнидан тураётди, ҳамон ўжарлигини қўймай:

— Мен бари бир ўз фикримда қоламан,— деди тўнғиллаб. Расул Оллоёрович ўрнидан турган жойида унга ўқрайиб қаради.

— Марҳамат,— деди Секретарь Муҳиддин Жабборовичга ҳам жиддий, ҳам босиқ назар ташлаб.— Биз ўз бурчимизни адо этдик, сизни ҳар қанақасига, бир неча бор огоҳлантирдик. Энди бу ёғи ўзингиз ишлаётган коллективингиздаги коммунистларга боғлиқ. Ҳа, ростдан, Расул Оллоёрович, нима учун партия ташкилотининг секретари йўқ?

— Ўртоқ Бобоқулов касал ётибдилар. Иссиқлари ўттиз тўққиз.

Секретарь «ҳа, тушунарли» деди. Машарипов ва Зокир Қўшмоқовни қўл имоси билан кабинетда қолдириб, олимларга рухсат берди. Улар чиқиб кетишгач, Секретарь:

— Кўриниб турибдики,— деди ўйчан бир қиёфада деразадан ташқарига қараб.— Гап қайтармайдиган «хўп-хўп»чи одамни партия ташкилотига секретарь қилган булар. Партиявий иш бўшашиб кетганини сезяпсизларми?— Машарипов ҳам, Зокир Қўшмоқов ҳам бу гапни ўзларига айтилаётган ўринли дашном деб қабул қилдилар. Секретарь худди буни сезгандай:— Пахта — бизнинг сиёсатимиз, ўртоқлар!— деди.— Шу боисдан пахта билан шуғулланувчи муассасаларнинг партия ташкилотчилари, биласизларми, қандай бўлишлари керак!.. Бу бизнинг камчилигимиз, дўстлар...

Охири Секретарь буларга ҳам жавоб бера туриб, яна ўйчан қиёфада, ҳойнаҳой, миясига боя келган фикрини давом эттирди:

— Одамни катта масалаларда билиш қийин, чунки у ўзини қандай тутишни ўрганиб олган. Одамнинг ҳақиқий башараси кўпроқ майда

масалаларда билинади... Институт партия ташкилоти фаолиятини яхшилаб ўрганиш керак. Баланд мартабалар ҳадеб уни пеш қилиш, янгилик йўлига тўғаноқ тушиш учун берилганмас. Уни халқ берган, керак бўлса — тортиб ҳам олади!..

28

Азизнинг яккалиги айниқса янги йил арафасида билиниб кетди. Буниси ҳам майлиди-ю, лекин кеча институтга Маҳамат чатоқ келиб, аizza-базза Азизни топиб, таъбини хира қилгани ўтиб тушди. Одатдагича Шорасул икковлари ўтиришган эди, кимдир эшикни очиб бошини суққандек бўлди-да, ёпиб қўйди, кейин яна эшик очилиб, Маҳамат чатоқ кириб келди. Устида ишга киядиган кулранг матодан тикилган эски халат-шими, оёғида жигарранг брезент этик. У шаҳарга тушганда бошқачароқ кийинарди, ҳозир шошиб турган шекилли, деҳқончасига эски-тускисини илиб келаверибди. Азиз «ие, Маҳамат ака, келинг, келинг» деб икки қўлини узатганча унга пешвоз турди. Аммо Маҳамат чатоқнинг шашти пастроқ эди. Азиз буни ўзича тушуниб: «Хў айтган гапларидан натижа чиқмаганга ўхшайди», дея ўйлади. Маҳамат чатоқ Шорасул билан ҳам кўришди. Азиз кўрсатган стулга омонатгина ўтириб:

— Ишлар қала-ай?— деди дабдурустдан Азизга қаттиқ тикилиб.

Азиз бу киноюмуз сўроқдан ўнғайсизланди, «тузук» деб қўяқолди. Маҳамат чатоқ ҳозиргина кирган бўлса ҳам, ўрнидан туриб Шорасул билан хайрлашди-да, Азизга юзланиб:

— Мумкин бўлса бир минутга ташқарига чиқсангиз,— деди унга расмий тарзда. Азиз ажабланганча унинг изидан эргашиб, институт ҳовлисига ўтди. Четроқдаги газета дўкони ёнига бориб тўхташди. Утган кетганлар Маҳамат чатоқни танимагани учун «ким экан бу?» деб унга қизиқсиниб қарар, Азиз эса кўзлари жовдираб, Маҳамат чатоқдаги тундликнинг сабабини билолмай ҳайрон эди.

— Мен сизни тилло йигит деб юрсам, ўзингизга етгунча экансиз!— Маҳамат чатоқ аччиқ кулимсиради.— Шунча иш қилиб, бир оғиз айтмайсизам!

— Нима деяпсиз, Маҳамат ака, ўлай агар, тушунмаяпман.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Нега келинни хафа қилдингиз?

Азиз «ия, шуми?» дегандай енгил бир хўрсинди-ю, энди оғиз жуфтлаган эди, Маҳамат чатоқ уни гапиртирмади.

— Сизга бу ёқдаги жанжаллар каммиди ўзи? Тушунмай қолдим, сизда ҳам айб кўпга ўхшайди. Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кўтарилишини биласизми? Хотин кишини хафа қилган одам номард одам! Эркак деганнинг сал оғирроғи тузук! У бечоралар уйда ўтиравериб қон бўп кетишади, сиз эса кунни билан кўча хандон юрасиз. Бир гапдан қолсангиз — осмон узилиб ерга тушмас!..

Азиз Маҳамат чатоқ танбеҳининг асл сабабини билар; у хаёлида бахтсиз қизи Муборнинг қисматини ўйлаб туриб, аёлларга бу қадар ачиниб қайғураётгани аниқ эди. Аммо юрагини зулукдек сўриб ётган аччиқ ҳақиқатни унга айтишга Азизнинг тили лол. «Қандай айтсин унга?! Нима, «хотиним бузук» дейдими? Қайси бет билан айтади?! Битта Маҳамат чатоқмас... ҳеч кимга... ҳатто қийин-қистовга олишганда ҳам оғиз очмайди! Ундан кўра ўлгани афзал! Ажралишган тақдирларида ҳам... бутун айбни ўзига олса-оладики, аммо бир хилларга ўхшаб бу шармандагарчиликни судда пеш қилмайди! Номус-ку бу, ахир?!»

Азиз шуларни ўйлаб изтироб чекаётгани учун Маҳамат чатоқ бирдан паст тушди. «Эҳтимол, бу бечорада айб йўқдир, бекорга унинг

дилини сиёҳ қилаётган бўлмай тагин» деган фикр миясига келди-ю, чурқ этмай қолди.

— Шунга овора бўп келдингизми, Маҳамат ака?..

Маҳамат чатоқ Азизнинг гамгин қиёфасига тикилганча, эр билан хотиннинг мақсад-интилишлари бир ёки бир-бирига яқин бўлиши дунёдаги энг нодир бахт эканлигини ўйлар эди. Кўпгина оилалар ўзларини ўтга-чўққа уриб, ораларидаги ўша дарзни йўқотишга уринсалар ҳам, бари бир, бундан натижа чиқмайди. Чунки уларда бир-бирига яқинлик, чинакам муҳаббат йўқ...

Маҳамат чатоқ энди Азизга ачиниб қарай бошлади. Кейин елкасига қўлини қўйиб:

— Эр-хотиннинг ўртасига эси кетган тушади, Азизжон,— деди.— Узларинг биласизлар. Мен сизни бир кўриб ўтай деб уйингизга киргандим, бундан бир ҳафта олдин. Борсам, йўқсиз. Келин бирам йиғлади, бирам йиғладики... юракларим эзилиб кетди. Нима бўлди ўзи сизларга?

Маҳамат чатоқ Азизнинг жавобини кутди. У индамай туриб-туриб, охири:

— Э, сиз бошингизни қотирадиган иш эмас, арзимади!— деди қўлини силтаб.

— Нега арзимас экан?! Мен ким бўпман жуда! Битта оиланинг тақдири, гулдай фарзандингизнинг тақдири — арзимайдиган гапми шу?! Бу турмуш деган қоққада нималар бўлмайди, ука! Эҳ-ҳе!..

Маҳамат чатоқ ҳар қанча суриштирса ҳам, бари бир, Азиз уйдан кетганининг сабабини айтмади. Шундан кейин у Азизга анча насихат қилди: «Кўйинг, ука, энди бола эмассиз. Мен сизни азбаройи ўғлимдек кўрганимдан гапиряпман, сизга қараганда анча кўйлакни ортиқ йиртганим учун гапиряпман. Мени десангиз, уйга қайтинг...» Кейин у Азизни синамоқ ниятида:

— Ё ўзим обориб қўяйми?— деди-да, Азизнинг жавобини кутди. Азиз ўша заҳоти бош қимирлатди:

— Йўқ, Маҳамат ака, шу пайтгача қачон мен сизнинг гапингизни қайтарувдим, лекин бу гал қайтараман, бари бир бўлмайди...

Маҳамат чатоқ елкасини қисди. Орадаги ўнғайсизликни кўтариш мақсадида ишларини суриштирди. Азиз энди анча чиройи очилиб, кандидатлигининг биринчи нухасини битиргани, ҳозир баъзи жойларини кўраётгани, янги йилдан сўнг, нима дейишса-дейишсин, домлаларига бермоқчилигини айтди. Маҳамат чатоқ хийла енгил тортгандай бўлди. Аммо Марказий Комитет Секретари ҳузурига кириб, Азизнинг иши билан атайлаб учрашиб чиққанини эса айтмади...

Шу билан Маҳамат чатоқ хайрлашиб жўнади-ю, ола-тасир одамлиги учун кейинги кунларда Азиздан ранжиб юрганини шу ернинг ўзидаёқ унутди. Лекин Азизга эса туриб-туриб алам қила бошлади. Айниқса, Маҳамат чатоқнинг «сиз ҳам ўзингизга еткунча экансиз... сизда ҳам айб кўпга ўхшайди... хотин кишини хафа қилган одам — номард одам» деган гаплари қулоғи остидан ҳамон кетмас, худди миясини тўхтовсиз пармалаётгандек юраги сиқиларди. «Эҳ, бу одамзодни тушуниш қийин экан... «Йўқ, бу ёлгон! Аслида мана бундай» деб баралла айтолмайсан кўп нарсаларни... Ахир, инсонлигимни, йигитлигимни, номусим, ғуруримни шунчалар поймол этган аёл билан қандай қилиб яна бирга яшайман?! Сўққабош ўтганим яхши эмасми?!»

Азиз ўзини дадил тутишга ҳар қанча уринмасин, бари бир бу иш қўлидан келмасди. У оилавий ҳаёти остин-устун бўлганига ҳалиям туриб-туриб ишонмас, аммо айни замонда аччиқ ҳақиқатдан қочиб қаерга ҳам борарди?! У Салтанат билан жанжалларини эсларкан, назарида бутун умри фақат дилсиёҳлик билан ўтгандек туюлар, хотини туфайли бахтсиз бўлганини ўйлаб, бадтар ўзига-ўзи раҳми келар эди... Қанча-

лар иштиёқ билан киришган илмий ишига ҳам ҳозир қўйиб берса қўл ургиси йўқ. Ахир, кун кечагина ёзувчилар боғида ғайрати жўшиб ишлаб юрган кезлари дунёдаги энг бахтли одамларнинг бири — мана шу Азиз эди! Ўзида тоғни ҳам йиқиб ташлайдиган мислсиз қудрат сазарди!.. Орадан қанча вақт ўтди, ахир!.. Наҳотки, инсон тақдири шунчалар бесубут, беқарор бўлса?! Мана, энди Азизга ҳеч нарса татимайди! Ҳеч нарса!.. У бир жиҳатдан хотинига нисбатан беқиёс ғазаб ўтида ёнса, иккинчи томони, ундан биратўла кўнглини узиб ҳам кетолмайди; у раҳмдил, кўнгли бўш бир кимса бўлгани учун ҳам масалани бир хиллардек шарт-шурт ҳал қилиб ташлаёлмайди. У ҳамон Салтанатга нисбатан юрагида кучли бир боғлиқлик сездди, шундан ҳеч нарса ёқмайди. Шундан юраги ўзидан-ўзи зирқираб оғрийди... Шундан бўлса керак, сабзавотдан келганининг эртасигамиди... Якшанба кун шаҳар айланиб юрди-юрди-да, беихтиёр, ўзи ҳам билмай Бешёғочга, Комсомол кўлига қараб кетди. Истироҳат боғининг кунгираддор пештоқли баланд дарвозасидан кираётгандаёқ юраги орқасига тортди. Ўша боғ, ўша қўл. Бундан ўн йил бурун қандай бўлса, шундай турибди. Азизнинг назарида фақат сал кичрайиб қолгандек. У дарвозадан кириб, ўнг томондаги йўлқадан кета бошлади. Ҳамма ёқ шип-шийдан, очиқ йўлқалар тўла хазон. Деярли одам кўринмайди, унда-бунда хизматчилар хазон супуриб юришибди. Иккита йўлка кесишган жойда, бурчакка, катта акация дарахти тагига қўйилган скамейкага бирдан Азизнинг кўзи тушди-ю, юраги орзиқиб кетди. «Наҳотки, ўша скамейка бўлса?» деди ва бориб ушлаб, пайпаслаб кўрди. Ҳа, ўшанга ўхшайди... У йигитлик чоғини эслаб, бадтар хомушланди. У пайтлар баҳор фасли эди. Азиз Салтанатни кинога таклиф қилиб, кейин шу кўлда кечгача қайқда сузишган, мана шу акация панасида Азиз биричи бор Салтанатдан ўпич олган эди. Мана шу дарахт, шу йўлка, шу соҳил уларнинг илк муҳаббатига биринчи гувоҳ бўлган эди... Мана энди ҳаммаси ўша-ўша: ўз ўрнида қотиб турибди, гўё орада ҳеч нарса юз бермагандай... Эҳтирос-у, куйинишлар, бахтдан энтиқишлар, рашк ўтида ёнишлар... гўё шуларнинг биронтаси ҳам бўлмаган...

Азиз атрофига разм соларкан, боғнинг аллақандай тантанавор, совуқ хўмрайишдан этлари жунжикиб кетгандай сездди ўзини. «Ҳаммаси унутиларкан. Ким билан кимнинг иши бор бу жаҳонда!.. Бари унутиларкан... У пайтлар баҳор мавсуми эди, ҳамма нарса жонланган, туғилиш, яралиш мавсуми эди... Мана, энди куз... Наҳотки, умримнинг якуни ҳам шундай бўлса?!»

Азиз скамейка тепасига энгашган симёғочга қаради. «Ўшанда неон лампочкалари ёниб турган эди...» Кейин у Салтанатнинг елкасидан қучиб, дарахтзор хиёбонни неча марталаб айланиб чиққанлари, ҳазиллашиб қулоғига нималарнидир шивирлаганлари, қўл четидида туришганда сувга кесак юмалаб тушиб, дарахтлар орасидан ёғилаётган нурда қўл сатҳи худди қора мойдек ялтираб лопиллаганидан болаларга ўхшаб энтикиб қувонганликларини эслади-ю; хотиралар аламига чидолмай, шарт орқасига бурилди-да, боғдан чиқиб кетди...

Неча кундан бери унинг на тузукроқ бир қувонаётгани, на тузукроқ бир хафа бўлаётганининг сабаби ҳам шундан... Ҳатто райкомдан партияга қабул қилиш учун битта анкета берилган экан, аввалги келишувга биноан уни Азиз Қосимовга тўлдиришни мўлжаллаганларида орага яна Муҳиддин Жабборович аралашиб: «У хотинини ташлаб кетган паст одам... Бундай эгоист партияга лойиқмас» деб, анкетани Шорасулга бердириб юборибди. Азиз шуни эшитганда ҳам унақа илгаригидай тутақиб юрмади, гўё бадани сезги қобилиятини йўқотгандай, қўл силкиди-қўйди; «кейинги омадсизликларимдан яна бири шудир-да» деди хафсаласи пир бўлиб.

Лекин ишдан кейин автобусда қишлоққа қайтаётганида, бу гап тағин эсига тушди-ю, қаттиқ ранжиди. Автобусдан ташқаридаги зим-зиё қоронғиликка, деразага шарт-шурт урилаётган изғирин аралаш ём-ғирга термилганча, енгил уст-боши ва пойабзалини ўйлаб бораркан, тўсатдан оғзида қандайдир бемаза таъм сезди-да, кўнгли айнаётганга ўхшади. Дарров сергакланиб, ўзига-ўзи қулоқ сола бошлади. Кейин ҳеч ери оғримагани ҳолда худди ўласи қилиб калтаклангандай аъзойибадани бирдан ҳолсизланди, ўтирган жойида бадтар ваҳимага тушиб, атрофидагиларга билдирмай чуқур-чуқур нафас ола бошлади... Чап кўкраги ачишиб-ачишиб турди-да, кейин айтиб бўлмас даражада қаттиқ санчди! У юрагини ушлаганча, оғриқнинг зўридан «вой» демоқчи эди, ҳатто шуниям айтолмади... Автобусдаги йўловчилар бирдан ҳай-ҳайлашиб, кимдир шоша-пиша оғзига ўткир таъмли тугмачадеккина дори солди, «тилингизга босиб шиминг» деди ва елкасидан ушлаб турди. Чиндан ҳам Азиз салда ўзига келди; юрагидаги санчиқ пасайиб-пасайиб, охири тинди. Тепасидаги — дори берган жуссадор, сочлари оппоқ рус кампир синовчан нигоҳ билан унга кулиб қаради-ю, «бўш келманг, ўғлим» дегандай бош ирғаб қўйди.

— Ўғлим, илгари ҳам шундай бўлгансизми ёки биринчи марта-ми? — деб синчиклади.

— Биринчи марта, — деди Азиз кампирга миннатдор боқиб; бир пайтлари «резерпин» ичиб юрганларини эса айтгиси келмади.

— Унда, албатта, докторга учранг. Иложи бўлса — бугун, бўлмаса эртадан қолдирманг, менга ишонаверинг... Ёш экансиз, кучингизга алданманг, албатта, кўрсатинг ўзингизни, — деди ва Азизнинг елкасига қоқиб, жойига бориб ўтирди. Азиз қишлоғига етиб келиб, секин олдинги эшикка қараб юганда ҳам бояги кампир унинг қўлини қисиб, «маҳкам бўлинг» дегандай самимий жилмайиб қўйди. Азизнинг дили ёришиб кетди ва то уйига етгунча ҳам ўша меҳрибон кампирни ўйлаб борди ва туфлисининг юқалигини ҳам, шитоб билан ёғаётган изғиринли ём-ғирни ҳам унча сезмади...



Эртага янги йил... Институтда ҳамма байрам кайфиятида у ёқдан-бу ёққа чошиб, касаба союз уюштирган ҳар хил танқис нарсалардан олар, дўст-ёрлар бир-бирлари билан келишиб, янги йилни бирга кутишга аҳдлашардилар... Буларни кўрган сари Азиз ичидан зил кетарди. У ҳам кўп бўлмаса-да, бир оз майда-чуйдалардан харид қилди. «Нариги маҳалладаги куёвимникида кутарман» деган қарорга келди...

Бу орада Салтанат институтга бир-икки кўнғироқ қилиб Азизни сўради. Азиз кимлигини билмай трубкани олган заҳоти, у, гап йўқ, сўз йўқ — хўн-хўнғ йиғлайверди. Азиз эса, ҳар гал трубкани шақирлатиб илиб қўяверди...

Кеч кириб қолганда Расул Оллоёрович институт мажлислар залига барча ходимларни йиғдириб, кириб келаётган янги йил билан қизгин табриклади: оила аъзоларига, ўзларига снҳат-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тилади ва гапининг схирида: «Агар зарур ишларингиз бўлмаса — майли, бораверинглар» деб ҳаммага бир соат олдин жавоб бериб юборди.

Азиз ҳам энди Шорасул билан хайрлашиб, жўнашга ҳозирланиб турган пайтида директор котибаси келиб уни чақириб кетди. Азиз энди Расул Оллоёрович кабинетига шошмай, ҳаяжонланмай борди. Чунки сўнгги вақтлардаги воқеалардан эти ўлиб кетгандай эди. Кабинет эшигини очиб кирганда Расул Оллоёрович бурчакдаги одам бўйи сейфини кавлаб, нимадир қидираётган эди. Азизни ўтиришга таклиф қилиб:

— Сиздан қутуламизми ёки йўқми?!— деди дабдурустан унга кўзларини лўқ қилиб.— Айтинг-чи, ука, сиздан ҳам тинчиймизми-йўқми?! Қон бўп кетдик-ку, ахир! Кўчага чиқиб дод дейишимиз қолди фақат!

— Яна нима қипман?

— Уқинг!— Расул Оллоёрович Азизнинг олдига машинкада ёзилган уч-тўрт варақли қоғозни отиб юборди; устида конверти ҳам бор. Азиз биринчи бетнинг тепароғидаги оппоқ жойига босилган йирик-йирик ҳарфли «Контроль» деган муҳрга кўзи тушди. У энди ўқишга бошлаганида Расул Оллоёрович яна заҳрини сочиб:

— Бу ёққа беринг! Янги йилга совғангиз шу бўлди сизнинг! Кейин ҳал қиламиз!— деди-да, Азизнинг олдидаги қоғозни энгашиб олиб, яна сейфига солиб қўйди. Азиз Расул Оллоёровичнинг қилиғига тушунмай:

— Менинг айбим нима, ахир? Айтинг-да, нуқул учини чиқарасиз-у, нималигини айтмайсиз!— деди хуноби ошиб.

— Айтайми?! ЦҚнинг Секретаригача ёмон отлиқ қилдингиз! Обкомга сўроқ бердик! Энди, Москвага берамиз, ука! Шундай институтни қаро ерга тиқдингиз-ку?! Инсоф борми ўзи? Мановинда ёзишибди... сизни плагиат, кўпчилик қилган ишга бир ўзи эга чиқяпти, деб ёзишибди. Сизни мукофотга қўйишганига мутлақо қарши бўлиб ёзишибди. Мукофот тугул, унга жазо бериш керак, деб ёзишибди, билдингизми?!—

— Қандай мукофот? Тушунмаяпман?

Расул Оллоёрович иккала қўли билан баҳайбат столнинг қиррасига тиралиб, заҳарханда кулди:

— Э, ҳали билмайман денг! Сиз-а, сиз билмайсизми?! Ернинг тагида илон қимирласа биларсиз! Гап бундай, дўстим! Сиздан тилим қисик жойим йўқ! Мен сиздан ҳеч нарса даъво қилаётганим ҳам йўқ. Даъвогарлар бошқа! Мени тинч қўйинг! Институтни тинч қўйинг! Илтимос, ука, илтимос!

— Ахир, айбим нима, Расул Оллоёрович?! Мен ёзмаганман-ку бу ифлос хатни?!

— Сиз ёзмагансиз, сиз туфайли бўляпти шу гапларнинг бари! Кечирасиз-у, ука, омадсизлигингиз ҳам бежиздан эмас! Сиз ҳеч ерда тинч ишлаёлмайсиз, чунки сизда ихлос йўқ! Мана шу еримга етди! Боринг, жўнанг! Янги йилимни ҳам харом қилдингиз! Жўнанг!

Азиз томоғига аччиқ ёши тиқилиб индамай чиқиб кетди-ю, хонасига кирар-кирмас юраги кечагидан ҳам бадтар санчди. Ҳушини йўқотаётгандай кўз олди бирдан қорайиб кетди. Зўрға бориб столига ўтирганини билади-ю...



...Кўзини очганда аллақандай ёруғ, тепага ҳар хил резина симлар, ялтироқ шишали асбоб-ускуналар осилган орастагина хонада ётганини кўрди. Аввалига шуларнинг бари хира бир шарпага ўхшаб турди, кейин секин-секин ёришиб, ҳамма нарсани аниқ ажрата бошлагандан сўнг... бирдан Азизнинг кўзлари чақчайиб кетди. У шундоқ тепасига энгашган башарага кўзи тушганда аввалига «тушимми» деб ўйлади. Аммо кўз гавҳарлари ёришиб, аниқ илғай бошлагач, тепасида Салтанатнинг «хайрият, хайрият» деганча юм-юм йиғлаб турганини кўрди-ю, ундан жирканиб юзини бурмоқчи бўлди, яна кўз ўнги қорайиб, ҳамма нарса хира тортиб кетди. Шунда: «Марҳамат, сиз чиқинг, бемор безовта бўлди» деган гап худди олис-олислардан эшитилгандай қулоғига зўрға чалинди... Орадан қанча ўтганидан хабари йўқ, яна кўзлари аста-секин ёриша бошлади. Энди боши узра оқ халатли нотанишч бир аёл энгашган, унинг думалоқ юзи анча вақтгача худди бузиб кўрсатадиган кўзгу акси-

га ўхшаб турди-ю... кейин Азизнинг нигоҳи бутунлай ёришиб, тепасида диққат билан унга тикилаётган шифокор аёлни кўрди.

— Яхшимисиз?— деди аёл унга тилла тишларини кўрсатиб кулиб қараб.

Азиз ютинди... аммо шунгаям қуввати етмагандай ҳолсизланди. Шу пайт аёлнинг ёнига оқ халатли бошқа эркак ва аёллар ҳам келишди-да, Азизнинг юзига тикилиб, ўзларича нималарнидир пичирлаб гаплашишди. Азиз бирдан Расул Оллоёрович билан бўлган охириги суҳбатни эслади... Хонага қайтиб кирганда Шорасул бормиди, йўқмиди — эслолмади... Кейин ҳозиргина кўргани Салтанат хаёлига келди. «Чиндан уни кўрдимми ёки тушимиди?.. Йўқ, у аниқ кўринди. Биров чиқариб юборди уни...» Азиз Расул Оллоёрович кабинетидан чиқиб, ўз хоналарига кираётганида кўкраги қаттиқ санчганини эслади... Кўз олди бирдан қорайиб кетди... «Бу ер қаер ўзи? Қачон олиб келишди?..»

Халатли аёл яна Азизнинг юзига энгашиб:

— Сиздан илтимос, ўртоқ Қосимов, иложи борича кам ҳаракат қилинг,— деди оналарга хос меҳрибон товуш билан.— Кризисдан эсонмон ўтиб олдингиз. Фақат кам қимирланг, ёмон нарсаларни ўйламанг.

«Ана, холос! «Ўйламанг» деган билан кошки шундай қилиб бўлса! Қайтага ўйламайман деса одам кўпроқ ўйлайди!..» Азизнинг миясига тўсатдан онасининг ўлими келиб урилди. Тилсиз ётиб, видолашмай дунёдан кўз юмганини эслади-ю, юраги эзилиб, изтироб зўридан киприклари намланди. Яна кўз олди хиралашиб, кўнгли озаётганга ўхшади...

□

Азизни сал кам уч ҳафтадан кейин ренемация хонасидан оддий палатага ўтказишгач, кўргани келганларни ҳар куни бир-иккитадан унинг ёнига қўябошлашди. Азиз энди анча тетик, гарчи ҳар замонда юраги оғриб-оғриб қўйса ҳам, ҳар қалай палатада бемалол юрар, ҳожатга ўзи борар, гоҳо-гоҳо соатлаб палатадошлари билан ҳангомала-



Расмларни А. Холиқов чизган.

шиб ўтирарди. У кўпинча дераза тагидаги каравотда чалқанча тушиб, тоза артилган ойнадан рутубатли, тунд осмонга тикилиб ётар, ҳамма тирқишлар пахта билан маҳкам беркитилгани ва шундоқ бошида иссиқлигидан қўл теккизиб бўлмайдиган узун батарея борлиги учун ташқарининг совуқлигини ҳам сезишмасди. Азиз сал кам бир ойча ўрнидан бери жилмагани учун институтни ўйласа, ичи қизирди. Икки марта даси билан синглиси хабар олиб кетишди, институтдан эса ҳозирча ҳеч ким йўқ...

Шундай кунларнинг бирида уни кўргани Маҳамат чатоқ келди. У пастдаги навбатчидан олган халатини елкасига қийшиқ илиб, бир этаги ерга тегай-тегай деб палатага кирди-ю, Азизни кўриши билан йўрғалаганча бориб, ўрнидан туришига ҳам қўймай, шундоқ унинг каравоти ёнидаги стулга ўтирди. Қорайиб кетган юзларида аянч ва шафқат туйғулари акс этиб, Азизга худди айбдордек жилмайиб боқди.

— Қалай, тузукмисиз? Ҳаммасини эшитдим, Азизжон. Фалокатингиз арибди, арибди!— деди Азизнинг билагига кафтини қўйиб.

— Раҳмат, Маҳамат ака! Шу ерниям топиб кепсиз-а?— Азиз ҳазиллашди.

— Бекорга «чатоқ» дейишганми бизни?! Тирикмизми, қимирлай-верамиз.

Кейин зўрға кўтариб келган сумкасини очиб, анор дейсизми, олма, узум дейсизми, ҳатто Иқлимхон ая иссиқ жиззали нонгача солган экан, Азиз «йўқ-чи, йўқ» дейишига қарамай, тумбочкасининг устини тўлдириб ташлади. То навбатчи врач келиб, «беморни кўп уринтирманг» демагунча ўрнидан жилмади. Қасалига зиён тегмасин деб, Азиз сўраса ҳам атайлаб чалғитиб, олди-қочди гаплардан сўзлаб бериб ўтирди. Охири Азиз билан хайрлашиб қишлоққа жўнади.

Аммо орадан икки кун ўтиб, оғзи қулоғида яна кириб келди. Қўлида қандайдир буклоғлиқ газета, кўкрагига қаҳрамонлик юлдузини тақиб олган, халат кийишни ҳам унутиб, ҳадеб газетани Азизга қаратиб силкиятти.

— Мана, кўринг! Кўринг, ука! Айтмовдимми, ҳақиқат ўлмайди, деб! Мана, сизга ҳақиқат!— Маҳамат чатоқ ҳатто Азиз билан кўришишни ҳам унутиб, газетани йиртиб юборар даражада у ёқ-бу ёгини очиб, керакли саҳифасини қидира бошлади. Охири топиб, сиёҳ билан таги чизиб қўйилган жойини кўрсатди. Азиз ўқиб, дастлаб кўзларига ишонмади. Фан соҳасидаги СССР Давлат мукофоти тавсия этилган ўтган йилги ишлар орасида ўз фамилиясини ҳам кўрди: «Вилта чидамли янги «Тошкент» пахта навининг муаллифи Азиз Қосимов...» Шоша-пиша газетанинг биринчи бетини ағдариб қаради: «Правда!» Юраги дукуллаб ура бошлади, сал ачишиб ҳам кетди. Гурс-гурс ураётганини ҳатто Маҳамат чатоқ ҳам эшитгандай бўлди.

— Ҳақиқат бор, ука!— дея такрорлади Маҳамат чатоқ ҳамон ҳаяжонини босолмай.— Ҳақиқат йўқ деганлар ношуд, бетамиз одамлар! Ҳақиқат, бор! Бор!..

Азиз бу янгиликдан довдираб қолди, ҳолсизланиб аста каравотига чўзилди. Кўкрагидан Олтин Юлдуз порлаётган Маҳамат Турдибоев эса, гўё бу гапларнинг бари Азизга эмас, ўзига тааллуқлидай босар-гусарини билмасди..

Кетишидан олдин бирдан Салтанатдан гап очиб қолди. «Уч кечакундуз хушсиз ётганингизда кунингизга шу ёмон хотинингиз ярабди-ку? Тепангиздан бир қадам ҳам жилмабди, бечора. Ана, ҳамма дўхтирлар айтяпти», деди Азизга дашном бергандай. Палатадагилар зерикиб даҳлизга чиқиб кетишган, шундоқ остона тагидаги бемор эса, орқасини ўтирганча пишиллаб ухлаб ётарди. Шунинг учун Маҳамат чатоқ Азизга бемалол гапирарди:

— Худо кўрсатмасин, муолажаси эм бўлмай, ўлиб-нетиб кетганингизда-я?! Туф-е, туф-е, нафасимни ел учирсин. Ҳаммаси қоларди-кетарди! Ҳаммаси! Орадаги шунча майда гаплар ҳам, сиз яратган ва ҳозирнинг ўзида республикага овозаси кетган манови катта ишингиз ҳам, ҳаммаси қоларди-кетарди! Ақлли одам ўзини аяши керак! Соғлигингиз, ука, олдингиздаги мингта қўйингиз, уни йўқотгандагина билангиз. Худо кўрсатмасин, орқангиздан тезда куладиганлар ҳам топила қолади. Бу дунёда ўлимни унутиб, душманларга алам қилдириб яшаш, даврон суриш керак! Улиш қочмайди, истамасангиз ҳам бир кун келадиги ўзи. Шундай экан, яхшилик билан битган ғамни ғам деманг-да, бу ёғига энди бардам бўлинг. Азоб кўрмай — роҳат йўқ ўзи. Дарахт яшнаб тургани учун соясида одам аримайди, қуригандан кейин унга зор ҳам қўнмайди... Мабодо келин келса, хафа қилиб қўйманг. Хотин бўлса шунчалик бўлар, бошқаларники ҳам осмондан тушган фариштамасдир?!

Маҳамат чатоқ кетгандан кейин ҳам Азиз анчагача ҳаяжонини бо солмади. Қайта-қайта газетани очиб кўрар, кўзларига ишонмасди.

Охири газетани тумбочка устига қўйди-да, шифтга қараб ётганча, ўй сура кетди. «Одам кўпинча бахтли яшайди-ю... ўзи буни сезмайди. Аммо, тан олиш керак, бахтнинг тикани кўп... Уни бутун умр кўриқлаш керак...»

Азиз босиб ўтган озми-кўпми ҳаёт йўли, яшаган, ишлаган муҳити, қувонч ва изтироблари, ўз ҳақиқатини исботлайман деб сал бўлмаса ўлиб кетай деганлари... Шуларнинг барини бир-бир ўйларкан, гўё ҳадсиз гирдоб, ўпқон ичига тушиб чиққандай сездигани. «Ҳақиқатан оламнинг қайси пуштига қарама: гирдоб!»

У зерикканидан боягина қўшнисидан сўраб олган «Фан ва турмуш» журналининг эски бир сонини варақлай бошлади ва яна «Галактика нима?» деган мақолага тикилиб қолди. «Мана шу чексизлик — галактика, яъни сомон йўли ҳам юлдузлараро чанг, газ, атом ва фазовий зарралар гирдобидан иборат экан. Эҳ, оламдаги жамики нарса-ҳодисаларнинг каттасидан тортиб, энг майда заррасигача, суриштириб келганда, моҳияти бир... Гирдоб, гирдоб, гирдоб!»

Азиз ўз хаёллари таъсирида қандайдир бир суқротона қиёфага киргандай бўлди-ю, «Яшасин гирдоб! Яшасин кураш!» дея пичирлади. «Яхшиям Муҳиддин Жабборовичлар бор бу дунёда! Улар ҳамиша одамни курашга чақиради, асабингизни бузади, қонингизни қайнатади, гиж-гижлайди... Беаёв кураш, гирдоб жараёнида худди қимматбаҳо маъданлар чўкиб тингани сингари ҳақиқат, адолат туғила боради...»

Азизнинг бу юксак, файласуфона фикрларини ҳамшира қизнинг тўсатдан:


— Қосимов! Сизни кўргани хотинингиз келяпти,— деган овози бўлиб юборди.

Азиз ранги қув ўчиб, ўрнидан турди. Қандай қарорда тўхташга улгуролмади; эшик тирқишидан Салтанат ва Беҳзодни етаклаб олган қайнотасини кўрди...

Тамом.

1975—1978 йиллар. Тошкент.





Нормурод Нарзуллаев

Шукуҳ

«Оқ олтин»ни олтин қўллар
яратади»

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Олтин қўллар

Оппоқ тонг отмоқда
Чеҳраси гулгун;
Қуёш бўй кўрсатиб
Саломин йўллар...
Оламга улашар
Камалак рангин —
Олтин қўллар,
Олтин қўллар!

Олтин чаноқлардан
Оққан табассум
Қалбларга кўчару
Яйрар кўнғиллар.
Сиз билан азиздир
Бу сўлим мавсум —
Олтин қўллар,
Олтин қўллар!

Ишқин бериб ерга,
Заминни қучар;
Қушнинг қанотидай
Қайрилар йиллар.
Пахта деб ҳаловат,

Оромдан кечар —
Олтин қўллар,
Олтин қўллар!

Меҳнатдан келади
Шараф ва обрў,
Пойига тўшалур
Анвойи гуллар.
Не-не тўфонларга
Келар рўбарў —
Олтин қўллар,
Олтин қўллар!

Ҳам устоз, ҳам шогирд
Бири-бирига,
Юраги қуёшдай
Ёнар, ловулар.
Бахт тилар бор дунё
Одамларига —
Олтин қўллар,
Олтин қўллар!

ШЕЪРЛАР

Ўзбек пахтакори
 Карвон сарбони,
 Мисқоллаб йиғилур
 Миллион-миллионлар.
 Ватани — шарафи,
 Пахта — армони...
 Олтин қўллар,
 Олтин қўллар!

Истиқбол — қўлларда,
 Пахтангиз — байроқ!
 Ёрқин манзилларга
 Партия йўллар!
 Қуёшдек абадий
 Бахтингиз порлоқ —
 Олтин қўллар,
 Олтин қўллар!

Кўзингизга ишонинг, дўстлар!

Туйғуларим асло алдамас,
 У қалбимнинг ёрқин ҳислари.
 Туйғуларим зинҳор адашмас,
 Кўзларимда — ўчмас излари.

Кўзлар кўзга интизор, муштоқ,
 Бир боқишда англар кимлигинг.
 Одам меҳри кўзида ҳар чоқ,
 Меҳр билан ўлчар бойлигинг.

Кўзлар кўзга нозик таржимон,
 Яхши билар ошиқ юраклар;
 Охир тугар ишқдаги ҳижрон,
 Ушалгайдир эзгу тилаклар.

Айб демангиз, этмангиз гумон,
 Кўзингизга ишонинг, дўстлар!
 Қорачиқда пинҳон — кенг жаҳон,
 Ишқ бобида ўйнашмас кўзлар!

Гавҳарида авайлар меҳрин,
 Беҳудага шароб ичирмас.
 Алдаганга аямас қаҳрин,
 Бир умрга кўзлар кечирмас!

Ениб яшар муҳаббат — оташ,
 Нигоҳларда сўзлайди кўзлар.
 Кўзингизда порлайди қуёш,
 Келажакни кўзлайди кўзлар.

Остона

Остонадан бошланар уй ҳам,
 Шу боисдан улур остона.
 Қирадиган уйингни, ошнам,
 Тепиб кирма, қутлуғ остона!

У ёғида катта ҳаёт бор,
 У ҳаётга соқчидир юрак.
 У ҳаётга ишонч, умид ёр,
 Ишқли умр ҳукмрон демак!

Соф туйғудан туғилар иқбол,
 Тақдирларни боғлар остона.
 Пойқадамлар бўлсин пок, ҳалол,
 Нопокликдан йиғлар остона.

Бўсағада турма кўп, аммо
 Узинг чиқар одил бир ажрим.
 Сени кутар сирли бир дунё,
 Остонада қолма, эй, қалбим!

Ёндирманг япроқларни...

Ҳукмин ўтказди куз ҳам,
 Учар ҳавода мезон.
 Чекинди яшил олам,
 Ерда қоврилар хазон.

Заъфарондир япроқлар,
 Дов-дарахтлар учуда.
 Берар жумбоқ сўроқлар
 Яшамоқ илинжида.

Ҳаддан ошди шаҳарда
 Фаррошларнинг ташвиши.
 Бзовталиқ — саҳардан,
 Тугамас шомда иши.

Япроқлар хирмон-хирмон,
 Тўзгитар шамол — дайди.
 Гугурт чақса ногаҳон,
 Тутун бурқсиб тутайди.

Ёндирманг япроқларни,
Тегманг, хазон ғашига!
Бас, бўлгани сарсари,
Қолманг сиз қарғишига

Ва бўлинг ундан огоҳ,
Озор берманг япроққа.

Келинг, қазиб катта чоҳ,
Топширайлик тупроққа.

Бағрига олар тупроқ,
Мамнун кузатар қуёш.
Қолмас жумбоқли сўроқ,
Супургингни ол, фаррош!

Ёндирманг, япроқларни...

Юрагимга деганим

О, юрагим, содиқ сирдошим,
Кўпдир сенга айтар арзларим.
Орзуларим — йўлда қуёшим,
Қуёшимдан кўпдир қарзларим.

Туйғуларим алдамас асло,
Меҳрим оққан ўтли ҳисларим.
Туйғуларим адашмас, аммо
Уфқларда кулар кўзларим.

Тугёнли бўл, гур-гур олов бўл,
Вужудингда оташ сўнмасин!
Нурдай чақна, ёғду бўлиб кул,
Гулгун умринг гулдай сўлмасин!

Ҳисларингга йўламасин муз,
Совуқликка мутлоқ йўқ ҳушим.
Яхшилик-ла яша юзма-юз,
Ёмонликни енгил курашиб!

Ҳақиқатга мангу содиқ қол,
Разилликдан айлагин ҳазар.
Сохта бўлма, яшагил ҳалол
Ва камтарлик умрингни безар!

Севги бўлиб ёнгил қалбимда,
Ҳеч сўнмасин ишқ-у, ҳарорат!
Қулгу бўлиб қўнгил лабимга,
Табассумга тўлсин бу ҳаёт!

Сен — ҳаётим, сенсан — саодат,
Номусимсан — тоза виждоним!
Парвоз этсам, севгим — қўшқанот,
Татирмиди сенсиз ош-ноним?!

Ягонасан танда ёлғизим,
Ёлғизликка ўт оч, юрагим!
Ишқим сўнгсиз, сўнмас юлдузим,
Ишқим бўлиб нур соч, юрагим!

Не буюрсанг бажо этаман
Ва барига қиламан тоқат!
Лоқайд бўлма, бўлма беватан,
Қалбим, мени тарк этма фақат!

О, юрагим, содиқ йўлдошим...

Меъёр

Ҳар нарсанинг бўлсин меъёри,
Меъёрида ҳар нарса шакар.
Меъёр билан — инсоннинг умри,
Бузилса у, қўшилар заҳар...

Ҳар нарсанинг чегараси бор,
Дўстим, бир дам танингга ўйла.
Бузилмасин ҳеч қачон меъёр,
Меъёрингни унутиб қўйма!..

Йўловчиларим

Йўллар бекатлардан иборат асли,
Бекатсиз бўлмагай йўлнинг йироғи.
Дилимни маст этар мудом гулиси,
Мудом ёниб турар кўнгил чироғи.

Йўл борки, йўловчи бекатда тўхтар,
Манзилга етгунча ростлар нафасин.
Тақдир китобига ҳақ сўзин битар,
Тарих хотирлайди буюк мирзосин.

Шеърларим — йўлларда
йўловчиларим,

Бедармон қолмангиз бекатда мудраб.
Ҳеч қачон бўлмангиз чала жон, ярим,
Ҳеч кимса бормасин манзилга судраб,
Шеърларим — йўлларда
йўловчиларим...





Раим Фарҳодий

Самарқанд Булуклари

Чуст гилами

Мана у —
Чуст гилами!
Санъат дегани шу-да:
Ҳаётнинг бир бўлаги
Жилоланмиш осуда.
Йўл-йўл кетган
Уч хил ранг,
Асилдан ҳам асил ранг.
Унда аёндир
Қаранг:
Водий. Дала. Фасллар.
Бу —
Узум тўла ишком,
Ҳамда шифобахш анор.
Шаршара. Шабада. Шом,
Бедалар бўйи бисёр.
Бисёр жала шиддати,
Саратон жимири ҳам.
Лоларанг,

Кўк,
Пистоқи —
Рангларки, нафис кўркам!
Қўлда тўқилмиш.
Гилам,
Унда аён тонг акси..
Гўё жумла жаҳонга
Бахш этиб чирой бу дам
Дехқон келур шахт,
Бардам.
Йўл-йўл кетган
Уч хил ранг
Деворда ёнар ял-ял.
Унда аёндир
Қаранг:
Водий. Ёз ва дала..
Сурурман мен бу паллада
Фарғона ҳақда хаёл!

Дала

Ҳамид Фуломга

Далаларда йўқ эрур сарҳад,
Чек-чегара билмас кенгликлар.
Одамлар-чи,
Уйғониб барвақт
Далаларга
Аста эгилар...

Гоҳ — пахтадир оппоқ кенгликлар,
Гоҳ — буғдой-у, жавдар тўлқини.
Айланмоққа
Кун камлик қилар,
Фақат кезган
Ҳис этар буни.

Уз вақтида:
 Шудгорлаш, экиш,
 Ягана-ю,
 Қайта суғориш —
 Қурғоқчилик балосин енгиш
 Ва ҳосилни вақтида йиғиш...

Барчасига улгурар деҳқон,
 Деҳқонларга
 Таъзим,
 Шараф-шон!

Қуёш кулиб боқаркан,
 Улар
 Тағин иш-ла бўлишади банд.
 Меҳнат бағрин тутиб деҳқонлар,

Хирмонларни юксалтар баланд.
 Деҳқон тинмас,
 Ҳамиша — ғолиб,
 Ва меҳнат-ла
 Топар у камол.
 Биринчи қор нафасин олиб,
 Даласига дейди: «Ором ол!..»



Хуш кўраман саҳарда айланмоқни бозорни,
 Олди-берди савдосига тушмай унинг йўқ-бори.

Бунда ҳали эзғиланиб ташланмаган, хушрўйдир
 Меваларнинг ҳиди ширин, кўкатларки, хушбўйдир.

Ҳил-ҳил бўлиб турар анжир, анор юзи-лоларанг,
 Сотувчилар чопмас ҳали: «Ҳой опувси!
 Баққаранг!..»

Ҳали бунда қўлдан-қўлга ўтмаган пул, тангалар,
 Лекин бунда кўкатларда акс этар боғ, далалар.

Мева-чева, кўкатларда жимирлайди шудринглар,
 Пештахталар узра ҳали тарозулар жим, мудрар...

Самарқанд булоқлари


Тонгинг отган қай бир замонда?..
 Не замонлар умрингга сарҳад?..
 Қарор топдинг қай вақт заминда,
 Нечададир ёшинг, Самарқанд?
 Минг бор талаб,
 Отдилар ўтга
 Сени талаб сон минг душманинг.
 Бироқ қайта бўй бериб кўкка,
 Бўй чўздилар не гумбазларинг
 Дейдиларки:
 Булоқларингнинг
 Мўъжизакор эмиш сувлари.
 Қурмасмиш ҳеч булоқларинг,

Боқий эмиш унинг сувлари.
 Шу сеҳргар сувларга қониб
 Чўмиласан ҳар кун саҳарлаб.
 Шу боисдан кунба-кун ғолиб —
 Бораяпсан яшариб.
 Яйраб.
 Даҳшат солиб,
 Увлаб ўтдилар,
 Бошинг узра неча бор бўрон.
 Дайди елдек ўтиб кетдилар
 Не-не қонхўр. Не-не ёвуз хон:
 Униб чиқди ёввойи ўтлар
 Гилдирагу

Отлар изидан...
 Боз сурилди
 Қора булутлар,
 Ҳаёт яна тушди измингга!
 Боғларингга сулувлиқ недан?
 Билсанг,
 Асли жонбахш сувингдан!
 Сувларингдан
 Теран чинорлар
 Сершоҳ,
 Сербарг бўлиб бўй олар.
 Қизғиш тупроқ пишитар кулол,
 Кўзаларки —
 Учмоққа шай қуш...
 Қўйиб юбор,
 Учсин бемалол,
 Фазоларга учсин, уриб тўш!
 Лазиз нонинг
 Жаҳонда танҳо —
 Қиёси йўқ,
 Оламга машхур.

Билсанг,
 У ҳам сирли, мусаффо
 Сувларингга қониб пишгандир.
 Йўқ,
 Булғатмоқ мумкинмас сира,
 Булоқларинг
 Тенгсиз,
 Соф ва шан.
 Қулоч отмиш шу замин ичра
 Илдизларинг қадимий, теран...
 Сен — нуруний, кўпни кўрган чол,
 Сен — бепарво болакай, гарчанд
 Қадимий, чин номингни ҳамон
 Келмоқдасан оқлаб, Самарқанд!
 Асрларга бермай ихтиёр
 Кела билдинг —
 На гард, на ғубор
 Юқтирмасдан умринг наҳрига.
 Қани энди,
 Эгилиб минг бор
 Сингиб кетсам булоқларингга.

ОТАЁР таржималари.





Мухсина Бобоева

Ирода

Ҳаётда синамоқ учун гоҳ ўзим,
Оловнинг бағридан чиқмоқ-чун омон;
Дордан юрмоқ учун мен юмиб кўзни,
Тоғлардан ўтмоқ-чун ҳамиша осон —
Сен менга енгишни ўргат, ирода.

Кўзимга қоронғи кўринса олам,
Бошим айланганда дардли хаёлдан;
Бағримни кемирса агар ғам-алам,
Кўзларим ёшланса пинҳон бу, ҳолдан —
Сен менга чидашни ўргат, ирода.

Ҳаётда тобланиб, мен бўлай темир,
Оловга айланай, бўлса қаҳратон.
Менинг вужудимда титраётир шеър,
Юрагим ўртаса гоҳида ҳижрон —
Сен менга курашни ўргат, ирода.

Шамол алдаб кетса, сочларим силаб,
Ваъда бериб қайтиб келмаса баҳор;
Кўксимга совуқ ой бош қўйса йиллаб,
Қалбимдан гупиллаб ёрилганда қор —
Сен менга ёнишни ўргат, ирода.

Душманам олдида тўкма кўз ёшим,
Дўстимнинг олдида айтайин зорим.
Қийноқлар олдида эзмагин бошим,
Юрт учун, халқ учун беролай борим —
Сен менга яшашни ўргат, ирода.

«Китоб ўқилиши керак эмас, балки китобда одам ўзини ўқилиши керак», — деган эди Р. Роллан. Мухсинанинг шеърларида мен ана шундай ўз туйғуларимни, кечинмаларимни, ҳолатларимни, истакларимни ўқидим. Умид қиламанки, журналхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган қуйидаги шеърлар билан танишган ўқувчиларнинг кўпчилиги ҳам шундай фикрга келишса керак.

Агар шундай бўлса, бу жуда яхши. Негаки, ижодкорни

Дунё боласига

Дунё боласига бўлolgум она,
 Мен она бўлolgум уларга ҳар вақт.
 Қора бўлишса ҳам мен учун бола,
 Душман бодаси ҳам мен учун фарзанд.
 Мен бошин силайман чекма деб нола,
 Ҳам алла айтаман минг бир тилда мен.
 Оналар бор экан — ўксинмас бола,
 Бахтим, деб болани олгум қўлга мен.
 Улар ўйинчоғи каптар, байроқдир,
 Ўқларнинг овози бегона тамом.
 Уларга тинчлик, бахт мудом ўртоқдир,
 Уларни бахтим деб, эркалар жаҳон.
 Болалар юртига айланар қалбим,
 Улар қувончидан жаранглар осмон...
 Юртин севиб яшар менинг ҳар болам,
 Урушнинг нелигин билмас ҳеч қачон!

Мен сиздан...

Мен сиздан қарздорман, умрбод қарздор,
 Муҳаббат қарзи бу, меҳрнинг қарзи.
 Садоқат қарзи бу, шеърнинг қарзи,
 Тўлаб бўлмас уни умр бўйи зинҳор.
 Қарздор бўлсайдим агар гуллардан,
 Баҳорда тўлардим, тўлардим албат.
 Қарздор бўлсайдим агар нурлардан,
 Тўлардим келганда ёзги сахий пайт.
 Мен яшай оламан нурсиз ва куйсиз,
 Севгисиз мен яшай олмасман бироқ.
 Висолсиз мен яшай олмасман бироқ,
 Мен яшай олмасман асло меҳрсиз.
 Беминнат меҳрингиз тутяпсиз ҳануз,
 Шу қарзни мен ўйлаб чиқаман тунлар.
 Шу қарзни тўлолсам ёзиб минг бир сўз,
 Меҳрнинг ўрнини босолмас улар.

ҳеч ким унинг қаламидан тўкилган сатрларчалик таъриф-тавсиф қилолмайди. Ана шу андишада, оригиналликка интилувчи, фикрловчи, изланувчи ёш қаламкаш Муҳсина Бобоева ҳақида айтмоқчи бўлган юрак сўзларимга шу ерда нуқта қўяман-да:

— Ижоднинг сермашаққат йўлларида сизга ойдин йўл, Муҳсина!— дейман.

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА.



Йўлда қолиб кетдик. Сахро. Қиш туни.
 Тонг отишин кутдик қалтираб-қақшаб.
 Гупиллаб қор ёғар эди шу куни,
 Осмондан тўкилган унларга ўхшаб.
 Исинмоқ-чун ҳатто йўқ эди ўтин,
 Забтига оларди бизни қаҳратон.
 Ёниб турса ҳамки қалбларда ёлқин,
 Олов керак эди бизларга шу он...
 Мен ёқа бошладим шеъримни шунда,
 Утин қилиб ёқдим қаламимни ҳам.
 Сендан аямадим оловни тунда,
 Шеърдан азиз эдинг менга, жонгинам.



Сувда ўсаётган оқ нилуфарни
 Қурғоқда ўстирмоқ бўлди бир йигит.
 Боғида ўсса ҳам рангин гуллари,
 Нилуфарни севиб қолганди қаттиқ.
 Лекин яшолмади афсус бу чечак,
 Унга қуёш эмас, керак эди сув.
 Уни шеърга олиб кирдим бу кеча,
 Менинг юрагимга ўхшар экан у...



Ёшлигим ўтмоқда бир навбахордай,
 Фақат гуллар билан ўтар ёшлигим.
 Қўшиқ, куйлар билан ўтар ёшлигим,
 Ёшлигим асрадим ҳамиша қордан.
 Ёшлигим ўтмоқда оқар сув каби,
 Бир ҳовуч ичдингми чанқоқ йўловчи?
 Ёшлигим учмоқда бир оққув каби,
 Тузоқдан сен асраб қолдингми овчи?
 Ёшлигим ўтмоқда вақт мисоли тез,
 Шўхлигин ола қол ҳозир, дўстгинам.
 Кейин кеч бўлади, сўнар эҳтирос,
 Ўтлигин ола қол ҳозир, дўстгинам.
 Ёшлигим ўтмоқда бир ширин тушдай,
 Ёшлигим учмоқда хаёлим каби...
 У учиб кетмагай адашган қушдай,
 Қурмоқ, яратмоқдир унинг матлаби!



Улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин
туғилган кунга 180 йил тўлди



Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган.



А. С. Пушкин

ДЕМОН

Сирли олам қошида илк бор
Ҳайратларга тушган кунларим,—
Қиз нигоҳи, шовқин ўрмонзор,
Тунда оққан булбул унлари;
Баландпарвоз олий туйғулар,
Ҳурлик, шараф, ишқий аланга,
Дурри санъат, илҳом, ёғдулар
Ут солганда жон ила танга —
Умид, роҳат — барига ногоҳ
Соя солиб ғамли ва нолон,
Қандайдир бир ёвуз руҳ гоҳ-гоҳ
Келар эди қошимга пинҳон.
Ғамли эди бизнинг мулоқот:

Табассумдан то нигоҳ қадар,
Аччиқ-аччиқ сўзлари бедод
Қуяр қалбга мисли муз заҳар.
Бўхтонлари беҳад, бемисол,
Келажакни синаб кўрарди;
Гўзалликни атарди хаёл;
«Илҳом — ирганч», дея айтарди;
Ишонмасди эрк, ишққа буткул,
«Яшаш — кулги», дерди доимо.
Табиатда ҳеч нарсага ул
Эзгуликни кўрмади раво.

1823.

□

Тун ели ғир-ғир
Таратур сеҳр.
Келар,
Елар
Водиул Кабир¹.

Зар тусли ой чиқди кўк аро,
Сукунат... О... гитара янграр...
Еш испан қиз балконда танҳо
Панжарага суяниб қарар.
Тун ели ғир-ғир
Таратур сеҳр.
Келар,

Елар
Водиул Кабир.

Рўмолингни ташлаб бу чоғда,
Кун мисли кел, ҳой қизгина, қиз!
Панжарани қолдириб доғда
Нозиккина оёғинг ўткиз!
Тун ели ғир-ғир
Таратур сеҳр.
Келар,
Елар
Водиул Кабир.

1824.

¹ Испаниядаги бир дарё номи (тарж.).

Шоирга

Шоир! Халқнинг меҳрига ҳеч тикиб юрма кўз!
 Мақтовларнинг ўтажакдир оний шовқини.
 Эшитарсан галварс тўда ҳукмини маънос,
 Қоим бўлу, осуда тут кўнгил лавҳини.

Сен подшосан: танҳо яша. Эркака буриб юз,
 Ҳур идрокла топа билгил ҳурлик завқини,
 Ардоқлагил хуш ўйларинг самар-шавқини,
 Мардлигинг-чун эҳсон кутма, очма бундан сўз.

Ўзингдадир бор эҳсонлар. Сен олий ҳакам,
 Қаттиққўлсан ўз-ўзингга сен барчадан ҳам,
 Кўнглинг тўқми ёзганингдан, эй соҳибжамол?

Кўнглинг тўқми? Майли, авом койиса уни,
 Булғаса-ю шамъинг ёнган меҳроб юзини,
 Минбарингни ўйин қилса болалар мисол.

1830.



Орамизда яшаганди ул¹
 Унга ёт қавм аро; кўнглида зарра
 Йўқ эди бизларга кину адоват.
 Биз уни севардик. Ювош, беозор
 Бари суҳбатларга қўшилар эди.
 Баҳам кўришардик тиниқ орзулар,
 Қўшиқларни бизлар (иниломи кўкдан,
 Ҳаётга ҳам кўкдан боқарди). Тез-тез
 Сўйларди келажак замонлар ҳақда,
 Дердики: «Низони унутиб халқлар
 Улуғ оилага бирлашажақлар!»
 Биз тўймай тинглардик шоирни. Фарбга
 Жўнаб кетди шоир — тилашиб оқ йўл,
 Хўшлашиб қолдик биз. Бироқ-чи энди,
 Ювош меҳмонимиз ёвлик қилмоқда —
 Бебош оломоннинг раъйига қараб,
 Шеърий пардаларга жойлабон нафрат,
 Заҳар қуймоқдадир каломларига.
 Қаҳрвор шоирнинг саси олисдан
 Эшитилиб турар!.. О, тангри, ўзинг
 Даргазаб қалбига тинчлик ато эт,
 Ва унга қайтаргил...

1834.

Муҳаммад АЛИ таржималари.

¹ Шеър буюк поляк шоири Адам Мицкевичга бағишланган (тарж.).

Ҳалок бўлган рицарь

Сўнги ёлқин билан ўрмондан ошиб,
Астагина сўнди гуруб оташи.
Яйдоқ водий сукут ичра лол;
Тунд, кулранг туманда тўлғонар дарё,
Булутлар эринчоқ саф каби гўё,
Улар аро тилларанг ҳилол.

Дўнгликда чўнг чўян зирҳ-совут ёгар,
Найза мажақланган, қўлқопда — ханжар,
Дубулғанинг остида қалқон.
Санчилмиш шабнамли мохга шпорлар:
Бари жим; ҳилолнинг ўроғи ўрлар
Улар узра сацратгандек қон.

Теграда айланар ботир дўсти — от;
Мағрур кўзларида ўт сўнмиш, ҳайҳот,
У жанговар бошини эгар.
Гоҳида депсийди тунд водий тошин;
Содиқ дўст совутга тўкиб кўз ёшин,
Бир ёввойи титроқда инграр.

Келар бу оқшомда адашган йўлчи,
Қалбида умиду туннинг қўрқинчи —
Мадад бўлар эгри таёғи:
Дўнгликка чиқиб у, хира хилқатга
Тикилиб, тушаркан — янгроқ пўлатга
Тегиб кетар толғин оёғи.

Йўлчи титрар — совут жаранглар тунда,
Ботир суяклари шиқирлар унда
Ва дубулға тошларга тегар, —
Унда бош чаноғи... Бу бўғиқ сасдан
От кишнаб дўнгликка учар бирпасда —
Тикилар... Сўнг яна бош эгар.

Тун бўйи йўл босар йўлчи, наздида
Суяклар қисирлар оёқ остида...
Бироқ қуёш уйғонар такрор;
Ётар жанг қурбони дўнгликда унут,
На янграр дубулға, на титрар совут,
Кишнар фақат вафодор тулпор.

1815.

□

Сенга ҳавас қиламан, денгизга содиқ ўғлон,
Елкан, бўрон остида сочи оқарган инсон!
Тинчгина бандаргоҳга кўпданми қадам кўйдинг —
Кўпданми сен сукутнинг тотли лаззатин туйдинг —
Жозибали тўлқинлар чорламоқда сени боз.
Кўлни бер — қалбларимиз бир туйғу билан ҳамроз.
Олис осмон, олис юрт ишқи билан кетайлик,
Бу кўҳна Европанинг соҳилин тарк этайлик:
Мен, ернинг чарчоқ ўғли, ўзга сурон истайман:
Кутлайман сени бугун, салом, озод океан!

1823.



Подшога дедилар бир кун; «Ниҳоят
Исёнкор Риэго қатл этилди».

Деди бир ялтоқи: «Хурсандман ғоят,
Яна бир аблаҳдан дунё қутилди».

Аъёнлар ер чизиб жим қолди илк
бор,

Ножоиш бу гапдан жилмайиб
мулзам.

Фердинанд олдида Риэго айбдор,—

Бу тўғри, осилди шунинг учун ҳам.
Жаллод қурбонининг устидан, бироқ
Айтинг, одобданми сўкиниб кулмоқ?
Ҳатто ҳукмдор ҳам лол ва ўнғайсиз,
Қани жилмайса ё бир нарса деба:
Олижаноб бўлинг жилла қурмаса —
Разиллик бобида, ялтоқилар, сиз!

1825.

Фаришта

Еш фаришта сочар эди нур
Бош эгганча жаннат қошида.

Иблис эса, исёнкор, мағрур,
Учарди тунд дўзах бошида.

Инкор руҳи, шаккоклик руҳи
Пок руҳ сари ташлади нигоҳ
Ва илк бора у меҳр чўғин
Ғира-шира ҳис этди ногоҳ.

«Кечир,— деди,— менга, пок


хилъат,

Нур сочмадинг сен бежиз магар;

Аршга фақат айтмадим лаънат,
Ердан фақат қилмадим ҳазар».

1827.

Абдулла ШЕР таржималари.





Наби Раҳимов,

филология фанлари доктори,
профессор

НАФОСАТ ВА НАЗОКАТ АНЪАНАЛАРИ

А. С. ПУШКИН ВА ЎЗБЕК СОВЕТ ШЕЪРИЯТИ

Илғор рус адабиёти намуналари Улуғ Октябр инқилобидан анча олдин Ўзбекистонда кенг тарқала бошлаган эди. Адабиётшунос олимларнинг ёзишича, ўзбек китобхони улуғ шоир А. С. Пушкин асарларини илк бор XIX асрнинг охирларида ўқиган. «Туркистон вилоятининг газети»да 1883 йилнинг 15 март сонида маҳаллий газетхон улуғ рус адиблари А. С. Пушкин, Н. В. Гоголь ва И. С. Тургенев ижоди билан биринчи марта жуда қисқа ва умумий тарзда таништирилган эди. Мазкур газетанинг 1899 йил 24 июль сонида эълон қилинган маълумотга кўра, Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртақ» асари ўзбек тилига наср билан таржима этилган.

Бироқ, ўзбек халқининг А. С. Пушкин ижоди билан мукаммал танишуви улуғ шоирнинг вафотига юз йил тўлиши муносабати билан 1937 йилда ўтказилган юбилей кезларида содир бўлди. Шу йилларда Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърини романи (Ойбек таржимасида), «Сув париси» драмаси (Ҳамид Олимжон таржимасида), «Боқчасарой фонтани» поэмаси (Усмон Носир таржимасида), «Эркинлик», «Чаадаевга», «Ханжар», «Қиш оқшоми», «Сибирга мактуб», «Анчар», «Ҳайкал», «Кавказ», «Эсимдадир ўша ажиб бир дам» ва бошқа лирик шеърлари (Миртемир ва М. Шайхзода таржимасида) ўзбек тилида босилди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон ва У. Носир таржималари айниқса юксак баҳога сазовор бўлди.

Улуғ рус шоирининг туғилганига 150 йил

тўлиши муносабати билан 1949 йилда «Танланган асарлар»и ўзбек тилида тўрт томда босиб чиқарилди. Бу нашр шоирнинг шеър ва эртақлари, «Евгений Онегин» шеърини романи ва пьесалари, дoston ҳамда йирик насрий асарларини қамраб олган эди.

Пушкин асарларининг бир қадар тўлиқ ҳолда ўзбек китобхонлари қўлига етказилиши интернационализм байроғи остида иш кўраётган истеъдодли қаламкашларимизнинг ва барча социалистик миллий маданиятимизнинг ажойиб ютуғи сифатида таҳсинга сазовор ишдир.

«Бу йилларда Пушкин асарларининг таржимонлари сафи анча кенгайган бўлиб, улар орасида Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Мамарасул Бобоев, Темир Фаттоҳ, Шухрат, Илём Муслим, Насрулло Охундий каби шоирларни кўрамыз.

Пушкин прозасини таржима қилишда Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Иззат Султон каби улкан санъаткорлар билан бир қаторда Маъруф Ҳаким ва Зумрад сингари таржимонлар ҳам жонбозлик билан ишладилар.

Шундай қилиб, деярли барча атоқли ўзбек адиблари Пушкин асарларининг таржимонлари сифатида ҳам ўз маҳорат ва истеъдодларини намоён этдилар. Мазкур шоир ва адиблар улуғ шоирнинг эрксебар ва олижаноб шахсиятидаги, мангу тирик ва навқирон ижодидаги энг яхши фазилатларни ўз асарларига сингдира бордилар.

Ўзбек совет адабиёти социалистик реал-

лизм йўлидан бориб, илғор замонавий адабиёт сифатида юксак чўққиларга кўтарилган экан, бунда халқпарвар шоир А. С. Пушкин ижодидаги тўлақонли реализмнинг ҳам муносиб ҳиссаси бордир. Бу фақат назирчилик натижаси эмас, албатта. Бунинг тўғри ҳис қилиш учун традиция ва новаторлик масаласи билан чуқурроқ танишмоқ даркор.

Бир санъаткорнинг иккинчи санъаткор ижодига таъсири бадий ижоддаги мураккаб масалалардан биридир. Ҳақиқий ижодий таъсир асарнинг ташқи белгиларида намоён бўлмайди, устоз санъаткорнинг ҳаётбахш анъаналари таъсирланган адиб томонидан янги ҳаётий материал асосида давом эттирилади. Мисол тариқасида граждандлик мотивларининг акс этиши масаласини кўрайлик. М. В. Ломоносов поэзиясида кўзга ташланган граждандлик эҳтироси А. П. Радищев ва К. Ф. Рилеев ижодида дворян революционерлиги босқичига кўтарилди. Шундан сўнг А. С. Пушкин ўзининг ўтмишдошлари ижодидаги энг яхши, соғлом ва илғор ғоявий анъаналарни танқидий ўзлаштириб олиши ва бойитиши натижасида ғоявийлик соҳасида ҳам, граждандлик руҳини янги босқичга кўтариш жиҳатидан ҳам янада олға кетади. Унинг ижоди ғоявий-бадий кучи жиҳатидан, революцион йўналишининг қудрати ва эҳтироси жиҳатидан дворян инқилобчилар билан революцион-демократлар ўртасидаги муайян бир босқични ташкил этади. Чунки, Пушкин ўз фаолиятида дворян революционерларнинг, В. И. Ленин қайд этганидек, халқдан жуда ҳам узоқлигини кўп жиҳатдан енгиб ўтди. «Капитан қизи» (1836) повестида ва купгина лирик шеърларида тарихий тараққиётнинг асосий кучи халқ оммаси эканини бадий гавдалантирди ва тараннум этди. Бунинг аввало Емельян Пугачев образида равшан кўриш мумкин. У адолатли ва инсонпарвар киши, яхшиликни унутмайди, озодликни ҳамма нарсадан афзал деб билади, етим-есирларнинг бошини сийлайди, бечора ва камбағал кимсани ранжитган золимларга нисбатан шафқатсиз ва ҳоқазо.

Ўзбек совет поэзиясида ҳам шундай ҳодисани кўриш мумкин: унда ижодий ўрганиш ва оригинал йўл топа билиш узвий бирликда учрайди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий поэзияси оташин революцион эҳтироси, сиёсий ўткир мазмуни ва оҳангдорлиги билан, Фафур Ғулом поэзияси эса маззу кўламининг кенглиги, фалсафий чуқурлиги ва фикрий тугаллиги билан, Ҳамид Олимжон шеърляти баҳор каби ёқимтой руҳи, ёшликка хос оптимизми, жўшқин ватанпарварлиги ва минбар нутқи сингари жарангдорлиги билан ажралиб туради.

Пушкин ижоди устида жиддий иш олиб бориш, унинг поэтик маҳоратидан ижодий ўрганиш поэзиямизни юксалтирди ва бойитди. Бунинг аввало Ойбек ижодида яққол кўриш мумкин: Пушкин ижодига хос мазмундорлик, гуманизм, булоқ сувидек тинчлик Ойбекни мафтун этди, уни сўз ус-

тида, бадий образ ва образли ибора устида қунт билан ишлашга ўргатди. Натижада Ойбек социалистик воқеликдан илҳомланиб, ўзининг ҳаётбахш, айна чоқда мангу тирик образларини яратди, услубий тиниқликка эришди.

Ойбек Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романини таржима қилишга киришар экан, шоир яшаган даврни, унинг бутун ижодиётини, айниқса поэтик меросини синчиклаб ўрганади ва улуғ шоир лирикасида илҳомланиб, ўзи ҳам ажойиб ва гўзал шеърлар яратади. Бу шеърлар «Чимён дафтари» номи билан машҳур бўлиб, уни оқсоқол адибимиз Комил Яшин муносиб баҳолаб, ўзбек поэзиясида янги ҳодиса, ўзбек шоири Ойбек ижодида янги, юксак босқич, деб қайд этганди.

«Чимён дафтари»га мансуб шеърларнинг ҳаммаси ҳарорат билан ёзилган. Лекин шулар орасида «Гўзал Чимён» ва «Наъматак» шеърлари айниқса жозибали ва нафислиги билан ажралиб туради.

«Гўзал Чимён» шеъри самимийлиги ва серзавқлиги билан, неқбинлиги ва кўтаринки руҳи билан китобхонни мафтун этади:

Гўзал Чимён, хайр, кетаман,
Юрдим қанча эркин, қувноқ,
Қандай севдим сени қалбдан
Кунлар сенда гўзал порлоқ.

Кунлар порлоқ, кунлар ҳар чоқ
Қалбга сепган гунчалари;
Хотиралар чаманзори —
Сўлмас, тўкмас битта япроқ...

Ойбекнинг «Наъматак» асари «Чимён дафтари»нинг энг гўзали, гултожи ҳисобланади. Бу шеърнинг нафосати, жозоба кучи, дилни мафтун этиши ва оромбахшлиги Пушкиннинг пейзаж лирикасидаги энг яхши шеърларидан «Булут»ни эслатади. Айни чоқда бу шеърларнинг тасвир объекти ҳам бошқа, тасвирий воситалари ҳам бошқача, фақат эстетик завқ, лаззат бахш этиш маҳорати бир-бирига қўйин.

Ойбек шеърдаги қуйидаги мисраларни ўқиган сари яна ўқигинг, ёдда сақлагинг келаверади:

Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга кўтариб бир сават оқгул.
Виқор-ла ўншайган қоя лабида —
Нафис чайқалади бир туп наъматак.

Ойбек Пушкин лирикаси анъаналарини фалсафий заминда қабул этди, ўзлаштирди ва гўё атиргулнинг ёқимли бўйи билан йўғрилтириб, ривожлантирди. Унинг лирик поэзиясида ҳисларнинг қайноқ тошқини, ранглар жозибаси, эҳтирос ва граждандлик пафоси балқиб туради.

Айни чоқда Ойбек бадий проза соҳасида ҳам рус реалистик адабиётининг илҳомбахш анъаналаридан кўп баҳраманд бўлди. Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романининг таржимаси устида олиб борилган узоқ муддатли ижодий меҳнат исзис кетмади, албатта. Ойбек бу иш жараёнида Пушкиннинг адабий-бадий ола-

мига чуқур кириб борди, ундаги ажойиб ва ғаройиб сирлар моҳиятини англади. Буюк шоирдан оддий меҳнат кишисига муҳаббат, олижаноблик, инсонпарварлик, маънавий покизалик сабоқларини, фикрни мазмундор ва образли баён қилиш йўллари йўллангани.

Ойбекнинг Пушкин реалистик услубидан унумли сабоқ олганлиги «Қутлуғ қон» романидаги услуб тиниқлигида айниқса равшан кўринади.

Ойбекнинг мазкур романида Ҳамза, Айний, шунингдек Бальзак, Лев Толстой, Максим Горький ижодий тажрибасининг илҳомбахш ва аниқ излари борлиги ҳам муқаррардир.

А. С. Пушкин поэзияси Ҳамид Олимжон ижодига ҳам самарали таъсир кўрсатди. Ҳар икки санъаткорнинг ҳам реал борлиққа муносабатиде фаоллик ва ҳаётбахш кўтаринкилик бор. Бу муносабатда қандайдир мардлик, тантлиқ, беғаразлик, муссаффолик, уйғунлик кўзга ташланади.

30-йиллар ўзбек совет поэзиясининг энг яхши асари ҳисобланган «Зайнаб ва Омон»ни ёзишда шоир классик мерос анъаналари, хусусан, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» дostonи йўлидан илҳомланиш билан бирга Пушкиннинг «Кавказ асири» поэмаси ва «Евгений Онегин» романи тажрибасидан ижодий озиқланганлиги яққол сезилиб туради.

Истеъдодли ўзбек шоирларидан Усмон Носир ижоди ўз руҳига кўра тоғ дарёсининг шўх оқишини эслатади: бу жиҳатлари билан у кўпроқ М. Ю. Лермонтовга яқин туради. Айни чоқда у Пушкин ижодидан ҳам ўз табиатига яқин томонлар топа билди: «Боқчасарой фонтани» поэмаси уни бутунлай мафтун этди ва у бу поэма-ни ўзбек тилига катта маҳорат билан тар-

жима этди. Шунинг учун ҳам мазкур таржиманинг қуйидаги бош мисралари мингларча китобхонлар тилидан ҳануз тушмай келади:

Қовоқ солиб ўлтирар Ғарой,
Лабларида қаҳрабо чилим.
Даҳшатли хон атрофида жим
Вош эғиб тек турарди сарой.
Жимжит эди бутун қошона:
Ҳамма хоннинг хафа юзидан
Ғам ва ўтли ғазаб изидан
Пайқар эди мубҳам нишона.
Аммо мағрур соҳиби фармон,
Қўлларини бир силтаб солди:
Варча секин тарқалди ҳар ён.

Мазкур таржимада Усмон Носирнинг оригиналдаги характер яратиш маҳоратини жуда катта сезгирлик ва бадий куч билан сақлаб қолганлиги китобхонни ҳайратга солади, унга сўнмас эстетик лаззат бахш этади.

Ўзбек совет поэзиясининг толмас заҳматкаши бўлган шоир Миртемир ва донишманд санъаткор Шайхзода ҳамкорликда Пушкин лирикасининг ажиб ва нафис бир қисмини ўзбекчага ағдарган эдилар. Бу таржималар мазкур юбилей муносабати билан ўз вақтида алоҳида китобча шаклида чоп этилди. Миртемир ундан ташқари «Руслан ва Людмила» поэмасини, «Шоҳ Султон ҳақида эртақ»ни, «Балиқчи ва балиқ эртақ»ни ва бошқа бир қанча прозаик асарларни ўзбек китобхонига тақдим этди.

Ҳозирги кунда Пушкин поэтик хазинасига қўл урмаган ўзбек шоирини топиш қийин: муҳими шуки, Пушкин ижоди шоир ва адибларимизга реализм ва маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.





НУР СОЧАДИ ДАҲО ҚУЁШИ

А. С. Пушкин бадиий ижоднинг энг буюк намуналари бўлган асарларида эркинлик ва инсонийликни, ватанпарварлик ва халқпарварликни улуғлади, қашшоқ ва «хор бандалар»ни ёвуз жамиятга, «тош юракли... ваҳший соҳиблар»га, «темир кишанлару зулм қамчилари»га, «зўрлик қафаслари»га, ҳокими мутлақнинг «тахту тожи»га қарши «мардона, мардона» кўзғолон кўтаришга чақирди; «порлоқ ақл қуёши олдида» «сохта донишмандлик»нинг сўнишига, меҳнаткаш халқ орзу қилаётган ҳур замоннинг албатта келишига ишонди, ишонтирди. Натижада у В. Г. Белинский сўзлари билан айтганда «ўлим билан дуч келган нуқтада тўхтаб қолмайди»ган, «мангу яшайдиган ва ҳаракат қиладиган», «жамиyat онгида ривожланишда давом этади»ган ижодкорлардан бири бўлиб қолди. У фақат ҳайратомуз асарлари билангина эмас, балки дунё адиблари ижодида ҳам «ривожланишда давом этди» ва ҳамон давом этмоқда.

Жаҳон адабиётида бу улкан ижодкор тарихий шахснинг бадиий образини яратиш унинг эрталаб қалби урушдан тўхтатилган кунданоқ бошланди. Бу ишга биринчи бўлиб М. Ю. Лермонтов қўл урди. У ўзининг «Шоирнинг ўлими» номли шеърида Пушкиннинг фожиаги ўлими туфайли халқ қалбида пайдо бўлган дарду аламлари, шоир жаллодларига бўлган нафрату ғазаб ҳисларини ифода этди.

Озарбайжон халқининг таниқли адиби ва мутафаккири Сабухий (Мирза Фатали Охундов)нинг «Пушкиннинг ўлимига Шарк поэмаси» (1837) ҳам шоир образини яратишга бағишланган илк асарлар жумласидандир. Бу поэмادا Сабухийнинг, Пушкинга, қудратли рус халқига, унинг маданияти ва адабиётига бўлган муҳаббати ўзининг юксак бадиий ифодасини топган. Асарда шоир Пушкинни «дунё сўз усталарининг саркардаси», «шеърият осмонининг юлдузи», дея таърифлайди.

Бора-бора жаҳон адабиётида Пушкин алоҳида бир мавзуга айланди. Пушкиннома

вужудга келди. Бундай силсиланинг яратилишида ўзбек шоирларининг ҳам ўрни бор. Бу асарларни кўздан кечириб ўзбек шеъриятида Пушкин образини яратишда икки асосий принцип борлигини пайқаш мумкин. Биринчи принцип: бошқа мавзуларда ёзилган асарлар ичида маълум муносабат, аниқ мақсад билан Пушкин, унинг асарлари, улардаги қаҳрамонлар номини, ёки шоир ҳаёти билан боғлиқ бирор тарихий-биографик фактни тилга олиш орқали ўқувчини шоир ҳақида ўйлашга, фикрлашга ундаш. Ҳамид Олимжоннинг «Шодликнинг куйлаганимнинг сабаби», Ғафур Фуломнинг «Улуғ рус халқига», Уйғуннинг «Белинскийга», Мақсуд Шайхзоданинг «Хотира», «Кураш нечун», Усмон Носирнинг «Тифлис оқшоми», Жуманиёз Жабборовнинг «Рус тилим — ўз тилим» шеърларида, Шукруллонинг «Россия» сингари асарларида Пушкин образи ана шу принцип асосида намойён бўлади.

Мақсуд Шайхзода совет халқи билан немис фашистлари ўртасида бўлган жангларнинг моҳияти поэтик тадқиқ этилган «Кураниш нечун?» шеърида шундай ёзади:

Бу кураш истиқбол машъали учун,
Лениннинг мужассам ҳайкали учун,
Пушкиннинг достони, Толстой учун,
Вақтинча тўхтаган холис тўй учун.

Ҳамид Олимжоннинг «осмон сингари бепоён Ватан» — Россияни, унинг «бало-офатларини енгиб ўрганган», «муҳаббати улуғ, юраги кенг» қаҳрамон халқи улуғланган, дўстлик ва қардошлик ғояси тараннум этилган «Россия» шеърида Пушкин номи ҳам ажиб бир туйғу билан тилга олинади:

Невский ухлаган буюк бешикда
Уйғонмоқ ўзи ҳам олий бир ҳавас.
Пушкин пайдо бўлган ҳар бир

ошикда
Навоий шарафи яшар муқаддас.

Табиийки, Ғафур Фулом покиза виждони буюрганларини «Улуғ рус халқига» изҳор

этаётганида Пушкин номини тилга олмай ўтиб кета олмас эди:

Радишчев фалсафасин
ва Пушкин лирикасин
Тонглар ўқиб ўтириб
қалбим топаркан ҳузур,
Менинг оғам рус бўлур!

Агар Усмон Носир «Тифлис оқшоми»да Пушкинни тилга олиш («...Пушкин қояларини кўрсайдим дейман») билан шoirнинг Кавказда бўлганлиги ҳақидаги тарихий-биографик фактга ўқувчи диққатини жалб этса, Ҳамид Олимжон «Шодликни куйлаганимнинг сабаби»да «Пушкин менга кўрсатди ҳар кеч йиғлаб турган бир черкас қизни», дейиш билан шoirнинг «Кавказ асири» поэмасини шеърхон хотирасига туширади. Тўғри, мазкур асарларда Пушкиннинг том маънодаги бадий образи яратилмаган. Лекин ўқувчи улардаги шoir номига кўзи тушиши, ижоди намуналарини, ҳаёти билан боғлиқ фактларни эслаши биланоқ, унинг ҳаёлида Пушкин сиймоси гавдаланади.

Пушкин образини яратишдаги иккинчи принцип бевосита унга бағишлаб ёзилган асарларда кўринади. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Султон Жўра, Амин Умарий, Миртемир, Зулфия, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шoirларнинг Пушкинга бағишланган асарларида улғу шoirнинг бадий образи ҳар хил поэтик усулларда гавдалантирилган.

Маълумки, машур сўз санъаткори Ойбек тарихий ва реал шахслар (В. И. Ленин, Навоий, Машраб, Ҳамза, М. Горький) ҳақида кўпгина теран мазмунли шеърй асарлар ижод этган. «Бу шеърларнинг специфик хусусияти шундаки,— деб ёзади профессор Ҳ. И. Ёқубов,— уларда улғу кишиларнинг образи шoir юрагининг теран жойларидан «ўз» фикр ва ҳислари ҳарорати билан иситилган, унинг ўз қарашини ҳам акс эттирди, лирик характер шoirнинг ўзига хос пафосида намоён бўлди». Бундай специфик хусусиятни Ойбекнинг 1936 ва 1949 йилларда ёзган Пушкин тўғрисидаги икки шеърда ҳам кўриш мумкин. Ойбекнинг «Пушкин» номли шеърда шoir образи поэтик-лирик муножаат усулида маҳорат билан яратилган:

Олтин мисраларга нақшланган фикр,
Қалбнинг қуёшидан қуюлган туйғу —
Сўнмайди, эй шoir, ўтса юз аср,
Ҳайкалинг сингари чидамли, тунж у.
Тошларни чанг қилиб учирар замон
Вир учқун йўқотмас шеъринг ёлқини.
Воғчанг бир баҳорга ҳаммаша макон,
Севади ҳар кўнгил, ҳар ҳаёл уни!

Бунда у, биринчи планда, шoir ижодининг халқчил пафосини чин шеърятга хос образли тилда, оригинал тасвирий воситалар, романтик ва реалистик бўёқлар («қайғунг ҳам нашъангдай, юлдуздай, қалбнинг оташидай иссиқ ва яқин. Ёзги ёмғир каби кўз ёшинг қайноқ...», «ҳаёт, табиатнинг чек-

сиз оҳанги саноқсиз ранги-ла шеъринг ярқирар»)да умумлаштиради. Пушкин шунинг учун буюкки, у ўз созида «юксак амалларни» тараннум этган, қўшмлари «ҳур кўнгил, эркин овози» бўлиб жаранглаган. Унинг «кишансиз, ҳур Русия» ҳақидаги ҳайқириқлари «кирли, тож, зулм»ни титратган.

Шoir Пушкин ва киборлар жамияти ўртасидаги қарама-қаршиликларнинг асл моҳиятини очишда унинг ҳаёти билан боғлиқ тарихий-биографик фактларни ҳам қалб призмасидан ўтказди. Пушкин таржимаи ҳолидан маълумки, халқ жаллоди подшо Александр I ва унинг амалдорлари шoirнинг гуманистик ғоялар тараннум этилган, фисқи-фасодчи киборлар лаънатланган асарлари учун уни таъқиб остига олган. Пушкин дўстларининг ҳаракати, кўмаги туйфайли Сибирга эмас, Россиянинг жануб ўлкаларига сургун (1820—1824) қилинган. Ойбек ўз шеърда ана шу тарихий фактга урғу қилиб, Пушкин образини индивидуаллаштирган. «Санъат оташидан бегона», кўзларини «фаҳшнинг дуди» қоплаган, халқнинг қонли кўз ёшларидан ғурурланувчи «қузғунхона — сарой» аҳли, қонхўр подшо си бошлиқ зolimлар шoirни «жануб саҳролари»га сургун қилдилар. Бироқ улар кўзида «даҳо қуёши» ёнаётган шoirнинг қалбидан «эркин кўшиқлар»нинг «қуюлиб, тоши»шини тўхтата олмадилар. Ойбекнинг бутун рағбат ва муҳаббат, оловкор эҳтирос ила таъкидлаб айтганидек, Пушкин «қуёши» «Арктиканинг музи ва куюқ тунни, шаҳарлар тўлқини, тоғлар чўққиси, боғчалар диёрида» ҳаётбахш «шўъла»ларини соча бошлади.

Ҳамид Олимжоннинг Пушкин шеърда улғу рус шoirнинг характери кучли драматик тугёнлар фониди, у билан замонаси ўртасидаги кескин зиддиятларнинг ҳаққоний бадий тасвирида очиб кўрсатилган. Шеърда адолатсиз замона берган «аламлар, қайғулар, ғамлар, дунёвий азоблар» қийноғида қолган шoir қалби, унга ташланган заҳарли «чангал»ларга поэтик характеристика берилди. Ҳ. Олимжон ўз типик кечинмаларига адиб яшаган давр ва унинг ҳаёти билан боғлиқ реал фактлар (сургун қилиниши, дуэль воқеаси, халқдан яширинча дафн этилиши)ни усталик билан сингдириб, поэтик характеристиканинг чинлигига ўқувчини ишонтиради.

Юз ўғирди сарой, кошоналардан,
Тарихий жумбоқни шундай этди ҳал,
Аҳли киборлардан, подшолардан
Ўғри деб ном олган Пугачёв афзал.

Бу мисралар Ҳамид Олимжоннинг Пушкин характери юзасидан олиб борган бадий тадқиқотининг биринчи хулосасидир. Асарда контрастли бадий таҳлилдан келиб чиққан яна икки хулоса ҳам борки, улар бевосита шoir фожиаси билан боғлиқдир. Ҳамид Олимжон реал — тарихий фактларга асосланиб, Пушкин фожиаси миқсолида эксплуатацияга асосланган жамиятнинг фош этади: Шoirни «бутун Русияни емирган жаллод Дантес либосида келиб отиш-

ди». Шоир эса «Мозор Русияда қабрга муҳтож» бўлиб қолди.

Агар Ҳамид Олимжон ўз шеърида меҳнаткаш, жабрдийда рус халқининг адибга бўлган буюк муҳаббатини кўрсатмаганида, ундаги Пушкин образи аниқ-тиниқ гавдаланмас эди. Буни тўлиқ идрок этган шоир ўқувчи диққатини худди шу масалага жалб этиш билан асарини хулосалайди:

У яширин кўмилди. Ўз азобида
Ўлка осмонини зўр мотам тутди.
Ва бутун рус халқи ўз юрагида
Шу буюк тобутни кўтариб ўтди.

Уйғуннинг «Шоир ҳақида баллада» асарига «ҳақиқатнинг хур куёшидан қалбига нур олган буюк шоир образи Ойбек ва Ҳамид Олимжон шеърларидан бир оз бошқача йўсинда қайта яратилган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчисида Пушкиннинг халқ юрагига яқинлиги, ижодининг «баҳосиз»лиги ва «азал-абад» ёд этилажаниннинг боиси умумий тарзда тасвирланади.

Асарнинг иккинчи қисмида шоир ички кечинмаларининг энг ҳаяжонли онлари мухтасар лиро-романтик ҳикоя асосида кўрсатилади. Шоир ўқувчи диққатини Пушкиннинг «қалбида ўч, ғазаб ва ҳасрат» билан сургунларда кечирган ҳаётдан кичик бир лавҳа (ойдинли тунларнинг бирида денгиз қирғоғида сайр этиши)ни кузатишга жалб этади. Ўқувчи дастлаб шоирни табиат тасвири («Тун чиройли... юлдузлар-ла безалган фалак») фонидоги ташқи портретига хос айрим чизгилари («Кўзлар ўйчан, сочлар жингалак... ўнг кўлини қўйган кўксига») билан танишади. Сўнгра уни илҳом кечинмаларига фарқ бўлган ҳолатда кўра бошлайди. «Қирғоқларга урилиб», «ғазаб билан исён этаётган денгиз тўлқини шоир дилини мафтун этади. У шу денгиз «тўлқинларининг кучли наъраси» ва унинг «ҳиссиз, раҳмсиз қирғоқ»ларида ўз қалбига монандлик топади. Шоирнинг ички кечинмасига, гўё:

Денгиз дерди:— қирғоқ йиқилсин,
Тўлқинларим ўйнасин озод,
Кишанлардан ҳоли ва масъуд
Замонларни айлар эди ёд.

Шоирнинг фикрича, наъракор тўлқинларни «бағрига босиб», мағрур тўлғанаётган денгиз— Пушкинга, «адолатсиз, шафқатсиз қирғоқ» унинг замонасига ўхшайди. Асарда Пушкин «илҳом париси»нинг ана шу замонага, «қон ҳидига кўмилган, кўз ёшига чўмилган тузумга» қарши «қанот қоқиши», кўнглида исёнкор шеърларининг тўғилиш жараёни кучли эмоция билан ифодаланган.

Ҳамид Ғулومнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган «Пушкин» шеърида Уйғуннинг юқорида зикр этилган «Шоир ҳақида баллада» асарига ҳамоханглик сезилади. Бинобарин, Ҳамид Ғулум шеъри ҳам худди Уйғун асаридоки уч қисмдан иборат бўлиб, охириги қисмида Пушкиннинг ойдинли кечаларнинг бирида денгиз соҳилида «ҳаёлларга», «илҳом»га банд бўлган пси-

хологик ҳолати тасвирланади (Шу хил ҳолат Уйғун шеърининг иккинчи қисмида акс этганини айтган эдик). Аммо Ҳамид Ғулум Пушкиннинг Қора денгиз соҳилида илҳом оғушида кезишларини унинг «порлоқ, улуғ ҳаёл»ларини, Россиянинг «истиқболи» ҳақидаги ўй-орзуларини ўзгача тарзда талқин этади.

1949 йилда совет халқи ва жоир тараққийпарвар оммаси буюк шоир туғилган куннинг юз эллик йиллигини зўр тантаналар билан нишонладилар. Шу муносабат билан ўзбек совет шоирлари ҳам, Пушкинга атаб кўплаб асарлар ижод этдилар. Ойбекнинг «Пушкин», Мирмуҳсиннинг «Пушкин колхоз», Саида Зуннунованинг «Ватан» шеърлари шулар жумласидандир.

Улуғ рус адабий танқидчиси В. Г. Белинский Пушкинни «рус шеъриятининг куёши» деган эди. Ойбек Пушкин ҳақида ёзган мақоласида бу баҳони замонамиз нуқтаи назаридан қуйидагича такомиллаштирди: «Пушкин ёлғиз рус халқи поэзиясининг куёшигина эмас, балки емирилмас дўстлик билан бирлашган барча совет халқлари поэзиясининг ҳам куёшидир». Ойбек Пушкин мавзусидаги иккинчи шеъри (унда аввалги шеъридаги айрим фикрлар такрорланади)нинг биринчи мисрасида ана шу баҳога урғу қилади: «Шеър куёши дерлар— эмас бехуда». Асарда бу фикр поэтик тасдиқдан ўтказилиб, Пушкин сиймоси жонлантирилади. Пушкин— «куёшдек баланд ва танти». Унинг «сўзлари дилларни қуёшлантиради», «нафасидан мудом ёш кўклам эсади. Ўқувчи қалбида савол туғилади нима учун деган саволга шеърдан жавоб топади. Чунки:

Улуғ рус қалбини эркин тараннум
Этди созида у дадил ижодкор.
Қудратли сасидан титради тахт,

зулм,

Шоир нур, ақлга, ҳақиқатга ёр.

Шунинг учун «бу куйчини куйлар улуғ Ватаннинг барча халқи севиб барча тилларда», «унинг чечаклари барча чаманнинг ҳуснини бойитар эркин элларда». Ойбек ўз шеърини халқлар дўстлиги ва интернационализи руҳи билан суғорилган қуйидаги ҳаяжонли мисралар билан хотима-лайди:

Қўшиқларимиз бир, дилларимиз бир,
Дарёларимиз бир, оқса-да ҳар ён.
Пушкин тўйи ўзбекнинг ҳам тўйидир.
Эй халқлар дўстлиги, мангу бўл

омон!

Мамлакатимиздаги кўплаб кўчалар, мактаблар, ўқув юртлари, илмий муассасалар, истироҳат боғлари, сулим майдонлар, колхоз ва совхозлар Пушкин номи билан аталади. Обод қишлоқ ва шаҳарларимизнинг энг кўркам жойларига унинг ҳайкаллари ўрнатилган. Булар бунёдкор совет халқининг улуғ шоирга бўлган қайноқ меҳр-муҳаббатининг рамзидир. Совет шоирлари, жумладан ўзбек совет шоирлари шеърият генийсининг бадий образини яратишда ана шу «факт»лардан ҳам фойдаланмоқдалар.

Фаргонада Пушкин колхози бор,
Водий бўйлаб ейилган донғи.
Яшнаб ётар чексиз пахтазор
Мардларининг йўқ асло тенги...

Мирмуҳсиннинг «Пушкин колхози» шеъри азамат деҳқонларимиз шаънига айтилган ана шу илиқ мисралар билан бошланади. Шеърда ҳар соҳада илғор колхоз деҳқонларининг ўз коллектив хўжаликларига улғу шоир номи қўйилганлигидан фахрланиш туйғулари, шоирнинг замонамизда ўлмас сиймолардан бири бўлиб қолганлиги поэтиклаштирилган.

Пушкин билан колхоз фахрланар,
Чунки, колхоз номи — ўлмас ном.
Ҳар хонадон ичра Пушкин юрар,
Ҳар деҳқонга Пушкин жонангон.

Шеърда колхоз клуби олдидаги гулзор ичига шоирнинг бронзадан ишланган баланд ҳайкали ўрнатилганлиги ҳам қайд этилади. Бу ҳайкал муаллиф ёдига Пушкиннинг «Халқнинг зиёрат йўлини майса — гиёҳ қилмас банд» мисраларини туширади. Шоир асари ниҳоясида Пушкин ҳайкалини жонлантиради:

Пушкин турар,
Мағрур...
Далаларда, мардларда кўзи.
Азаматлар билан фахрланар,
Чунки донгдор Пушкин колхози.

Абдулла Ориповнинг «Пушкин» шеърида «тирик олам»нинг буюк кўшиқчиси образи жонлантирилган. Шоир «осмон ва боғларнинг туташ сафи»даги ҳаммага «таниш ҳай-

кал»га мурожаат этиб, у билан қалбан сўзлашади.

А. С. Пушкин таваллудининг 175 йиллиги (1974) муносабати билан шеъриятимизда унга бағишлаб яратилган асарлар орасида Зулфиянинг «Пушкинга» ва Эркин Воҳидовнинг «Пушкин» сарлавхали шеърлари ажралиб туради.


Зулфиянинг «Пушкинга» шеърида мангу барҳаёт шоир образи Ойбекнинг биринчи шеъридагидай поэтик мурожаат усулида яратилган. Уқувчи ўзбек шоираси ўзининг «зукко муаллими», XIX асрнинг доҳий шоири билан курган самимий суҳбатини тинглаб, қалби ҳаяжонга келади, ўйлайди.

Юқоридаги шаҳодатномалардан маълум бўладики, ўзбек шоирлари ҳамisha барҳаёт шеърият доҳийсининг бадиий образини яратишда лойиқ муваффақиятларга эришганлар. Шеъриятимизда бу муътабар ва масъулиятли ишга қўл уриш 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган. Шеъриятимиз тараққиётининг бундан кейинги ҳамма босқичларида, гарчи кам бўлса-да, Пушкин мавзусида баркамол асарлар ижод этилган.

Лекин шеъриятимизда Пушкиннинг кўп қиррали характерини эпик ва лирик кўламда очишга қодир баллада ва поэма-ларнинг яратилмаганлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади.

Шубҳа йўқки, Пушкиннинг улкан ижоди қудратли Ватанимизда ҳар йили нишонланадиган Пушкин кунлари шоирларимиз қалбига илҳом оловларини ёқади ва биз унинг хилма-хил поэтик жанрларда қайта жонланган салобатли ҳамда нурли сиймосини кўришга мушарраф бўламиз.

Мурод ИБРОҲИМОВ.





ШЕЪРИЙ ҚИССА!

ИККИНЧИ ҚУШИҚ

I

Темурий наслининг буюк давлати —
Хуросон кўкида тутилди қуёш.
Шайбоний забт этди охир Ҳиротни,
Мирзолар бу элдан қочди олиб бош.

Шаҳар харобага айланди бутун,
Жабру жафо чекди аҳли шуаро.
Ҳирот элин бўлди толеи нигун,
Бу ҳолга ҳеч кимса топмади чора.

II

Бобирнинг бағри қон чархи фалақдан
Сўнгандай Темурнинг шуҳрат қуёши.
Бошпана излашиб Хуросон ёқдан
Афғонга келмакда жигар-қондоши.

Шайбонийнинг қўли устундир ҳамон,
Қиличи дамидан томади қонлар.
Бир кимса қўлида ўйинчоқ замон —
Саҳнида овора, садпора жонлар.

Бир ғазал тугамай ўзгарур олам,
Қайғу ҳоким бўлур севинч тахтига.
Шоир қўлларида титрайди қалам,
Қилич чанг солади ашъор бахтига.

Кобул аркин ташлаб чиқур Чорбоққа,
Сиқилган кўнгилга излайди даво.
Кимдир хиёбонда жўрдир «Чоргоҳ»га,
Табиат бу куйдан ошифта, аммо —

Шоир юрагида сўнгсиз ғалаён,
Ғазаб оташидан кўзида чақмоқ.
Ҳирот қўлдан кетди,
Кетди Хуросон,

¹ Боши журналнинг 6-сонига.

Навоий мулкига ёв қўйди оёқ!
Бу ҳолдан бетоқат,
Жонсарақдир қалб,
Сўнгги умид тоғи нураган янглиғ.
— Наҳотки, бош эгса ҳиротлик не алп,
Шайбоний кўксига санчолмаса тиг?!

Дунё ишларидин ўйга ботгунча,
Тилга кирсанг-чи, эй, юлдуз ва осмон!
Само бешигида ухлаб ётгунча,
Моҳтобим, не ҳолдир, хабар бер бу он?

III

Хазонга айланди не-не бўстонлар,
Не-не саҳнларда гуллади чаман.
Ҳаётдан кўз юмган шўрлик инсонлар
Умрининг давоми — фарзандлар шўх-шан.

Бир лаҳза тинмади йил деган дарё,
Ўзгармади ҳатто чархи фалак ҳам.
Ҳамон ўша қуёш, ҳамон шу дунё,
Ҳамон ўша ҳаёт, ҳамон ўша ғам.

Бобирнинг ўйлари бамисли сароб,
Ҳамон юрагида ҳижрон доғлари.
Булбул куйлар ҳамон гулни саҳарлаб,
Қуёшдай кулмайди висол чоғлари.

Шоир иншо айлаб кечмиш кунларин,
Назму наср билан бўлмиш овора.
Ялдо кечасидай узун тунлари
Дардига бир лаҳза тополмас чора.

Йигирма йилдирким, ёнди ватан деб,
Ватан деб, бечора бағрин тиглади.
Ўзга бир ватанда элнинг ғамин еб,
Ҳижрон тонги отмай, куйиб йиғлади.

От сурди неча бор Самарқанд томон,
Сайхун юзин, афсус, кўролмади ҳеч,

Фарғона васлига етмади ҳамон,
Гоҳи қўлда қалам, гоҳида қилич.

Самарқандга сўнг бор ўқиб ул видо,
Тоғлар қучоғини айлади макон.
Ҳарбу зарб тарихин этгали иншо,
Тошлар дафтарини очди бегумон.

Қўлга олиб охир болға, искана,
Тошга ўйиб ёзди дардларин Бобир.
(Шоир юрагидай бўлиб ғамхона,
Ул тошлар сақланар музейда ҳозир).

Умид гулшанлари бўлгандек пайхон,
Яна топди Афғон мулкидан паноҳ.
Ҳижрон дарёсида оқди беомон,
Юпата олмади кўнглини сабоҳ.

Боғу роғ қилса ҳам Кобул диёрин,
Фароғат топмади кўнгли ҳеч қачон.
Соғиниб она юрт сўлим баҳорин,
Ҳижрон кемасида оворадир жон.

Ҳамон юрагида мўл эди армон,
Ҳиндистон азмини истарди ҳар вақт,
Неча бор унда жанг қилган бўлса ҳам
Забт этиб ололган эмасди фақат.

Фарғона соғинчи,
Самарқанд зарби
Ханжардек санчилди Бобир қалбига.
Бир лаҳза тинмайин фалакнинг чархи,
Учради бағри тош қисмат қаҳрига.

Шул сабаб, ойсиз тун қўйнида танҳо
Бир мунгли ғазални этади такрор.
Кобулни тарк айлаб Бобир шу асно,
Ҳинд сари юрмакка қилади қарор:

«Келди ул вақтки, бошимни олиб кетгаймен,
Олам ичра оёғим етганича етгаймен.

Истарам ўзни азиз элга кўринмасликтин,
Неча ўзимни улус кўзида хор этгаймен?

Халқ юз жавр ила ишлар буюрур кош
элнинг,
Не юзин кўргаймену не сўзин эшитгаймен.

Ҳар сори борса бу девона кўнгул, айб
этма,
Ўйла девона эмаским ани беркитгаймен.

Дема Бобирга нетарсен бош олиб кетмакни
Тангрининг хости мундоқ эса мен
нетгаймен?»

IV

Ҳинд сари от сурди Бобир субҳидам,
Ҳинд сари юзланди ўн минглаб навкар.
Кўнглини тарк айлаб кетгандай ситам,
Музаффар қўшини елади девкор.

Отлар кишнашига тоғ берар садо,
Табиат қалбларга солар ғалаён.
Шарқ сари оққандай азим бир дарё,
Қудратли тўлқинда шовқину сурон.

Бобир навкарлари ўқтам ва девкор,
«Ҳайт» деса узғудай кўкдан юлдузни,
Бу йўллардан ўтди улар неча бор,
Жангларда билмайин кеча-кундузни.

Хожа Калон бўлиб қўшинга сарбон,
Бу гал ҳам барчани ундар зафарга.
Бобир қалбидеги аёвсиз ҳижрон
Дардлари сиғмайди ҳатто ашъорга.

Ҳиндуқуш тоғидан ошади девкор,
Кашмирни забт айлаб, елади олға.
Боболарин руҳи унга мададкор,
Панжоб ҳам Бобирга бўлур қўналға.

Олға даъват этиб марди майдонни,
Шоир Ҳинд сариға кетмоқда, ана!
Бошга кўтаргандай сўнгсиз осмонни,
Уфқсиз йўлларда елур мардона.

V

Понипат майдони...
Йиртиб тун чокин,
Кўзини уқалаб очар субҳидам.
Бобиршоҳ сўзлари бамисли чақин
Навкарлар қалбига сингмоқда бу дам.

«Тўлғама»¹ дарсини тинглар аскарлар,
Шамширлар ғилофда ухлар осуда.
Арава устида ўтли зарбзанлар²,
Эгарланган отлар учар «ҳайт» деса.

Бобиршоҳ сўзини қуйиб қулоққа,
Чаптаст кўмондонлар кутади фармон:
— Темур Султон бошлиқ лашкар ўнг ёқдин,
Сўл ёқдин Халифа, Мирзабек тархон.

Хожа Калон бирлан Муҳаммад Али
Олддин ғаним сари борур юзма-юз.
Зарбзанлар беаёв ўт сочин, бале,
Қуршаб олмақ даркор ғанимни шаксиз.

Бобиршоҳ элчисин Лўдига³ йўллаб,
— Жангсиз таслим бўлсин, — деб қилди огоҳ.
Агар рози бўлса, шоҳ ўзи қўллаб,
Бир умр қилмайди, — дегил, — дилсийҳ.

Элчини ҳайдади Лўди қалъадан:
— Ер-ла яқсон қилгум, — деди, — сизларни.
Бобир ғазабланиб бундай ғавғодан,
Қўшинни жангга чорлаб сўзларди:

— Лўдининг кимлиги барчаға аён,
Қурама навқари юз миңдин ортиқ.
Биздин ўн баробар зиёда душман,
Қисматимиз шу жангу жадалга боғлиқ.

Одам умри қисқа куш уйқусидай,
Азизлар, жанг чоғи эҳтиёт даркор.
Ким агар фурсатни қўлдин берса бой,
Боши ҳам таниға бўлмағай сардор.

Тагин аён бўлсин: Султон Иброҳим
Зулмидин ҳинд эли чекмоқда фиғон.
Ишрат бозорини қизитғон ҳоқим
Қиличи зарбидан томғай лахта қон.

Бир замон қийратғон эрди Афғонни,
Ҳиндустон қонини сипқорар бугун.
Ларзаға солғондай етти туманни,
Понипатда биздин талаб қилмиш хун.

¹ Бобирнинг жанг усули.

² Замбараклар.

³ Султон Иброҳим Лўди — Ҳиндистон подшоси.

Тангри ўзи сизга мадаккор бўлғай,
Юзингиз эл аро бўлмағай қаро.
Бошингизда зафар офтоби кулғай,
Ғаним лашкарларини қилғайсиз пора.

«Қуюн каби ғаним босиб келадир»,
Дея хабар берди соқчи ногаҳон.
Бобиршоҳ лашкарга фармон берадир,
Ун минг отлик навкар кўзғалар шу он.

«Ёху!»— дея қамчи босилар отга,
Бошларда ўйнайди музаффар шамшир.
«Тангрим, сафарим ол, — деб, — иноятга»,
Лўдининг устига от сурар Бобир.

Унгу сўлдан лашкар оқар тўлқиндай,
Кўкни қоплагандай янғрайди сурон.
Ғаним ҳам келмакда қора қуюндай,
Ганг тошиб кетгандай қирғоққа томон.

Лорсиллаган филлар елар ҳаллослаб,
Юз минглик лашкар-ла кўтариб тўзон.
Лўди қиличига аста босар лаб,
Ғанимдан жонимни сақла, деб омон.

Сўнгра жар солади кўтариб қилич:
— Дўстларим, кетмоқда «Хаёт ё мамот!»
Ғанимга омонлик бермангизлар ҳеч,
Ҳиндистон тиф узра турар омонат.

Бобиршоҳ бошини олиб келса ким,
Минг танга олтинни қилурмен эҳсон.
Бу муаззам жангда бўлсак гар таслим,
Қора либос кияр бутун Ҳиндистон.

Бобиршоҳ қўшинин олиб нишонга,
Қилич ялонғочлаб, ҳайқирад душман.
Филлар хартумини чўзиб осмонга,
Домига тортмоқчи бўлар беомон...

Хожа Калон сардор қўшин олдинда
От ўйнатиб елар ғаним қошига.
Оташин ҳайқириқ янграр қалбидан,
Асорат солгандай душман бошига.

Зарбзанлардан шу он сочилди олов,
Ногоҳ тушди ғаним бошига қирон.
Камондан отилди фаранг беаёв,
Майдонни қоплади шовқину сурон.

Зарбзанлар нелигин билмаган ғаним
Ҳалокат домида қолди бегумон.
Лўди елар ҳарён ҳовучлаб жонин,
Ғилай кўзларига қуйилгандай қон.

Бобир олға ундар не-не бургутин,
Қиличдан ўтказар навкарлар ёвни.
Сўндир олмасдан зарбзанлар ўтин,
Ғаним зўрға тутар қўлда яловни.

Унгдан Темур Султон, Мирзо Ҳумоюн
Лашкари ғанимга солади ғавғо.
Сўл ёқдан Халифа, Мирзобек тархон
Қўшини келтирар ғанимга бало.

Уммондай чайқалар сўнгсиз Понипат,
Самони қоплайди тўзон ва қуюн.
Зарбзандан сочилар ғанимга офат,
Шердай ҳамла қилар чаптаст Ҳумоюн.

Чўққи узра қўнган сорбургут мисол
Яна узангида унинг оёғи.
Отаси қошида бўлмай, деб ўсал,
Ҳавода ўйнатар оямос яроғни.

Бошида ярақлар пўлат дубуяга,
Олмос кукрагида тиф ўтмас қалқон.
Саман тулпор узра елади олға,
Ҳаттоки, кўзига кўринмайди жон.

Қора кўзларида чақнайди ғазаб,
Буғдой ранг юзида қатра-қатра тер.
Бедови кишнайди сувлиқни чайнаб,
Қўлида қон билан бўялган шамшир.

Қуршовда қолгандай ҳоли бўлиб танг
Ҳалокат домида жар солар Лўди.
Чекинмоққа эса йўл топмай гаранг,
Ўз тўрига тушган ўргимчак худди.

Ўзга бир ўлка деб икки жаҳонгир
Понипат ёнида келди юзма-юз.
Одамзод дунёга тўймай бир умр
Қон тўкиб дунёдан кўз юмар, афсус.

Не гуноҳ бор ахир Ҳинд тупроғида
Оёқлар остида топталди нуқул.
Баҳорни кашф этган Ганг қирғоғида
Одамзоднинг қони тўкилди буткул.

Ҳиндлар ўз юртига ўзи бўлиб хон
Фароғат мулкида олганда нафас.
Унга лашкар суриб келди-ю Султон¹
Ўз юртин ўзига айлади қафас.

Иброҳим Лўдини қилгали яқсон
Бугун яна унга от сурди Бобир.
Ким дўсту ким душман, билмай Ҳиндистон
Қонли жанг тугашин кутар бесабр.

Бир лаҳза тинмади қонли ҳарбу зарб,
Силласи қуриди Лўди лашкарин.
Ҳаётга алвидо айтгандай не мард,
Кўз юмар чоғида ўпди ханжарин.

Зарбзанлар тимсоҳдай пуркарди олов,
Филлар ҳам гурсиллаб қуларди тикка.
Жангчилар билмасди не экан аёв,
Қора дуд илондай ўрларди кўкка.

Унгу сўлдан мағрур ўйнатиб қилич,
Бобирийлар қуршаб олди душманни.
Ғаним иложини тополмағач ҳеч,
Оқибат, бош эгди, асрай деб жонни.

Понипат ёнида бўлди қаттиқ жанг,
Бундай жанг бўлмаган Ҳинд ватанида.
Тушга қадар давом этди ҳарбу зарб,
Лўди ҳалок бўлди жанг майдонида.

Ярим кун музаффар жанг қилиб Бобир,
Лўди лашкарини айлади тор-мор.
Аграю Деҳлини забт этиб охир,
Янги бир салтанат қилди барқарор.

VI

Агра ҳансирайди ёз оташидан,
Анқонинг уруғи-ғир этган сабо.
Тунда ўт чақнайди ҳатто тошидан,
Ҳавосига одам чидолмас асло.

Боғу роғдан сира кўринмас асар,
Жамна соҳилида урса-да жавлон.

¹ Султон Иброҳим Лўди.

Гул олиб келса ҳам саҳнига баҳор,
Саратон бир кунда этади хазон.

Ҳиндистон элида Бобир оқибат
Бу шаҳри оташни айлади макон.
Узининг мулкига қилди-ю, пойтахт,
Умид кемасида ором топди жон.

Хаёл боғи ичра сайр этиб шоир
Тунла режа тузар шам ёғдусида.
Лекин дўст-ёрлари кўникмай, бир-бир
Кобулни ёд айлар кетмак қасдида.

Бир куни шом чоғи улар Бобирга
Кўнглидаги гапни қилишди баён:
— Энди қололмаймиз сиз билан бирга,
Аграни тарк этмак лозимдур, султон.

Бобирнинг фиғони чикди фалакка,
Дўстларин жам айлаб, этди насиҳат.
Таскин берса ҳамки сўзи юракка,
Бу элда қолмоқлик оғир-ди ғоят:

— Салтанат бўлмағай навкарсиз асло,
Гар навкар бўлмаса, жаҳонгирлик ҳам.
Ут десам, ўтга ҳам кирдингиз хатто,
Ҳарбу зарбда доим эдингиз бардам.

Катта бир давлатга бўлиб муяссар,
Энди кимга ташлаб кетурсиз уни?
Кобулда тангдастлиғ кўрсатур асар,
Сўнг афсус қилурсиз эслаб бу кунни.

Вале ким Аграда этмаса тоқат,
Кобулга кетмакни қилсин ихтиёр.
Сўнг эрса кутмасин биздин иноят,
Борган изидин ҳам қайтмасин зинҳор!

Сукут ичра қолди бегу навкарлар,
Барчанинг бошида чигал муаммо.
Қалбида Кобулнинг соғинчи борлар
Бобирни тарк этиб кетолмас асло.

Фақат Хожа Калон, сардори навкар
Бобирга ўз дардин айтди пинҳона.
(На фақат сардордир, дўсти-биродар,
Ҳамқалам азизи, сирдоши яна):

— Шаҳаншоҳ, неча йил бўлдим хизматда,
Ярим умрим ўтди жанг билан нуқул.
Тангдастлиғ кўрмадим, бўлдим иззатда,
Энди юрт васлини кўмсади кўнгил.

Илгимдин тушмади қилич ва қалам,
Қон тўқдим, юрт олдим ва битдим ашъор.
Бу дунёга устун бўлғай қай одам,
Қай кимса ғурбатда бўлур бахтиёр?

Андижон муяссар бўлмаса агар,
Шамоли эсар-ку Кобул сорига.
Ҳинд мулки тўкса ҳам бошдин сийму зар
Кетмоғим лозимдир Гангдин нарига.

Оқ фотиҳа тилаб, берсангиз рухсат,
Қошингизга келгум мушқул туша гар,
Кўнглингизга чангал солмасин ғурбат,
Сиз бирла бу олам бўлсин мунаввар.

Бу ҳолдин қайғуга юз тутди Бобир,
Кўзида бир томчи ёш бўлди пайдо.



Дўстидан бу гапни кутмовди ахир,
Не учун юз берди бундайин савдо?
Ахир, Хожа Калон Аграга қадар
Зафарга ундади ҳар бир навкарни.
Мардона сўз айтиб доворак сардор,
От устида битди не-не ашъорни.

Аграни забт этгач ўзгарди бироқ,
Рухин туман қилди Агра ҳавоси.
Кўнгли ёримади ёқса ҳам чироқ,
Айрилиқ дардининг йўқдир давоси!

Унга ризо бўлди оқибат Бобир
Ва ҳадя айлади соға-ю салом:
— Афғонда бўлманг деб бекам, бекадр,
Ғазна-ю Кобулни қилғаймен инъом.

— Тангри, мартабангиз айласин баланд,
Олингу олдирманг бу дунёда ҳеч.
Йўл узоғу кўнгил яқиндир гарчанд,
Хабардор бўлғаймен сиздин эрта-кеч.

Сўнг бор хайрлашди икки қадрдон,
Оқ йўл тилаб қолди ғам ичра Бобир.
Навкарини бошлаб, Кобулга шодмон
Хожа Калон кетди Аградан охир.

Ва лекин уйининг иморатига
Бир байт шеърни битиб кетибди Калон.
Ҳайрон қолиб унинг бу одатига,
Дили сиёҳ бўлди ўқиб Бобирхон:

«Агар бахайру саломат
гузар зи Синд кунам
Сиёҳ рўй шавам,
гар ҳавои Ҳинд кунам»¹.

Игнадай ботди бу Бобирга ногоҳ,
Садоқатли дўстан топгандек озор.
Уни ҳам бу ҳолдан этгали огоҳ,
Бир рубоий ёзиб, юборди ичор:

¹ «Агар соғ-саломат Синддан ўтиб кетсам, Ҳиндистонни яна ҳавас қилсам, юзим қаро бўлсин».

«Оз шукур де, Бобирки, кариму Ғаффор,
Берди сенга Синд Ҳинду мулки бисёр.
Иссиқлигига гар санга йўқтур тоқат,
Совуқ юзини кўрай десанг Ғазна бор».

VII

Ҳиндни тарк айлагач Хожа Калонбек,
Бобир бу диёрдан излади дўст-ёр.
Ҳеч кимса қилмади жафо анингдек,
Ҳиндлар бўлди унга содиқ биродар.

Тору мор айлагач Рано Сангони,
Қошига чорлади ҳинд умаросин:
— Тангри берди менга катта дунёни,
Энди рози қилсак ҳинд фуқаросин.

Ғайри динмиз, лекин топилғай чора,
Мендин жабру жафо кўрмас ҳалойиқ.
Сиз агар жонимга кирсангиз ора,
Иш тутсак, ҳиндларнинг кўнглига лойиқ.

Бунда оқар сув йўқ, йўқдир боғу роғ,
Тошқин Жамна оқиб ётур бефойда.
Экинсиз мунғайиб ётибди тупроқ,
Дарахт ҳам кўкармас суви йўқ жойда.

Нафасни қисади Агра ҳавоси,
Дехли, Диболпурда салқин жойлар кам.
Ариқ қазмоқ эрур бунинг давоси,
Юрт боғу роғ бирлан бўлғуси кўркам.

Ҳаммом бунёд қилсак Дехли, Аграда,
Ҳовузлар қазисак, айласак гулзор.
Қовунлар кўрк берса бизнинг давраға,
Муסיқа сеҳридин маст бўлса диёр...

Бобиршоҳ сўзларин мағзини чақиб,
Ҳайратланиб қолди ҳинд умароси.
Эзулик дарёсин бағрида оқиб,
Жилмаиди Сингх отлиғ бир ҳинд рожаси:

— Ақл бовар қилмас антиқа режа,
Жон-жон деб бош қўшар бунга халойиқ.
Не шоҳлар олмади бу элдин ўлжа,
Ҳеч қайси бунақа иш тутгани йўқ.

— Ҳақ гапни айтдингиз, офарин юз бор,
Бу элда сизларсиз иш тутмоқ мушкул.
Саройға ҳиндлардин вазира даркор,
Айтингиз, қай кимса бўлғуси маъкул?

Бачча ўйга чўмиб, жим қолди бир оз,
Сукунатни бузди Ананд ногаҳон.
Ҳеч кимда бўлмаса агар эътироз,
Шайхора! бу ишда фидо этар жон.

Ҳамма бош ирғади дегандай маъкул,
Бобиршоҳ чиройи очилди яна.
— Тагин бир кимсани сайлангизлар, ул —
Фуқаро бошида бўлсин парвона.

— Дехлилик Кришнан бўлса, қандоқ соз,
Беш кўлдай аёндир унга Ҳиндистон.
Барча маъкул дея чиқарди овоз,
Бобиршоҳ ўрнидан турди-ю шодмон,

Қошига чорлади уларни шу чоқ,
Вазирлик хилъатин илди эгнига.

Муборакбод этиб, очди кенг кучоқ,
Кўҳак бош қўйгандек Ҳинднинг Гангига.

VIII

Жамна ёқасида кўркам бир бино,
Самога қўл чўзиб, тикламоқда қад.
Меъморлар тиним не, билмайди асло
Ҳиндистон мулкини қилгали обод.

Меҳнат тешасини олиб навкарлар
Тош йўнар, ғишт қуяр, қуяр иморат.
Ҳиндларни қошига чорлаб меъморлар
Наққошлик илмидан ўргатар савод.

Ҳинд ўзбек бир она фарзанди гўё,
Бу бино қошида фидо қилар жон.
Меъморлар бахтига қулгандай дунё,
Бунда тер тўкади форс ила афғон.

Иморат ҳолидан олгали хабар,
Меъморлар олдига келади Бобир.
Ҳиротлик кўли гул уста Мир Зафар
Шоҳга пешвоз чиқиб, жимаяр масрур.

— Ҳорғин кўринасиз, ҳолингиз нечук,
Уч-тўрт кун дам олинг «Хилватхона» да,
— Шаҳаншоҳ, дарвоқе, ҳориғаним йўқ,
Бир йигит кучи бор ҳали танамда.

— Офарин, Мир Зафар!
Тангри ёр бўлсин,
Мадраса кўрмоқ ҳам зиммангизда бор.
— Ҳар ишга тайёрмен, кўнглингиз тўлсин,
Қўлимдан не келса, қилурмен зинҳор.

— Сизга мунтазирдир Наврўз айёми,
Иморатни қачон этурсиз эҳсон?
— Энди етилмоқда ишнинг қиёми,
Ун беш кун ичида битур бегумон.

— Наврўзга халойиқ келур қишлоқдин,
Дехли-ю, Жайпурдин йўлга тушган мўл,
Овора бўлмасин келиб йироқдин,
Бошпана излашиб юрмасин нуқул.

Тезроқ битса создир мусофирхона,
Ҳаммомни туширмоқ даркордир ишға.
Кўмак лозим эрса йўллайин яна,
Наврўз кун қолманг тагин ташвишға.

— Сиз айтгандай бўлур барчаси, шоҳим,
Икки кун олдинроқ қилурмен ҳадея.
— Тангри, сиздай зотни кўлласин доим,
Мушқулингиз осон қилсин бу дунё...

Бир ҳафта бинога берилди пардоз,
Мусофир қалбига берсин, деб сафо.
Меъморлар отини қилди сарафроз,
Латофат кўшкига маҳлиё дарё.

Тош иморат саҳни сўлим, ҳам кўркам,
Сарҳовуз бўйида мажлиси толор.
Биёна тошидан қурилган ҳаммом,
Жисмингда қолдирмас заррача ғубор.

Ҳинд эли бунақа оромбахш, зебо
Боғу иморатни кўрмаганди ҳеч.
Унга «Кобул» дея ном этиб ато,
Бобир кўзларида балқирди севинч.

¹ Файласуф, ҳиндистонлик машҳур олим.

¹ Бобир бунёд қилган боғ.

Аграни этгали шаҳри фароғат,
Гулзорда булбулни қилгали меҳмон.
Оташ чехрасига бериб тароват,
Бағрида қургали ҳавзи мусамман,

Шому саҳар Бобир жон этди фидо,
Ариғу каналлар қаздирди нуқул.
Боғлар бахш этсин деб дилларга сафо,
Боғи Оромни ҳам бунёд қилди ул.

Бобирнинг қошига Ҳинду Афғондан,
Хуросондан келмиш аҳли шуаро.
Мовароуннаҳру, Чин, Бадахшондан
Келганлар толеи бўлмади қаро.

Кимда-ким бу элдан излади паноҳ,
Умид гулшанлари бўлмади пайҳон.
Бобиршоҳ қошида зарра чекмай оҳ,
Ҳинд мулкин бахти-чун фидо этди жон.

IX

Шаҳаншоҳ саройи...

Олтин қуббалар
Куюш зиёсида товланар ял-ял.
Нақшин устунларда ўйнар шуълалар,
Рангдор деворларда антиқа сайқал.

Супада хонтахта, довоту девон,
Беқасам тўшағу парку болишлар.
Жўшқин мушоира этади давом,
Шоирнинг шаънига ёғар олқишлар.

Хондамир, Фориғий Бобир қошида,
Улардан йироқда энди Хуросон.
Ҳиротдан қувилган зотлар бошида
Паноҳ бўлиб турмиш бугун Ҳиндистон.

Хондамир бошида кумушранг салла,
Қордайин оппоқдир чўққи соқоли.
Нуроний юзида чигал бир савдо,
Кўнглида очилар тарихнинг фоли.

Манглайида йиллар нурли излари,
Пайғамбар ёшидан сўзлайди гўё.
Мунглироқ кўринар сўлғин юзлари,
Бошига не кулфат солмади дунё.

Навоий ҳаётга ўқигач видео,
Доно ақл милтиллаб қолди шам янглиғ.
Тарих деб жонини этса ҳам фидо,
Бошига Шайбоний кўтарибди тиғ.

Бобиршоҳ қошида топиб бошпана,
Ҳиндга бахш этмоқда қарилик фаслин.
Тизгинсиз тарихга қўл уриб яна
Яққалам этмоқда ғавғоли асрин.

Бобиршоҳ вазири, олим Шайхора
Кўнглига шеър баҳси беради ором,
У сайр этгандай чаманлар аро
Ўзин бу даргоҳда сезади хуррам:

«Бобир, неча бу даҳр мени зор айлар,
Сабримни каму ғамимни бисёр айлар.
То даҳрдурур будур анинг расмиким,
Айриб кишини азизидан хор айлар».

Хондамир қалбидан алам хитоби
Чақиндай чақнайди даврада шу дам:
— Бу дунё савдосин йўқдир ҳисоби,
Тарихга айламак керакдир рақам.

Бобиршоҳ қошига келиб шу маҳал,
Таъзим бажо айлаб, боқар мулозим.
— Сўйла, не гап?
— Шоҳим, йўқлар бир аёл,
— Ҳузуримга дарров киритмоқ лозим.

— Хўп, шоҳим!— таъзим-ла қайтар
мулозим,
Бобиршоҳ кўзида тубсиз бир хаёл.
Ҳинд аёли келиб қилади таъзим,
Қарашида унинг ғамгин бир савол.

— Арзинг айт, бошинга тушди не савдо?
— Етим бўлиб қолди уч болам, шоҳим.
— Қачон жудо қилди ёрингдин дунё?
— Понипат жангида. Ким тинглар оҳим?

Бобиршоҳ бошида ялт этиб чақмоқ
Қалбига урилди унинг чақини.
Муздай тер танини босди-ю шу чоқ
Кўзида акс этди афсус ёлқини.

Қошларин чимириб ботди хаёлга,
Бир-бир варақланди умр дафтари:
«Орт олмоқ қасдида тушдим не ҳолга,
Диёр деб тоғ-тошда кездим сарсари.

Жангу жадалимнинг йўқдир ҳисоби,
Дунёдин кўз юмди нечоғлик инсон.
Кўнглимни эзса ҳам мунгли хитоби,
Замон зайли бирлан тўқдим қанча қон.

Қанча фарзанд бўлмиш отадин жудо,
Кимларнинг кўз ёши оқмади чак-чак?
Мени афв этгайми тангри-таоло,
Чаппа айлансангчи, эй чархи фалак?..»

Зор-зор йиғласа ҳам шоирнинг кўнгли,
Кўзига томчи ёш келмади, афсус.
Бу дунё савдосин борми, деб сўнги,
Хондамир юзига термулар маъюс.

— Мавлоно Хондамир, айланг яққалам,
Энди жангсиз ўтар дунёдин Бобир.
Аллома Шайхора, вазири аъзам,
Фуқаро аҳли-чун тайинланг нозир.

Муштипар онага бўлинг кўмақдош,
Ер беринг, сув беринг, беринг бошпана.



Хазинадан беринг нафақа, уст-беш,
Зор йиғлаб ўтмасин бечора она.

— Тангри сени доим қўлласин, шохим,—
Дея аёл қўлин очди дуога.
Аёлниг изидан термилганча жим,
Ғамгин термиларди Бобир дунёга.

Х

Ҳижрон дарди барча дардлардан ёмон,
Топилмагай, дўстлар, унинг давоси.
Гулдек рангингни ул айлайди сомон,
Қор қилмас ўзга юрт боди-ҳавоси.

Йироқларда қолиб она диёрдан,
Нашъу намо топмас кўнгил ҳеч қачон.
Қўёшга интизор бўлиб сахардан,
Оқшом зулматини кўрасан ёмон.

Бобиршоҳ айрилиқ домига тутқун,
Арзу ҳол айлайди шеър билан нуқул.
Андижон васлисиз ўтказди тун,
Гул ҳажрида ёниб ўтгандек булбул.

Жисмида жанг қилар оғир бетоблик,
Рухида — қаноти қайрилган хаёл.
Жонини қийнайди тунги беҳоблик,
Деразадан боқар дардсиниб ҳилол.

Узун кечаларда уни юпатиб,
Тонг сари етаклар оташин илҳом.
Шоирнинг қалбидай тинчин йўқотиб,
Сокин шивирлайди дилпора қалам:

«Кўнглимда ўту икки кўзимда сувдир,
Мен хастага раҳим қилки ҳолим будур.
Ғам кундузим фироқ шони янглиғ,
Туну кун менга не қарору не уйкудур».

Ҳуמוюн тун бўйи бўлиб парвона,
Бир лаҳза жиямайди ота қошидан.
Шифобахш сўз айтиб унга мардона,
Ғамни аритмоқчи бўлар бошидан.

Маъсума бегим ҳам ҳовучлаб жонин
Шаҳаншоҳ дардига излайди чора.
Кобулдан чорлатиб Ҳиндол, Камронин,
Уйқу не билмайди тунлар бечора.

Шайх Зайн, Юсуфий ором на билмас,
«Қуръон» ўқиб тўкар кўзин нурини.
Ҳажонгир Мирзо ҳам қошидан жилмас,
Хондамир, тангридан тилар умрини.

Бобирга парвона дўсту қадрдон,
Не деса, муҳайё бўлғуси бари.
Бошида турса ҳам мулки Ҳиндистон,
Қалбига тиғ урар ҳижрон ханжари.

Деворда осиглиқ қамчи ва камон,
Ота мерос қилич, қалқон, дубулға.
Шаҳаншоҳ мунғайиб боқар бедармон,
Энди мадад бўлмас ҳеч бири дилга.

Не савдо кечмади бошидан, бари
Тасбеҳ ўгиргандай ўтар хотирдан.
Жабру зулм ўтказса ҳижрон лашкари,
Фалақдан дод демай, нетсин Бобирхон:

«Бир кеча хотирим мушавваш эрди,
Кўзда сув, кўнглум ичра оташ эрди.

Даҳр ишидин фиғон қилур эрдим,
Хотиримни ёмон қилур эрдим.

Дер эдим, эй вафоси йўқ золим,
Зулмдин етти ўлғали ҳолим.

Ғар мен ўлтургулукмен, ўлтургил,
Йўқ эса сўргулик эмас, сўргил.

...Ота тахтида фориг ўлтурдум,
Бал отам кўрмагани мен кўрдум.

Олти ой ичра олти тахт олдим,
Етти иқлима балки кўз солдим.

Дедим, эмди муродима еттим,
Билмадимки ғалат хаёл эттим.

Ишрату айш вақти етган чоғ,
Меҳнату ғусса оти итган чоғ,

Яна маҳруми хонумон қилдинг,
Яна овораи жаҳон қилдинг.

Давлату тахту иззу шоҳ қани,
Ҳамдаму ҳамнишинлар, оҳ қани?

Бу нечук зулмдур ниҳоят йўқ,
Бу на янглиғ ситамки ғояти йўқ.

Не қилай, не кишидин истай дод,
Кимга даҳр илгидин қилай фарёд...»

Ғазна-ю Бадахшон, Ҳинд ила Афғон,
Сарафроз қилса ҳам Бобир номини,
Ғанимлар қўлида қолган Андижон
Унга тутолмади висол жомини.

Писта дарахтидан қилинган камон,
Ва қамчин дастаси — юртидан ёдгор.
Ота қиличига сиғинар ҳамон,
Бошга кўйиб ётар, тунлари бедор.

Жонга малҳам бўлмас дўст-ёр суҳбати,
Фарғона соғинчи — давосиз бир дард.
Энди қизиқтирмас шоҳлик хилъати,
Гадо бўлса рози унда бу жўмард.

Андижон ҳавосин, Норин жамолин,
Қува анорини қолган соғиниб.
Оқ ятакли ўзбек иссиқ саломин —
Кўмсайди, тун бўйи шеърга сиғиниб:

«Ҳижрон қафасида жон қуши дом қиладур,
Ғурбат бу азиз умрин кам қиладур.
Не навъ битай фироку ғурбат шарҳин,
Ким кўз ёши номанинг юзин нам қиладур».

XI

Жамна соҳилида гул Боғи Ором,
Анвои дарахтлар ташлаган соя.
Гул ҳажрида булбул куйлайди нолон,
Оқ мрамар фаввора сўйлар ҳикоя.

Сарҳовуз бўйида қуриб чордона,
Хонтахтага бир оз энгашган Бобир.
Зарварақ қошида бўлиб парвона,
Бир ғазал ишқида ёнади шоир:

Бошида товланар ҳаво ранг салла,
Эгнида Кобулда тиктирган хилъат.
Қоп-қора соқолни сийпалар сабо,
Қора кўзларида сўнгсиз хаёлат.

ШЕЪРИЙ ҚИССА

Оқ мағиз юзида бетоблик акси,
Айрилиқ дардлари оташ кўнглида.
Лабларин тарк этган табассум рақси,
Чеҳраси ўхшайди унинг мунглига.

Қоғоздан бошини кўтариб аста,
Булбулнинг ҳолига боқар паришон.
Булбул ҳам юрт мадҳин куйлайди хаста,
Саҳардан то оқшом, бағри бўлиб қон.

Шоирнинг қошига келиб боғбон чол,
Илтижо кутгандай; қилади таъзим:
— Сўйланг, юртда яна юз берди не ҳол,
Кўнглунгиз безовта нечук, азизим?

— Икки ошиқ йўқлаб келибди сизни,
Кўнглидаги дардни этмоқчи баён.
— Ҳузуримга чорлағ икки юлдузни,
Зора мушкулини қилолсам осон.

Боғбон чол ошиқар дарвоза томон,
Шаҳаншоҳ изидан жилмаяр хушҳол.
Йигит билан қизни бошлаб шу замон,
Сарҳовуз бўйига олиб келар чол.

Шоҳга таъзим этар икки навқирон,
Сайри боғ этгандай севги ёшида.
Қалбларда муҳаббат кўтариб сурон,
Кўзлари мўлтирар шоир қошида:

— Марҳабо, ошиқлар, ўзи не савдо,
Тортинмай, ҳолинғиз қилинғиз баён?
Ошиқлар ўнгиди ёришиб дунё
Хаёл қушин кучар мусаффо осмон.

Кифтидан босгандай ғам тоши гўё,
Арзи ҳол айлайди йигит бечора:
— Шаҳаншоҳ, сўзларим эмасдир рўё,
Пешонам шўр экан, толеим қаро.

Асли афғон эрур насли-насабим,
Лекин камол топдим Ҳинд тупроғида.
Сизга ростин айтсам, севгим сабабин,
Ҳинд қизин учратдим Жамна боғида.

Уша кундин буён йўқ менда ором,
Унутиб қўйганмен тунлар уйқуни.
Мана шу гулрухсор қалбим этиб ром,
Менга раво кўрди ўтли қайғуни.


Отам ҳам, онам ҳам, нетай фуқаро,
Ҳеч ерга етмайди қўлини чўзса.
Кун ўтса, эртани ўйлар бечора,
Мол-ҳоля йўқ мулкдордин қарзини узса.

Ва лекин бўлмади мушкулим осон,
Дин солди ўртага хунхор шамширин.
Бир мулкдор қизига фидо этиб жон,
Билолмасдин доғмен дунёнинг сирин.

— Йигитнинг сўзлари ҳақми, Гуландом?
Бобир ҳинд қизидан сўради савол.
— Ҳақ эрур, биргина айби шу — афғон,
Фуқаро бўлган-чун топмоқда завол.

Отам мулкдор, унда йўқдир андиша,
Менинг юрагимга қудоқ солмас ҳеч.
Эрта-ю кеч динни қилмоқда пеша,
Дод десам, бошимда ўйнатар қилич.

Сиз шоир одамсиз, эшитдим элдин,
Юрт ҳолин ўйлаган фуқаропарвар,



Оҳимиз тутундек чиқмасин дилдин,
Толеимиз қаро бўлмасин зинҳор.

Ошиқлар бошини силаган янглиғ
Шаҳаншоҳ сўзлайди босиқ, мулойим:
— Муҳаббатга ҳеч ким кўтаролмас тиф,
Худойим қўлласин сизни, илоҳим.

Азизлар, муҳаббат танламас одам,
Бойлик ҳам бир пулдир севги олдида.
Унга ғов бўлолмас ҳаттоки дин ҳам
Ишқ олови ёнса ошиқ қалбиди.

Эртага падари бузрукворингиз
Рози қилажакмен саройга чорлаб.
Дилда қатъий бўлса аҳд-қарорингиз,
Катта тўй қилурмиз сизни ардоқлаб.

— Қуллуқ, шаҳаншоҳим, сира бўлманг
кам,—

Таъзим ила қайтур икки навқирон.
Бу эзгу севгини этгандай рақам,
Шоир қалбиди шеър кўтарар тугён:

«Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидур.
Яхши киши кўрмагай ямонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ямон бўлса, жазо топқусидур».

Атиргул саралаб гулзордан шу чоқ
Маъсума келади Бобир қошига.
Янги бир ғазалга бўлса-да мушток:
— Не савдо тушмиш, дер, ёшлар бошига?

— Муҳаббат савдоси яна, азизим,
Бу юртда ҳар элдин келган одам мўл.
Фароғат нелигин билмайсен бир зум,
Элни тинчитмаклик ғоятда мушкул.

— Узни бардам тутинг, чекманг бунча ғам,
Унутилиб кетар бу кунлар албат.
— Ҳаяллаб кетдингиз мунчалар, эркам,
Кўзларим тўрт бўлиб, тоқ бўлди тоқат?

— Халал бермай, дедим, бандсиз ниҳоят,
Кўнглим орзуманддир янги ашўрга?
— Муҳаббатдин сўйлаб сирли ҳикоят,
Бир ашўр бахш этдим сиздайин ёрга:

«Сен гулсан, мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласену ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат йўқтур деб ижтиноб айламаким,
Шоҳмен элга, вале сенга қулдурмен».

XII

Боғи Зарафшонда фасли хазондур,
Япроқлар тупроқни қилурлар маскан.
Гулларнинг ол ранги нақ заъфарондур,
Муз солиб қўйгандай ҳавзи мусамман.

Шоир хаёллари паришон, тарқоқ,
Қора кўзларида ҳасрат нигоҳи.
Жисм аро жонида аёвсиз қийноқ,
Тошларни эритур дилдаги оқи.

Чархи кажрафтордан ўкинч, надомат, —
Фиғон лашкарига тутқундир юрак.
Ҳарбу зарб бобида келса-да омад,
Диёр васли ҳамон хаёлий эртак.

Қуёш ҳам ботмоқда ўқиб бир варақ,
Умр деб аталган ғамли дostonдан.
Шоирнинг қалбидан қон оқар чак-чак,
Куз ногоҳ баҳорни қувғач бўстондан.

Зиёфат чироғи сўнди боғ аро,
Қалбларга ғам чўғин ташлади лекин.
Бобир тополмасдан дардига чора,
Зарафшон саҳнида дилхаста бу тун.

Дўстлар Андижондан — она диёрдан
Қовун олиб келмиш, йўл босиб узоқ.
Мирзо Бобир чиқсин дея хумордан,
Уни эҳсон этмиш шоирга қувноқ.

Кўзларига суртиб совғани Бобир,
Ватани шаънига берди зиёфат.
Боғ аро янгради қўшиқ, наво, шеър
Қилгандай шоирнинг юртин зиёрат.

Қовунни сўйди-да шоир авайлаб,
Аҳли зиёфатнинг қўйди олдига.
О, бир тилимга текизганда лаб,
Ҳижрон урди тиғин мажруҳ қалбига.

Тарк этди зиёфат аҳлин ўшанда,
Хилватга чорлади яна Зарафшон.
Беҳзоднинг қалами бўлсайди менда,
Шу лавҳа эл аро бўларди дoston:

Қуёшни узатар шоир боғ аро,
Ёлғизлик шомида ўртанади қалб.
Ёз фаслини истаб, дил бўлиб адо,
Бир ноёб ғазалга аста очур лаб:

«Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг суҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг
кайфияти.

Ёз фаслида чоғир ичмакнинг ўзга ҳоли
бор,
Кимга бу нашъа муяссар бўлса, бордур
давлати.

Ишқ дардини чекиб ҳар кимки топса васли
ёр,

Ул замон бўлғай унут юз йилғи ҳижрон
шиддати.

Дўстларнинг суҳбатида не хуш ўлғай баҳси
шеър,

То билинғай ҳар кишининг таъби бирла
ҳолати.

Ғар бу уч ишни мувофиқ топсанг ул уч
вақт ила

Мундин ортиқ бўлмағай, Бобир,
жаҳоннинг ишрати».

Бул уч саодатдин тополмай роҳат,
Жаҳон ишратидан бўлгандай маҳрум,
Ҳижрон шиддатида чекса-да фарёд,
Ёлғиз шеър безади Бобирнинг умрин.

Ҳумоюн келади қошига дилхун,
Юпатмоқ бўлади бузрукворини.
Ўғлининг кўксига бош қўяр беун,
Айтолмас дилдаги аҳд-қарорини.

«Ҳинд мулкин тарк айланг энди, отажон,
Кобул сари сафар этмоғлик даркор.
Сизга мунтазирдур ахир Хуросон,
Самарқанд забтига шай эрур навкар».

Ҳумоюн сўзидан бўлса-да мамнун,
Хасталик қўймайди бермакка жавоб.
«Ўғлим, мени ёлғиз қолдиргин бу тун,
Суҳбатдошим бўлсин бу оқшом сароб».

«Тунингиз хайрли бўлсин, отажон,
Субҳида кўрмакка кўнглим орзуманд».
Хайрли тун сенга, ўғлим Ҳумоюн,
Комрону Ҳиндолга кўнглим илҳақ, банд».

Ўғлининг изидан термулар ўйчан,
Умринг узоқ бўлсин, дейди, илоҳим.
Сени ҳам Ватандин айирдим, нетай,
Тангри кечирарми менинг гуноҳим.

Хаёл кемасида сузади яна,
Ҳумоюн фикридан топар тасалли.
— Васлингда йиғлатдинг, мулки Фарғона,
Аро йўлда қўйдинг, замоннинг зайли!

Муяссар бўлмасин тахтинг, Фарғона,
Тўрғайдай бўзлайн майли чўлингда.
Сенга етсам — шудир бахтим, Фарғона,
Қалбим пора бўлиб қолган йўлингда.

Олтин сарой ичра сургунча даврон,
Тоғларингда эркин қуш бўлсам, кошки.
Мен гўё васлингда адо бўлган шам,
Чеккан барча ғамим туш бўлса, кошки.

«Даврон мени ўткарди сару сомондин,
Айирди бир йўла мени хону мондин.
Ғаҳ бошимга тож, ғаҳ балойи таъна,
Неларки бошимга келмади даврондин...»

Юлдузлар кўзида милтиллайди ёш,
Кўнглин синдирар моҳтоб нигоҳи.
Қора либос ичра ётар тоғу тош,
Қора тун кечмишин бўлиб гувоҳи.

Хаёл дафтарига битиб бир ашъор,
Бобир ҳижрон дардин айлар омухта.
Бу — ашъор вазнида қисмати душвор
Ва қисса сўнгига қўйилган нуқта:

«Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сари ўз ихтиёрим бирла,
Ва лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Толёй йўқ, жонимга балолойғ бўлди,
Ҳар ишниким айладим — хатолийғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сари юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролийғ бўлди.»

ХОТИМА

Бу дунёдан ўтди не-не жаҳонгир,
 Ҳеч бири бўлмади дунёга устун.
 Ҳаётга алвидо айтишиб бир-бир
 Қаро ер бағрида ётишар бугун.

Искандар чанг солиб етти иқлимга,
 Юнондан от сурди Ҳиндистон қадар.
 Доро бало тошин отмади кимга,
 Қонли қўлларида ўйнатиб ханжар.

Қутайба жар солди мисли аждаҳо,
 Тириклай домига тортиди инсонни.
 Чингизхон зулмидан Урта Осиё
 Гадодек излади бир бурда нонни.

Кимлар бош эгмади Амир Темурга,
 Темур деганида титради дунё.
 Қиличидан қонлар оқса ҳам ерга,
 Санъат кўзгусини қилдирди бино.

Жаҳонгирлар қайга бўлса-да ҳоқим,
 Тож-тахт тиф узра турди омонни.
 Кўнглига йўл топмай ўзга юрт халқин
 Ўз жонига ўзи қилди хиёнат.

Икки эл фарзанди деган улуғ ном
 Қайси жаҳонгирга бўлди муяссар?
 Бу шараф боғида сипқоролмас жом
 На Темур, на Доро, на-да Искандар!

Шу нисбат ҳукми-ла берсак гар баҳо,
 Барчасидан устун туражак Бобир.
 Ҳиндистон мулкида бу тенгсиз даҳо
 Ўз фарзанди янглиғ тополди қадр.

Ҳиндни халос айлаб Лўди зулмидан
 Бошига кийгазди шуҳрат тожини.
 Фуқаро аҳлининг тутиб илқидан
 Жон-жон деб тинглади кўнгил розини.

Ҳиндлар ҳам шоҳ бирлан шоир қалбида
 Адолат қуёшин зиёсин кўрди.
 Жаҳонгир ақлига ҳайрон қолди-да,
 Оға-инисидек ҳолини сўрди.

Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шоҳжаҳон зеро
 Ҳиндда қадрин топди Бобиршоҳ янглиғ.
 Аврангзеб ўз номин айлади қаро,
 Бобоси қошида кўтаргандек тиф.

Бобирийлар бунёд этган салтанат
 Уч юз йил Ҳинд аро суролди даврон.
 Икки юз йил бундан муқаддам фақат
 Инглизлар айлади ер билан яқсон.

Энгельс бобомиз айтгани мисол:
 Инглизлар бу элга қилганда ҳужум,
 Ҳиндлар қўлларида кўтарди қурол,
 Бобирийлар тахтин сақламоқ учун.

Сақлаб қолмоқ учун улуғ давлатни,
 Ҳиндлар жангда этди кўксини қалқон.
 Бобирийлар бирлан ёвуз калхатни
 Жаҳаннам қаърига отмоқ бўлган он,

Афсуским, тиз чўкди мулки Ҳиндистон,
 Инглизлар ёвуздай талади уни.
 Ҳатто оёғига солинди кишан,
 Самога қўл чўзди қуллик тутини.

Икки юз йил Ҳиндлар бағри бўлди қон,
 Ер билан топталди ақл ва идрок.
 Истибодга қарши қилгани исён,
 Бомбадаи портлайман, дерди, ҳар юрак.

Инқилоб қуёшин порлоқ шуъласи
 Мазлумлар қалбин ҳам айлади равшан.
 Шарқда ҳам янгради эрк ашуласи,
 Оёққа қалқиди бутун Ҳиндистон.

Жавоҳарлал Неру, Мхатма Ганди
 Ҳиндистон дардига тополди даво.
 Лоладек очилди чеҳраи зарди,
 Боғларда янгради бахтли бир наво.

...Мана, бугун дўстлар, икки буюк халқ
 Бир она фарзанди сингари иноқ.
 Узлигини таниб олди кекса Шарқ,
 Эшигин ланг очиб, кутади кўноқ.

Меҳмон келмас энди кўтариб қилич,
 Қўлида — бахтини куйловчи қалам.
 Юрагида ғамдан асар йўқдир ҳеч,
 «Ҳинду ўзбек бхай-бхай» дейди ҳар одам

Балки, бу Бобирга буюк эҳтиром,
 Садоқат қуёшин зиёсидандир.
 Бугун Ҳинд халқига ўзбек тутган жом,
 Саодатнинг порлоқ дунёсидандир.

Бобир қилич билан Ҳиндни забт айлаб,
 Тебратган бўлса гар санъат бешигин,
 Мен Ҳинд дўстларимни шеър билан сийлаб,
 Қўшиқ билан очғум кўнгил эшигин.

Ҳуснин кўз-кўз қилар Деҳлида бугун
 Ҳумоюн даҳаси, Бобир даҳаси.
 Шоирлар зиёрат этади мамнун,
 Замзама қилгандай илҳом чашмаси.

Тож Маҳал қошида хаёлга толиб,
 Мармар обидага тикилишар лол.
 Меъмор ҳунаридан ҳайратда қолиб,
 Ўзларин унутиб қўйишар хиёл.

Бу санъат кўзгусин тарихин бир-бир
 Бизга сўйлаб берар Ҳинд фузалоси.
 Шоирлар юзида мавжланар сурур,
 Қошида — санъатнинг энг дурдонаси.

Қуёш нури ўйнар қуббалар узра,
 Шоир кўзларида ташвиш ёлқини.
 Сўқир кўз сингари ўймоқ доира
 Дилга ғавғо солиб, қийнайди уни.

О, кўнглим ташвишга тушмишдир нечун,
 Нечун уни қийнар сирли бир савол?
 Дўстларим, Тож Маҳал қошида бугун
 Барчани шу савол қийнайди алҳол,

...Тож Маҳал кўксига пиёла янглиғ
 Қанчалаб жавоҳир ёнарди ял-ял.
 Инглизлар қалбаларга санчганидек тиф,
 Қасддан ўйиб олиб кетишди тугал.

Уша дурри-ғавҳар ўрни ўймоқдай
 Мотамсаро боқар ҳар кимга бугун.
 Қалбин поралаган асрий қийноқдай,
 Тож Маҳал сукутда термилар дилхун.

Инглизлар бу элдан қилинди қувғин,
 Лекин Тож Маҳалда асорат қолди.
 Дуридан маржонлар ясатиб у кун
 Нафосат аҳлини ғазабга солди.

Кибор хонимларнинг бўйнини, кошки,
 Сиртмоқ каби бўғса ўша дур-маржон.
 Чўғ бўлиб куйдирса кўксини, кошки,
 Руҳимни шод қилдинг, дерди, Шоҳжаҳон.

...Бугун Ҳиндистонда меҳмон бўлса ким,
 Ҳинд эли сўзлайди унга Бобирдан.


Гўёки наздида очилар тилсим,
 Дўстлар мамнунлигин сезгач шоирдан.

Ҳинду ўзбек аро дўстлик кўприги,
 Мавжланиб оқмоқда меҳр дарёси.
 Гўё қора кўзнинг икки киприги,
 Қалбларни ёритар дўстлик зиёси.


Уч йил уч диёрни этдим якқалам,
 Ҳинду афғон турди ўнги-сўлимда.
 Устодлар бошимни силади хуррам,
 Қиссага сўнг нуқта қўйган кунимда.

1966—1968.





Машъал Ҳакимов



АСОВГА ТУШОВ

ҲИКОЯ

МИС чавандоз. Девордаги ҳайкал менга бир нарсани эслатди... Тенгдошларим қатори отлиқлар қисмига тушиб қолганимдан ниҳоятда хурсанд эдим. Қувонмай бўладими? Узингиз ўйланг, пиёдалар эртадан кечгача ўз оёғи билан юради, чарчайди. Яна чангга буланганини айтмайсизми? Отлиқлар-чи? Қаерга борса остида гижинглаган тулпор, ёнида қилич осиглиқ, оёғида этик, ерда юрганида шпорлари жаранглайди. Уйга ёзган биринчи хатимизда ҳам, бир-биримиз билан ўзаро суҳбатда ҳам гап фақат от устида кетарди. Ҳамма тезроқ отга миннишга ошиқарди. Кекса аскарларнинг, ҳали чақа санаганинда биласан от нималигини, деган сўзларини эшитганимизда унинг маъносига етолмай ҳайратланардик.

Ниҳоят отнинг тана тузилиши, келиб чиқиши, ўргатилиши, эгаржабдуқнинг икир-чикири, жазлиқдан тортиб айил, пуштан, узанги, юган, нўхта боғичигача ҳаммаси ўрганилиб, от оёғига қоқиладиган тақая михнинг ўлчови билан танишилгач, ҳаммамизга биттадан от биркитилди. Менга Серенада лақабли бия тегди. Саман бияси қурмагур жуда қандга ўч экан. Миниб бир айландим дегунча бошини силкиб қандми, нонми, бирорта яхшироқ сийлов талаб қилади. Қандми, нонми бермадимми, феъли ўзгаради, оқсоқлашга тушади. Ҳаром ўлгурни тинчитиш учун ҳамиша чўнтагимда бирон егулик олиб юрадиган бўлдим. Мана шу қилигини ҳисобга олмаганда Серенанинг юриши яхши, ҳарбий машқларни бажаришда унга тенг келадиган от йўқ.

Еғоч билан анча машқ қилгандан сўнг росмана қиличда машқ қилишга ўтдик. От устида қилич чопишга ҳам анча қўлим келиб қолди. Унг томондаги новдани яхши кесаману чап томонга келганда озгина қийналаман, тўғрироғи, отнинг сағрисини чопиб ташламасам, деб қўрқаман. Пойгада қўрқадиган жойи йўқ — отни бир меъёрда бошқарсанг бас! Аммо тўсиқлардан сакраш одамни анча иккилантириб қўяди. Кал-

ланг билан ерга йиқилсанг борми, ўзингни умрбод букри бўлиб қолдим, деявер. Менга худди шу нарса панд берди. Ҳа, умрбод эсимдан чиқмайдиган иш бўлди. Ҳозир ҳам ўша кунни эсласам, юрагим қинидан чиқиб кетаётгандек бўлади.

Отчопарда намунали машғулотлар ўтказиладиган бўлди. Эскадрон командирининг ўзи шахсан кузатадиган бу машғулотга олдиндан тайёргарлик кўрилди, албатта. Бу машғулотнинг бошимга нималар келтиришини олдиндан билганимда отхонага соқчи бўлиб қолишга розилик берган бўлардим.

— Қизил аскар Ҳалимов Серенада лақабли бия билан!..

Бияси тушмагур худди ўзини кўрсатмоқчи бўлгандек турган жойида типирчилайди, сувлиқни тишлаб олдинга интилади.

— Маааршши!..

Серенада қурғур тўсиқлардан ўтишни соғиниб қолган эканми, ҳар бир ғовдан қушдек энгилик билан сакраб ўтаверди. Бир-икки, уч... ўнинчи тўсиқдан ўтилди... Энг сўнги, оғири, ўн биринчи тўсиқ қолди олдинда. Ундан ўтсам, менинг ишим беш. Бу тўсиқнинг ўзидан ҳам номи хунук — қабр! Ким ўйлаб топган экан бу номни?! Дидига баллией!..

Тўсиқнинг баландлиги икки метр чамаси, эни бир ярим метру узунлиги уч метр келса керак. Яна олдинда зовур бор. Ҳаммасидан бир йўла сакраб ўтиш керак. Вақтни қўлдан бериш ярамайди, сакраш чизигига яқинлашганда отнинг жиловини сал чапга тортиб қўйдим. Жонивор ўзини чапга олди. Командир иккинчи, учинчи марта ғовдан ўтишга буюрди. Бари бир от ғовдан ўтишга бош тортяпти.

Командирнинг менга раҳми келдими ёки катта бошлиқнинг олдида ўсал бўлишдан истиҳола қилдими, отидан тушиб ўз отини менга берди-да, ғовдан сакрашга буюрди. Энди бўлар иш бўлди, менга деса жаҳаннамга улоқтириб юборсин, дедим. Йўқ, ундоқ қилолмадим, жон ширинлик қилдими, яна сакраш чизигига етганда отнинг тизгинини тортишга мажбур бўлдим, от тўсиқдан сакрамай четга бурилиб кетди. Шу пайт командир менинг байталимини миниб тўсиқ томонга юрди. Байталими тушмагур бир ҳамла билан тўсиқдан сакраб ўтди, мени шарманда қилди.

— Мана, касал қаерда экан, айб отда эмас, чавандознинг кўрқоқлигида, — деди командир.

Мен ноилож ўз байталимга миндим-да, командирга мунғайиб қарардим.

— Отнинг жиловини калта қилиб тут, — қўлларим қалтираб жиловни туғиб от ёли устига ташлаб қўйдим. — Узангини юқори кўтар, ҳа, жазлиқ остигача кўтар! — буюрди командир ҳайратланганимни кўриб. — Энди икки қўлингни икки ёнингга узат!

Сафдошларимнинг кўзи менда, юрагим гуп-гуп уради, оёқ-қўлим қалтирайди.

Шу пайт командир ёнимга келди. Отнинг бошини тўсиқ томонга тўғрилади. Қиличнинг сирти билан от сағринига сал уриб қўйди. Қасофат бия гўё шунини кутиб тургандек бор кучи билан тўсиқ томонга ташланди. Мен паккага етай деганда кўзимни маҳкам юмиб олдим. От тўсиқдан қандай ўтганини кўрганам йўқ. Сафдошларимнинг қаҳқаҳаси остида ўрнимдан турай десам, Серенада мени тумшуғи билан туртиб, қанд талаб қилапти. Қани энди мени шарманда қилган биянинг таъзирини берсам! Ноилож унга бир чақмоқ қанд бериб, юпатишдан бошқа иложим қолмади.

Эскадрон командири машққа яқун ясаркан, взвод командирига мени кўрсатиб, қатъий тайинлади:

— Бугундан эътиборан бу жангчига Асовни биркитиб қўйинг!

— Есть. Асовни биркитиб қўяман!

Асов номини эшитишим билан юрагим орқага тортиб кетди. Чунки, умрида ёлига тароқ, белига қашлогич тегмаган ёввойи қора отни манман деган чавандоз эплолмаган. «Эҳ, хомкалла, нималар қилиб қўйдинг? Ўз қўрқоқлигинг бошингга бало бўлди!..» — ўйлардим.



Кечқурун ётишдан олдин взвод командирининг ёрдамчиси мени Ленин хонасига чақирди. «Роса боплайди, пўстагимни қоқиб қўлимга беради», — ўйладим ўзимча. Ўзимни оқлаш учун баҳона қидирдим. Аммо нимани рўкач қилишни, ўз уқувсизлигимни нима билан оқлашни билмасдим. Нима десам экан? Уйдан ёмон хат олувдим деймикан? Қани ўша хат деса, нима қиламан? Қасал эдим десаммикан? У пайтда врачга юборади. Яхшиси индамайман, бошимни ҳам қилиб ўтиравераман.

— Омадинг бор экан, — деди командир ёрдамчиси. — Сенга шундай гўзал отни ишониб топширди. У от эмас, афсонавий тулпор. Ўзинг ўйлаб кўр: бечорага бирор киши қарамаса, ювиб тарамаса, яхши гапирмаса... Ҳа, от жониворгаям қийин. Гапимга ишон, ҳайвонлар, айниқса, от билан ит ўзини одамга яқин олади. Менимча, Асов тугилгану вояга етиб, тўппа-тўғри армияга келаверган... Ҳали кўрасан, Асов ҳамма отларни орқада қолдиради.

Ётишга рухсат берилди. Ҳамон хаёлимда командир ўринбосарининг сўзлари, кўз ўнгимда Гўрўглининг учар Гироти, Алпомишининг Бойчибори... Асов ўша отларнинг чеварасию белига қанот боғлаб мени осмони фалакда сайёр эттираётгандек. Хаёл суриб, ухлаб қолибман. Навбатчининг «Подъём!» деган командаси эшитилмаса, билмадим, қачонгача ухлар эканман.

Ҳамма апил-тапил кийиниб, казармадан ташқарига чиқди, старшинанинг буйруғи билан сафга тизилиб отхонага йўл олди. Отларни тозалаш, суғориш, ем бериб тўйдириш керак. Чавандознинг ўзи кейин овқатланади. Ҳарбий хизматнинг тартиби шунақа. Ҳамма ўз оти ёнига кетди. Мен ҳам Асов лақабли от жойлашган охур томонга йўл олдим. Эски ошнам Серенада ёнидан ўтиб кетаётганимда астагина кишнаб қўйди.

Барча чавандозлар ўз отларини отхонадан ташқарига олиб чиқиб кетишди. Отхонада Асов иккаламиздан бошқа қимирлаган жон қолмади. Ёлғиз қолган Асов ер тепина бошлади. Мен илгари унча эътибор бермаган эканман. У чиндан ҳам чиройли: танаси келишган, оёқлари узун, қулоқлари, кўзи оҳуни эслатади. Туёқларини айтмайсизми, ингичка, тим қора териси, пешонасидаги оппоқ қашқаси, олдинги икки оёғида оқ пайпоқни эслатувчи ола пойчалари унинг чиройига чирой кўшар эди.

«Асовжон, бугундан иккаламиз ўртоқ бўламиз...» Унинг қулоқ атрофларини қашладим, ёлларини тарадим. Олдин у менга қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди, ўз одати бўйича тишлашга тайёрланди. Эркалашга муҳтож эканми ёки ширин гапларим ёқиб қолдим, пешонасини, кекирдагини силаб, курагини қаттиқ қашлаганимга ҳам заррача қаршилиқ кўрсатмади. Фақат чўткани қўлга олиб елкасини қашламоқчи бўлганимдагина орқага тисарилиб, менга ҳамла қилмоқчи бўлди. Менинг ҳаракатларимни бир чеккада командир кузатиб турган экан, луқма ташлади:

— Сен ҳам ҳаддингдан ошиб кетма, бугунча шуниси ҳам етарли. Қани, аста ечиб, ташқарига олиб чиққин-чи!..

Отнинг бўйини силаб, аста охурга боғланган нўхтасини бўшат-

дим. Асов менга ҳайратомуз тикилиб ҳар бир ҳаракатимни кузатиб турди. Ҳатто ташқарига етаклаганимда ҳам қаршилиқ кўрсатмади. Фақат отхонадан ташқарига чиққач, қаттиқ кишнади, сўнг қўлимдан чиқиб, думини гажак қилганича қочиб қолди. Мен унинг ортидан қувламоқчи бўлдим. Командир шаштимни қайтарди:

— Уз ҳолига қўйиб бер, ҳеч қаерга кетмайди. Майли, ўйнаб, оёғининг чигилини ёзсин...

Асов ёш боладек у ёндан-бу ёнга чопар, дарахт ёки симёғочга бўйнини, елкасини ишқалар эди. Нўхта ҳалқасига уланган занжир нўхтабоғи оёғига ёки сағрисига текканида қулоқларини чимириб ҳар томонга сакрар, кишнаб борлиқни бошига кўтарар эди. Ниҳоят отларни отхонага киритишга команда берилди. Мен Асовнинг ортидан бориб, ушлаб келмоқчи бўлдим. Аммо шу пайт... кўзларимга ишонмадим, у отлар ортидан отхона томон йўл оларкан, олдин новдан мириқиб сув ичди, кейин ҳеч нарса бўлмагандек ўз жойига бориб охурга солинган сулини курсиллатиб чайнашга тушди. Жонивор одамлар ўйлаганидек ёввойи эмас экан...

Мен уни боғламоқчи бўлиб занжирга аста қўл узатдим. Асов кўз қири билан менга бир тикилдию, ўзини четга олмоқчи бўлди. Унинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, занжирда қисилган қўлимнинг оғриғига бардош бериб, бир илож қилиб боғладим. Тушлиқда яна шу манзара такрорланди. Мен отга қанчалик яхши муомала қилмай, бари бир у мендан чўчир, ўзини нарига олиб қочишга ҳаракат қиларди.

Иккимиз дўстлашган кундан бир-икки ҳафта ўтгандан кейин ҳам Асов қашлоғич билан чўткани кўрганда гижиниб туришини ташламади. Қорни, оёқларини чўтка билан тозалатгани яқинлаштирмаса ҳам кун сайин отнинг менга кўникиб боришидан кўнглим анча тўқ эди.

Ташқарига етаклаб чиқишимга, етаклаб киришимга анча кўникиб қолди. Шунисига ҳам шукур.



Бир куни умрбод эсдан чиқмайдиган воқеа рўй берди. Бутун ҳарбий қисм, яъни дивизион бўйича тревога эълон қилинди. Ҳар ким ўз отини эгарлаб сафга шошарди. Мен нима қилишимни билмайман. Таваккал қилиб Асовни эгарлашга қарор бердим. Бир сафдошим отнинг бошига рўмол ёпди. Мен юганни олиб, нўхта устидан отнинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай бир илож қилиб сувлиқни оғзига солдим, тезлик билан устига эгар ташлаб, айилни маҳкам тортидим. От, оёғимни узангига қўйиб улгурмай ташқарига ўқдек отилди.

Ташқарига чиқишимни биламан, от гоҳ олдинги оёқларини баланд кўтарар, гоҳ кейинги оёқлари билан ўйноқлар, гоҳ ўннга, гоҳ сўлга ташланиб, мени устидан улоқтиришга ҳаракат қиларди. Отхонадан чиқаверишда анҳор, анҳор устида тахта кўприк бор эди. Яшамагур кўприкка етганида ўзини анҳорга ташласа бўладими?! Йиқилдим, калламини тўнкага уриб олишимга сал қолди.

Бир амаллаб миндм-да, йўлга тушдим. Олдинда дивизион командири ўз адъютанти билан кетмоқда. Мен у билан тенглашганимда биророрта эскадроннинг алоқачиси деб ўйлади чоғи, савол назари билан башарамга тикилди. Мен лэм-мим деб улгурмай оти тушмагур суриб кетди. Орқага қарашнинг иложи йўқ. Сафдошларим олисда қолиб кетди чоғи, олдинда эса разведкачилар ҳамон илдамлаб кетишмоқда. Асовни тўхтатишга, ҳеч бўлмаса секинлатишга бор кучим билан ҳаракат қиламан, қани тўхтаса! Гимнастёркам тердан шилта бўлиб баданимга ёпишди, томоғим қақради, кўзим тиниб бормоқда. Бунинг устига зовурлар устидаги чивинлар башарамга ёпишади.

Бир вақт рўпарамда чанг-тўзон қуюни кўринди. У тобора менга яқинлашмоқда эди. Кейин билсам, менга қарши томондан автомашина келаётган экан. Энди нима қилдим? Асов тушмагур мени гурсиллатиб машинага урса-я? Шу фикр билан отни четга бурмоқчи бўлдим. Ҳаром ўлгур Асов зовурдан тутзорга сакраб ўтса бўладими?! Новдаларнинг зарбидан юзларим қонталаш бўлди. Хайрият, кўчатзор тугаб бедапояга чиқдим. Отнинг юриши ҳам анча секинлашди. Шошилишда айилни маҳкам тортмаган эканманми, жиловни тортганимни биламан, эгар бир томонга оғиб кетди. Унг оёғим ерда, чап оёғим узангида, бедапояда судралиб кетяпман. Охири қандайдир бир дарахтга илашиб қолдим-у, чап оёғим узангидан чиқди. Энди бир илож қилиб оёққа турсам бўлгани... От жиловини икки қўллаб маҳкам ушлаб олганман. Менимча, отнинг ҳам мендан узоқлаб кетиш нияти йўқдай. Бирдан у кишнади. Шу пайт ёнимда икки отлиқ пайдо бўлди. Улардан бири взвод командири мизнинг ёрдамчиси, иккинчиси оддий аскар. Менимча, у ё биринчи эскадронда ёки хўжалик взводида хизмат қиларди, дарҳол Асовнинг жиловидан ушлади. Взвод командирининг ўринбосари мени суяб аста ердан кўтарди, қўлтиғимдан ушлаб, катта йўл томон етаклади.

— Юришга мадорим йўқ, мени шу ерга ташлаб кетинг,— ялиндим мен.

— Лазаретдан замбил олиб келишсин,— буюрди.— Шошма ҳали, гаҳ деса қўлга қўнадиган бўлади бу Асовинг.

Ёнимга санитарларнинг араваси келиб тўхтади. Икки киши бир илож қилиб мени аравага чалқанча ётқизишди. Қўш отли арава баланд-паст йўлдан илдамлаб бораркан, мен оғриққа чидолмай инқиллардим. Хуллас, ҳушимдан кетибманми, мени дивизион санитария қисмига қандай олиб келишганини ҳам билмай қолибман. Бир вақт уйғонсам, бошим, чап қўлим, белим бинт билан ўралган, оппоқ чойшабда ётибман. Ўрнимдан турмоқчи бўлдим, санитар елкамдан босди, туришга йўл қўймади:

— Қимирлама, сенга туриш мумкин эмас... Чап биқининг билан елкангда тери деган нарса қолмапти.

— Ишқилиб, суягим соғми, синган жойи йўқми?

— Рентген снимкани бугун кўришади, ўшанда маълум бўлади. Чамамда, шаҳар касалхонасига юборишса керак, маза, дам оласан, ҳордиқ чиқарасан...

— Падарига минг лаънат шунақа дам олишни, ишқилиб букри бўлиб қолмасам бўлгани!..

Шипга қараб ётибман. Миямда бири иккинчисидан даҳшатли фикрлар. Бир қарасам, белим букри бўлиб қолибди, худди чоллардек ҳассага суяниб юрибман. Бир қарасам, ўлиб қолибман, тобутда ётибман. Отлиқлар қойдасига биноан Асовга қора тўқим ёпилган, орқамдан қабргача етаклаб боришяпти. Ҳаром ўлгур, шу ерда ҳам менга ҳамла қилади. Бахтимга қаердандир пайдо бўлган командир унинг тумшугига қиличининг сирти билан бир уриб шаштини қайтарди...

Далада туғилиб, далада ўсганман. Ешлигимдан от минганман. Қаллан саҳар тўрғай чулдирганда уйқумни ҳаром қилиб отга ем берардим, далага чиқиб нонуштагача икки соат от миниб, пахтазорни оралардим. Ҳамид ака деган зикна одам оқучник билан ғўзаларга ишлов берарди. Мана, Асовдан йиқилиб...

— Ташвиш тортманг, суякларингиз бутун, фақат баданингиз шилинибди,— деди ҳарбий врач худди кўнглимдаги гапларни пайқагандек.— Сизни шаҳар касалхонасига юбормоқчи бўлган эдик, энди шунинг ўзида тузатамиз. Икки-уч кундан кейин яна сафга қайтасиз...

— Омадинг бор экан, арзимаган баҳона билан шундай тулпорни қўлга киритдинг,— деди командир, врач чиқиб кетгандан кейин.—

Асовнинг ўзи ҳам бир кунда мулла бўлиб қолибди, гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб қўйибсан. Ҳозир чўтка, қашлоғичдан қўрқиш у ёқда турсин, тозалаганда бўйинини эгиб турибди.

Кейин командир уйдаги ака-укаларимни сўради, гап орасида ўргатилмаган отни рухсатсиз минганим учун олдин ўн сутка авахта беришмоқчи бўлишганини, сўнгра дивизион командири бу буйруқни бекор қилганини айтди, сафдошларимдан салом етказиб тумбочкамга мева-чева қўйиб чиқиб кетди. Халтани очиб сап-сарик думалоқ меваларни кўрдим: олма десам олмага ўхшамайди, анор десам ҳиди бошқача. Кейин суриштирсам, уни апельсин дейишаркан. Ҳа, умримда биринчи марта апельсинни ҳарбий касалхонада тотидим.

Касалхонада кўп ётмадим. Оёққа турганимдан кейин старшина яп-янги кийимлар олиб келиб, сафдошларимнинг ибораси билан айтганда, уйланадиган кувёдек ясантирди. Шундай қилиб, қисмимга жўнадим.



— Шу ерда тўхтаб тур, мен сенга ажойиб совға кўрсатаман,— деди. взвод командирининг ёрдамчиси отхонага яқинлашгач. Шундай деди-ю отхонага кириб кетди. Мен қандай совғалигини ўйлаунимча у ичкаридан Асовни етаклаб чиқди. Асов на унга қаршилик кўрсатар, на қочишга уринарди. Бўйинини баланд кўтариб, думини гажак қилганча командирнинг ёнида аста қадам ташлаб келарди. Териси ҳозиргина сувдан чиққан қундуздек эрталабки қуёш нурида қоп-қора товланар, олдинги икки оёғидаги оқ пойчаси, пешонасидаги қашқаси ниҳоятда ўзига ярашган, уни бошқа отлардан тўқис кўрсатарди.

Командир уни етаклаб келиб, темир тўсин ҳалқасига боғлади, тўшига шапатилаб, ёли, сағринини силади, чўнтагидан бир чақмоқ қанд олиб сийлади. Кейин чап қўлига тароқ, ўнг қўлига чўтка олиб қашлашга тушди. Во ажабо, бу қанақаси! Асов қорни, олдинги, кейинги оёқларини тозалаб, човига қўл узатганда ҳам сира қаршилик кўрсатмади, аксинча, эркаланиб бошини у ён-бу ёнга сарак-сарак қилиб тураверди. Оббо, командир-ей, ўн кунда ёввойи отни мулла қилиб қўйибди-я! Энди у мендан отни тортиб олса-я?..

Йўқ, ҳамма нарса мен ўйлагандан тескариси бўлиб чиқди. Командир отимни тортиб олмади, аксинча, менга кўмаклашди, чавандозликнинг сирларини ўргатди. Қилич чопиш, югуриб кетаётган отга миниш, сакраб тушишга анча кўникиб қолдим. Эндиликда ҳар қандай тўсиқдан сакраганда ҳам қўрқув нималигини билмасдим. Бунинг устига Асов ҳам доворак, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган тулпор чиқиб қолди. Шу туфайли дивизион мусобақаларида чавандозликнинг ёрлаш, ёнламадан пастга тушиш, тўсиқлардан ўтиш каби машқларда ғолиб чиқдим. Дивизион чемпиони бўлганимдан кейин Асовга бўлган меҳрим, отга қизиқишим ҳаддан зиёд ортиб кетди.



Ҳарбий округ мусобақаларида қатнашиш учун чавандоздан маҳорат, чаққонлик, билим, ҳушёрлик, энг муҳими, ўзига нисбатан катта ишонч талаб қилинади. У ерда от машқининг қайси турлари бўйича куч синаш мусобақа ташкилотчиларига боғлиқ. Шуни яхши билган командир мени ҳар кун тўрт-беш соатлаб машқ қилдирадиган, чаңгалзор, қамишзор, чакалакзорда кездириб, баландликка ўрлатиб, қирдан тиккасига пастга туширадиган, жин топмайдиган сўқмоқларда сайр

қилдирадиган бўлиб қолди. Кундузи ўлар ҳолда чарчаганим етмагандек машқлардан кейин от тозалаш, оғил кураш, эгар-жабдуқни тартибга солиш ортиқча. Устига-устак ҳар куни ўн марта лаб қиличбозлик, ғовлардан сакраш машқлари ўтказилади. Йложим қанча?

Мусобақада қатнашадиган отнинг зоти аниқ бўлиши керак. Асовнинг эса на отаси, на онасининг тайини бор. Айтишларига қараганда, армияга сафарбар этилган отлар билан ёшдигида эргашиб келиб қолган экан. Унинг қаерда туғилганини ҳеч ким аниқ билмайди. Паспортига «Дикарь» — «Асов» дан бошқа ҳеч нарса ёзилмаган. Унинг зотини аниқлашда мутахассислар анча қийналишди. Охири онаси — Ахалтекин, отаси — Қорабоғ зотидан деган хулосага келинди. Бунинг учун отнинг ҳар хил йўлларда юра билиши, чарчашни билмаслиги асос қилиб олинди. Асовнинг зоти аниқланди. Паспорти янгиланди. Ҳаммаси рисоладагидек қонунлашди. Энди навбат катта мусобақа майдонига...

Мусобақалар бошланишини бир кун олдин ҳаммага расмий эълон қилишди. Отлар ветеринария кўригидан ўтказилди, махсус рақам ёзилган дастхат билан таъминланди. Асовнинг ёпиғига ўн учинчи рақам осилди. Бу командирга унча ёқмаса ҳам мени қўллаб-қувватлаб, ҳар қадамда маслаҳат берарди:

— Эшитишнинг қараганда, мусобақанинг шартлари анча оғирга ўхшайди, — тушунтирди командир. — Бўш келма, мабодо ўрга кўтарилмоқчи бўлсанг гавдангни олдинга ташла, ёнламада орқага ташлаш — отга енгил бўлади. От айилини маҳкам боғла, ўмилдирикни салқироқ торт. Узанги қўлинг тенглигида бўлсин — тақиминг толмайди. Ғовдан ўтаётганда жиловни бўш қўйиб бер, отни қистовга олма. Оломон пойгада бошда олдинга ўтишга шошилма, аста-секин от қадамни тезлаштириб бор...

У яна анча нарсаларни гапирди, тасалли берди.

Мусобақа бошланди. Менинг номим тилга олинди. Мен маррага келар эканман, доклад қилдим:

— Чавандоз — Ҳалимов, отаси — Қорабоғ, онаси — Ахалтекин зотидан бўлган Асов лақабли ахта!..

Команда берилди. Асов ўрнидан қушдек олдинга отилди. Узиям машқни соғиниб қолган эканми, жонивор физиллаб тўсиқлар устидан елдек учиб ўтди. Уша менга биринчи галда панд берган «қабр» устидан сакраб ўтганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Навбат ҳар ер-ҳар ерга илонизи қилиб ўрнатилган новдаларни қилич билан чопишга келди. Новдаларга қилич солар эканман, командирнинг маслаҳати қулоғим остида такрорланарди: «Отнинг қулоғи новдага етганда қилични ур! Қиличинг ҳамиша от қулоғи ёнида ҳаракат қилсин, бехато урасан!» Ҳамма иш тамом бўлгач, давра айланиб келар эканман, командир отдан мени қучоқлаб туширди, болалардек эркалатди. Отнинг сағринини силади:

— Молодест Ҳалимов, ҳаммаси аъло бўлди. Фақат охирги новда чала кесилди. Бошқа машқларни ҳам шундай бажарсанг, биринчи мукофот чўнтакда деявер.

Мен бошда командир мени шунчаки овунтиряпти дедим. Йўқ, чиндан айтган экан. Буни бошқа чавандозлар уч мартадан машқни такрорлашгандан кейингина билдим. Мен биринчи чиқишдаёқ ҳакамларнинг юқори баҳосини олган эканман.

Мусобақанинг шартларига кўра яна чакалакзорлардан ўтиш, баландликка ўрлаш, ёнламадан тушиш, сув тўсиқларидан ўтиш зарур эди. Ҳаммасига чидадим. От жонивор мункиганимда бўйни билан суяйди, орқага кетганимда сағринини тиргович қилди. Пойгада ҳамиша ғолиб чиқди, менинг обрўйимни кўтарди.

Аммо у билан дўстлашиш менга узоқ насиб бўлмади.



Қўзимни очиб қарасам, атрофимдаги одамлар нотаниш. Оқ халат кийган одамлар атрофимда парвонадек айланиб юришибди. Бирининг қўлида қайчи, иккинчиси укол қиляпти. Ўрнимдан турмоқчи эдим, бақувват қўл елкамдан босди.

— Қимирламанг, қўлингизда осма укол бор. Ҳа, тинч ётинг, ҳозир ҳамма иш рисоладагидек бўлади,— деди у одам.

— Мен қаердаман?

— Қаерда бўлардингиз, касалхонадасиз. Оёғингиз синибди, кўп қон йўқотибсиз. Тинчланинг, оғриққа чиданг, ҳозир оёғингизга тахта-кач боғлаймиз. Эртага рентгендан чиққач, яна бир маслаҳат қилиб кўрамиз. Нима бало, болтада чопилганми, дейман? Чўпдек синиб кетибди?

Врачнинг гапидан кейин анча ўзимга келдим. Бўлиб ўтган воқеани эслай бошладим: қиличбозлик машқларини ўтказиш учун новда керак бўлиб қолди. Новдага бориш учун старшинадан рухсат олдим. Дарё бўйида нима сероб, шумтол. Шумтолнинг новдаси эса кесишга қулай. Қуриганини ҳам қилич чўпакдек кесиб юборади. Асовни эгарлаб йўлга тушдим.

Манзил анча олис. Ўзимча ёшлигимда дадамдан ўрганган қўшиқни хиргойи қилиб боряпман:

Бир қатор турна келодир гул шохига қўнгани,
Гул шохи ларзон беродир турнани қўндиргани...

От жонивор ашулага мос қадам ташлаб, манзилга олиб келди. Ҳарбий отлар қишин-ёзин кўк бедадан маҳрум, йил-ўн икки ой қуруқ беда ейди. Йўнғичқа олиб келганда ҳам ветеранлар едирмайди. От касал бўлармиш, ичи бузилармиш. Шунинг учун мен далага борганда отга бир тутам кўк беда берардим-у, кейин уни олмага қантариб, новда кесишга тушардим... Иш битди. Айланиб тўғри йўлга чиқишга эриндимми ёки шўхлигим тутдими, пахса девор устидан сакраб ўтмоқчи бўлдим.

Тасма билан маҳкам боғланган новдани олдимга ўнгариб, отга миндим. Сал орқароққа тисариб, отни пахса девор томон чоптирдим. Жонивор, ақлли эмасми, бир ҳамла билан девор тепасидан сакраб ўтди, мен ўзимни ерда кўрдим. Деворнинг нариги томонида қиррали тош бор экан, соним билан ўша тошга тушибман. Оёғим, белим, миям-гача зирқираб оғрийди, елкамдан тегирмон тоши босиб қолганга ўхшайди, қани энди ўрнимдан тура олсам...

От мендан сал нарироққа бориб тўхтади. Қочиб кетмаса бўлгани. Йўқ, у мен ўйлагандан кўра ақлироқ эди. Ер депсиниб, қаттиқ кишнади. Сўнг аста ёнимга келиб чўккалади, белини менга тўғри қилди. Дарҳол отнинг мақсадини тушундим. Тишимни-тишимга қўйдим, бор кучимни йиғдим у эгарга қорнимни қўйиб ётиб олдим. Чух, дейишим билан от аста ўрнимдан туриб, отхона томонга қадам ташлади.

Оёқ-қўлим икки томонга осиглиқ ҳолда қанчагача, қаергача борганимни билмайман. Дўстларимнинг айтишича, отни битта кичкина бола етаклаб келган эмиш. От одамнинг ҳақиқий дўсти эканига шунда ишонганман.

Ушандан буён ариқдан қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо Асов ҳозиргидек кўз ўнгимда. Мана, «Мис ҳайкал» тасвири туширилган сурат. Бу жонсиз тасвир менга ёшлигимни, шўхлигимни эслатади. Гўё Асов мисга айланиб, абадийлашиб қолгандек. Ёшлигим-чи? Наҳот у ҳам қотиб қолган бўлса?! Йўқ, йўқ, мен бунга ишонмайман. У мен билан суҳбат қураётир-ку, ахир!..



ИНОЯТ РАҲМОНОВ



ҚОРА БАРОҚ

ҲИКОЯ

Мушук истар-истамас чап кўзини очди. Унинг ўнг кўзи пар ёстиққа ботиб тургани учун кўринмасди. Тонг отибди, хона ёришиб, деразага тutilган сариқ пардани шамол аста тебратяпти. Мушук яна кўзини юмиб олди. Йўқ, у уйқуга роса тўйди: шундай бўлса-да, бурчакдаги қаравотда ётган бекасининг туриб келишини кутиб ётибди.

Деворга осиглиқ катта, қадимги соат еттига занг урди. Мушук ҳурпайган калласини кўтариб бекаси томонга ўғринча қараб қўйди. Назарида бека ётган қаравотдаги кўрпа қимирлагандай бўлди. Мушук ҳозир унинг туриб келишини, қопқора тусдай юнларини ёқимли силаб-сийпашини кутиб яна кўзларини юмиб олди. У шунга одатланган эди. Лекин... Хона жимжит. Бир меъёрда чиқиллаётган соат товушидан бўлак ҳеч нарса эшитилмайди. Қора бароқ, менга шундай туюлаётган бўлса керак, деб очиқ қолган чап қулоғини қимирлатди, яна ўша товуш:

— Чиқ-чиқ... чиқ-чиқ... чиқ-чиқ...

Мушук ҳайрон бўлди. Нега бунчалик нохуш жимлик? Бека аллақачон туриб, унга кичкина кострюлкада иссиқина сут, бир бўлак колбаса тайёрлаб қўйган бўларди-ку?! Наҳотки, эсидан чиқиб қолган бўлса? Еки бирон нима бўлганмикин? Йўғ-э... Мушук олдин кўзларини очди, кейин бошини кўтарди. Устига ёпиб қўйилган оқ чойшабли кўрпадан аста сирғаниб чиқди-да, атрофга қулоқ солди.

— Чиқ-чиқ... чиқ-чиқ... чиқ-чиқ...

Қора бароқ эринибгина керишди. Томирларида қоннинг ёқимли югуриши иштаҳасини қўзғаб юборди. У силкинди. Оҳ-оҳ, қандай маза! Мушук роҳатланиб миёвлади:

— Мия-ўў!..

Кейин чўнқайиб ўтирди-да, олдинги оёқларини тили билан ҳўллаб, юзини ювган бўлди. Тағин бир марта роҳатланиб керишгач, қаравотчасидан пастга, чиқиб-тушиш учун қўйилган курси устига тушди, ундан полга сакради. У жуда очқаган эди. Секин эшик олдидаги бурчакка, ҳар куни овқат ейдиган жойига борди. Тимирскиланди. Ҳамма нарса кечагидек турибди. Қора бароқнинг ишонгиси келмади. Кос-

трюлкани ҳидлаб кўрди, димоғига сут ҳиди урилди. Тумшуғи билан қопқоқни секин сўрган эди, қопқоқ полга тушиб, жаранг-журинг овоз чиқарди: у чўчиб тушди. Шу пайт кампир ётган каравот томондан заифгина товуш эшитилди:

— Пишт...

Қора бароқ кострюлкага бошини тикди, у бўм-бўш эди. У қизил тиллари билан тумшуғига илашган сут юқларини ялади-да, зорланди:

— Мия-ўў!..

Кострюлканинг ёнида бир бўлак колбаса ётарди. Мушук уни ҳидлаб кўрди: кечаги! Қора бароқнинг қорни таталаб бораётганига қарамай уни емади. У сарқит еб ўрганмаган эди. Бекаси ҳар гал овқат пиширганида олдин мушугига, кейин ўзига сузарди. Мушукка алам қилди, матоҳлари ортиқча титкилашдан фойда йўқ эди. Қора бароқ кемиз гавдасига ярашимли виқор билан бека каравоти томон юрди. У кампир ётган кўрпанинг бир учи осилиб полга тегиб турган жойига тирноғини ботириб тортқилади, кейин уриб-уриб ҳам қўйди. Натижа бўлмади. Орқароқ тисарилиб, чўнқайди-да, катта бошини хиёл қийшайтириб, ўткир кўк кўзларини бекасига тикди. Аммо осилиб турган оқ чойшабли кўрпадан бошқа ҳеч нарса кўролмади. Чиқмаса бўлмайди...

Қора бароқ анчагина оғир эди. У жуда кам ҳаракатланганидан зинапоясиз каравотга чиқиб-тушишга эринарди. Шунинг учун бу ортиқча мажбуриятдан зорланди. Бошқа илож ҳам йўқ-да! У бир оз куч тўплади-да, сакради. Мўлжал тўғри олинган экан, тўппа-тўғри муштаккина бўлиб ётган кампирнинг қорнига тушди. Кампир чўчиб, уйғониб кетди. Мушук ҳам унинг авзойига қараб кўрқди. Нима бўлди, дегандек, беозор, аммо ҳазингина миёвлади:

— Мия-ўў?!

Кампирнинг иситмадан қовжираган башараси даҳшатли тус олди, ундаги хира нур сочиб турган икки кўз мушукка тикилди. Ниҳоят, қовушиқсиз лаблари аламли титраб очилди-да, кампирнинг тишсиз милклари хунук кўриниб кетди.

— Ҳа, бароқ, санмисан?.. Етимча бўб қоладиганга ўхшайсан...— Бу товушни эшитиб Қора бароқ титраб кетди, кейин оёқ-қўлида жон қоламагандай аста узала тушиб, олдинги оёқлари устига тумшуғини тиради-да, бекасининг хира кўзларига ўткир кўзларини тикди.— Бирдан иссгим чиқиб, қўл-оёғим қақшаб қолса бўладими,— деди кампир гўё уни мушуги тушунаётгандай.— Нима бўлганини билмайман... Э, парвардигор, ўзинг қўлла!..

Кампир жимиб қолиши билан девордаги соатнинг таҳдидли чиқчиқи эшитила бошлади.

— Қорнинг ҳам оқандир-а?— деди кампир анчадан кейин.— Қани энди ўрнимдан туролсам.. Уф, бирам оғирсанки, нафасим қайтиб кетяпти. Туш, бундайроқ ўтир.

Кампир бурушиқ, олов бўлиб ёнаётган қўллари билан мушугига жой кўрсатди. Мушук ҳам дарров ўша жойга ўтирди. Кампир бир оз енгил тортгандай чуқур нафас олди.

— Шарофат ишига кетиб қолмадимикан-а?— деди кампир яна карахт юзини хиёл жонлантириб.— Бир қараб келмайсанми?.. Ҳа, сан ниманиям тушунардиг. Қорнинг очқаса миёвлайсан— шу. Уф, ёлғизлигини мана шундай кунда, бошинг ёстиққа етганда биларкансан...

Кампир яна оҳ тортди, афтидан, ўзининг гапи ўзининг хўрлигини келтирди шекилли миждалари орасига тиниқ томчилар сизиб чиқди.

— У!.. Қани ҳозир икки ўғилгинам тепамда турган бўлса?.. Номингга ўт тушгур Гитлер икковиниям соғ қўймади-я! Ҳа, илоё у дунёнинг ҳам, бу дунёнинг ҳам куйи-и-иб, кулинг кўкка совурилган бўлсин!..

Кампир узоқ қарғанди, сўнг яна ўпкаси тўлиб, ич-ичдан силкиниб йиғлай бошлади.

— Э, худо, қиз туғиб нима қилардим... Мени зор-зор йиғлатиб, бировнинг этагини тутиб кетди-я! Уч йилдан бери хабар олмаса, шуям фарзанд бўлди-ю. Бунақа фарзанднинг боридан йўғи... Ҳа-а, майли, ишқилиб қаерда бўлишсаям омон бўлишсин... Чолгинам-а!.. Ҳувиллаган ҳовлида бир ўзим қолдим. Э, худо, тезроқ оладиганингни олиб қўя қолмайсанми, нима қиласан бунча қийнаб?..

Кампирнинг йиғлаганини кўриб, мушук ҳам аянчли миёвлай бошлади.

— Э, санам йиғлаяпсанми, жонивор? Қўй, миёвлама... баттар юрагимни эзиб юборяпсан!..

Кампир мажолсиз қўлларини кўрпа остидан зўрға суғуриб олди-да, силамоқчи бўлиб мушукнинг бошига қўйди. Лекин силашга қуввати етмади. Мушук унинг бармоқларини ҳидлади, кейин меҳр билан ялай бошлади.

— Ҳа, сангаям қийин бўлади,— деди кампир хўрсиниб.— Бир-биримизга суяниб қолувдик. Овқат ейсанми?.. Тилим шақиллайди-ю, турай десам мадор йўқ... Шарофатни чақирсаммикан-а, нима дейсан? Ишига кетиб қолмадимикан? Индамайсан... Ҳа, сан шўрлик нимаям дея олардинг? Э, худо... омонатингни тезроқ ола қолсанг-чи?!

Кампир охирги сўзидан ўзи кўрқиб кетди шекилли, жим бўлиб қолди. Яна осма соатнинг бир маромдаги чиқ-чиқи эшитила бошлади. Кампир уф тортди, хонадаги даҳшатли сукунат бирпасга чекинди. Энди кампир унсиз йиғлай бошлади, унинг бу ноласи олдингиларидан ҳам оғирроқ эди.

— Бунчаям пешонам шўр бўлмаса мани!.. Қандоқ қилай, суянарга тоғим, ҳакка қўнарга шохим бўлмаса... Ҳу-ҳу-ҳувв...

Кампир толиқиб, кўзларини юмиши билан унинг хира тасавурида ўтмиш лавҳалари йилт-йилт ёна бошлади.

...У колхозга биринчи бўлиб трактор ҳайдаб келди. У, ўшанда оғзига кучи етмаганлар уни нималар деб аташмади. Биров уни одам эмас, жодугар, деди, биров: бузуқ, диндан қайтган, деди, яна биров қойил қолиб, юрагига балли, бало экан, деб қўйди. Ялангўш эркаклар, узун кўйлакли хотинлар, жулдирвоқи болалардан иборат оломон неча кунлаб унинг трактори орқасидан эргашиб юрди. Кейин... кейин у колхозда ҳосилот раиси бўлди, от миниб юрди. Одамларни ишга солди, ўзи ҳам ер чопди... У, нималар бўлмади ўшанда, бировга яхшилик, бировга ёмонлик, дегандай... Уни қарғаганлар ҳам, олқаганлар ҳам бўлди. Унга икки марта орден ҳам беришди. Ҳаёт экан, ҳамма нарса ўтаверар экан. Уруш вақтидаги қийинчиликлар ҳам ҳозир тушга ўхшайди. Мана, беш йилки, чолидан ажралиб, уйга михланиб қолди. Шаҳарда ўқийдиган қизи уни кўярда-қўймай шу ерга кўчириб келди. Кейин аллақандай, бир йигитни топди-ю, чўлга ҳайё-ҳуйт деб жўнаворди. Уч йилдан ошди ҳамки, дараги йўқ... Тағин қишлоқдаги уйни сотиб кетишганига нима дейсан! Эҳ, болаларидан лоақал биттагинаси қайтганда ҳам майли эди, бу кўйга тушмасмиди. Бахтига яхши кўшнилари бор экан. Ишқилиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб туришибди...

Кампир жимиб қолди. Ҳароратнинг баландлиги унинг хотираларини айқаш-уйқаш қилиб юборганди. Мушук унга қараб туриб-туриб зерикди. Қаравотдан полга сакраб тушди-да, эшикни тирноқлаб очиб йўлакка ўтди. Қўшни эшик тирқишидан мўралади, ёрдам сўрагандек миёвлади. Ичкаридан ҳеч садо бўлмагач, кирди. Шу пайт машиначасини бағрига маҳкам босганча югуриб келаётган бола уни кўриб тўхтаб қолди.

— Латоп, а, Латоп, бунга қайа, Сайа бувини Қойа байоғи телли!

Бошидаги бир лентаси осилиб қолган, дўмбоққина қизча югуриб келди-да, баҳайбат мушукни кўриб қўрқди.

— Вой, катталигини!.. Ушаб оламан.

Қизча мушукка интилди. Қора бароқ қизчага ажабланиб қаради. Қизча унинг ҳайбатидан қўрқиб, ўзини орқага олди. Қора бароқ чўнқайиб ўтирди-да, яланиб олгач, сенлардан кўра каттароқ ҳеч ким йўқми, дегандек миёвледи. Латофат чўчиб, акасининг енгидан ушлаб олди ва, уни ҳайдаб юбор, деб ялина бошлади. Акаси ноилж:

— Пишт, пишт!— деб ҳайдади.

Бароқ ҳайдашмаса ҳам кетмоқчи эди. Болалар бунини тушунишмади. На илож! У худди сакрамоқчидай белини букчайтириб ҳурпайди. Уни кўриб болалар қочиб кетишди. Қора бароқ аста бурилди-да, изига қайтди.

Кечқурун нимадир юмуш билан болаларнинг ойиси — Шарофат чиқди. Кампирни бу аҳволда кўриб, қўрқиб кетди.

— Вой, сизга нима бўлди, Сара буви?!

Кампир қимир этмади. Фақат юзигача тортилган кўрпанинг кўтарилиб туришидан ҳали тирик эканлигини билса бўларди.

— Сизга нима бўлди?— сўради аёл яна.

— Адо бўлдим,— деди кампир синиқ товуш билан.— Уламанми дейман...

Шарофат муздай кафтини кампирнинг пешонасига босди, кейин юпата бошлади:

— Қўйинг, унақа деманг!.. Шамоллаганга ўхшайсиз. Кир ювган-мидингиз?

— Йўғ-э, ювганим йўқ. Кеча ана у қатиқдан озгина ичдим у ётдим. Шу бўйича ҳамма ёғим ёниб кетяпти.

— Мен «скорий» чақирай бўлмасам?

— Йўқ, болам... Ўзи паймонам тўлганга ўхшайди... Ҳа-я, Қора бароғим қаерда қолдйкин?..

— Ана, эшикнинг ёнида ётибди.

— Шунга қараб турсангиз бўлди, болам. Мен ҳамма нарсдан розиман. Бор буд-шудимниям сизларга қолдираман. Сизлардан бошқа кўмадиган ҳеч кимим йўқ... Айтганча, ана у сандиққа ўлимликларимни солиб қўйганман. Ичида пул ҳам бор, керак бўлади... Калит мана бу еримда эди...

У шундай деб тўзиб, тердан бир-бирига ёпишган сийрак сочлари орасидан калитни олмоқчи бўлди. Аёл унинг қўлларини ушлади.

— Қўйинг, ойижон! Сиз буларни ўйламанг... Сиз дам олишингиз керак. Мен ҳозир аччиққина мастава қилиб бераман. Ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасиз...

— Э, қизим, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетганимдан кимга фойда?...

Шарофат анча уриниб кампирни тинчлантирди, кейин доктор чақиргани чиқиб кетди.

Қош қорайиб қолганда оқ халатли икки доктор бирин-кетин кириб келди. Уларнинг орқасидан қўшни хотин, унинг этагидан ушлаб олган, қўрқибми, ҳаяжонланибми турган қизча кўринди. Докторларнинг бири эркак, у қанчалик новча бўлса, иккинчиси аёл бўлиб, у шунчалик семиз ва пакана эди. Новча доктор стулга ўтирди-да, катта дафтарни очиб, тиззасига қўйди. Кейин:

— Бемор ўзи гапира оладими?— деб сўради.

— Ҳа,— деб жавоб берди қўшни хотин.

Новча доктор анкета тўлғаза бошлади. Семиз хотин кампир ётган кўрпани ижирганиброқ нари сурди-да, омонатгина ўтирди ва чўнтагидан термометр чиқариб, уни кампирнинг қўлтиғига қистирди. Кейин

оғзини, тилини, кўзларини текширди. Кеча нима қилганини, нималар еб-ичганини суриштирди. Жавоблар қониқарли бўлгач, новча доктор туриб токчадаги ярим банка қатиқни олди ва иложи борича узоқроқ тутиб ҳидлагач, елкасини қисиб, банкани жойига қўяркан, касбдошига ўтирилди:

— Сиз нима деб ўйлайсиз?

Семиз аёл жавоб беришга шошилмади. У кампирнинг қўлтиғидан термометрни оларкан:

— Уттиз тўққизу тўққиз,— деди секингина. Кейин қўшиб қўйди.— Жуда баланд... Ҳеч тушмаяптими?

Кампир йўқ дегандек нола қилди. Семиз доктор қошларини чимириб бирпас ўйлаб қолди-да, эшитилар-эшитилмас:

— Зотилжам,— деди.— Икки ёқлама. Тез касалхонага олиб бориш керак.

— Наҳотки?— деди новча ҳайратга тушиб ва яна қатиққа шубҳали назар ташлаб олди.

Қўшни хотин қўрқиб қизига қаради. Шу пайт эшик ёнида ётган бароқ безовталаниб кампир ётган каравотни бир-икки айлангач, қаттиқ миёвлади-да, тўсатдан ўзини эшикка урди. Хонадагилар ҳайрон бўлиб, бир-бирига қараганча қотиб қолишди. Биринчи бўлиб ўзига келган новча доктор кампирнинг оқара бошлаган юзига қўрқув билан тикилди.

Пакана доктор анграйиб турган Шарофатнинг қўлтиғидан олиб йўлакка бошлади.

— Энди муолажадан наф йўқ,— деди у одатий босиқ товушда.— Кечикибмиз.

— Ахир...— дея олди Шарофат ранги ўчиб.— Ҳеч иложи йўқми?— Унинг кўзлари умидвор бўлиб боқарди.

Пакана доктор жавоб беришга шошилмади. Бирпас ўй сургач, астагина:

— Йўқ,— деди.— Буни менга мушук эслатди. Мушуклар ғалати жонивор. Улар эгаси ўлишини сезгач, уйдан қочиб кетадилар. Ҳамма нарса аппон-саппон бўлгач, яна қайтиб келишади.

Семиз доктор ҳақ бўлиб чиқди. Кампир хуфтонга қадар кўп қийналиб, ниҳоят узилди... Маҳалла аҳли тўпланиб, кампир жасадини сўнгги маконга узатиб қўйишганидан икки кун ўтгач, кечга яқин Қора бароқ пайдо бўлди. Аммо у олдинги мушукка сираям ўхшамасди. Озиб, кичрайиб кетибди. У эшикни зўрға тирнаб очди-да, тўғри кампирнинг каравоти томон юрди. Каравот устидаги кўрпа ва ёстиқларни узоқ ҳидлагач, чўзиб-чўзиб нола қилди.

— Мия-ўўввв... мия-ўўвву!..

Қўшни хонадан бола югуриб чиқди.

— Вой!— деди у ҳайрон бўлиб.— Ойи, ойи!.. Қойа байоқ телли! Сайа бувини Қойа байоғи телли!..

Олдига кулранг фартуқ тутган қўшни хотин оҳиста юриб келди-да, мушукнинг устига энгашди.

— Вой шўрлик!— деб юборди у.— Озиб-тўзиб қолибсан-ку! Бечора, кампирга куйдингми-а?.. Ё очқадингми?.. Комил, бор, бир бўлак колбаса олиб кел!

Аёл шундай деб мушукни қўлига олди. Комил ичкари кириб кетди, бирпасдан кейин у бир бўлак колбаса кўтариб чиқди. Аёл мушукни астагина ерга қўйди.

— Ма, ол, е!

Бароқ овқатга қайрилиб ҳам қарамади. У яна мадорсиз оёқларини қилтиллашиб босиб каравот олдига кетди. Она-бола ҳайрон бўлиб қолишди. Мушук каравот тагига узала тушиб ётди-да, худди боласидан

айрилган онадек фарёд солиб миёвлай бошлади. Шарофат олдиниға кўрқиб кетди, кейин юраги туздай ачишди.

— Товба!— деди ёқасини ушлаб.— Товба, худди одамдай куяди-я!..

Мушукнинг фарёди тобора сусайиб, ниҳоят жимиб қолди. Аммо бу олдингиларидан ҳам аянчлироқ ва мунглироқ эди. Унга тикилиб турган жувон мушук кўзидаги ёшни кўриб сесканиб тушди, томоғини нимадир қаттиқ кўйдирди. У ўзининг шўрлик кампирга шу махлуқчалик ачина олмаганини бирдан ҳис қилди. Энди онасидай бўлиб қолган нуроний кампир ҳеч қачон қайтиб келмаслигини, унинг оппоқ сочларини кўрганда қалби оппоқ нурларга тўлмаслигини, ажойиб ҳангома-ларини эшитиб, юрак чигилини ёзиб ўтиролмаслигини бирдан ҳис қилиб қолди.

Шарофат ҳўнграб йиғлаб юбормаслик учун бирдан юзини фартуғи билан бекитди-ю, ўзини нариги хонага урди.

Тун чўкди. Қадимий осма соатнинг таҳдидли «чиқ-чиқ»и ҳам эшитилмай қолди. У аллақачон тўхтаб қолган эди. Бароқ ухлаб қолганга ўхшарди. Лекин у ухлаётгани йўқ, у туш кўрарди... Ёруғ, чароғон хона. У юмшоқ тўшакда ётганмиш. Кампир силаб-сийпаб, ёқимли сўзлар айтиб эркалаётганмиш... ҳадеб, «ухла энди, кеч бўб қолди» дермиш. Бароқнинг бўлса ўйнагиси келармиш... Ниҳоят уйқу зўрлик қилиб ухлаб қолибди. Бир пайт бундай қараса... кампир бошида тик турганмиш. У нима учундир оппоқ кийиниб олганмиш. Мушукнинг қўрқувдан томирида қон тўхтаб қолгандай бўлибди. Мана, кампир уни каравот-паравоти билан кўтариб осмонда учиб юрганмиш... У кўзини бундоқ очиб қараса, уни бекаси эмас, баҳайбат бир ит кўтариб бораётган эмиш... Мушук жон ҳолатда ўзини ерга отибди. Ерга тушаётиб аллақандай кўкиш туманли жойлардан, хирагина ёниб турган юлдузлар орасидан ўтибди... Ниҳоят зарб билан ерга урилибди-ю, оғриқ ва даҳшатдан чинқириб юборибди:

— Мия-ўў!!!

Бугун кампирнинг уйида чироқ ёқилмади. Дераза рўпарасидан сузиб ўтаётган ой уйга парвосиз назар солди. Утаётиб, гўё менга бунақа ҳодисалар янгилик эмас, дегандек каравот ёнида узала тушиб ётган Қора бароқнинг жасадиға совуқ нур сочди.



**Ислом Шоғуломов,**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг директори, тарих фанлари
кандидати

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Сўнгги йилларда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати саноат корхоналарини мужассамлаштириш ва йириклаштириш асосида ягона бирлашмаларни вужудга келтириш, техника тараққиёти ва илм-фан ютуқларини изчиллик билан ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларига татбиқ этишга катта ўрин бериб, бу улкан давлат ишига меҳнаткашларнинг эътиборини жалб этмоқда ва йирик — аграр хўжаликларни ташкил этишдек муҳим вазифани изчиллик билан амалга оширмоқда.

Матбуотнинг асосий базаси бўлган матбаа тармоқлари азалдан майда, иқтисодий ва техникавий жиҳатдан қоқоқ, кучсиз бўлган тармоқлардан ҳисобланарди. Бундай қоқоқлик идеология ишига салбий таъсир кўрсатарди. Коммунистик партиянинг совет халқи билан кундалик алоқасини таъминлашдаги ўткир ғоявий қурол бўлган вақтли матбуотнинг техника базасини тараққий эттириш давр тақозоси бўлиб қолган эди.

Совет матбуоти ва унинг ажралмас қисми бўлган полиграфия саноатини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг меваси деса бўлади, чунки у Октябрь билан бирга туғилиб, партиямиз раҳбарлигида улғайиб, тараққий топмоқда. Иттифоқимизнинг ўн беш қардош республикаларидан бири бўлган серқуёш ўлкамиз матбуоти, айниқса унинг оператив тури бўлган вақтли матбуот нашрлари Улуғ Октябрнинг серҳосил мевасидир.

Ҳозирги даврда республикамиз полиграфияси саноати, Ўзбекистон халқ хўжалигининг салмоқли тармоқларидан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов матбуот ва полиграфия тараққиётига катта эътибор бериб, унинг кундалик иши, келажак истиқболларини тўла аниқлаб бериш билан бирга, газета ва журналларнинг сермазмун, ҳозиржавоб ва хушбичим бўлишига катта ҳисса қўшиб, биз матбуотчилар, ноширлар ва матбаачиларга ҳар томонлама амалий ёрдам бермоқдалар.

Бу оталик ва амалий ёрдам республикамиз матбуотида ва унинг полиграфия базасининг тараққиётида асосий омил бўлиб келмоқда. Партия раҳбарлиги ва ташкилотчилигининг ижобий намуналари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наشريёти мисоли ва жамолида яққол намоён бўлиб турибди.

Наشريётимизнинг ярим асрлик тарихи, айниқса сўнгги йиллардаги ривожланиш, техника тараққиёти ҳамда унинг иқтисодий истиқболини ривожлантиришдаги тажриба ва ютуқлар, айрим қардош республикалар, область, шаҳар ва район босмахоналарининг келажакда кенгайиш ва ривожланиш йўлидаги перспектив планлари ва ҳозирги ишларида ҳам ижобий намуна бўла олади, десак янглишмаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг наشريёти Тошкент шаҳрининг

энг марказий қисмидан жой олган. Бир вақтлар босмаҳона ва нашриёт ташкил топган кўримсизгина икки қаватли бионинг илгари қаерда бўлганини эндиликда топиш ва эслаш ҳам амри маҳол. Ҳозир кенг миқёсли территорияда марказий ва республика газеталари, Тошкент область ва шаҳар газеталари, турли идораларнинг газеталарини босиб чиқарадиган йирик босмаҳонанинг, ишлаб чиқариш цехлари зич ўрнашган. 1971 йили фойдаланишга топширилган, иш ҳажми жиҳатидан Урта Осиёда йирик комплекс ҳисобланган ботиқ босма (глубокая печать) цехи ҳам шу ерда жойлашган. «Гулистон», «Саодат», «Фан ва турмуш» «Совет Ўзбекистони санъати», марказий журналлардан «Работница», «Здоровье» «Крестьянка» журналлари миллионлаб нусхада ана шу цехда босилади. Мазкур цехнинг ишга туширилиши билан босмаҳонанинг ишлаб чиқариш қуввати салкам икки барабар кўпайди, офсет босма ва юқори босма цехлари ҳам йил сайин янги техника ҳисобига тараққий этиб бормоқда. Бу цехларда «Муштум», «Крокодиль», «Ғунча», «Гулхан», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Человек и закон» каби кўпгина журналлар бир неча миллион нусхада юқори сифатли қилиб нашр этилмоқда.

1974 йили қуриб битказилган ўн олти қаватли редакция-нашриёт корпусининг ишга туширилиши, ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантиришнинг катта самараси бўлди. Республика, Тошкент область ва шаҳар газеталарининг редакциялари, марказий нашрларнинг мухбирлик пунктлари ана шу янги бинода жойлашди. Шунгача айрим редакциялар ишлаб турган ва ўн олти қаватли бионинг ишга туширилиши билан бўшаб қолган аввалги хоналар ремонт қилиниб, қайта қурилгандан сўнг бу бинода нашриёт системасидаги журналлар редакциялари жойлаштирилди.

Асосий корпуснинг ишга туширилиши билан нашриёт ва редакциялар ишига кўпгина янгилар жорий этилди. Янги бинодаги хоналар бир-икки ижодий ходимга мўлжалланган, ёп-ёруғ ва шифтлари баланд бўлиб, ҳавони янгилаб турадиган система билан таъминланган. Шаҳар билан боғлайдиган телефонлар ёнига редактор билан бўлимларни боғлайдиган селектор алоқаси ўрнатилди. Пневматик почта аппарати чиқарилаётган газетанинг айрим бўлимлари ва босмаҳона цехлари билан алоқа боғлаб, материалларни трубалар орқали етказиб туради. Барча газеталар учун бирдек хизмат қиладиган телетайп аппаратлари аниқ ишлаб турибди. Редакцияларнинг аввалги кичик ва тарқоқ кутубхоналари, нашриётнинг марказий кутубхонасига бирлаштирилди, бир неча нусхадан кўпроқ адабиётга эга бўлган бу кутубхонада китоб тарқатиш ва справка хизмати яхши йўлга қўйилган. Кутубхона йириклаштирилгандан сўнг унинг китоб фонди 60 минг томдан ошди, бугунги кунда бир ярим мингдан ортиқ китобхон кутубхона хизматида унумли фойдаланмоқда.

Айни пайтда ўнлаб энг янги технологик асбоб-ускуналарни, юқори тезликда маҳсулот тайёрлайдиган янги машиналарни ажойиб кадрлар, уста мутахассислар бошқаряптилар. Бу эса, ўз ўрнида республика вақтли матбуотининг зўр техника воситалари билан нашр этиб турилишини таъминламоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг журналистлар, матбаачилар ва ноширлар ҳақида, республикамызда полиграфия саноатининг ривожланиши ҳақида қиладиган ғамхўрлиги туфайли шундай муваффақиятга эришилмоқда. Бу ғамхўрлик аслида РКП(б)нинг тарихий VIII съезди қарорларидан бошланган эди. Мазкур тарихий қарор Тошкентда 1919 йил март ойида эълон қилинди. Унда жумладан шундай сўзлар бор эди:

«Съезд, маҳаллий ташкилотлар партия ва совет матбуотини барпо этиш учун тезлик билан тadbирлар белгилаши керак, деб ҳисоблайди. Съезд ўртоқларга эслатадики, матбуот пропаганда, агитация ва ташкилотчиликнинг қудратли куралидир, омманинг кенг қатламларига таъсир этувчи бемисл воситадир».



Бундан бир неча ўн йиллар аввал газеталарнинг ходимлари босмаҳона ва нашриётдан тўрт, беш чақирим узоқликда ишлар эдилар. Ҳар бир редакциянинг навбатчи секретари ҳар куни маълум бир вақтда газетанинг галдаги сони учун материал олиб бориб босмаҳонага топширар эди. Эндилик кунда «материал олиб бориб топшириш» деган ибора жуда ғалати туюлиши мумкин. Бироқ шу нарсанинг ўзиёқ инсон ақлу заковатининг юксаклигини, бир неча ўн йил давомида зўр техника тараққиётига эришадиганимизнинг ишончли гувоҳидир.

Газета редакцияларининг кекса ходимлари баъзан бир маҳаллар юз берган воқеаларни эслаб қолишади:

— Навбатчи секретарь навбатдаги соннинг материалларини трамвайда қолдириб келгани эсингдами? Ҳамма мақолаларни қайтадан машинкалатиб бошқатдан макет тузган эдик-а...

— Навбатчилик қилганимызда ҳам қийналиб кетардик. Нашриётнинг фанер билан тўсилган кичик хоналарида роса тиқилинч бўларди-да, саҳифаларни тик туриб ўқиган пайтларимиз ҳам ёдимиздан чиқмайди...

— Курьерлик қиладиган бир аёл бор эди, бечоранинг кўп югураверганидан «бўзчининг мокиси» деб атарди ҳамма...

— Биламан, Вера Афанасьевна-да. Бечора кун бўйи этажма-этаж юравериб, ўн чақиримдан кўп йўл юради, дейишарди.

... Ана шу сингари хотиралар редакциялар билан босмаҳона ва нашриётнинг

бир-биридан узоқлиги туфайли туғиладиган қийинчиликлар ҳақида тўла таассурот беролмайди. Гап фақат ноқулайликда ҳам эмас. Ҳамма гап шундаки, иш керагидек олдинга силжimas эди. Кўп ҳолларда газеталарнинг чоп этилиши кечикар, материалларнинг оперативлигига путур етар, бунинг оқибатида унинг қиммати пасаяр, шошма-шошарлик оқибатида нашрларнинг безалиши кўнгилдагидек бўлмас эди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўлардики, байрам куни эрталаб чиқадаган газетанинг саҳифаларига навбатчилар ўша байрам ўтаётган куннинг иккинчи ярмида қўл қўярдилар...

Ўз-ўзидан маълумки, бундай аҳволда ижодий ходимлар редакция учун зарур бўлган муаммоларни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, ҳўжалик, молиявий ва техник ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлардилар. Нашриётнинг ишлаб чиқаришга оид фаолиятида ҳам қийинчиликлар кўп эди, ортиқча иқтисодий харажатларга йўл қўйиларди. Масалан, нашриёт редакциялар жойлашган бинолар тағжойиси (арендаси) учун бошқа ташкилотларга анча-мунча пул сарфларди. Иш юришмаганлиги, газеталарнинг кечикиб чиқиши оқибатида республика Алоқа министрлиги ихтиёридаги ташкилотлар билан «сан-мен»га бориб қолган пайтларимиз кўп бўлган.

Халқимизда ўтмишни эсламасанг, ҳозирнинг қадрига етмайсан, деган нақл бор. Биз ҳам ана шу доно нақлга амал қилиб нашриётнинг аввалги аҳволини, эски тарихни эслаб ўтишни жоиз топдик.

Ўша пайтларда меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш суръатини, маҳсулот сифатини ошириш тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди. Журналистлар, ноширлар ва матбаачилар ўртасидаги ҳамкорлик — ижодий, бадий ва мустаҳкам техникавий алоқанинг сустиги ишга салбий таъсир кўрсатарди. Давримиз суръати ва газетaxon ҳамда журналхонларнинг ўсиб бораётган талаби ана шундай ҳамкорликни вужудга келтиришга ундар эди. Юксак бадий безакли, кўпрангли журналларни нашр этиш учун одатдаги юқори босма (высокая печать)нинг ўзигина кифоя қилмас эди. Бунинг учун полиграфия саноатида яна ҳам прогрессив янгилік ҳисобланган офсет ва ботиқ босма (глубокая печать) усулига ўтиш лозим эди.

КПСС Марказий Комитетининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан янги техника жараёни билан таъминланган янги саноат ишга жорий этилди. Бу нарса фақат ишлаб чиқариш борасида амалга оширилган кўпгина тадбирлар корхона ходимлари олдидагина эмас, балки журналлар редакциялари коллективлари олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Бошқача қилиб айтганда, ҳаётнинг ўзи ишлаб чиқариш базаси билан редакцияларни бир бутунликда комплекс равишда ривожлантириш перспективалари ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга олиб келди. Газета-журнал ишлаб чиқариш базасининг ҳар томонлама тараққий этган комплекс базасини барпо этиш ғояси шу таріқа юзага келди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети полиграфия саноатини ривожлантириш йўлидаги КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларига биноан бир неча муҳим қарорлар қабул қилди ва республика вақтли матбуоти ишлаб чиқариш базасини барпо этиш ва ривожлантириш, уни янги техника билан қуроллантириш ишига мустаҳкам асос солди. Дастлаб газета ва журналлар редакцияларининг полиграфия базасини, ишлаб чиқариш ва маиший бўлинмаларни ягона территорияга йиғишдек муҳим иқтисодий ва ижодий тадбирлар белгиланди.

Бу вазифаларни амалга ошириш тадбирлари аслида бундан 25 йиллар аввал бошланган эди. Бугунги кунда нашриётимиз фақат республика, область, шаҳар ва ташкилотлар ихтиёридаги газета-журналларнигина эмас, шунингдек бешта кўп рангли катта тиражли марказий журнал, ўндан ортиқ номда марказий газеталар ва бошқа тасвирий-безакли маҳсулотлар нашр этиш билан машғул бўлаётган ўзининг янги-янги ишлаб чиқариш биноларини лойиҳалаш, қуриш ва аҳил коллективнинг яратувчилик тажрибаларини бошқа ҳамкасб ташкилотлар билан дўстона ўртоқлашишга ҳам қодирдир. Бу тажриба илмий-техника прогресси ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида газета-журналларни нашр этишни ривожлантиришдек муҳим ишга сезиларли хисса қўшмоқда.

Илмий-техника прогресси бўйича нашриётимиз корхонаси босиб ўтган йўл илғор техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш ва унинг барча звеноларида юксак меҳнат унумига эришиш асосида корхонада иқтисод ва техника тараққийоти унумдорлигини юксалтиришни кўзда тутди. Жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг бундай прогресси усули КПСС XXV съезди қарорларида, партиязим Марказий Комитетининг 1978 йилги ноябрь Пленуми материалларида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқларда атрофлича ва аниқ кўрсатиб берилган.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, янги, прогрессив технология линияларини изчиллик билан татбиқ этиш, бизнинг нашриётимизда нафис тасвирий-безакли нашрларнинг кўркам турларини ҳаётга жорий этиш билан уйғунлаштириб олиб борилмоқда. Ҳар йили ўтказилаётган республикалараро конкурсларда газета ва журналларимизнинг диплом ва ёрлиқлар билан мукофотланиши бадий безаш ва полиграфик ижронинг сифати ортиб бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг кўп рангли совғабоп нашрлари мазкур конкурсларда энг юқори мукофотларга сазовор бўлмоқда.

Юксак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган энг янги полиграфия машиналари ва

ускуналарини ўрнатиш ва ишга жорий этишда КПСС Марказий Комитети Ишлар Бошқармасининг ишлаб чиқариш бўлими ходимлари корхонамизга катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Бўлим ходимлари илгари йирик полиграфик корхоналарга раҳбарлик қилган юқори малакали инженерлар бўлганлиги учун партия ташкилотларининг полиграфия корхоналарини лойihalаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича бой тажрибага эгадирлар. Шу боисдан уларнинг нашриётимизга ҳар гал ташриф буюришлари ёки нашриётимиз инженер-техник ходимларининг тажриба орттириш учун Москвадаги йирик босмахоналарга боришлари бизга катта самара беради. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг нашриёти ишига, уни техника прогресси йўлида комплекс ривожлантиришдаги муҳим ишларига яқиндан амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ана шундай ғамхўрлик ва бекиёс ёрдам туфайли нашриётимизнинг ишлаб чиқариш қуввати тобора ўсиб бормоқда. Нашриёт ва босмахонамиз коллективи КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили социалистик муддатиётдан олдин — ўтган йилнинг ноябрь ойида бажардилар. 1978 йилги социалистик мажбуриятлар ҳам муваффақият билан адо этилди. Бу мажбуриятлар босмахонада маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 104,1 процент қилиб бажарилди. Меҳнат унумдорлиги салкам 5 процентга ошди, маҳсулот таннархи, 2,3 процентга камайди. Корхона планидан ташқари 324 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, яъни мўлжалдагидан 260 минг сўмдан кўпроқ фойда олинди, умуман нашриётимиз бўйича ўтган йили пландан ташқари бир миллион сўмга яқин қўшимча фойда олинди. Коллективимизнинг бу йилги меҳнат зафарлари, ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини ҳам ўз вақтида сифатли этиб бажаришдан далолат бермоқда.

Аввалгиларидан унумлироқ янги техника ва технологияни ўзлаштириш бўйича ҳам кўп ишлар қилинган. Масалан «Ўзбекистон коммунисти», «Партия турмуши», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» ва «Человек и закон» журналларининг тиражини муқовалаш иши илгари кўлда бажариларди. Эскириб қолган «Фортуна» машинаси фақат 6 киши бошқаради, улар бир сменада 22 минг нусха журнални муқовалайдилар. Минг нусха журнални муқоваларди. Айни пайтда муқовалаш цехида иккита «Ротор-биндер» номли поток линия ўрнатилди. Бу ақлли машинадаги барча операцияларни фақат 6 киши бошқаради, улар бир сменада 22 минг нусха журнални муқовалайдилар. Ана шу янги ускуна шарофати билан ишчиларнинг иш ҳақи икки баравар кўпайди.

Эришилаётган муваффақиятларга нашриёт цехлари коллективлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Масалан, ўтган йили газета ҳарф бериш цехи йиллик планни 103,3 процент, цинкография цехи 104,2 процентга ошириб бажардилар. Газета ротация ва ботик босма цехлари ҳам йиллик планларини тўла адо этдилар.

Ишлаб чиқаришнинг ҳамма жараёнларида коммунистик меҳнат зарбдорлари олдинги сафда бормоқдалар. Печатниклардан Шуҳратжон Самуғович Умрзоков, Наримон Сафаров, Рихсибой Ҳожиакбарович Исмоилов, ҳарф терувчилардан Яков Моисеевич Бродский, Людмила Никитична Буровлева, Антонина Павловна Суздальцева, Наима Холтоева, Роза Тошлонова, муқовачи Ольга Александровна Ферфели ва бошқа ишлар илғорлар ишлаб чиқариш экономикасини кўтариш ва меҳнат самарадорлигини оширишдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бундай илғор мутахассислар ўзларининг бой тажрибалари билан ёш матбаачилар авлодининг тарбияланиб етишишга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқдалар.

Бу ютуқлар ҳамма жойда бўлганидек, бизда ҳам фидокор мутахассислар меҳнати билан, ажойиб, илғор ишчиларнинг ташаббуси билан юзага келади. Редакциялар ва босмахона коллективларининг аҳиллиги ва бир-бирига ҳамкорлиги — ютуқларимиз гарови. Шу ўринда ўз тақдирини газета, журнал ва китоб тайёрлаш ва нашр этишдек олижаноб ишга бағишлаган, ўнлаб йиллар давомида нашриётимизда ишлаётган кўплаб ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг ва хизматларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Уларнинг кўпчилиги ўзларининг меҳнатдаги катта ютуқлари учун орденлар, медаллар билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланганлар. Нашриёт ва босмахона ходимлардан 150 дан кўпроги иттифоқимиз орден ва медалларининг эгаларидир. 40 дан ортқ мутахассис «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» деган юксак унвонга сазовор бўлган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланган илғорлар сони 300 кишидан ортқдир.

Яқинда нашриётимизнинг мажлислар залида 1978 йилнинг иш якуналарига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 40 дан кўпроқ ишлаб чиқариш илғорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан таъсис этилган «Ўнинчи беш йиллик зарбдори» нишонини билан мукофотланди. Мукофотланганларга бир йўла эсдалик совғалари ҳам топширилди. Шунингдек 150 кишига «1978 йилги социалистик мусобақа ғолиби» нишонини топширилди. Нашриётнинг, газета ва журнал редакцияларининг барча ходимларига 13-маош берилди. «Беш кунлик топшириқни тўрт кунда», «Олти кунлик топшириқни беш кунда» бажарамиз деган шиор остидаги социалистик мусобақага қўшилган илғорларнинг 120 дан кўпроғига пул мукофотлари ва эсдалик совғалари топширилди.

«Бизнинг ихтиёримизда меҳнат муваффақиятларини кўпайтиришнинг социалистик мусобақадек сигналдан воситаси ҳам бор,— деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марка-

зий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида.— Ҳозир кўламини ва те-ранглиги жиҳатидан чинакам умумхалқ ҳаракатига айланган мусобақа доимо ижодий меҳнат намуналарини юзага келтирмоқда, мамлакатимиз экономикасини юксалтириш ва ривожлантиришдек олижаноб ҳаракатнинг асосий омилга айланмоқда.

Аммо мусобақада ҳам мусобақа бор. Мусобақа хусусидаги шовқин-сурон ва дабдабозлик бизга керак эмас. Бизга ҳар бир меҳнатқашниги, ҳар бир меҳнат коллективининг ўз ишини яхшилашдан астойдил манфаатдорлиги керак. Уйдирма «ташабуслар» бизга керак эмас. Бизга миллион-миллион кишиларнинг қалбига қўл солиб, илҳомлантирадиган, ҳақиқатан ҳам халқ орасида пайдо бўладиган амалий ташаббуслар керак. Қолоқларсиз ишлаш—шу ташаббусларнинг биридир. Айни ана шундай ташаббусларни оммалаштириш лозим». Бу доно маслаҳат ва топшириқ кун-далиқ иш қуролимизга айланиб қолган.

Моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг тўғри ташкил этилиши ишмизнинг ҳамма жараёнларида ижобий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, қоғозни иқтисод қилиш, ишлаб чиқариш жойларида юксак самарадорлик ва меъёрни таъминлаш, бефойда ишларни камайтиришга эришилмоқда.

Нашриётимиз ҳар йили моддий рағбатлантириш ва маиший-маданий қурилиш фондларига бир ярим миллион сўмдан кўпроқ маблағни ажратиш имкониятига эгадир. Йил сайин кўплаб қурилаётган турар-жойлар, харид қилинаётган машина ва ускуналар, дам олиш зоналарининг кенгаётгани ана шу маблағ ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар нашриётимиз ишлаб чиқаришини, газета ва журналлар редакциялари ишига техникани кўплаб татбиқ этиш планларини комплекс ривожлантиришнинг ижобий натижаларидир.

Нашриётнинг барча бўлимлари, айниқса ишлаб чиқариш ва планлаштириш бўли-лари, маданий-маиший, медицина хизмати соҳаларининг фаолиятини таҳлил этар эканмиз, келажакка ҳам назар ташлаш имкониятига эгамиз. Комплекс ривожлантиришнинг 1976—1985 йилларга мўлжалланган социал-иқтисодий ва техника тараққиёти планига мувофиқ барча маданий-маиший хизмат бўлимлари ишини кенгайтириш, журналистлар, матбаачилар, нашриётнинг барча ходимларининг унумли меҳнат қилишлари учун яна ҳам яхши шароит яратиш, уларнинг кўнгилдагидек дам олишлари ва даволанишларини таъминлаш кўзда тутилган.

Одамлар ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларнинг орзу-ниятига эътибор бериш меҳнатга ҳаммаша ижобий таъсир этади. Бу, албатта, ҳаммага маълум ҳақиқат. Ишлаб чиқаришнинг комплекс ривожлантириш бўйича янги техниканинг жорий этилишининг ўзи, ижодий меҳнатни яхшилаш борасида қанчалик катта резервлар борлигини кўрсатмоқда. «Бизлар пневматик почтага ҳам, тезкор лифтларга ҳам, бир жойга йиғилган телетайп бўлимига ҳам, оддий фотолару рангли фото-слайдлар билан таъминлайдиган марказий фотолaborаторияга ҳам ўрганиб қолдик,— дейишади эндилик кунда жур-налистлар.— Илгари шу нарсаларсиз қандай ишлаб келганимизни бугун тасаввур ҳам этолмаймиз».

Нашриётимиз миқёсида редакцияларнинг рассомлари, ретушерлари, газета чиқарувчилари (випускающийлари), техник редакторлари, масъул секретарларнинг нашриёт инженер-техник ходимлари ва илғор ишчилари билан ўтказиб ўтган семинарлари ҳамма участкаларда ходимларнинг малака оширишларини таъминламоқда. Бу семинарларда газета ва журналларнинг айрим, диққатга сазовор сонлари таҳлил қилинади, бадий безаш ва полиграфия ижросини янада яхшилаш бўйича истиқбол планлари ишлаб чиқилади. Бу ҳам ишлаб чиқаришни ва ижодий ишларни комплекс ривожлантиришнинг ижобий натижасидир.

Ижодий муҳитда ўтадиган семинарларда журналистика ва полиграфия бир бутунлик касб этади. Баъзилар бу семинарларда юқори унумли янги машина ва дастгоҳлар, фото-слайдларни турли рангларга ажратилган техника ва прогрессив технология ускуналарининг иш жараёнлари билан танишишга муяссар бўладилар, бошқа бировлар эса мақоланинг қандай ёзилишидан тортиб, қайси жанрда ёзилган материалнинг қандай безатилиши ва саҳифаларга жойлаштирилиши лозимлигини ўрганадилар. Бу ишларнинг ҳаммаси фақат иқтисодий тежамкорликни яхшилаш учунгина эмас, балки газета-журналлар редакциялари ишида, нашриёт босмаҳонаси ишлаб чиқаришида маҳсулот сифатини яхшилаш учун ҳам ижобий хизмат қилади.

Босмаҳонамизда чиқарилаётган нашрларнинг сифатини сурункали текширишни ташкил этишдек муҳим янгиллик ниҳоятда таҳсинга сазовор ишдир. Бу иш нашриётимизда марказий диспетчерлик бўлими орқали механизациялаштирилган бошқарув системаси ёрдами билан амалга оширилади. Мазкур ускуна ўзимизнинг рационализаторларимиз ва кашфиётчиларимиз томонидан яратилди ҳамда ишга туширилди. Марказий пулт шундай қурилганки, у орқали ҳар кун мунтазам равишда икки марта нашриёт цехлари, участкалари ва бўлимлари иштирокида оператив мажлис ўтказилади. Бундан ташқари ҳафтанинг сешанба кунда бир ҳафтада қилинган ишлар ҳамда келаси ҳафта иш планлари муҳокама этилади. Бу нарса ишлаб чиқариш суръати ва иш сифати талабларига тўла жавоб беради, унинг ҳамма жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади.

Эришилган бу ютуқлар— чегара эмас. Ҳамма жойда бўлганидек бизда ҳам ўсиш, тараққиёт давом этади. Аллақачон газета комплекси қурилишининг махсус

истикбол плани ишлаб чиқилиб, қурилиш ишлари авж олдириб юборилган. Мазкур комплексда газета чоп этиш жараёнида янги офсет босма технологияси ишлаб чиқаришга татбиқ этилади. Бундан ташқари, иттифоқимиздаги барча партия органлари босмаҳоналарининг буюртмаларига асосан, барча босма машиналари учун зарур бўлган резина валлар тайёрлайдиган муҳим цехнинг янги биноси ҳам фойдаланишга топширилади. Санаторий-профилакториймиз, пионер лагерларимиз яна ҳам кенгайтирилади, ётоқхона территориясида барпо этилаётган янги спорт комплекси ишга туширилиб, ёшлар ихтиёрига берилади. Нашриёт яқинида бир неча хушбичим турар-жойлар қурилади.

Мазкур ишларнинг барчаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг катта ташкилотчилиги, ғамхўрлиги ва изчил раҳбарлиги остида олиб бориляпти. КПСС Марказий Комитети ишлар бўлимининг ишлаб чиқаришнинг келажақдаги юксалишини планлаштириш, янги полиграфик асбоб-ускуналарни етарли миқдорда ажратиш ва уларни ўз вақтида ишга тушириш борасида нашриётимизга кўрсатаётган амалий ишлари ҳам диққатга сазовордир. Ана шу муҳим ишлар нашриётимиз экономикаси, полиграфия базиси технологиясига ва маҳсулот сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, ўзининг кенг маданий-маиший тармоқларига эга бўлган республикамиз полиграфия саноатининг байроқдори деган фахрли номни юқори кўтариб келаётган газета-журнал нашриёт босмаҳонасини комплекс ривожлантириш фан-техника ютуқларини фақат ишлаб чиқаришга эмас, газета-журналлар редакциялари ишига ҳам жорий этишда муҳим роль ўйнаяпти. Журналистлар саҳифаларни тайёрлаш билангина кун кечирмайдилар, деган ҳазил иборанинг тагида ҳақиқат бор, амалга оширилаётган қулайликлар журналистлар ва матбаачиларнинг фаровон яшашлари ва дам олишлари, қулай шароитларда меҳнат қилишлари ижодий ва омма ўртасидаги ташкилотчилик ишлари самарадорлигини янада юксалтиришдек муҳим ишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Нашриёт территориясида янги ошхона бинолари қурилгандан сўнг европача ва миллий таомлар тайёрлайдиган ошхонанинг иш кўлами уч барабар кенгайди. Баркафетерий ҳам ишлаб турибди. Энг янги медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган кабинетларга эга бўлган биринчи поликлиниканинг филиали нашриёт коллективига медицина хизмати кўрсатмоқда.

«Қизил матбаачи» клубимизда журналистлар ва матбаачилар талабига мувофиқ ҳар хил тадбирлар ўтказиб турилибди. Шаҳар ташқарисидаги хиёбонларга жойлашган санаторий-профилакториймизда дам олиш ва даволанишнинг ҳамма имкониятлари мавжуд. Чимён тоғи ён бағрига ва Қибрай боғларига жойлашган иккита пионер лагериде матбаачилар ва журналистларнинг икки мингдан ортиқ болалари ёз фаслларида маза қилиб дам оладилар ва жисмоний тарбия жиҳатдан чиниқадилар.

Бундай эзгу ишларнинг амалга оширилишдан асосий мақсад газета ва журналларни бадий ва техник жиҳатдан кўнгилдагидек — юқори савияда нашр этиш, бу билан мураккаб касб эгалари бўлган матбуотчи ва матбаачиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларнинг куч ва ижодининг раванқ топишига ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Ҳўш, ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш корхонанинг молиявий фаолиятини яхшилашда қандай роль ўйнайди? Газета-журналлар, нашриёт ва босмаҳона ишлари таҳлил қилинганда биз аввалги меҳнат шароитимизда иш унумига ёрдам бермайдиган бир қанча харажатлар борлигини аниқладик. Бугунги кунда ўша харажатларга тўла барҳам берилди. Энг аввало шаҳарнинг турли чеккаларида жойлашган редакцияларга корректура олиб бориш ва олиб келишнинг ўзи қанчалик меҳнат ва пул маблағидан ташқари, бунинг учун ишлатилган моторресурсларнинг бекорга сарф этилишини кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Устига-устак қимматли вақт беҳуда сарфланар, иш жараёнида авторлар билан материаллардаги зарур ўзгаришларни келишиб олиш ишлари қийинлашар эди. Кўпинча ана шу сабабларга кўра ишлаб чиқаришнинг технологик линиялари ва ускуналари бекор туриб қолар эди. Журналистлар ва матбаачиларнинг бевосита мулоқотлари сустигли оқибатида газета ва журналларни бадий безаш ва полиграфик ижроси бўйича айрим камчиликлар юз бериб турар, уларни ўқувчиларга етказишда ҳам кечикиш ҳодисалари учраб турар эди.

Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача. Нашриётимизда бирлашган ҳамма редакцияларнинг бариси корхонамиз территориясида қурилган биноларда жойлашган. Ортиқча борди-келди ташвишлардан қутулган редакция ходимлари ижодий ва ташкилотчилик ишлари билан кўпроқ шуғулланиш имкониятига эга бўлиб қолдилар. Ўқувчилар ва муаллифлар билан ишлаш бўйича катта имкониятлар очилди, газетхонлар ва журналхонлар конференциялари, ишни яхшилашга қаратилган учрашувлар, редколлегиянинг кўчма мажлислари тез-тез ўтказиладиган бўлиб қолди.

Ишдаги бундай ижобий омиллар газета ва журналлар тиражининг сезиларли даражада ошишига олиб келди. Чунки бугунги юксак дидли газетхон ва журналхон матбуотга юқори даражадаги эстетик талаблар билан ёндашади, унинг сермазмун ва нафис қилиб нашр этилишини истайди.

Редакцияларнинг молиявий ишлари, идора ичидаги бекорчи харажатларнинг камайиши ҳамда реклама ва эълонларнинг кўпроқ босилаётгани ҳисобига тобора

ўсиб бораёпти. Ҳатто авваллари давлат ҳисобига чиқариладиган нашрлар ҳам ўз ҳа-
ражатини қоплайдиган ва фойда берадиган нашрлар сафига кўшилиб олдилар. Бу
ҳолат редакция ходимларини мукофотлаш учун маблағ ажратиш имкониятини ярат-
ди. Корректорлар, хатлар бўлимларининг ҳисобчилари ва бошқа техник ходимлар
ҳам ижодий ходимлар билан бир қаторда мукофот пули ва ўн учинчи маош олиб
турибдилар. Редакциялар ихтиёридаги даволаш фондлари ҳам тобора ошиб бор-
моқда, бу қулайлик редакциялар ишларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Нашриётимизда маданий-маънавий тадбирларга, уй-жой қурилишига ажратилаёт-
ган маблағларнинг ошаётгани нур устига аъло нур бўлаётир. Энди ҳар бир редакция
ва нашриёт, босмаҳона бўлимларининг эҳтиёжига кўра уй-жой ордери ва санаторий-
ларга путевкалар ажратишнинг перспектив планлари тузилган, зарур имтиёзларни
тақсимлашда биз ҳатто автомашиналар базаси, хўжалик бошқармаси, ошхона, соғлом-
лаштириш пункти, дам олиш зонаси, профилакторий ходимларини ҳам четлаб
ўтмаймиз.

Нашриёт корхонаси фаолиятини янада юксалтириш, иморатларни қайта қуриш
ва умуман ишлаб чиқаришни комплекс ривожлантириш борасидаги катта ишлар му-
ваффақиятли равишда давом эттирилмоқда. Мутахассислар ишлаб чиқариш тармоқ-
ларини яна ҳам яхшироқ жойлаштириш, майда-чуйда участкаларни йириклаштириш
бўйича қулай имкониятларни изламоқдалар. Бу ишларда редакция, нашриёт ва бос-
маҳонанинг ўзаро ижодий ва ташкилий алоқаларини янада яхшилаш масалаларига
ҳам катта эътибор берилмоқда.

Нашриётнинг 1976—1985 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ва техник
жиҳатдан комплекс юксалиш плани тагин ҳам катта иштиқболларни кўзда тутуди. Ун-
да прогрессив усулдаги офсет босма йўли билан ишлайдиган газета корпусини қу-
риш ва фойдаланишга топшириш ишларига катта ўрин ажратилган. Мазкур корпус
лойиҳаси янги прогрессив усулда яратилган. Ундаги иш микдори ҳозирги ўлчовга
қийёсланганда ҳам жуда бекиёсдир — газеталарнинг ҳар кунги тиражи 1981 йилга бо-
риб етти миллион нусага етади. Шуни айтиш керакки, ўшанда республика газета-
лари байрам кунлари кўп рангларда ва тезкорлик билан чиқа бошлайди. Алоқа ка-
наллари бўйича 15 номдаги марказий газеталарнинг фото-саҳифаларини қабул қилиб
олиб, офсет босма машиналарида чоп этиш кўзда тутиляпти. Бундай олижаноб режа-
ни амалга ошириш учун журналистлар ва матбаачилардан иборат бутун коллектив
зўр иштиёқ билан ижодий меҳнат қилмоқда. «Ҳозирги замон ишлаб чиқариши,—
дейди ўртоқ Леонид Ильич Брежнев,— ҳар бир ишчи меҳнат жараёнида ўз ўрнини
аниқ тасаввур этишини, нимани ва нима учун ишлаётганини, нималар унга боғлиқ
эканлигини билишини, унинг меҳнати умумий ишнинг зарурий бўлгани эканини ҳис
этишини талаб қилади. Агар шундай онг унда бўлса, ана ўшанда чинакам манфаат-
дорлик пайдо бўлади, ана ўшанда меҳнат қувонч олиб келади, ана ўшанда меҳнат
ижодга айланади».

Бизнинг коллективимизда меҳнат ҳудди ана шундай фазилатлар билан жилва-
ланади. Чунки ҳар бир киши ўз меҳнатининг натижасини ва мўлжаллаган мақсадини
аниқ кўриб туради. Журналистлар ва матбаачиларнинг мақсади эса битта партиёга ва
совет халқига сидқидилдан хизмат қилиб, ўз олдиларига қўйилган катта ва масъулият-
ли вазифаларни, ҳамда партияимизнинг улғу ишончини амалий меҳнатда оқлаб,
ленинизм ғояларига доим содиқ бўлиб қолишдадир.

Коллективларимиз олдида турган вазифаларни тўла ҳис этиш ва унинг мурак-
каблигини бутунлай сезиш учун газеталарни офсет босма усули технологиясига ўтка-
зиш борасида кўрилаётган тайёргарлик масаласини олиб кўрайлик. Бунинг прогрес-
сив янгилик эканлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат йўқ. Янги усулнинг ижобий жи-
ҳатлари Москва, Минск, Рига, Таллин, Кишинев каби бошқа шаҳарларда синовдан
ўтган. Биз ҳозир газеталарни офсет усулда босиш корпуси қурилишини тезлаштириб
юбордик. Шу билан бир қаторда мутахассислар тайёрлашга киришишни ҳам мўл-
жаллаяпмиз. Фақат технология жиҳатдан қайта қуриш эмас, балки мутахассисларни
психологик қайта тайёрлаш тадбирларини ҳам кўзда тутаяпмиз. Фақат матбаачиларни
эмас, фото-расмлар тайёрлаш ва оригиналларни ўлчаш ва макёт тузиш билан шуғул-
ланадиган журналистларни ҳам бу ишга ҳозирлаб боришимиз лозим бўлаяпти. Бу —
мураккаб ва қийин, шу билан бирга жуда зарур иш. Бироқ иштиёқ ва интилиш бор
жойдан қийинчилик қочади. Шуни ҳам айтиш керакки, биз бу борада биринчи бўлиб
кўриқ очаётганлардан эмасмиз. Биз бу борада Белоруссия Компартияси Марказий
Комитети нашриёти, «Московская правда» ва мамлакатимиздаги бошқа корхоналар-
нинг тажрибаларидан оқилона фойдаланаётирмиз. Шунингдек, яхши меҳнат тради-
цияларига бой бўлган кўпмингли коллективимиз ҳам ўзининг бой иш тажрибалари-
ни бошқалар билан чин дилдан ўртоқлашмаяпти. Масалан, Урта Осиеёдаги барча
республикаларнинг журналистлари ва матбаачилари бизга тез-тез келиб турадилар
ва ўзлари учун фойдали бўлган тажрибаларни тадбиркор мутахассисларимиз билан
дустона ўртоқлашадилар.

Бизнинг нашриётимиз тегишли ташкилотларнинг топшириғига биноан Вьетнамда
қурилиши лойиҳалаштирилаётган полиграфкомбинатни барпо этиш ва ишга тушириш
бўйича бош кўмакчи корхона қилиб тайинланган. У ерда қурилиш тамомланиши би-
лан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг инженер-техник хо-

димларидан иборат бир группа мутахассислар қардош мамлакат матбаачилари ва журналистларига ёрдам бергани борадилар. Бу — бизнинг интернационал бурчимиздир, бу вазифани аъло даражада бажариш коллективимиз меҳнат аҳлининг чин мақсади.

Урни келганда, коллективимиз орасида интернационал тарбияга катта аҳамият берилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда бу ерда уч мингга яқин мутахассис матбаачилар ва матбуот ходимлари меҳнат қилмоқдалар. Улар орасида 30 дан кўпроқ миқлат ва элатларнинг вакиллари бор. Ҳарф терувчи мутахассислар рус, ўзбек, тожик ва татар тилларида нашр этиладиган газета ва журналлар материалларини худди ўз она тилларидек бемалол тераверадилар.

Нашриётимиз коллективи чет эллик матбаачилар билан ҳам дўстлик алоқаларини яхши йўлга қўйганлар. Ишлаб чиқариш илғорларидан бир неча киши ГФР даги полиграфия корхоналарида бўлди, шунингдек, Германия Демократик Республикасидаги корхонамиз буюртмалари бўйича босма машиналарини тайёрлайдиган Плауен шаҳридаги «Пламаг» фирмасининг иш тажрибасини ўрганиб келди. Ишчилар ва хизматчилардан яна икки группаси ГФРга — биз учун машина ва ускуналар тайёрлайдиган «Хелл» ва «Вальтер» фирмаларига бориб келди. Мутахассис матбаачилар группаси Японияда бўлиб, матбаачиликнинг илғор тажрибаларини ўрганиш билан бирга, журнал ва китоблар учун мураккаб машиналарни тайёрлайдиган фирмаларнинг бир неча заводларини бориб кўрдилар. Коллективимиз мутахассислари Социалистик Вьетнам республикаси матбаачилари билан ҳам мустақкам алоқа боғладилар. Қардош Вьетнам фарзандларидан бир группасини янги полиграфия комбинатида ишлаш учун тайёрлаб берадилар.

Комплекс ривожланишнинг афзалликлари ҳисоб-китоб рақамларида яна ҳам яққолроқ кўзга ташланади. Сўнги ўн йил ичида нашриётимизда маҳсулот ишлаб чиқариш плани икки марта кўпайди, ишлаб чиқаришдан келаётган фойда эса, беш марта ошди, ижтимоий-маданий қурилишлар, моддий рағбатлантириш, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфланаётган материал ва маблағлар миқдори 4,5 мартадан ошиб кетди.

Матбаачилар ва журналистларнинг ўртача иш ҳақлари ҳам ўрта ҳисобда 25—30 процентга ошди. Шу йиллар ичида икки юздан кўпроқ юқори унумга эга бўлган полиграфик машина ва ускуналар, кўп рангли безаклар суратини фото-плёнкага кўчирадиган ноёб машиналар ўрнатилди. Ана шу илғор техника ёрдамида матбаачиликнинг энг сўнги ривож мезонида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тарихий, маданий ёдгорлик нашрларини тайёрлаб чоп этиш имкониятига эга бўлди. Ёдгорлик нашрлари эса, республикамиз аҳолиси ва азиз меҳмонларимиз томонидан яхши қадрланмоқда.

Газета ва журналларни нашр ва чоп этиш — бизнинг асосий ва кундалик ишимиз. Ҳозирги пайтда нашриётимиз босмахонаси 36 номда, умумий тиражи беш миллиондан ортиқроқ нусхада газета, 42 номда, умумий тиражи саккиз миллион нусхадаги журналларни босиб чиқаради. Лекин шу билан бирга нашриётимиз босмахонаси «Ўзбекистон», Фафур Фулом номли Адабиёт ва Санъат нашриёти, «Ёш гвардия» нашриёти, «Ўзплодоовошвинпром» аграр-саноат бирлашмаси, Озик-овқат саноати министрлиги, республикадаги бошқа кўпгина министрликлар ва идораларнинг кўп рангли ва ноёб буюртмаларини шартнома асосида бажаради.

Шунингдек нашриётимизда тоза қоғоздан ясаладиган маҳсулотлар (ҳар хил блокнотлар, умумий дафтарлар, қоғоз жойланадиган папкалар) ҳам тайёрланади. Бадий откриткалар, «Самарқанд», «Бухоро», «Фарғона водийси», «Тошкент», «Хива» каби кўп рангли йўл кўрсаткичлар, енгил муқовалик китоблар босиб чиқариш технологиясини ўзлаштирдик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти билан ҳамкорликда Умар Ҳайём, Саъдий, Алишер Навоий, Махтумқули, Нодира, Машраб, Фирдавсий, Деҳлавий каби шарқ поэзияси классиклари асарлари чиройли миниатюралар билан безаб чиқарилмоқда. Шарқ миниатюралари билан безатилган ёдгорлик асарларидан яна бир нечтаси шу кунда янгидан нашрга тайёрланди. Бундай ёдгорлик нашрлари мамлакатимизда ва чет элларда оммалашиб кетганлиги сабабли нашриётимиз кўплаб буюртмалар олмоқда.

Нашриётимиз «Интурист» ва бошқа ташкилотларнинг буюртмалари бўйича стол устига қўйиладиган календарлар, хилма-хил кичик буклетлар ҳам чиқаряпти. Ёдгорлик маҳсулотларига бўлган талабни янада чуқурроқ ўрганиш бундай нашрларни Ўрта Осиёдаги қардош республикалар учун ҳам тайёрлаш лозимлигини тақозо этмоқда.

Қуйида номи зикр этилган нашрлар республикамиз вақтли матбуоти сони ва сифатини янада бойитади, уни ноёб китоблар билан тўлдирари, албатта. Газета ва журналларни катта тиражларда нашр қилиш эса, нашриётимиз коллективининг доимий ва асосий иши бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида шундай деган эди:

«Ҳозир совет кишиси сиёсий жиҳатдан ҳар қачонгидан ҳам саводли ва активдир. У оммавий ахборот воситаларига нисбатан ҳақли равишда юксак талаблар қўймоқда. Иш сифатини, самарадорлигини ошириш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш — идеология фронти ходимларининг бурчидир».

Газеталар ва журналлар ўз материалларининг мазмунан ва бадиий жиҳатдан ёзилиши билангина эмас, нашр этиш ва полиграфик ижроси сифати билан ҳам ўқувчиларни ўзига жалб этиши лозим — жонажон партиямиз кўрсатмаларига биноан журналистлар ва матбаачилар зиммасига юкланадиган вазифа ана шундай. Бу вазифа шарафли ва масъулиятли бўлганлиги учун ҳам асосий ишимиз деб биламиз.

Нашриётимиз ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларини янада такомиллаштириш, юқори унумли ноёб полиграфик машина ва ускуналарни ишлаб чиқаришга системали равишда жорий этиш, юқори малакали кадрларни кўплаб тайёрлаш, уларни техникум ва институтларда сиртдан ўқитиш, мутахассислигини янада оширишдек муҳим вазифа билан чамбарчас боғлиқдир. Тошкент шаҳридаги махсус политехника ўқув юрти (9-ГСПТУ) ҳамда Тошкент полиграфия техникумининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тегишли ташкилотлар бирмунча ишларни амалга оширмақдалар. Бу нарса полиграфия ишлаб чиқариш талабларига жавоб бера оладиган даражадаги билимга эга бўлган матбаачилар тайёрлашни янада яхшилаш имкониятини беради.

Бундан ташқари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг коллективи томонидан Фарғона политехника институтининг инженер-технологлар тайёрлайдиган полиграфия бўлимини Тошкент енгил ва тўқимачилик саноати институтига ўтказиш ва бу янги факультетнинг сиртки ва кечки бўлимларини ташкил этиб, унга мингга яқин махсус ўрта маълумотга эга бўлган матбаачи ёшларни жалб этиш ҳақида қимматли таклифларни киритмоқда. Бу ишнинг зарурияти шундаки, полиграфия билан тўқимачилик саноатининг кўпгина технология жараёнлари бир-бирига ўхшашдир. Мазкур таклифнинг амалга ошиши — Тошкент тўқимачилик институти составида полиграфия факультетининг барпо этилиши, барча ихтисосдаги инженер матбаачиларни, яъни технологлар, механиклар, иқтисодчиларни тайёрлашга ҳамда сиртки ва кечки бўлимларда ўрта техника маълумотига эга бўлган тажрибали кадрларнинг ўз соҳалари бўйича билим олишларига имкон беради, бу вазифанинг изчиллик билан амалга оширилиши полиграфия саноатини янада юксалтириш, техника тараққиётини ривожлантириш, нашрларни ҳушбичим этиб чиқаришдек муҳим ишнинг ижобий ҳал этилишига қўйилган қайта ҳисса бўлади десак янглишмаймиз.

Қисқа қилиб айтганда, ишлаб чиқаришни бундан кейин ҳам юксалтириш учун бизда барча имкониятлар мавжуд. Ҳамма гап ана шу имкониятларни ишлаб чиқаришга моҳирлик, изчиллик билан татбиқ этишдадир. Бу йўлда коллективимиз меҳнаткашлари томонидан кўпгина ишлар амалга оширилган, Тошкентда инженер кадрлар тайёрланадиган бўлса, ҳамма камчиликларга тезроқ чек қўйилган бўларди.

Тошкент шаҳрининг марказида — хилма-хил рангда товланиб турадиган фавворалар каскади ёнида, кўриниши мраммрдан ясалган китобни эслатадиган кўп қаватли иморат жойлашган. Ун олти қаватнинг ҳар бири ажиб бир саҳифанинг нурли сатрларидек туюлади. Ана шу редакция-нашриёт биносини безаб турган улкан соатнинг миллари узоқ-узоқлардан кўзга ташланади. Бу соат ҳамиша тўғри юради. Унинг ҳар бир ҳаракати эртаги кунга, янгидан-янги улкан зафарларга чорлайди, узоқлардан кўришиб туради. Бу вазифани сидқидилдан, ўз вақтида бажариб, газета, журнал, китоб ва бошқа нашрларни сермазмун, ҳушбичим, қимматли, ўқувчиларимизнинг юқори дидларига жавоб бера оладиган даражага етказиб нашр этиш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти босмаҳонаси ва элликка яқин редакцияларда шавқ ва завқ билан ижодий меҳнат қилаётган матбуотчиларнинг аини муддаосидир.




Зиёвиддин Акрамов,

география фанлари доктори,

Рисқитилла Нуринбоев,

СССР география жамиятининг ҳақиқий
аъзоси



Муаллифлари

Ж уда узоқ ўтмиш. Қорақум саҳроси орқали Каспий денгизига сув қуйиб турган Амударё нима бўлдию ундан юз ўгириб, шимолга қараб оқа бошлади. У қум саҳроларию, текис тўқайларни босиб ўтди, қанчадан-қанча чуқурликларни сув билан тўлдириб, Хоразм ботиғига етиб борди. Бу ерни ҳам тезда «забт» этгач, яна шимолга йўл олди. Ниҳоят у йўлда ўзига янги макон топди ва ҳозирги Орол денгизини ҳосил қилди. Худди шу вақтда Қизил Урда кўлини тўлдириб бўлиб, очиқ саҳрога жон киритиб келаётган Сирдарё ҳам Орол қучоғига етиб келган эди. Бу даврларда Иртиш дарёси Тўрғай дарвозаси орқали ўз сувининг бир қисмини Оролга «ҳадя» қилар эди. Кейинчалик Иртиш Оролдан бош олиб кетди. Сирдарё ва Амударёлар Оролга бир умрга сув қуядиган бўлдилар. Орол ўзани тўлиб, унинг сатҳи Ойбуғир ва Сарикамишгача кенгайди. Азим дарёлар бу жойларни ҳам тезда тўлғазгач, Ўзбойга сув қуя бошлади. Ўзбой эса Каспий билан тутшиб кетган эди. Бу алоқа узоқ йиллар давом этди, аммо кейинчалик турли табиат ҳодисалари ҳамда суғориш ишларининг ривожланиши натижасида бу алоқа узилиб қолди. Дастлаб Сарикамишдан айрилган Орол кейинроқ Ойбуғир билан ҳам видолашди. Ниҳоят бугунги кунда Оролнинг тақдири анча ташвишли аҳволда қолди. Орол тобора чекиниб бормоқда.

Одамзод пайдо бўлган даврдан бери доимо ҳаракатда. У ўжар табиатни мислсиз жасоратлар билан ўзига бўйсундириб келмоқда. Инсон жонсиз чўлга сув чиқариб, унга ҳаёт бағишлади. Инсониятнинг илк бешикларидан бўлган Урта Осиёда эса одамлар энг қадимги даврлардаёқ, каналлар қазиб сув чиқариш ишлари билан шуғулланганлар.

Бу ерда деҳқончиликнинг ривожланиши билан, суғориш ишлари авж олиб кетди. Дастлабки мироблар Туронда бундан олти минг йил олдин ерларни суғора бошлаган эдилар. Иқлим қуруқ, ёз иссиқ бўлган Урта Осиё чўлларида сув танқис бўлганлиги сабабли дастлабки вақтларда деҳқончилик фақат дарё водийларида ривожланган бўлса, кейинроқ суғоришнинг барча сирларини ўргана бошлаган аждодларимиз, ариқларга, ундан кейин эса йирик каналларга ўта бошладилар.

Тарих саҳифаларини varaқлаб кўрсак, суғориш деҳқончилиги Урта Осиёда бир хилда ривожланмаганлигига гувоҳ бўламиз. Бундан тахминан тўрт минг йиллар олдин кишилар деҳқончиликда суғориш тармоқларидан фойдалана бошладилар. Эрадан олдинги II—I минг йилликлар эса аҳолининг суғориш малакасини пухта ўрганиш даври бўлди. Бу вақтда Урта Осиё территориясида улкен иқтисодий ва сиёсий ўзга-

ришлар рўй берди, синфий муносабатлар келиб чиқа бошлади, кулдорлик давлатлари ривожланиб, юксалиб борди.

Эрадан олдинги 1 минг йилликда Урта Осиёнинг суғориш тармоқлари ривожланишида янги босқич юз берди, дарёларда тўғонлар қурилди, йирик сув иншоотлари барпо этилди. Катта дарёлар атрофида деҳқончилик қизгин ривожланиб кетди.

Эрамининг IV—VI асрлари кўпдан-кўп ўзаро урушлар, қирғинлар туфайли суғориладиган деҳқончиликнинг сусайиш даври бўлди. VII асрдан бошлаб суғориш ишлари яна авж олиб кетди. Дарёларда йирик тўғонлар қурилди, турли катталикда каналлар қазилди. Кўриниб турибдики, буларнинг ҳаммаси Орол сув сатҳига аста-секин таъсир қила бошлади. Йирик феодал тўқнашувлар даврида ёки Чингизхон истилolari вақтида фақат шаҳар, қишлоқларгина эмас, экин майдонлари ҳам, суғориш тармоқлари ҳам бутунлай вайрон қилинганди. Мўғуллар истилоси давридаги бундай бузғунчиликлар ёзувчи В. Ян томонидан шундай таърифланади: «...Мўғуллар бутун Хоразмга сув берадиган катта тўғонни емириб ташладилар... Хоразмнинг бир неча шаҳарларини қутурган дарёнинг суви босиб кетди. Дарёнинг оқими ўзгариб, анчагача Хазар денгизига қумлар орасидан оқиб ётди».

Бундай урушлар даврида Орол денгизининг сатҳи кўтарилиб, қисқа вақтга Сарикамиш билан туташади. Урта асрлардан кейин суғориш яна авж олиб кетди. Орол юзаси шу билан боғлиқ ҳолда яна пасая борди. Асримизга келиб суғориш ишлари айниқса кенг миқёсда ривожлана бошлади.

Инқилобдан кейин Урта Осиёнинг сиёсий ва иқтисодий қиёфаси тўздан ўзгариб кетди. Илгарилари «Қуш учса қаноти — одам юрса оёғи куяди», деб келинган Мирзачўл, Қарши дашти сингари асрий чўлларда ҳозир давримиз деҳқонлари беҳисоб дур — «оқ олтин» ундирмоқдалар. Ҳозирги вақтда замонавий техника беқиёс даражада улкан қудратга эга. Техника кучи билан катта магистрал каналлар қурилди, йирик сув омборлари бунёд этилди. Бу сув омборлари Амударё, Сирдарё каби қудратли дарёлар сувини бепоен далаларга, чўлларга узата бошлади. Ота-боболаримизнинг кучи етмаган қўрқинчи чўллар эндиликда гулистонга айланди.

Республикаимизда суғориш ишлари бундан кейин ҳам янада ривожланади, ҳозирда янги-янги ерлар ўзлаштирилмоқда. Бу — табиий ҳол, замон талаби. Ўз-ўзидан равшанки, янги ўзлаштирилаётган ерларга сув керак, сувнинг эса Урта Осиёда йилдан-йилга танқислиги ортиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида табиатдаги катта мувоzanатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Орол денгизи Урта Осиё чўллари ўртасида жойлашган, унинг атрофини Қизилқум; Қорақум, Устюрт, Бўрсик чўллари ўраб туради. Амударё ва Сирдарё унга деярли саккиз минг йилдан бери сув қуйиб келмоқда. Юқорида айтилганидек, Орол бир вақтлар тўлиб, Каспий билан боғланиб турарди. Ҳозирда эса унинг сатҳи йил сайин пасайиб бораётир.

Амударёнинг йиллик сув сарфи юқори қисмида 65,9 куб. км бўлиб, Орол денгизигача 39,2 куб. км сув етиб келади. Амударё Орол денгизигача табиий ва сунъий равишда ўз сувининг бир қисмини йўқотади. Табиий ҳолда дарё юзасидан 9,3 куб. км сув буғланиб кетса, беш куб. км сув дарё ўзанига шимилиб кетади, Амударё сувининг 16,4 куб. км дан ортиқроқ қисми суғориш ишларига олинади. Шундан тўрт куб. км сув қайтарилма (оқова) сув сифатида яна дарёга қайтади.

Сирдарёнинг йиллик сув сарфи 39,1 куб. км ни ташкил этади. Оролгача Сирдарё сувининг 12,4 куб. км қисми етиб боради. Сирдарё сувининг 6,8 куб. км қисми табиий равишда йўқолади. Суғориш ишларига эса 19,9 куб. км сув сарф бўлади, шундан 5,5 куб. км сув оқова сув сифатида қайтади.

Сирдарё ва Амударё Орол денгизига йилига эллик икки куб. км сув қуяди. Агар бу дарёларнинг суви суғоришга тақсимланмаганда, денгизга саксон саккиз куб. км сув қуйиларди. 1960 йилгача Оролга йилига эллик икки куб. км га яқин сув қуйилиб, денгиз чуқурлиги эллик уч метр атрофида турар эди. Бу ҳолда Орол денгизининг майдони олти миш олти минг квадрат километрни ташкил қиларди. Йилига денгиз устига олти куб. км ёғин тушади (ёғин қатлами тўқсон мм). Денгиз юзидан эса эллик саккиз куб. км сув буғланиб кетади (буғланиш қатлами тўққиз юз мм).

Олтмишинчи йиллардан кейин юқорида келтирилган рақамлар ўзгарди, албатта. Оролга борувчи сув кескин камайганлиги натижасида денгиз сатҳи сўнги ўн йил ичида етти метр атрофида пасайди ва ҳозир 46,3 метрга тушиб қолди. Икки мингинчи йилга бориб денгиз сатҳи ўн етти метрдан ортиқроқ пасайиши кутилади.

Орол сувлари шу йўсинда камайиб бораверса кейинчалик нима бўларкин деган саволга турли олимлар турлича жавоб бердилар. Айримлар Орол майдони ўрнида деҳқончилик қилиш мумкин деб ҳисобладилар. Баъзилар Оролнинг қуриши табиатга айтарли таъсир қилмайди деган фикрда бўлдилар. Аммо Орол Урта Осиё табиати-нинг ажралмас бир бўлагидир. Унинг қуриб қолиши мавжуд регион учун катта салбий оқибатларга олиб келади. Биринчи навбатда денгизда яшовчи жониворлар қирилиб кетади. Орол денгизи Урта Осиёнинг балиқ базаси ҳисобланади. Бу ерда бир неча йил олдин тўрт юз минг центнер балиқ тутилган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич юз минг центнерга тушиб қолди. Унинг суви камайиши билан балиқчиликнинг аҳамияти йўқолиб кетади. Денгиз сувининг шўрлиги ортган сари, бундай шўр сувга мослашмаган балиқлар қирилиб кетаётир. Бундан ташқари балиқларнинг урчиши учун чучук сув запаси ҳам камайиб қолди. Уларнинг оқватланиши учун майдон

қисқарди. Оқибатда сазан, усақ, лешча ва бошқа айрим тур балиқлар мутлақо туғаб қолди ёки жуда оз миқдорда қолганлари ҳам хавф остида турибди.

Денгиз сувининг шўрлиги олтмишинчи йилларгача литрида 10,3 граммни ташкил қиларди, ҳозир эса литрида ўн етти граммга етиб қолди. Орол денгизи сувининг ҳажми бир миң олтмиш куб. км бўлиб, унда тўпланган тузнинг миқдори 10,9 миллиард тоннага яқиндир. Ваҳоланки, шунча туз запасининг вужудга келиши учун уч юз саксон йил керак бўлади. Амударё ва Сирдарё денгизга йилига 28,7 миллион тонна туз оқизиб келади. Оролнинг қуриши билан унинг ўрнида туз саҳроси пайдо бўлади. Бу тузлардан кимёвий хом ашё сифатида фойдаланиш мумкин дегувчилар ҳам бўлди. Лекин бу районда Орол томонидан Амударё дельтасига эсувчи шамоллар кучлироқ бўлади. Бу шамоллар туз қатламига бевосита таъсир қилиб (айниқса сульфат тузлари шамолга берилувчан бўлади) қишлоқ хўжалигида яроқли бўлган майдонларга учириб кетади ва ётқизади. Натижада унумдор ерлар ишдан чиқади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Орол атрофидаги воҳаларда шўрланиш сезиларли даражада кўрина бошлади. Денгизга яқинлашган сари шўрланиш оқибатида ташлаб кетилган далаларни кўплаб кўршингиз мумкин. Бундан ташқари туз ҳозирнинг ўзидаёқ учиб фақат яқин атрофгагина эмас, анча узоқ масофаларга ҳам тарқалмоқда. Масалан, яқинда Татаристон электр линияларидаги ҳодисалар, электроизоляциянинг ишдан чиқиши сабабларини мутахассислар синчиклаб ўрганиб, унинг шамол учирган тузлардан шикастланганлигини аниқладилар.

Орол денгизининг қуриб бориши билан сизот сувлар сатҳи пасайиб, уларнинг босими ҳам кескин камайиб кетади. Бу фақатгина артезиан қудуқларгагина эмас, балки бу ерда ўсувчи ўсимликлар дунёсига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирнинг ўзидаёқ Амударё дельтасида Оролнинг кичрайиши билан бевосита боғлиқ бўлган ҳодисаларни кузатиш мумкин. ЎзССР Фанлар академияси география бўлимининг 1977 йилги экспедицияси даврида қуйидаги ҳодисаларнинг гувоҳи бўлдик. Бундан бир неча йиллар олдин Мўйноқ шаҳри атрофини сув қоплаб турган. Қизилжар ёки порлотовлик кишиларнинг айтишича, шу ерлардан қайиқда Мўйноқчака бемалол бориб келавериш мумкин эди. Ҳозир эса бир вақтлар кўя ва ботқоқликлардан иборат бўлган жойлар, бегойда шўрхок бўлиб ётибди. Денгиз атрофидаги сермахсул яйловлар ўрнини каммаҳсул ўсимликлар эгаллай бошлади. Воҳалар, қалин дарахтли тўқайлар ўрнини юлғун буталари қоплаб олмоқда. Ўсимлик дунёси билан боғлиқ ҳолда мавжуд территорияда ҳайвонот олами ҳам йўқолиб бораётир. Масалан, бу ердаги тўқайларда яқин йилларгача нодир ҳайвонлардан йўлбарс бўларди. Амударё дельтасида кўп учрайдиган турли-туман қушлар, ҳайвонлар ҳам камайиб кетди.

Олдинлари Қуйи Амударё яйловларида жуда кўплаб чорва моллари боқиларди. Ҳозирги кунда бу яйловлар чекиниб, маҳсулдор озуқа ўсимликлар ўрнини юлғун ёки шўрхок ўсимликлари қоплаб бормоқда. Чорва моллари озикланиши учун шароит тобора оғирлашиб бормоқда. Биологик вазиятнинг бундай ўзгариб бориши албатта иқтисодий шароитларга ҳам таъсир кўрсатади.

Орол денгизи Урта Осиё иқлимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг сатҳидан йилига тўқсон сантиметрга қадар сув буғланиб кетади. Шунча сув атрофдаги чуллар ҳавоси намлигига таъсир қилиши табиий бир ҳол.

Умуман олганда Орол денгизининг қуриши билан табиатдаги мувозанат бузилади. Шунинг учун табиатнинг бу улкан дурдонасини сақлаб қолиш устида кўп олимлар, илмий муассасалар иш олиб бормоқдалар. Кейинги вақтларда суғоришнинг илғор усуллари (ёмғирлатиб ёки ер остидан суғориш каби) кенг жорий қилинаётир. Сувнинг беҳудага исроф қилинишига йўл қўймаслик билан бир қаторда айрим ўсимликларнинг сув буғлантириш қобилиятини камайтириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Мавжуд сув ресурсларидан рационал фойдаланиш, бекорга Арнасой ва Сарикамиш чўкмаларига оқаётган қайтарилма — оқава ва дренаж сувларини Орол денгизига оқизиш йўллари ишлаб чиқилиб, бу сувлар тўлиқ Оролга юборилиши керак. Бу дастлабки тадбирларнинг аста-секин амалга оширила бориши Орол сатҳи пасайишининг секинлашувига олиб келади.

Кўпчилик адабиётларда Урта Осиё ирригациясини ривожлантириш ҳақида кўплаб фикрлар айтилди-ю, Орол масаласи четлаб кетилаётир. Ҳозирги вақтда табиатни қўриқлаш ҳалқимиз олдидаги энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. СССР Конституциясининг 18-моддасида шундай дейилади: «СССРдаги ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ер ва ер ости бойликларини, сув ресурсларини, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш ва улардан илмий асосда, оқилона фойдаланиш, ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиий бойликларни узлуксиз кўпайтириб бориши таъминлаш ва инсоннинг атроф-муҳитини яхшилаш учун зарур чоралар кўрилади», деб таъкидлаб ўтилади. СССР Конституциясида СССР гражданининг ҳуқуқлари ва бурчлари равшан белгилаб берилган. Унда «СССР граждани табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлашлари шарт» (67-модда) деб ўқитилади. Модомики шундай экан, табиат инъоми бўлган Орол денгизи масаласини ҳал қилиш ишини Урта Осиё ирригацияси билан бирга олиб борилиши зарур.

Орол муаммосини ҳал қилиш йўлида кўпгина олимлар ўз фикрларини билдирдилар. Масалан, баъзи олимлар Помир дараларида жойлашган Сарез кўлини ойиб

юбориш йўли билан Орол денгизини қисқа муддатга тўлдириш мумкин демоқдалар. Сарез кўли Оролга Сирдарёнинг бир йилда қуядиган сувичалик сув қуйиши мумкин. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки кўлнинг суви Оролни узоқ муддатга сақлаб туролмайди. Оқибатда Сарез кўлидан ҳам айрилиб қолган бўлаемиз.

Профессор М. П. Львович эса денгизнинг саёз жойидан тўғон билан бўғиш ва сувни бир томонга тўплашни таклиф этади. Бу ҳолда Орол экваторияси кичраяди, аммо у сақланиб қолади. Унинг майдони шунда 44—46 квадрат км ва сатҳи қирқ тўққиз метр атрофида бўлади. Бу ҳам Орол учун айтарли ижобий натижа бермайди.

Ҳўш, нима қилиш керак? Фақат Сибирь дарёларигина Орол денгизини ва унинг атрофидаги табиатни сақлаб қолиши мумкин. Ҳозирда Сибирь дарёларининг бир қисмини Урта Осиёга оқизиш проблемалари ишлаб чиқиляётир. Партия ва ҳукума-тимиз бу ўринда чексиз ғамхўрлик намунасини кўрсатди, КПСС XXV съездида бу хусусда шундай дейилади: «Сибирь дарёлари тармоқларидан бир қисмининг сувини Урта Осиё ва Қозоғистонга буриш проблемаси билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқот ишлари ўтказилсин ва шу асосда лойиҳалаш ишлари амалга оширилсин».

Ҳозир партиямиз белгилаб берган бу ҳаётбахш қарорни амалга ошириш учун қизғин киришилди. Кўпгина илмий муассасалар, жумладан УзССР Фанлар академия-си география бўлими Орол проблемаси устида катта илмий иш бошлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Сибирь дарёларини Урта Осиёга оқизиш масаласи ўтган асрнинг 1868 йилдәк рус инженери Я. Демченко томонидан илгари сурилган эди. Бу Урта Осиё иқлимини яхшилаш мақсадида айтилган дастлабки амалий таклиф эди. Ундан анча кейин ҳам бу масала бир неча бор кўтариб чиқилди. Масалан, 1920 йилларда Д. Букиннич, 1924 йилда Н. Н. Ботвинник, 1927 йилда В. А. Монастирев, З. О. Кирилещ, 1930 йилда эса А. Макаров каби олимлар Обь, Иртиш, Енисей сингари дарё сувла-рини тўғон ёрдамида тўсиб Тўрғай довони орқали Оролга оқизишни таклиф этишди. А. А. Мюллер 1936 йилда бу дарё сувларини тўғон билан тўсиш ва насос ёрдамида кўтариб беришни таклиф қилди. Шу вақтга қадар бу таклиф ва лойиҳалар амалга ошмади. Бу масалага Орол суви камайиши сабабли пухта киришилди. Бугунги кунда бу муаммо мутахассислар қўлида ҳал бўлиш арафасида турибди.

Ҳозир Сибирь дарёларини Урта Осиёга оқизишнинг бир неча варианты ишлаб чиқилди. Бундай лойиҳалардан бирида Тобольск шаҳри ёнида Тобольск сув омбори қурилиши кўзда тутилган. Бу сув омборига тўпланган сув саксон метрлар чамаси юқорига кучли насослар ёрдамида кўтариб берилади. Сув Тўрғай йўлаги орқали ўта бошлайди. Келаётган бу сув йўлида яна бир неча сув омборлари барпо этилади. Масалан, Юқори Мингбулок сув омборида йиғилган сувнинг бир қисми Орол денги-зи сатҳини сақлаб туриш учун, бир қисми Сирдарё ва Қуйи Амударёга, у ердан эса канал орқали Туркменистон саҳроларига оқизилади. Сибирь суви ёрдамида катта майдонларни ўзлаштириш кўзда тутилади.

Тақдим қилинаётган лойиҳанинг яна бирида Енисей-Обь-Иртиш-Тоболь каналла-ри тармоғини ҳосил қилиш мўлжалланади. Бунда Осиново шаҳри яқинида Енисей дарёсига тўғон қурилади. Кўтарилган сув канал орқали Кеть ва Чулим дарёларига қўйилади. Чулим дарёсига яна битта тўғон қурилади ва сув Томь дарёсининг Обга қўшилишидан шимолроқда қурилган сув омборига канал ёрдамида туташтирилади. Бу ердан сувни яна Новосибирск шаҳри яқинидан қазилган салкам олти юз километр-ли канал ёрдамида Иртиш дарёсига оқизилади. Омск шаҳри яқинида яна бир тўғон вужудга келтирилади. Беш юз километрли канал орқали сув Тоболь дарёсига қўшила-ди. Қўрғон шаҳри яқинида бу дарёда яна бир тўғон бунёд қилинади. Натижада сув кўтарилиб Тўрғай водийси бўйлаб қазилган канал ёрдамида Орол сари оқиб кетади.

Лойиҳалардан бирида Обь суви Волга дарёси орқали келади. Аввал сув Печора дарёсига, сўнг Кама дарёсига қўйилади ва Волга дарёсига қўйилади. Сўнгра Волга-Урал каналига ўтади. У ердан сув Орол денгизи ва Урта Осиёга оқиб келади.

Сибирь дарёларининг Урта Осиёга келиши билан боғлиқ ҳолда халқ ҳўжалиги-нинг яна бир неча тармоқларини ривожлантириш назарда тутилади. Сибирь суви ҳисобига бир неча миллион гектар майдон ўзлаштирилади, ундан олинадиган маҳсу-лот эса яна бир қанча миллион аҳоли эҳтиёжини қондириши мумкин. Бундан ташқа-ри Каспий — Шимоллий Муз океани сув йўли очилади. Бир неча саноат корхоналари ва ГЭСлар қурилади. ГЭСларнинг умумий қуввати ўн миллион киловаттдан ортиши кутилади. Сув ҳавзаларида балиқчилик ривожлантирилади.

Шу билан бирга Сибирь дарёларини Урта Осиёга оқизишда айрим тангликлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Шунча кўп сувнинг кириб келиши Урта Осиё табиатига таъсир кўрсатиши табиий. Биринчи навбатда ҳаво намлиги ортиб, ёғинлар одатдагидан кўпроқ тушиши кутилади. Бу маҳаллий дарёларнинг сув ресурсларини яна анча яхшилаши мумкин. Иқлим ўзгариб, об-ҳаво анча юмшайди. Улканнинг ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси бойийди.

Хуллас, Сибирь дарёларини Урта Осиёга оқизишда катта-катта муаммолар пайдо бўлавереди. Уларнинг ҳаммасини назардан қочирмай, ҳар томонлама пухта ҳал қилиш олимларимиз олдидаги энг катта вазифа бўлиб турибди.



САНЪАТ

Ҳабиб Каримов

УСТОД РАССОМ

*Авалло Моний, Искандар Соний.
(Ғафур Ғулом).*

Икром ота маҳалла меҳмонхонаси олдидан ўтар экан, нотаниш боланинг овози қулоғига чалинди. Қизиқсиниб эшик тирқишидан мўралади. Не кўз билан кўрсинки, ўғли Искандар бир нотаниш болага тез-тез нигоҳ ташлаб расм чизарди. Уч кун муқаддам берилган қаттиқ дашном кор қилмаганидан ранжиган ота эшик тавақасини очиб, ўғли қаршисида намоён бўлди. Дўстнинг сиймоси кўчаётган қоғозни яширишга улгуролмаган ўғил хангу манг бўлиб қолди. Икром ота қоғозни эпчиллик билан олиб, тасвирга тикилди-да:

— Отангнинг сўзини икки қилишга яна қандоқ журъат этдинг, шайтон,— деди.— Сен расмчимас, ҳисобчи бўласан, уқдингми?

Икром ота расмга тушаётган болага ҳам танбех бериб, кўча эшикдан чиқариб юборди. Бу бола Искандарнинг яқин ўртоғи, кейинроқ кинорежиссёр бўлиб етишган Наби Ғаниев эди...

Тасвирий санъатга меҳри ортган мурғак қалбни бунақа таънаю насиҳатлар тиңчлантиролмасди. Рус-тузем мактабида таҳсил кўрган Искандар ниятига эришиш орзусида ўз туғилган уйдан бош олиб чиқиб кетди. Ётоқхонага жойлашди. Туркистон ўлка рассомлик мактабига кирди. Дарсдан бўш пайтларида клуб, чойхона деворларига расмлар ишлади. Портретлар чизишни ўрганди. «Болалар дунёси» ва «Муштум» журнаliga расмлари билан қатнашиб туриши унга графика санъатига бўлган мойилликни оширди.

Тийрақ, ўзига талабчан йигитчада профессионал малаканинг етишмаслиги ҳар бир асарида сезилиб турарди. Шу боисдан Искандар Ленинградга умид билан йўл олди. Бадиий Академия қошидаги санъат техникумининг графика бўлимида рангтасвир бўйича рассом В. Сварогдан, китоб наққошлиги бўйича профессор Н. Левитскийдан

таълим олди. Буюк инқилоб бешиги аталган Ленинградда билим олаётган яқин маҳалладош ўртоғи Ойбек билан ҳам дўстлашди.

— Мен дўстим Ойбекнинг «Навойи» романини ихлос билан ўқиб чиқиб, уни безашга киришган кунларимда у билан Ленинградда бўлган суҳбатларимни қайта эсладим,— деган эди у ҳаяжонда.— У ҳаддан зиёд кўп мутолаа қиларди, теша тегмаган янгилеклар билан бизни ҳам қувонтирарди. Мен Ойбекнинг нақадар кенг мушоҳадали ва билимдон, айна пайтда камтарин инсон эканлигини романини ўқиш жараёнида яна кўрдим ва фахрландим. Дўстимнинг машаққатлар чекиб битган романини безашдан бахтиёр сездим ўзимни...

Ўзбек совет китоб графика санъатининг қалдирғоч вакили диёримизга қўш мутахассис — китоб безатувчи рассом ва тасвирий санъат методисти шаҳодатномалари билан қайтди. Уша кезде «Ер юзи» журнали унинг тўғрисида шундай ёзган эди: «Ўзбекистонда шу чоққача тасвирий санъат соҳасида мактаб гардини еган бирорта киши йўқ эди. Расм бизда тараққий қилмаганидан ҳозирги маданий ўзгариш ва нашриёт ишларимизни юксалтириш даврида эҳтиёж сезилиб туради. Уртоқ Искандар Икром ўғли Ленинград полиграф факультасини ва унинг олдидаги уч йиллик тасвирий санъат методикаси шўъбасини битириб, диплом олиб қайтди. Ўзбек ёш рассоми ўртоқ Искандар тасвирий санъатимизга гиз тошини қурғучилардан биринчисидир».

Бизнинг мамлакатимизда китоб социалистик қурилиш йилларида интервентлар ва босмачиларга қарши курашда, маданий юксалиш йилларида, тарихот-ташвиқот ишларини олиб боршимизда беминнат дастёр вазифасини ўтади. Айна чоқда китоб кишиларимиз ҳаётида, уларнинг завқли меҳнатларида, ҳордиқ ёзишларида энг яқин

дўст, ҳамкордир. Буни яхши ҳис қилган Искандар Икромов узоқ йиллар мобайнида китоб безаш санъати бўйича ижод қилди.

Бирор қалам соҳибининг қанчалар машаққат чекиб тугаллаган асарини китобхонларга манзур қилишда унга муносиб тарзда чизилган безакда ҳикмат кўп. Китобхоннинг нигоҳи ҳали нотаниш бўлган китобга тушар экан, аввало муқоваси билан қизиқади. Асарнинг номи, муаллифнинг исми ва унинг безагини кўздан кечириб, кейин варақлай бошлайди. Искандар Икромов китобхон қўлига ихтиёрий равишда олади-ган бежирим, нафис китобларни кўплаб яратди.

Қўриқ очишининг ўзи бўлмайди. Унинг қанчадан-қанча машаққатлари бўлади. Биринчи китоб наққоши Искандар Икромов китоб безашда қўриқ очувчи бўлди. У Ўзбекистон ССР Давлат нашриётида графика бўлимига асос солиши билан бирга, унинг жонкуяр ташвиқотчиси ҳам бўлди. Миллий мусаввирларга устозлик қилаётган ранг-тасвир усталардан П. Беньков, О. Татевосьян, В. Еремян, Н. Караханларни ва уларнинг шогирдларини қутлуғ соҳага жалб этди. Бу билан кифояланмай ўқув юртларида тасвирий санъатдан дарс берди. Ленинградда олган таълими ва тўплаган тажрибалари асосида «Расм ўрганиш қўлланмаси» рисоласини ёзди. Муаллимлар, талабалар ва мухлислар ўзбек тилида илк бор чоп этилган қўлланмани мамнуният билан кутиб олдилар. Кейинроқ «Китоб ва журналлар қандай нашр этилади» изоҳли фотомонтажи ҳамда «Ҳарфларни ёзишга ўрган» қўлланма рисоалари ҳам Искандар Икромовга шуҳрат келтирди.

Ижодий ютуқлар рассомни руҳлантириб юборди. У ўз ижодий имкониятларини бир пардали пьесалар ёзишда ҳам синаб кўрди ва бу интилиши ҳам зое кетмади. Ўзи бевосита шохиди бўлган воқеаларга асосланиб «Жоҳил ота» пьесасини тақдим этди. Бунда жоҳил ота фарзандининг орзу-умидларини чил-парчин қилиб, ўз измига бўйсундиришга интилиши, ўғилнинг уйдан қочи-чиб кетиб, мақсадига эришиши ҳикоя қилинганди. «Шафқатли Турғун» асарида эса етим-есирларнинг бошини силашда ёш советлар республикасида қилинган хайрли ишлар, активист Турғуннинг бу борада олиб борган фаолияти ва ташвиқоти қаламга олинди. «Билимсизлик оқибати» пьесасида саводсизликни тугатиш масаласи ол-га сурилади. Мазкур бир пардали пьесалар ўз вақтида ҳаваскорлик сахналарида ўйналди, ихлосмандларнинг эътиборини қозонди.

Интиланганга толе ёр. Балоғат ёшига етган Искандар қалб амри билан янгилек сари интилди. Изланишнинг ўзига хос аччиқ-чучугини тотиди. У ўзбек халқининг неча асрлар давомида яратган, киши томоша қилиб ақли лол қоладиган нақшларни (геометрик ва исломий) биринчи бўлиб китоб безакчилигига олиб кирди. Ёш мусаввир жойлардаги тарихий обидаларни, мейморчилик намуналарини, халқ усталари кашф этган бадий буюмларга қўлланилган на-

фис безакларни ижодий ўрганди. Унга китоб безатиш техникаси нуқтаи назаридан, замонавий талаб билан ёндашди. Китобхонлар янги безак намуналарини мамнуният билан кутиб олдилар.

Искандар Икромов ўз изланишларининг дастлабки босқичларида кутган мақсадига эриша олмаган пайтлари ҳам бўлди. Аммо бундай камчиликлар мусаввирнинг ижодий изланишлари натижасида тез орада йўқо-ла борди. Уттизинчи йилларнинг ўрталаридаёқ Фафур Гуломнинг «Кулгили ҳикоялар», Э. Цинклернинг «Кўмир Қороли», Э. Войничнинг «Сўна» китоблари муқовасига ишлаган безаклари мақтовга сазовор бўлди. У ишлаган муқоваларда соддалик, нафислик, мазмунлилик, асар рўҳига монандлик асосий ўринни эгаллади.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий та-валлудининг 500 йиллигига ҳозирлик авж олган кунларда Искандар Икромов бу кутлуғ ишга ўзини сафарбар деб билди. Алишер Навоийнинг ўлмас асарларига ва унинг тўғрисидаги китобларга чизган безакларида биз унинг ижодий қиёфаси шакланган, ўзига хос мактаб яратган қил-қалам сиймосида кўрамыз. Алишер Навоийнинг «Ҳамса», «Лайли ва Мажнун», Олим Шарафуддиновнинг «Алишер Навоий» (биографик очерк) китобига, Ойбекнинг «Навоий» романига (уч нашри), В. Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» (драмага музика) китобига чизилган ўзига хос миллий безаклар китобхонда завқ-шавқ уйғотади.

Эзгу ният билан қилган изланишлар албатта натижа беради. Искандар ақанинг Алишер Навоийнинг «Афоризмлар» ҳамда «Лирика» тўпламларига чизган безаклари бу борадаги кўп йиллик изланишнинг самараси бўлди. 1959 йили рассом Лейпциг-даги халқаро китоб кўргазмасида «Афоризмларнинг безаги учун кумуш медаль билан тақдирланди. Китоб наққошининг Алишер Навоийнинг тўрт томдан иборат «Лирика» («Чор девон»)га чизган безагини ижодининг чўққиси, ойнаси десак мувола-фа қилмаган бўламыз. «Лирика»да Искандар Икромовнинг ҳақиқий рассомлик заковати, полиграфия имкониятларининг билимдони эканлиги мана-мен деб турибди. У супермуқовани безашда катта ижодий ютуққа эришди. Муқова сатҳини кенг эгаллаган гўзаллик рамзи бўлмиш товуснинг тасвири ниҳоятда чиройли ва жонли чизилган. Асосий мақсад муқова фонидан фойдаланилган ҳолда қора рангда берилган бўлса-да, бу ранг ўта нафислик касб этган. Товус худди кўёш нурида ажиб товланиб тургандек. «Алишер» ва «Лирика» сўзларининг қизил рангда берилиши муқовага яна ҳам нафислик бағишлаган. Оқибатда рассомнинг бу меҳнати ўзбек китоб наққошлигининг дурдонаси бўлиб қолди.

Қилқалам рассом Абу Али ибн Сино, Беруний, А. С. Пушкин, Т. Г. Шевченко, Б. Кербобоев, Ҳ. Олимжон, Миртемир, Шайхзода асарларига, «Ўзбек халқ музыкаси», «Халқ оқсоқоли» китобларига ҳам меҳр қўрини сарфлаб, муқова ишлади ва

бу соҳанинг зукко билимдони эканлигини кўз-кўз қилди.

Искандар Икромов ўз ижодий фаолияти давомида ҳаётимизда содир бўлган кўп воқеаларга ҳозиржавоблик кўрсатиб келди. Айниқса у Улуғ Ватан уруши йилларида нашриётнинг графика, плакат ва музика бўлимларини бошқаргани ҳолда, жангчилар ҳамда йирик қурилишлар учун мўлжалланган «Жанговар варақа»ларнинг нусхаларини тайёрлади. Мамлакатимизни фашистлар вақтинча босиб олган ерлардан эвакуация қилинган rassomларни атрофига тўплаб, олчқоқ душманнинг разил қиёфасини кўрсатувчи плакатларни тайёрлади. Бу плакатлар қўлда — трафарет усулида кўпайтирилиб, кишилар гавжум жойларда намоёиш этиларди.

Искандар Икромов «ЎзТАГ ойнаси»да самарали ижод ва фаолият кўрсатди. «Ўзбеклар Ватан учун жангларда», «Она-Ватан чорлайди», «Армуғон» сингари китобларга чизган безакларида ботир жангчиларимизнинг жанговарлик руҳини кўрсата олди. Айниқса унинг П. Лежневнинг «Қонли Адольф» брошюрасига тайёрлаган расми эътиборга молиждир. Rassom рисоланинг тим қора фонига қон томчиларининг кўрсатилишида босқинчининг чиркин қиёфасини рамзий маънода кўрсатган.

Тўнғич китоб наққошининг самарали хизматлари муносиб тақдирланди. 1944 йилда у «Ўзбекистон ССР халқ rassomi» деган юксак Фахрий унвонга мушарраф бўлди.

Улуғ Ватан урушидан кейин Искандар Икромовнинг ижоди ҳар жиҳатдан камолотга эришди. У ўзи бошчилик қилган нашриётда чоп қилинган ижтимоий-сиёсий, бадий ва оммавий китобларнинг муқовасига бадий юксак расмлар чизди. Унинг қўлида сайқал топган кўпдан-кўп китоблар Республика, Бутуниттифоқ ва Халқаро китоб кўргазмаларида фахрли ўрин олди.

Биз қилқалам rassomнинг китоб безатиш санъатига миллий нақшларни дадил қўлагани ҳамда катта ижодий зафарларга эришганини таъкидладик. Rassom бу ютуқларга қадимий қўлёзма китобларга хаттотлар томонидан ишланган безакларни синчковлик билан кузатиши, уларга ижодий ёндашиши, халқ даҳоси яратган миллий нақшларни ихлос қўйиб эгаллаши, уларга замон талаби ва полиграфия санъати имкониятлари нуқтаи назаридан ёндашиши тўфайли эришди.

Искандар ака умрбод изланди. Биз унинг вафотидан олдинроқ устахонасида

учрашганимизда бундай изланишларнинг бир намунасига шохид бўлган эдик. Rassom ўшанда менга бир неча мураккаб ганчин ва сиркорлик нақшнинг фотонусхасини кўрсатиб:

— Усталаримизнинг зукколигига тасаннолар бўлсинким, улар нақш йўли билан баъзи диний оят ёки шеъринг байтларини ёзганлар. Бу ёзувни фақат араб алифбесини билган кишилар ёки мутахассисларгина ажрата олишлари мумкин,— деб бир байтни ечганини айтиб берган эди. Ана шундай сидқидилдан изланиши ва маҳоратининг ўткирлиги тўфайли ижодкор ўз овозига эга бўлди, устод саналди.

Искандар Икромовни биз китоб безакчилиги санъатига фақат миллий нақшларинигина олиб кирди, десак камситган бўламиз. У жаҳон китоб безакчилигида эришилган ютуқлар билан танишиб борди ва ўз фаолиятида реалистик расмларга билимдон ижодкор сифатида мурожаат қилди. Унинг «Халқ оқсоқоли» китобига чизган расми бунга ёрқин далилдир. Rassom китобининг муқовасида чехрасидан нур ёғилиб турган Йўлдош Охунбобоевнинг образини яратиб берди. Адиб ва шоирлардан А. С. Пушкин, Ойбек, Ғафур Ғулوم, Ҳамид Олимжон ва бошқаларнинг «Танланган асарлари муқоваларига барельеф тарзида ишлаган расмлари Искандар аканинг етук мусаввирлигидан далолатдир. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига, бир қанча насрий ва назм тўпламларининг ички варақларида қўллаган предметларнинг символик тасвирлари юксак талаб даражасидадир.

Қилқаламнинг ўзига хос овозини биз китобларнинг муқовасига ҳамда раҳига битган содда ҳарфларида ҳам кўрамиз. У ҳарф танлашда жимжимадорликни ёқтирмармасди, унинг нафис, кўримли бўлишига интиларди. Ижодкор ўз ҳаёти давомида мактабгача ёшдаги ва биринчи синфдаги болаларга мўлжалланган «Ҳарфли алифбе»ни тузишга уринди ва бу борада кўп машқлар қилиб, намуналар яратди. Ҳар бир ҳарфни расмлар ёрдамида ифодалашга интилди.

Республикаимизнинг қалдирғоч китоб нақоши ижод машаққати ва роҳатини тотиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фидойилик кўрсатди. У Ўзбекистон Rassomлар союзининг расиси сифатида ўн йилдан зиёд тер тўкиб ишлади. СССР Rassomлар союзининг секретари вазифасини адо этди. Коммунист санъаткор партия даъватларига ҳар қанчон ўзини сафарбар деб билди.





АБН СИНО афсоналари

Буюк ўзбек олими, қомусий билим эгаси бўлган Абу Али ибн Сино ҳақида халқ орасида кўп-лаб ривоят ва афсоналар мавжуд. Бундай афсоналар, ривоятлар Ибн Сино қўллёзмаларида ва унинг издошлари асарларида сақланиб қолган. 20-йилларда Ўрта Осиёга келган эронлик олим Субҳий Самарқанд, Бухоро, Ашхобод шаҳарларини кезиб, у ҳақдаги ривоят ва афсоналарни тўплайди ва 1925 йили Техронда алоҳида китоб ҳолида нашр эттиради. Биз ана шу ривоят ва афсоналарни ўзбек китобхонларига етказишни ният қилдик. Уларда Ибн Сино заковати, илм-фан ва китоб, халққа садоқат улуғланади. Эътиборингизга шу ривоят ва афсоналардан айримларини ҳавола қиламиз.

ГУРГОНДА

Бу Али Гургонга келгач, бир карвонсаройдан жой олиб, беморларни қабул қилиб, шифолашга киришди. Бориб-бориб унинг номи тилга тушиб қолди. Овозаси бутун шаҳарга ёйилди. Бу орада Қобуснинг жияни қаттиқ касалга чалиниб қолди. Табиблар дори-дармон қилиб, қанча уринишмасин, касал тузалмади; кундан-кун озиб-тўзиб бораверди. Бир кун Ибн Синога дейишди:

— Бу шаҳарга Исонафас бир табиб келганки, кўп беморлар ундан шифо топдилар. Яхшиси уни олиб келиб беморни кўрсатинг ва шифолашни сўранг.

Қобусга бу гап маъқул тушиб, Бу Алига киши юборди. Уни бемор ётган уйга киритдилар. Бу Али беморни текшира бошлади. Унга қараб дарднинг дармони бошқа нарсадан эканлигини билди ва деди: «Гургон шаҳрининг гузар ва кўчаларини яхши биладиган кишини келтиринглар». Бир кишини олиб келдилар: У барча гузарларни билар экан — бирма-бир санаб берди. Бу Али қўлини бемор пешонасига қўйди, иккинчи қўли унинг томирини тутиб турарди. Ҳалиги киши Гургон гузарларини номма-ном айта бошлади. Ногаҳонда бир гузарнинг номини айтганда беморнинг томири қаттиқ уриб кетди ва юзига қизиллик югурди. Бу Али шу гузарнинг кўчаларини яхши



биладиган одамни олиб келинглар, деди. Бошқа бир кишини чақирдилар. Бу Али яна бемор пешонасини ва қўлини тутиб турди. Саналаётган кўчалар орасида бир кўчанинг номини эшитиши билан беморнинг авзойи ўзгариб, бадани ёна бошлади. Шунда Бу Али деди: Мана шу кўчадаги барча ҳовли ва саройларни танийдиган одам керак?». Шундай одамни ҳам топиб келтирдилар. У ҳовлиларнинг оила бошлиқларини бир-бир санай бошлади. Бир ҳовлига етганда, бемор «Оҳ!» деб юборди. Ҳалиги кишидан Бу Али шу ҳовлидагиларнинг номини бирма-бир айтиб беришни сўради. Навбат бир қизнинг исмига етганда бемор ерга қараганча юзлари ловуллаб қизарди. Томир уриши тезлашиб кетди...

Бу Али Қобус ҳузурига бориб, ҳамма гапни ҳикоя қилиб берди. Беморни кўриб, унинг шайдолик азобида, бир ой юзлига дил боғлаганига шубҳам қолмади. Уни билиш учун шундай тадбир ишлатдим. Худога шукур, дармонини топдим. Дармони шундай: Бу йигит кўнгил кўйган қиз фалон кўча, фалон уйда яшайди.

Қобус Бу Алининг табибликдаги усталигига қойил қолди ва деди: «Бу йигит ва ўша қиз иккаласи бир-бирига монанд, уларнинг иккалалари ҳам менга қариндош. Энди билсам, йигит шарм сақлаб, кўнгил берганини айтмаган экан».

Тўю тантана қилиб, қизни йигитга никоҳлаб бердилар ва уни дарддан халос қилдилар.



Айтишларича, Бу Алининг кўриш, эшитиш ва мушоҳада қувватлари кучли экан. Бу тўғрида муболағалар ҳам тўқилган экан.

Бир куни подшо саройда даричадан дашту биёбонни дурбин билан кузатиб турарди. Бу Али сўради:

— Нималарни кўряпсиз?

— Тўрт фарсаҳча ердан бир отлиқ келяпти. Ким эканлигини билмоқчиман.

— Яқин экан. Буни билиш учун дурбиннинг ҳожати йўқ. Суворийнинг кимлигини айтсам, у ёш, кулранг кийимда. Юзида холи бор. Ширинлик еб келяпти.

Подшо сўради:

— Ҳамма деганларнинг тўғри. Сен қаердан билақолдинг унинг ширинлик еб келаётганини?

— Шундан билдимки, бир неча пашша унинг оғзи атрофида айланиб учиб юрибди.

Подшо олдин ишонмади. Ҳалиги одам етиб келгач, сўраб, Бу Алининг деганлари тўғри эканлигини билди. Бу Алининг ақлига, зийраклигига қойил қолиб, яйраб кетди.

БЕМОР МУШУК

Айтишларича, беморлар кўп бўлган жойларда Бу Али уларнинг томирини бир-бир кўриб, касалини аниқлаб, дармон ва шифо топишга угурмаган. Шунинг учун беморлар қўлларига ип боғлаб келсинлар, деб тайинлаганди. Ипнинг бир учини Бу Алига берардилар. Томирдан ипга ўтган ҳарорат ва тебранишдан у касалнинг дардини аниқлаган ва давосини топган.

Бир куни унинг тажрибасини кўрган одамлардан бири Бу Алини синамоқчи бўлди; оч мушукни кўчадан тутиб, бир хотинга берди. Мушук панжасига ип боғлаб, иккинчи учини бир одам орқали. Бу Алига олиб боришни буюрди. Бу сирдан воқиф кишилар энди Бу Али шарманда бўлади, тоғораси томдан тушади; бу овоза ноғора овозидек тарқалади, деб гумон қилишди. Уларнинг ҳаммаси ана шу «занг-га» қулоқ тутиб юрдилар. Бу найрангбозликнинг оқибатини кутдилар. Ипни Бу Алининг қўлига тутқазганларида, у донишмандларча сукутдан сўнг деди:

— Бу бемор ўтган ҳафтада бешта бола туққан. Унинг нотавонлик ва овқатга муҳтожликдан бошқа касали йўқ. Қўлингиздан келса, унга бешта сичқон тутиб беринглар. Шу билан у шифосини топади. Ёки унга беш сир суяксиз хом гўшт едиринг. Шу айтганларимдан бошқа илож тополмаяпман.

Бу сўзларни Бу Алидан эшитиб, одамлар ҳангу манг бўлдилар. «Бемор»нинг туққан туғмаганини суриштирдилар. Билсалар, ўтган ҳафтада мушук бешта туғибди. Шунда ҳалиги одамлар Бу Алидан кечирим сўраш учун остонасига келиб, оёғига бош урибдилар.



Бу Али йўлда бир қарвонга йўлиқди. У бир шаҳардан иккинчисига борди. Қараса, қарвон аҳли уни танимади. Кечаси улар ширин уйқуда эканликларида, Бу Али туриб, туяларнинг кўнғироқларини ечиб, бир-бир қайтадан боғлаб чиқди. Эрталаб

қарвон аҳли ўрнидан туриб йўлга тушганларида, кўнғироқлар шундай овоз бердики, ҳамма уйкуга кетди. Иккинчи кеча Бу Али кўнғироқларни бошқача боғлаб чиқди. Йўлга чиққанларида кўнғироқлар овозидан барчаларига жон кириб, шодликларидан ўзларини қўйгани жой тополмадилар. Уйинга туша бошладилар, қаҳ-қаҳ кулги кўтарилди.

Учинчи кеча Бу Али кўнғироқларни бошқача ўсулда боғлаб чиқди. Туялар юр-ганда қарвон аҳли ғаму аядуҳ чека бошлади. Кўнгли нозикроқлари йиғига тутинди.

Бу синоатлардан ҳамма саргардон бўлиб қолди. Буни деуу париларнинг иши, деганлари ҳам бўлди. Лекин, кейин тушуниб етганларидан сўнг бу ишлар Бу Али Синоданлигини билдилар. Унга меҳрибонликлар кўрсатиб узр сўрадилар.



Бир куни Бу Али йўлда бир донишмандга ҳамроҳ тушди. Ундан сўради:

— Не ишлар билан келяпсиз?

— Бир янги асар ёзган эдим. Уни подшога кўрсатмоқчиман.

— Мен уни бир кўрсам бўладими?

Бу Али ундан китобни олиб, бир ўқишдаёқ у ерда ёзилганларни ёд олди ва қайтариб берди. Иккинчи куни шаҳарга етиб келдилар. Бу Али подшо ҳузурига йўл олди. Қараса, ҳалиги ҳамроҳ китоби билан подшо қабулида турибди. Подшо Бу Алини жуда ҳурмат қилар эди. Ҳалиги одам ўйлади: «Абу Алининг подшо олдида бу даражада ҳурматга эга эканлигини билганимда, уни орқа қилиб, китобни унинг во-ситаида подшога пешкаш қилардим ва катта мукофот олган бўлардим...»

Подшо китобни олиб, Бу Алига берди ва деди:

— Кўринг-чи, китобда мукофотга яроқли бирор илм бўлса, айтарсиз.

Бу Али деди:

— Бу китобни бундан илгарироқ ёзишган. Китоб муаллифи бу киши эмас.

Ҳалиги донишманднинг жаҳли чиқиб деди:

— Нималар деяпсан? Бу китобни мен ёзганман.

Бу Али жавоб берди:

— Мен бу китобни илгари ўқиганман. Бошдан охиригача ёзиб ҳам олганман.

Китобни олиб, очинг, мен бир бошдан айтиб бераман.

Китобни донишманднинг қўлига беришди. У қаерини очса, Бу Али ўша ердан бир неча варагини ёддан ўқиб берди. Китобнинг бошидан ҳам, охиридан ҳам, ўрта-сидан ҳам айтиб берди.

Донишманд подшо ва унинг ҳузурдагилар олдида хору мулзам бўлди. Бу Али унинг шармисор бўлганини кўриб, подшога деди:

«Узр, шоҳим. Бу китобни бу кишининг ўзи ёзган. Унинг хизмат ҳақини бериш керак. Мен у билан икки кун йўлда ҳамроҳ бўлдим. Китобни олиб ўқиган эдим. Икки кун давомида ўзига сездирмай тўла ўқиб чиқиб ёд олдим.»

Подшо ҳузурдагилар ҳайрат бармоғини тишладилар. Бу Алига офаринлар ўқидилар. Ҳалиги одам шарманда бўлишдан қутулди ва подшодан катта инъомлар олди. Бадавлат одам бўлиб, Бу Алидан бир умр миннатдор бўлиб юрди.



Бу Али Исфаҳонда Аловуддавла ҳузурда фаровон ҳаёт кечирди. Бу орада Маҳмуд Ғазнавий Райга лашкар тортди; бу шаҳарни эгаллади. Райда қолишга тоби тоқати қолмай, Рай ва Исфаҳонни то Бағдодгача бўлган ерлар билан ўғли Масъудга топшириб, ўзи Ғазнага қайтиб кетди.

Масъуд Исфаҳонни олди. Кейин — Ҳамадонни. Ундан Бағдодга юрмоқчи бўлди. Аммо, шунда ўзга ҳол рўй берди: Маҳмуд Ғазнада вафот этди. Масъуд отаси ўрнида қолган укаси Муҳаммадни бўйсундириш учун Ғазнага ҳужум қилди. Шу ҳужумдан олдин у икки тadbирни амалга оширди: биринчидан, Аловуддавланнинг синглисини ўз никоҳига олди; иккинчиси Ғазнавийлар саройи аҳлидан Абусахл Ҳамдунни Аловуддавлага ҳамкор этиб қолдирди. Чунки у Масъудга Исфаҳонни қўлга олишда ёрдам берганди. Масъуд Ғазнага кетиб, укаси билан қасдма-қасдликка берилган пайтда, билдирди. Масъуд Ғазнага кетиб, укаси билан қасдма-қасдликка берилган пайтда, Аловуддовла Абусахлни Исфаҳондан ҳайдамоқчи бўлди. Аммо, қўлидан келмади. Масъуд фармонига биноан Абусахл шаҳарни талашга тутинди. Талон-торож бошланди. Бу орада Бу Алининг ҳовлиси ҳам ёпирилдилар. Нима бойлиги китоблари ва тирикчилик анжомлари бўлса — барини таладилар. Бу Али Аловуддавла билан жон ҳолатда Исфаҳондан қочиб, Ҳамадонга келди ва умрининг охиригача у билан бирга бўлди. Билим ўрганишда, ҳар бир кўнгли очиб ишларида бир-бирига бағри кенглик кўрсатди. Куланж (ошқозон касалига) гирифтор бўлиб, биқини санчадиган бўлди. 58 йил умрди. Куланж (ошқозон касалига) гирифтор бўлиб, биқини санчадиган бўлди. 58 йил умрди. Куланж (ошқозон касалига) гирифтор бўлиб, биқини санчадиган бўлди. 58 йил умрди. Бу Али Ҳамадонда вафот этди. Қабри шу ердадир. Абу Убайд Журжоний 25 йил давомида Бу Али билан бирга ишлади. У устозининг барча асарларини тўплаб кўчиртирди.

КИТОБИ ЖАҲОННАМО

Бухоро қишлоқларидан бирида бир дехқон яшар эди. Унинг Ситора исмли хотини, Бу Али деган ўғли бўлган. Ўғлининг ўқишу ёзишдан бошқа нарсага тоби йўқ экан. Ота ва онаси:

«Ҳар нарсанинг ўз андозаси бор ахир», деб қанчалик насиҳат қилишмасин, у китобдан бош кўтармас эди. Шу гапдан йигирма йил ўтар-ўтмас отаси қазо қилди. Онага эса энди Бу Али ғамхўрлик қилиши лозим бўлиб қолди. Бир куни онаси деди: — Ўғлим, кўзим хиралашиб қолди. Узоқ яшасам, яна икки-уч йиллик умрим қолди. Мақсадим, сени куёв ҳолингда кўрсам, дейман. Сенга ёстиқдош излаш орзу-сидаман. Кимни хоҳласанг, айт, совчиликка бораё. Бу Али деди:

— Мен кўриб, эшитиб юрган бу қизларингиз ёқмайди. Бирортасининг ҳам эс-хуши жойида эмас. Истасангиз уйланишим мумкин. Мен ва сиз орзу қилган қиз — шаҳар подшосининг қизи. Эшитишимча ҳам эслик, ҳам чиройли эмиш.

— Ўғлим, подшо қизини кулоҳи бошига ярашиб турган, мол-дунёси бор кишига беради. Сенгамас.

— Менинг бойлигим ҳаммасиникидан баланд. Уларнинг бойлигини ўғри олиши мумкин. Бир куни тугайди. Аммо, мендаги бойликка бошқаларнинг қўли етмайди; олиша олмайди. Ундан бирортага берадиган бўлсам, янада ортади у бойлик, лекин камаймайди.

Она-бола кўп тортишишди. Охири она шох саройи томон жўнади. Сарой ўртасидаги боғча ўртасида икки тахта тош қўйилган экан. Кимнинг подшога арзи бўлса шу тошлардан бирига келиб ўлтирарди. Тошнинг бири бенаво, бечоралар учун эди. Унга келиб ўлтирганларга подшо худо йўлига пул берарди, бахшиш қиларди. Бошқаси катталар учун бўлиб, подшога ишлари тушса келиб ўтиришарди.

Кампир бориб шу тошга ўтирди. Подшо бу кампир билмай ўтирди, деб гумон қилди. Хизматчиларига деди: «Бориб кампирга бирор нарса беринглар. Кейин айтинглар, қайтиб бу тошга ўтирмасин. Бирор нарса сўрамоқчи бўлса, ёнидагисига ўтирсин. У ўтирган тошга амалдор ва бойларники, улар бир иш билан, ёки совчи бўлиб келишади». Кампир уйига қайтиб, кўрган-эшитганларини ўғлига сўзлади.

Бу Али деди:

— Нега сиз подшога гадоилик учун эмас, совчиликка борганингизни айтмадингиз?

— Юзим бўлмади.

— Туринг, бориб нега келганингизни айтинг.

Кампир яна бориб илгариги тошга ўтирди. Подшо бунга кўриб ғазаби келди. Хизматчиларига:

— Кеча бу кампирга пул бермадиларингми? Бу тошга ўтирма, демадиларингми? — деди.

— Нега, айтганмиз.

— Бўлмаса, бориб, нега у ерда ўтирганини сўранг.

Хизматчи бориб, илгарги подшо нима деган бўлса, айтди. Кампир деди:

— Мен бенаво эмасман. Совчи бўлиб келдим.

Подшо бунга эшитиб, дод-фарёд солиб, ўзини ташлаб юборди:

— Мен қандай кунга қолдимки, қасу-ноқасдан, ҳар ялангоёқдан совчи келса қизимга. Бориб кампирни уриб, суриб чиқариб юбор. Иккинчи бор бу юзи қаттиқликни қилмасин.

Вазир деди:

— Бундай қилманг. Нотавон кампирни уришнинг хосияти бўлмайди. Унинг йўлига бир тош ташлаш керакки, кўтариш қўлидан келмасин.

Подшо бу гапни маъқул топди. Кампирни ҳузурига чақириб, деди:

— Мен қизимни доно, осмонни ердан туриб тикадиган, жаҳоннамо китоблардан хабари бор кишига бераман.

Кампир бу гапларни ўғлига етказди.

Бу Али деди:

— Бориб айтинг, қирқ кундан кейин подшонинг айтганлари бўлади, осмонни ерга тикаман. Китоби жаҳоннамони ҳузурига олиб бораман.

Она деди:

— Айтилик, китоби жаҳоннамони топиб келтирасан, осмонни ҳам ерга тикасан. Пулни қаердан олмақчисан? Чўнтагинда фақат бир мушт пул бор. Уни ейишгами, навот олишгами, қиз устидан сочишгами — қайси бирига ишлатасан?

— Топаман.

Эртаси Бу Али шаҳар дарвозасидан чиқиб жўнади. Бир неча кеча-кундуз йўл юрди. Бир тоғ этагига етди. У шу тоғ тепасида бир дев яшашини, ҳар нарсага устодлигини, ҳамда фаннинг билимдони ва унинг китоби жаҳоннамоси борлигини олдиндан биларди. У тоққа чиқди. Одам дев бир дарахт тепасида ухлаб ётарди. Бу Алига кўзи тушиши билан сўради:

— Ҳа, келдингми, нима гап?

— Йўлимни йўқотиб қўйдим. Сувсадим, очман. Шу тоғ этагидаги дарахтларни кўриб, сув ичмоқ ва нон топмоқ учун жоним ором топармикан деган умидда келдим.

Одам дев бу гапларга ишонди ва деди:

— Яхши бу кечаси шу ерда қол. Эртага кетасан...

Бу Али кечани шу ерда ўтказди. Тонг отгач одам дев деди:

— Мен кундўзлари ухлайман. Истасанг кетавер, бўлмаса қолгин.

Бу Али деди:

— Бугунча қолайин. Эртага кетаман.

Одам дев ухлади. Бу Али хонага кириб, дев боши тепасидан китоби жаҳоннамони олди. У китобда кўп нарсаларни кўрди, афсунларни ёд олди. Тезда бу афсунларни ишга солди. Кўз очиб юмгунча ўзини шаҳар дарвозаси ташқарисида кўрди. Шу орада дев уйғониб китобини ўрнида йўқлигини билиб қолди. Даштга қараса, Бу Али йўқ. У Бу Алини излаб шаҳарга келди. Бу Али бўлса, бир рав уйига келиб онасига:

— Онажон, бекор ўлтирманг, тулинг. Мен чиройли оху бўламан. Мени подшо саройига олиб боринг. Уғли мени сотиб олмоқчи бўлса, 500 тиллага сотинг. Бу пул бизга нуқлу навог ва қиз соққисига керак бўлади.

Онаси унинг айтганларини қилди. Шаҳар майдонидан ўтиб, шоҳ ҳузурига борди. Шаҳзода охуни кўриб, Бу Алининг онасидан сўради:

— Қанчага сотмоқчисиз?

— 500 тиллага.

— У дарҳол пулни санаб бериб, навкарларидан бирига деди:

— Беш қадоқ кишмиш сотиб ол. Эшитишимча оху кишмишни яхши кўрар экан.

Навкар кишмиш келтирди. Шаҳзода уни халтага солиб, сиқимлаб охуга едира бошлади.

Гапни энди Одам девдан эшитинг. У шаҳарга келиб, у ёқ-бу ёқларни қаради. Қай суратда бўлса ҳам Бу Алини таний оларди. Подшо саройи кўчасига етди. Узоқдан Бу Алини таниди. Бу Али ҳам бир қараб, дев келаётганини билди. У етиб келгунча оху шаҳзода тутиб турган халтага кишмиш эмоқчидек бош суқдию, аста-аста халта ичига бутун танаси билан кириб кетди. Шаҳзода ҳайрон бўлганича анграйиб қолаверди. Қараса, бир вақт халтадан чумчуқ учиб чиқиб кетди. Одам дев Бу Алининг қаёққа кетганини билмай қолди. Қаёқдан ҳам топарди энди. Бу Али қарға бўлиб, ҳавога кўтарилдими деб, дарахтларни қидирди. Ҳовлилардаги дарахтларни қараб чиқди. Бу Али эса чумчуқ бўлиб келиб, ҳовлиси деворига етгунча учиб, шу ерда ўзига келди ва тезда жаҳоннамо китобни олиб, подшо ҳузурига жўнади. Ропла-росса чиқиб кетганининг қирқинчи куни эди шу кун. Подшо китобни кўрдию, нима қилишини билолмай қолди. «Қандай топди экан?»— деган фикр уни қийнади. Бу Алини сўроқ қилиб кўрди. Бурро-бурро қилиб ҳаммасига жавоб берди. Сўнг подшо деди:

— Қизимни сенга ўхшаганга бермасам, кимга бераман.—

Подшо етти кечаю кундуз тўй қилиб қизини унга никоҳлаб берди. Бу ҳақда бутун шаҳарга жар солдирди. Барча шоду хуррамлик қилди. Одам дев ҳам қарға пайкарида тўйга келган эди. Китобини Бу Али қўлтиғида кўриб ноумид бўлди. Доимо китоб билан юришга девни мот қилиб қўйган эди. Бир кори ҳол қила оларди. Қарға суратидан чиқмасликка аҳд қилди. Шу кундан бошлаб ўзи ва болалари том орқасида, дарахт шоқларига жаҳоннамо китобни излайдиган ва «қор», «қор» дейдиган одат чиқарди. Афсонамиз поёнига етди. Аммо кирдикори ҳануз амалга ошгани йўқ.

УСТОД БУ АЛИ

Бир замонлар бир шаҳарда подшо яшар экан. Унинг хотини ва қизи бўлиб, икковини ҳам жондан ортиқ севар экан. Бир куни хотини оғриб ётиб қолди. Подшо ҳар томондан табиблар қақиртирди. Улар қанчалик даволамасинлар бемор тузалмади. Бир куни подшо ва қизи унинг ёстиғи тепасида ўтирар эдилар, деди:

— Шоҳим, бу касал менинг жонимни олади. Бунга гумоним йўқ. Тирикчилигим офтоби ботар экан, сиз ўзингизга ёстиқдош келтирадиган бўлсангиз, шундай одамни келтирингки, покдомон, қизимга ғамхўр бўлсин.

Подшо хотинининг гапларини маъқул топгандек бош тебратди. Хотини оламдан ўтгач, бир неча йил хотинсиз яшади.

Бир куни қизи деди:

— Отажон, нега уйланмаяпсиз, хотин — дилхушяк молларидан бири-ку!

Подшо деди:

— Кўрқаман, хонамга бировни келтирсам, сен билан чиқишиб кетармикан?... Йўқ эса, мен шарманда бўлиб, онанг ортидан кетишим турган гап. Шу иш бўлишини истасанг, ўзинг менга бир хотин топ.

— Жуда яхши.

Қиз у ёқ-бу ёқни суриштириб кўрди. Отасига мос бир хотин топди. Отасига

келтириб берди. Ҳақиқатан ҳам бу хотин қизнинг онаси айтгандек покдомон, қизга меҳрибон эди.

Кунлар ўтди. Бу хотини ҳам бемор бўлиб қолди. Бошқача сакта касал бўлиб, бир қўли иккинчисига етмасди. Бир кўзи ва қулоғи ишламас эди. Подшо шаҳар табибига одам юборди. Табиблар табиби шогирдлари билан келди. Улар ўзаро кенгашиб беморга дори-дармон беришди. Аммо, хотин тузалмади. Подшога хабар бердилар: табиблардан фойда бўлмапти. Подшо ғамга ботди.

— Бу табиблар одамлардан пул олади. Уларини ҳаммадан билагон чамалайдилар. Аммо бирор иш қўлларидан келмайди. Бир томони ишламай қолган бир нота-вон беморни шифолай олмайдилар. Бу табиблар қандай дардга даво қилолади ўзи? Уларга айтинг, бу шаҳардан лахт-пахтисини кўтариб жўнасин ёки қирқ кун ичида шу хотинни тузатсинлар.

Табиблар саросимага тушишди. Улар ўзаро маслаҳат қилишиб: «Бу одам айтганини қиладиганлардан, обрўйимизни тўкиши турган гап», деб ғамга ботиб узоқ баҳслашишди. Ҳар ким билганини деди, ўзиникини маъқуллади. Аммо, ҳеч бири чора йўлини тополмасди. Охири табиблардан бири деди:

— Шаҳаримизга яқин бир мавзеда бир шаҳар бор. У ерда устод Абу Али деган йигит яшайди. Унинг кўп илмлардан, табиблиқдан ҳам хабари бор. Табиблиқда биз унга етишолмаймиз. Шу хотинни даволашни ундан сўрасак ёмон бўлмасди.

Ҳамма табиблар бир овоздан бу фикрни маъқуллашди. Устод Бу Алига бир нома ёздилар. Ораларидан иски-уч кишини сайлаб, нома билан ўша шаҳарга вакил қилиб юбордилар. Бу Алидан келишни илтимос қилдилар. Нома Бу Алига тегиши билан у йўлга чиқди. Иккинчи кун у икки-уч табиб билан подшо ҳузурига кирди. Табиблар ер ўпиб дедилар:

— Подшо хотинига шифо топиш учун келдик. Умидвормизки, қирқ кун ўтар-ўтмас уни соппа-соғ ҳолда кўрасиз.

Подшо табиблар орасида илгари кўрмаган кишини кўриб, сўради:

— Орангиздаги бу йигитни энди кўриб турибман. Уни қаердан топдинглар?

Улар дедилар:

— Бу киши устод Абу Али Бухорий бўладилар. Беморнинг шифо, топиши шу кишига боғлиқ.

— Шундай экан, қолганларинг жўнанглар. Уни бу ерда ёлғиз қолдириглар.

Қолган табиблар подшо ҳузуридан чиқиб кетишди. Подшо илгари ҳам Бу Али номини эшитган эди. Шунинг учун бундай табибни ўз даргоҳида кўриш билан ўзида йўқ шод бўлди.

Унинг тинч ишлашига шароит яратиш учун фармон берди: бир уйни безатдилар. Икки ғўлом ва икки канизак ҳам унинг хизматида ажратилди. Бир-икки кун ўтгач, Бу Алини ичкарига бошладилар. Хотинини парда орқасидан кўриб, у касалнинг тарихини, табиблар қандай дори-дармонлар билан даволаганини сўради. Бу Али бемор касалини яхшилаб текширгач, подшога деди:

— Буюринг, ҳаммом ўтхонасини ёқишин ва сув иситсинлар. Хотинни ўша иссиқ сувга туширинг. Нима қилиш лозимлигини кейин айтаман... Иссиқ сув ҳозирладилар. Бу Али бир канизакни, эркакча кийинтириб, соқол-мўйлов қилдирди. Кейин канизакка подшо хотини изидан иссиқхонага киришни буюрди. Канизак кетди. Хотиннинг унга кўзи тушиши билан, қаттиқ кўрқиб кетди, сакраб ҳаммом ҳовузчасидан чиқиб, қочмоқ истади. Канизак унинг қўлидан ушлаб, торта бошлади. Подшо хотини қаттиқ ҳаяжонлагани ва кўрқиб учиб ўрнидан тургани учун сакта касалидан ному нишон қолмади. Тузалиб қолди.

Буларни шу ерда қўя турайлик. Гапни подшодан эшитинг. У хотинини иссиқ сувга туширгач, ўзича ўйлади: нима қилганим бўлдики хотинни яланғоч ҳолда иссиқ сувга тушириб юбордим. Бу одамнинг нопок кирдикори йўқмикан?.. Унга кўз ташламасмикан?

Подшо яширинча ҳовузча девори орқасидан беркиниб, пойлаб турди. Қараса, хотини тузалиб, бир эркак билан тортишиб турибди. Подшо иссиқхонадаги одам канизак эканлигини қаердан билсин. Бу Али бўлса керак, деб ўйлаб, «Э, бу не бедодлик! Нима гап?» деган ўй унинг ҳаёлидан ўтди. Аммо, хотиннинг тузалганини кўриб, бир оз ўзига келди: хотиним шу жабрларни кўриб жим туроладиган, яланғоч танини биров кўрадиган бўлса, бу хотин энди менга керак эмас. Энди бу хотинни ҳам, Бу Алини ҳам ўлдиришим лозим, деб, хонага шамширини яланғочлаб кириб келди. Канизак подшони жаҳли чиққан ҳолда кўриб, гап нимада эканлигини ва бекорга ўлиб кетиши мумкинлигини тушунди: дарҳол эркакча кийимларини ечиб, бетидаги ёпиштирилган соқол, мўйлабини юлқиб отди. Қулоҳини ечиб, тароқ билан сочини паршон қилди.

Подшо ва унинг хотини бу ҳолни кўриб, ҳовурларидан тушдилар. Мот бўлиб қолдилар.

Подшо дарҳол бу ердан чиқиб, тахтига қелиб ўтирди ва буюрди: Бу Алини келтирдилар. Подшо сўради:

— Бу нима қилганинг? Бу нима қилиқ?

Бу Али деди:

— Шохим, бу хотин касалининг дориси йўқ эди. Уни қаттиқ ҳаяжонга солиш,

кўрқитиш лозим эди. Кўрқитиш ҳам танҳо шу мен ўйлаган йўл билан бўлиши лозим эди. Аммо, бегона одамнинг кўзи тушмасин, деб бу канизакка эркак кийимини кийгизиб, ҳаммомга тушишни ва хотинни таъқиб қилишни ўргатдим. Токи, қаттиқ кўрқиши унинг тузалишига сабаб бўлса.

Подшо Бу Алининг тadbиркорлигига қойил қолиб, ғоят шод бўлди, ўша икки ғулوم ва канизакни унга бағишлади. Кейин сўради:

— Яна нима тилагинг бор?

— Эшитишимча, подшонинг шундай кутубхонаси бор эмишки, унда кимё, лимиё, ҳимиё, симиё ва римиё илмларига доир китоблар бор эмиш. Буларнинг барчаси ниҳоний сирлардир. Тозийлар уларни «Калласар» дерлар; «кофи»— кимиёдан, «ломи»— лимиёдан, «хе»— ҳимиёдан, «син»— симиёдан, «ре»— римиёдан нишон. Ана шу китобларга эга бўлсам дейман.

Подшо кутубхона калидини Бу Алига топшириб деди:

— Бор ўқи ва нимани ўргансанг, шулар ҳақида китоб ёз!

Бу Али шод бўлиб, калидни олди ва кутубхонани қидира кетди. У ердаги китобларни бир-бир кўздан кечириб, ҳар қайсиси минг варақдан иборат бешта илмий китоб ёзди...

Китобларни ёзиб бўлиб, бир куни подшо тахти ёнига келди ва деди:

— Шоҳим, фармон берсангиз, мен ўз шаҳримга қайтсам ва онам дийдорини кўрсам. У йўлимда интизор.

Подшо:

— Йўқ, сен доимо ёнимда бўлишинг керак,— деди. Подшонинг қизи Бу Алининг кетиб қолишини фаҳмлаб:

— Отажон, агар Бу Алининг шаҳарда қолишини истасангиз, уни куёв қилинг,— деди. Подшо қизига эътироз билдирди: шаҳзода ва аслзодалар таънасига қолишдан кўрқди. Подшонинг бу фикри Бу Алига етгач, подшога айтинглари, дониш ва ҳунарга эҳтиёж бўлмаган, нодон аслзодалар донишмандлардан устун қўйилган жойда қола олмайман, деб ярим кечаси шаҳардан яширинча қочиб кетди.

Бу Алининг бу гапларини эшитган подшонинг қаҳри келиб, буюрди:

— Бориб, у беақлни тутиб келтиринглари!

Хизматкорлар келиб қарасалар, Бу Али йўқ. Ярим кечаси унинг қочиб кетганини подшога етказишибди. Подшо фарёд кўтариб, ўзини ерга ташлабди.

— Нега қочирдиларинг?

Ҳамма биз унинг қочмоқчи бўлганини билмай қолдик, дейишибди. Нима қиларини билмай, подшонинг боши қотди, қандай қилиб, Бу Алини қайтариб, у ёзган китобларга эга бўлса... Қизидан сўради:

— Нима қиламиз?

— Суратгаларни чақиринг ва қирқ дона пардада унинг суратини чекишни буюринг. Ҳар бир дарвоза тепасига унинг расмини осиб қўйсинлар. Ҳар дарвозабон унга қараб, Бу Алини таниб олсин. Уни ушлаган дарвозабон шаҳар бошлиғига тутиб келтиради. Шаҳар бошлиғи унинг қўл-оёғини боғлаб, подшога еткази.

Подшо қизининг фаросатига офаринлар ўқиди ва қизининг айтганларини қилди. Аммо, Бу Алининг дўстлари бу сирдан уни огоҳлантиришга улгурдилар. У ўша подшо қарамоғидаги шаҳарнинг бирортасига ҳам бормади. Кеча-кундуз йўл юриб, қирқ кун деганда Алванд деган шаҳарга етиб келди. Шу шаҳар яқинида чодир ва хиргоҳ тикиб, яшай бошлади. Дўстлари, шогирдлари ҳам унинг ҳузурига жам бўлдилар. Бу Али ёзган беш йирик дониш китоби ўзи билан бирга эди.

Устод Бу Алининг оғиздан-оғизга, дилдан-тилга ўтиб, бизгача етиб келган дostonи ушбudir.

Наим НОРҚУЛОВ таржимаси.





ХАМЗА ОЛИМЛАР НАЗАРИДА

Ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижодини ўрганиш адабиётимизнинг шаклланиш ва юксалиш тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбек совет адабиётшунослиги Ҳамза асарларини тўплаш ва нашр этиш ҳамда илмий асосда ўрганиш ва халқ орасида кенг тарғиб қилиш соҳасида мунтазам равишда иш олиб бормоқда. Адабиётшунослигимизнинг бу соҳадаги жуда катта ва ибратли ютуқлари осонликча қўлга киритилмади. Ҳамзашунослик илми ўз тараққиётида (хусусан дастлабки даврларда) турли характердаги катта-кичик нуқсонларга — хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйди. Шуниси муҳимки, бу нуқсонлар олимларимизнинг янги-янги изланишлари, тадқиқотлари натижасида тузатиб борилади. Шундай қилиб, ҳамзашунослик ўзбек совет адабиётшунослигининг муҳим таркибий қисми сифатида ўз тараққиётида оддийликдан мураккабликка, юзакиликдан чуқур илмийликка томон кўтарила борди. Ҳамзашунослик илмида ҳам кўп миллатли совет адабиётшунослиги қўлга киритган барча ютуқлар ўз аксини топди. Б. А. Пестовский, Шокир Сулаймон, Абдурахмон Саъдий, Н. Миронов Ҳамза ижодининг дастлабки тадқиқотчиларидан ҳисобланадилар. Айниқса Б. А. Пестовский ва Шокир Сулаймон 20-йилларда ёзган баъзи мақолаларида Ҳамзанинг айрим асарлари ҳақида фикр юритиб, оташин шоир ижодига ҳақли равишда баҳо бердилар. Бироқ, 20-йиллардаги барча тадқиқотчилар ҳам Ҳамза ижодига тўғри, ҳолисона баҳо берди, деб бўлмади. Бу йилларда Ҳамза ижодини атайлаб камситишга уринганлар ҳам, у жадид адабиётининг намоёнчаси деб қоралаганлар ҳам бор эди. (Бу ҳақда қаранг: «Ҳамза ҳақида мақолалар» тўплами, Тошкент, 1960 йил, 45-бет).

30-йилларга келиб адабиётшунослик фаши Ҳамза ижодини бундай бузиб талқин қилишга қарши қаттиқ кураш олиб борди. Шу билан бирга, атоқли шоир ва драматургининг ҳаёти ва ижодига доир турли материалларни йиғиш, асарларини илмий ўрганиш жиҳатидан маълум ютуқлар қўлга киритилди.

Юсуф Султоновнинг «Ҳамза Ҳакимзода»

номли тадқиқоти, Ҳомил Ёқубовнинг «Ҳамза Ҳакимзода» деб аталувчи китобчаси майдонга келди. Бу асарларда, хусусан, Юсуф Султонов рисоласида Ҳамзанинг ҳаёти ва асосий асарлари ҳақида биринчи марта анча кенг маълумотлар берилган. Ҳамзанинг халқимиз ва адабиётимиз олдидаги хизматлари тўғри қайд қилинган.

Ҳамза ижодини марксча-ленинча методология асосида ўрганиш соҳасида, айниқса, Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда катта муваффақиятларга эришилди. Бу даврда ҳамзашуносликнинг илмий савияси кўп юксалди. Ҳамза ижодининг ўзига хос хусусиятларини, бадий маҳоратга оид муҳим муаммоларини, ёзувчи ижодидаги халқчиллик ва адабий таъсир, традиция ва новаторлик, ижобий қаҳрамон ва замонавийлик, бадий тил ва услуб масалаларини ишлашга эътибор кучайди. Иброҳим Мўминовнинг «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг революциядан аввалги ижоди ҳақида», Комил Яшиннинг «Улкан шоир ва санъаткор», Иззат Султоннинг «Ўзбек адабиётида социалистик реализмнинг шаклланишида Ҳамза ижодининг аҳамияти тўғрисида», Юсуф Султоннинг «Ҳамза Ҳакимзода — революцион шоир», Воҳид Зоҳидовнинг «Ҳамза ва Шарқ», Маҳмудали Юнусовнинг «Ҳамза лирикасида традиция ва новаторлик масалаларига доир», Турсун Собировнинг «Ҳамза Ҳакимзода драматургияси», Лазиз Қаюмов ва Марҳамат Аминованинг «Ҳамза Ҳакимзоданинг эстетик қарашлари», каби мақолалари шулар жумласидандир. Уларда Ҳамза ижодининг кўп қирралари бой материаллар ва янги фактлар асосида очиб берилган. Бу мақолалар таҳлилнинг кучлилиги, назарий хулосаларининг бақувватлиги жиҳатидан ажралиб туради. Масалан, Иззат Султоновнинг Ҳамза ижоди ҳақидаги «Ҳаёт ҳақиқатини чуқур англай билишлик, меҳнаткаш халқ билан чамбарчас алоқа, коммунизм ғояларига, пролетар интернационализм, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги принципларига садоқат, ўзбек халқининг тақдирида рус халқи ва маданиятининг ролини тушуниш, адабиётнинг юксак коммунистик ғоявийлиги, юқори бадий савияси ва ҳаётни ақс эттиришдаги тасвир воси-

таларининг бойлиги ҳақида ўйлаш каби хусусиятлар таланти ёзувчи ижодининг ўзбек совет адабиёти тарихидаги алоҳида ўрини белгилайди», деган чуқур мазмунли ва асосли фикри ана шундай илмий хулосалардан ҳисобланади. (Иззат Султон. Асарлар, 2-том, Т., Ўздавнашр, 1972 йил, 80-бет).

Машҳур совет шоири Николай Тихонов мақолаларидан бирида Ҳамза Ҳақимзода ижодига юқори баҳо бериб, уни В. Маяковский, Д. Бедний сингари оташин революционер шoirлар қаторида улуғлайди: «Владимир Маяковский, Демьян Бедний ва революция туфайли бунёдга келган бошқа улкан шoirлар рус поэзиясида новаторлик йўлларини излаган ўша тарихий даврда Ҳамза ўзининг миллий адабиётида ана шу йўлларга дадиллик билан асос сола олди»,— деб ёзган эди Николай Тихонов. («Правда Востока» газетаси, 1961 йил, 18 январь).

Кейинги йилларда ҳамзашуносликда янги боسقич бошланганлигини йирик фундаментал илмий асарлар яратилганлигидан ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, сўнги даврларга келиб ҳамзашунослик илми санъаткор ижодини чуқур ва объектив тадқиқот асосида кенг планда ёритувчи қатор салмоқли асарлар — танқидий-биографик очерк ва монографиялар, ўқув қўлланмалари ва адабий мақолалар тўплами, кандидатлик ва докторлик диссертациялари билан бойиди. Ю. Султонов, Р. Пулатов, А. Бобохонов, Х. Назарова, М. Аминоваларнинг кандидатлик, Лазиз Қаюмовнинг докторлик диссертацияси ана шу ютуқлар жумласидан бўлиб, уларда шoirнинг ҳаёти, дунёқарashi ва ижодининг турли қирралари социалистик жамиятимиз тарихи ва янги адабиётимиз тараққиёти билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилинади.

Бу даврда Ҳамза ижодини тадқиқ этувчи асарлар орасида, айниқса Лазиз Қаюмовнинг қатор китоблари, Юсуф Султоновнинг «Халқ санъаткори» (1959), Мамажон Раҳмоновнинг «Ҳамза ва ўзбек театри» (1959), У. Бозоровнинг «Ҳамза ижодининг ғоявий асослари» (1960), Ҳафиз Абдусаматовнинг «Традиция ва новаторлик проблемаси» (Ҳамза ва Яшин ижоди асосида, 1974 й.) номли асарлари ажралиб туради. Бу йирик илмий тадқиқотларда Ҳамзанинг таржимаи ҳоли шеърӣи ва драматик асарларининг мавзу доираси, ғоявий мундарижаси, образлари, фалсафӣи, сиёсий ва ижтимоий қарашлари, лирикасида традиция ва новаторлик масалалари кенг ёритилган.

Таниқли адабиётшунос Лазиз Қаюмов Ҳамза ижодини илмий ўрганиш ва уни бутунитифоқ миқёсида тарғиб қилиш соҳасида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Унинг «Инқилоб куйчиси» (1962), «Инқилоб ва ижод» (1964), «Инқилобий драма» (1971) номли илмий трилогияси, шунингдек «Ҳамза» (1973) монографияси ўзбек совет адабиётшунослигининг жиддий ютуғи сифатида тан олинди.

Трилогияда Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг биографияси, ижтимоий-сиёсий қарашлари, шеърӣи ва

драматик асарлари ҳамзашунослик ютуқларига, хусусан, ёзувчи ҳаёти ва ижодига доир жуда кўп янги фактларга, архив материалларига асосланган ҳолда ёритилди. Олим Ҳамза ҳаёти ва ижодининг адабиётшуносликда ўрганилмаган томонларига кўпроқ аҳамият беради. Чунончи, трилогиянинг «Инқилоб куйчиси» қисмида муаллиф Ҳамза таржимаи ҳолини изчил баён этиб, кўпгина мунозарали жойларни аниқлаган, қатор хато ва чалкашликларга барҳам берган. Китобда Ҳамзанинг жадидларга муносабати масаласи ҳам тўғри ва объектив ҳал қилиб берилган. Айрим адабиётшунослар то сўнги даврларгача Ҳамзанинг «жадид»лиги ёки маълум даражада жадидизм ғоялари таъсирида бўлганлиги ҳақида ёзиб келдилар. Л. Қаюмов эса ана шу нотўғри қарашларга зарба бериб, Ҳамза ижоди дастлабки даврдан бошлабоқ жадидизм ғояларидан принципиал фарқ қилишини исботлаб беради.

Мазкур илмий трилогияда Ҳамза дунёқарashi ва бадий маҳоратининг тадрижий тақомили ҳам чуқур кўрсатилган. Муаллиф Ҳамзанинг ҳаваскор шoirдан инқилоб куйчиси даражасигача ўсиб чиқшини баён этар экан, ана шу ўсишни таъминлаган асосий омилларни очишга катта эътибор беради. Ҳамза ижодини ўстирган ва уни оташин куйчи қилиб етиштирган асосий омил ижтимоий ҳаётдир, деган фикр ҳар жиҳатдан илмий асосланади. Бундан ташқари олим Ҳамза ижодининг ўсишида ўзбек классик адабиёти ва оғзаки ижоди билан бир қаторда илғор рус адабиётининг таъсири катта бўлганлигини ҳам кенг ёритади.

Трилогия муаллифнинг шахсан ўзи излаб топган ва кўпчиликка маълум бўлмаган архив материалларига, Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги янги-янги маълумотларга бой. Бу фазилат ҳар учала китобда ҳам бўртиб кўринади.

Шу кунларда ҳамзашунослар сафи янги ижодкорлар ҳисобига бойиб бормоқда. Бу муаллифлар ҳамзашунослигимизнинг ривожига сезиларли роль ўйнамоқдалар. Ғ. Мўминовнинг «Ҳамза поэзиясида классик адабиёт», «Ҳамза ва халқ оғзаки ижоди», Ш. Турдиевнинг «Революция арафаларида ўзбек прозаси ва Ҳамза», Б. Фуломовнинг «Ҳамза поэзиясида хотин-қизлар озодлиги мотивлари», Мухсин Олимовнинг «Ҳамза Ҳақимзоданинг «Ғолибият» драмаси ҳақида», Т. Расуловнинг «Ҳамза поэзиясида сатира», С. Мусахўжаеванинг «Ҳамза ижодида хотин-қизлар образи», Х. Назарованинг «Ҳамза асарлари тилининг халқчиллиги», шунингдек, А. Шомақсудов, М. Ҳошимова ва бошқаларнинг мақолалари бу фикрнинг исботидир. Ҳамза ижодининг етарли ўрганилмаган қирраларини ёритишга дадиллик билан киришилганлиги бугунги ҳамзашуносликнинг муҳим хусусиятидир.

Сайдулла МИРЗАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор.


Ғулom Каримов ~ 70 ёшда

УМРНИНГ МАЗМУНИ

Ёши бир жойга бориб қолган годшо кунларнинг бирида уламосини ёнига чорлаб, шундай депти: «Олтмишдан ошдим. Умрнинг кўпи кетиб ози қолди. Қирқ йил салтанат қуриб дунё сўрадим. Бу ёруғ оламнинг мен татиб кўрмаган шарбати қолмади. Лекин умр нима, дунё нима — тагига ета олмадим. Менга дунё ва умрнинг мазмунини битиб келтиринг». Олимлар чанг босган кўҳна китоблар ичига шўнғиб кетибдилар. У ҳақдаги илмнинг бир мисқолини ҳам қолдирмай, қирқ туя китоб қилиб шоҳга етказибдилар. Лекин уни ўқиб чиқишга шоҳнинг қолган умри етмас эди. «Бир китобга келтиринг!» — буюрипти шоҳ. Олимлар яна узоқ тер тўкишибди. Бироқ уламо қайта шоҳ ҳузурига келишганида у ўлим тўшагида эди. Шоҳ уламосига маънос назар ташлабди. «Мазмунини икки оғиз сўз билан айтинг, токи армон билан кетмагайман», — сўрапти шоҳ. Олимлар пешвоси дунёнинг мазмуни ва тарихини икки оғиз сўзда шундай айтган экан: «Одамлар келдилар, кетдилар». Машҳур Саъдий дунёни «қарвонсарой», «кўҳна работ» деганида шу нақлни кўзда тутган эди. Бу нақл афсона бўлиб қолди. Инсон беиз кетмайди. Деҳқондан боғ-роғ, қурувчилардан азим обидалар, олимдан илму дониш, шоирдан шеър достон қолади...

Профессор Ғулom Каримов салкам эллик йилдан буён адабиёт илми масалалари билан шуғулланиб келади. Бугунги кунда у ўзбек адабиётшунослиги фанининг етакчиларидан бири. Унинг биринчи мақоласи «Театрчилик ишларимизнинг ривож учун кураш» 1930 йилда «Инқилоб қуёши» газетасида босилган эди. Кейинги йirik салмоқли китоби «Халқ, тарих, адабиёт» ўтган йили нашрдан чиқди. Шу давр ичида эълон қилинган илмий-танқидий ишларининг энг муҳимларини жамлаб рўйхат қилингудек бўлса ҳам юздан ошади. Гап сонда эмас, албатта. Гап қилинган ишнинг моҳият

ва кўламида. Ғулom Каримов илк мақолалари биланоқ эътиборли олимларнинг диққатини жалб қилганди. Ёш тадқиқотчи биринчи имтиҳонини Ойбек, Е. Э. Бертельс, В. М. Жирмунский каби ўз фанининг алломаларига топширган, уларнинг рағбати билан бу даргоҳга қадам босган эди. Ғулom Каримов 1909 йил 15 апрелда Тошкентнинг Оқмачит маҳалласида туғилди. 1918—25 йилларда Шайхантахурдаги янги очилган совет мактабларидан бирида ўқиди. Сўнг 1925 йилда Наримонов номидаги машҳур таълим-тарбия техникумига кирди. Бу ер-



да адабиётдан Олим Шарафиддинов дарс берарди. Техникумни битириб Ғулом Каримов Тошкентдаги 38-сон қизлар мактабида ўқитувчилик қила бошлади. Кўп ўтмай қадимий Хивага педагогика техникумига тил ва адабиёт ўқитувчиси қилиб тайинланди. 1931 йилда эса Ўзбекистон Маориф Комиссарлиги йўлланмаси билан Ленинграддаги Тарих, фалсафа ва лингвистика (ҳозирги Ленинград Давлат университети) филология факультети) институтига ўқишга юборилди.

Ғулом Каримов бу ерда машҳур олимлар кўлида сабоқ олди. Биринчи мутахассислиги Ғарб адабиётидан бўлди. Сўнг у бу ерга аспирантлик даврида келди.

1935 йили Ғулом Каримовнинг хотирасида узоқ сақланиб қолган. У ўша йили Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Фанлар Комитети Тил ва адабиёт институти аспирантурасига имтиҳон топширди. Имтиҳонни Ойбек бошлиқ беш кишилик комиссия қабул қилди.

«...Бу биринчи учрашув ва суҳбат аспирантурада ўқиш даврида, адабиёт соҳасидаги кейинги хизматларим даврида яна кучайди, мунтазам туш касб этди ва менинг ҳаёт йўлимда салмоқли роль ўйнади»,— деб ёзган эди у Ойбек ҳақидаги хотираларида. Дарҳақиқат, у ўзи ихлос қўйган, эътиқодига айланб келаётган киши билан юзма-юз бўлган, унинг синовидан муваффақият билан ўтган эди. Имтиҳоннинг барча тафсилотлари, тушган саволлар, ҳатто устознинг берилган ҳар бир жавобга тасдиқ-таъризи Ғулом Каримовнинг хотирасида салкам 45 йилдан буён сақланиб келиши шундан.

Узи айтмоқчи, «ғарбчи» бўлган Ғулом Каримов кандидатлик диссертациясини шарқ адабиётидан, Навоийнинг машҳур «Лайли ва Мажнун»идан ёқлади.

1940 йилда республика ҳукумати улўф шоир таваллудининг 500 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган ва унга қизгин тайёргарлик кетарди. Уруш уни вақтида ўтказишга ҳалақат берди. Лекин шундай оғир пайтларда ҳам улўф тўй ташвишлари ҳеч кимнинг эсидан чиқмаган, юбилей комитети бошланган ишларни ўз имкони доирасида амалга оширар эди. Уруш йилларида ленинградлик бир гуруҳ шарқшунослар Тошкентга эвакуация қилинди. Улар орасида машҳур шарқшунос олим Е. Э. Бертельс ҳам бор эди. Ғулом Каримов навбатдаги имтиҳонни мана шу доврақли олимга, шарқ классик адабиётларининг зукко билимдони, 20-йиллардаёқ Навоийнинг оригинал истеъдодини дадил ҳимоя қилиб чиққан, шу кунларда эса у ҳақда монография ёзаётган забардаст тадқиқотчиға топширди.

Евгений Эдуардович Ғулом Каримовга бир қўлёзмани кўриб чиқишни таклиф қилди. Ҳар бир қўлёзманинг ўз тарихи, тақдири бор. УзФА Шарқшунослик институтидаги 5018 рақамли бу қўлёзма Навоий «Хамса»сининг шоир ҳаётлик пайтида Абдужамил котиб кўчирган энг қадим ва энг нодир нусхаси бўлиб, бир тасодиф билан

1930 йилда Самарқандда топилган эди. Бертельс бу воқеани шундай ҳикоя қилади:

«Навоий ва Атторм» мақоласи билан Ўзбекистондаги илмий муҳитни қизиқтириб қўйган олимни ўша йили Ўзбек Давлат илмий-тадқиқот институтига лекциялар ўқишга таклиф қиладилар. Сафар тугаб Ленинградга қайтиш олдидан тўсатдан Наркомпросга чақириб қолишди. Чет элга сотиш учун жуда кўп эски китоблар йиғилган экан. Уларни синчиклаб бир мутахассис назаридан ўтказиб олиш лозим топилди. Мана шу тасодиф билан XV асрнинг бу ноёб қўлёзмаси сақлаб қолинган эди.

Е. Э. Бертельс Тошкентга келар экан, таниш қўлёзма билан шошмасдан танишиб чиқди ва уни атрофлича текширишни Ғулом Каримовга ишониб топширди. Еш тадқиқотчи уни кунт ва ҳавас билан ўрганди. Қолган кўплаб нусхаларига, айниқса XX аср бошида шўҳрат топган Муҳаммад Шоҳ Мурод котиб (1850—1922)нинг литографияга тайёрлаган нусхасига синчиклаб солиштириб чиқди. Котибнинг «тузатиш» ва «ўзгартиш»ларини, ҳатто «тахрир» принципларини аниқлади. Бу ҳақдаги кузатишлари билан илм аҳлининг диққатини тортди. Жумладан, «Навоий «Хамса»сининг энг қадимий нусхаси» номли, Бертельс «ажойиб иш» деб баҳолаган мақоласи Тошкентдаги бутун илмий жамоатчиликнинг диққатини ўзига жалб қилган эди.

Ғулом Каримов Бертельс маслаҳати билан шу қўлёзмаға суянган ҳолда «Лайли ва Мажнун» дostonининг танқидий тексти тиклаш ва нашрга тайёрлаш ишиға киришди. Бу иш юбилейға тайёргарлик тадбирларига киритилди.

Рус шарқшунослигининг энг яхши намояндаларида фойдаланилган манбанинг аслий ва ишончилиги ҳамиша биринчи даражали аҳамият касб этган. Масалан, Е. Э. Бертельс аслий, ишончли нусхасиз, бирор асар ҳақида фикр юритишдан ҳамиша ўзини тийган. Чунончи у «Садди Искандарий»ни тадқиқ этаркан, унинг эски қўлёзма нусхасини сўнгги тош босма ва босмаларидан фарқ қилишини айтиб, «унинг илмий, асосланган академик нашрини амалға оширмагунча, дoston поэтикаси хусусида сўз юритиш, омонат ва тахрирбоп гап» бўлишини таъкидлаган эди. Негаки, «Навоий улкан ва жиддий шоир. Ундаги ҳар бир сўз пухта ўйланган ва муайян мақсадни кўзда тутган бўлиб, ўз маъно-қийматиға эға. Мукамал матнсиз у ҳақда гап юритилгудек бўлса, шоирнинг жуда муҳим фикр-мулоҳазалари четда қолиб, мутлақо сохта хулосаларға йўл қўйишимиз ҳеч гапмас».

Ғулом Каримов мана шу рус шарқшунослиги мактабининг жаҳон ориенталистикаси томонидан этироф этилган илмий иш усуллари тарбиясини кўрди.

1945 йилда тадқиқотчининг «Лайли ва Мажнун» юзасидан олиб борган кўп йиллик иши ниҳоясига етди. Навоий «Лайли ва Мажнун»ининг илмий-танқидий тексти майдонға келди. «Навоийни ўрганиш тарихида биринчи мартаба энг яхши, энг қадимий,

энг мўътабар қўлёмалар асос қилиб олинган», муаллиф эса, «эски ўзбек тилидан яхшигина хабардор, Навоийнинг услуб хусусиятини чуқур ўзлаштирган», «шундай қийин вазифани уддалай олишга тамоман тайёр» эди. «У тайёрлаган текст,— давом этади Бертельс,— Навоий қалами остидан чиққан шаклнинг айна ўзи бўлмаса ҳамки, XV асрдаги Ҳиротда машҳур бўлган шаклнинг ўзини беради. Бу жуда катта ютуқдир, Навоийнинг поэзиясини чуқур ўрганишдаги биринчи дадил қадамдир ва бу учун биз автордан жуда миннатдор бўлишимиз керак».

Истеъдодли адабиётшунос яхши текстолог ҳамдир. «Адабиётшунос текстолог бўлмаслиги, яъни текстнинг фаҳмига етмайдиган бўлиши мумкин эмас. Айна шундай, текстолог ҳам агар адабиётшунос бўлмаса, яъни ўрганилаётган, нашр қилинаётган текстнинг маъно-қимматини англай олмас жуда ночор бир ҳолда қолади». 1934 йилда айтилган Б. В. Томашевскийнинг бу гапи ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Асрлар давомида қўлёмза китоблар шаклида яшаб келган ўзбек адабиёти учун ҳам аҳамиятга эга. Қадим ва бой адабиётимиз обидаларини ўз эгаларига бешикаст ва бергард етказиш завқли ва шарафли бўлиши билан бирга ғоят қийин ва масъулиятли ҳамдир. Узининг илк текстологик тадқиқотлари билан олимларнинг юксак баҳосини олган Ғулум Каримов кейин ҳам бу борада самарали ишлар қилди. Чунончи, 1960 йилда Муқимий 2 жилдligининг нашрга тайёрланиши адабий ҳаётимизда катта ҳодиса бўлди. У Муқимий ижодини ўрганишда бугунги энг тўла, энг аниқ, энг ишончли манба бўлиб турибди. Кейинги йилларда олимнинг ғайрат ва ташаббуси билан яна бир катта иш амалга ошди. XIX аср адабиётимизнинг энг йирик вакили Муҳаммад Ризо Оғаҳийнинг асарлари биринчи маротаба 6 томда босилиб чиқмоқда. Унинг бештаси ҳозир ўқувчилар кўлида.

Адабиётшунослик йлмида ҳам бошқа фанлардаги каби ҳар бир олимнинг «ўз» соҳаси бор. Ғулум Каримов кўп асрли ўзбек адабиётининг ғоят муҳим ва мураккаб даври— XIX асрнинг 2-ярми XX асрнинг бошлари бўйича йирик мутахассисдир. 50-йиллардан бошлаб олим Муқимий, Фурқат, Нодим Намангоний каби бу давр адабиёти, намояндаларининг ижодий меросини тўплаш ва тадқиқ этиш, ҳаётига оид факт ва материалларни излаб топиб илмий муомалага кириштиш борасида катта ишлар қилди. «Муқимий ижодини ўрганишнинг баъзи масалалари», «Фурқат биографиясининг баъзи масалалари», «Фурқатнинг ўзбек адабиётидаги ўрни ва аҳамияти» каби мақолаларида XIX асрнинг 2-ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг бу икки забардаст вакили ҳаёти ва ижодига оид муҳим масалаларни кўтариб чиқди. 1958 йилда Муқимий танланган асарларини ўзбек ва рус тилларида эълон қилди. «XIX аср 2-ярми ўзбек адабиётида реализмнинг шаклланиш масалалари», «Ўзбек демократик адабиётида реализм масалалари», «Ил-

ғор рус маданияти ва рус классик адабиётининг ўзбек адабиётининг ривожланишига таъсири масаласи ҳақида» мақолалар ёзиб, бу давр адабиётининг бош тенденциялари, ривожланиш йўллари ва ўзига хос хусусиятларига оид ўз тезисларини ўртага ташлади. Ниҳоят, 1962 йилда «Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти» номли йирик фундаментал иш майдонга келди ва докторлик диссертацияси сифатида ҳимояга қўйилди.

Ойбек уни фанга қўшилган «қимматли ҳисса» деб баҳолади. Уни мазкур даврдаги «тарихий шароит, маданий ва адабий ҳаёт ҳақида кўп янги ва сўнгги фикрлар бера олган», бу давр ўзбек адабиётидаги етакчи оқимлар ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтириб юборган» иш деб ҳисоблади. «Ғ. Каримов диссертациясининг диққатга сазовор жойларидан яна бири шундаки,— деб ёзган эди Ойбек,— фақат Муқимий, Фурқат, Завқий каби демократ шоирларнинг янги асарларигина текшириш объекти қилиб олинган эмас, балки шу пайтгача адабиётшуносликда маълум бўлмаган янги шоирлар ва янги эпик поэмалар муомалага олиб кирилган».

ЎзФА академиги Яҳё Ғулумов диссертациянинг фактик материалга бой эканлигини алоҳида таъкидлаган, хусусан, Умидий-Ҳавоийнинг «Бадавлатнома», Шавқийнинг «Жангномаи Худоёрхон» каби фанга номмаълум, лекин тарихий-бадий ғоят муҳим асарларини адабиётга олиб кирганини мамнуният билан қайд этган эди. Утмиш адабиётининг ҳеч ким назари тушмаган янги саҳифаларини кашф этиш, замонлар тўзонда чанг босиб, тақдирнинг бир тарзи билан «унут» бўлган бадиий обидаларини халққа етказиш ўқувчи учун қанчалар мароқли бўлса, адабиёт тарихи билан шуғулланувчи олим учун шу қадар юксак орзудир.

Бадиий ижод— катта бир олам. Унинг ўз мулки, ўз урфи, ўз фуқароси бор. Адабиётшунослик бадиий ижод намуналарини тўплаш, асл нусхаларини тиклаш билангина чекланмайди. У адабий факт ва ҳодисаларни саралайди, қиёслайди, изоҳлайди. Уларнинг муаяян халқ бадиий-эстетик тафаккури ривождаги ўрнини тайин этади, қолаверса, жаҳон маданияти тараққиёти билан боғлайди. Адабий жараённи текширади, ундаги етакчи тенденцияларни аниқлайди, ижод психологиясини, унинг сир-асрорларини очиб беради. Қўйинги, адабиётшунослик фанининг ҳам ўзига яраша ишлари кўп. Ғулум Каримов Муқимий ва унинг даври адабиётини атрофлича тадқиқ этаркан, биргина унинг кўламини кенгайтириш, янги номлар, янги асарларни олиб кириш билан kiffoзланмади, адабиётимизнинг ғоявий-эстетик тақомили хусусидаги бир қатор назарий-проблематик масалаларни ҳам ҳал қилиб берди. Сирасини айтганда, «Ўзбек демократик адабиёти» деган тушунча худди шу ишдан кейин барқарор бўлиб қолди ва XIX асрнинг 2-ярми XX аср бошларидаги ўзбек адабиётига нисбатан собит қўлланиладиган бўлди.

Профессор Ф. Каримов диссертация ҳимоясидан кейин ҳам ўзбек демократик адабиёти масалалари билан мунтазам шуғулланди. Унинг кўлами, гоё ва образлар дунёси, ижодий-эстетик принциплари ҳусусидаги фикр-мулоҳазаларга аниқлик ва равшанликлар киритиб борди. Унинг XIX аср охири XX аср бошларидаги рус-ўзбек, ҳинд-ўзбек адабий-маданий алоқаларига бағишланган қатор тадқиқотлари, Шавқий, Алмай, Ибрат, Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Анбар Отин каби бу даврнинг истеъдодли намоёндалари ҳақидаги ўнлаб мақолалари, ниҳоят 1970 йилда босмадан чиққан «Муқимий» монографияси бунга далил.

1966 йилда республика олий ва ўрта махсус таълим министрилиги Фулом Каримовнинг «Ўзбек адабиёти тарихи» (XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларигача) «китобини университетнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун дарслик сифатида тасдиқлади. Шундан буюн у республика олий ўқув юр்தларида ўзбек адабиёти тарихининг сўнгги давр бўйича ягона дарслик сифатида фойдаланиб келмоқда. 1975 йилда унинг қайта кўрилган, тўлдирилган иккинчи нашри босилиб чиқди.

«Адабиётшунос олимларимизнинг катта авлоди ижодий фаолиятига хос бир фазилат бор. Бу — улардаги тадқиқот доирасининг кенглиги», деб ёзади профессор Абдуқодир Ҳайитметов Фулом Каримовнинг «Халқ, тарих, адабиёт» китобига ёзган тақризида. Дарҳақиқат, атоқли олимларимиз В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, И. Султонов сингари Фулом Каримов китобларини кўздан кечирганда, «Ўзбек адабиёти тарихининг у қизиқмаган ва янги бир фикр айтмаган соҳасини топиш қийин» эканлигига амин бўласиз. Гоҳ у адабиёт илмининг методологик аҳамиятга эга бўлган партиявийлик, синфийлик, тарихийлик принциплари ҳусусида гап очиб, уларни конкрет адабий факт ва ҳодисаларга татбиқ этишдаги ютуқ ва камчиликларимиз ҳақида самийин, рўйроқ фикрлар билдиради. («В. И. Лениннинг маданий мерос ҳақидаги таълимоти ва ўзбек адабиёти тарихининг баъзи масалалари»), халқимиз тараққиёти босқичларидан, адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳар бир даврнинг етакчи мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўзбек адабиёти тарихидаги мавжуд даврлаштиришни қайта кўришни таклиф этиб, ўз вариантини тавсия қилади («Ўзбек классик адабиётининг баъзи назарий масалалари»), гоҳ ўлмас Навоий даҳосининг оламшумул аҳамияти ҳақида гап очиб, Навоий ва жаҳон адабиёти, Навоий ва Уйғонув даври деган масалаларни кўзгайди («Ҳаётбахш анъаналар», «Инсон мадҳияси»). Гоҳ адабиётимиз ва маданиятимиз тарихининг халқимиз озодлик ҳаракати билан туташ нуқталари тўғрисидаги ленинча тезисни ўртага ташлайди («Халқ, тарих, адабиёт»). Гоҳ адабиётшунослик фанимизда шу кунгача эътибордан четда қолиб келган бирор масалани гоёт

батартиб ва синчковлик билан тадқиқ этиб, ҳал қилиб беради («Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари», «Ҳинд масали «Калила ва Димна»нинг ўзбекча версиялари»). Дарвоқе, Абдуқодир Ҳайитметовнинг гувоҳлик беришича, «Рус шарқшунослиги тарихи ҳозирча Фулом Каримовнинг «Рус шарқшунослигида Навоий ижоди масалалари» мақоласидагичалик мукаммал ҳеч бир манбада ўрганилмаган».

Ҳар қандай илмнинг кадр-қимматини белгилаб берувчи буюк бир мезон бор. Бу унинг бугунги турмуш, замон учун хизмати даражасидир. Агар ёзилаётган асарлар, «қилинаётган» илм бугунги моддий ва маънавий ҳаётимизнинг янада яхшиланишига, янада гўзаллашишига ёрдам бермаса, унинг аҳамияти бўлмайдми. Айниқса адабиёт тарихи билан шуғулланадиган мутахассисда замонавийлик туйғуси бениҳоя юксак бўлиши керак. Негаки, тарихнинг турли даврларида яшаб, туйғу ва интилишлари билан бизга замондош бўла оладиган қалам эгаларини топиш ва бугунги кун хизматига қўйиш, кўҳна тарих қатларида сақланиб қолган ёдгорликлардан XX аср ҳаётига ҳамоҳанг акс-садоларни аниқлаш осон иш эмас. Фулом Каримов асарлари учун мана шундай юксак маънодаги замонавийлик хос. У ўтмиш билан бугуннинг туташ нуқталарини, «кўринмас ипларини, нозик ҳис қиладиган олим. Ҳаётнинг давомийлик узвийликка асосланган бу темир қонуни ҳақида у шундай ёзади:

«Ўтмиш билан бугунги кун ўртасида шундай боғланиш, робита-алоқа борки, бу робита — боғланиши дарахт билан уни тутиб ва озиқлантириб турган илдизига ўхшатса бўлади. Ҳақиқатан ҳам, ўтмишсиз бугунги кун йўқ, бугунги кунсиз эса кела-жак йўқ. Инсоният шундай туташ, кўринмас иплар билан боғланган бир бутун ҳаёт кечиради: ўтмишга суяниб бугунги кунни яратади, бугунги кун ютуқларидан, янгиликларидан фойдаланиб келгусига кўприк қуради. Шу маънода биз кечаги, бугунги ва эртанги одамлармиз. Шу маънода инсониятнинг ўтмиш маданияти бугунги маданий ҳаёти билан, унинг келгусидаги порлоқ истиқболи билан боғланади, бир бутунлиқни ташкил қилади».

Фулом Каримов фақат адабиёт тарихини эмас, бугунги адабиётимизни ҳам яхши билади. Уни синчиклаб кузатиб боради, унга фаол аралашади. Тасодифмас, «фикр олиш йўли билан» босилган унинг биринчи мақоласи ўзбек совет театрчилиги масалаларига бағишланган эди. У 40-йилларда болалар адабиётининг ривожига, ўзбек совет прозасига, Ҳамид Олимжон поэзиясига оид қатор мақолалар эълон қилди. Сўнгра, Ойбек, Яшин, Ҳамид Фулом, Саид Аҳмад ҳақидаги мақолалари босилиб чиқди. Яқинда эса, сўнгги йиллар ўзбек романчилигидаги муҳим бир йўналиш ҳақида баҳс очувчи «Прозамизда тарихий тематика» номли салмоқли иши чоп этилди.

Фулом Каримов шахсида ҳамisha бўртиб кўриниб турадиган бир хусусият бор. Бу — ҳаётида ҳам, илмда ҳам ҳар бир ма-

салага партиявий принципиаллик, жиддий ва ҳалоллик билан ёндашишдир. Ёзувчининг шахси, виждони ҳақида кўп гапирармиз. Лекин адабий-бадиий ҳодисаларни изоҳлашга, саралаб ўқувчига йўллашга, ниҳоят уларга ҳакамлик қилишга даъват этилган адабий-танқидий кадрлар учун ҳам бундай партиявий хусусиятлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан Ғулом Каримовдаги фазилатлар ибратли. Ундаги ҳалолликни 1945 йилда Е. Э. Бертельс таъкидлаб кўрсатган эди. Атоқли ёзувчимиз Шароф Рашидов адабиётшунос олимнинг 60 йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табрик хатида эса шундай ёзади:

«Биз, ёзувчилар ҳамиша Сиздан миннатдоримиз. Шунинг учун миннатдоримизки, Сиз ижод деган мураккаб илмнинг ирмоқларидан тортиб дарёларигача чуқур биласиз, унинг саҳролари ва бўстонларини кезиб чиққансиз ва ниҳоят чўққиларига кўтарилгансиз.

Шунинг билан бирга Сиз ижод деган муқаддас ҳунарга ҳалоллик, покизалик, тўғрилиқ ва адолат кўзи билан қараб анализ қиласиз...»

Ғулом Каримов, мана 50 йилдирки, илмий-ижодий ишни таълим-тарбиявий иш билан боғлаб олиб келади. Республикада мактаб ва олий ўқув юртларини ўзбек адабиёти бўйича программа ва дарсликлар билан таъминлашда, методологик қўлланмалар яратишда ҳам унинг маълум хизмати бор. У VIII—IX синфлар, ўрта махсус билим юртлари учун ўзбек адабиётидан тузилган кўпгина дарслик ва программа-ларнинг муаллифи. Ғулом Каримов республикамизда мактабларни барқарор дарсликлар билан таъминлаш долзарб масала қилиб қўйилган бир пайтда Педагогика фанлари илмий текшириш институтини бошқаради (1948—51) ва бу муҳим ишларга бош-қош бўлди. 1954 йилдан буён эса Тошкент Давлат университетиде ўзбек адабиёти кафедрасида раҳбарлик қилиб келади. Бугунги кунда университет адабий-танқидий кучлар, илмий-педагогик кадрлар етказишда асосий базалардан бирига айланган экан, бунда республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ғулом Каримовнинг хизматлари катта.

Ғ. Каримов 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида минглаб малакали кадрларни етиштириб чиқаришда баракали ҳисса қўшди. Унинг шоғирдларини ҳамма жойда — республикамизнинг олис бур-

чакларида ҳам, гавжум пойтахтимизнинг қайноқ илмий-адабий муассасаларида ҳам учратиш мумкин. Унинг шоғирдлари адабий-маданий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида муваффақият билан ишламоқдалар.

Республикамизда машҳур бўлган Ғулом Каримовнинг номини Иттифоқимиздагина эмас, чет элларда ҳам яхши билишади. Болгариялик шоғирди И. Н. Пейчев 1973 йилда болгар-ўзбек адабий алоқаларидан диссертация ёқлади. Ҳозирда у ўзбек адабиётини болгар халқига етказиш йўлида хизмат қилмоқда. Қайси йили узоқ Американинг Мичиган университетидан Навоийнинг кичик лирик жанрлардаги асарлари билан қизиқиб шарқшунос олима доктор Маргарет Фири келиб, салкам бир йил давомида домладан кўплаб маслаҳатлар олган эди.

Ғулом Каримов 70 ёшга тўлди. Бу ёш умрнинг шундай бир довокни, ҳар бир киши унда бир лаҳза тўхтаб, босиб ўтган йўлига назар ташлайди. Сарҳисоб қилади. Ғулом Каримов ундан мамнун бўлса арзийди. Негаки, бу йўлнинг ҳар бир муволишида у экиб улғайтирган ниҳоллар — вояга етказган шоғирдлар қад кўрсатиб турибди. Илм-фан йўлидаги хизматлари, маориф-маданият йўлидаги эзгу, ишлари намоен бўлиб турибди.

Умрнинг мазмуни шуларда эмасми?

Ёзнинг кеч салқин кунларида университетга йўлингиз тушгудек бўлса, гуллар ва хиёбонлар билан ўралган орқа саҳнига бир кўз ташланг. У ерда шинам бир чойхона бор. Иш тугаб аудиториаларда студентлар шовқини тинганда бу жой ўқитувчилар билан гавжум бўлади. Улар орасида республикамизнинг таниқли олимларини ҳам учратишингиз аниқ. Улар — шахмат ишқибозлари. Тик туриб олган, баланд, хушбичим қоматини хиёл олдинга эгиб завқ билан дона сураётган кишини дарров танийсиз. Бу Ғулом Каримов бўлади. Унинг дам олиш соатлари шундай ўтади.

Ҳомил ЕҚУБОВ,

ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби,
Беруний номидаги республика Давлат
мукофотининг лауреати;


Озод ШАРАФИДДИНОВ,

Беруний номидаги Республика Давлат
мукофотининг лауреати;

Бегали ҚОСИМОВ,

филология фанлари кандидати.





НАВОЙНИНГ ЎЗ ҚЎЛЁЗМА ДЕВОНИ

Устод Алишер Навоий ҳақида шу кунгача яратилган барча илмий асарларда буюк шоиримизнинг ўз қўлёмалари ҳақида баъзи бир жузъий ёки тахминий маълумотлар келтирилган эди. Баъзи бир навоийшунослар эса ўтмишнинг сермашаққат, серташвиш шароитида бошқа олим ва шоирларнинг асарлари сингари, Навоий қўлёмалари ҳам йўқолиб кетган бўлса керак деган хулосаларга ҳам келган эдилар.

Бундай шубҳалар ҳар қалай навоийшунослар айби билан эмас, балки кўҳна замонларда: феодал ҳукмрон доираларнинг кўпинчалик тахту тож таллашишлари билан бетиним муҳоробалар кўзғатиб халқни азоб-уқубатларга гирифтор қилганликлари, илм-фан, адабиёт, маданият ривожу равнақига эътибор бермаганликлари сабабидан эдики, бундай шароитда ота-боболар яратган маданий обидалар, жумладан китобиётнинг ҳам нес-нобуд бўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Чунончи, Алишер Навоий туғилиб ўсган Ҳирот, бир бутун Афғонистон асрлар давомида, ҳатто яқин йилларгача ҳам мустабид ҳокимлар касофатидан моддий ишлаб чиқариш асослари даққи юнусдан қолган чарх-дук, омон бўйинтуруқдан иборат бўлиб, илм-фан, маданиятнинг деярли ҳамма соҳалари жаҳолат исканжасида эди. У ерда тарихий тақдир тақозосига кўра, бошқа қардош элатлар билан бирга миллионлаб ўзбеклар ҳам, туркманлар ҳам яшаса-да; аммо уларнинг она тилларида олий ўқув юртлари қаерда, ҳатто оддий бошланғич мактаблар ҳам йўқ эди. Халқ бесавод бўлгач, қўлёмма китоблар қаерда-ю, уларни ўқиш, баҳра олиш қаерда?!

Хуллас, навоийшуносларимиз устод Алишернинг ўз қўли билан чизилган сурат остига ёзилмиш «Занжирбанд шер — енгаман дер» сўзларига зехн солардилару даст-хат устозники эканини эътироф этардилар. Ёки, афғонистонлик марҳум олим Фикрий

Салжуқийнинг мавлоно Абдурахмон Жомий 550 йиллиги муносабати билан (1964) ёзган «Хиёбон» китобида: «Амир Алишернинг таълиқ хати, имзоси ва султон муҳри босилганини «Равзатул — аҳбоб»нинг муаллифи Амир Жамолиддин Атоулло Ҳусайний номига Султон Ҳусайннинг фармони орқасида кўргандим» — деб келтирилган жумладан, Навоийнинг коллиграфияда «таълиқ» хати билан ҳам ёзгани эътироф қилинар эди.

Аслида эса Навоий «таълиқ»ни ҳам, «настаълиқ»ни ҳам, ҳатто бошқа шакллари ҳам яхши билган, кўпдан-кўп машқлар ҳам ўтказган, хилма-хил ҳунарлар, жумладан мусиқий асбобларда мақомларни ижро этишда қанчалик маҳорат касб этган бўлса, бу соҳада ҳам устозлар устози бўлиб камолот даражаларида иш юритган. Девон тузиш, «Хамса» сингари улғувор асарларни бунёд этишда эса, аввало ўз муборак қўли билан тартиб бериб, сўнгра хатотлар қалами билан нусхалар кўчиртирган.

Олима Бадри Отабой томонидан тузилган, 1976 йилда Техронда нашр этирилган икки томлик «Феҳисти девонҳои хатти» (Қўлёмма девонлар каталоги)нинг биринчи томида Алишер Навоий номи билан етти қўлёмма асар собиқ Эррон ҳукумати кутубхонасида сақлангани баъзи бир тавсифлар билан зикр этилган. Улардан, 1799 рақамли девон устод Алишер Навоийнинг ўз қўли билан кўчирилиб нашрга туширилмиш ва китоб сўнггида келтирилмиш мана бу байтлар:

Энё ул ҳақ вад-дунёу вад-дин
Бериб иккинчи девонига тазйин.
Савод узра савод ар қилди мастур
Вале маънидадур нур ала нур...

ва мана бу араб тилидаги:

«Катаба ал-абд-ал фақир Алишер ал-машҳур-б-ил-Навоий гаффора зунубаҳи» яъни: «китобнинг котиби Навоий сифатида

машҳур бўлган банда ва фақир Алишер-дир»,— деб камтарона ўқдиришларидан ҳам равшанлашади.

Шундай экан, нега устоднинг ўз дастхатидан иборат бўлган ушбу девон нашр юзини кўрмади, ёки бу ҳақда совет навоийшуносларига хабар етказилмади? Совет ҳокимияти йилларида партия ва ҳукуматимизнинг марҳамати билан устод Алишер Навоийга бағишланиб кўп маъракалар ўтказилди. Устоднинг 500 йиллик байрами (1948), 525 йиллиги (1968) байрамларида ҳам жаҳон олимлари билан бирга эронлик олимлар ҳам иштирок этдилар. Ҳатто яқиндагина Ҳофиз Шерозийнинг 650 йиллиги муносабати билан ўтказилган кенгашда иштирок этган эронлик олима Бадри Отабой ва Парвиз Хонлари бу ҳақда оғиз очмадилар.

Йўқ! Айтолмадилар! Эҳтимол, айтолмас эдилар ҳам! Зеро, бундай журъатга уларнинг ҳақу-ҳуқуқлари йўқ эди! Бунинг бош сабаби шундаки, мазкур «Девон» Эрон шаҳаншоҳи, халқлару маданиятлар дўстлигининг душмани, мустабид подшо кутубхонасида сақланар эди. Ўз шахсий манфаатлари учун мамлакатни Америка империализмига сотиб қўйган шох, Октябрь ватанининг барча халқларига, жумладан Мирзо Улуғбек, устод Алишер Навоий, Қори-Нисий, Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон сингари улуғ зотларни парваришлаб етказган ўзбек халқига ҳам душман эди.

Йўқ! Абулқосим Фирдавсий ва Шайх Саъдий, Шерозий, Шамсиддин Муҳаммад Ҳофиз ва Абулқосим Лоҳутий сингари жаҳоншумул қаламкашларни жаҳонга кўрмани эга олган қадимий ва янги ҳақу-ҳақулар билан умрибоқий Эрон халқи бундай бадкирдорликларга қарши индамай туrolлади. Ўз бахт-саодати йўлида курашди. Илгарилари подшо томонидан қатъий ман қилинган Карл Маркс, Владимир Ильич Ленин, Максими Горький, Владимир Маяковский китоблари ҳам Техрон дўконларида харид қилинаёттир. Шундай бўлгач, дунё халқларини прогрессив аҳамиятга молик адабиётлари, бой меросларини ўрганишда ҳам имкониятлар туғилаверади.

Хуллас, умидимизнинг чеки йўқ! Ишончимиз комилки, навбатдаги илмий конференцияларгача Навоийнинг табаррук дастхати «Девон» нашр юзини кўради.

Асрлар давомида қўлдан-қўлга ўтиб кадрловчилар қўлига етажagini олдиндан ҳис қилгандай, устоднинг ўзи башорат қилиб камтарлик ва тавозекорлик, рамзи бўлган: «Кун оша фи-д-дунё к-ал-ғариб ал-фақир Алишер», яъни: «Дунёда ғариб ва фақир Алишердек ҳаёт кечиргил» деб ёзилмиш муҳрини ҳам ушбу қўлёзма девонининг охириги саҳифасига босган экан.

Дарвоқе, худди ана шу ёзувли муҳрдан бошқа, биринчи саҳифа орқасида шу қадар ҳам ёзувлар, муҳрлар кўпки, улар ҳижжадеб чиқилса, ушбу муқаддас девоннинг саргузашти навоийшунослик учун фойда қимматбахо аҳамиятга молик тарихий хулосаларга ҳам олиб боради. Ҳозирча,

XVIII аср навоийшуноси: «Санглох» ёки «Мобоинул луғот»нинг муаллифи Мирзо Маҳдихон муҳри олдида: «Бу табаррук хат ва муҳр Навоийга мансубдир»— деб ёзилган сўзларга эътибор беринг-а! Бунда, бир томондан, «Девон» ҳазрат Навоий дастхати ўқтирилган бўлса, иккинчи томондан, ўтмишнинг донишманд навоийшунослари мумкин қадар муаллифнинг ўз дастхатларига мурожаат этганлари ҳам аниқлашади. Демак, Мирзо Маҳдихоннинг юқорида зикр этилган луғат китобида ҳам Навоийдан келтирилган айрим мисоллар худди ўша дастхатдан олинган. Мирзо Маҳдий тажрибаларидан чиқадиган яна бир муҳим хулоса шундаки, умуман илмий изланишларга, хусусан, Навоий каби улуғ зотнинг доно асарларини ўрганишда илож борича муаллифнинг ўз дастхатига асосланиш керак. Зеро, шундай қилинса, илмий хизматларни муҳлислар ҳам меҳр билан ўқийдилар ва илму олимлик ривожияти ҳам ўсиб бераверади.

Энди, мазкур «Феҳрист» (Каталог)да зикр қилинган Навоийнинг ўз қўлёзма девони ҳақидаги мухтасар тавсиф ва дастлабки хулосаларимиз мана бундай:

Хилма-хил гуллар туширилиб, зеб-зийнат берилган ва чарм муқова ичига тортилган «Девон» қора ва кўк рангли рамкаларда 274 саҳифадан иборат бўлиб, хати настаълиқ, ҳажми 28х19 см., шеърлар саҳифаларга 15 қатордан, айрим ҳолларда ҳошияларга ҳам жойлаштирилган. Охириги бетда юқорида келтирганимиз Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган сўзлари, байтлари, ёзуви нашрга туширилиб босилган муҳри, биринчи бет орқасида эса кейинги даврларга доир хатлар ва турли шахсларга, жумладан Мирзо Маҳдийга мансуб муҳрлар бор. Устоднинг:

БЕРИБ ИККИНЧИ ДЕВОНИМГА ТАЗ-ЙИН,— мисрасидаги ўқтиришишув девонининг «Наводир-ун-ниҳоя» эканлигига шаҳодат беради. Зеро, ана шу девондан сўнг тартиб берилган «Ҳазойинул-маоний» деб очасига ҳақ солинса: «Андин сўнгра доғи ул жамъ ва тартибдан бошқа (демак, биринчи девонни «Бадоеъ-ул-бидоъ»-дан бошқа,— В. А. Б. В.) яна бир тақриб била ҳар навъ абъётким айтилиб эрди ва ҳар навъ ғазалиётким йиғилиб эрди, ул ҳаёл шабистонининг дурашхон актларлари ва ул кўнгул гулшанининг дурашхон гавҳарларин доғи иккинчи девонимда ким «Наводир-ун-ниҳоя»га машҳурдур, рабт ва тартиб бериб, деб очасида шарҳ билан ази (ғоятда азиз) азҳоб ва ажилдан (ардоқли) аҳ-боб хизматларида қилиб эрдим» жумла-лари ҳам бизнинг даъвоимизни тасдиқлайди. Яна аниқроғи бу изоҳатдан равшанки, «ҳар навъ абъёт... ва ҳар навъ ғазалиёт»лардан таркиб топилмиш XV асрнинг 80-йилларида қоғоз саҳифаларига туширилмиш иккинчи девон «Наводир-ун-ниҳоя» устоднинг ўз қўлёзма нусхасидир. Мазкур изоҳатда келтирилмиш «Дебочасида шарҳ...» сўзлардан кўринишича «Наводир-ун-ниҳоя»нинг ҳам дебочаси бўлган. Демак, навоийшунослигимиз олдида «Ҳазойин ул-маоний»даги мукаммал дебочагача дебо-

чали девонлар муаммосини аниқлаш каби муҳим ва актуал вазифа кўндаланг бўлиб турибди. Бу изланишлардан кузатишган натижаларнинг аҳамияти шундаки, ўзбек классик шеърини тарихида дебочали девон тартиб бериш асосан устод Алишер Навоидан бошланган ва кейинги асрларда Мунис, Огаҳий сингари азамат қаламкашлар томонларидан ўша олижаноб мактаб анъаналари давом эттирилган. Дастлабки дебочали ва мукамал дебочали девонлар тартиб бериш анъаналарининг қадр-қиймати яна шунда эдики, унда ижодкорнинг қаламкашлик ҳаётидаги автобиографик ҳолатлар ва давр, замон, шароит, инъикос эттирилади. Ҳаёт манзаралари, шунинг билан бирга муаллифнинг камолот даражалари ҳам у ёки бу шакллардаги изоҳотларда ўз аксини топади. Дебочалар бир варакайига шаклланмайдилар. Шароит ва имконият тақозоларига кўра дастлаб дебочасиз, сўнгра дебочали, ёки, бошлаб чала дебочали, сўнгра мукамал дебочали девон тузиш ҳолатлари ҳам борки, буни Навоийнинг мумтоз шогирди Шермухаммад Муниснинг биринчи марта 1804 йили 27 ёшида ва иккинчи марта ба 37 ёшида тузган девонлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Дебочаларда кўпинчалик наср ва назм қоришиқлиги ҳолатлари эса, ҳам шеърли анъаналар ва насрий ривожият даражаларини аниқлашда адабиётшунослар, жумладан навоийшуносларга қўл келади. Демак, «Наводир-ун-ниҳоя» деганда олдин дебочага назар солиш, сўнгра «Девон»даги дурдоналарни ўрганишга тўғри келади. Зеро бу ердаги дебоча, бир томондан, ўша кезлардаги Навоийнинг шоир сифатидаги таржимаи ҳоли, иккинчисидан эса муаллиф томонидан «Девонга» берилган мухтасар шарҳдан иборатдир. Демак, девон тартиб беришда Навоий кўзда тутган мақсад ҳам ўрганилади. Шунинг билан бирга «Бадоеъ-ул-бидоя» даги биринчи дебоча, «Наводир-ун-ниҳоя» даги иккинчи дебоча ва ниҳоят «Чор девон»даги учинчи мукамал дебочалар муқоясаси билан Навоийнинг «дебоча» ёзишдаги маҳорат мактаби ойдинлашади.

Аммо, таассуфлар бўлсинки, ўша биз сўз юритаётганимиз «Феҳрист (Каталог)да «Наводир-ун-ниҳоя»нинг ва дебочаси ва на улуг Навоийнинг ўзи уқдиргани «Дебочасида шарҳ»дан бирор парча ҳам келтирилмаган. Бунинг устига «Қўлёзма девонлар каталоги»нинг 86—87-саҳифаларида, би-

Демангиз аҳбобки, қилмасму сен бас
 йнгламоқ,
 Ким манга тенгри насиб этмиш
 туғанмас йнгламоқ...

иккинчиси:

Кўнгул бўлур ғаминг туни ҳар лаҳза
 қайғулуқ
 Чун шом бўлди ҳарнафас ортар
 қоронғулуқ,—

матлаълари билан бошланадиган иккинчи ғазалининг фотосуратлари илова қилинар экан, уларнинг қайси девондан олинганликлари ҳам кўрсатилмаган. Бизнингча, ушбу шеърлар ҳам ўша «Наводир-ун-ниҳоя»дан келтирилган бўлса керак. Устод Алишер Навоийнинг табаррук дастхатига тааллуқли бўлган 274 саҳифали мазкур «Девон»нинг биринчи шеъри «Алиф» ҳарфи билан тугалланувчи:

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш каби
 пайдо,
 Юзунг қуёшига зарроти кави ўлуб
 шайдо,—


матлаъли ғазал билан бошланиб; охири саҳифадаги шеър эса:

Қуйида ўлди Навоий бу сифатким,
 бор эди
 Тақя ҳорову ҳасире ёна остида
 тўшак,—

матлаъли «коф» ҳарфи билан тугалланадиган ғазал билан якунланади. Ушбу шеърлар ҳам устоднинг бошқа байту ғазаллари сингари кейинчалик ўз марҳамати билан «Чор девон» дан ўрин олган.

Охирда, шуни ҳам уқтириш керакки, «Феҳрист» (Каталог)нинг биринчи томида мухтасар тавсифлари берилмиш қўлёзма 7 нўсхадан иборат Навоий асарларининг иккинчиси «Қуллиёт» деб номланган 5 таси эса ўзбек тилидаги хилма-хил лирик шеърларни ўз ичига олган девонлардан иборатдир. Ана шулардан бириси 1799 рақам билан кўрсатилиб, машҳур «Чор девон» гача биз исботлашга уринганимиз устоднинг ўз қўлёзма дастлабки иккинчи девони «Наводир-ун-ниҳоя» бўлиб, агар «Феҳрист» нашр қилинган 1976 йилдан буёғи уч йил ичида ўз жойидан бежо қилинмаган бўлса, демак эндиги революцион дўст Эрон халқ кутубхонасида барҳаётдир. Яқин фурсатда устоднинг ўз қўлёзма девони барча навоийшунослару миллионлаб Навоий мухлислари кўз ўнгида қувонч ва ифтихор чашмаси бўлиб гул-гул товланади. Шунинг билан бирга мавжуд «...Алишер Навоийнинг ўз қўли билан ёзилган биронта асари (Автографи) ҳозиргача топилмаган» каби жумлаларга ҳам аниқ жавоблар рўбарў бўлиши турган гап!

Воҳид АБДУЛЛАЕВ,
 УзССР Фанлар академиясининг
 ҳақиқий аъзоси;
Ботир ВАЛИХУЖАЕВ,
 филология фанлари доктори



ҲАЁТБАХШ ЭСТЕТИКА

А. ФАДЕЕВ ВА СССР ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТЛАРИ ТАРАҚҚИЁТИ МАСАЛАЛАРИ

Вақт коммунизм ғалабасини тобора яқинлаштираётганда. У биз қўлга киритаётган ҳар бир ғалаба кетидан, янгидан-янги меҳнат жасоратларига илҳомлантирувчи ёрқин уфқлар очиб, келажак сари даъват этмоқда. КПСС Программасида белгиланган йўлдан қанчалик олға босар эканмиз, коммунистик жамият бинокорлари олдига тарих томонидан қўйилган вазифаларнинг нақадар улуғвор эканлигини янада равшанроқ ҳис қилмоқдамиз.

Келажак учун олиб борилаётган буюк курашда новатор инсоннинг ижодий изланишлари ҳам, ўтмиш авлодлар қолдириб кетган ўлмас анъаналар ҳам ўзининг ажойиб ўрнини топмоқда. Маданият жабҳасида бу — ҳар икки жиҳат, ўз моҳият-этиборига кўра, социалистик реализм санъати шаклланиш жараёнида ягона ҳодисанинг таркибий қисмлари сифатида намоён бўлмоқда.

Коммунизм умуминсоний маданиятининг вужудга келиши мазмунан социалистик, шаклан миллий санъатнинг ҳар тарафлама гуллаб-яшнашини тақозо этади. Бунинг ўз навбатида совет адабиётшунослигида миллий ўзига хослик проблемаларига, кўп миллатли совет адабиёти тараққиётининг улкан аҳамиятига молик ғоят ибратли, муҳим масалаларига нисбатан тобора ортиб бораётган қизиқишни янада кучайтириши шакл-шубҳасиздир.

Сўз санъаткорлари диққатини ўзига жалб этаётган муайян, ҳаёт проблемаларининг актуаллиги ва ҳақиқий аҳамияти турмуш талабларига кўра белгиланади. Барча кўзга кўринган совет ёзувчиларининг хилма-хил шаклларда кўп миллатли мамлакатимиз халқлари адабиётлари тараққиёти муаммоларига мурожаат қилганлиги каби мароқли фактни ҳам ана шу ҳаёт талаби келтириб чиқаргандир. М. Горький, В. Маяковский, А. Толстой, Д. Фурманов, П. Павленко, Н. Тихонов, Всеволод Иванов — социалистик маданият тарихида ёрқин из қолдирган турли адабий авлодларга мансуб бу адибларнинг барчаси санъатнинг шаклланиш жараёни моҳиятини теран тушунар эдилар. Бу улкан сиймолар кўп миллатли адабиётимиз олдига унинг турли босқичларида кўндаланг бўлган энг муҳим масала-

ларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдирдилар.

Улуғвор мақсадлар сари олға бораётган халқ улкан ютуқларни қўлга киритгани сарин, унинг қаршисида ёрқин истиқболлар очилади, кураш йилларида боғиб ўтилган йўл кўзга янада яққолроқ кўринади. Буюк истиқболлар уфқида жаҳоншумул-тарихий жасорат кўрсатган халқ тарихидаги бурилиш нуқталари ҳам, экономика ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қўлга киритилган ютуқларнинг ҳақиқий аҳамияти ҳам равшан намоён бўлади. Дарҳақиқат, улкан адабиёт ва улкан санъат ҳамisha халқ манфаатларини ҳимоя қилиб келган, ҳақиқат ва адолатни улуғлаган. Доимо қудратли ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиб, миллион-миллион кишиларнинг онгини уйғотиб, курашга даъват этиб келаётган адабиётнинг жасоратигина эмас, балки халққа яқин, бутун умри, куч-ғайрати ва ижоди билан халққа хизмат қилган ҳар бир йирик санъаткорнинг қўшган ҳиссаси ҳам тарих кўлами билан ўлчанади, синовдан ўтади.

Александр Фадеев халқнинг, коммунистик партиянинг ана шундай фарзанди эди. Шунинг учун бу буюк ижодкорнинг асарлари ва фаолиятига биз тарихнинг яратувчиси — совет халқининг улуғ санъатига муносиб улкан талаблар билан ёндашишга ҳақлимиз. У мамлакатимизни, халқимизни ҳаяжонлантирган ҳар бир воқеага жўшқин аралашиб, ўттиз йил мобайнида адабий ҳаётнинг марказида турди.

Янги типдаги санъаткор Александр Фадеев — баркамол ва кўпқиррали сиймо эди. Ижодкор асарларининг ҳар бир саҳифасидан замонанинг томир уриши, улкан мамлакатнинг нафас олиши, ижтимоий ҳаётдаги жўшқинлик руҳи уфуриб туради. Янгиликнинг ғалабасига нисбатан бўлган қайноқ эҳтирос уни ана шу янгилик тантанаси учун фаол курашга чорлади. Бунда Александр Фадеевга табиат, ҳаёт ато қилган ноёб ва жанговар истеъдод ёрдамга келди.

Партия ходими, публицист, атоқли давлат арбоби, мамлакат ёзувчилар ташкилотининг раҳбари, адабий танқидчи ва адабиёт назариётчиси — Александр Фадеев халқи-

миз орасида ана шундай сиймо сифатида машҳурдир.

А. Фадеевдаги сўз санъатиға муҳаббат улкан санъаткор ва истеъдодли ташкилотчининг адабиётда кейинги ўн йилликлар давомида майдонға келган барча янги ва илғор нарсаларға нисбатан ҳаётбахш эътибор билан қарашида қудратли омиллардан бири бўлди. Давримиз тараққийпарвар санъатининг шаклланишини характерловчи беҳисоб ҳодисаларни кўздан қочирмасдан қамраб олиш учун ғоят катта қалб ва теран заков керак эди. Партиямиз томонидан пролетар интернационализи ва чин инсонпарварлик руҳида тарбияланган Александр Фадеев бунинг урдасидан чиқди.

Рус ёзувчиси бўлмиш А. Фадеев Ян Гус шарафиға чех қишлоқларидан бирида ёқилган гўлханлар атрофида ўтказилган оқшомлар ҳақида, Олтин Прага ва асрлар оша «чехословак халқининг довураклик рамзи, темир иродаси ва ёрқин руҳи янглиғ» қад кўтариб турган Ян Гуснинг ўзи ҳақида нақадар меҳр-муҳаббат билан гапирган эди! Дарҳақиқат, қаҳрамон халқ маданияти ўлмаслигидан далолат берувчи бу тантанали маросим мазмунидаги нафосатни илғаб олиш ҳамда ажойиб тарзда ифода эта биллиш учун санъаткор ва гражданнынг катта, сезгир қалби керак эди.

Александр Фадеевға Расул Ҳамзатов шеърлари ва Ҳамид Олимжоннинг оташин мисралари ғоят қадрли эди. У Янка Купаланинг халқчил шеърляти ва Гафур Фуломнинг сурурли сатрларини юксак баҳолар эди. У латиш прозаикларининг ютуқларидан қувонган ва Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ҳамда «Навойи» романларини ҳаяжон билан қарши олган эди. Унинг мақолалари, доклад ва нутқлари, ўзи «субъектив», деб атаган йўл-йўлакай билдирилган мулоҳазалари, тақриз ва мактубларидаги фикрлари эстетиканинг бир қанча ўзак проблемалари хусусида тўла тасаввур беради. Социалистик реализм масалалари: танқидий реализм хусусидаги фикрлари; дунёқараш ва метод, тил ва услуб, композиция ва сюжет проблемалари; формализм ва декадансни баҳолаш борасида айтган дадил, мунозарарга чорловчи мулоҳазалари; Уйғониш даври санъати ва замонавий санъатнинг синтетик шакллари, халқчиллик ва партиявийлик тўғрисида баён этган фикрлари — булар барчаси, адиб ўзининг назарий фикрларига «алоқаси йўқлиғини қайта-қайта таъкидлаган бўлса ҳам, Александр Фадеевнинг назарий масалаларға нисбатан улкан қизиқишини кўрсатади.

Ғоят камтар ва ўзига ҳаддан ташқари талабчан адиб ўзини амалиётчи деб ҳисоблаган бўлса-да, марксча-ленинча санъат назарияси масалаларини ишлаш борасида шундай теран тадиқотлар олиб бордики, унга баъзи «танилган» эстетика ва адабиёт назарийчиларининг ҳаваси келса арзийди. Ёзувчи шуғулланган назарий проблемалар ичида СССР халқлари адабиётлари тараққиёти билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин тутди.

Коммунизмнинг оташин жангчиси бўлган

А. Фадеев ҳеч қачон ҳаётдан ажралган назарийчилик билан шуғулланмас ва ҳамиша давр талабларидан келиб чиқар эди. Адиб мулоҳазаларининг бир мақсадға йўналтирилганлиғи, эстетиканинг муҳим масалаларига чинакам партиявий нуқтаи назардан ёндашганлиғи ҳам шу билан изоҳланади. У ўз фикрларини билдириш учун назарий масалаларни атайин ажратиб олмас, бунга баҳона қидирмас эди. «Баҳона»ни янги маданият қурилишининг амалий талаблари «топиб» берар эди. Муайян ёзувчи ижоди ўзи бирор миллий адабиёт тараққиётининг ёки бирор хос хусусиятлари тўғрисидаги умумлаштирувчи хулосалари ҳаётнинг ўзи каби жўшқин ва янги, ғоят бой адабий материал асосида майдонға келар эди. Эътибор билан тўпланиб теран идрок этилган фактлар асосида чиқарилган муҳим хулосалар, пировардида марксча-ленинча таълимнинг мустаҳкам пойдеворига таянмай, адабиёт ҳақидаги фанимиз тараққиётининг бош йўналишини белгилаб берарди.

Биз бу мақолада шу тарздаги проблемаларнинг энг муҳимларини таҳлил қилишга интилдик. Уларни ажратиб олишимизнинг боиси, бу масалаларнинг фақат назарий қиммати билангина белгиланиб қолмасдан, балки Фадеев — назарийчи, адабий танқидчи ижодиға бир қадар ўзига хос нуқтаи назардан ёндашишимиз билан ҳам изоҳланади. Биз забардаст санъаткорнинг социализм шароитида ўрта асрчиликдан сифатий жиҳатдан тамоман янги бўлган ижтимоий формацияға ўтган совет Шарқи халқлари маданияти хусусидаги қарашларини мумкин қадар тўлароқ ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Бунда асосий диққат-эътибор ўзбек адабиётига қаратилди.



Александр Фадеев назарий тафаккурининг миқёси айниқса адиб томонидан Октябрь инқилоби озод қилган халқлар миллий маданиятлари тараққиёти муаммоларининг ёритилиши борасида ёрқин намоён бўлди.

Фадеев эстетикасида бу марказий проблеманинг қўйилиши ёзувчининг жаҳон маданияти шаклланишининг бош тенденцияларини икки қарама-қарши система: капитализм ва социализм ўртасидаги кураш нуқтаи назаридан белгиланувчи умумий қонуниятлар асосида аниқлаш истаги билан боғлиқ эди. «Капитализм,— деган эди у урушдан кейинги даврда сўзлаган нутқларидан бирида,— мазлум халқларни жаҳолат исқанжасида сақлашға интилади, улар маданияти тараққиётига халақит беради, тўсқинлик қилади ва шу тариқа инсоният умум-маданият ҳазинасини қашшоқлаштиради. Социализм ҳар бир халқ маданияти миллий ўзига хослигининг гуллаб-яшнашиға имконият яратади ва шу тариқа инсоният маданиятини бойлатади».

Александр Фадеевнинг бу каби фикрлари унинг айни бизнинг кунларимизда улкан сиёсий ва назарий аҳамият касб этган

масалада — ҳозирги даврда инсоният ва жаҳон маданияти тараққиётининг бош йўллари масаласидаги позицияси принципиал негизларини белгилашга имкон беради. Бу позициянинг моҳияти барча ҳолатларда ҳам ўзгармасдан қолади: фақатгина тараққиётнинг социалистик йўлини тутиш орқали; фақатгина эксплуататорлик тузумини, ижтимоий ва миллий тенгсизликни яқсон қилиш йўли билангина халқлар миллий маданиятларининг гуллаб-яшнашига имконият яратилди, миллий руҳ барқ урган адабиёт ва санъатнинг қудратли юксалишини таъминлаш мумкин. Бу позиция адиб томонидан салкам чорак аср давомида изчиллик билан ҳимоя қилинди.

Максим Горькийнинг вафотидан кейин А. Фадеев интернационализм ва социалистик инсонпарварлик улуғ ғояларининг байроқдорлари ва фаол тарғиботчиларидан бири сифатида майдонга чиқди. Фашизм тимсолида ўзининг кам-кўстсиз ифодасини топган жаҳон реакциясига қарши курашда Горький анъаналарини давом эттириб, ижодий ривожлантирган адиб империализм дунёга келтирган бу жирканч кучнинг ижтимоий иддизларини теран очиб ташлади.

А. Фадеевнинг уруш йилларида ёзилган мақолаларида улмас маданият намуналарини яратган бутун бошли халқларни ҳалокатга маҳкум этган фашизмнинг ирқчилик программасини фош қилиб ташловчи рад этиб бўлмайдиган далиллар келтирилган. Бу жиҳатдан адибнинг чинакам илҳом ва кучли эҳтирос билан ёзилган «Улуғ Ватан уруши ва совет адабиёти» (1942) мақоласи диққатга сазовордир. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашист босқинчиларининг Кавказ этаклари ва Волга бўйларига томон ҳужуми айни авжига чиққан пайтда Александр Фадеев «грузин, арман, озарбайжон классик меросининг қахрамонлик анъаналарини кўрсатишга, «Октябрдан кейинги йигирма йилдан зиёдроқ вақт мобайнида гуллаб-яшнаган бу халқлар санъатини кўрсатиш ва буни Гитлернинг Кавказ халқларига нималар келтираётгани билан таққос»лашга чақиради. Бу даврда инсоният маданиятининг фахри бўлган кўп асрлик маданият эгалари — Кавказ халқлари ижодий даҳосини тан олишгина эмас, балки фашизм устидан ғалабамизнинг муқаррарлигига юксак ишонч ҳам бор эди.

Улуғ Ватан уруши зафар билан яқунлаганидан бир неча йил ўтгач, француз журналы «Эспри»нинг муҳбири Александр Фадеевдан совет кишилари ҳаётидаги ўзгаришларни акс эттиришга даъват этилган совет адабиётининг асосий хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беришни илтимос қилганда, адиб, энг аввало, социализм мамлакатини кишисининг маънавий қиёфасини белгилувчи ажойиб анъаналарнинг ворисийлигини таъкидлаган эди. «Агар, — деган эди у қўшимча қилиб, — бу ерда асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиб талаб қилингудай бўлса, мен куйидаги икки ҳолатга диққатни жалб этган бўлардим: бу — фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалаба натижасида, катта ёки кичиклигидан қатъи назар,

бошқа миллатларнинг мустақиллиги ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш билан узвий боғлиқ бўлган совет миллий ғурурининг ўсганлигидир; бу — халқлар ўртасида тинчликка интилиш, инсон қудратига, унинг табиати ва жамиятни коллектив меҳнат орқали инсон фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида ўзгартириш қобилиятига беқиёс ишончдир. Бу хусусиятларни мен социалистик гуманизм хусусиятлари, совет кишисининг янги ахлоқи хусусиятлари деб аташим мумкин».

Халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ғояси, барча халқлар маданиятига нисбатан ҳурмат руҳида тарбияловчи, улар ижодий даҳосининг равнақ топишига имконият яратувчи теран ва ёрқин интернационализм туйғуси — бу, бир томондан; иккинчи томондан эса чинакам коммунистик ахлоқ ифодачиси бўлган совет кишисининг янги хислатлари вужудга келганлиги — капитализм бўйинтуруғини улқоттириб ташлаган халқларнинг социалистик йўлдан ривожланишининг натижалари ана шулардан иборатдир.

Улуғ Ватан уруши сабоқлари А. Фадеев томонидан кенг тарихий истиқбол планида идрок этилди. Урушдан кейинги даврдаги маданият тараққиёти тенденциялари тўғрисида гапирар экан, адиб ҳамisha партиямизнинг раҳбарлик кўрсатмаларидан келиб чиқиб иш кўрди.

Империализм реакциячи маданияти намуналарини, у, қонуний тарзда санъатнинг инкирози сифатида, тобора ҳаётий замандан узилиб, эстетик қимматини йўқотиб, формалистик ўйинқароқлик кўчасига кириб кетаётган санъат сифатида баҳолади. Адиб Ватан, миллат тушунчаларини «мавҳум тушунчалар» деб атовчи «замандан узилган» кимсалар ҳақида нафрат билан гапирди, ҳаётий мазмун ва илҳомбахш туйғудан маҳрум абстракционизм санъати шоввоzlари устидан аччиқ кулади.

Фақат теран томирлари билан халқ ҳаётига чуқур кириб борган, даврининг илғор ғояларидан илҳомланган катта ҳақиқатни улуғловчи санъатгина башарият ҳаётидаги янгиликни акс эттиришга, ҳар бир миллат ижодий даҳосининг яширин имкониятларини рўёбга чиқаришга қодирдир.

Ҳозирги замон шароитида келажакка йўл очаётган ана шундай санъат социалистик реализм санъатидир. Александр Фадеевнинг 1943 йилда баён этган куйидаги сўзларида чуқур маъно бор: «Бизнинг халқимиз бутун инсоният ҳаёти тараққиётида янги сўз ва олға ташланган улкан қадамлар бўлган буюк маданият ҳамда моддий бойликлар яратди ва яратмоқда. Шунинг учун ҳам биз совет маданияти байроғини, миллий шаклларда ривожланиб, бутун инсоният тараққиётини олға томон ҳаракатга келтираётган рус, украин, грузин, қозоқ, озарбайжон ва СССРдаги бошқа халқлар маданиятлари байроғини баланд кўтармоғимиз керак». Александр Фадеевнинг таъкидлашича, барча мамлакатлар ҳамда халқлар адабиёти ва санъатининг кейинги ўн йилликлар мобайнидаги шаклан ғоят бой ва моҳият эътиборига кўра ғоят ибратли

тарихи томонидан тасдиқланаётган маданият тараққиётининг умумий тенденциялари ана шундан иборатдир.

Лекин А. Фадеев ҳозирги даврдаги жаҳон маданияти тараққиётининг бош тенденциялари тўғрисида гапирар экан, тарихий-адабий жараёнларнинг асосий моҳиятини белгилловчи умумий таърифлар билангина чегараланиб қолмайди, балки СССР халқлари адабиёти ва санъати шаклланишининг бой тажрибасига бевосита мурожаат этади. Адиб қонуний тарзда совет Шарқи халқлари адабиёти ва санъати эришган ютуқларга алоҳида эътибор беради.

— Мамлакатимизда миллий тенгсизликнинг тугатилиши,— деб ҳаққоний таъкидлайди А. Фадеев,— собиқ чор Россиясининг миллий чекка ўлкаларидаги миллионлаб меҳнаткашлар ҳаётининг қудратли маданий юксалишига мустаҳкам замин яратди.

Октябрь социалистик революцияси томонидан амалга оширилган бу жаҳоншумул тадбир, адибнинг ўз сўзлари билан айтсак, «миллионлаб янги шахсларни — илгари икки тарафлама зулм остида эзилиб келган ва баъзиларининг ҳатто ёзувчилари ҳам бўлмаган халқларни — қозоқлар, қирғизлар, бошқирдларни онгли ҳаётга чорлади, уларнинг кўзини очди. Ҳозир бу халқлар ўз она тили, турмуши, санъатининг бутун нафосати, миллий характерининг ўзига хослиги билан жаҳонга танилди». А. Фадеев ўтмишда чор Россияси ҳамда «ўзларининг» эксплуататорлари томонидан таланган, қозоқлар, қирғизлар ёки бошқирдларни бежиз ажратиб кўрсатган эмас. Чунки бу халқларнинг ёзма адабий аъёналарига эга бўлганлари ҳам маданий тараққиётда жаҳоннинг илғор мамлакатларидан сезиларли даражада орқада қолган эдилар. Масалан, Урта Осиё халқлари адабиётлари Октябрь инқилоби арафасида ҳам ўрта асрлар адабиётига хос кўпгина аъёналарни сақлаб келмоқда эдилар. Шу сабабдан социалистик реализм позициясига тамоман ўтган бу адабиётларнинг камолоти айниқса кўзга яққол ташланар эди. Бу ҳодиса Октябрдан илгари эзилиб келган Шарқ халқларига маданият соҳасида берган энг улкан имкониятларнинг самараларидан бири бўлди.

Совет Шарқи халқлари прозасининг гуллаб-яшнаганлигидан далолат берувчи ёрқин мисол сифатида адиб Мухтор Аvezов эпопеясини тилга олади. Мухтор Аvezовнинг «Абай» эпопеяси — социалистик миллатлар адабиётлари йирик прозасининг энг юксак, лекин қўлга киритган кўп ютуқларидан биридир. Ҳозирги пайтда Урта Осиё республикалари барча миллий адабиётлари вакилларининг роман ва қиссалари мамлакатимиз бўйлаб кенг шуҳрат қозонган. Садриддин Айний, Ойбек, Берди Кербобоев, Собит Муқонов, Али Тўқомбоев, Фабиб Мусрепов, Фабибдин Мустафин каби қатор бадиий проза усталари ҳозирги замон совет ва жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса қўшдилар. Октябрь овоз қилган халқларнинг навқирон реалистик адабиёти дунёда нақадар юксак баҳога сазовор бўлаётганлигини қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов

ижоди мисолида яққол кўриш мумкин. Бу улкан истеъдод соҳибининг қисса ва ҳикояларида қирғиз халқи ҳаёти гоят теран, миллий ўзига хос тарзда ёрқин ифодаланган. Чингиз Айтматов асарлари чуқур психологизм ва нафосатга бой лиризм билан суғорилган. Масалан, адибнинг «Жамила» қиссаси — замондошимиз ҳақидаги эҳтиросли ва беғубор, инсонни юксакликка чорловчи ҳаётбахш қўшиқдир. Чингиз Айтматов асарлари гўзалликка ташна ҳар бир қалб учун энг яқин дўст ва ҳамкордир.

Айни шу улкан ҳодисани — Шарқ миллий адабиётларида етук реалистик прозанинг тарихан қисқа муддатда ҳар томонлама тўла-тўқис шаклланиши ҳодисасини Александр Фадеев ўзбек совет ёзувчилари ижоди мисолида таъкидлаб кўрсади. У Ойбекнинг икки буюк асари — «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романларини «совет прозасининг мислсиз воқеалари» деб юксак баҳолайди. Атоқли адиб ўша йиллари кичик эпик жанр устаси сифатида шуҳрат қозонган Абдулла Қаҳҳорнинг истеъдоди «тобора камол топиб бораётганлиги»ни мамнуният билан қайд этади. Александр Фадеев ажойиб маиший ҳикояларида Улуғ Октябрдан илгариги меҳнаткашларнинг ҳуқуқсиз ҳаёти билан Совет ҳоқимияти йилларида бахтли турмушга эришган халқимизнинг ёрқин ҳаёти орасидаги улкан тафовутни ҳаққоний очиб берган Ойдин ижоди ҳақида самимий фикрлар билдиради.

Адабиёт ҳодисаларига истиқбол нуқтаи назаридан ёндашиш, адабиёт тараққиёти асосий тенденцияларини тўғри белгилай олиш қобилияти Александр Фадеевнинг ўз бағридан қатор йирик прозаикларни етиштириб чиқарган ҳамда бошқа миллий адабиётлар сафидан фахрли ўрнини эгаллаган ўзбек совет прозасига берган баҳосида ҳаққоний ифодасини топди.

«Ўзбек халқининг фахри» мақоласи зарбардаст танқидчи ва адабиёт назарийчиси — Александр Фадеевнинг бошқа адабий-танқидий асарлари орасида тутган ўрни билан алоҳидалик касб этади. Ўзбек халқи адабиёти ва санъати таҳлилига бағишланган мазкур асар адибнинг бошқа ишлари билан бир қаторда кўп миллатли совет адабиёти эришган ютуқлари моҳиятининг асосий жиҳатларини ҳам очиб беради. А. Фадеев СССР халқлари адабиётлари тараққиёти тажрибаларини ўрганар экан, адибнинг адабиётшуносликка доир тадқиқотларида марказий ўрин тутган социалистик реализм методи проблемалари юзасидан умумлаштирувчи хулосалар чиқаради.

Александр Фадеев — адабиёт назарийчисининг бой илмий мероси, жўшқин фаолияти тажрибаси, энг аввало, марксча-ленинча эстетиканинг адабиёт ва санъатимизнинг, илгор таълимотимизнинг коммунистик қурилиш практикаси билан алоқасининг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги асосий қондаси нуқтаи назаридан гоят муҳим аҳамиятга моликдир. Бу асосий қондани алоҳида таъкидлаб ўтиш шунинг учун ҳам муҳимки, ҳар қандай тўғри назария агар амалиётдан, ҳаётинг заминдан узоқлашса бир

чақалик аҳамияти қолмайди, ортиқча даҳ-мазага айланади.



Барча буюк истеъдодлар миллий заминда вояга етадилар. Алишер Навоий даҳоси ҳам, Пушкиннинг улкан истеъдоди ҳам бу улуг сиймолар ўз асарларида ҳаққоний гавдалантирган миллий характер каби такрорланмасдир.

Жамият тараққиёти қонуниятларини кашф этган на Маркс, на Ленин, — деб ёзади Александр Фадеев. — «Адабиёт назарияси ва танқидчиликнинг вазифалари» номли мақоласида — жамиятнинг «давлатсиз», — «миллийликдан холи» тараққиётини тасаввур этмаганлар. Империализмнинг реакцияон идеологлари Осиё ва Африка халқлари миллий санъатларини бўғиб ташлаш мақсадида кенг тарғибот-ташвиқот қилаётган «миллийликдан холи» маданият йўқ.

А. Фадеев адабиёт ва санъатнинг ўзига хослиги масалалари билан қизғин шуғулланади. У, халқ фақат яратувчигина эмас, балки миллий маданиятнинг хазинаси ҳамдир, деган фикрни қайта-қайта уқдиради эди. «Ўз қўллари билан маданиятнинг барча асосини» яратувчи халқ «миллатнинг энг яхши фазилатлари ифодачиси ҳамдир». Адиб бу фикрни Нью-Йоркдаги Мадисон сквер-гарденда 1949 йилнинг 28 мартида сўзлаган нутқида ривожлантиради.

1950 йилнинг 18 мартида Стокгольмда тинчликни ҳимоя қилишга бағишлаб ўтказилган оммавий митингда адиб, энг аввало, миллионларча оддий одамларга мурожаат қилди. Чунки «биринчи навбатда» «шўлар» энг яхши миллий анъаналар ва миллий мустақилликнинг ҳақиқий посбонларидир».

Шубҳасиз, Фадеев миллий маданиятлардаги ҳар қандай миллийлик кўринишларини ҳам улуғлайвермас эди. Халқ ҳақида гапирганда у, миллий — ўзига хос санъат ва адабиётни тараққий эттиришга, олға элтишга ёрдам берувчи илгор тенденцияларни назарда тутар ва бундай тенденцияларни амалда ҳам қўллаб-қувватлар эди.

Адабиёт ва санъатнинг миллий ўзига хослиги масаласига ёндашишда Александр Фадеев миллий характер проблемасига катта эътибор берар эди. Бу мутлақо қонунийдир. Негаки адабиёт ва санъат асарлари халқ ҳаётини бутун ранг-баранглиги билан акс эттиради. Санъат халқ турмушини тараққиётда кўрсатади, қаҳрамонлар образини яратади; энг мукаммал образлар эса миллий характер хусусиятларини ўзида ёрқин ифодалайди. Шу жиҳатдан А. Фадеев «миллий характер халқлар маданиятида ғоят бўртган ҳолда намоён бўлади» дейишга батамом ҳақли эди. Адибнинг таъкидлашича, совет адабиётшунослигининг актуал масалаларидан бири «адабиёт соҳасида миллий характернинг қай тарзда юзага келишини» ёки; бошқача айтганда, миллатнинг асосий белгиларидан бири бўлмиш — «маданиятлар умумийлиги ифодасини топган психик хусусиятлар муштараклигини» кўрсатишдан иборатдир.

Классик адабиётда миллий характер халқ оммасининг энг яхши фазилатларини ўзида акс эттирган қаҳрамон қиёфасида гавдаланади. Александр Фадеев қатор нутқ ва асарларида СССР халқлари адабиётларининг кўпгина улкан вакиллари ижодиде яратилган миллий характерлар ҳақида муҳим мулоҳазаларни ўртага ташлайди, фикрларини машҳур сўз санъаткорлари (масалан, Алишер Навоий; Муқимий ва бошқалар) асарларига мурожаат этиш орқали далиллайди.

Миллий характер катта барқарор хусусиятга эга бўлса ҳам, ижтимоий муносабатлар, ташқи муҳит таъсирида муттасил ривожланиб боради. Социалистик даврда эса, А. Фадеев ҳаққоний таъкидлаганидек, «бу энди бошқа характердир».

Катта ва «кичик» халқлар учун тараққиётнинг кенг йўлларини очиб берган социализм миллий характернинг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Социализм, — деб ёзган эди А. Фадеев 1941 йилдаёқ, — «миллий характернинг энг яхши хусусиятларининг эркин тараққиёти демасдир». Шунинг учун ҳам адибнинг тадқиқотларида миллий характер проблемаси, агар масалани кенгроқ олсак, миллий ўзига хослик, асосан турли миллат вакилларида иборат совет ёзувчиларининг ижодлари мисолида текширилади.

«Совет адабиёти ва классикларнинг буюк анъаналари» номли мақоласида Александр Фадеев совет адабиётининг ажойиб бир хусусияти ҳақида гапирди. Бу хусусият шундан иборатки, совет адабиёти ягона дунёқараш — марксизм-ленинизм таълимотида асосланиб-да, шаклларида кўра кўп миллатлидир.

А. Фадеев СССР халқлари турли миллий адабиётларига мурожаат этар экан, миллий характернинг ана шу хусусиятини таъминлашга интилар эди.

Атоқли адиб Гафур Фулом ва Ҳамид Олимжонни ўзбек маданияти энг яхши анъаналарининг давомчилари ҳамда социалистик реализм адабиёти янги анъаналарининг яратувчилари сифатида тилга олади, Максим Рильский ижоди ҳақида мулоҳаза юритар экан, уни янги социалистик жамият кишиси маънавий оламини теран очиб берган украин шоири деб ёзади.

Доғистон шоири Расул Ҳамзатов шеърларида А. Фадеев туйғулارнинг янгилигинигина эмас, балки ҳаётни янгича идрок эта билиш истеъдодини ҳам кўради. Ҳамзатов «Шарқ шеъриятининг баъзи эскирган шаклларида» воз кечиб, ўзига хос, «ижодда миллий характер хусусиятлари, халқ шеъриятининг энг яхши фазилатлари ва ўз индивидуаллигини сақлаб келаётган» катта шоир сифатида шаклланмоқда, дейди атоқли адиб.

Такрорланмас индивидуаллик, миллий ўзига хослик ҳамда адабиёт ва санъатда умуминсонийликни ифодаловчи муштараклик — Ватанимиздаги турли миллат адабиётларини таҳлил қилар экан, А. Фадеев ана шу уч муҳим ҳолатни доимо диққат марказида тутди. Муайян адиб ижодиде

миллий характер проблемасининг ҳал этилиши тўғрисида фикр юритганда,— у мазмун ва шакл, бирлигини узвий бирликда олиб, проблемани кенг кўламда ёритади.

Партиянинг миллий муносабат соҳасидаги вазифаларини белгилар экан, КПСС Программаси миллатларнинг раванг топиши бир-биридан ажралган ҳолда, миллий айримчилиқ; миллий маҳдудлик ва худбинлик шароитларида эмас, балки тобора мустақамланиб бораётган бирлик, самимий дўстлик ва қардошларча ўзаро ҳамкорлик шароитида содир бўлади, деб кўрсатади. Турли миллат вакилларида ташкил топган совет кишиларидаги (СССР халқларининг энг яхши фазилатларини ўзида мужассам этган) маънавий яқинлик, яқдиллик ана шундай шароитда вужудга келгандир. Коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган даврда миллий характер тараққиёти проблемаларини ҳал қилиш масаласини А. Фадеев ана шу йўналишда кўради. «Социализм ва коммунизм қураётган эканми,— деб ёзади Коста Хетагуров ҳақидаги (1941) мақоласида,— биз одамларда — руслар, украинлар, белоруслар, осетинларда кўп муштарак хусусиятлар пайдо бўлиши учун замин яратдик. Бу хусусиятларни социализм — янги, социалистик техника, ҳаёт кечиришининг янги шакллари бунёдга келтиради».

Лекин маданиятларнинг яқинлашуви миллий шакллarning барҳам топиб кетишини билдирмайди. Бу мураккаб ва кўп қиррали жараён ғоят жиҳдий диққат-эътиборни талаб этади. Бутун ижодий фаолияти давомида миллий шакл проблемаларини кўтариб чиққан А. Фадеев ҳамиша ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, муаммони марксизм-ленинизм таълимоти асосида ҳал қилар эди. У совет адабиётшуносларини ҳам шунга даъват этарди. «Адабий танқиднинг миллий адабиётлар соҳасидаги муҳим вазифаси,— деб ёзган эди у 1941 йилда: миллий шаклларга доир масалаларни тадқиқ этишдир». Яна бир жойда адиб шундай деган эди: «Миллий шакллар масалаларини тадқиқ этиш ва қардош адабиётларимизга улар ҳозирги тараққиётининг баъзи энг муҳим масалаларини ҳал қилишда ёрдам бериш вақти келиб етди».

Бундай даъватлар тасодифий эмас эди. Александр Фадеев эстетик қарашлари бутун системаси моҳиятидан келиб чиқар ва социалистик реализм адабиёти тараққиёти қудратли жараёнининг энг асосий талабларидан бирини ифодалар эди.

Миллий ишчилар масалаларини ҳар тарафлама ўрганишни муттасил тарғиб-ташвиқ қилганда А. Фадеев қандай нуқтаи назарга суянар эди? Бунинг асосий сабаби жуда хилма-хил, бой миллий шаклларга эга бўлган кўп миллатли адабиёт эди. Биз «миллий шакллари ранг-баранг адабиёт» яратмоқдамиз, дейди у латин ёзувчиларига мурожаат қилар экан. «Совет ватанпарварлиги ва СССР халқларининг миллий ғурури ҳақида» мақоласида эса, адиб совет маданияти миллий шакллар асосида тараққий этмоқда, деб таъкидлайди.

«Совет адабиёти ва классикларнинг буюк

анъаналари» мақоласида Александр Фадеев ёзади: «Совет адабиёти шу жиҳати билан ажойибки, у дунёқарши борасида ягона бўла туриб, ўз шаклларига кўра кўп миллатлидир. Бу совет адабиётининг мисли кўрилмаган шаклий ранг-баранглигини таъкидладики, бу адабиётга ҳар бир халқ ўзининг бадий анъаналари ва такрорланмас миллий характерини олиб кирди».

Александр Фадеев миллий шакллар қотиб қолган эмас, улар доимий тараққий жараёнини кечираётган ҳаётнинг ўзи санъатга тақдим этаётган янги мазмунни имкони борича тўлароқ акс эттиришга интилиб, ҳамиша мукамаллашиб боради, деган тўғри қарашдан келиб чиқар эди. «Миллий шакл,— деган эди у 1949 йилда Москва ёзувчилари йиғилишларидан бирида сўзга чиқиб,— бу — ривожланиб борадиган ташунча, у миллий характер жамиятни социалистик қайта қуриш билан баробар ўзгариб боргани сингари ўзгариб боради».

Александр Фадеевнинг фикрича, миллий шакллarning бу тарика ўзгариши қандай йўналишда содир бўлади? У, шубҳасиз, миллий адабиётларнинг барчаси учун тўғри келадиган умумий қондани тақдим эта олмас эди. Ёзувчининг ўзи ҳам бунга интилмаган эди. Негаки, СССР халқлари ҳар бири адабиётининг ўз анъаналари ва ягона социалистик жамият доирасида муайян ташкил топиш шароити мавжуд эди. Лекин шу билан бирга А. Фадеев социалистик жамият тараққиётининг асосий қонуниятлари ва жаҳон тарихий-адабий жараёнининг энг муҳим хусусиятлари моҳиятидан келиб чиқиб, миллий шакллар тараққиётининг баъзи етакчи тенденцияларини кўрсатиб берди.

Александр Фадеев Шарқ адабиётлари муаммолари юзасидан мулоҳаза юритар экан, бу адабиётларнинг реализм йўлидаги ҳаракати ҳақидаги фикрини собитлик билан қайта-қайта такрорлайди. Адиб Энгельснинг, реализм типик характерларни типик шароитда тасвирлашни тақозо қилди, деган машҳур фикрини догматик талқий этишга кескин қарши чиқади. Фридрих Энгельс,— деб таъкидлайди у «Адабиёт назарияси ва танқидчиликнинг вазифалари» деган мақоласида,— реализмнинг муҳим хусусиятларини намоён этувчи инсоният ва инсоният маданияти тараққиётининг кўп асрлик тарихи давомидаги шакллари текширган эмас. «Реализмнинг бу ажойиб хусусиятларини таърифлаб берган Энгельсдек зотни башарият бадий тараққиёти барча даврларига хос бўлган бундай хусусиятни ўзида мужассамлаштирган шакллар ранг-баранглигини инкор этиши мумкинлигини тасаввур қилиш мушкулдир,— деб ёзади адиб.— Бунинг учун, масалан, хитой ҳинд каби буюк халқлар ва бошқа шарқ халқлари санъати тараққиётининг баъзи миллий ўзига хос жиҳатлари ва анъаналарини эслатиб ўтиш етарлидир. Бу халқларнинг санъатида шаклнинг шартлилиги нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги маълум. Шаклнинг шартлилигини тақозо этувчи бу ҳолатда реализм оқими мазкур халқ

лар санъатларига ҳам хос деб қараш ўринлидир».

Александр Фадеевнинг юқорида келтирилган фикрлари баъзи аниқликлар киритишни талаб қилади. Негаки, бу ерда у фақат «реализм оқимига»гина «хаёт ҳақидаги ҳақиқатни изҳор этиш» ҳуқуқини беради. Бироқ бу ҳақиқатдан бошқа методда яратилган асарлар, масалан, романтизм оқимидаги асарлар ҳам бебаҳра эмас. Фадеевнинг ўзи ҳам бу ҳақда ҳаққоний фикрлар билдирган. Иккинчи томонидан, Фридрих Энгельснинг реализм ҳақидаги таърифини миллий шаклларнинг ранг-баранглиги ҳодисасини эътибордан соқит қилган ҳолда теран тушуниш мумкин эмаслиги тўғрисидаги адибнинг фикри ҳам, шубҳасиз, айна ҳақиқатдир. Александр Фадеев бу муҳим жиҳатни таъкидлаганда жуда ҳақли эди.

Адибнинг Шарқ халқлари адабиёти, хусусан, Урта Осиё ва Кавказ халқлари адабиётлари реализми тўғрисидаги фикрлари катта аҳамиятга моликдир. А. Фадеев баъзи адабиётчиларнинг бутун Шарқ шеърятини умумжаҳон-тарихий жараёни тараққиётининг методи сифатида майдонга чиққан реализмдан ҳоли қилиб қўйишлари билан ҳеч келишолмас эди. Маданий меросга бу тариқа бир ёқлама ёндашиш Шарқ адабиётларида фақат романтизмнигина тан олиб, бошқа методларнинг мавжудлигини инкор этишга, бинобарин, Шарқ адабиётларини камситишга олиб келар эди. Шунинг учун ҳам коммунист-адиб бундай нотўғри қарашларга қарши чиққан ва миллий адабиётларнинг ўзига хослигини сабот билан ҳимоя қилган эди.

Александр Фадеев фикрича, Шарқ халқлари миллий адабиётларининг классиклари ўзлари яшаган давр воқелигини шу қадар ёрқин ва ҳаққоний акс эттирган эдиларки, бу ҳолат мазкур адабиётлар шаклларининг ранг-баранглиги ва бойлиги, илғор анъаналар тушунчасининг мураккаблиги масалаларини қўйишга асос берад эди. Илғор анъаналар масаласи, айниқса, муҳим эди. Чунки миллий ўзига хос шаклларда ифодасини топган анъаналар воқеликни реалистик акс эттиришга имкон яратар эди. Шу ўринда Энгельснинг реализм хусусидаги таърифи А. Фадеев томонидан ана шундай талқин қилинади. «Урта Осиё, Озарбайжон ва бошқа баъзи республикаларнинг айрим шоирлари учун эски шарқ адабиётларининг қотиб қолган шаклларини ҳозирги замон шароитига ўйламай-нетмай, ўринсиз татбиқ этиш келгусидаги поэтик юксалиш йўлида ғов бўлиб қолганлигини ким билмайдил!— деган эди, у юқорида тилга олинган Москва ёзувчилари партия ташкилотининг 1949 йил 3 августдаги йиғилишида қилган докладыда.— Ахир, Шарқ адабиётларида ҳам илғор тенденциялар билан қолюқ тенденциялар, реалистик йўналишлар билан ҳаётдан йироқ интилишлар, адабиётнинг ижтимоий вазифасини тан олувчи йўналишлар билан тушкун, шаклбозликдан иборат йўналишлар орасида кураш борган-ку! Бу кураш ўзига хос кўринишларда, жуда қа-

дим замонлардаёқ, масалан, Низомий даврида Озарбайжонда, Навоий даврида Ўзбекистонда намоён бўлган эди. Уша замон Шарқ шеърятини шаклларининг шартлилиги биздан Шарқ шеърятини гигантлари асарларининг чуқур ҳаётий мазмунини бекитиб қўймаслиги керак. Бу шоирлар ўз ижодларининг моҳиятини шоҳ саройларининг эрмаги учун хизмат қилишда деб эмас, балки улуғ ижтимоий мазмунда деб билганлар. Шу сабабли ҳам улар ўз асарларида халқ ҳаётининг кўп жиҳатларини акс эттирганларки, бу ҳол уларни замонсининг ўзига хос реалистлари сифатида тилга олишга имкон беради. Фирдавсий ҳақида ҳам шу тариқа фикр юритиш мумкин».

Масалани бу тахлит кўламли тарзда қўйишнинг, шубҳасиз, маълум асослари бор эди. Биз ҳозирги замон адабиётининг бой, ранг-баранг миллий шаклларига мурожаат қилар эканмиз, миллий анъаналар тўғрисидаги тасаввуримизни бойитишимиз ниҳоятда зарур эканлигини сезиб қоламиз. Негаки, адабий жараённинг тараққиёт суръати Шарқ халқлари классик адабиётлари методи ва шакллари ҳақидаги догматик қарашларни остин-устин қилиб, бу бағоят актуал проблемани теранроқ тадқиқ этишни тақозо қилмоқда.

Урта Осиё республикалари адабиётлари демократик вакилларининг ижодини ўтган асрнинг умумий тарихий-адабий жараёндан истисно этиш керак эмас. Европа мамлакатларида танқидий реализмнинг ғалабаси билан яқунланган бу асрда, кейинги тадқиқотларнинг кўрсатишича, Шарқ адабиётларининг баъзиларида ҳам танқидий реализм мавжуд бўлган. Иккинчи томондан, миллий республикалардаги совет ёзувчиларининг воқеликни ҳаққоний, тарихан конкрет ва революцион тараққиётда акс эттириш борасида қўлга киритган ютуқларини такрорланмас миллий шаклларда ифодасини топган миллий анъаналарсиз теран идрок этиш мумкин эмас.

Александр Фадеев қатор атоқли ўзбек адиблари ижодига юксак баҳо берад экан, улар асарларининг миллий ўзига хослиги масаласини четлаб ўтмаган эди. Бизнинг адабиётимиз ранг-баранг адабиёт,— деб жавоб берган эди адиб совет адабиётининг муҳолифларига,— бу ранг-барангликнинг сабаби, энг аввало, совет адабиётининг кўп миллатли эканлигидадир, шунинг учун ҳам «бизнинг адабиётимизнинг қайси улкан ҳодисасини олиб қараманг, мазмуннинг янгилигидан келиб чиқувчи шаклларнинг кутилмаган ўзига хослигини кўришингиз мумкин».

Бу шаклнинг миллий ўзига хослиги Ойбек романларига ҳам, Ҳамид Олимжон шеърятига ҳам, Александр Фадеев «такрорланмас индивидуал кифоали новатор шоир» сифатида баҳолаган Ғафур Ғулومнинг оташин асарларига ҳам баравар тааллуқлидир. Бу ўзига хосликнинг манбалари қаярда? У, Фадеев таъкидлаганидек, социалистик воқелик берган янги мазмун талаби билан (бу энг асосий омиддир!) пайдо бўлади. Бироқ, бу ўзига хослик миллий анъа-

налардан озиқ олади, санъаткорнинг ижодий индивидуаллигини акс эттиради. Масалан, «Ўзбек маърифатпарвари ва совет адабиётининг бошловчиси» Ҳамза (А. Фадеев) ижодини ўзбек классик адабиётининг энг яхши аъёналари таъсиридан ҳоли тарзда тасаввур этиш мумкинми? Эки, чунончи Ғафур Ғулом шеъриятининг муҳим хусусиятларидан бири бўлмиш юксак сиёсий пафосни, публицистик жанговарликни фақат Владимир Маяковский таъсиригагина боғлиқ қилиб қўйиш тўғри бўладими? У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам ҳар иккала санъаткор асарлари шаклига социалистик революция бунёдга келтирган янги мазмун ҳал қилувчи таъсир кўрсатган. Бироқ бу сўз санъаткорларнинг асарларида, Александр Фадеев ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, бадий ижоднинг буюк ижтимоий кучини чуқур тушунишдек қимматли хусусиятни ҳам ўзида мужассам этган миллий аъёналар изи кўзга ташланиб қолади. Бинобарин, бу миллий аъёналар ўз замонаси учун прогрессив бўлган мазмунни ифодалаган. бадий шакллари текшириш нуқтаи назаридан ҳам эътиборга молик ҳодисадир. Агар А. Фадеевнинг Ғафур Ғуломга миллий аъёналарни совет адабиётининг энг яхши аъёналари билан ҳайратланарли даражада қўшиб юбора олган новатор шоир сифатида берган баҳосига синчиклаб назар солсак (А. Фадеев Ғуломга нисбатан В. Маяковский аъёналари ҳақида гапиради), мазкур фикрний янги мазмунни ғоят ранг-баранг шаклларда ифода-лаб келатган бутун ўзбек совет адабиётига нисбатан ҳам татбиқ қилиш мумкин.

Александр Фадеев мазмунан социалистик, шаклан миллий совет маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири — унинг «чуқур ватанпарварлик, миллий фахр туйғулари билан суғорилганлиги» дир деб ҳисоблар, совет маданиятининг ватанпарварлиги манбалари моҳиятини очишга катта эътибор берар эди.

Ҳар бир халқнинг ўтмишда эришган ютуқлари орасида нимаки инсоният маънавий хазинасига мансуб бўлса, буюк аҳа-


миятга молик бўлса — социализм барчасини умумхалқнинг, барча миллат ва элатларнинг мулкига айлантирди. Социализм даврида миллионларча кишилар Навоий ва Низомий, Руставели ва Рудакий яратган гениал асарларни янгидан идрок этдилар, башариятнинг бундай ўлмас фарзандлари даҳосини шарафладилар. Коммунистик партия халқларнинг қудратли кучини улғу мақсадлар сари йўналтириб, тарихан ғоят қисқа муддат ичида ҳайратда қоларли самараларни қўлга киритди, барча миллатларнинг ҳар тарафлама тараққиётга эришишлари учун кенг йўллар очиб берди. Александр Фадеев ўзбек халқи социалистик маданиятининг ютуқлари ҳақида гапирар экан, коммунистик партиянинг ана шу ҳаётбахш таъсири алоҳида таъкидлаб ўтади.


Социалистик реализм адабиёти халқимизда совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги туйғуларини камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу жанговар метод санъаткорлардан коммунизм идеалларига буюк эътиқод, буқилмас ирода, юксак онглилик талаб қилади. Бу метод сўз санъаткорларини гуманизм ва коллективизм ёрқин ғояларининг тантанасига қатъий ишонч билан қуролаштиради, совет адабиётини адолат ва ҳақиқат жарчиси, халқ бахти учун кураш байроқдорига айлантирди.

Александр Фадеев ана шу буюк совет адабиётининг ҳамиша олдинги сафларига борган жангчи-адиб, оташин курашчи, партия ва халқнинг содиқ фарзанди эди. У ҳақиқий ватанпарвар, мамлакатимиз барча халқларининг чинакам дўсти эди. Александр Фадеевнинг оташин ва пок қалби совет кишисига, бизнинг замондошимиз — коммунизм қурувчисига улкан меҳр-муҳаббат туйғуларига тўлиб-тошган эди. Буюк адибнинг ўзбек халқи адабиёти ва санъати-га доир асарлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Г. П. ВЛАДИМИРОВ,

филология фанлари доктори, Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти лауреати.





ҚУШИҚДАГИ НИДОЛАР

«Сўз санъатининг ибтидоси — фольклордир. Уз фольклорингизни тўпланг»,— деган эди совет адабиётининг асосчиси Максим Горький. Бу халқ оғзаки ижодига берилган бениҳоя катта баҳодир. Тўғри, уни наинки тўплаш, кўз қорачиғидек сақлаш ва тарғиб-ташвиқ этиш ҳам зарур. Бадиий адабиётда халқ ижоди сарчашмаларининг уч асосига, яъни қадимий ёдгорликлар ёзуви, оғзаки ижод ҳамда ёзма адабиёт намуналарига бекорга эътибор берилмайди. Чунки халқ ҳаёти ана шуларнинг ҳар уччаласида ўз инъикосини топган. Ҳар жойнинг ўз тарихи, этнографияси, урф-одатлари, тақдири бўлганидек, ўз фольклори ҳам мавжуд. Унинг намуналарини аниқлаганингиз, тоғганингиз сари қандайдир қимматбаҳо хазиналарга йўлиққандек бўласиз.

Фольклор намуналари ҳисобланган дoston, эртақ, терма, қўшиқларда инсоннинг эҳтиросли нидосини эшитасиз. Уларда тасвирланган воқеалар, жойлар бундан қанча бурун юз берганлигидан қатъи назар, яқин, таниш туюлади кишига ва баъзан те-варак-атрофингиздаги жойлар баъзи асарларда қайд этилганлигини кўриб, фахрланасиз ҳам. Масалан, «Алпомиш» достонида қайд этилган баъзи бир чизиқлар Бойсун этакларида рўй бергандек туюлади. Бу вилоятда Оқтош қишлоғи, Ойдинкўл, Тавканинг қўрғони деган жойлар борки, ерли халқ дostonдаги воқеалар, худди шу жойларда бўлган дейишади. Унинг баъзи бахшилари ва баъзи чўпонлари қўлига соз олиб, ҳамон бу дostonни жўшиб айтиб юришади. «Алпомиш» дostonини биринчи бор айтган Бобо шоирлари билан фахрланишади:

Маълумки, Бобо шоир XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган. Шеробод дostonчилиги мактаби унинг номи билан бевосита боғлиқ.

Бобо шоирнинг шогирдлари Шерна бахши, Мурод бахши, Фармон бахши, Эшмурод бахши, Чори бахши, Эшқобил бахши, Қодир бахши, Эргаш бахши, Маматрахим бахшилар (рўйхатни яна чўзиш мумкин) ҳамон давраларда гулдиратиб дoston айтиб келмоқдалар. Сурхондарё эли ўзининг юздан ошиқ юқоридаги каби за-

бардаст бахшиларини эслай олади. Улардан жуда кўплаб дoston ва термалар ёзиб олинган. Намуналар келтирамиз: Бўри бахши Аҳмедовдан «Алпомиш», Маматрахим бахшидан «Авазхоннинг зардегарга бориши», Чори Қиём ўғлидан «Шайитнома», Тошмурод бахшидан «Малла савдогар», Эшмурод бахшидан «Арғувон», Эшқобил шоир Қўшоқовдан «Ойсулув» каби дostonлар ёзиб олинган. Юқорида номлари зикр этилган халқ дostonчиларининг айримлари баъзи дostonларнинг ўз вариантлари, яъни ўзлари тўқиган вариантларига эга. Масалан, Тошмурод Тўра ўғли ҳам, Қодир шоир ҳам, Эшқобил шоир ҳам «Малла савдогар»нинг қатор вариантларини айтганлар. Бу дostonларнинг кўпчилиги Фанлар академиясида, баъзи бирлари эса бизнинг қўлимизда сақланмоқда.

М. Саидов, Т. Мирзаев, М. Муродов, А. Қаҳҳоров каби ўзбек фольклоршунос олимлари ва шу соҳанинг бошқа тадқиқотчилари халқ ижоди намуналарини излаб топишда фаоллик кўрсатмоқдалар. Улар уюштирган экспедициялар ҳар гал фольклор хазинасини қандайдир дostonлар, термалар, қўшиқлар каби ажойиб сўз дурдоналари билан бойитади.

Аммо бу воҳада халқ оғзаки ижодининг ўрганилмаган қирралари ҳам бор. Буни биз кўпинча халқ қўшиқлари соҳасида учратамиз.

Маълумки, қўшиқ — инсоннинг доимий йўлдоши, кўмакчиси. Шодлик дамларида ҳам, ғамгин лаҳзаларида ҳам, меҳнат қилаётган ёки дам олаётган онларида ҳам киши қўшиқ айтади, ҳорғинлигини ёзади, қайғу-ҳасратини енгиллаштиради.

Булбуллар босиб сайрашиб
Синдирди гулларимни.
Синган гулларга тенглайман,
Ажралган кунларимни.

Ёки:

Баланд тоғнинг чўққисиди,
Юради қоплон, кийик.
Муҳаббатнинг ўтларида,
Юраман ёниб, куйиб.

Ёки яна бир мисол:

Дарёнинг нарёгида қуш
 моладир,
 Қуш молага қайрилиб
 қушлар қўнадир.
 Ери борлар, ёрим бор, деб
 қувонадир,
 Ери йўқлар бу чўлларда
 девонадир.

Халқ қўшиқларининг ўзига хос хусусият-ларидан бири шундаки, уларда фикр тўрт-ликлар асосида берилади. Улар тилининг соддалиги, равонлиги, ибораларининг ўт-кирлиги, сиққилиги билан қимматлидир. Мазмунан мунгли, изтиробли, ҳазин овозда янграган ўтмиш қўшиқлари билан таниш-сақ, улар ижодкорларининг машаққатли ҳаёти кўз ўнгимизда гавдаланади.

Осмондаги бўз тўрғай,
 Вўзламасаңг не бўлғай.
 Юрагимнинг дардини,
 Сўзламасаңг не бўлғай.

Еки:

Чумолнининг белини
 Қилдай ёмиш дейишди.
 Вой буваниннг уйини
 Зиндон ёмиш дейишди.

Айниқса, Шеробод массивидаги халқ қўшиқларида халқ қаҳрамонларини куй-лаш, эрк ва озодлик учун кураш-ган фидойиларни мадҳ этиш, бахтли совет замонасини улуғлаш ғоялари бўр-тиб кўринади. Шу билан бирга бу ер-даги қўшиқларда ўтмишдаги оғир турмуш-дан норозилик, адолатсизликка қарши ку-раш оҳанглари эшитилиб туради.

Қуйидаги термаларга эътибор беринг.

Осмондаги оқ булут,
 Абр бўлмай нимадир.
 Восмачи юрган йўлларда
 Жабр бўлмай нимадир.

Халқ ўз қаҳрамонларини севган, улар-нинг шаънига ардоқли қўшиқлар яратган. Масалан, зулм-босқинчиликка қарши, бос-мачиларга қарши курашган Холнисо тўғри-сида шундай қўшиқлар бор:

Сой бўйида қаламбир,
 Қизарганга ўхшайди.

Ёссизгина Холниса,
 Қиз кетанга ўхшайди.
 Холниса деб қичқирсам,
 Суянганга ўхшайди,
 Ўн қўлида пилтаси,
 Таянганга ўхшайди.
 Сениннг шоҳи кўйлагинг,
 Бугун симга илинди.
 Сафимизда йўқлигинг,
 Эндигина билинди.

Совет даври ўзбек халқ оғзаки ижоди узоқ йиллардан бери давом этиб келган ўтмиш бой меросининг энг яхши анъана-ларини давом эттириш билан бирга янги, революцион ғоя ва юксак пафос билан энг ажойиб ижод намуналарини, халқ дурдо-наларини яратди. Қайси мавзуда бўлмасин сатрларга кўтаринки руҳ, бахтиёрлик мо-тивлари жо бўлди. Чунки «...Бу давр фольк-лор асарларида халқ ижодий кучи ва ғай-ратининг тўлиб-тошганлиги, унинг сиёсий, маданий, маърифий савияси аввалгига тақ-қослаб бўлмаслик даражага кўтарилганли-ги, халқ дўстлиги, халқнинг давлатга, дав-латнинг халққа бўлган муносабати, меҳнат аҳлининг давлат арбоблари ва халқ йўл-бошчиларига нисбатан муносабати совет кишиларининг ахлоқий ва хулқий гўзалли-ги каби қатор масалалар ёритилди». (Ж. Қо-булниёзов. «Ўзбек совет фольклори ва фольклористикаси тарихидан»).

Совет даври халқ поэзиясида айни за-монда ўтқири сатира ўти билан фош қилиш, ҳажв этиш орқали жамиятимиз ўқ томири-ни мустаҳкамлашга қаратилган қўшиқлар, термалар ҳам учрайди. Буларда тузумимиз руҳига ёт кўринишларни, яъни текинхўр-лик, ялқовлик, вафосизлик, субутсизлик, манфаатпарастлик, ахлоқсизлик каби қатор иллатлар муросасизлик билан қораланади. Ана шундай қўшиқлар таъсирчан ва оммабоплиги билан диққатни тартади.

Биз қуйида Сурхон воҳасида кенг тар-қалган қўшиқ ва термалардан баъзилари-ни азиз журналхонларнинг ҳукмига ҳавола қиламиз.

Тоштемир ТУРДИЕВ.

ДУСТЛИК ҚУШИҚЛАРИ

Зар нимчани кияман,
 Зари адо бўлгунча.
 Сиз билан дўст бўламан,
 Умрим адо бўлгунча.
 Зар нимча сувга тушди,
 Сувдан сунбулга тушди,
 Ишларда ёлғиз юриб,
 Дўстим эсимга тушди,
 Оқ толим бор оқатай,
 Сувлар сепиб яхлатай.
 Дўстим келган кечаси

Оромимни ухлатай.
 Дарёга гул ташладим,
 Тутиб олинг, ўртоқжон.
 Почтага хат ташладим,
 Қутиб олинг, ўртоқжон.
 Тилла соатим банди
 Узилмасин, ўртоқжон.
 Дўстлигимиз абадий
 Бузилмасин, ўртоқжон.
 Ариқ бўйида райҳон,
 Ҳидлаб тургим келади.

Олисдаги дўстимни
 Ҳар кун кўргим келади.
 Уйга кирсам ҳеч ким йўқ,

Совуқ сувни ичгим йўқ.
 Мен дўстимни соғиндим,
 Мен дўстимдан кечгим йўқ.

МУҲАББАТ ҚУШИҚЛАРИ

Севги атир гул эмас,
 Утганда ҳидлаб ўтса.
 Вақти хушлик деб юриб,
 Бир вақти ташлаб кетса.
 Сандиқ тўла сариқ гул,
 Тақсам адо бўлмайди.
 Мен ёримнинг гапларин
 Айтсам адо бўлмайди.
 Деновжоннинг шамоли,
 Унг ёғида анҳори.
 Оғиб-оғиб келади,
 Мен ёримнинг хумори.
 Дарчадан олма отай
 Боғингда гул дастага.
 Ишқим тушди, билдингми,
 Сен қоши пайвастага.
 Қўлимдаги узукнинг
 Қизил кўзи бор эди.
 Менинг азиз ёримнинг,
 Ширин сўзи бор эди.

Стул устида қалам,
 Бизлар шайдо бир одам.
 Бизларни шайдо қилган
 Шу ердаги бир санам.
 Ғўзапоя ўтини,
 Аччиқ экан тугуни.
 Ҳеч кимсага солмасин,
 Айрилиқнинг ўтини.
 Том устида седана,
 Териб осин бедона.
 Мен сиз ёрга хат ёзсам,
 Уқимасин бегона.
 Баётга сол бозингни,
 Гулёрга сол созингни.
 Қуйлаб юбор куйингни,
 Эшитай овозингни.
 Боғимда бор бир каклик,
 Оёқлари пўпаклик.
 Бизнинг ёрни сўрсангиз,
 Тили ширин Деновлик.

ХИРМОН ҚУШИҚЛАРИ

Майда-майда морисин,
 Дон сомондан орисин.
 Шундай катта хирмонга,
 Қўп барака дорисин.
 Майда-майда дейишар,
 Майдалаб ипак эшар.
 Майда эшган ипакни,
 Қиммат баҳо дейишар.

Майдалагин қўрингни,
 Оёққа тўк зўрингни.
 Гар тўкмасанг зўрингни,
 Қуритаман шўрингни.
 Осмондаги ола қуш,
 Тўрт оёғинг темир тиш.
 Шу хирмонни янчмасанг,
 Нелар ейсан бу йил қиш.

ТЕРМАЛАР

Ҳар баҳорда қабринга,
 Гуллар сочгим келади.
 Илож бўлса турғизиб,
 Олиб қочгим келади.
 Тоғлар тоши қурама,
 Қўчқор шоҳи бурама.
 Бу замоннинг қизларин
 Кокиллари улама.

Борган ери ботқоқлик.
 Қирган уйи қопқоқлик.
 Қопқоғини очсалар,
 Пайтин тегиб қочсалар.
 Жовза кирса саратонни қайтайин,
 Уч ой қишга нима жавоб айтайин.
 Уч ой қишинг ўта-ўта ёз бўлур,
 Чилла кирса чашма суви муз бўлур



МУҚАДДАС ЭЪТИҚОД ВА МАТОНАТ ҲИКОЯСИ

**Туроб ТҮЛА. Суюк мо-
мо. Ғафур Ғулом но-
мидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти, 1978.**

Кўшиқчи шоир дея таъ-
риф ва тавсифланган, дра-
матург сифатида ҳурмат
топган Туроб Тўла янги эпик
асари «Суюк Момо» досто-
нини эълон қилди.

Достон «Она — ер» номли
кириш билан бошланади.
Она — Ер — Ватан мадҳияси
фарзандлик бурчи ва садо-
қати туйғулари билан йўғ-
рилган бўлиб, Суюк мо-
мо ва унинг ўлмас фарзандла-
рига нисбатан рамзий маъно
қасб этади. Шоир ўрни-ўрни
билан Максим Горький, Ой-
бек, Ҳамид Олимжон ва
Ғафур Ғуломларнинг она-
ларга бағишланган қасида-
ларидан парчалар келтира-
ди, улуғ зот Онани улуғ-
лайди, бу билан ҳам Суюк
Момо образини руҳан бо-
йитиб боради.

Асарда бадий тўқима си-
фатида киритилган қатор
афсоналар бевосита бош
қаҳрамон фаолияти билан
узвий боғланиб, ғоявий ман-
тиқ кучини оширади.

Шоир билан ёнма-ён «ин-
қилоб суворийси» Саттор
бобо отда йўлга чиқиб бо-
раркан, кўққисдан Момо
тобутини кўтариб келаётган
ҳамқишлоқларига рўбарў
келишади. Тўрт кам юз йил
яшаб оламдан беармон ўт-
ган Момони дафн этиш ма-
росими ўтмишдаги жанго-
вар воқеаларни эслашга бир
туртки бўлди; бугунги нуру-
ний кексалар — инқилоб ча-
вандозлари қаторида «ёв
пичоғи ўтмаган» «унга яшин

топин»ган муҳтарама жасур
Момо ҳам бор эди. Шоир
жанр имкониятларидан ке-
либ чиқиб тасвирланган
кескин синфий кураш лав-
ҳаларини қаҳрамонларнинг
руҳий ҳолати, драматизм
орқали бўрттиради. Бунда
халқ афсоналари ана шу
драматизмни ҳаракатга кел-
тирувчи ички занжир вази-
фасини ўтайди. Усмаат қиш-
лоғи ҳақидаги ривоят — Ти-
лов бува ҳикоясида Усмаат
деган азамат деҳқоннинг ҳа-
лол меҳнат билан боғ-роғ-
лар бунёд этиб, тақир ер-
ларга сув чиқаргани, қиш-
лоқни бир файзли сайргоҳ-
га айлантириш учун кўп
заҳмат чеккани ҳикоя қили-
нади. Буни кўриб Қурғоқ
деган ғаламиснинг ғаши ке-
либ, Қуюн каби дажжол-
ларни ишга солиб яшнаб ёт-
ган кўкаламзорларни ҳазон
қилипти, ариқ, сой, дарё-
ларда тўлиб-тошиб оққан
сувларни қуритипти. Шунда
Мажнунтол — сув париси
Усмаатга азалдан ошиқ бўл-
ганидан дугоналарини кў-
макка чақириб қишлоққа
жон киритипти, яна ариқ-
ларда шовуллаб сув оқипти,
қишлоқни ташлаб кетган
гала-гала қушлар қайтиб ке-
липти. Қурғоқ дажжол эса
жазавага тушиб дод солип-
ти. Эзгуликка, ҳаётга қасида
ўқингандай қайнар булоқ ва
Мажнунтол ҳамон яшармиш.
Мажнунтол муҳаббатини
қурбон қилиб бўлса ҳамки,
Усмаатни яшнатди; меҳнат
аҳлининг мангулик, гўзал-
лик ҳақидаги орзу-армонла-
ри шу тариқа ифодаланди.
Навда ва булоқ Мажнунтол-

дан нишонадирки, соф му-
ҳаббатнинг ўлмаслиги, унинг
ҳаётбахш қудрати ҳам шун-
дан. Мана шу афсона ман-
тикий равишда Момонинг
ёшлиқдан меҳнаткаш оила-
да қаҳрамонона руҳда тар-
бияланиши, эл-юрт манфа-
атларининг қўрқмас йўлбош-
чиси бўлиб етишуви ва ни-
ҳоят Момонинг қизи Жил-
ва билан унинг севгилиси
Аваз қисмати ўртасида ман-
тикий боғланиш ясайди. Бун-
дай тасвирнинг иккинчи то-
мони ҳам бор, Ривоятда
баён этилган табиат ҳодиса-
ларидаги зиддиятлар ипини
шоир йигирманчи йиллар
бошида Ғаллаорол қишлоқ-
ларида рўй берган ҳаёт ва
мамот курашлари билан
боғлайди, ички ғоявий ҳам-
оҳанглик ҳосил қилишда,
ижтимоий воқеликнинг дол-
зарб масалаларига келиб
улашда зимдан замин ҳо-
зирлайди. Оқибатда давр-
нинг ўткир ижтимоий харак-
тердаги конфликти асосида
асар пафосини белгилайди.

Қадимий ривоят арқоғи
замон нафасини кўшиб, янги
мато тўқий олган шоир хиз-
мати бамисоли олчага улан-
ган гилос пайвандидирки,
унинг ҳосили бўлакча. Мана
кўринг: Момонинг қизи
Жилвани босмачилар зўрлаб
олиб қочди, онанинг алам-
зада юраги қасосга ундай-
ди. У золимларни фақат
қарғаб, уйда мук тушиб
кўмилиб, кимдандир нажот
истаб ўтирмади. Қалбида ту-
ён урган жасорат учқунла-
ниб, ҳасрат-надоматни исён-
га айлантирди. У худди бир
довул бўлиб бойвачча Тўхта-

миш кўрасига тунда ўзини урди — ўт кўйди, ёндирди, куйдирди; кулини кўкка со-вурди. «Бойвачча мулкани ер ютди»; «Кул бўлди у нақшин кошона».

...Бу — фақат қасоскор қилмиши,
Қизидан айрилган қасоскор.
Аламнинг бир дафъа кулиши,
Бир дафъа ғазабдан ёдгор.

Шоирнинг бадий маҳорати хусусида гап кетгудек бўлса, аввало, унинг шакл ва мазмун уйғунлигига ёлоҳида эътибор берганлигини айтмоқ даркор. Бунда у халқ шеърияти булоқларидан баҳраманд бўлгандир. Тасвирланаётган воқеликнинг мазмунига монанд ҳолда шеърий шаклни товлантира боради. Масалан, Уснат қишлоғига бағишланган ривоятни тасвирлашда эртанамо ҳикоя қилиш йўлини тутиб, лирик оҳангни тўла сақлаган бўлса, Момони босмачилар дўппослаб калтаклагандаги ҳолат ва унинг диалоглари баён этилган сатрлардан ўт чақнайди. Шу йўл билан шоир давр манзарасини чизади, қаҳрамоннинг ҳужумкор, енгилмас иродасини очади, характери-нинг етакчи томонларини кашф этади.

Шоир асарнинг «Дўмбира», «Тавзим» деган қисмларида бахши дўмбрасига махсус мурожаат этиб, машхур халқ бахшиси Фозил Йўлдош ўғлининг Суюк Мо-мо ҳақидаги чала достонини мукамал қилиб куйлаб бериш ниятида эканини баён этади. Анъанавий дўмбира термасини Туроб Тўла ҳам ўзича ижод қилганида бахшиларнинг қутлуғ изини кўмсаб куйлайди. Асарда халқ достонларига хос йўлни шоир «Чорраҳа» сарлавҳаси остида берилган воқеада ўринли қўллайди. Мана Мо-мо суюкли баҳодир ўғли Топилни интизор кутмоқда, бироқ Топил душман чанғалида; уни оқ наматга ўраб уч газанда отда судраб олиб кетаётди. Тонг олдида бир ғорга етганлардан Топилни ўралган наматдан бўшатадилар. Унинг тўғри йўл-

дан адашган, кўзи кўр, аслида камбағал бўлган босмачиларга айтган сўзларида шоир халқ достонларига хос вазмин диалог шаклини ўринли ишлатади. Бу ҳол достонлардаги қаҳрамоннинг банди бўлиб қолганидаги савол-жавобини эслатади. «Чорраҳа»да ўғлидан ногаҳоний жудо бўлган онанинг бўтадай бўзлаб турган ҳолати ғоят табиий ифодаланган. «От чопганда гум-бурлайди Қорақишлоқ» деб бошланадиган манзарада қаҳрамон руҳияти чуқур акс этган. Халқ достонлари руҳи тўртликларнинг тузилишида, изтиробли туйғуларининг бадий теран ифодаланишида яққол кўринади:

Топил дейди, Топилгина
трпилмайди,
Мард майдонда бўлса
агар чопилмайди,
Она илҳақ, дарвозаси
ёпилмайди,
Чақиради Суюк Мо-мо,
Суюк мо-мо.
Ўғлинг, Она, узоқда,
кўп узоқдадир,
Узоқда у узоқ ёвуз
тузоқдадир.
Оёқ-қўли боғлиқ, ёмон
фирондадир,
Сабр айлагин Суюк Мо-мо,
Буёқ Мо-мо.

«Суюк Мо-мо»да энг ёрқин тасвирланган «Боғда-гул» бобида ижодкорнинг эҳтирос ҳисси етакчилик қилади. Амир ҳарамини қизлар билан тўлдирган Лаъли далла гўзал қизни айёрлик билан қўлга тушириб, газанда оғаси Хўжамқулга ҳадя қилади. Бу ишни Турсун тайёрлаган эди. Шоир тасвирда ҳаққонийликка эришади, зўрланган қизнинг ҳолати, Хўжамқулнинг таслим бўлмаган қизни отиб ташлаш эпизоди ғоят таъсирчан ифодаланган.

Топил тарлон ёвқур Суюк Момонинг ўғли. Муқаддас инқилобий эътиқоднинг қудрати ва сабот-матонат, жасорати жиҳатдан асарда бу ижобий образлар бир-бирини тўлдиреди, бойитади. Момонинг ёвларга қаҳр-ғазаби, оловли қалби, қилич дамидай ўткир иродаси, амалий фаолияти, фарзандларига муносабати жами Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тарихий ғалаба-

ларини ҳимоя қилишга қаратилган. Она характерида ярқ этиб кўринган ҳолат, унга илҳом, куч бағишлаган манба озод нафас қадр-қиммати, социалистик тузумга, Ленин ғояларига, янги замонга бўлган чексиз садоқатдир. Шоир Мо-мо табиатида хос сергаклик, серташвиш, ичдан қайғуриш, ҳаётга ўта масъулият ҳисси-ни чуқур идрок этиш, душман қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслик учун ақл-заковатни бутун қатъиятлик билан ишга солиш каби ажойиб фазилатларни юксак бадий ҳарорат билан ёрқин акс эттира олган. Мана, ошга ўртоқ, бошга тўқмоқ икки душман Мулла Турсуннинг хонлиги туфайли Момонинг суюкли қизи Жилва билан унинг севгани Азиз Тўхтамиш қазноғида ҳалок бўлдилар. Момонинг уйда уларнинг жасади. Ваҳима, уввос йиғи она қалбини забт этмоқчи. Асарда «Қора совуқ» сарлавҳаси остида тасвирланган воқеа, назаримда, кульминацион нуқтани ташкил этади. Забардаст она қалби унга гулу солган тубли изтироб зиддиятлари гирдобида қолади. Фақат ниятларининг поклиги, улуғворлиги, умид-ишончининг барқарорлиги, ўзи танлаган йўлнинг порлоқлиги, ёруғ кўнларнинг аниқ истиқболлари унга битмас-туғунмас куч, ирода, ғайрат, қатъиятлик бахш этади, унинг буюк қалбида ғазаб-нафрат олови аланга олиб, уни ёвлардан сўзсиз ўч олишга даъват этади.

Жойнамознинг тепасида
Жилва, Азиз жасади.
Суюк Мо-мо ҳалқумига
зўрлаб келади уввос.
Аmmo уввос залворини
матонати босади...
— Қасам бўлсин, кўзим
нури ёлғиз қизим
бошида.

Эй, сафсата эшиклари
парчаланиб бекилинг,
Мен дунёни тўлдираман,
маъғулар кўз ёшига!..

Асарнинг финал қисмида қизлар кушандаси босмачилар тўдасининг жасосини бериш мақсадида Момонинг Тўхтамиш бойнинг аёли «Хонсулув» қиёфасида

уларга «холис хизмат қилиб» ўзини «бахшида» қилиши жозибали тасвирланган; шоир бу эпизодни жонли тасаввур этишда эпосимизда кенг қўлланиладиган усулни ўринли ишлатади: кампир банорас паранжида кириб босмачиларга тайёрланган таомга наша қўшиб, ёвларни қўлга туширади. Онанинг ўғли Топил билан ўз ҳовлисида учрашуви унинг севинч ва ҳаяжонини ўн чандон оширди. Бу оддий учрашув эмас эди. Қишлоқларни хонавайрон қилган, неча-неча қизларнинг номусини барбод этиб, оналарини қон йишлатган босмачи газандаларни қийратган баҳодир қизил аскарлар комиссари Топил билан Момонинг жанговар ҳолатда, ёв ер тишлаган кезде дийдор кўришуви эди.

Ям-яшил кенгликларда музаффар совет байроғини баланд кўтариб келаётган қизил аскарларнинг ғолибона руҳини, қишлоқ аҳолисининг шодиёна кайфиятини акс эттириш учун шоир халқ термалари йўлини танлайди.

Туроб Тўла катта дoston куйлади. Достонда босмачиларга қарши жанговар кураш йиллари қаҳрамонларини куйлади, уларнинг ўлмас образларини яратди. Халқ поэзиясининг билимдони эканини кўрсатиб, анъанавий фольклор материаллари (ривоятлар, ўлан, терма, кўшиқ, алла, ҳикоялар) ва бадий шаклнинг энг жозибадор нуқталарини топиб, уларни улўввор инқилобий ғояларни куйлашга хизмат қилди. Шоир изланишларининг самараси ҳам шунда. Шундай қилиб, «Суюк Момо» асари халқ оғзаки ижоди билан ўзбек совет поэзияси анъаналарининг синтези сифатида майдонга келдики, у шеъриятда халқ ижодиётидан ўзгача бир йўлда унумли ва ўринли озиқланишнинг янги кўринишидир. Мусиқийлик, равонлик фикрнинг динамик ўсувига мос тушган. Автор баёни асардаги воқеаларни бошқарар экан, тасвир воситаларини ва усулини янгилаб туришдан ташқари шоир айрим сўзнинг чуқур маъно қирраларини очади.

Асарнинг охирида Момонинг қутлуғ ҳаёт йўлига яқун ясалади. Асарда айрим камчиликлар ҳам учрайди. Унда композицион аниқлик, маълум даражада яхлитлик етишмайди: тасвирланаётган воқеаларни бир-бири билан боғлайдиган асоғий ҳалқалар баъзан узилиб қолади, Нерунинг Самарқандга келиши баёни, Топилнинг Мулла Турсун билан айтишувида Топилнинг «юқоридан келман от ўйнатиб» деб бошланадиган лапар йўлидаги қўшиғи воқеаларни бир бутун ҳолда тасаввур этишга халақит беради.

Хулоса қилиб айтсак, Туроб Тўла «Суюк Момо» орқали шеъриятимизда юксак нафосат ва гражданлик туйғуси билан авлодларга ибрат бўла оладиган қаҳрамонликни шарафлади.

Асар Суюк Момо Бозорбоева жасоратига қўйилган буюк ҳайкалдир.

Охунжон СОБИРОВ,

филология фанлари кандидати



Бош редактор: МИРМУҲСИН.

Редколлегия: УЙГУН, ЗУЛФИЯ, Ҳ. ҒУЛОМ, С. АЗИМОВ, И. РАҲИМ, И. ЮСУПОВ, Р. ФАЙЗИИ, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Т. ТУЛА, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), Ҳ. АБДУСАМАТОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, Ҳ. ШАРИПОВ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, О. ҲУСАНОВ.

© Шарқ юлдузи, 1979.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 7.

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1979.

Рассом А. Қамбаров.

Техредактор М. Мирражабов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторлариға қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга: «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 26/IV-1979 й. Босишга рухсат этилди 11/VI-1979 й. Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Қабариқ босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 21. Нашриёт ҳисоб листи 20,06. Тиражи 200159. Р—07274. Заказ № 615.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси, Тошкент — 1979.
Тошкент-700129. «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ, № 1.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,

МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА, ОЧЕРК-ПУБЛИЦИСТИКА,

САНЪАТ, ХАТЛАР БУЛИМИ — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА

АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.